

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

М.Ҳ. РУСТАМБОЕВ, Е.Н. НИКИФОРОВА

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг
қарори билан юридик олий ўқув юртлари талабалари учун
дарслик сифатида тавсия этилган.*

ТОШКЕНТ - 2005

Муаллифлар: **Рустамбоев М.Х.**, юридик фанлари доктори, профессор, **Никифорова Е.Н.** юридик фанлари номзоди, доцент (I, XIII, XIV, XV боблар) - Ҳаммуаллифликда;

Рустамбоев М.Х. юридик фанлари доктори, профессор (IV, V, VI, VII, VIII, XI боблар);

Никифорова Е.Н. юридик фанлари номзоди, доцент (II, III, IX, X, XII боблар);

Юридик фанлари номзоди, доцент, **З.Ф. Иноғомжонованинг** умумий таҳрири остида.

Тақризчилар: **Мухитдинова Ф.Ф.**—Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси ўринбосари,
Шарофутдинов А.А.—Ўзбекистон Республикаси ИИВ ўринбосари

Дарсликда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчиликка, Олий суд Пленум қарорларига асосланган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг тушунчалари, унинг белгилари, функциялари, суд ҳокимиятининг моҳияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси суд тизимига тавсиф берилади. Одил судловнинг тамойилларини изоҳлаш, судларнинг ташкилий ва моддий-техник таъминоти масалаларига, юридик ёрдам кўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор берилган. Бундан ташқари жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш тушунчаси, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимига тўхталиб ўтилган.

Мазкур дарслик юридик олий ўқув юртлари ва факультетлари талабалари, аспирантлар, илмий ходимлар ва ўқитувчилар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун мўлжалланган.

© М.Х. Рустамбоев, Е.Н. Никифорова, 2005 й.
© Тошкент Давлат юридик институти, 2005 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....8

I БОБ. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

- 1.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тушунчаси.....11
- 1.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари (функциялари) ва уларни амалга оширувчи органларнинг умумий тавсифи.....18
- 1.3. "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг тушунчаси ва мазмуни.....28
- 1.4. "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг юридик фанлар тизимида тутган ўрни.....31
- 1.5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисидаги қонунчилик.....33

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.

- 2.1. Ҳокимиятлар бўлиниши тизимида суд ҳокимияти..52
- 2.2. Мустақил Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг шаклланиши.....61
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг умумий тавсифи.....73

III БОБ. ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ.

- 3.1. Одил судлов ва унинг демократик тамойиллари.....80
- 3.2. Қонунийлик тамойили.....88
- 3.3. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши.....91
- 3.4. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши.....93
- 3.5. Ҳамманинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида одил судловни амалга ошириш.....98
- 3.6. Ҳамма судларда ишларни ошкора кўриб чиқиш...101

3.7. Суд ишлари юритиладиган тил.....	102
3.8. Судда ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши.....	105
3.9. Айбсизлик презумпцияси.....	106
3.10. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш.....	109
3.11. Ўзаро тортишув ва тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили.	114
3.12. Одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштирок этиши.....	119

IV-БОБ. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАНЛАРАРО, ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАНЛАРАРО ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ.

4.1. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро ва туман (шаҳар) судлари, — умумий юрисдикция судларининг асосий бўғини, уларнинг ваколатлари.....	128
4.2. Туманлараро, туман судларида ишни ташкил этиш.....	135
4.3. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	138
4.4. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси.....	140

V-БОБ. УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИНИНГ ЎРТА БЎҒИНИ.

5.1. Ўрта бўғин судьяларнинг ваколатлари.....	144
5.2. Ўрта бўғин судларининг таркиби ва тузилиши.....	147
5.3. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раиси ваколатлари ва бу судларда ишларни ташкил қилиш.....	149

VI-БОБ. ҲАРБИЙ СУДЛАР.

6.1. Ҳарбий судларнинг вазифалари ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси суд тизимида тутган ўрни.....	157
6.2. Ҳарбий судларнинг ривожланиш босқичлари.....	158

6.3. Ҳарбий судларнинг ташкил этилиши ва судловлилик асослари.....	168
--	-----

VII-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд тизимидаги тутган ўрни. Олий суд ваколатлари.....	174
7.2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилиши, тизими ва таркиби.....	176
7.3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ва суд ҳайъатларининг раислари.....	181
7.4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати. Илмий-маслаҳат кенгаши.....	183
7.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди шаклланишининг асосий босқичлари.....	187

VIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ.

8.1. Хўжалик судларининг вазифаси ва Ўзбекистон Республикаси суд тизимида тутган ўрни.....	199
8.2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди: ташкил этилиш тартиби, таркиби, тизими ва ваколатлари.....	204
8.3. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари.....	211

IX-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ

9.1. Конституциявий назорат тушунчаси ва унинг манбалари.....	221
9.2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва унинг ваколатлари.....	224
9.3. Конституциявий суд фаолиятининг асосий тамойиллари.....	228
9.4. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкилий асослари.....	231
9.5. Конституциявий суд қарорлари, уларнинг турлари,	

мазмуни, тизими ва юридик аҳамияти.....	245
9.6. Конституциявий суд Аппарати, унинг вазифалари ва ташкил этилиш асослари.....	248
9.7. Конституциявий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши.....	250

X БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУДЬЯЛАР МАҚОМИ

10.1. Судьялар мақоми тушунчаси ва умумий тавсифи..	254
10.2. Судьялар мустақиллигининг кафолатлари.....	259
10.3. Судьяларнинг дахлсизлиги.....	272
10.4. Судьялар ваколатини тухтатиш ва муддатидан илгари тугатиш.....	274
10.5. Судьяларнинг малака имтиҳони ва уларга малака даражаларининг берилиши.....	281
10.6. Судьяларнинг интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш тартиби.....	284
10.7. Судьялар жамияти.....	287

XI БОБ. АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА СУД ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА МОДДИЙ- ТЕХНИК ТАЪМИНОТИ

11.1. Суд фаолиятининг ташкилий, моддий-техник таъминоти, тушунчаси ва унинг аҳамияти.....	290
11.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифалари ва функциялари.....	299
11.3. Адлия органлари ривожланишининг асосий босқичлари.....	308
11.4. Нотариат.....	321

XII-БОБ. ПРОКУРАТУРА ВА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

12.1. Прокурор назорати, унинг вазифалари. Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари.....	303
12.2. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари.....	348
12.3. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг	

тизими ва уларнинг ташкил этилиши.....	353
12.4. Прокуратура органлари ходимлари.....	362
12.5. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил топиши ва ривожланиши.....	367

XIII БОБ. ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШ

13.1. Жиноятларни очиш ва тергов қилиш тушунчаси..	385
13.2. Дастлабки тергов тушунчаси ва унинг вазифалари..	389
13.3. Дастлабки тергов ва суриштирув. Уларнинг ўзаро муносабати.....	395
13.4. Суриштирув органларининг ривожланиш босқичлари.....	401
13.5. Терговчининг процессуал ваколатлари. Терговчининг суриштирув органлари билан ўзаро алоқаси.....	405
13.6. Суриштирув органлари.....	416

XIV БОБ. ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

14.1. Адвокатура тушунчаси, унинг вазифалари ва адвокатлик фаолиятининг турлари.....	467
14.2. Ўзбекистонда адвокатуранинг ривожланиш босқичлари.....	474
14.3. Адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари..	484
14.4. Адвокатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.....	491

XV БОБ. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА СУД, ПРОКУРАТУРА ВА АДВОКАТУРА

15.1. Буюк Британия.....	502
15.2. Германия.....	508
15.3. АҚШ.....	519
15.4. Франция.....	530
15.5. Япония.....	540
Илова.....	546
Назорат учун тестлар.....	553
Фан бўйича дастур.....	587

КИРИШ

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанидан таълим беришнинг асосий мақсади талабалар, бўлажак ҳуқуқшунослар онгида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва уни амалга оширувчи давлат ва нодавлат муассасалари ҳақида аниқ тассавур (тушунчани) шакллантиришдан иборатдир. Бундай муассасалар қаторига суд, прокуратура, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, адлия органлари, шунингдек, адвокатура киради. Табиийки, асосий эътибор судларга қаратилган, чунки бу органлар шундай ваколатларга эгаки, бу ваколатларнинг мажмуи уларни давлат ҳокимиятининг мустақил бўғини-суд ҳокимияти деб аташ учун асос бўлади.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанидан таълим бериш ҳуқуқни муҳофаза қилиш тушунчаси, унинг асосий йўналишлари, суд ҳокимияти, конституциявий назорат, одил судлов ва уни амалга оширувчи органлар, судларнинг ички тузилиши ва ваколатлари, прокурор назорати ва прокуратура, жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш, адвокатура ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг бошқа шакллари тўғрисида билим олишни кўзда тутди. Бундай билимлар талабаларнинг ўқув муассасасини якунлаганларидан сўнг ҳуқуқий фаолиятнинг барча жабҳаларида келгуси амалиётлари учун зарурдир.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: мантиқий фикрлаш, ўқув курсининг асосий назарий қоидаларини мустаҳкамлаш, талабалар томонидан қонунчиликни амалиётнинг муайян ҳолатларида қўллаш олиши юзасидан амалий тажрибани эгаллаш. Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органларининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи ҳамда унинг замонавий тузилиши ва фаолиятини ўрганиш, талабалар томонидан суд, прокуратура, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, адлия органлари ва адвокатура каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида амалдаги қонунчиликни чуқур ўзлаштирилишига ёрдам бериши керак. Бу органларнинг вазифалари, тузилиши, тартиби, таркиби, тизими, тузилмаси, амалга ошираётган функциялари ва бири-бири билан алоқадорликда фаолият юритиши тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш мазкур фанни ўрганишнинг мақсади ҳисобланади.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани **"Жиноят процесси"**, **"Прокурор назорати"**, **"Фуқаролик процесси"**, **"Маъмурий ҳуқуқ"** ва бошқа шу каби илмий-амалий ҳуқуқий фанларни ўрганиш ва ўзлаштириш учун асосий аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва уни амалга оширувчи давлат ва нодавлат муассасалари тўғрисидаги маълумотлар талаба-ҳуқуқшунослар учун ниҳоятда зарурдир.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани таълим олаётган талабаларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, ҳамда атроф табиий муҳитни жиноий таъқиблардан ҳимоя қилишнинг қатъий воситаси сифатида чуқур ҳурмат туйғусини тарбиялаш учун хизмат қилади.

Фанни ўзлаштириш таълим беришнинг анъанавий ва интерактив услублари воситасида амалга оширилади, булар: экспресс сўровлар, тест сўровлари, дастур асосида таълим бериш, давра суҳбатлари ўтказиш, ролли ўйинлар, коллоквиумлар, таълим беришнинг техник воситаларидан фойдаланиш, ҳуқуқий клиника, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқалардир.

Ўрганилаётган фаннинг мураккаблиги шундан иборатки, талаба бир эмас, бир қанча турли даражадаги ҳуқуқий актлар билан ишлашига тўғри келади. Улар қаторига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро шартномалар, қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий актлар киради.

Жамиятимиз ҳаёти жуда тез ривожланиб бормоқда, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, жиддий ўзгартиришлар бутун суд тизимига, судьялар мақоми, уларнинг мустақиллик кафолатларини мустаҳкамлашга, прокуратурага, судлар фаолиятини ташкилий ва моддий-техникавий жиҳатдан яхшилашга, адвокатурани ташкил этилишига тегишли бўлади.

Ушбу дарсликнинг биринчи нашри чоп этилганига ҳам бир йил бўлди. Бу давр мобайнида судлар фаолиятини ташкил этилиши ва асосларини, прокуратура, суриштирув ва фаолиятини дастлабки тергов органларини Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ўрганишда ҳисобга олинishi зарур бўлган янги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бундан ташқари, принципиал аҳамиятга эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари қабул қилинди. Уларга, аввало, ушбу Пленумнинг 19 декабр 2003 йилнинг "Ҳимоя ҳуқуқини таъминлайдиган қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори тегишлидир.

Бундан ташқари, ушбу дарсликнинг дастлабки нашридан ижодий фойдаланган ҳамкасбларимиз, ҳамда "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанини ўрганган талабаларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди.

Муаллифлар дарсликнинг дастлабки нашрини яхшилаш юзасидан жиддий таклифлар берган барча мутахассисларга ўз миннатдорчиликларини билдирадilar. Ушбу фикр-мулоҳаза ҳамда таклифларни ўрганиш мобайнида дарслик мазмунини янгилаш ва унга бир неча ўзгаришлар, аниқликлар ва қўшимчалар киритиш имконияти туғилди.

I БОБ. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

1.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тушунчаси

Адабиётларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ҳамда уларни тавсифловчи белгилар тўғрисида ягона фикр йўқ. Айрим муаллифлар "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" тушунчасига кенг ва ҳар томонлама ёндашганлар, уларнинг фикрича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа ижро органларини киритиш мумкин, суд, прокуратура, ҳамда адвокатура ва нотариат тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади, чунки юқорида санаб ўтилган органларнинг барчаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда қўриқлашда ўз ўрнига эга.¹

Давлат органлари турли хил масалаларни ҳал қиладилар, яъни иқтисодиёт фаолиятини таъминлаш, ташқи сиёсатни амалга ошириш, илм-фан ривожига шароит яратиб бериш, таълим, фан, маданият, муҳофаза қилиш фаолиятини таъминлаш в.б. Ҳар бир давлат органи ўз вазифалари ва функцияларини амалга ошириш билан бир қаторда қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, меҳнат коллективларини ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш каби бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни ҳам амалга оширадилар.

Давлат ва жамиятдаги институтларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ўрнини топган. Хусусан, Конституциянинг 13-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

¹ Қаранг: Габричидзе Б.Н., Елисеев Б.П., Чернявский А.Г. и др. Правоохранительные органы Российской Федерации: Учебно-справочное пособие. - М.: "Дело и Сервис", 2002, 7-бет.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади," дейилган.

Ушбу масала ЎЗР Конституциясининг 2,15,19,20,43-моддалари ва бошқа бир қатор моддаларда ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний йўллар билан таъминлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпгина давлат органларининг фаолият доираси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонунийликни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш билан чегараланиб қолмайди. Биринчи навбатда улар хўжалик, фан, маданият, муҳофаа қобилияти, ташқи сиёсат ва бошқа соҳалар билан шуғулланадилар. Қонунийликни таъминлаш ва тартибни сақлаш функцияларини улар ўзларининг асосий фаолиятлари билан биргаликда амалга оширадилар.

Юридик адабиётларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига тор, ўзига хос ёндашув мавжуд.

В.М. Семёнов ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини қуйидагича таърифлайди: ...ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари - бу давлат органлари ва жамоат ташкилотлари бўлиб, улар ўз фаолиятини қонун ҳамда демократик принципларга асосланган ҳолда амалга оширадилар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлайдилар, фуқаролар, меҳнат жамоалари, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладилар, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва қонун ҳамда ҳуқуқий тартиботни бузган шахсларга давлатнинг мажбурлов ёки жамиятнинг таъсир чораларини қўллайдилар.¹

Ушбу тушунча ўзининг моҳиятига кўра барча давлат органларига тегишлидир, чунки санаб ўтилган функциялар уларнинг барчасига хосдир.

Ушбу тушунчанинг асосини қонунийлик ҳамда ҳуқуқий тартибот ташкил этади. 1992 йил қабул қилинган ЎЗР Конституциясида қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот иборалари

¹ Семенов В.М. Правоохранительные органы в СССР: Учебник - М.: Юрид. лит., 1990, 28-29-бетлар.

кўп ишлатилган, аниқроғи 121-модданинг 2-қисмида: "Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин" дейилган. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ЎзР Конституциясининг 24-42, 43-54 ҳамда бошқа моддаларда ҳам кўрсатилган ва кафолатланган.

Ушбу бобда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳамда "ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" тушунчасининг умумий масалалари кўрилатган экан, бу ерда ушбу масала юзасидан изланишлар олиб борган бир қатор муаллифларнинг қарашлари, фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу масалага ёндашувлар ҳамда қарашлар турличадир.

Масалан, *А.П. Рыжаков*нинг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлиб, қонунга мувофиқ жисмоний (юридик) шахсларнинг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминловчи муассаса, мансабдор шахс ёки бошқа шахслар (масалан, судья, терговчи, юридик ёрдам кўрсатувчи фуқаро) ҳисобланади.¹

Бизнинг фикримизча, ушбу тушунча етарли даражада тўлиқ бўлмай, унда фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг айрим элементлари тўғрисида гап боради.

В.Н. Галузонинг фикрича: "Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ўз ичига алоҳида элементларни олган мураккаб ташкилий тизимни акс эттиради. Ушбу тизим замирида, одатда, Россия Федерациясининг федератив тузуми, унинг маъмурий ҳудудий бўлиниши ҳамда ҳарбий-маъмурий бўлиниши ётади".²

Ушбу фикрни *Б.Н. Габричидзе* асосли равишда танқид қилиб, давлатнинг ҳарбий-маъмурий бўлиниши ҳеч қандай

¹ Рыжаков А.П. Правоохранительные органы. Учебник—М.: Контракт, Инфра—М, 2001, 4-бет.

² Галузо В.Н. Система правоохранительных органов. М.: ЮНИТИ—ДАНА, Закон и право, 2000, 287-бет.

вазиятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бутун тизимига таъсир кўрсатмаслигини таъкидлайди.¹

Қуйидагича таъриф ҳам мавжуд: "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари соҳавий фаолияти хусусияти бўйича алоҳида мустақил давлат органлари гуруҳини ташкил этиб, улар олдиларига аниқ бир мақсадни кўядилар".²

Юқоридаги таъриф ўзининг қисқалигидан "ажратилган" деганда нимани назарда тутиши ҳамда "соҳавий фаолият" нимани англатиши ҳақида туғиладиган саволларга жавоб бермайди.

Адабиётларда шундай таъриф ҳам борки, унда асосан "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" атамаси терилган, йиғма ҳисобланади.

Унда бир неча давлат органи бирлашган бўлиб, хусусиятига кўра улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида қонун билан белгиланган ваколати доирасида шахс, жамият, давлат манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқлаш бўйича ихтисослашган ҳолда фаолият олиб борадилар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси билан бошқа функцияларни биргаликда амалга оширадилар.³

Ушбу таъриф танқид қилинган бўлиб, бизнинг фикримизча бу танқид асослидир. Чунки бу ерда ушбу гуруҳларнинг принциплари қандай эканлиги, фуқаролар, жамият, давлат манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ихтисослашган органлар қайсилар эканлиги аниқ ёритиб ўтилмаган. *К.Ф. Гуценко ва М.А. Ковалевларнинг* ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти мазмуни ва хусусиятларига тааллуқли фикрлари бизда қизиқиш уйғотади.

Ҳуқуқий тартибот органлари тушунчаси билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тушунчаси бир-бирига яқин ҳисобланади. Ушбу тушунчалар ўхшаш бўлгани билан улар

¹ Габричидзе Б.Н., Елисеев Б.П., Чернявский А.Г. и др. *Правоохранительные органы Российской Федерации: Учебно-справочное пособие*. М.: "Дело и Сервис", 2002, 13-бет.

² *Правоохранительные органы Российской Федерации / Под редакцией В. П. Божьева*. М.: Спарк, 2001, 17-бет.

³ Фокин В. М. *Правоохранительные органы Российской Федерации*. М.: "Былина", 1999, 5-бет.

айнан бир тушунча деган фикр уйғотмаслиги керак. Чунки ҳар қандай ҳуқуқий тартибот органи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи эмас. Айтиб ўтиш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сафига ҳуқуқий тартибот органларидан бир қисмини киритиб бўлмайди.

У ёки бу давлат органини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сафига қўшишда амал қиладиган талабларни англашда "ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти" деб ном олган фаолиятнинг хусусиятларини аниқлаш керак. Ушбу тушунча нисбатан ёш тушунча ҳисобланиб, амалдаги ҳуқуқшуносликка 50 йиллар охири - 60-йиллар бошларида кириб келганлиги сабабли бошқа атама ва тушунчаларга қараганда "мурғак" дейиш ўринли бўлади. Унинг атрофида фаол тортишувлар кечмоқда, турлича фикрлар билдирилмоқда. Аммо ҳозирги амалдаги қонунчилигимизда бу ҳақда аниқ кўрсатмалар йўқ.

Давлат фаолиятини кўриб чиқаётган мавжуд доктриналар аниқ хусусиятларга эга. Улардан *бири* шунда кўринадики, бундай фаолият ҳар қандай усул билан амалга ошмайди, балки фақат ҳуқуқий таъсир чораси қўллангандагина намоён бўлади. Унга қонун билан йўл қўйилган давлатнинг мажбурлов ҳамда жазолаш усулларини киритишимиз мумкин. Масалан, жиноят содир этилган тақдирда, унга нисбатан жиноят қонунчилигида назарда тутилган жазо ёки қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилади; жиний жавобгарлик келтириб чиқармаган ҳолда моддий зарар етказилганда, зарарни қоплаш мажбурияти юкланади; агар шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилмаган бўлса, айтайлик бирон-бир хизмат ёки маҳсулот тайёрлаш лозим даражада бажарилмаса, у ҳолда моддий санкция қўлланилади; шахс автотранспорт воситасини маст ҳолда бошқарган тақдирда, унга нисбатан жарима қўлланиши ёки ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиниши ва ҳ.к. Ҳуқуқий таъсир чораларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни огоҳлантириш, уларни профилактика қилиш турларига катта аҳамият берилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг *иккинчи* аҳамиятли белгиси ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда қонун ёки бошқа ҳуқуқий меъёрларда кўрсатилган шартларга

тўла мос келишидир. Фақат уларгина ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга асос бўла оладилар. Шундай таъсир чорасини қўлловчи орган қонунга аниқ, пухта амал қилишга мажбур. Масалан, агар қонунга асосан биринчи марта безорилик жиноятини содир этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ жазоси қўлланиладиган бўлса, у ҳолда юқоридаги таъсир чоралари фақат шу чегараларда қўлланилиши лозим.

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига хос белгилардан бири шундаки, у фақат қонунда белгиланган маълум тартибга амал қилган ҳолда амалга оширилади. Мисол учун жинойи жазони белгилайдиган ёки ундан озод қиладиган ёхуд судланувчини оқлайдиган суд ҳукми фақат процессуал нормаларда белгиланган тартибда суд муҳокамасида иш ҳолатлари тўла, ҳар томонлама ҳолисона муҳокама қилингандан кейингина чиқарилади. Бундай муҳокама маслаҳатхонада маслаҳатлашув сир сақланган ва бошқа тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Қонунда бошқа ҳуқуқбузарликларни ҳал қилишнинг ўз тартиб-қоидалари белгиланган. Мулкӣ, мерос, ишдан бўшатишнинг тўғрисидаги ва бошқа низоларни ҳам ҳал қилишнинг ўзига хос тегишли тартиб-қоидалари мавжуд. Хулоса қилиб айтганда у ёки бу ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ёки қўлламасликка қарор қилиш учун қонунда мажбурий равишда амал қилиш лозим бўлган аниқ қоидалар ўрнатилган. Уларни бузганлик қарорни ноқонуний ҳамда ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг охириги белгиси шуки, фаолиятни амалга ошириш, аввало, махсус ваколатларга эга бўлган давлат органларига юклатилади ва улар ўз навбатида тегишли равишда тайёрланган ходимлар - аксарият ҳолда юристлар ва бошқа соҳаларни эгаллаган мутахассисларга эга бўладилар. Уларнинг ихтиёрига моддий ва техник воситалар берилади. Бундай давлат органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти алоҳида қонунда белгиланади ва шу билан бир қаторда муҳим масалаларни ҳал этишнинг процессуал тартиби ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тайёрланаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун ҳуқуқий таъсир

чораларини қўллашга қарор қилишида тезкорлик, асослилик, қонунийлик ва адолатни таъминлаш учун зарур.

Юқорида айтилганларни эътиборга олиб ҳуқуқни муҳофаза қилиш деб ҳисобланаётган фаолият тушунчасини аниқлаш мумкин. Келтирилган белгилар ва уларга берилган қисқача шарҳлардан кўриниб турибдики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига шундай давлат фаолиятини киритиш мумкинки, унда махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари қонунга ҳамда белгиланган тартибга қатъий риоя қилган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида ҳуқуқий таъсир чорасини қўллайдилар.¹

Бу тушунчада асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат фаолияти ҳақида гап боради. Бироқ бундай фаолият фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки барча давлат органлари томонидан у ёки бу даражада амалга оширилади.

Юқорида келтирилган барча тушунча ва таърифларни таҳлил қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти — бу давлат ва унинг номидан махсус ваколатли органларнинг қонун билан белгиланган тартибда ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш орқали қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва бошқа фуқаролик бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятдир дейиш, мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг белгилари қуйидагилар:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти махсус ваколатга эга бўлган, фаолияти, тузилиши, таркиби қонун билан қатъий тартибда белгиланган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти фуқаролар, жамият ва давлатни жиноятчилик ёки бошқа таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

¹ Гуценко К.Р., Ковалев М.Н. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. Издание 6-ое, переработано и дополнено / Под редакцией К.Ф. Гуценко М.: ЗЕРЦАЛО-М., 2001, 6-8-бетлар.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти қонун билан белгиланган қатъий тартибда амалга оширилади. Ваколатли орган у ёки бу таъсир таъсир чорасини қўллаш ёки қўлламасликдан олдин ўша ҳолат бўйича қонун билан белгиланган қоидаларга риоя қилишга мажбур.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти фақат давлатнинг мажбурлов ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш орқали амалга оширилади.

5. Ҳуқуқий таъсир чораси қатъий тартибда қонун асосида бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ҳамда ҳуқуқий давлат қурилаётган ҳозирги даврда жамият ва давлат ҳаётида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг аҳамияти ва роли ошиб боради. Шундай экан, кўпгина давлат органлари ҳамда махсус органларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳам ошиб боради.

1.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари (функциялари) ва уларни амалга оширувчи органларнинг умумий тавсифи

Умуман олганда, функциялар - у ёки бу орган, ташкилот, шунингдек, жамоат бирлашмалари фаолиятининг асосий, бош йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги функциялар тўғрисидаги масала давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси соҳаларида иш олиб борувчи олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини тортади.

Функцияларнинг энг умумий кўриниши - у ёки бу орган, ташкилот, шунингдек, жамоат бирлашмалари фаолияти шакллари ва тизимларининг асосий, бош йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

И.Л. Бачилонинг монографиясида давлат органлари функцияларининг табиати ва хусусияти тўғрисидаги тадқиқотлари ёритилган. Бунда муаллиф бошқарув органлари функцияларининг бир-бири билан ўзаро алоқадорлиги ҳамда ҳуқуқий мақомини белгиловчи ва ташкилий ҳуқуқий фаолиятига оид маълумотларни мунтазам равишда алмашиб

туришга асосланганлигини эътироф этади. Ушбу органлар бошқарув объектларини сиёсий - иқтисодий, режали, услубий, моддий, техникавий, меҳнат ва бошқа ресурслар билан таъминлайди, яъни, уларнинг олдида турган бошқарув тизимининг вазифаларини белгилаб беради.¹

Ушбу тадқиқотлар бошқарув органларини тушунишда жуда муҳим бўлган ҳолатларни ўзида акс эттиради. Функциялар давлат органи фаолиятининг мазмунини етарли даражада аниқлаштириб беради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари функциялари ҳақида турли хил фикрлар мавжуд ва улар қуйидагилар.²

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ўзининг мазмунига кўра бир томонлама эмас. Унинг кўп қирралиги эса мазкур давлат фаолиятининг асосий йўналишларини, мазмунини аниқлашда бажариладиган турли хил ижтимоий функцияларда намоён бўлади. Бундай йўналишлар (функциялар) қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- конституциявий назорат;
- одил судлов;
- судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш;
- прокурор назорати;
- жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш;
- жиноят ишлари бўйича юридик ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш;

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир йўналиш ўзининг аниқ белгиланган натижаларига эришиш мақсадини кўзлайди, яъни: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларини бузиш ҳолатларини бартараф этиш; жиноий ва фуқаролик ишларини адолатли муҳокама қилиш ва ҳал қилиш; судларнинг нормал фаолият кўрсатиши учун имкониятлар яратиш; прокурорнинг таъсир этиш чоралари ёрдамида қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш; жиноятларни фош этиш ва уни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш; судда ишларни кўриш учун ҳужжатларни тайёрлаш; юридик ёрдамга муҳтож бўлган барча

¹ Қаранг: Бачило И.Л. Функции органов управления. -М.: Юрид. лит., 1976, 43-44-бетлар.

² Правоохранительные органы. Учебник для вузов. / Под редакцией проф. К.Ф. Гуценко. -М.: ЗЕРЦАЛО-М, 2001, 10-11-бетлар.

шахсларга, шунингдек, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш. Ушбу натижаларга эришилган тақдирда юқорида таъкидлаб ўтилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг вазифаларини бажарилиши таъминланади.

Юқорида қайд этилган вазифалар (йўналишлар) бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Шунини таъкидлаш жоизки, конституциявий назорат ва одил судлов буларнинг орасида энг муҳим ўринни эгаллайди. Улар ўзининг мазмун жиҳатдан ҳозирги кунда *суд ҳокимияти* деб номланади. Маълумки, давлат ҳокимиятининг мазкур тармоғи ҳуқуқий давлатнинг асосий, бош белгиси бўлиши керак. Чунки, ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун суд ҳуқуқий ислохотларни шакллантириб, уларни ривожлантириб борилиши лозим. Буни давлатнинг самарали конституциявий назоратисиз ва одил судловсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг ривожланиши ва кенгайиб бориши жамият ва давлат механизмига ўз таъсирини ўтказиши керак. Чунки, бу ҳол жамият ва давлат механизми самарали бўлишини таъминлайди.

Одил судлов - бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг шундай функциясики, у давлат ва нодавлат ташкилотлари, мансабдор шахсларнинг, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини амалга оширишга бевосита алоқадор. Бундан ташқари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига оид функцияларни ҳам бажаради. Масалан, агар дастлабки тергов ваколатли органлар томонидан ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб борилмаса, шунингдек, иш билан боғлиқ бўлган керакли далиллар ва бошқа ҳужжатлар аниқланмаса, бунда жиноят ишлари бўйича қонуний, асосланган ва адолатли ҳукм чиқариб бўлмайди. Шунинг учун одил судлов ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг юраги эканлигини эътироф этиш керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига оид вазифаларни амалга оширувчи аниқ органлар мавжуд бўлиб, улар *ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари* деб номланади. Ҳозирги кунда бундай органлар ҳақидаги масала турлича ҳал этилмоқда.

Масалан, *А.П. Рижак*ов ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг 17 турдаги асосий йўналишлари ҳақида фикр юритган. *Буларга қуйидагилар кирди:*

- 1) Одил судловни амалга ошириш;
- 2) Судларнинг фаолиятини ташкилий таъминлаш;
- 3) Жиноят - ижроия фаолияти;
- 4) Прокурор назорати ва прокуратура соҳасидаги фаолиятнинг бошқа йўналишлари;
- 5) Жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш фаолияти;
- 6) Дастлабки тергов;
- 7) Суриштирув;
- 8) Тезкор - қидирув фаолияти;
- 9) Нотариал фаолият;
- 10) Жиноят ишлари бўйича юридик ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш (юридик хизмат);
- 11) Суд иш юритуви (жиноят процесси);
- 12) Хавфсизликни таъминлаш;
- 13) Жамоат тартибини кўриқлаш;
- 14) Божхона тўғрисидаги қоидаларни бузганликка доир ишларни юритиш;
- 15) Солиқ тўғрисидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишларни юритиш;
- 16) Контрразведка соҳасидаги фаолият;
- 17) Ташқи разведка.¹

Бошқа муаллифлар эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга ошириладиган вазифаларни турли хил кўринишларини эътироф этганлар.²

Бундан ташқари, давлат органларига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли бўлган умумий характердаги вазифалар ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин. *Масалан*, суд, прокуратура, ички ишлар органларининг вазифалари тўғрисида. *Буларга*: режалаштириш, назорат, инспекциялар, ахборот билан таъминлаш, разведка (бошқарув, ходимлар орасида, молиявий), қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишини текшириш ва назорат қилиш, кузатувни ташкил этиш, якуний хулоса бериш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

¹ Рыжаков А.П. Правоохранительные органы. -М.: Контракт, 2001, 1-2-бетлар.

² Габричидзе Б.Н., Елисеев Б.П., Чернявский А.Г. и др. Правоохранительные органы Российской Федерации: Учебно-справочное пособие. -М.: "Дело и Сервис", 2002., 19-21-бетлар.

Бизнингча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари *қуйидагилардан иборат:*

1) конституциявий назорат, унинг асосий вазифаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини текшириш;

2) одил судловни юритиш, яъни фуқаролик ва жиноий ишларни тортишувчилик асосида олиб бориш ва улар юзасидан қонуний ва асослантирилган қарорлар қабул қилиш;

3) хўжалик судларида суд ишларини юритиш, яъни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар (иқтисодий низолар) ва бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда суд ҳокимиятини амалга ошириш;

4) суд органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлашга ва суд қарорларини ижро этиш юзасидан ишларни ташкил этишга қаратилган суд фаолиятини ташкиллаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

5) прокурор таъсир чоралари ёрдамида қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан прокурор назоратини амалга ошириш;

6) нотариал фаолият;

7) жиноятларни фош этиш ҳамда ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган фаолият;

8) жиноят ишлари бўйича юридик ҳимоя ва ёрдам кўрсатиш.

Санаб утилган вазифалар (йўналишлар)ни амалга ошириш жараёнида *ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари* деб аталган давлат органлари ва бошқа нодавлат органлари ташкил топади. Ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— судлар (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий судга бўйсунувчи умумий юрисдикциядаги судлар, хўжалик судлари)

— судларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашни амалга оширадиган органлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

судьяларни лавозимга тавсия қилиш ва танлаш Олий малака комиссияси; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти);

— прокуратура;

Жиноятларни фош этиш ва тергов қилишга жалб қилинган органлар (суриштирув ва дастлабки тергов органлари);

— нотариал фаолиятни амалга оширувчи органлар (нотариат ва бошқалар);

— адвокатура.

Суриштирув органларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига киритиш тўғрисидаги масала юзасидан турли хил фикрлар мавжуд. Ушбу органларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларидан бирини бажарганлигини инобатга олиб, уларни ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига киритиш бир жиҳатдан тўғри бўлармикан? *Мисол учун*, олис сафарда бўлган кема капитани учун суриштирув вазифаси асосий бўлиб ҳисобланмайди. Бироқ, кема аъзоларидан бири жиноят содир этса, у жиноят ишини қўзғатади, шунингдек, далилларни аниқлаш ва тўплаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт. Ушбу вазифани *қуйидаги органлар*: ҳарбий қисмларнинг командирлари, жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, давлат ёнғин назорати органлари ва давлат божхона хизматининг мансабдор шахслари учун ҳам асосий вазифа деб бўлмайди. Бу органларнинг ҳуқуқий мақомини ва ваколатларини тартибга солувчи қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиқадиغان бўлсак, унда ушбу органларда бошқа турли хил ваколатлар мавжудлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Улар томонидан бажариладиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларнинг бир тури асосий бўлиб ҳисобланмайди. Бундан ташқари, бажарилиши шарт бўлган вазифалари ҳам мавжуд. Шунинг учун уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар таркибига тўлиқ киритиш тўғрисида бир қанча қарама-қаршилиқлар мавжуд.

Ушбу туркумдаги органлар ва мансабдор шахслар орасида фақат ички ишлар органларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органлари қаторига тўлиқ киритиш мумкин. Чунки уларнинг *асосий вазифаси* — бу жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларни фош этиш, тергов қилиш ҳамда уларга қарши кураш ҳисобланади. Фақат улар кўпинча жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ фаолият юритадилар.

Сўнгги йилларда суд органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан бири эканлиги ҳақида бир қатор қарама-қарши фикрлар мавжуд.

Масалан, *В.М. Савицкий*нинг фикрига кўра, "Совет доктринаси ва амалиётида жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг синоними сифатида ҳуқуқни кўриқлаш фаолияти эътироф этилган. Агар судни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан бири деб ҳисоблайдиган бўлсак, бунда суднинг вазифаси бўлиб, прокуратура, суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан биргаликда жиноятларга қарши кураш фаолиятини юритиши тушунилади".¹ Муаллиф ўзининг мулоҳазаларида "ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" фанининг бундай номланишини инкор этиб, бунинг ўрнига "Суд ҳокимиятини ташкил этиш" деб номлаш мумкинлигини таклиф этади.

Ушбу мулоҳазалардан шуни таъкидлаш мумкинки, суд ҳокимияти — бу ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилига асосланган ҳуқуқий давлатни қуришга интилишни ўзида акс эттирувчи янги *сиёсий* ва *ҳуқуқий* ғоя ҳисобланади. Одил судловни амалга оширишда суд органлари прокуратура ва ижро этувчи органлардан (адлия, ички ишлар ва бошқалар) мустақилдирлар. Чунки суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил ҳолда фаолият юритади. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига у ёки бу органни киритиш дегани, бу уларни мустақил ҳолда бўлишини ва бошқа туркумдаги органларга бўйсунитдан озод бўлганлигини англатмайди. Мисол учун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга адлия органларини киритиш мумкин бўлса ҳам, улар ички ишлар органлари ёки прокуратура органларидан мустақил фаолият юритадилар. Айрим муаллифларнинг фикрига асосан, ҳуқуқни муҳофаза

¹ Каранг: Савицкий В.М. Организация судебной власти в Российской Федерации. Учебное пособие для ВУЗов. - М.: БЕК, 1996, 3-бет.

қилувчи органлар қаторига суд органларини киритмаслик мутлақо нотўғридир. Чунки улар бир сўз билан айтганда, ҳуқуқни қўриқлаш фаолияти билан шуғулланадилар. Давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига нисбатан суд органи суд ҳокимиятини ўзида ифода этадиган ва ҳуқуқни қўриқлай оладиган орган бўлиб ҳисобланган ва ҳозирги кунда ҳам шундай. Шунинг учун ҳам суд давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ичида ҳуқуқни қўриқлаш юзасидан ўзига хос мақомга эга. Бундай тавсиф барча ҳуқуқшунос ва олимлар томонидан маъқулланган.¹

Инсонлар ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этадилар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини суд орқали ҳимоя қилиш ғояси - инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро битимларда ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган: "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади".

Судларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сафидан чиқариш ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг моҳиятини тушуниш билан боғлиқдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти — фақат судлар томонидан амалга ошириладиган юридик воситалар ёрдамида ҳуқуқни қўриқлаш соҳасидаги фаолият ҳисобланади. Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши кураш воситаси бўлиб, судлар томонидан қўлланиладиган жиноий жазо чоралари (озодликдан маҳрум қилиш, ўлим жазоси) ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг доираси ва тизимини ўрганиш жараёнида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)ни эътиборга олиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган "Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакили - Омбудсман тўғрисида"ги қонунига биноан инсон ҳуқуқлари бўйича вакил — мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида қуйидаги:

¹ Правоохранительные органы. Учебник для ВУЗов. / Под ред. Проф. К. Ф. Гущенко. -М.: БЕК, 1995, 8-бет.

- а) давлат органлари;
- б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- в) корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар;
- г) жамоат бирлашмалари;

д) мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини амалга оширади.

Ушбу қонунда белгиланишича, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдиради.

Вакил Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади (I-модда).

Шуни таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил юқорида қайд этилган органлар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг самарали бажарилишини назорат қилиб боради. Лекин фаолият юзасидан тегишли органлар томонидан амалга ошириладиган умумий назоратни амалга оширмайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари, ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари устидан шикоятларни кўриб чиқади, шунингдек, ўзининг тергов ҳаракатларини олиб бориш каби ҳуқуқларга эга.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил инсон ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши юзасидан уларнинг розилиги асосида учинчи шахсларнинг, ҳамда жамоат бирлашмаларининг шикоятларини кўриб чиқиш учун қабул қилади. Вакил суд ваколатига тегишли бўлган масалаларни кўриб чиқмайди. У ўз ҳолича ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошира олмайди. Агар аризачи ўзининг

ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда бошқа воситалардан фойдаланган бўлсада, лекин қабул қилинган қарорлардан қониқиш ҳосил қилмай шикоят қилса, бундай шикоятларни вакил томонидан кўриб чиқиш — унинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Вакил шикоятларни кўриб чиқиш жараёнида шунингдек, ўз ташаббуси билан текшириш ўтказиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиш ҳолатлари юзасидан *қуйидаги ҳуқуқларга эга*:

1) текшириш ўтказиш жараёнида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг биргаликда иштирок этишларини таъминлаш;

2) аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказиш учун ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг вакилларини таклиф этиш;

3) ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ҳеч қандай тўсиқларсиз ташриф буюриш;

4) ташкилотлар ва мансабдор шахслардан тегишли маълумотлар ҳамда ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш;

5) мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш;

6) аниқланиши лозим бўлган масалалар бўйича ташкилотлар ва мутахассисларга хулосаларни тайёрлаш масъулиятини юклаш;

7) инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсир этувчи масалалар бўйича ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан ўтказиладиган текширувларда иштирок этиш;

8) ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахслар билан учрашувлар ўтказиш;

9) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ҳаракатларни амалга оширган шахслар устидан уларни жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга илтимосномалар билан мурожаат этиш.

Шикоят бўйича тергов тугаганидан сўнг вакил томонидан тегишли органларга юбориладиган хулоса фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳолатларини ҳуқуқий ҳимоя қилувчи муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Вакилнинг хулосаси ўзининг ҳуқуқий моҳиятига кўра, тавсия этувчи характерга эга.

1.3. "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг тушунчаси ва мазмуни

Фан ёки ўқув курсининг предметини аниқлаш, илмий билимлар мазмунини ташкил этувчи билиш жараёнининг чегараларини аниқлаш, ушбу илмий тармоқ мазмунини ўрганиш билан боғлиқ.

Авваламбор шунга таъкидлаш жоизки, мазкур ўқув фани ҳуқуқий тармоқлардан бири ҳисобланади. *Масалан*, конституциявий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳалари ҳуқуқий тармоқ сифатида эътироф этилади, лекин мазкур фани ҳуқуқий тармоқ сифатида эътироф этиб бўлмайди. Чунки бу фан ҳуқуқнинг бошқа ўзига хос тармоқлари таркибидан ташкил топган ихтисослашган ўқув курси бўлиб ҳисобланади. Бироқ "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги барча тадқиқотчилар учун ўта фойдали ва муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ўқув фани мураккаб ва мукамал характерга эгадир. "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани предметининг мазмуни ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари, шунингдек, мазкур фаолиятда иштирок этиш учун жалб этилган айрим нодавлат ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Уларнинг орасида нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тўғрисидаги маълумотлар, балки унинг аниқ йўналишлари (вазифалари) тўғрисида, шунингдек, маълум бир органлар ёки ташкилотларни тузиш ҳақида, уларнинг тузилиши, ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлиги, уларнинг асосий ваколатлари ва вазифалари ҳамда бутун давлат механизми тўғрисидаги ва бир-бири билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги маълумотлар марказий ўрин эгаллайди. Шу билан бирга тегишли органлар ходимларини тайинлаш ва тавсия этиш тартиби, шунингдек, уларни жавобгарликка тортиш асослари ва тартибига жуда катта эътибор берилади.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани - ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишларини, уларни ташкил этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширадиган давлат органларининг тизимини ўрганивчи *юридик фан* ҳисобланади. Ушбу тизимга

кирувчи давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари амалга оширадиган фаолияти юзасидан бир қатор мақсадларни кўзлайди. Бу мақсадлар қуйидагилардан иборат:

1. Қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;
2. Ижтимоий адолатни таъминлаш;
3. Фуқаровий тинчлик ва осойишталикни таъминлаш;
4. Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб

боришни таъминлаш;

5. Фуқароларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш ва шакллантиришни таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган умумий мақсадларни ўз олдига қўйган давлат ташкилотларига:

1. Суд
2. Прокуратура
3. Адлия
4. Жиноят ишларини тергов қилувчи органлар
5. Нотариат каби ташкилотлар кирати.

Ўзининг моҳиятига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатура — ҳуқуқий институти ҳам юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш учун фаолият юритади.

Юқорида қайд этилган ташкилотлар ва муассасалар давлатнинг умумий қонунчилигига риоя қилиш билан бирга ўзининг ички қонунларига ҳам бўйсунадилар. Улар мақсадларига эришиш учун аниқ вазифаларни амалга оширадилар. Шу билан бирга улар давлат билан жамиятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўриқлаш фаолиятларида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Мазкур фаннинг мақсади — ҳуқуқшунос талабаларга ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизми, шунингдек, уларни амалга оширувчи ташкилотлар ҳақида маълумотлар беришдан иборат. "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанида ушбу фаолият билан боғлиқ бўлган ташкилий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилади.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг предмети хорижий мамлакатларнинг суд ва прокуратура органларининг

тамойилларини, вазифаларини, тузилишини белгиловчи ҳуқуқий нормаларни, шунингдек, ҳар бир мамлакатнинг умумий қонунчилигида юзага келадиган ўзига хос тарихий шароитлари ва сабабларини ўрганади.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг мазмуни қуйидаги бўлимлардан иборат:

1) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фанининг асосий тушунчаси, предмети ва хусусиятлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисида қонунчилик бўлими;

2) Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти, шунингдек, суд тизимини ташкил этиш, суд корпусини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва умумий юрисдикциядаги судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди;

3) Одил судлов ва унинг асосий таъминлари;

4) Судлар фаолиятини ташкилий ва моддий техник жиҳатдан таъминлаш фаолияти;

5) Прокуратура ва прокурор назорати;

6) Жиноятларни фош этиш ва тергов қилишни амалга оширувчи органлар;

7) Юридик хизмат кўрсатувчи органлар, уларни ташкил этиш ва уларнинг вазифалари;

8) Хорижий мамлакатларнинг суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи органлар.

Охириги йилларда "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани мазмуни ва тизими юзасидан бир қанча изланишлар олиб борилмоқда. Россия Федерациясида охириги йилларда нашр этилган айрим дарсликларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қаторига кирувчи ҳисоб палатаси, ФВВ (Фавкулда да вазиятлар вазирлиги), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Статистика, Стандартлаштириш, Метерология давлат қўмиталари ташкил этилган.¹

Шубҳасиз ушбу органлар давлат механизмида ўта муҳим аҳамият касб этади. Бўлажак ҳуқуқшунослар учун юқорида қайд этилган органларни ташкил этиш юзасидаги

¹ Қаранг: Габричидзе Б.Н., Елисеев Б.П., Чернявский А.Г. и др. Правоохранительные органы Российской Федерации: Учебно-справочное пособие. -М.: "Дело и Сервис", 2002, 464-бет.

масалаларни ўрганиш керак, лекин "Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанида эмас, балки Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи фанлари ушбу органларга кўпроқ эътибор беради. Бу эса бўлажак ҳуқуқшуносларга мазкур органларни янада чуқурроқ ўрганиш учун имконият яратади.

1.4. "Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг юридик фанлар тизимида тутган ўрни

"Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари" — юридик фан эмас, балки ўқув фани бўлиб, у талабаларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида бошланғич билимларни беради, лекин ушбу билимлар бошқа ўқув фанларида аниқ ва кенгроқ берилади. "Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани ўзининг предметиға эға ва юридик фанлар тизимида ўзига хос ўринни эғаллайди. Шу билан бир вақтда бу фан бошқа юридик фанлар билан маълум бир муносабатда ва алоқаладир.

Авваламбор, буларнинг орасида давлат ва ҳуқуқни келиб чиқиши ва моҳиятини, уларнинг ҳаракатланиш механизмини ривожланишини ўрганувчи "давлат ва ҳуқуқ назарияси" фанини кўрсатиб ўтиш лозим. "Хуқуқни муҳофаза қилиш органлар" фани давлат ва ҳуқуқ назариясида белгиланган тушунчаларға яъни давлат, унинг функция ва вазифалари, механизми ҳамда ҳуқуқ, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқий норма, ҳуқуқни англаш, қонунийлик ва ҳоказоларға таянади.

"Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани "Давлат ва ҳуқуқ тарихи" юридик фани билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Суд, прокуратура, адлия, ички ишлар ва адвокатура органларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалаларни билиш учун тарихий жиҳатдан ёндашиш керак. Шунингдек, аниқ ҳуқуқий жараёнларни статистикада эмас, балки тарихий ҳодисалар манзарасида, тўпланган юридик тажрибалармизни хорижий мамлакатлар тажрибалари билан таққослаш орқали ўрганиш лозим. Бундай маълумотларни ўрганиш ўзимизнинг ва хорижий тарихни билиш учун муҳим аҳамият касб этади.

"Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани "Конституциявий ҳуқуқ" фани билан боғлиқлиги шундаки, унда

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг барча давлат органлари тизимидаги ўрни ва роли ҳақида умумий тавсиф берилган. Бундан ташқари улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг хусусиятлари ва тузилиши, ҳамда фаолияти билан боғлиқ бўлган конституциявий тамойиллари ва бошқа кўплаб масалалар ёритиб берилган. Юқорида кўрсатилган масалаларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлар асосида амалга оширилади.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани "Маъмурий ҳуқуқ" фани билан боғлиқ. Бу фанда барча давлат бошқарув органларининг ваколати ва тизимига оид нормалар ўрганилади. Ушбу боғлиқлик, авваламбор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва унга бўйсунувчи ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган вазифаларда кўринади. "Маъмурий ҳуқуқ" фанида кўрсатилган органлар давлат бошқарувининг бутун тизими сифатида кўриб чиқилади. Шу билан бирга унда тегишли қилмишлар учун маъмурий жавобгарликни қўллаш тўғрисидаги асосий қоидалар ўрганилади.

Мазкур фан "Жиноят ҳуқуқи" ва "Жиноят процессуал ҳуқуқи" фанлари билан ҳар томонлама алоқадор. Ушбу фанлар инсон ва фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғига қарши жиноятларга, терроризм, иқтисодий ва бошқа жиноий ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, шунингдек, жиноятларни фош этишнинг процессуал тартиби, жиноятни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш ва бундай шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир этиш чораларини қўллашга оид масалаларни ўзида ифодалайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ташкил этиш, улар томонидан бажариладиган фаолиятнинг мазмуни ва амалга ошириладиган аниқ ҳаракатларнинг тартиби (жараёни)га маълум миқдорда боғлиқдир. Аксинча: ташкилий фаолиятнинг мазмунига доир масалаларни ҳал қилишга, аниқроғи, прокурор билан терговчи, прокурор билан суд ҳамда айбланувчининг ҳимоячиси - адвокати билан терговчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай бўлиши ва амалда қандай бўлаётганига боғлиқ.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани "Солиқ ҳуқуқи" билан ҳам маълум алоқада бўлиб, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ўз-ўзини бошқариш субъектлари, яъни солиқ органлари билан алоқадордир. Улар солиқ соҳасига оид ҳуқуқбузарликларни фош этади ва бартараф этади. Бундан ташқари улар солиқ ва йиғимларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлайди, шунингдек, солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаган юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаб, уларни жавобгарликка тортадилар.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" ўқув фани сифатида "Фуқаролик процесси" фани билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бу фан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан бири бўлган судларнинг фаолияти билан бевосита алоқада, лекин бу судлар мулкӣ ва айрим номулкӣ низоли ишларни — фуқаролик ишларини кўриб чиқади ва ҳал қилади.

Бундан ташқари юридик олийгоҳларнинг юқори босқичида таълим олаётган талабаларга "Прокурор назорати" фани ҳам ўтилмоқда. Бу фан — "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг маълум бир мавзуси бўлмиш прокуратура ва унинг органларига боғлиқ қўшимча маълумотлар беради. Ушбу маълумотлар прокуратурани ташкил этиш асослари ҳақида маълум тушунчаларни кенгайтириб беради, яъни прокурор назорати ва прокуратура фаолиятининг бошқа йўналишларини амалга ошириш мазмуни, шакли ва услублари ҳақидадир. Шундай қилиб, "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фани бошқа ҳуқуқий тармоқлар ва юридик фанлар билан алоқадорлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни яқунлаш мумкин.

1.5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисидаги қонунчилик

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" ихтисослиги кўпгина давлат ва нодавлат муассасалари ҳамда масъул вазифани бажараётган мансабдор шахсларга тегишлидир. Бундай фаолият қонун билан тартибга солиниши лозим. Бундай талабни кўйишдан мақсад, ушбу муассасалар ҳамда ташкилотлар ўзларининг фаолиятлари натижасида инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тиклаб бўлмас даражада зарар етказиш эҳтимолини бартараф этишдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташкилий асослари ҳамда функцияларини ўрганиб чиқиш учун бир қанча норматив-ҳуқуқий актларни ўрганиш зарур бўлади, ваҳоланки уларнинг аниқ миқдорини аниқлаш мушкул. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таянадиган ҳуқуқий базани одатда таснифлашга ёндашилади. Назарияда бундай ёндашишнинг иккита асоси мавжуд. Улардан *бири* — қонун кучидан қатъи назар гуруҳланаётган актларнинг предметига (мазмунига) қараб, *иккинчиси* — ҳуқуқий аҳамиятига қараб.

Барча ҳуқуқий актларни уларнинг мазмунига қараб *қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:*

- Умумий характердаги;
- Одил судлов, суд ҳокимияти ва судлар тўғрисидаги;
- Судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш ва уларни амалга оширувчи органлар тўғрисида;
- Прокурор назорати ва прокуратура органлари тўғрисида;
- Жиноятчиликни аниқлаш ва тергов қилишни ташкиллаштириш тўғрисида;
- Юридик ёрдамни ташкиллаштириш тўғрисида.

Предметига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагича классификация қилинади.

Умумий характердаги актлар:

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги 24 апрел 2003 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонуни.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида"ги 12.12.2002й. Ўзбекистон Республикаси қонуни.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида"ги 12.12.2002й. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни.

Халқаро ҳужжатлар:

1) Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси 10 декабр 1948 йил (30.09.1991 йил қўшилган);

2) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт 10 декабр 1966 йил (31.08.95 йил қўшилган);

3) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга қўшимча баённома 10 декабр 1966 йил (31.08.95 йил қўшилган, 28.12.95 да қўшма кирган);

4) Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисида Конвенция 10 июль 1958 йил (ЎЗР Олий Мажлисининг №184-І сонли қарори билан 22.12.95да ратификация қилинган);

5) МДҲнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Конвенцияси 26.05.95 йил;

6) Ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оила ҳамда жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Минск Конвенцияси 22.01.93 йил (28. 03. 97да ўзгартирилган).

Одил судлов, суд ҳокимияти ва судлар тўғрисидаги актлар:

1) Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни. 2 сентябрь 1993 йил (янги таҳрири 14 декабр 2000йил, №162-ІІ);

2) "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун. 30.08.95 йил (ЎЗР "447-ІІ-сонли қонунининг VII бўлимига асосан 13.12.2002 да ўзгартирилган);

3) Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонуни. 30.08.1995 йил, №108-І;

4) "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-2421. 23.09.1999 йил;

5) "Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-2599. 04.05. 2000 йил;

6) "Ўзбекистон Республикасида суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-2421. 23.09.99 йил;

7) "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ПФ-2943. 24.09.2001 йил;

8) Ўзбекистон Республикасида судлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. №383. 22.09.2001 йил;

9) "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низом". (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан тасдиқланган. №323-П. 07.12.2001 йил).

10) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси Низоми. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониغا илова. ПФ-2943. 24.09.2001);

11) Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида Низом. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан тасдиқланган. №164-П. 14.12.2000йил);

12) Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низом. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан тасдиқланган. №164-П. 14.12.2000йил);

13) "Суд ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қарори. №1/60. 20.12.96 йил;

14) "Суд қарорлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори. №13. 17.04.98 йил (14.06. 2002 йил ўзгартирилган).

Халқаро ҳужжатлар:

15) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга қўшимча баённома 10 декабр 1966йил (31.08.95 йил қўшилган, 28.12.95 да кучга кирган);

16) Ирқий камситишларнинг ҳар қандай кўринишларини йўқ қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция. 21.12.65 йил (қўшилган 31.08.95 йил);

17) Қийноқ ва шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муносабат ва жазолашнинг турларига қарши Конвенция 10.12.84 й. (қўшилган муддати 31.08.95 йил.

18) БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан маъқулланган суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий принциплари. 13.12.85йил (30.05.97йилда қўшилган);

Судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш ва уларни амалга оширувчи органлар тўғрисида актлар:

1) Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни. 2 сентябрь 1993 йил (янги таҳрири 14 декабр 2000 й, №162-II); (Ўзбекистон Республикаси Қонунининг V бўлими №320-II, 07.12.2001., №568-II, 12.12.2003, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1993, №10, 367 б. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Ахборотномаси, 1995, №9. 193 м; 1996, №2 56-м), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидаги қонун. 30 август, 1995, №568-I (Ўзбекистон Республикаси қонуни VII бўлим №447-II, 13.12. 2002).

2) "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун. 30.08.95 йил (ЎЗР "447-II-сонли қонунининг VII бўлимига асосан 13.12.2002да Ўзбекистон Республикаси қонуни VII бўлим 30.08.2003 й. ўзгартирилган);

3) "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. №258-II. 29.08.2001 йил;

4) "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-2421. 23.09.1999 йил;

5) "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш ва судлар фаолиятини молиявий ҳамда моддий-техник таъминлаш департаменти тўғрисида"ги Низоми. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №383-сонли қарорига №1-илова. 22.09. 2002й, №197 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 13 бандига илова 30.04.2003);

6) "Ҳарбий судлар фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 14.12.2000йилда тасдиқланган. №164-II;

7) "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 27.08.2003 й. №370. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №528 қарорининг 2 бандига илова 21.11.2003; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №28 қарорининг 40 бандига илова 17.01.2004);

Прокурор назорати ва прокуратура органлари тўғрисида:

1) Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура

тўғрисида"ги қонуни. 9 декабрь 1992йил. (29.08.2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган ЎЗР Олий Мажлис Ахборотномаси №257-II, 1993., №1, 29-м, №6, 266-м; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси №9, 145-м, 1997., №2, 56-м; №9, 241-м; 1999., №9, 299-м; Ўзбекистон Республикаси қонуни 5 бўлим №482-II, 25.04.2003);

2) "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуни. 9 декабрь 1992 йил (янги таҳрирда 29.08. 2001 йил);

3) Ўзбекистон Республикаси прокуратура ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан тасдиқланган. №748-XII (20.08.1999 йил ўзгартирилган);

4) Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 30. 08. 1996йил тасдиқланган. №281-1;

5) Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №291-қарорига №5-илова 06.07. 2001йил №291. (28.11.2002йилда ўзгартирилган №415);

6) Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №291-қарорига №6-илова 06.07.2001йил №291. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан №415. 28.11.2002. ўзгартирилган.

7) Қишлоқ ҳўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонулар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 11.03.2004 й. №3406.

Жиноятчиликни аниқлаш ва тергов қилишни ташкил-лаштириш тўғрисида:

1) Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни. 9 декабрь 1992 йил. (29.08.2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган); Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис 1996 й., №9, 145-м; 1997 й., 2, 56-м; №9, 241-м; 1999 й., №9, 229-м; Ўзбекистон Республикаси қонуни

5 бўлимига мувофиқ №482-П. 25.04.2003 й. ўзгартирилган.

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. 22.09.1994йил қабул қилинган. 1 апрель 1995йил амалга киритилган;

3) "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонун. 9.12. 1992йил (янги таҳрирда 29.08.2001йил);

4) "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президетининг Фармони ПФ-1815. 8.07.1997 йил;

5) "Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси тўғрисида"ги қонун. 29.08.1997йил (1.05.1998 йилда ўзгартирилган);

6) "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонун. 20.08. 1999 йил;

"Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинчалик Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 04.04.1998 йил;

7) "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №374. 30.07. 1997 йил (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.08.1997 йилдаги №392-сонли, 16.04.1998йилдаги №161-сонли, 01.05.2002йилдаги №150-сонли, 16.10.2003 йилдаги №446-сонли, 19.11.2003 йилдаги №520-сонли, 25.12.2003 йилдаги №567-сонли қарорлари билан ўзгартирилган);

8) "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органларининг интизомий Уставини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. №135. 27.03.1998;

9) "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №270. 25.10.91 йил (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №602-сонли, қарори билан 14.12. 1994йилда ўзгартирилган);

10) "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №14. 12.01.

1998йил (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №427-сонли қарори билан 14.09.1999йилда 9-банди, №180-сонли қарори билан 05.05.2000 йилда 3-банди, №446-сонли қарорига 1-илова 3-банд 16.10.2003, №520-сонли қарорига 2-илова 9-банд 19.11.2003 йилда ўзгартирилган);

11) "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган №374. 30.08.1997йил;

12) Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. 26.12.1997 йил;

13) Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №291-қарорига №5-илова 06.07.2001 йил №291. (28.11.2002 йилда ўзгартирилган №415);

14) "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги эксперт Кенгаши тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №14 қарорига №8-илова. 12.01.1998йил (05.05.2000 йилда ўзгартириш киритилган);

15) Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати Низоми. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган №278. 2.11.1991йил.

16) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги қарорига №1 қўшимча (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 01.03.2001 йил қабул қилинган №103 қарорига 15 банд, 06.07.2001 йил №291 қарорига №7 банд, 17.02.2004 йил №74 қарорига 4-банд).

Юридик ёрдамни ташкиллаштириш тўғрисида:

1) "Адвокатура тўғрисида"ги қонун. 27.12.1996 йил (15.12.2000 йилда ўзгартирилган; Ўзбекистон Республикаси қонуни 17 бўлим №175-II, XVIII бўлим №482-II, 25.04.2003, XII бўлим №568-II, 12.12.2003га мувофиқ).

2) Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонун №721-I. 25.12.1998 йил;

3) "Нотариат тўғрисида"ги қонун. 26.12.1996 йил; (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис, 1997., №2, 42-м; ўзгартирилган. Ўзбекистон Республикаси қонунининг I бўлим 16 банди, №175-II. 15.12.2000, XVII бўлим №482-II. 25.04.2003. Ўзбекистон Республикаси қонуни X бўлим №168-II. 12.12.2003);

4) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати таркибида "Иқтисодий ислоҳотлар бўйича қонун ва норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.01.1994 йил қарори.

5) "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 27.11.2003й. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси № 528 қарорининг 40-банди; №28. 17.01.2004.

6) "Адвокатлик бюро, ҳайъат, фирмаларни рўйхатга олиш ва фуқароларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш лицензиясини бериш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.03.1997 йил №139 сонли қарори билан тасдиқланган Низом (Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.04.2003 йил №197 сонли, 05.11.2003 йил №485 сонли қарори билан ўзгартириш киритилган).

7) Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси. 22.09.1994йил қабул қилиниб, 1.04.1995 йилда амалга киритилган;

8) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодекси. 30.08.1997 йил;

9) Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси №479-I қарори билан 30.08.1997. киритилган. (Ўзбекистон Республикаси қонуни №621-I, 01.05.1998, №621-I, Ўзбекистон Республикаси қонуни билан 14.12.2000, Ўзбекистон Республикаси қонуни билан 30.08.2002. №405-II, Ўзбекистон Республикаси қонуни билан 30.08.2003да ўзгартирилган);

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий актларни юридик кучига қараб таснифлаш амалдаги

қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар ҳам бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар каби аниқ иерархик шаклга эга.

Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги 14 декабрь 2000йилги (5-модда) Қонунига асосан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг юридик кучига қараб қуйидагича иерархияси белгиланган:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- 2) Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;
- 6) Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа муассасаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- 7) Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қарорлари.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий-меъёрий актларининг турлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

Кўриниб турибдики, у ёки бу актларнинг қандай ўринда туриши ушбу актни қабул қилган органга қараб белгиланади.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясини олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат деб тан олган. Чунки унда жамият ва давлат ҳаётининг асосий масалалари тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари"нинг ихтисослиги бўйича Конституциянинг "фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари" деб номланган иккинчи бўлими, "Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти" деб номланган XXII боби ҳамда "Прокуратура" деб номланган XXIV боблари муҳим ўринни эгаллаб, раҳбарий аҳамият касб этади.

Конституциянинг иккинчи бўлимида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, ҳар бир фуқарони шахсий, турар-жой дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, телефон сўзлашувлари

ва хат ёзишмаларнинг сири, айбсизлик презумцияси ва бошқалар белгиланган. Конституциянинг 19-моддасида шундай дейилган: "Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас". Худди шу бўлимда "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш... кафолатланади", - дейилган (44-модда). Юқорида келтирилган нормалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг асосини ташкил этади. Ушбу иерархияда халқаро ҳуқуқдаги ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалардаги нормалар ва принциплар маълум бир қизиқишни уйғотади. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг энг юқори ўрнини қуйидаги асослар орқали талқин этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуни фақатгина миллий қонунчилик масалаларини тартибга солади, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эса бу йўналишда ҳеч қандай ҳолатни ўзида белгиламайди, лекин "Ўзбекистон халқи, ...халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини тан олган ҳолда" Преамбуласи бундан мустасно. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномалар билан миллий қонунчилигимиз ўртасида муаммо туғилганда, халқаро нормалар устун туради. Бундай фикрга Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунларини шарҳлаш орқали келиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 22 декабрь 1995 йилда¹ қабул қилинган "Халқаро шартномалар тўғрисида"ги қонунда "Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномаларга халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан Ўзбекистон Республикаси қатъий равишда амал қилади", - дейилган.

Бу масала Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тобора кўпайиб бораётган ҳозирги даврда борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда, шу жумладан,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 йил №-21 262-модда.

судлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ташкиллаштириш ҳам. Энг аввало уларнинг ичида: Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт 16 декабрь 1966 йил¹ (31.08.95 йил қўшилган), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга қўшимча протокол 16 декабрь 1966 йил² (31.08.95 йил қўшилган)лар ажралиб туради. Ўзбекистон Республикасининг ушбу халқаро ҳужжатларга қўшилиши Ўзбекистон Республикаси фуқароларига халқаро органларнинг юрисдикциясини татбиқ этилиши ва фуқароларни белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилишини англатади. Шундай қилиб Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитасига халқаро Пактда кўрсатилган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақида ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин, агар ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг ички имкониятлари тугаган бўлса. Бундан ташқари МДХ доирасида ҳам қўйидагича келишув мавжуд: Фуқаролик, оила ва жиноий ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Минск Конвенцияси 22.01.93йил (Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши қарори билан 6.05.1993 да ратификация қилинган, 28.03.97да ўзгартирилган).

Халқаро шартномалар:

1. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси 10 декабрь 1948 йил (30.09.1991 йил қўшилган);
2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт 10 декабрь 1966 йил (31.08.95 йил қўшилган);
3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга қўшимча баённома 10 декабр 1966 йил (31.08.95 йил қўшилган, 28. 12. 95 йилда кучга кирган);
4. Халқаро арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро

¹ "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқ ҳақидаги Халқаро пактга қўшилиш тўғрисида"ги 1996 йил 16 декабр. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис 1995 йил 31 августдаги қарори.

² "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқ ҳақидаги Факултатив баённомага қўшилиш тўғрисида"ги 1996 йил 16 декабр. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис 1995 йил 31 августдаги қарори.

қилиш тўғрисида Конвенция 10 июль 1958 йил (ЎзР Олий Мажлисининг №184-І сонли қарори билан 22.12.95 йилда ратификация қилинган);

5. МДҲнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Конвенцияси 26.05.95 йил;

6. Фуқаролик, оила ва жиной ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Минск Конвенцияси 22.01.93 йил (28.03.97да ўзгартирилган).

Иерархик тузилманинг кейинги ўринларида қонунлар ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилиниб, ижтимоий муносабатларнинг муҳим тармоқларини тартибга солади. Бу даражадаги ҳужжатларда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масъулиятли вазифалар ишониб топширилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти билан боғлиқ муҳим масалалар ҳал қилинади. Улар қабул қилган қарорлар мавқеи қонун мавқеи билан мустаҳкамланган бўлади. Бу улар ўз фаолиятларини лозим даражада амалга оширишлари учун кафолатлардан биридир. Ушбу қонунлар гуруҳига:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни. 2 сентябрь 1993 йил (янги таҳрири 14 декабр 2000 йил, №162-II); (Ўзбекистон Республикаси қонуни V бўлим. №320-II. 07.12.2001, №568-II. 12.12.2003.

2. "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун. 30.08.95йил (ЎзР "447-II-сонли қонунининг VII бўлимига асосан 13.12.2002да ўзгартирилган; Ўзбекистон Республикаси қонуни VII бўлим. 30.08.2003);

3. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни. 9 декабрь 1992йил. (29.08.2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган; Ўзбекистон Республикаси қонуни XVII бўлим. №482-II. 25.04.2003, XI бўлим. №568-II. 12.12.2003);

4. "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонун. 9.12. 1992йил (янги таҳрирда 29.08.2001 йил);

5. "Ўзбекистон Республикаси давлат чегаралари тўғрисида"ги қонун №820-I. 20.08.1999 йил;

6. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги

қонуни. 27.12.1996йил; (Ўзбекистон Республикаси қонуни I бўлим. 17 банди. №175-II. 25.04.2003, Ўзбекистон Республикаси қонуни XII бўлим. №568-II. 12.12.2003)

7. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонун №721-I. 25.12. 1998йил;

8. Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги қонуни. 26.12.1996 йил; (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис, 1997 №2. 42-м; ўзгартирилган. Ўзбекистон Республикаси қонуни I бўлим 16 банди. №175-II, 15.12.2000., Ўзбекистон Республикаси қонуни XVII бўлим №182-II. 25.04.2003, Ўзбекистон Республикаси қонуни №568-II. 12.12.2003);

9. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонуни. 30. 08. 1995 йил, №108-I;

10. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонуни №472-I. 29.08.1997 йил (1.05. 1998 йилда ўзгартирилган);

11. Ўзбекистон Республикасининг "Суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуни №258-II. 29.08.2001 йил;

12. "Жиноий жазоларнинг либерализация қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, жиноят процессуал ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида"ги қонунларга 29.09.2001 йил №254-II-сонли ўзгартириш киритиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси. 22.09.1994йилда қабул қилинган ҳамда 1.04.1995йилда кучга кирган;

14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодекси. 30.08.1997 йил;

15. Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал Кодекси. 30.08.1997 йил. (Ўзбекистон Республикаси қонуни №479. 30.08.1997 йилда ўзгартирилган. №621-I. 01.05.1998, Ўзбекистон Республикаси қонуни №163-II. 14.12.2000, Ўзбекистон Республикаси қонуни №405-II. 30.08.2002, Ўзбекистон Республикаси қонуни №535-II. 30.08.2003).

Иерархик гуруҳлардан бири ҳисобланмиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари Ўзбекистон

Республикаси қонунларига асосланган ҳолда ҳамда уларни ижро этиш мақсадида қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. *Масалан*, Олий Мажлис томонидан суд ва прокуратура органлари фаолиятини ташкиллаштириш соҳасида муҳим аҳамият касб этадиган низомлар тасдиқланган. Уларга:

1. "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги Низом. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан тасдиқланган. №323-І. 07.12.2001 йил);

2. "Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида" Низом. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан тасдиқланган. №164-ІІ. 14.12.2000 йил);

3. "Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида"ги Низом. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан тасдиқланган. №164-ІІ. 14.12.2000 йил; Ўзбекистон Республикаси қонуни XXVII бўлим №568-ІІ. 12.12.2003);

4. "Ҳарбий судлар фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 14.12.2000 йилда тасдиқланган. №164-ІІ;

5. Ўзбекистон Республикаси прокуратура ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан тасдиқланган. №748-ХІІ (20.08.1999 йил ўзгартирилган);

6. "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 30.08.1996 йил тасдиқланган. №282-І.

Ҳуқуқий актлар иерархиясининг кейинги устунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ўрин эгаллайди. Ушбу актлар мазмунини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлар белгилайди. Фармонлар орқали қандайдир орган ёки унинг бир бўғинини ташкил этиш ёки унга у ёки бу вазифани юклаш ёхуд олиб ташлаш билан боғлиқ масалалар тасдиқланади. *Мисол қилиб қуйи-дагиларни келтиришимиз мумкин:*

1. "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-2421. 23.09.1999 йил;

2. "Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони № УП-2943. 24.09.2001 йил;

3. "Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-2682. 14. 08. 00 йил;

4. "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ПФ-2943. 24.09.2001 йил;

5. "Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги судьялик мансабига танлаш ва тавсия қилиш олий квалификация комиссияси тўғрисида"ги Низом ("Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига илова 24.09.2001 йил №УП-2943.

6. "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-1815. 8.07.1997 йил.

7. "Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга доир қонунлар ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2004 йил №3406 Фармони.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий актлар иерархик "пирамидаси"нинг қуйроқ поғонасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари туради. Ушбу қарорлар Конституцияга, қонунларга, Президент Фармонларига қарама-қарши бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фақатгина ваколати доирасидаги масалаларни ҳал қилади, яъни у одатда қонунлар ва Президент фармонларини аниқлаштиради ва тўлдиради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг низомлари тасдиқланиши мумкин. *Масалан уларга:*

1. "Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хизматни ўташ ҳақидаги вақтинчалик Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №146 қарори. 04.04.1998 йил;

2. "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №374. 30. 07. 1997 йил (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.08.1997йилдаги №392-сонли, 16.04.1998йилдаги №161-сонли, 01.05.2002йилдаги №150-сонли қарорлари билан ўзгартирилган; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №1. 1 банди. №446 қарори 16.10.2003, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №2. 8 банди, №520, 19.11.2003, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №27. 2 банди. №567. 25.12.2003);

3. "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №14. 12.01.1998 йил (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №427-сонли қарори билан 14.09.1999 йилда 9-банди, №180-сонли қарори билан 05.05.2000 йилда 2-банди ўзгартирилган; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №1. 3 банди. №446 қарори 16.10.2003, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №2. 9 банди, №520, 19.11.2003);

4. "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органларининг интизомий уставини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. №135. 27.03.1998;

5. "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №383. 22.09.2001йил;

6. "Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори №278. 2.11.1991йил;

7. "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 25.10.91йил (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №602-сонли қарори билан 14.12. 1994 йилда ўзгартирилган);

8. "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 27.08.2003 йил;

9. "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган №374. 30.08. 1997 йил;

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №383-сонли қарорига №1-илова. 22.09. 2001йил; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №197. 13 банди. 30.04.2003);

11. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №291-қарорига №5-илова 06.07. 2001 йил №291. (28.11.2002 йилда ўзгартирилган №415);

12. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №291-қарорига №6-илова 06.07. 2001 йил №291;

13. "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №180-сонли қарорига №1-илова. 5.05.2000йил (01.03.2001 йилда ҳамда 06.07.2001 йилда ўзгартириш киритилган);

14. "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги эксперт Кенгаши тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №14 қарорига №8-илова. 12.01.1998 йил (05.05. 2000йилда ўзгартириш киритилган);

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №370 қарори билан 27.08.2003 йилда тасдиқланган. "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №1. 3 банди. №528 қарорининг 2 банди, 21.11.2003, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси №28 қарорининг 40 банди, 17.01.2004).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди томонидан бериладиган

шарҳлар ҳам катта роль ўйнайди. Ушбу тушунтиришлар тегишли органлар пленумлари қарорлари кўринишида бўлиб, улар тегишли масала бўйича қайси қонунчиликни татбиқ этиш лозимлигини кўрсатиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қонунчиликни татбиқ этиш масаласидаги тушунтиришлари судлар ҳамда ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни татбиқ этаётган бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир. Уларга: "Суд ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 20 декабр 1996 йилги қарорини киритишимиз мумкин.¹

Назорат саволлари

1. "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг предмети ва тизимини сўзлаб беринг.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий белгиларини тавсифлаб беринг.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишларини (функцияларини) тавсифлаб беринг.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини санаб ўтинг.

5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида одил судлов ва конституциявий контролнинг алоҳида ўрнини қандай тушунтириш мумкин?

6. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солувчи қонун ва бошқа ҳуқуқий актларни қандай классификация қилиш мумкин?

7. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучига кўра иерархия тузилмаси қандай?

8. Суд ва прокуратура тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти қандай?

9) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун халқаро пактлар, шартномалар ва келишувларнинг қандай аҳамияти бор?

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленум қарорлари тўплами 1991-1997йил. 1-боб, -Т., Шарқ, 1997, 132-137-бетлар.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

2.1. Ҳокимиятлар бўлиниши тизимида суд ҳокимияти

Бугунги кунга келиб, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил ҳокимият тармоғи эканлиги тўғрисидаги нуқтаи назарни батамом шаклланган деб айтса бўлади. Шўролар даврида, айниқса унинг дастлабки даврларида, бизга маълумки, бу ғоя рад этилганди. Суднинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи функцияси ҳақида деярли гапирилмас эди; суднинг қатагончилик функцияси асосий ўринни эгаллаб, амалда судлар давлат ҳокимиятининг бостиришга қаратилган мажбурлов аппаратлари сифатида намоён бўлган. Мустақилликка эришилганидан сўнг, ҳуқуқий давлат ғоясининг пайдо бўлиши ва ЎЗР Конституциясида суд ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ажратилиши билан қонунчиликда ўз аксини топаётган маълум назарий асослар пайдо бўла бошлади.

ЎЗР Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳокимиятининг мустақил уч тармоққа бўлиниши ва уларнинг бири-биридан мустақил равишда фаолият юритиши мустаҳкамлаб қўйилган. Бу билан суднинг назорат функциясини ажратиш, судларнинг ваколатларини ва назорат функцияларини қайтадан кўриб чиқиш ва қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурати белгиланади. Бу масалаларни ҳал этиш учун суд назорати ғояси таянадиган асосларни, фундаментларни аниқ билиб олиш керак.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра¹, ҳокимият бўлиниши назарияси, суд ҳокимиятини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан алоҳида ва мустақил тармоқ сифатида ажратиш ғояси антик даврларда пайдо бўлган. Ўша давр мутафаккирлари мазкур назариянинг қатор мажбурий белгиларини кўрсатиб ўтишган бўлиб, бу белгиларга мувофиқ ҳолда давлатнинг ичида маълум функцияларни бажарувчи

¹ Колоколов Н.А. Судебный контроль: некоторые проблемы истории и современности. - Курск, 1996; Масликов И.С. Судебная власть в системе разделения власти в свете Конституции РФ. /Сов. юстиция. 1989, №8.

нисбатан мустақил элементлар амал қилади. Бу элементлар ўзаро кучли боғлиқликда бўлиб, бир-бирига кўмаклашиб ҳам туради ва, агарда, зарурат туғилса, бир-бирини чеклаб ҳам туради; бу элементларнинг барчаси ўз фаолиятини қонунга асосланиб амалга оширади.

Адабиётларда ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг асосий ғоялари *Арасту*, *Афлотун*, *Полибей*, *Эпикур* ва бошқаларнинг асарларида ишлаб чиқилганлиги, антик дунё суд амалиётида татбиқ этилганлиги, 1215 йили қабул қилинган Буюк Англия эркинлик Хартиясида мавжудлиги тўғрисида фикрлар билдирилади.¹

Шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган суднинг назорат функцияси ўзининг маънавий аспектларига эга бўлиб, унинг илдизлари антик ўтмишга бориб тақалади. Шунинг билан бирга, суд назоратининг тараққиёти XVII-XVIII асрлар мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган ҳокимиятлар бўлиниши назарияси билан ҳам узвий боғлиқ. Ҳокимиятлар бўлиниши классик назариясининг асосчилари томонидан илгариги назариядан фарқли равишда мутлақо универсал таълимот яратилди-ки, бу назария кўпчилик мамлакатларнинг конституциявий қонунчиликларидан ўз аксини топган ва топиб ҳам келмоқда. Мазкур универсал таълимотнинг яратилишига сабабий шарт-шароитлар ичида, биринчи навбатда, ижтимоий ва давлат ташкил этилишининг юқори даражасига кўтарилишида ўзини намоён қилган тарихий прогрессни айтиб ўтиш керак.

Бошқа гуруҳ тадқиқотчиларининг фикрига кўра, ҳокимиятлар бўлиниши доктринаси ҳамда суд ҳокимияти ролининг муҳим аспекти француз сиёсий мутафаккирлари бўлмиш *Ш.Л. Монтескье* ва *Ж.Ж. Руссо*ларнинг илмий асарларида ўз ифодасини топган.

Бизнинг тадқиқотимиз ўрганиш доираси учун Монтескьенинг "Қонунлар руҳи ҳақида" асари ҳамда унинг "Ҳар бир давлатда учта ҳокимият: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва фуқаролик ҳуқуқи масалларини олиб борувчи ҳокимиятлар мавжуд бўлади" деган асосий хулосаси қизиқиш уйғотади. Бу ҳокимият жинойтлар учун жазолайди ва хусусий

¹ Петрухин И.Л. Правосудие: время реформ. -М.: Юрид.мет; 1991, 9-бет; Безнасюк А.С., Рустамов Х.У. Судебная власть: Учебник для вузов. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2002, 5-9-бетлар.

шахслар ўртасида низо пайдо бўлганда уларни ҳал этади, бу ҳокимиятни суд ҳокимияти деса бўлади.¹ Ш.Л. Монтескье томонидан суд ҳокимияти ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи сифатида ажратилиши унинг ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши назариясига қўшган буюк ҳиссасидир. Бунинг натижасида мазкур доктрина ўзининг қатъий тугалланган нуқтасига етди. Суд ҳокимияти масаласини кўриб чиқишда Монтескье қатор қарашларидан келиб чиқади. Аксарият Европа мамлакатларида бошқарувнинг ўртача, бир маромдаги шакли ўрнатилган бўлиб, уларга мувофиқ давлатлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларга эга бўлиб, ўзларининг фуқароларига учинчи ҳокимиятни амалга оширишни топширади. Ўзининг аҳамияти бўйича суд ҳокимияти тартибга солувчи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларни тийиб туриш учун керак.

Ҳокимиятлар бўлиниши назарияси кўпгина мамлакатларда ўзининг амалий ифодасини топди. Унинг асосида умумдемократик концепция ётибди, бу концепция у ёки бу даражада турли давлат тузилиши шаклига эга бўлган давлатларда фойдаланиши мумкин. Ҳозирги вақтгача бу назария ўрганиш объекти бўлиб келмоқда. Бу ҳолат жамиятда иқтисодий ва сиёсий кучлар нисбатининг ўзгариши, демократиянинг даражаси, давлат бошқаруви жараёнининг мураккаблашуви билан боғлиқдир.

Суд ҳокимиятининг таърифига нисбатан фанда мавжуд бўлган турли ёндошувларда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиб ўтиш мумкин. Бир гуруҳ процессуалчи олимларнинг фикрларига кўра, суд ҳокимияти "қонунга бўйсунган органларнинг шундай тизимини ташкил этадики, бу органлар қонунларни судловни амалга ошириш орқали қўллайди".² Суд ҳокимиятини таърифлашга бўлган бошқа ёндошувга кўра суд ҳокимияти бу суд ишларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятдир. Суд ҳокимиятининг иккала гуруҳ вакиллари томонидан берилган таърифларида ажралмас умумий

¹ Монтескье Ш.Л. Избр. произв. М.: 1955, 290-бет.

² Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. -Т., 1. СПб., 1996, 158-бет.

хусусият касб этувчи иккита асосий нуқта (момент) кўзга ташланади.

ЎзР Олий суди Пленуми суд ҳокимиятига қуйидагича таъриф берган: "Суд ҳокимияти - бу суднинг жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ЎзР Конституцияси ва қонунларининг сўзсиз устунлигига амал қилган ҳолда кўриб чиқиш ваколатлари (йиғиндиси)дир.¹

Пленум ўзининг таърифида судларнинг асосий функцияларидан келиб чиққан. Шу билан бирга, бизнинг назаримизда, бу таърифни кенг қамровли ҳамда қонун чиқарувчи томонидан "суд ҳокимияти" атамасига жойлаштирилган маъно-мазмунни тўлалигича очиб бера олади деяолмаймиз. Бунинг исботи учун ЎзР Олий суди Пленумининг тушунтиришида суднинг муҳим функцияси бўлмиш конституциявий назорат функцияси ўз ифодасини топмаганлигини айтиб ўтса бўлади. ЎзР Конституциясининг 108-моддасига кўра конституциявий назорат функцияси ЎзР Конституциявий суди ваколатига киради.

Суд ҳокимияти - бу ҳокимиятнинг алоҳида тури бўлиб, у ўз табиати бўйича ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан фарқ қилади. Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан биргаликда мавжуд бўлишлиги демократик давлатнинг муҳим белгисидир. Суд ҳокимиятининг давлатнинг бошқа тузилмаларидан мустақил ажралиб чиқиши мазкур мамлакатнинг ҳуқуқ устунлиги тамойилини, ундаги эркинлик ва адолат ғояларини амалга татбиқ этишдаги жиддий ютуқлари ҳақида гувоҳлик беради. Суд ҳокимиятининг асосий мақсад-вазифаси бўлиб, жамият аъзоларини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини жамият бошқа аъзоларининг ҳуқуққа хилоф тажовузларидан, давлатни нотўғри ҳаракатлардан асраш, ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бундай фаолиятни амалга оширмай туриб, ҳеч қайси бир давлатни ҳуқуқий ҳисоблаб бўлмайди.

¹ "Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судининг пленум қарорлари". 1996 йил 20 декабр. #1 -Т., Шарқ, 1997, 132-133-бетлар.

Жамиятда вужудга келадиган низоларнинг ҳуқуққа асосланган ҳолда ҳал этилишини таъминлаб, барча субъектларнинг қонунга итоат этиши ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларини чегаралаб, тийиб туришда, уларнинг фаолиятлари устидан ҳуқуқий назоратни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур функция ўзининг самарасини суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқларининг фаолиятларини Конституцияга қанчалик мос бўлаётганини текшириш, улар томонидан Асосий қонунга хилоф равишда чиқарилган қонун ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш имконига эга бўлган тақдирда беради.

Мамлакатимиз Асосий қонуни суд ҳокимияти ўз фаолиятини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда амалга оширади деб эълон қилган (106-модда). ЎзР Конституциясида суд ҳокимиятига алоҳида боб бағишланган бўлиб, унда суд ҳокимияти атамаси суд тизимининг ташкил этилишига оид, уларнинг фаолият принципларига оид қоидалар орқали очиб берилади.

Суд ҳокимиятининг жамиятда умумэътироф этилган ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб шундай фикрга келса бўладики, ЎзР суд ҳокимияти ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи бўлиб, давлатнинг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш функциясини бажаради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг маъно-мазмунини, қонунларнинг қўлланилишини ва қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолиятини белгилабгина қолмасдан, суд ҳокимиятининг фаолият мазмуни ва моҳиятини белгилаб беради. ЎзР суд тизими олдида инсон ҳуқуқларининг давлат органлари томонидан ҳурмат қилишга, абстракт ҳуқуқий меъёрларни реал ҳуқуқ ва мажбуриятларга айлантиришга, давлатнинг инсон олдидаги мажбуриятларининг бажарилишига эришишдек жуда муҳим масала ётибди.

Суд ҳокимиятининг асосий компонентларидан бири бўлиб, уни амалга ошириш махсус давлат органлари — *судларга* топширилишидир. Суд ҳокимияти ўз мансабдор шахслари — судьяларнинг мақоми ва улар фаолиятининг

махсус режими билан фарқланади. Шундай қилиб, суд ҳокимияти — суд томонидан процессуал қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда, процессуал ва моддий ҳуқуқни қўллаш орқали ўзининг компетенциясига тегишли бўлган ишларни ҳал этиш учун берилган ҳокимият ваколатидир.¹

Сўнгги йиллар юридик лексиконида "суд ҳокимияти" атамаси мустаҳкам ўрин олиб, "суд" атамаси ва тушунчаси билан биргаликда кенг ишлатилиб келмоқда.² Лекин суд ҳокимиятини давлат органи сифатида суд билан бирлаштириб юбориш хато бўлар эди. Ҳокимият бўлиб мазкур орган қила олиши ва амалга ошириши мумкин бўлган ваколати тушунилади. Моҳиятан, буларга ваколатлар, функциялар киради; уларнинг ижросиси кирмайди.

Мазкур ваколатлар ичида устунлик мавқеини одил судловни амалга ошириш ваколати эгаллайди. Одил судловни фақатгина суд амалга ошириши мумкин, бошқа ҳеч қайси орган бу ваколатга эга эмас. Бу суднинг ўзига хос ва айни вақтда махсус ваколатидир. Лекин суд ҳокимияти фақатгина мазкур функцияни бажариш билан чегараланиб қолмайди. Бу ҳокимият ўз ичига қатор бошқа ваколатларни ҳам қамраб оладики, бу ваколатлар ижтимоий аҳамияти жиҳатидан одил судловни амалга ошириш ваколатидек муҳимдир. Буларга:

- конституциявий назорат;
 - давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назорат;
 - ҳукмлар ва суднинг бошқа актларининг ижросини таъминлаш;
 - судларга тааллуқли бўлган, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиб ҳал этиш;
 - суд амалиёти асосида амалдаги қонунчиликка шарҳлар бериш;
 - судлов корпусининг ташкил этилишида иштирок этиш ҳамда судлов ҳамжамияти органлари билан ҳамкорлик қилиш.
- Бу ваколатларни одил судлов билан тенглаштириш нотўғри бўлар эди. Лекин уларнинг амалга оширилиши одил

¹ Фокин В.М. Правоохранительные органы Российской Федерации. - М.: 1999, 31-бет.

² Байков А.Д. Третья власть - М.: БЕК, 1998, 104-бет.

судловни амалга ошириш билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг тегишлича амалга оширилишига кўмаклашади.

Суд ҳокимиятини ташкил этувчи, юқорида айтиб ўтилган ваколатларнинг ҳар бирини ҳаётга татбиқ этиш мазкур ҳокимиятни амалга ошириш юклатилган органларни улар томонидан қабул қилинадиган қарорларни ижро этиш учун мажбурлов воситалари билан таъминлашга қаратилган. Қонун, мисол учун, суд қарорларининг умуммажбурийлигини тўғридан-тўғри белгилаб қўйган. У барча фуқаролар, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан суд томонидан чиқарилган ҳужжатларга сўзсиз итоат этишларини талаб этади. Хусусан, ЎЗР ЖПК 272-274-моддаларига мувофиқ, маълум бир жиноий ишни кўриб чиқишда раислик қилувчи судья суд мажлисида белгиланган тартибга, интизомга риоя қилмаётган шахсга танбеҳ бериши мумкин. Агарда бу шахс судьянинг талабига бўйсунмаса, судья уни суд залидан чиқариб юбориши мумкин. Бундан ташқари, тартиб-интизомга риоя этмаётган суд мажлиси иштирокчилари моддий жавобгарликка тортилиб, уларга жарима солиниши мумкин.

Бундай ҳуқуқлар судьяларга фақатгина жиноий ишларни кўриб чиқишда эмас, балки бошқа ишларни ҳам кўриб чиқишда берилади. "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 65-моддаси 3-қисмида белгиланишича: "Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича талаб ва буйруқларига сўзсиз бўйсунуши керак. Одил судловни амалга оширишда керак бўладиган маълумотлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талаблари бўйича ҳақсиз тақдим этилади. Судьяларнинг талаблари ва буйруқларини бажармаслик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади".

Суд ваколатлари ҳақидаги умумлашган билимлар бу органлар нима билан шуғулланиши мумкин ва кераклиги тўғрисида тушунча беради ҳамда давлат ҳокимиятини амалга оширувчи муассасалар тизимида уларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини, шунингдек, ҳокимиятнинг уччала тармоқлари ўзаро нисбатига нисбатан йўналтиради. Бу ҳақдаги умумлашган билимлар ҳокимиятлар бўлиниши назарияси-

нинг кенг қўлланиладиган ва айна вақтда соддалаштирилган тушунчасини аниқ мазмун билан тўлдиради, *яъни*: қонун чиқарувчи - қонун чиқаради, ижро этувчи - ижро этади, судлар эса судловни амалга оширади. Нима бўлганда ҳам, суд ваколатлари рўйхати "суд ҳокимияти судловни амалга оширади" деган гап остида жуда кенг ва катта ҳажмли ва айна вақтда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолиятларидан тубдан фарқ қиладиган фаолият ётиши ҳақида гувоҳлик беради.

Суд ваколатлари доираси яна шу ҳақда маълум қиладики, суд ҳокимияти бошқа ҳокимият тармоқлари сингари муҳим ва масъулиятли ижтимоий функцияни бажаради. Буларнинг барчаси уччала ҳокимиятнинг тенглиги ва бир-бирини тўлдириши ҳақида хулоса қилишга имкон беради.

Суд ҳокимиятининг асосий иккита компонентларидан бири, юқорида айтиб ўтилганидек, уни амалга ошириш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлардан фарқ қилувчи давлатнинг махсус ташкил этилган органлари — судларга топширилиши ҳисобланади. Бундай фарқлар уларнинг ўзига хос ваколатларида ва ташкил этилиш тартибида намоён бўлади.

Бажариладиган функциялар судлардан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар учун белгиланадиган қоидалардан тубдан фарқ қилувчи махсус қоидаларга риоя қилган ҳолда ташкил этилиши ва фаолият юритишини талаб қилади. Бу қоидаларнинг амал қилиши судьяларнинг малакали танловини амалга ошириш орқали улар томонидан ўзларига тегишли бўлган ишларни холисона, малакали ҳал этилишига эришиш, судлов корпусига малакаси паст ва ахлоқсиз судьяларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик учун керак. Бундай "ҳимоя воситалари" фақатгина суд органлари учун хосдир. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларини ташкил этиш учун қонун бундай деталли талабларни қўймайди. Ижро этувчи ҳокимиятнинг у ёки бу мансабларига (ҳатто юқори лавозимларга) номзодларга ҳам қонун қаттиқ талаблар қўймайди. Судьялардан эса юқори малакали тайёргарлик ва мутахассислик талаб этилади. Боиси, суд хатолари конкрет шахсларнинг соғлиғи, ҳаёти, эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган

манфаатларига жуда жиддий, айримлари эса қайтариб бўлмас оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Суд ҳокимияти органлари ташкил этилишининг муҳим нуқтаси бўлиб, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қандай ташқи ва ички (раҳбарият ва юқори турувчи инстанциялар) таъсирлардан, аралашувлардан чегаралаб қўйиш ҳисобланади. Буни эса қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар хусусида айтиб бўлмайди. Айниқса, ижро этувчи органларнинг субординацияси, юқори турувчи органларнинг қўйи турувчи органларга бўйсунуши, раҳбарий кўрсатмаларнинг мажбурийлиги одатий ҳол ҳисобланади. Лекин, юқорида айтиб ўтилган фикрлар суд ҳокимияти билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ўтиб бўлмас жарлик мавжуд дегани эмас. Улар қанчалик алоҳида бўлмасинлар, улар ўртасида бир-бири билан боғлиқ, яқин нуқталар ҳам мавжуд. *Масалан*, қонун чиқарувчи органлар ҳамма учун, судлар учун ҳам мажбурий бўлган қонунларни чиқаради, судларни молиялаштиришни, уларнинг иш ҳақи миқдорларини тасдиқлайди. Суд ҳокимияти органлари эса, ўзларига тегишли бўлган ваколатлар орқали қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолияти мазмунига таъсир этиши мумкин. Улар, мисол учун, қонунни конституциявий эмас, ижро ҳокимияти органининг ҳужжатини эса қонуний эмас деб топишга ҳақли. Ва бу ҳолат тегишли органлар томонидан шундай деб топилган ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга, уларни ўзгартиришга мажбур қилиб қўяди.

Суднинг суд ҳокимияти органи сифатидаги хусусияти яна шундан иборатки, унинг фаолияти учун махсус қоидалар, процедуралар ўрнатилган бўлади. Бу қоидалар у ёки бу ишнинг судда кўрилишида барча масалаларни қатъиян тартибга солиб қўяди. Уларнинг асосий мақсади бўлиб қонуний ва адолатли ечим чиқарилишини таъминлашдир. Суд ҳокимиятини амалга ошириш процедураларининг бир қанча кўринишлари шакланган бўлиб, улар судловнинг турлари сифатида намоён бўлади. *Уларга*: конституциявий, фуқаролик, хўжалик, жиноий, маъмурий судловлар кирди. Бу судлов турларининг ҳар бири махсус қонунчилик актлари билан тартибга

солинади (ФПК, ХПК, ЖПК ва МЖТК). Юқорида санаб ўтилган судлов турларини ва уларни тартибга солиб турувчи қонунчилик актларини ўрганиш олий ўқув юртларининг юқори курсларида амалга оширилади, уларга махсус ўқув дастурлари бағишланган.

2.2. Мустақил Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг шаклланиши

Судлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик атрибути сифатида ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Судлар узоқ ўтмиш — 3-3,5 минг йил аввал шаклланиш даврида қандай бўлганлиги ҳақида ишончли маълумотлар бизгача етиб келмаган. Умуман олганда эса, Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданий-маиший даражаси тавсифидан, урф-одатларидан келиб чиқиб шуни айтса бўладики, судлов мажбуриятлари ҳурматга сазовор, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган жамият аъзолари томонидан амалга оширилган. Низоли масалалар бўйича улар томонидан билдирилган фикрлар, қабул қилинган қарорлар барча томонидан қабул қилиниб, мажбурий характерга эга бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида, салкам XIII аср мобайнида шариат қонун-қоидаларига асосланган *қозилик судлари*, халқ урф-одат меъёрларига асосланган *бий судлари* амалда бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида (Ўрта Осиё Россия томонидан қўшиб олинганидан сўнг) чор мустабид ҳукумати бу ерда Россия қонунчилигига асосланиб иш юритувчи ўзларининг суд органларини жорий қилишди. Даставвал улар фуқаролик ишларини ҳамда Россия фуқароларининг манфаатлари билан боғлиқ ишларни кўриб чиққанлар. Кейинчалик эса, уларнинг ваколатига барча жиддий низолар тўғрисидаги ҳамда қонун озодликдан маҳрум этиш жазосини назарда тутган жиноятларни кўриб чиқиш қўшилган.

Октябрь тўнтариши суд тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди: натижада янги судлар ва трибуналлар жорий қилинди. Улар, биринчи директиваларда белгиланганидек, ўзларининг "пролетарлик онги"га асосланиб ишларни кўриб чиққанлар.

Уларга ўз фаолиятида чор Россияси қонун ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам берилган эди, башарти бу қонун ҳужжатлари революция манфаатларига зид келмаса.

Судьялар ва бошқа суд органлари умуман хато қилмайдиган, қатъий қатағончи ва ҳеч ҳам шубҳаланмайдиган қилиб ўйланган эди. Уларни бошқариш фақатгина умумий кўрсатмалар бериш ҳамда конкрет ишларга тўғридан-тўғри аралашиш орқали амалга оширилган. Бунга мисол қилиб РКП(б) Сиёсий бюросининг 1919 йили "Босмачиларнинг бошлиқлари тўғрисида"ги қарорини келтирса бўлади.

Унда шундай дейилган эди: "Ўрта Осиё бюросига босмачиларнинг бошлиқларини қўлдан чиқармаслик ва уларни дарҳол Ревтрибунал судига топшириб жазо сифатида олий жазони қўллаш назарда тутиш мажбурият қилиб белгилансин".¹

Мазкур қарор матнидан сиёсий бюронинг суд ишларига тўғридан-тўғри аралашуви аниқ-равшан кўриниб турибди; бюро томонидан айбдорлик масаласи ҳам, жазо масаласи ҳам ҳал этиб бўлинган. У вақтларда судьяларнинг мустақиллиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. 1936 йили СССР прокурори *Вышинский А.Я.* судни давлатнинг қатағончилик сиёсатини амалга оширувчи орган сифатидаги родини исботлаб беради: "Биз пролетар давлатда судьяларнинг "мустақиллиги" тамойилини рад қилганимизда, биз уларнинг пролетар давлатдан, ишчи синфидан, умумдавлат сиёсатидан мустақиллигини рад этган бўламиз. Бунинг билан биз давлатда умумдавлат сиёсатидан фарқли равишда алоҳида суд сиёсатининг мавжуд бўлишини рад этамиз..."²

Қонунсизлик — коммунистик тизимнинг асосий белгиси бўлиб, у ҳеч қайси бир совет муассасаларини четлаб ўтмаган. Партия тизими судларни ўзининг йўлини амалга оширишга мўлжалланган бир бўлими сифатида қараган. Партиянинг йўриқлари ҳаётга дарҳол татбиқ этилган. Шундай қилиб, 1934 йил 10 июлда СССР ЦИК томонидан "СССР ички ишлар халқ комиссариати ва унинг маҳаллий органлари томонидан

¹ Цит. по кн.: Стецовский Ю.И. Судебная власть: Учебное пособие. 2-е изд. -М.: Дело, 2000, 55-бет.

² Вышинский А.Я. Судостроительство в СССР. М.: 1936, 117-бет.

тергов қилинадиган жиноятларни кўриб чиқиш тўғрисида” қарор қабул қилинади. Қарорга мувофиқ, давлатга қарши (контрреволюцион, бошқарув тартибига қарши) жиноятлар СССР Олий суди, иттифоқ республикаларнинг олий судлари, ўлка ва област судлари ҳамда автоном республикаларнинг бош судлари томонидан кўриб чиқилади. Бунинг учун СССР ва иттифоқ республикаларнинг судларида раис ва иккита суд аъзосидан иборат таркибда махсус ҳайъатлар ташкил этилди. Темир йўл ва сув транспортида содир этиладиган жиноятлар СССР Олий судининг Темир йўл ва Сув ҳайъатлари, йўналиш, темир йўл ва сув судлари томонидан кўриб чиқиши керак. Шунингдек, СССР Олий судининг Суд-назорат коллегияси (ҳайъати) ташкил этилди.¹

1935 йил 23 январдаги СССР Прокурорининг кўрсатмаларида айтилишича, контрреволюция тўғрисидаги ишлар “бу ишларни судларда кўриб чиқиш учун етарлича ҳужжатлар бўлмаса улар СССР НКВДсининг махсус кенгаши томонидан муҳокамага жўнатилиши керак, аммо бу ҳол бу ишларни маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда”² махсус коллегияларга кўриб чиқиш учун жўнатиш мумкинлигини ҳам назарда тутди.

Бошқача қилиб айтганда, махсус кенгашлар билан биргаликда махсус коллегиялар ҳам далилларсиз суд қилиши мумкин эди. Махсус судлар тизимига ҳарбий йўналиш ва лагерь судлари кирган. Буларнинг барчаси махсус коллегиялар билан биргаликда махсус кенгашларга жуда яқин бўлган. Уларнинг барчаси ёпиқ бўлган ва ҳеч бир қийинчиликсиз ўз фаолиятини амалга оширган. Уларнинг фаолиятида умумийлик уларнинг қарорларининг ҳал қилиб бўлинганлигида эди. Барча қарорлар айбловчи ва имкони борича қатъий бўлиб, ўйлаб ўтиришнинг зарурати бўлмаган.

Қатағонларнинг тезкорлиги ва кескинлигини махсус кенгашлар қаторида област НКВД бошқармаси бошлиғи, обком партия секретари ва област прокуроридан иборат бўлган махсус учликлар таъминлаган. 1937 йили Сталин

¹ СЗ СССР. 1934, №36, 284-бет.

² Сборник законодательных и нормативных актов о репрессиях и реабилитации жертв политических репрессий. - М.: 1993, 36-бет.

махсус учликлар ташкил этиш тўғрисида фармон чиқаради. Бу учликлар троцкистлар, шпионлар ва бошқа шахсларни отиб ўлдиришга ҳукм қилишга ёки 10 йилга қамоқ жазосини тайинлашга ваколатли эди. Бундай учликлар област УНКВД бошлиғи — раис, партия обкоми секретари ва облизполком раиси — аъзолардан иборат таркибда фаолият юритган. Учликлар учун "лимит" белгиланар эди. *Масалан*, махсус учлик ҳеч бир тергов ҳаракатларисиз, судсиз минглаб одамларни отиб ўлдириши мумкин эди. Бундай учликларнинг иш тартиби қуйидагича бўлган: баённома ёки "альбом" тузилар эди, унинг ҳар бир бетиде Ф.И.Ш., туғилган йили ва содир этилган "жинояти" ёзилар эди. Сўнгра област УНКВД бошлиғи қизил қалам билан "Р" ҳарфини ёзган, учлик аъзолари эса, одатда, эртасига бу баённома-альбомни имзолардилар. Шунингдек, иккиликлар, махсус коллегиялар ва махсус иштирокчилар ҳам мавжуд бўлган. 1937 йили 18 октябрь кунининг ўзидаёқ Ежов ва Вишинскийдан иборат иккилик 551 кишининг иш материаллари билан танишиб чиқиб, уларнинг барчасини ўлимга ҳукм қилган. Зарурат туғилганда эса бундай процедурани бажармаса ҳам бўлар эди. *Масалан*, 1941 йили ички ишлар наркомининг хати бўйича 25 киши: йирик ҳарбий хизматчилар, уларнинг хотинлари ва бошқалар отиб ташланган.¹

Партияга "номувофиқ" шахсларнинг рўйхатини тузиш кенг тарқалган эди. 1937-1938 йилларнинг ўзидаёқ Сталин ва Молотовлар томонидан 383 бундай рўйхат биринчи категория бўйича - отиб ўлдириш - тасдиқланган эди.²

Сталиннинг қонли қонунсизлиги, ҳуқуқнинг элементар қоидаларига риоя этмаслик нималигини 30-50 йилларда Ўзбекистон халқи ўзининг буюк ва илғор вакилларини ёлғон айбловлар ва кўрсатмалар туфайли йўқотганда билди. "Контрреволюцион жиноятлар" тўғрисидаги ишларнинг тергови бир томонлама, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳисобга олмаган, фуқароларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини поймол қилган ҳолда олиб борилган.

¹ Қаранг: Московские новости. 1988. № 1 9, 48; Лит. газ. 1988., 20 апр.

² Стенографич. Отчет XXII. Съезда КПСС. Т. 3, 152-бет; 215-216 бетлар.

Бундай ишларнинг аксарият қисмини "совет ҳокимиятини ағдаришга, унга қарши чиқишга даъват этувчи" тарғибот-ташвиқот қилганлик жиноятлари ташкил этган. Бунда модданинг диспозицияси кенг қамровли ифодаланиб, натижада фуқароларнинг танқидий фикрлари, қарашлари ҳатто аскиялари, кулги-ҳазиллари учун ноқонуний равишда жавобгарликка тортилиб кетишига сабаб бўлди. Мисол учун, оддий фуқаро магазинда юмшоқ нон бўлмаганлиги туфайли ўзининг фикрини билдирганлик учун ёки Германия кучли душман эканлигини эътироф этганлиги учун 10 йилга қамалиб кетиши ёки бўлмаса отилиб кетиши мумкин эди. *Масалан*, 28. 10. 1937 йили ЎзССР НКВД қошидаги учлик томонидан Боймирзаев А., Мурадов Н., Саидмурадов Н.лар ўлим жазосига, Шадманов Н., Курбанов Р. ва Мўминов Ш.лар эса узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилганди. Уларга колхозчилар ичида контрреволюцион тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борганликда айб эълон қилинганди. Ишни ўрганиб чиқиш натижасида маълум бўлишича "контрреволюцион тарғибот-ташвиқот ишлари" хизматга яроқсиз меҳнат қуроллари ва колхоз раҳбариятининг бепарволиги хусусидаги танқидий фикрларни билдиришда намоён бўлган.

Мазкур иш Олий суд томонидан жиноят таркиби йўқлиги туфайли бекор қилинган эди. Қийноқ ва зўрликлар, инсонни унинг оддий ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, яқинлар ва қариндошларни ҳибсга олиш билан қўрқитиш, доимий руҳий тазйиқ кабилар орқали керак бўлган кўрсатувлар олинган.

Шундай қилиб, 1938 йили 13 февралда ЎзССР НКВДси қошидаги учлик томонидан Денау ва Шўрчи туманларидан 17 киши ўлим жазосига ҳукм этилган бўлиб, улар А. Икромов ва Ф. Хўжаев томонидан ташкил этилган "миллий қаршилик ташкилотида" иштирок этганлик учун айбланган. Айблов эса Хайитов деган одамнинг кўрсатувларига асосан қўрилган эди, лекин Хайитов суд мажлисида кўрсатувлар қийноқлар остида олинганлигини айтиб, уларни қайтариб олади. Иш бўйича бошқа далиллар йўқ эди, лекин одамлар бари-бир ҳаётдан маҳрум этилди. Ҳукм уч кун ичида ижро этилганди.¹

¹ Ўзбекистон суд ҳокимияти: ислохотлар даври. Тошкент. "Адолат", 2002.

Бошқа мисоллар. 1942 йили 12 июнда Тошкент вилояти суди томонидан Шейнкнехт А. немис армиясини мақтаганлик ва маҳбуслар ичида контрреволюцион ташвиқотларни олиб борганлик учун ўлим жазосига ҳукм этилган эди. Амалда эса маҳбуснинг барча фикрлари немислар кучли душман эканлиги ва уларни енгилуш учун кўп ҳаракат қилиш кераклигини айтган. 1946 йили 5 майда Фарғона вилояти суди томонидан Раздобреев И. ЖКнинг 58-4-моддаси билан 25 йил озодликдан маҳрум этиш жазосига автобус бекатида транспортнинг яхши қатнамаётганлигини айтганлиги учун ҳукм этилганди. 1948 йили 6 октябрда Тошкент вилояти суди томонидан Качанов Г. ЖКнинг 66-моддаси 1-қисми бўйича колхозчиларнинг камбағал ҳаёти ҳақида ва Фарбда ҳаётнинг яхшироқ эканлиги тўғрисида фикр билдирганлиги учун 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилганди. Бундай мисолларни юзлаб келтирса бўлади. Бу ишлар Олий суд томонидан жиноят таркиби йўқлиги туфайли бекор қилинган.¹

30-40 ва 50 йилларнинг бошларида СССРнинг носудлов органлари томонидан 3.778.234 киши судланган бўлиб, шулардан 786.098 киши отиб ўлдирилган эди. Улар орасида бизнинг ватандошларимиз ҳам бор. Эҳтимол бу рақамлар бундан ҳам кўп бўлгандир.²

Ўзбекистон томонидан мустақилликнинг қўлга киритилиши, республикада ҳуқуқий давлатнинг қурила бошланиши билан ЎЗР Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси билан сиёсий қатагон қурбонларини реабилитация қилиш ишлари лозим даражага кўтарилди. Агарда 1955-1989 йиллар ичида Ўзбекистон Олий суди томонидан контрреволюцион жиноятлар бўйича 2850 киши оқланган бўлса, сўнгги 4 йил ичида 5200 киши оқланди. Реабилитация қилиш ишлари ҳали давом этмоқда ва давом этса керак, токи ҳуқуқлари топталган сўнгги шахс оқланмагунча.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, яхши қонунлардан ташқари, инсон ҳуқуқларининг мафкуравий кафолатлари-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди. -Т., "Ўзбекистон", 1994, 51-60-бетлар.

² В Комитете государственной безопасности СССР. Известия, 1990, 13 февраля.

инсоннинг қадриятига бўлган ишонч, ўзбошимчаликларнинг ҳар бир қурбони ҳақида хотиранинг сақлаб қолиниши ҳам жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи Президент И.А.Каримовнинг "Қатағон қурбонларини хотиралаш кунини белгилаш тўғрисида"ги фармонини юқори баҳолади. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ЎзР Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Шаҳидлар майдони мемориал комплексининг республикамизнинг мустақиллик байрами арафасида очилишида чуқур рамзий маъно бор. Минглаб одамлар бу ерга даҳшатли қонун бузилишларнинг қурбонлари бўлган ватандошларни ёд олиш учун келдилар.

И В. Сталиннинг вафотидан сўнг коммунистик партия ва совет ҳукуматинининг янги раҳбарияти ўзларининг хатоларини тан олишга мажбур бўлдилар ва одил судловни демократлаштириш бўйича қатор чоралар кўра бошладилар. Лекин бари-бир суд ижро ҳокимиятига бўйсунганича қолаверган. Судлар устидан раҳбарликни амалга ошириш қонун билан тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган эди. Судлар ўз фаолиятларида давлат манфаатларидан келиб чиққан ва инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масаласи иккинчи даражали эди. Уша йилларда суд тизими "марказ" томонидан умумий йўриқлар, кўрсатмалар ҳамда суд ишларига тўғридан-тўғри аралashiш орқали бошқарилар эди. Партия органлари конкрет ишларнинг кўриб чиқилишини ўзларининг назорати остига олар ва ўзларига керак бўлган натижаларнинг қабул қилинишига эришар эдилар.

"Кулоқсиз" судьялар билан турли усуллар билан кураш олиб борилган. Судьяларнинг шахсий ишларини партия муҳокамасига тақдим этиш, хайфсан эълон қилиш ёки бўлмаса партиядан чиқариб ташлашлар билан "мустақил" судьянинг тақдирини ҳал қилинган.

Судьяларнинг ишларига таъсир кўрсатиш кўпгина ҳолларда мажбур қилиш, илтимослар, у ёки бу ишни "диққат билан" кўриб чиқиш ҳақидаги маслаҳатлар орқали амалга оширилар эди ва зарурат бўйича оқлов ҳукмининг ёки далиллар етарли бўлмаслигига қарамасдан, айблов ҳукмининг чиқарилишига сабаб бўлар эди.

ИИВ ва прокуратура органлари катта жиноят ишлари бўйича ижтимоий фикрни шакллантириш орқали ишнинг натижасига, унинг ҳал этилишига таъсир қилган. Бундай

вазият кўпинча айблов охиригача исботланмаган, тергов бир томонлама олиб борилган ишларда кузатилар эди. Турли хил теле ва радио дастурлар ташкил этилиб, уларда мухбирлар "моҳирона очилган" ишлар ва ундаги "айбдорларни" тўлиқ тасвирлаш учун барча усул ва воситалардан фойдаланишган (булар устидан ҳали суд бўлмаган бўлса ҳам). Судьялар қонунга хилоф таъсирларга ва руҳий тазйиқларга қатор сабаблар туфайли берилган. *Биринчидан*, судларнинг моддий-техник, молиявий ва бошқа хил таъминоти, судьяларнинг эса уй-жой таъминоти маҳаллий ҳокимият кўлида эди. *Иккинчидан*, судьялар партия олдида жавобгар бўлиб, улар томонидан қабул қилинган қарорлар раҳбариятнинг фикрига кўра, партиянинг жиноят сиёсатига тўғри келиши лозим эди. *Учинчидан*, судьялар, агарда улар маҳаллий ҳокимиятга қарши чиқсалар, кейинги муддатга сайланмай қолишдан, хизмат зинапасидан юқорига чиқмай қолишдан, юқори лавозимга кўтарилмай қолишдан қўрқишар эди. Айнан шу ҳол Ўзбекистон судларининг Гдлян-Иванов гуруҳининг қонунсизлик ва ўзбошимчаликларига етарли қаршилиқ кўрсата олмаганлигига сабаб бўлган. 1983-1989 йилларда "пахта ишлари" бўйича Ўзбекистонда 4,5 минг киши жавобгарликка тортилган эди.¹

Шахс манфаатлари давлат манфаатларидан кейин турган, ҳукмрон мафкура учун минглаб инсонлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари билан бир қаторда уларнинг ҳаёти ҳам қурбон бўлиши мумкин бўлган шароитларда, айбдор бўлмаган шахсларни ҳатто судда ҳам оқлаш ниҳоятда мушкул эди. 1989 йили республика раҳбарияти томонидан "пахта ишлари"ни ўрганиш бўйича комиссия ташкил этилди.

Кўриб чиқиладиган ҳар бир ишни ўрганиб чиқиш натижасида республика Олий суди 3,5 минг кишини тўла оқлади. Бу ишларни текшириш шуни кўрсатдики, "пахта ишлари"да айбланаётган шахсларнинг кўрсатмаларини, далилларини олишда, юқорида айтиб ўтилган тергов гуруҳи томонидан, қонунга хилоф усуллар: дўппослаш, сўкишлар, камситиш, оила аъзолари, қавм-қариндошларни ҳатто

¹ Ўзбекистон суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври. -Т.: "Адолат", 2002.

соғлиғи ёмон бўлган, кўп болали оналар, кекса ёшдагиларни ҳибсга олиниши кабилардан фойдаланилган.

Эндиликда, ҳақиқий миллий мустақиллик даврида одил судловимизнинг мудҳиш ўтмиши маълум бўлди. Нима бўлганда ҳам, ҳақиқий ҳолатларнинг очиб ташланиши бундай воқеаларнинг такрор қайтарилмаслиги учун кучли мафкуравий тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Мустақилликнинг эълон қилиниши билан бошланган, жамиятдаги демократик ўзгаришлар суднинг давлат органлари ичидаги роли ва аҳамиятини қайта тушунишга олиб келиши шубҳасиз. Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши суд тизимининг янгиланиши учун унинг демократлашуви учун тўртки бўлди. Биринчи даражали вазифа бўлиб судларнинг қатағончилик машинаси сифатидаги ролини йўқ қилиб, унинг демократиянинг муҳим белгиси бўлмиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли воситасига айлантириш белгиланди.

Конституциявий меъёрлар суд тизимини яхлит белгилаб беради. Судларнинг ташкил этилиши ва фаолият тартиби махсус қонун билан тартибга солинади. ЎзР Конституциявий суди фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчиликнинг биринчи акти бўлиб 1993 йили 6 майда қабул қилинган "ЎзР Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун ҳисобланади. Умумий юрисдикция судлари шунингдек, хўжалик судларининг фаолияти Олий Мажлис томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги қонун орқали тартибга солинган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда суд тизимининг ташкилий асосларидан ташқари, ҳуқуқий давлатнинг амалда бўлиши учун зарур бўлган белгилар сифатида, судьяларнинг мустақиллиги ва ҳеч кимга бўйсунмаслиги кафолатлари мустаҳкамланган эди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган суд ҳокимиятини шакллантириш, давлатда ижтимоий барқарорлик ва қонунийликни таъминлаш, "ЎзР Конституциявий суди тўғрисида", "Судлар тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши ЎзР суд ислоҳоти биринчи босқичининг асосий мазмунини ташкил этади.

Маълумки, судларнинг тузилишини ислоҳ қилишнинг ўзи тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик ҳукм сурган, мафкура

қонундан устун бўлган тузумдан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устунлигини таъминловчи, асл демократик ҳуқуқий давлатга утиш учун кифоя қилмайди. Бунинг учун ҳуқуқий соҳада қатор ўзгартиришларни амалга ошириш шунингдек, бир қанча янги қонунлар қабул қилиш керак. Суднинг демократиклиги, объективлиги ва барча учун хизмат қилишлигини таъминлаш, суд ҳимояси соҳасини кенгайтириш вазифа қилиб белгиланди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари олдида турган вазифаларни ҳал этиш мақсадида 1995 йили 30 августда "ЎзР Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Шахс ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб, фуқароларни ижро этувчи органларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларидан ҳимоя этувчи "Давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тўғрисида"ги ЎзР қонунининг қабул қилиниши бўлди. Шундай қилиб, суд ислоҳотларининг бориши натижасида суд компетенциясида: қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан чегараланган фуқаролик ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий ишлар судловининг чегараланишидан тортиб жаҳон стандартларига жавоб берадиган компетенциянинг ўрнатилишигача муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Судларнинг ваколатлари доирасининг кенгайиши уларнинг ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитлар яратди, бу эса улар томонидан инсон ҳуқуқлари ва жамият ҳуқуқий қарашларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини оширишларига ёрдам беради.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг кейинги босқичидаги вазифалар ЎзР Президенти И.А. Каримов томонидан Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 6-сессиясида аниқ қилиб белгилаб берилди: "Ҳуқуқий давлатни мустақкамлашнинг асосий йўналиши бўлиб, суд ислоҳотларининг чуқурлаштирилиши, бутун одил судлов тизимининг ҳокимиятнинг мустақил учинчи тармоғи сифатида демократлашуви бўлиши керак. Ижтимоий ҳаётимизда суднинг демократик институт сифатидаги роли янада ўсиши керак. Судлов ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари фаолиятининг асосий мазмунини фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ташкил этиши керак. Суд жазоловчи орган бўлиб қолмасдан,

оддий одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилувчи, ҳақиқатдан ҳам мустақил орган бўлиши керак".¹ Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролар томонидан судга нисбатан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоячиси сифатидаги муносабатни шакллантириш, суд юрисдикцияси соҳасини кенгайтириш ҳамда ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашда суднинг ролини ошириш мақсадида ЎЗР Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотларининг ривожланиши тўғрисидаги Дастурни тасдиқлади.

Бозор иқтисодиёти ва эркин рақобат шароитларида хўжалик муносабатларида қонунийликни таъминлашни бошлаган хўжалик судлари тизимининг ташкил этилиши ҳам ўзини оқлади, шубҳасиз.

Суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим қадамлардан бўлиб, ЎЗР Президенти фармонига мувофиқ умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, яъни фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқувчи судларга бўлиниши бўлди. Шундай тарзда қуйидагилар ташкил бўлди: фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар, туманлараро судлар; жиноий ишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари. Мазкур фармон судьяларнинг кейинги ихтисослашувига қаратилган бўлиб, унинг қабул қилинишидан мақсад суд ишларини ўз вақтида ва адолатли ҳал этилишини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш қафолатларини кўчайтиришдир. 2001 йили 1 январдан бошлаб ЎЗР ҳудудида жиноий ишлар ва фуқаролик ишлари бўйича судлар алоҳида-алоҳида фаолият юрита бошладилар. Республикада ўтказилган судларнинг ихтисослашуви объектив сабаблар туфайли вужудга келадиган илгариги суд хатоларини ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиш ҳолларини бартараф этишга имкон берди. Ҳозирда судьялар ўз ихтисосликлари бўйича қонунчилик ва суд амалиётини янада чуқурроқ ўрганиб чиқиш имконига эга.

¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. -Т., "Ўзбекистон", 1996, 105-106 бетлар.

Булардан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан судьяларни фуқаролик ишлари бўйича ҳам, жиноий ишлар бўйича ҳам қайта тайёрлаш дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Шундай экан, Президентнинг судлар ихтисослашуви тўғрисидаги мазкур фармони, шубҳасиз, суд ислоҳотлари давомида босилган мутлақо тўғри ва катта қадамлардан бири бўлди. Боиси, мазкур фармон одил судловнинг асосий вазифаси — ишларнинг қонунга тўлиқ асосланган ҳолда кўриб чиқилиши, суд томонидан адолатли қарорнинг чиқарилишига кўмаклашади.

Суднинг ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи сифатида мустақиллигини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ қилиш, одил судловнинг сифатли ва тезкор амалга оширилиши, суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлаш муаммолари ЎзР Олий Мажлис томонидан 2-чақириқ 4-сессияда "Судлар тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилинишига олиб келди. Мазкур қонуннинг асосий янгиликларидан бири бўлиб умумий юрисдикция судлари ихтисослашувининг жорий этилиши, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича мустақил судларнинг ташкил этилиши бўлди.

Илк бор қонун билан умумий юрисдикция судларида процессуал қонунчиликнинг муҳим институтларидан бўлмиш ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш назарда тутилди. Бу институт халқаро амалиётда синалган бўлиб, республиканинг юқори судлари тизимида қўлланади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотидаги кейинги демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари 2002 йили 29 августда бўлиб ўтган 2-чақириқ Олий Мажлиснинг 9-сессиясида белгилаб олинди. Асосий вазифа судларнинг сўзда эмас, балки амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўлиб қолмоқда. Сессияда иштирок этган, мамлакатимиз Президенти И. Каримов: "Шуни ёддан чиқармаслик керакки, қаердаки судьяларнинг мустақиллиги таъминланмаса, у ерда, одатда, қонун бузилади, у ерда адолат бўлиши мумкин ҳам эмас" - деб таъкидлаган.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис 2-чақириқ, IX- сессиясида сўзлаган нутқи "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари", "Халқ сўзи" газетаси, 30 август 2002 йил.

Кейинги асосий муаммо бўлиб одил судловга етишиш муаммоси ҳисобланади. Мазкур муаммо аксарият мамлакатлар учун хосдир. Одил судловга эришишнинг таъминланиши дастлабки процедураларнинг камайишига, шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш тартибининг соддалаштирилишига олиб келади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг умумий тавсифи

Суд тизими деганда судларнинг компетенцияси ва мақсад вазибалари бўйича тузилган мажмуи тушунилади. ЎзР суд тизимини белгиловчи асосий ҳужжат ЎзР Конституцияси ҳисобланади. Унинг 107-моддасида:

"Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ва жиноий ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноий ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди".¹

Ҳозирги вақтга келиб шаклланган суд тизимини аниқлаб олишда ЎзР Конституциясининг 108-116-моддалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу меъёрлар юқори судларнинг, шунингдек, уларга бўйсунувчи қўйи судларнинг умуман суд тизимида тутган ўрнини аниқ қилиб белгилайди. ЎзР Конституциясининг 108-моддаси ЎзР Конституциявий суднинг мақоми белгиланган ҳамда унинг қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг конституциявийлигини текширувчи суд органи сифатидаги асосий мақсад-вазибалари баён этилган.

¹ "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги. 2003 йил. 24 апрелдаги қарори.

Бу суд ўзига хос ўрин эгаллайди. Унга ҳеч қайси бир суд тўғридан-тўғри бўйсунмайди, гарчи у томонидан қабул қилинган қарорлар барча судларнинг фаолиятига таъсир қилиши мумкин бўлса ҳам.

ЎзР Олий ва Олий ҳўжалик судлари ҳақида Конституциянинг 110 ва 111-моддаларида гапириб ўтилади. Бу судлар ўзларининг қўйи судларига эга бўлиб, улар устидан назорат олиб боради ва бу судларга амалдаги қонунчилик бўйича шарҳлар беради. Ҳозирги кунда суд тизимининг таҳлилини фақатгина Конституцияга асосланиб эмас, балки қатор бошқа қонунчилик актлари: "Судлар тўғрисида"ги қонун, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомга ҳам асосланиб ҳам олиб борса бўлади.

Келтирилган конституциявий ва қонунчилик меъёрларидан келиб чиқиб, одил судлов фақатгина суд ҳокимиятини ташкил этувчи ва бу вазифани амалга оширишга ваколатли бўлган суд органлари томонидан амалга оширилиши лозимлиги хусусида хулоса қилса бўлади. Бошқа ҳеч қайси давлат органлари юқорида санаб ўтилган ваколатларни — одил судловни амалга ошириш, конституциявий назорат, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг ижросини таъминлашни бажара олмайди. Санаб ўтилган ҳужжатлардан келиб чиқиб, судларнинг мажмуини уч гуруҳга бўлса бўлади. *Биринчи* гуруҳга ЎзР Конституциявий суди, *иккинчисига* эса ЎзР Олий суди ва у назорат қиладиган қўйи турувчи судлар, *учинчи* гуруҳга эса Олий ҳўжалик суди ва унинг назорати остидаги қўйи турувчи судлар киради.

Судларнинг аксарият қисми иккинчи гуруҳга мансуб. "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 2-бўлимида бу судлар *умумий юрисдикция судлари* деб номланади. Уларга ЎзР Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман ва Ҳарбий судлар киради. Бу судларнинг иш юритувига суд тартибида ҳал этиладиган аксарият ишлар тегишлидир. Иккинчи гуруҳ судлари ичида ўзига хос тармоқ бўлиб Ҳарбий судлар ҳисобланади. Уларга ҳарбий хизматчиларнинг манфаатлари билан боғлиқ ишлар тегишлидир.

Учинчи гуруҳга ЎзР Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон хўжалик суди, шаҳар хўжалик судлари киради. Мазкур гуруҳга раҳбарларини ЎзР Олий хўжалик суди амалга оширади. Суд тизимини ташкилий бирлик нуқтаи назаридан тавсифлаш учун бўғин тушунчасидан фойдаланиш керак. Суд тизими бўғини — бу бир типдаги судларнинг мажмуи бўлиб, улар уюшиқ ваколатларга эга бўлади ҳамда ЎзРнинг маъмурий-ҳудудий ва миллий-давлат тузилишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган бўлади.

Мазкур белги бўйича умумий судлар уч бўғин судларига бўлинадилар:

- асосий бўғин — туман (шаҳар), туманлараро;
- ўрта бўғин — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари;
- юқори бўғин — ЎзР Олий суди.

Худди шундай тарзда ҳарбий судлар ҳам бўлинадилар:

- асосий бўғин — округ ва ҳудудий ҳарбий судлар;
- ўрта бўғин — ЎзР Ҳарбий суди;
- юқори бўғин — ЎзР Олий суди ҳарбий ҳайъати.


Умумий ва ҳарбий судлардан фарқли равишда хўжалик судлари икки бўғиндан иборат:

- асосий бўғин — Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва — Тошкент шаҳар хўжалик судлари;
- юқори бўғин — ЎзР Олий Хўжалик суди.

Суд тизимини схемада қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.08.2000й.
№ПФ-2682 Фармонида 3-илова

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикциясидаги судлар тизими



Ташкилий тузилиши жиҳатидан судлар бир-бири билан бўғин тушунчаси билан, бажарадиган функциялари жиҳатидан эса инстанция тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Суд инстанцияси суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ у ёки бу суд функциясини бажарувчи суд (ёки унинг таркибий тузилмаси) ҳисобланади.

Биринчи инстанция суди деб мазкур иш учун асосий бўлган масалаларни мазмунан кўриб чиқишга ваколатли бўлган судга айтилади. Жиноий ишлар бўйича бундай масалаларга айбланувчи шахснинг у ёки бу жиноятни содир этишда айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги ва унга қандай жазо тайинланиши кераклиги масаласи киради.

Фуқаролик ишлари бўйича ишнинг моҳиятини қилинаётган даъво асосли ёки асосли эмаслиги ҳамда бунинг натижасида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатлар хусусидаги масалалар ташкил этади.

Биринчи инстанция суди сифатида ҳар қандай суд, ҳатто олий судлар ҳам чиқиши мумкин. Барча судлар ваколат доираси амалдаги қонун билан аниқ белгиланган. Апелляция инстанцияси суди қонуний кучга кириб улгурмаган қарор ва ҳукмларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишга қаратилган. Умумий юрисдикция судлари тизимида бундай судлар сифатида асосий бўғин судларига кирмайдиган барча юқори турувчи судлар майдонга чиқиши мумкин. Апелляция тартибида кўриб чиқилган иш кассация тартибида қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Кассация инстанцияси суди эса қонуний кучга кирган ҳукм ва қарорларнинг қонунийлигини текширади. Умумий ва ҳарбий судлар тизимида бундай судлар сифатида асосий бўғин судларидан ташқари барча судлар чиқиши мумкин.

Хўжалик судларида эса бу вазифани ЎзР Олий хўжалик суди амалга оширади.

"Назорат инстанцияси" атамаси ҳам кенг қўлланилиб келмоқда. Бу атама орқали судларнинг қонуний кучга кирган ҳукм ва қарорларини қонуний ва асослилигини текширувчи суд бўлинмалари белгиланади. Умумий юрисдикция судлари ичида бундай судлар сифатида ўрта бўғин судлари Президиумлари ҳамда ЎзР Олий суди Президиуми ва коллегиялари бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар учун бундай судлар сифатида ўрта бўғин судлари, ЎзР Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Хўжалик судлари учун эса — Олий хўжалик суди Президиуми бўлиши мумкин.

Юқори турувчи инстанция ёки юқори турувчи суд деганда тегишли судга нисбатан анча юқори мавқе ва мақомга эга бўлган судлар тушунилади. "Юқори суд инстанцияси" атамаси ЎзР Олий суди ёки Олий хўжалик судининг номланишининг синоними ҳисобланади.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 8 декабр. -Т.: "Ўзбекистон", 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни, 14 декабр 2000й.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг "Суд ҳокимияти тўғрисида"ги

1996 йил 20 декабрь қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бюллетени, 1997, №1-2.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. -Т.: "Адолат", 1999.

5. "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги 1995 йил 30 август қонуни.

Махсус адабиётлар

1. Безнасюк А.С., Рустамов Х.У. Судебная власть: Учебник для вузов. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2002.

2. Колоколов Н.А. Судебный контроль: некоторые проблемы истории и современности. - Курск, 1996;

3. Комментарий к Конституции Республики Узбекистан. -Т.: "Адолат", Академия МВД Республики Узбекистан, 1997.

4. Масликов И.С. Судебная власть в системе разделения власти в свете Конституции РФ. // Сов. юстиция. 1989. №8.

5. Монтескье Ш.Л. "Избранные произведения" -М.: 1955.

6. Петрухин И.Л. Правосудие: время реформ. -М.: 1991.

7. Правоохранительные органы. Учебник для вузов. / Под ред. проф. К.Ф. Гуценко 3-е изд. доп. и перераб. - М.: Зерцало, 1997.

8. Ўзбекистон Республикасида Суд ислохотларини янада ривожлантириш Дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бюллетени, 1996, №3-4 сон.

9. Расулов А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане. -Т, Госиздат, 1957 .

10. Савицкий В.М. Организация судебной власти в Российской Федерации. Учебное пособие для вузов. - М.: БЕК, 1996.

11. Стерник И.Б. Из истории суда Туркестанской АССР. /Сов. Юст. 1981, №21

12. Темушкин О.П., Добровольская Т. Н. Становление и развитие советской судебной ситемы. Суд в СССР. -М.: 1987.

13. Тихомирова Л.В., Тихомиров М. Ю. Юридическая энциклопедия /Под ред. М.Ю. Тихомирова. - М.: 1997.

Назрат саволлари

1. Ҳокимиятлар бўлиниш концепциясининг қисқача

мазмунини изоҳлаб беринг ва унинг асосий вазифаларини аниқланг.

2. Суд ҳокимиятининг асосий компонентларига тавсиф беринг.

3. Қандай суд инстанциялари сизга маълум?

4. Ишни мазмунан кўриш нимани англатади?

5. Ўзбекистон Республикасида қайси судлар ва қайси инстанция судлари ишни мазмунан кўради?

6. Ишни кассация инстанциясида кўриш тартибига тавсиф беринг. Ишларни кассация инстанциясида ва биринчи инстанцияда кўришнинг ўзаро фарқи.

7. Ишни кассация тартибида кўришнинг апелляция тартибдаги кўришдан фарқи.

III БОБ. ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Одил судлов ва унинг демократик тамойиллари

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига кўра "Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади"

Одил судлов—бу суд ва фақат суднинг фаолияти. Бундай тушунча Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасининг маъносидан келиб чиқади, яъни унда суд муассасаларининг тўлиқ рўйхати санаб ўтилган:

"Ўзбекистон Республикаси суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат. Судларнинг ташкил этилиш ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

"Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди".¹

Бу модданинг асл маъноси суд тизими бўғинларининг рўйхатини белгилаб беришдан иборат эмас, чунки бу бўғинлар ўзгариши мумкин, балки фақат суд ва ҳеч қандай бошқа муассаса одил судлов функциясини амалга ошира олмаслигини таъкидлашдир.

Бу маънода суд ҳокимиятининг ўзига хослиги ҳақида гапириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасининг принципиал маъноси яна шундан иборатки, бу моддага кўра унда назарда тутилмаган, ҳар қандай фавқулотда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Суднинг вазифалари "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддасида ифодаланган: "Ўзбекистон Республикасида суд

¹ Қаранг: "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига. Ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2003 йил 24 апрелдаги қарори.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир”.

Ўз-ўзидан, бунга ўхшаш вазифалар қайсидир маънода бошқа давлат муассасалари томонидан амалга оширилади. Шу билан бир вақтда, шундай кенг ва махсус маънода, улар фақат суд органлари томонидан амалга оширилади.

Турли хил низоларни ҳал қиладиган, жамият субъектларининг муносабатларини ижтимоий тартибга солувчи ҳамда, шу муносабатларнинг ҳуқуқий нормага тўғри келишини таъминловчи одил судлов ҳисобланади.

Одил судлов-давлат фаолиятининг бир йўналиши. Шунингдек, у Суд ҳокимиятини функциялаштиришни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим ваколатлардан биридир.

Унинг бундай ўрни ва маъноси турли хил омиллар билан белгиланади. Бундай омилларга, энг аввало, шундай вазиятни киритишимиз мумкинки, одил судлов инсон ва фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари бўйича қарор чиқариш билан узвий боғлиқ.

Айнан одил судлов жиноятни содир қилишда айбланаётган маълум бир шахсни айбдор деб топиш ва унга жазо чораси ёки қонунда кўрсатилган бошқа таъсир чораларини тайинлаш, шунингдек, ноқонуний ва асоссиз жавобгарликка тортилган шахсларни жавобгарликдан озод қилиш масалаларида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунингдек, одил судлов фуқаролар ўртасида бўладиган, *масалан*, меҳнат, оилавий, муаллифлик, ихтирочилик, уй-жой ва уларга берилган бошқа моддий ва моддий бўлмаган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишдан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни белгилаб беришда шундай

ўрин эгаллайди. Бундан ташқари одил судлов давлат ва нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар ўртасида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш борасида келиб чиқадиган низолар (мулкий ва бошқа)ни ҳал қилиш усули ҳамдир.

Одил судловни амалга ошириш жараёнида қабул қилинадиган (жиноят ишлари бўйича ҳукмлар, фуқаролик ишлари бўйича ҳал қилув қарорлари ва бошқалар) ва юридик адабиётларда кўпинча *одил судлов актлари* деб номланадиган, суд қарорлари қонунчиликка асосан алоҳида хусусиятларга эга. Булардан бири — умуммажбурийлик. Бундай ҳолат Конституциянинг 114-моддасида белгиланган: "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир". Бу модданинг маъносидан шу келиб чиқадигани, жиноят ёки фуқаролик ишини кўришда қабул қилинган қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ёки қарор давлат ҳокимиятининг барча органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, бошқа жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди бўйича ижро этилади. Бу борада Олий Мажлис 2-чақириқ 6-сессиясида "Суд ва бошқа органларнинг қарорларининг ижроси тўғрисида"ги қонун қабул қилинган.

Одил судловнинг моҳияти, ўрни, маъноси шу билан бирга нафақат унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида жуда маъсулиятли йўналиш эканлиги, энг муҳим масалалар бўйича умуммажбурий қарорлар қабул қилиши билан белгиланади. Унга бошқа бир қатор аломатлар ҳам хосдир.

Юридик адабиётларда айтилишича, одил судлов — бу икки туркумдаги ишлар: фуқаролик ва жиноят ишларининг муҳокамасидир. Биринчиси хусусий шахслар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг кенг ва кўп қиррали низоларни ёки қонуний манфаатларни ўз ичига қамраб олади. Бундай туркумдаги ишлар орасидан, қарз мажбуриятидан келиб чиқадиган ишлар, тузилган шартнома юзасидан мажбуриятларни бажармаслик (масалан, бирор бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, хизмат кўрсатиш), ноқонуний ишдан бўшатиш, турар-жойдан

мажбурий кўчиртириш ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Иккинчи туркумдаги ишлар (жиноят ишлари) нисбатан тор доирадаги ҳуқуқий муносабатлар, қонун бўйича, айнан жиноят, яъни жиноят қонунчилиги бўйича жавобгарлик назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш, ҳисобланган ҳуқуқий муносабатларга тегишлидир. Бу туркумдаги ишларни ҳал қилиш жуда масъулиятли фаолият ҳисобланади, чунки бу ерда сўз аниқ бир шахсни жиноятчи деб топиш ёки топмаслик ва унга нисбатан жиноий жазо чораларини (*масалан*, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум қилиш) қўллаш ёки қўлламаслик ҳақида боради.¹

Одил судлов тушунчасини ўзлаштиришда, юқорида кўрсатилган жиноят ва фуқаролик ишлари билан бирга яна бир туркумдаги ишлар мавжудки, улар ҳам кенг қамровли давлат органлари шунингдек, суднинг эътиборидан четда қолмаслиги кераклигини инобатга олиш лозим. Бу маъмурий қонунчилик ва биринчи ўринда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар (материаллар)дир.

Маъмурий жазо чораларини маъмурий ишлар бўйича судьялар ҳам қўллаш олади. Улар майда безорилик, судга ҳурматсизлик қилиш, судларнинг хусусий ажрим (қарор)лари бўйича чора кўрмаганлик (бундай суд қарорларида одатда мансабдор шахсларга тегишли ташкилотларнинг фаолиятида қонунбузарликлар ва бошқа хилдаги камчиликларни бартараф этиш учун кўрсатма берилган бўлади), намоишлар митинглар, йиғилишлар ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликларни бузиш, милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик тўғрисидаги ва бошқа бир қатор ҳуқуқбузарликлар.

Аmmo маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган судьялар фаолияти, одатда, одил судлов таркибига киритилмайди. У одил судлов (суд қарорларини ва бошқа органлар қарорларинини

¹ Гуценко К.Ф., Ковалев М.Ф. "Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов Изд. 6-е перераб. и доп. / Под. Ред. К.Ф. Гуценко М.: Зерцало-М, 2001, 57-бет.

ижросини таъминлаш) доирасидан ташқарида бўлган бошқа фаолият сингари, одил судловдан четда жойлашган.

Юридик адабиётларда шундай фикр мавжудки, бу фикрга кўра одил судлов икки хил кўринишда: оддий ва махсус кўринишларда амалга оширилади. Оддий кўринишда амалга ошириладиган одил судлов бу суднинг жиноят ва фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда, апелляция, касация инстанцияларида, шунингдек, янгидан очилган ҳолатлар бўйича, назорат тартибида, судланувчиларнинг айбдорлигини аниқлаш, уларга жазо қўллаш ёки айбсизларни оқлашга оид фаолияти, фуқаролик ишлари бўйича — ишни мазмунан ҳал қилишда намоён бўлади. Одил судловнинг махсус кўринишлари — бу суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд фаолияти, ҳуқуқбузарликни содир қилишда шахс айбдорлигини аниқлаш билан боғлиқ фаолият, маъмурий жазо қўллаш ёки иш юритувини тугатиш бўйича фаолият, шунингдек, Конституциявий суднинг ваколат доирасида амалга ошириладиган фаолият ҳисобланади.

Одил судловнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, давлатнинг бундай фаолияти қонунда қатъий белгилаб қўйилган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.¹

Қонунда, фуқаролик ва жиноят ишлари фақатгина суд мажлисида кўрилиб, ҳал қилиниши белгилаб қўйилган. Бу эса, ишни муҳокама қилиш ва шу иш бўйича қарор ёки ҳукм чиқариш фақатгина фуқаролик процессуал қонунчилигига амал қилинган ҳолда амалга оширилиши мумкинлигини билдиради. Юқоридаги тартиб, суд мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида пайдо бўладиган барча муҳим саволлар томонидан тартибга солинади (суднинг қонуний таркибини шакллантириш тартиби, суд мажлисида қатнашиши керак бўлган ва қатнашиши мумкин бўлган шахслар доирасини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, конкрет ҳаракатларни бажаришнинг мунтазамлиги, йиғилиш, далиллар тадқиқоти қоидалари ва б.қ.).

¹ Рыжаков А.П. Уголовный процесс: Учебник для вузов. -М.: НОРМА (Издательская группа НОРМА - ИНФРА. М), 2002, 6-бет.

Барча процессуал фармойишлар охир-оқибатда ҳақиқатни аниқлаш ва қонуний, асослантирилган, адолатли қарор қабул қилишга қаратилган.

Одил судловнинг яна бир хусусияти унинг ягона орган суд (судья) томонидан амалга оширилиши. Бошқа ҳеч қандай орган ёки мансабдор шахс бу фаолиятни амалга ошира олмайди. Юқорида таъкидланганидек, суд ҳокимияти ваколатларининг хусусияти шуни талаб қиладики, бунда уни амалга оширувчи орган қонунийлик ва адолатлилик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тузилиши ва фаолияти олиб бориши керак. Судларнинг тузилиш тартибидаги ўзига хос хусусият ва унинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи бошқа давлат муассасалари билан ўзаро муносабатининг ўзига хослиги ҳам шундан келиб чиқади. Суд фаолиятининг алоҳида тартибини ўрнатиш, суднинг обрў-эътиборини ҳар томонлама ошириб бориш, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ўз ўрнига эга бўлишига ғамхўрлик қилишга интилиш ҳам айнан шундан келиб чиқади.

Шундай қилиб, *одил судлов* — бу қонунга қатъий риоя қилган ҳолда ва қонунда белгиланган тартиб асосида жиноят ва фуқаролик ишларини муҳокама қилиш ва ҳал қилиш борасидаги суднинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятидир.

Одил судловнинг белгилари:

1) инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар бўйича ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилиш (айбдор ёки айбсиз деб топиш, даъво талабини қаноатлантириш ёки даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш);

2) қонуний кучга кирган суд қарорларининг мажбурийлиги — суд қарори (ҳукм, ажрим ёки қарор) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча давлат органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Суд қарорларини бажармаслик маълум бир давлат мажбурлов чоралари, ҳатто озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашгача олиб келади;

3) одил судлов фақатгина икки усулдагина амалга оширилади:

а) фуқаро, ташкилот, муассаса, корхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаати билан боғлиқ низолар бўйича фуқаролик суд мажлисларида муҳокама қилиш ва ҳал қилиш;

б) жиноят содир қилишда айбдор бўлган шахсларга қонунда кўрсатилган жазо чораларини қўллаш ёки айбсизларни оқлаш бўйича жинойий ишларни суд мажлисларида муҳокама қилиш;

4) одил судлов фақат суд (судья) томонидан амалга оширилади;

5) одил судлов жиноят ва фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишнинг қонунда қатъий белгиланган тартиби асосида амалга оширилади. Қонун одил судловни амалга ошириш тартибининг энг муҳим масалаларини белгилайди: суднинг қонуний таркиби; суд мажлисида қатнашувчи шахслар; уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар. Шунинг таъкидлаш керакки одил судлов бир қатор умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида амалга оширилади.

Умумий маънода бу тамойилларни давлатнинг бу турдаги фаолиятининг муҳим томонларини белгиловчи, умумий бошқарувчи тамойиллар сифатида тавсифлан мумкин. Бундай йўриқномалар одил судловни ташкил қилиш, унинг органларининг давлат механизми ва жамиятнинг сиёсий тизимидаги роли ва ўрни билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича бутун қонунчилик учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бу талаблар, энг аввало, давлатимизда одил судловни мукамаллаштириш ва ривожлантириш амалиёти асосида шакланган. Шунингдек, чет эл давлатларининг тажрибасини маълум меъёردа улар, одил судловни ташкиллаштириш ва амалга оширишга оид саволлар бўйича бир қатор прогрессив йўриқномаларни, яъни инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқлар ҳақида халқаро пакт каби халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган халқаро ҳамкорликнинг тажрибасини ҳисобга оладилар.

Бизга маълумки, одил судлов демократик асосларининг мазмуни доимо мукамаллашади. Бу жараён айниқса охириги йилларда жадаллашди. Бунга сабаб бўлиб, кўплар томонидан

тан олинган, давлатимизни ҳуқуқий ва демократик давлатга айлантириш фикридир. Бу борадаги реал қадам 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқи ўзини жаҳон ҳамжамиятининг бир бўлаги сифатида англаб, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган ва умумэтироф этилган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва одил судловнинг тамойиллари ёзилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, адолатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини таъминлаш борасидаги стратегик масалаларнинг тўла амалга оширилиши аслида шунга олиб келиши керакки, бунда суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа шакллари — ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар сингари обрўли, ишончли ва тўла ҳуқуқли бўлади.

Тамойил сўзи латинча **principium** сўзидан олинган бўлиб, *асос бўлувчи бошланиш* деган маънони билдиради. Ўзининг моҳияти жиҳатидан тамойиллар императив хусусиятга эга бўлиб, улар давлат томонидан таъминланадиган умум-мажбурий фармойишлар характерига эга. Мафкуравий категория сифатида тамойиллар ижтимоий-сиёсий мафкуралар асосида шаклланади. Аммо процессуал фаолият ва унинг доирасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни мазкур мафкурага асосланувчи тамойиллар тизими бундай тартибга солиш воситаси бўлади. Мафкура ҳуқуқ нормаларида ўз аксини топмагунча тамойил бўла олмайди, у ҳуқуқий онгнинг бошланиши, илмий хулосалар бўлиб қолаверади.

Тамойилларнинг нормативлиги — ўзига хос давлат ҳуқуқий фаолият сифатида фуқаролик ва жиноят процесс(жараён)ининг табиатидан ажралмас, уларнинг энг асосий хусусияти ҳисобланади.

Улар инсон ва фуқаро, давлат органларига қаратилган бўлади. Процессни олиб борувчи, давлат органлари белгилаб қўйган тамойиллар асосида фаолият кўрсатиб, уларнинг бузилиш оқибатидаги барча натижалар учун жавобгар бўлади.

3.2. Қонунийлик тамойили

Одил судловнинг асосий тамойилларидан бири *қонунийлик* ҳисобланади.

Қонунийлик деганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги қоидалар, қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган норматив актларнинг барча давлат ва нодавлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслари ва фуқароларнинг сўзсиз амал қилиши ва ижро этиши тушунилади.

Махсус тамойил одил судлов учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки давлат фаолиятининг бундай шакли, юқорида таъкидланганидек, қонун талабларига ва унда белгиланган жиноят ва фуқаролик ишларини муҳокама қилиш тартибига қатъий риоя қилиш билан боғлиқ. Қонунга риоя қилиш мавжуд бўлмаган жойда одил судлов ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу аниқроғи бошбошдоқлик бўлади. Бундай "одил судлов" ўзининг ижтимоий вазифасини бажаришга қодир эмас.

"Фақатгина қонун устуворлиги тамойилига амал қилган ҳолдагина инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва амал қилишни таъминлаш орқалигина фуқаролик жамиятини ривожлантириб бўлади", - деб таъкидлаган эди давлатимиз президенти И.А. Каримов 29 август 2002 йил Олий Мажлиснинг 2 чақириқ IV сессиясида.¹ Одил судловда қонунийлик тамойили биринчи ўринда судлар томонидан қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий актларга амал қилиниши ва уларнинг ижро этилишида ифодаланади. Суд Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келувчи қонун ва бошқа норматив актларни қўлламасликка ҳақли. Маълум бир ишни ҳал қилишда қўлланилиши керак бўлган норматив актни аниқлашда, суд норматив ҳуқуқий актларнинг юридик кучини инобатга олиши керак, улар бир-бирига зид келадиган бўлса, юридик кучи юқорироқ бўлган норматив актни қўллаши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис 2-чақириқ, IX-сессиясида сўзлаган нутқи "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари", "Халқ сўзи" газетаси., 30 август, 2002 йил.

Қонунийлик тамойили универсал тамойил ҳисобланади, аммо одил судлов фаолиятининг муҳимлиги ва масъулиятлилигидан келиб чиққан ҳолда бундай фаолият соҳасида қонунийлик тамойили алоҳида маъно касб этади. *Масалан*, қонунийлик тамойилини жиноят процессига қўллайдиган бўлса, бу тамойил ЖПКнинг II-моддасида мустақкамланган, у ўз ичига судьянинг, прокурорнинг, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи ва жиноят иш юритувида қатнашадиган шахсларнинг қонунга оғишмай амал қилиш талабини олади.

Жиноят процессида инсон тақдири ҳал қилинар экан, унда қонунийлик тамойили амал қилиниши алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойил иш ҳолатларини ҳар томонлама ва объектив баҳолаш, ҳар бир жиноят ишини қонунга риоя қилган ҳолда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

Жиноят процесси суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг фаолияти сифатида, давлатнинг ҳар қандай бошқа фаолиятдан кўра кўпроқ қонунда белгилаб қўйилган бўлиб, усиз жиноятларни очиш, айбдорларни аниқлаш ва уларни адолатли жазолашнинг иложи бўлмайди. Суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг мансабдор шахслари томонидан ҳужжатлар ва процессуал нормаларга амал қилиш талаби, уларнинг жиноят судлов ишларини юритишдаги мавжуд масалаларни ҳал қилиш ва эффектив фаолият олиб бориш учун зарур шарт ҳисобланади. Аммо бу органлар мансабдор шахслари томонидан қонун талабларининг бузилиши оғир ва баъзи ҳолларда тиклаб бўлмайдиган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларида жиноят иши бўйича суд процессига жалб қилинган шахсларнинг қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ўз процессуал мажбуриятларини тўғри амалга оширишларини тушунтириб бериш ва таъминлаш мажбурияти юклатилган.

Жиноят судлов ишларини юритишдаги қонунийлик тамойилининг мазмуни жиноят процессуал фаолиятнинг ҳар

бир иштирокчиси томонидан барча процессуал қонунларга, шу жумладан бу фаолиятнинг тамойилларини шакллантирувчи нормаларга риоя қилиш мажбурияти тушунилади.

Жиноят процессида қонунийлик тамойили мазмунининг кенг маънода талқин этилиши Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига асосланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2 август 1997 йил №12 "Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўришда судлар томонидан процессуал қонунчиликка амал қилиш тўғрисида"ги қарорида: "Кўпчилик ишлар республика судлари томонидан процессуал қонунга қатъий риоя қилган ҳолда кўриб чиқилади, аммо ишларнинг ҳал қилиниш сифатига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Қонун томонидан таъминланган суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқи бўлмиш тортишувчилик тамойили тез-тез бузилиб туради... процесс иштирокчиларининг илтимосномаларини қаноатлантиришни асоссиз равишда рад этилади, дейилган. Шу билан бирга қайта қарор билан Пленум "Жиноят ишларини суд муҳокамасида кўришда судлар процессуал қонунчиликка қатъий риоя қилишга эътибор беришлари кераклиги...", "Чунки иш ҳолатларининг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўрганилиши, ҳақиқатни аниқлаш ва суд жараёнининг тарбиявий таъсири, уларнинг процессуал қонунчилик талабларига қанчалик қатъий риоя қилишига боғлиқ...". Кассация ва назорат инстанция судлари камчиликларни йўқотиши учун Пленум ўз қарорида қуйидагича маслаҳат беради "...Кассация ва назорат тартибида ишларни кўришда биринчи инстанция судларининг жиноят процессуал қонунчилигига амал қилишига алоҳида эътибор бериш, бирорта ҳам қонун бузилиш ҳолатини эътиборсиз қолдирмасдан, жиноят ишларининг суд муҳокамасида қонунчиликнинг қўлланилишини тизимли равишда таҳлил қилиш лозим".¹

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг махсус қарори жиноят жараёнида қонунийлик тамойилининг кенг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорлари тўплами. 1991-1997йил. I-боб, -Т., Шарқ, 1997, 242-249-бетлар.

аммо айнан гапиришга йул кўяди. *Қонунийлик* - кенг қамровли тамойил бўлиб, процессуал ҳуқуқнинг барча норма ва тамойилларида ўз аксини топади, жиноят ва фуқаролик суд юритувининг барча томонларини таърифлаб беради.

3.3. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши

Махсус тамойил Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонунига (янги таҳрирда) асосан таъсис этилган судлар томонидан амалга оширилувчи одил судловнинг асл моҳиятини очиб беради. Ўзбекистон Республикасида фавқулодда судлар тузишига йул қўйилмайди. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддаси) кўрилатган тамойил "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида, ФПКнинг 6-моддасида ва ПКнинг 14-моддасида ўз аксини топган.

Жиноят судлов ишларини юритувига махсус тамойил қўлланилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 12-моддасида шакллантирилган бўлиб, одил судловнинг асл моҳиятини очиб берган: шахсни жиноят содир қилишда айбдор деб топиш, шунингдек, уни жиноий жазога тортишни фақатгина суд ўз ҳукми билан амалга ошира олади. Шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида фақатгина суд қарор қабул қилиш мумкин. ЖПКнинг 28-моддасига биноан: "Ўзбекистонда жиноят ишлари бўйича одил судловни: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширадилар".

Одил судловни амалга ошириш ваколати берилган органлар доираси аниқ чегараланган; уларга: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари

бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, хўжалик судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, ҳарбий судлар. Бу рўйхат қатъий бўлиб "Давлат одил судловни амалга оширишни, фақатгина махсус ваколатли ва компитент органларга ишониб топширади".

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиш тамойили энг аввало суд муҳокамаси босқичига тааллуқли. Бу ҳолат суд муҳокамаси жараёнининг энг муҳим босқичи сифатида кўрсатиб, судни, иш юритувини амалга оширувчи бошқа органлар орасидан ажратиб, уни инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати сифатида чиқиш мажбуриятини юклайди. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиш тамойили ишни фақат биринчи инстанция судида кўриш билан чекланмайди. Босқичларнинг ҳар бирида шу босқичда ҳал қилинадиган масалалар хусусиятидан келиб чиқиб одил судлов амалга оширилади.

Бу тамойил шундай бир ҳуқуқий тартибни ўрнатадики, бунда суд қарорларини ўзгартириш ва бекор қилишга фақатгина юқори инстанция судларининг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширилиши орқали йўл қўйилади. Бирорта ҳам суд қарори ҳар қандай давлат органи, шу жумладан олий давлат ҳокимияти томонидан ҳам ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Бу суд ҳокимиятининг махсуслиги ва тўлиқлигидан далолат беради. Кучга кирган суд қарори ҳамма учун шу жумладан, давлат олий органлари учун ҳам мажбурийдир.

Суднинг одил судловни амалга оширишдаги ўзига хослиги шундан келиб чиқадики, суд фаолияти махсус бир ҳуқуқий тартибда амалга оширилади, бунда жиноят ва фуқаролик ишларини ҳал қилишда шундай устунликларга эга бўлади. Давлат фаолиятининг бир бошқа шаклида бундай устунликлар мавжуд эмас. Бундай тартиб иш бўйича қонуний, адолатли қарор чиқаришнинг кафолати бўлиб ҳисобланади.

3.4. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши

"Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси.

Ҳар бир инсон унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш, унга қўйилган жиноий айбловнинг асослилигини аниқлаш учун унинг иши очиқ ва барча адолат талабларига тенглик асосида амал қилинган ҳолда мустақил ва холис (беғараз) суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга". Инсон ҳуқуқлари тўғрисида умумий декларациянинг 10-моддаси.

Ушбу тамойил бир қатор қонуний актларда ўз ифодасини топган: "Судлар тўғрисида"ги қонун, Жиноят-процессуал кодекс (14-модда), Фуқаролик-процессуал кодекс (7- модда) ва бошқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида, ФПК 7-моддасида ва ЖПК 14-моддасида судьялар ва халқ маслаҳатчиларига ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини эркин (қаршиликсиз) ва самарали амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилиши белгилаб берилган. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Ҳеч ким судьялар ва халқ маслаҳатчиларига тазйиқ ўтказиш ва маълум бир иш қандай ҳал қилиниши лозимлигига кўрсатма бериш ҳуқуқига эга эмас.

Ишнинг холисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиш ёки ноқонуний қарор чиқаришга эришиш мақсадида судьялар ва халқ маслаҳатчиларига ҳар қандай таъсир ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (ЖП 236-моддаси).

Шундай экан, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуш тамойили одил судловни амалга оширишда судьяларни ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳимоя қилади. Судьяларнинг мустақиллиги тамойили бировларнинг

аралашуви, босими ёки бошқа ҳаракатларидан ҳоли ҳолда суд қонунга мувофиқ масъулиятли қарорларни чиқаришига шарт-шароитларни таъминлаб беришдан иборат.

Суднинг мустақиллиги одатда иккита асосий элементнинг йиғиндисидан (мажмуасидан) иборат: суд ҳокимиятининг ташкилий ва функционал жиҳатдан мустақиллиги ҳамда судьяларнинг мустақиллиги.

Суд ҳокимиятининг ташкилий жиҳатдан мустақиллиги судларнинг ҳам қонун чиқарувчи ҳам ижро этувчи ҳокимиятга бўйсунмаслиги ва холислиқ ва мустақилликка эга бўлишлари тўғрисидаги ғоядан ташкил топган. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари суд ҳокимияти ваколатига эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бундан ташқари, судларни молиялаштириш, қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан тасдиқланадиган, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига марказлашган ҳолда амалга оширилади.

Судларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш ишлари "Судлар тўғрисида" қонуннинг II-моддасига мувофиқ махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, Судьялар мустақилдурлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 112-модда).

Судьяларнинг мустақиллиги уларнинг фақат қонунга бўйсунмишлари шароитида ва қонун доирасида бўлишлари уларни ташқи ва ички омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш шароитидагина таъминланади. Қонунга бўйсунмайдиган мустақиллик ўзбошимчаликка олиб келиши мумкин. Агар судьялар бирор бир ташкилот ёки мансабдор шахсга тобе бўлганларида фақат қонунга бўйсунмиш мажбурияти умуман аҳамиятга эга бўлмасди.

Суднинг функционал мустақиллиги судьялар ишларни кўриб чиқишларида фақат Конституция ва қонунларга

бўйсунушларини назарда тутати. Фуқаролик процессуал, жиноят процессуал ва хўжалик процессуал кодексларида белгилаб берилган одил судловни амалга ошириш жараёни судьяларга бировларнинг фикр ва талабларидан ҳоли равишда ишларни кўриб чиқишларини, бундан ташқари судьяларнинг мажлисида ўз фикр ва қарашларини билдиришларини таъминлаб бериши керак. Хусусан, маълум бир иш бўйича қарорни суд судьялардан ташқари бошқа ҳеч ким бўлмаслиги лозим бўлган судьяларнинг маслаҳат хонасида қабул қилади. Бошқа шахсларнинг иштироки, бундан ташқари судьялар маслаҳатлашувида кўриб чиқилган масалаларни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. (Конституция, 112-модда).

Суд жараёнининг барча босқичларида судьялар ишдаги барча ҳолатларни ўрганиш ва далилларга баҳо бериш масалаларини қонунларга амал қилган ҳолда ўзларининг ички ишончлари ва виждон амри бўйича ҳал қиладилар (ЖПК 95-модда). Умумий қоидага кўра, суд ишида кўриб чиқиладиган ишдаги айблов хулосаси, ишни кўриб чиқиш жараёнида вужудга келадиган масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ва улар тақдим этган далилларига суднинг алоқаси йўқ.

Шу сабабли суд бирор бир томоннинг илтимосномасига ёки ўзининг ташаббусига мувофиқ ишда етишмаётган далиллар ўрнини тўлдириш мақсадида гувоҳ ёки экспертни чақириши мумкин. Суд (судья) шахснинг барча айблари ёки уларнинг бир қисми исботланган деб ҳисобламаслиги мумкин ва ўз ишончидан келиб чиққан ҳолда айбловни ўзгартириши ёки судланувчини оқлаши (ЖПК 414, 415, 462-моддалар), янги айблов бўйича ёки янги шахсларга нисбатан жиноят ишини кўзгаши (ЖПК 416, 417-моддалар), ишни қўшимча тергов қилишга бериши (ЖПК 419-модда) мумкин.

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунушлари тамойили сабабли судьялар кўриб чиқиладиган иш бўйича ҳар қандай янглишиш (предвзятость) ва нохолисликлардан ҳоли бўлишлари шарт

ва ўз қарорларини шундай тартибда қабул қилишлари лозимки, унда барча судьяларнинг тенглиги таъминлансин. Шу сабабли маълум ишни кўриб чиқиладиганда судьяларнинг манфаатдор ёки холис эмаслиги хусусида ишончсизлик мавжуд бўлган шароитда улар ўзларини рад қилишлари ёки рад қилинишлари мумкин (ФПК 25-модда, ЖПК 76-модда), бундан ташқари улар иштирокида олдин кўриб чиқилган ишни кўриб чиқишда қайта иштирок эта олмайдилар (ФПК 27-модда, ЖПК 76-моддаси 3 қисм). Судьялар қарорларни оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қиладилар, бунда раислик қилувчи халқ маслаҳатчиларига таъсир ўтказмаслик мақсадида ҳаммадан кейин овоз беради (ФПК 14-модда, ЖПК 460-модда). Судьялар мажлисида фақат шу иш бўйича судьялар таркибига кирувчи судьяларгина иштирок этишлари мумкин.

Судьяларнинг мустақиллиги тамойили улар жиноят ишларини ўзбошимчалик билан, ўз ихтиёрлари билан кўриб чиқишлари ва назоратсиз бўлишларини англатмайди. Юқори турувчи судлар қонунга мувофиқ равишда ҳукмларни текшириш ҳуқуқига эгалар. Бироқ кассация ва назорат инстанциялари ҳукми бекор қилиб ва ишни судда янгидан кўриб чиқишга юборганда судьялар чиқарадиган хулосаларни олдиндан белгилаб бериш ва ўз қарорлари билан судьяларнинг мустақиллигига таъсир қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. (ЖПК 485-модда). Ишни қайта кўриб чиқишда биринчи инстанция суди нафақат далилларни баҳолаш ва фактларни белгилаш бўйича хулосалар чиқаришда, шу билан бирга қонунларни қўллашда ҳам юқори турувчи суддан мустақил ҳисобланади.

Судьялар ўз мажбуриятларини амалга оширишлари жараёнида ҳамда хизматдан ташқари бўладиган муносабатларида одил судловнинг обрўсини, судьялик кадр-қимматини тушириши ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт. ("Судлар тўғрисида" қонун, 66-модда).

Судьяларнинг мустақиллиги нафақат уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш, уларнинг дахлсизлиги, қарор

чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг таъқиқланиши ("Судлар тўғрисида" қонун, 67-модда) билан таъминлаб берилади, шу билан бирга судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот берилиши ("Судлар тўғрисида" қонун, 8-боб) билан ҳам таъминланади.

Қонун томонидан белгиланган тартибда судьяларни тайинлаш тартиби судьяларни, кимга бўлишидан қатъи назар, ҳисобот бериш мажбуриятидан озод қилтади, чунки одил судлов давлат фаолиятининг мустақил ва кимнингдир раҳбарлиги ёки назоратидан эркин бўлган соҳаси ҳисобланади.

Ушбу кўриб чиқиляётган тамойил турли бўғин судларининг ўзаро муносабатларини ҳам белгилаб беради. Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари ҳукми бекор қилиб ва ишни судда янгидан кўриб чиқишга юборганларида судьялар чиқарадиган хулосаларни олдиндан белгилаб бериш ва ўз қарорлари билан судьяларнинг мустақиллигига таъсир қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. У ёки бу қонунни кўллаш фақат ишни кўриб чиқаётган суднинггина ҳуқуқи бўлиб, бу фаолият соҳаси ҳар қандай ташқи таъсирлар учун ёпиқ ҳисобланади.

Суд ҳокимиятининг намоёндаси бўлган айрим судларнинг (отдельные суды) мустақиллиги нуфузли ва мустақил суд ҳокимияти амал қилишининг асосий шарти ҳисобланади. Шу сабабли давлатимиз раҳбари И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида "Суд-ҳуқуқ тизимининг мустақил ва амалийлигини қуруқ сўзларда эмас, амалда таъминлаб бериш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Судларнинг мустақиллиги таъминланган шароитдагина қонун амалга ошади ва устувор бўлади. Шунини унутмаслик лозимки - қаерда судларнинг мустақиллиги таъминланмас экан, одатда бу ерда қонун бузилади, адолат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас"¹, деб таъкидлаб ўтди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис 2-чақириқ, IX-сессиясида сўзлаган нутқи "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари", "Халқ сўзи" газетаси, 30 август, 2002 йил.

3.5. Ҳамманинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида одил судловни амалга ошириш

"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар" Конституциянинг 18-моддаси I қисми. "Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар. Конституциянинг 46-моддаси "Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдирлар", Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 14-моддаси.

Ушбу тамойилга Конституциянинг 18, 46-моддалари, "Судлар тўғрисида" қонуннинг 6-моддаси, ФПК 6-моддаси, ХПК 7-моддаси ва ЖПК 16-моддалари ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу тамойил Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг 7-моддасига ҳам асосланган бўлиб, унга мувофиқ "ҳамма инсонлар қонун олдида тенгдирлар ва бир хилда қонун ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгалар".

Ҳамманинг суд ва қонун олдида тенглиги тамойили одил судловни амалга оширишда амал қилиши билан бир қаторда ижтимоий ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам амал қилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, ижтимоий мавқеи, жинси, ирқи, миллати, маълумоти, тили, дини, яшаш жойи, эътиқоди, жамоат бирлашмалари билан муносабати, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатлар ишда иштирок этувчи шахсга имтиёз беришга ёки уни камситилишига, ишнинг бориши ва натижасига таъсир қилишга асос бўла олмайди. Бу талаблар нафақат суд босқичларига тегишли бўлиб, балки бутун ишни кўриб чиқиш жараёнига тегишлидир, чунки қонун меъёрларига мувофиқ суд ишининг ҳеч бир босқичида юқорида кўрсатиб ўтилган белгилар фуқаронинг ҳуқуқий мақомига таъсир кўрсатмайди.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва суд олдида тенглиги ташкилий жиҳатдан бир бирига боғлиқ бўлган қоидалар ҳисобланади, лекин бу улар алоҳида мазмун касб этмайдилар дегани эмас.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги деганда фуқаронинг ирқи, миллати, ижтимоий, мулкӣй ва хизмат мавқеи ёки этиқодидан қатъи назар бирор бир имтиёз берилиши ёки бунинг акси камситилишининг олдини олувчи ягона мулкӣй ва процессуал қонунлар мавжудлигини билдиради.

Шу билан бирга нафақат ҳуқуқларнинг берилиши ва улардан фойдаланиш назарда тутилади, бундан ташқари мажбуриятларнинг юклатилиши, одил судловни амалга оширишни тартибга солувчи қонуний ҳужжатларда белгиланган жавобгарликни қўллашни ҳам назарда тутати. Бир қатор сабабларга кўра ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган шахслар ўз ҳуқуқларини ишлата олишлари учун уларга қонунда қўшимча кафолатлар берилган. *Масалан*, жиноят-процессуал кодексида вояга етмаганлар, соқовлар, карлар, кўрлар ва бошқа жисмоний ва руҳий камчиликлари туфайли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган шахсларнинг ишларида ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги (ЖПК 51-модда), суд тилини билмайдиганларга таржимон орқали она тилидан фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши (ФПК 9-модда, ЖПК 20-модда) назарда тутилган.

Суд олдида тенглик қонун олдида тенглик тушунчасидан унча фарқ қилмайди. Суд олдида тенглик у ёки бу сифатда суд олдида ҳозир бўлган фуқароларга бир хилда процессуал ҳуқуқлар ва тегишли мажбуриятлар берилишини билдиради. Айтайлик, кимдир судга гувоҳ сифатида чақирилди, у ҳолда у келиб чиқиши, ижтимоий аҳволи, лавозимий ёки моддий мавқеи, ирқи ва миллатидан қатъи назар судга келиши ва тўғри кўрсатма бериши шарт. Умумий юрисдикция судларида судни олиб бориш қоидалари ким судга тортилаяпти, ким жабрланувчи, ким фуқаролик даъвосини бергани, ким жавобгар бўлиши ва бошқалардан қатъи назар бир хилда амалга оширилади. Хўжалик судлари кўриб чиқадиган ишларнинг қоидалари ҳам бир хилдир.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги ҳаммининг қонунга бир хилда бўйсунуши ва қонунни бузганлик учун бир хил жазо олишни назарда тутати. Жиноят қилган шахслар эгаллаган мансаби, нима билан шугўлланишидан ва бошқа

омиллардан қатъи назар жиноий жазога тортиладилар ва уларга нисбатан бир хил жиноятчилик бўйича қонун қўлланилади.

Ҳамманинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойили нафақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига, шу билан бирга хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларга нисбатан ҳам тегишлидир. Қонунга мувофиқ бир қатор давлат мансабдор шахсларини: судьялар, депутатлар ва прокурорларни жавобгарликка тортишнинг алоҳида қоидалари белгиланган. *Масалан*, судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси хўжалик суди пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас. Бизнинг назаримизда, бундай алоҳида тартиб фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойилини бузилишига сабаб бўлмайди, чунки у юқорида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортилишини истисно қилмайди, фақат жавобгарликка тортиш жараёнини тартибга солади холос. Юқорида кўрсатилган турдаги мансабдор шахслар учун алоҳида тартибда жавобгарликка тортишнинг мавжудлиги улар томонидан ўзига хос давлат хизматини ўташлари сабабидан тақозо этилади.

Судьяларни жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби, уларнинг фаолияти бўйича тинтув ўтказиш ("Судлар тўғрисида" қонун 70-модда), Қонун чиқарувчи палата ва Олий Мажлис Сенати аъзоларини ҳибсга олиш (Конституция 88-модда) бу турдаги шахсларни ҳамманинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойилининг умумий қоидалари доирасидан ташқарида бўлишига сабаб бўлади, лекин депутатлар ва судьялар дахлсизликларига кафолатлар бўлмаган шароитда ўзларига юклатилган мажбуриятларни тегишли даражада бажара олмас эдилар. ЖПКнинг 1-моддаси 1-қисмига мувофиқ барча судлар, прокуратура, тергов ва дастлабки тергов органлари учун қонунда белгиланган суд олиб бориш тартиби ягона ҳисобланади. Бироқ ЖПК айбланувчининг жисмоний ва психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда суд олиб боришнинг дифференциал тартибини белгилаб беради ва шу сабабли айбланувчилар уз

манфаатларини ҳимоя қилишлари учун турли процессуал қафолатларни назарда тутати. Акс ҳолда бу фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойилидан четга чиқиш эмас, уни бузиш ҳисобланади.

3.6. Ҳамма судларда ишларни очиқ кўриб чиқиш

"Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддаси.

"Ҳар бир инсон унга қўйилган жиноий айблов ёки бирор бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш иши қонунга мувофиқ ташкил этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва очиқ ҳолда кўриб чиқилиш ҳуқуқига эга". Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14-моддаси.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддаси суд ишини олиб боришнинг ошкоралик тамойилини назарда тутати. Ушбу модданинг мазмунига кўра "ошкоралик" атамаси "судда ишни очиқ кўриш" иборасига синоним ҳисобланади. Ушбу атама ФПКнинг 10-моддаси, ХПКнинг 8-моддаси ва ЖПКнинг 19-моддаларида тартибга солинади. Унинг моҳияти суд жараёнининг иштирокчиси бўлмаган барча фуқароларга у ёки бу суд ишини кўриб чиқишда қатнашиш имконини яратиб беришдан иборатдир.

Судда ишни очиқ кўриш суд фаолиятини яхшилашга хизмат қилиши, судни келиб чиқадиган масалаларга янада масъулият билан ёндошишига мажбур этиши, фуқароларни қонунчилиқни мустаҳкамлаш руҳида тарбиялаши, атрофдагиларга профилактик таъсир ўтказиши одил судлов устидан жамоатчилик назоратининг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Суд ишини очиқ кўриб чиқиш тамойилининг моҳиятидан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. *Биринчидан*, иш иштирокчиси бўлмаган, лекин ишни кўриб чиқишга келишни истаган ҳар қандай шахслар суд мажлисида қатнашиши мумкин. Аммо бир қатор истиснолар мавжуд, *масалан*, судга раислик қилувчи суд мажлиси ўтказиладиган

хона майдонининг кичиклиги сабабли ташриф буюрувчилар сонини чеклаши мумкин.

Иккинчидан, суд ишида маълумотларни ошкор қилиш имконияти мавжуд. Суд залида ҳозир бўлган шахслар суд мажлисида содир бўладиган ҳамма нарсаларни ёзиб олиш ҳуқуқига эгалар. Суд залида фото-, кино- ва видео аппаратларидан фойдаланиш фақат иш бўйича раислик қилувчининг рухсатига кўра амалга оширилади. Зарур бўлган ҳолатларда кенг ошкораликни таъминлаш мақсадида судга оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, жамоат бирлашмаларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

Бундан ташқари ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади (ЖПК 19-модда). Фарзандликка олиш сири ва ёзишмалар сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослантирилган ажримига биноан, иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишига йўл қўйилиши ҳам мумкин (ФПК 10-модда).

Фуқаролик ва жиноят ишлари суднинг ёпиқ ҳолдаги мажлисида кўриб чиқиш суд иши юритилишининг барча қоидаларига амал қилинган ҳолда олиб борилади. Қабул қилинган қарор ёки ҳукмлар барча ҳолларда ошкор эълон қилинади.

3.7. Суд ишлари юритиладиган тил

"Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла

танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади". Конституциянинг 115-моддаси.

"Ҳар бир инсон агар у суд юритиладиган тилни тушунмаса ёки шу тилда сўзлашмаса унга қўйилган жиноий ишни кўриб чиқишда таржимондан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга". Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14-моддаси, 3-қисм "F" банди.

Ушбу тамойилнинг асослари "Судлар тўғрисида"ги қонун, ФПК 9-моддаси, ХПК 10-моддаси ва ЖПК 20-моддасида белгилаб берилган. Процессуал қонунчиликда бир қатор ойдинлаштиришлар, қўшимчалар ҳамда кафолатлар белгиланган бўлиб, улар процессда иштирок этувчилар ўзларининг процессуал ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишларига ва мажбуриятларини бажаришларига имкон яратиб беради.

Ушбу тамойилга мувофиқ жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. (ЖПК 20-модда). Суд юритиладиган тилни билмаслик томонларни ишда иштирок этишларига тўсиқ бўлмайди. Ҳар бир томон таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг 1996 йил 20 декабрдаги "Ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаб берувчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида "гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва адвокатнинг ҳуқуқларини уларнинг суд юритилаётган тилни билмаслиги билан боғлиқ ҳар қандай чеклашлар ва уларга процесснинг ҳар қандай босқичида ўз она тилларидан фойдаланишларга замин яратиб бермаслик жиноят-процессуал қонун нормаларини жиддий бузиш ҳисобланади",¹ деб таъкидлаб ўтган. Иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўзларининг она тилида ёки ўзлари билладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатма ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленум қарорлари тўплами. (1991-1997), 1-боб, -Т., Шарқ, 1997, 242-249-бетлар.

мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади (ЖПК 20-моддаси).

Кўриб чиқиладиган тамойилнинг амал қилиши суд юритилаётган тилни билмайдиган барча иш иштирокчиларининг ҳуқуқ ва миллий манфаатларини кафолатлайди. Хусусан, ЖПКнинг 20-моддасига мувофиқ айбланувчига, судланувчига ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

Суд юритилаётган тилни билмайдиган ишда иштирок этувчиларга таржимон хизматидан фойдаланиш имконияти кафолатланган. Ўз навбатида, таржимон ишни кўриб чиқишда ўз вазифаларини тўғри ва тўлиқ бажариши шарт. Ушбу мажбуриятларини бажармаслик ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Айбланувчи (гумон қилинувчи, судланувчи)га кўрсатиладиган таржимон хизматлари барча ҳолатларда бепул амалга оширилади.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг мансабдор шахслари процесс иштирокчиларига улар таржимондан фойдаланиш, ўз она тилида ёки яхши биладиган бошқа тилда сўзлаш ва кўрсатма бериш ҳуқуқларга эга эканликларини уларга тушунтириб беришлари шарт. Бундан ташқари, суд юритилаётган тилни тушунмайдиган шахсларга дастлабки сўроқ ва дастлабки терговда ҳамда суд жараёнида ҳимоячининг иштирок этиши таъминланиши шарт.

Суд юритиладиган тил тамойили суд ишини фуқароларга тушунарли бўлишини таъминлайди, иш иштирокчиларининг миллатидан қатъи назар уларни қонун ва суд олдида тенгликларини кафолатлайди, ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис кўриб чиқишга имкон беради, процесснинг ошқора бўлишини таъминлайди, манфаатдор шахсларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилишлари учун қонунда кўзда тутилган ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконини беради. Суд ишлари юритиладиган тил қоидаларини бузиш иш бўйича чиқарилган ҳукм ва бошқа процессуал қарорларни бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

3.8. Судда ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши

"Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси.

"Ҳар бир инсон ўзининг конституциявий ва қонуний ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда бу ҳуқуқларини ваколатли миллий судлари ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга". Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг 8-моддаси.

Бундан ташқари, суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14-моддаси ва Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимояси тўғрисида Европа Конвенциясининг 6-моддаси, 1-қисмида ҳам белгилаб берилган. Европа Конвенциясини қўллаш амалиёти суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган оммавий ҳуқуқнинг қўлланишини кўзда тутган барча процессуал ҳаракатларни ўз ичига қамраб олишига гувоҳлик беради.

Конституциянинг 44-моддасида белгилаб берилган ҳолат бир қатор қонуний актларда, хусусан 1995 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлар, қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида" Қонунида аниқлаштирилиб берилган.

Ҳуқуқ ва эркинликлари суд ҳимоясида бўлиши ҳамма учун кафолатланади. Ушбу ҳуқуқ ўз ҳуқуқларини шахсан, адвокат ёки бошқа қонуний ҳимоячи орқали ҳимоя қилиши мумкин бўлган ҳар қандай жисмоний шахсга тегишли бўлиши мумкин. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ, чунки қонунчиликни, уни қўллаш амалиётини, судда иш юритиш тажрибасини билмасдан туриб суд ҳимоясида бўлишни самарали амалга оширилишини таъминлаш мумкин эмас. Бундай сифатларга юридик касбга эга бўлган шахсларгина эгалар. Судда ҳимояланиши лозим бўлган шахсларга айнан улар томонидан ёрдам кўрсатилиши лозим.

Қонуннинг бузилишига, ваколатларни ошириб юборишга ёки бировнинг ҳуқуқларини камситилишига сабаб бўлувчи барча қилмишлар ва қарорларга нисбатан ҳам судга шикоят қилиш мумкин. Бундан ташқари, нафақат конституциявий ҳуқуқлар шу билан бирга барча қолган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам суд ҳимояси остида ҳисобланади. Судга нафақат Конституцияда кафолатланган ҳуқуқлар бўйича шу билан бир қаторда қонун ёки шартномада белгиланган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ҳам мурожаат қилиш мумкин.

Бироқ, шикоят қилиш тартиби жиноят судлов ишларини юритишда ЖПКнинг қоидаларига мувофиқ белгиланади, яъни судгача бўлган босқичда сўроқ олиб борувчи, терговчининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоятлар назорат қилувчи ёки юқори турувчи прокурорга берилади. Сўроқ қилувчилар, терговчилар ва прокурорлар томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилишнинг тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. *Масалан*, фуқаролар ноқонуний қўзғатилган жиноий иш ёки жиноий ишни қўзғатишни рад қилиш, тинтув, ҳибсга олиш, жазо турини танлаш ва бошқалар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Бузилган ҳуқуқнинг характерига мувофиқ ҳимоя тегишли конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноий ва хўжалик суд ишлари тартибида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Айбсизлик презумпцияси

"Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади". Конституциянинг 26-моддаси, 1-қисми.

"Жиноят қилганликда айбланаётган ҳар бир инсон унинг айби қонуний тартибда, ошкора ҳолда ва унга тегишли ҳимояланиш учун имкониятлар берилган шароитда суд ишида белгилаб берилмаганига қадар айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга". Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 11-моддаси, 1-қисми

Айбсизлик презумпцияси (лотинча Praesumptio- тахмин, гумон сўзидан олинган) - шахс ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаб берувчи, асоссиз айблаш ва жазолашнинг олдини олувчи жиноят процессининг муҳим демократик тамойилларидан бири ҳисобланади.

Ушбу тамойил фақат жиноят судлов ишларини юритишда амал қилади ва ЖПКнинг 23-моддаси, 1-қисми ва "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддаси, 2-қисмида батафсил белгилаб берилган.

Айбсизлик презумпциясининг тамойили инсон ҳуқуқлари бўйича нуфузли халқаро ҳужжатларнинг қоидаларига ҳам мувофиқ келади: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (11-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт (14-модда), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимояси тўғрисида Европа Конвенцияси (6-модда, 2-қисм).

Айбсизлик презумпциясининг асосида умумий, кенг эътироф этилган ахлоқ нормаси ётади, унга мувофиқ ҳар бир киши айбдорлиги исботланмагунча айбсиз деб гумон қилиниши лозим.

Айбсизлик презумпцияси судья, терговчи ёки прокурорнинг шахсий фикрини билдирмайди, холис ҳуқуқий ҳолатни англатади. Тергов органлари шахсга айб қўйиш билан уни *айбланувчи* деб ҳисоблайдилар, лекин ҳали унинг айбдорлигини исботлаш лозим. Қонунга мувофиқ, шахснинг айбдорлигини белгилаш айбланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ва айблов далилларининг текширилиши самарали даражада кафолатланадиган суд босқичида ишни кўриб чиқиш орқали амалга оширилиши керак. Айбланувчи айблов ҳукмининг эълон қилиниши ва унинг қонуний кучга кирадиган вақтгача *айбсиз* ҳисобланади. Айбсизлик презумпцияси исботланиши мумкин бўлмаган барча гумонлар айбланувчи (судланувчи)нинг фойдасига ҳал бўлиши керак, яъни бировнинг жиноят қилганликда айбдорлиги исботланмаслиги унинг айбсизлиги исботланганлигига тенгдир.

Одил судловни амалга оширишнинг ушбу конститутивий тамойили айбланувчининг жиноят процесси ва бошқа барча ижтимоий муносабатларидаги ҳуқуқий мақомини белгилаб

беради. Айбланувчи бўйича суднинг ҳукми қонуний кучга кирмагунча, агар у қамоқда бўлса ҳам унинг меҳнат, оилавий ва бошқа ҳуқуқлари ва эркинликлари сақланиб қолади.

Умуман, ушбу конституциявий меъёр суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунча, ким бўлишидан қатъи назар шахсларга нисбатан айбдор сифатида муомала қилмасликни тақозо қилади. Аммо, айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг жиноят қилганлиги тўғрисида асосли гумон мавжуд бўлган ҳолатларда бу шахснинг баъзи ҳуқуқларини (эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини, шахсий эркинлигини, почта ва телеграфдаги ёзишма ва хабарларининг сир тутилишини) қонунда кўзда тутилган тартибда чеклаш мумкин.

Айбсизлик презумпциясига мувофиқ қонун чиқарувчи айбланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги бўйича асосли ва тўғри хулоса чиқаришни таъминлаш учун қандай чоралар кўриш лозимлигини белгилайди. Бу хулосадан олдин, аввал дастлабки тергов жараёнида, сўнгра судда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш; айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи ва бошқа процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларини амалга оширишларини таъминлаш; иш бўйича тўпланган процессуал актларни тўпланган далиллар билан асослаш; иш ҳолатларини судда синчковлик билан ўрганиб чиқиш ва бошқалар амалга оширилиши лозим.

Жиноят бўйича судлов ишларини юритишнинг асосини ташкил этувчи юқорида кўрсатилган барча кафолатлар мажмуаси суд ҳукмида айбланувчининг айбдорлиги тўғрисида тўғри хулосага келиш учун минимал талаб этиладиган ҳолатлар ҳисобланади. Айнан шу сабабли юқорида келтирилган кафолатлар таъминланган ҳолатдагина исботлашнинг асосий масаласи бўлган айбланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги қонуний кучга кирган суд ҳукмида таъминлаб берилади. Қонунга мувофиқ белгиланган процессуал кафолатларга амал қилинган ҳолда чиқарилган ва қонуний кучга кирган суд ҳукми жинойий жазо бериш ҳуқуқига эга бўлувчи давлат ва жазо олиши лозим бўлган ҳукм қилинган шахс ўртасида жиноят-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи юридик факт ҳисобланади.

Қонуний кучга кирган оқлов ҳукми айбсизлик презумпциясига мувофиқ айбланувчини айбсизлигини эълон қилинганлигини англатади.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчини фақат асосланмаган айблов ва жазолардан кафолатлабгина қолмайди. Унинг талаблари айбловнинг шубҳасиз исботланишини ва бартараф қилиб бўлмайдиган гумонларни айбланувчининг фойдасига ҳал бўлиши, давлат органлари учун ишни асосли ва адолатли ҳал қилинишининг асосий мезони бўлган иш ҳолатларини холис ва беғараз аниқлашни тақозо этади. Айбсизлик презумпциясидан сал бўлсада чекиниш-одил судловда қонунчиликнинг бузилишига ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига олиб келади.

3.10. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш

"Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва судда иш юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади". Конституциянинг 116-моддаси.

"Ҳар бир шахс ўзига қўйилган айблов унинг иштирокида кўриб чиқилишига ва шахсан ўзи ёки ўзи танлаган ҳимоячи ёрдамида ҳимояланиш ва у етарли миқдорда маблағи бўлмаганлиги сабабли ҳимоячига эга бўлмаган тақдирда ва бунини суд манфаатлари тақозо этган вазиятларда унга бепул ҳимоячи тайинланиши ва бу каби ҳуқуқларидан хабардор қилиниш ҳуқуқига эга". Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14-моддасининг 3-қисм "d" банди.

Ушбу тамойил Конституциянинг 116-моддасидан ташқари "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддаси ва ЖПК 24-моддасида ҳам белгилаб берилган. Ушбу меъёрларда (нормаларда) жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларда нафақат ҳимояланиш ҳуқуқи борлиги, шу билан биргаликда бу ҳуқуқнинг кафолатланишига алоҳида урғу берилган.

Жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида уларга бир қатор

ҳуқуқлар берилган: нимада айбланаётганликларини билиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, далиллар билан танишиш, терговни олиб бораётган мансабдор ёки айбловни қувватловчи шахслар ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ва бошқа ҳуқуқлар.

Агар ҳар бир айбланувчи айбловчи тараф билан тортиша олиш ҳуқуқига эга бўлмаса, унинг ўзига қўйилган айбловни рад қилиш ва эътироз билдириш ҳуқуқи шунчаки расмий бўлиб қолар эди. Шу сабабли, биринчи марта Жиноят процессуал кодекснинг 25-моддасида судда ишларни юритишда ўзаро тортишув тамойили ўз аксини топди.

Ҳимояланиш ҳуқуқи уни амалга оширишнинг кафолатланиши билан чамбарчас боғлиқ. Суриштирувчи, прокурор ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига уларга берилган ҳуқуқларни тушунтиришлари ва улар қонунда кўзда тутилган воситалар ва усуллар ёрдамида қўйилган айбловдан ҳимояланиш имкониятига эга бўлишлари учун барча чора-тадбирларни кўришлари шарт. Ушбу мансабдор шахслар иш материалларини тўла, ҳар томонлама ва холис ўрганиб чиқишлари, айбловни тасдиқловчи ёки рад қилувчи ҳолатларни аниқлашлари лозим.

Айбланувчи ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши ёки ҳимоячини таклиф қилиши мумкин (баъзи ҳолатларда суд томонидан тайинланган ҳимоячи бўлиши мумкин). Бундай имконият фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёки у ушланган пайтдан бошлаб вужудга келади (ЖПК 49-моддаси, 3-қисм). Ўз навбатида қонун ҳимоячига ҳам ҳимояси остида бўлганнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини фаол ҳимоя қилиши учун кенг ҳуқуқлар берган.

Қонунда айрим ҳолатларда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгилаб қўйилган. Хусусан, вояга етмаганларнинг иши бўйича, соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича; суд юритилаётган тилни билмайдиган шахслар иши бўйича; ўлим жазоси берилиш мумкин бўлган жиноятларни содир қилганликда айбланаётган

ёки гумон қилинаётган шахслар иши бўйича; шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича; давлат ёки жамоат айбловчиси иштирок этадиган ишлар бўйича; жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этадиган ишлар бўйича; соғлиқни сақлашга алоқадор мажбурлов чораларини қўллаш бўйича адвокатнинг иштирок этиши шарт ҳисобланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ишнинг мураккаблиги ёки бошқа ҳолатлар сабабли ўзини ҳимоя қилишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин деб ҳисоблаган бошқа ишларда ҳам ҳимоячининг иштирок этишига йўл қўйилади.

Агар юқорида кўрсатилган ҳолатларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи илтимосига ёки розилигига мувофиқ ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига кўра адвокатлик идораси (бюроси), ҳайъати ёки фирмасининг раҳбари суриштирув, тергов ёки суд жараёнида ҳимоячининг иштирок этишини тайинлаши шарт.

Юқорида айтилиб ўтилган ва кўплаб бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган. Ҳозирги кунда малакали юридик ёрдамга муҳтож бўлганларни бу ёрдам билан таъминлаш муҳим конституциявий ҳолат ҳисобланади. Бунга Конституциянинг 116-моддаси ва бошқа қонуний актлар бағишланган бўлиб, улар гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларнинг жиноят ишлари бўйича ҳимояланиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Айрим фуқаролар ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан мустақил равишда фойдалана олмаслиги мумкин. Бунинг учун нафақат қонунни шунчаки ўқиш, шу билан биргаликда уни тушуниш ва изоҳлай олиш, вужудга келган масалани ечиш учун зарур актни тезда топа олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлари билан ишлаш тажрибаси, маълум бир ҳаракатларнинг қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билиш, бу каби ҳаракатлар келажакда кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини бартараф қила олиш

ва бошқалар талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, самарали ёрдамнинг таъминланиши учун мутахассис зарур. Юқорида кўрсатилиб ўтилган қонуний ҳолатда айнан шу нарса назарда тутилган.

Моҳиятига кўра юридик ёрдам кўплаб ҳаракатларни ўз ичига олади: тегишли меъёрий актни топишда ёрдам бериш, унинг мазмунини тушунтириш, ариза, илтимоснома ёки бошқа ҳужжатни ёзишда ва далил-исботларни танлашда ёрдам бериш, вужудга келган масалани қайси орган самарали ечиши мумкинлигини белгилаш, суд ёки бошқа органда вакиллик қилиш, жиноят ишида ҳимоячи бўлиш ёки маъмурий жавобгарликка тортилаётган фуқаронинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқалар. Кўп йиллик тажрибанинг кўрсатишича, биринчи навбатда, бу каби фаолиятни, айнан ана шу ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган адвокатура энг самарали амалга оширади. Ушбу соҳадаги ишларнинг асосий қисми айнан адвокатурага тўғри келади.

Шундай қилиб, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш тамойили қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) суриштирувчи, терговчи, прокуратура ва суд каби органларнинг гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини тушунтириш ва бу ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаб беришга қаратилган қонунда белгилаб қўйилган мажбуриятлари;

б) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига бузилган манфаат ва ҳуқуқларини тиклашга, ҳуқуқларини бузган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини қўйишга имкон берувчи қонунда белгилаб қўйилган воситалар;

в) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан таклиф қилинган ёки терговчи ёхуд суд томонидан белгиланган ҳимоячининг қонунда кўзда тутилган воситалар ёрдамида гумон қилинувчи ва судланувчини (манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳимоячи тайинланган жамоа ҳам бўлиши мумкин) оқловчи ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга боғлиқ бўлган вазифалари.

Иш жараёнининг барча босқичларида айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади, лекин унинг процессуал ҳуқуқларининг ҳажми бир хил эмас. Айбланувчи айблов тарафи билан тенг ҳуқуқли мавқени эгаллаган суд муҳокамасида бу ҳуқуқлар анча кенг бўлади.

Айбланувчининг мураккаб ва кенг қиррали бўлган ҳимояланиш ҳуқуқи суд, тергов органлари ва прокурордан айбланувчининг процессуал ҳолатини белгилаб берувчи меъёрларга риоя қилишни талаб этади.

Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил №17-19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширилишини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги қарорида "Ҳимояланишга бўлган ҳуқуқ жиноят процессининг барча босқичларида" таъминланади.

Қонунга кўра (ЖПКнинг 24-,64-моддалари) жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья) ва давлат органлари гумонланувчи, айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтиришлари керак ҳамда ҳимояга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш учун реал шарт-шароитлар яратишлари лозим.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 41-сонли "Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорида "Гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқларига суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида риоя қилинмаган ҳолатларда, гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг адвокатининг иш учун муҳим аҳамият касб этган ҳолатларни ойдинлаштириш мақсадида қилган илтимосномаларини асоссиз рад қилиш ҳолатларида ва бошқа қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолатларда ҳамда суд иши тегишли даражада кўриб чиқилиши таъминланмайдиган ҳолатларда суд ишни қайта кўриб чиқишга юбориш масаласини кўриб чиқиши лозимдир"¹, деб

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленум қарорлари тўплами. (1991-1997) 1-боб, -Т., Шарқ, 1997, 209-бетлар.

бежиз таъкидланмаган. Суднинг қонуний ва асосли қарор чиқаришига таъсир кўрсатган ёки кўрсатиши мумкин бўлган процессуал нормаларнинг жиддий бузилиши ЖПК 487-моддасига мувофиқ суд қарорини бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

ЖПК 51-моддасига мувофиқ ҳам судлов жараёнида ҳам суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида адвокатнинг иштирок этмаслиги жиноят қонунчилигини жиддий бузиш ҳисобланади. Ҳимояланиш ҳуқуқи нафақат шахсий манфаатларнинг кафолати бўлиб, шу билан биргаликда одил судлов манфаатларининг ҳам кафолатидир. У ижтимоий қадриятдир. Ҳимоячи ихтиёрида бўлган айблов органларининг қарорлари устидан норозилик билдириш, ҳимояси остидаги шахс фойдасига далил-исботлар келтириш каби кенг имкониятлари иш ҳолатларини тўла ва холисона ўрганиб чиқишга ва у бўйича ҳақиқатни ўрнатишга самарали шароитлар яратади.

3.11. Ўзаро тортишув ва тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили

Ўзаро тортишув одил судловнинг тамойили (асоси) сифатида тарафларга ўзларининг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишлари учун бир хил юридик имкониятларни яратиб беришдан иборатдир. Судга эса одил судлов амалга ошириладиган суд кенгашларига раҳбарлик қилиш ва кўриб чиқилган ишлар бўйича тегишли қарорларни чиқариш ваколати берилган.

Бошқача айтганда, ўзаро тортишув баҳсли ҳуқуқий ҳолатларни кўриб чиқишда тарафлар ва суднинг функцияларини қатъий ажратилиб белгилаб қўйган ҳолда суд процессини ташкил этишни кўзда тутлади.

Агар суд томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш жараёнида тарафлар бирор бир процессуал вазифани (айблов ёки ҳимоя, фуқаролик даъвоси қўллаш ёки унга қарши туриш) ўзлари ёки ўзлари тайинлаган вакил томонидан амалга оширсалар ва ҳақиқатни аниқлаш йўлида тенг ҳуқуқли равишда баҳслашишлари, далил-исботларни тўплаш ва тақдим этишлари мумкин бўлганда, одил судловда ўзаро

тортишув тамойилига амал қилинган бўлади. Ўз фикрларини эркин билдириш, барча далилларни (аргументларни) таққослаш, баҳс-мунозара қилиш таъминланган шароитдагина муаммони тегишли даражада муҳокама қилиш, далил-исботларни таҳлил қилиш ва ўрганиб чиқиш мумкин бўлади.

Шу билан биргаликда, суд қонуний, асосли ва адолатли одил судлов ҳукми чиқарилиши учун ҳақиқатни аниқлашда фаол иштирок этади, барча қонунда белгиланган суд иши қоидаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлайди.

Ўзаро тортишув - одил судловнинг демократиявий-лигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади, чунки уни тўлиқ амалга ошириш биринчи навбатда, тарафларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш ҳар бир тараф ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишлари учун имконият яратиб беришдан иборатдир.

Жиноят, хўжалик ва фуқаролик процессуал қонунчиликнинг бир қатор қоидаларида ўзаро тортишув тамойилини кўриш мумкин. *Масалан*, Хўжалик процессуал кодексининг "Тарафлар тенглиги" номли 5-моддасида ўзаро тортишув ғояси қуйидагича ифодаланган, "Хўжалик судида низоларни ҳал қилиш ташкилотнинг мулкчилик шаклидан, кимга бўйсинишидан, қаерда жойлашганлигидан ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар қонун ва хўжалик суди олдида тенглиги асосига қурилган". Фуқаролик судлов ишларини юритишда ўзаро тортишув ФПКнинг "Тарафларнинг ўзаро тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги" номли 8-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унда шундай дейилган "Фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади". Бу тарафлар далилларни тақдим этиш ва уларни ўрганиб чиқишда иштирок этишда тенг ҳуқуқлардан фойдаланишларини англатади.

Ошкоралик тамойили фуқаролик процессига қараганда кўпроқ жиноят процессига хос бўлганлиги сабабли тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойили билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳар доим айнан жиноят ишлари соҳасида ўта муҳим аҳамият касб этиб келган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишда

тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойилини ривожлантириш борасидаги барча таклифлар жиноят процесси билан боғлиқ. М.С. Строгович шундай, деб ёзган "Тарафларнинг ўзаро тортишуви — бу айблов ишини кўриб чиқадиган суддан ажратилган ҳамда айблов ва ҳимоя тарафларга ўзларининг фикрларини ҳимоя қилишлари ва қарши тарафнинг фикрларига эътироз билдиришларида тенг ҳуқуқлар берилган ҳолда ҳамда айбланувчи ҳимоядан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолатда суд ишини ташкил этишдан иборатдир. Бунда суд процессига раҳбарлик қилиш, иш ҳолатларини фаол текшириш ва бевосита ишни ҳал қилиш тегишлидир"¹.

Юқоридаги ўзаро тортишув тамойилининг таърифида фақат судда ишни кўриб чиқишга нисбатан гапирилган. Бу тасодифан эмас, чунки совет жиноят процессида дастлабки тергов ҳеч қандай суднинг иштирокисиз амалга оширилган ва у суриштирув, тергов ва прокуратура органларининг ихтиёрида бўлган, демакки суд бўлмаса, тарафлар ҳам бўлмайди. Дастлабки терговда ҳимоя тенг ҳуқуқли тараф бўлмайди, чунки барча қарорларни айбловни амалга оширувчи процессуал муносабатларнинг субъекти қабул қилади, ҳимоячи ўз навбатида айбловга қарши ўз эътирозини билдириши мумкин, лекин судга мурожаат қила олмайди, шунинг учун ҳам айбловчининг ихтиёрига боғлиқ бўлиб қолади.

Тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойили ЖПК 25-моддасида қайд этилган бўлиб, унда биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади дейилган. Иш судда кўрилаётганда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бири-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида

¹ Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т.1. -М.: 1968, 149-бет.

тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар (ЖПК 25-моддаси, 3-қисм).

Агар жиноят ишлари бўйича процесда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари устидан юқори туришлик ваколоти ҳамда турли хил вазифалар (функциялар) айнан бир давлат органининг қўлида бўлса, у ҳолда жиноят ишларни қўзғатиш ва олиб бориш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш борасидаги фаолият самарали бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида жиноят процессининг функцияларини бир-биридан ажратилиши изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунинг сиёсий ва амалий аҳамияти катта бўлиб, у жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритишда қонунчиликнинг таъминланишига кафолат бўлиб хизмат қилади.

Амалдаги жиной-процессуал қонунчиликда жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда қарор чиқариш функцияси айблов ва ҳимоя функцияларидан алоҳидалиги аниқ ифодалаб берилган. Жиноят-процессуал қонунчилигида судья, айбловчи ва ҳимоячи вазифаларини бир шахс олиб бориши мумкин эмас, агар судья илгари ишда ҳимоячи, терговчи, прокурор сифатида иштирок этган бўлса (ЖПК 76-модда) ва прокурор ҳам ишда илгари иштирок этган бўлса уларни рад қилиш лозим.

Шундай қилиб, тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойили фуқаролик даъвосини ва унга қарши эътирозни тегишли равишда қўллаб-қувватловчи айблов ва ҳимоя вазифалари суд фаолиятдан алоҳида ажратилган ва ўз манфаатларини ҳимоя қилишда тенг процессуал ҳуқуқларга эга бўлган тарафлар томонидан амалга ошириладиган ҳолда ва суд ўз навбатида процесс устидан назорат қилиши, холисликни, беғаразликни сақлаши, ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис ўрганиб чиқиши ва ишни ҳал қилиши таъминланган ҳолда суд процессини ташкил этишини ифодалайди (ЖПК 409, 412-моддалари ва бош.).

Жиноят процессида тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойили *қуйидаги асосий элементларни характерлайди:*

1. Айбловнинг суддан ажратилиши;

2. Суднинг процесда фаол, мустақил бўлиши ва фақат унгагина иш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқининг берилиши;

3. Ўз вазифаларини амалга оширишлари учун тарафларга тенг процессуал ҳуқуқларнинг берилиши;

4. Айблов ва ҳимоя вазифаларининг одил судлов вазифасидан ажратилиши ва уларнинг бир биридан алоҳидалиги.

Ўзаро тортишув ҳуқуқини тан олиш — бу ўзаро тортишувчи тарафларнинг ўзларининг талабларини асослантиришлари ҳамда қарши тарафнинг фикрларига эътироз билдиришда бир хил воситалар ва имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқларини тан олиш демакдир.

Давлат ва жамоат айбловчиси, судланувчи, вояга етмаган судланувчи ва ҳимоячининг қонуний вакили ҳамда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд ишида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этишда, уларни ўрганиб чиқишда, илтимосномаларини билдиришда ва ишни тўғри ҳал қилиниши учун муҳим аҳамият касб этган ҳар қандай масала юзасидан ўз фикрини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Процессуал тенглик юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлардан кенгроқ бўлиб, нафақат ишнинг фактик жиҳатларига шу билан бирга ишнинг юридик жиҳатларига ҳам тааллуқдир. Ҳам айбловчи ҳам ҳимоячиси бўлган судланувчи суд ишида ва қарориди ҳал қилинадиган барча масалалар бўйича, жумладан жиноят даражаси ва жазо чорасини қўллаш бўйича ўз мулоҳазалари ва хулосаларини билдириш ҳуқуқига эга (ЖПК 53, 409, 412, 440, 449-моддалари).

Айбловчи, судланувчи, ҳимоячи ҳамда жабрланувчи, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларининг далилларни тақдим этиш, уларни ўрганиб чиқишда иштирок этиш ва илтимосномаларни билдиришдаги процессуал тенглик ҳуқуқлари ишни ҳал қилишда бир томонламалик ва субъективликка қарши кафолат бўлиб хизмат қилади ва ҳар бир иш бўйича ҳақиқатнинг қарор топишига керакли шарт-шароитларни яратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг 19 декабр 2003 йилдаги 17-сонли қарориди "Судлар ўзаро

тортишувлик тамойилини назарда тутувчи ЖПКнинг 25-моддасининг талабларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлашлари шарт", деб таъкидлаб ўтган. Бундан ташқари бу тамойил Олий суд Пленумининг 22 август 1997 йилдаги 12-сонли "Судларнинг биринчи инстанцияда жиноят ишларини кўриб чиқишда процессуал қонунчиликка риоя қилиши тўғрисида"ги қарорида ва "Ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаб берувчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида ҳам ўз ифодасини топган¹.

Суд ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганиб чиқиши учун керакли барча шарт-шароитларни яратиши лозим. Суд қайси тараф томонидан тақдим этилишидан қатъи назар ўринсиз далилларни кўриб чиқишни истисно этади; илгари ишни кўриб чиқишда истисно этилган далилларни ўрганиб чиқиш масаласини ҳал қилади; тарафларнинг илтимосига мувофиқ янги далилларни ўрганиб чиқади; суд иши бориши устидан нозорат олиб боради ва бошқа ишларни амалга оширади.

Ўзаро тортишув процессида суд янги айблов бўйича ёки янги бир шахсга нисбатан иш кўзгатиш, бирор бир тарафнинг илтимосисиз ишни қўшимча терговга юбориши мумкин эмас, бу жиҳатларни ЖПКда кўрсатиб ўтиш лозим.

Прокурорнинг жабрланувчи тарафнинг эътирози бўлмаганда айбловдан воз кечиши ишнинг тўхтатилишига олиб келиши лозим. Ўзаро тортишувда тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги — ҳақиқатни аниқлашда, тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатини таъминлашда ўта муҳим восита ҳисобланади. Ўзаро тортишув тамойилига асосланиш бутун суд процессининг мазмунини белгилаб беради, ҳукмнинг ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятини оширади ва янада ишончли бўлишини таъминлайди.

3.12. Одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштирок этиши

Замонавий шароитда жамоатчилик вакилларининг иштирокисиз жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленум қарорлари тўплами. (1991-1997), 1-боб, -Т., Шарқ, 1997, 132-242- бетлар.

бориш мумкин эмас, чунки фақат уларнинг ёрдамидагина барча жиноятларни тўлиқ очиш, барча жиноятчиларни фош қилиш ва уларга нисбатан адолатли жазони қўллаш, жиноятга олиб келувчи сабаблар ва шароитларнинг олдини олиш мумкин.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштирокининг турли кўринишларда бўлишини кўзда тутди. Ушбу тамойил ЖПКнинг 21-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унга мувофиқ жиноят иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек, жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари жиноят ишини юритишда жамоат айбловчилари ҳамда жамоат ҳимоячилари тариқасида қатнашишга ҳақлидир (ЖПК 21-модда).

Жамоат айбловчиларига ва жамоат ҳимоячиларига жиноят ишларини кўриб чиқишда нисбатан кенг ҳуқуқлар берилган. Жамоат айбловчиси иш материаллари билан танишиш, далиллар тақдим этиш ва уларни текширишда иштирок этиш, илтимоснома бериш, тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, айбловнинг исботлангани ҳақида судга фикр билдиришга ҳақлидир. Жамоат айбловчиси айбловдан воз кечишга ҳақли. Жамоат айбловчиси жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва иш ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шарт. Худди шу ҳуқуқларга жамоат ҳимоячилари ҳам эга (ЖПК 42, 43, 44-моддалар).

Қонунчиликда жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда халқ вакиллари сифатида халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши назарда тутилган. Халқ маслаҳатчилари институти Ўзбекистон одил судлов амалиётига анча йиллардан буён маълум (1917 йилдан кейин). У ўзининг тарихи давомида бир неча бор такомиллаштирилган, сўнгги йилларга келиб эса халқ маслаҳатчиларининг сусткашлиги, судга раҳбарлик қилувчига бўйсунishi ва унинг

фикрларини маъқуллаши сабабли танқид остига олинмоқда. Натижада, ҳозирги кунда халқ маслаҳатчилари фақат қонунда кўрсатилган ҳолатларда жиноят ишларини кўриб чиқишда иштирок этадилар холос. Фуқаролик ишларини кўриб чиқишда халқ маслаҳатчиларининг иштирок этиши кўзда тутилмаган (ФПК 13-модда). Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ суднинг таркиби дифференциациялаштирилган. Маълум бир ишларни кўриб чиқувчи суд таркибини тўғри белгилаш қонунийлик, ваколатлилиқ ва суднинг холислигини таъминлаб беради.

Ҳозирги кунда жиноят ишлари суднинг қуйидаги таркибида кўриб чиқилиши мумкин:

— судья якка тартибда — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўзда тутилган жиноятлар бўйича ишларда (ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва қонунда озодликдан маҳрум этишдан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар бўйича; унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этиш ва қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар бўйича; эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ва қонунда озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар бўйича);

— битта малакали судья ва иккита халқ маслаҳатчиси — бундай тартибда иш биринчи инстанцияда ҳар қандай судда кўриб чиқилиши мумкин, лекин бундан Ўзбекистон Республикаси Олий суди мустасно;

— учта малакали судья — бундай таркибда ишларни биринчи инстанцияда Ўзбекистон Республикаси Олий суди кўриб чиқади (ЖПК 13-модда, 2-қисм).

Кассация ва назорат инстанциясида ҳукм ва бошқа қарорларнинг қонунийлиги ва асосланганлигини фақат ҳайъат таркибидагина текширишга йўл қўйилади. Ўрта бўгин судлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина ишларни кўриб чиқади (ЖПК 13-модда, 6-қисм). Ҳайъат таркибида ишларни кўриб чиқишда биринчи инстанция судида ҳамда юқори турувчи судларда иш бўйича қабул қилинадиган қарорлар якка тартибда қабул қилиниши мумкин эмас (ЖПКнинг 13-моддаси 1-қисмида назарда

тутилган ҳолат бундан мустасно), у суд ҳайъатининг ёки унинг таркибига кирувчиларнинг кўпчилигининг фикрини ифодаловчи ҳулосадан иборат бўлиши лозим.

Қонун чиқарувчи орган нафақат ишларни ҳайъат таркибида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тамойилининг умумий жиҳатларини белгилаш билан чегараланиб қолади, шу билан бирга ҳайъат таркибида ишларни кўриб чиқишнинг қандай амалга оширилишининг мазмунини, биринчи инстанция судида, апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриб чиқишда ҳайъат таркибига кирувчиларнинг сонини ҳам белгилаб беради. Барча биринчи инстанция судларида ҳайъат таркибида одил судловни амалга ошириш халқ маслаҳатчиларининг иштирокида амалга оширилади (ЎЗР Олий суди бундан мустасно). Улар жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳукми чиқаришда юзага келадиган барча масалаларни ҳал қилишда судья ҳуқуқларидан фойдаланади.

Халқ маслаҳатчилари 25 ёшга тўлган ва қонунда кўрсатилган бошқа талабларга жавоб берувчи фуқаролар орасидан тайинланади. Фуқароларга халқ маслаҳатчиларининг ваколатларини бериш тартиби "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг (янги таҳрирдаги) 62-моддасига мувофиқ белгилаб берилган. Суд ишларининг асосий қисми халқ маслаҳатчиларининг иштирокида кўриб чиқилади. Лекин, шунга қарамасдан бугунги кунда халқ маслаҳатчилари институтидан воз кечиш ва судьяларнинг жиноят ишларини яқка тартибда кўриб чиқишдаги ваколатларини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Бизнинг жиноят ишлари бўйича суд юритишимизда халқ маслаҳатчилари профессионал судья билан ягона ҳайъатни ташкил этади (шефвенлар суди каби). Халқ вакилларининг судда иштирок этишининг яна бир кўриниши бу суд маслаҳатчиларининг (присяжные заседатели-қасамёд қилган маслаҳатчилар) иштирокидир (Англия, АҚШ, Россия). Суд маслаҳатчилари халқ маслаҳатчиларидан уларга қонунга мувофиқ берилган ҳуқуқлар билан ҳам фарқланади (маслаҳатчилар жойлашадиган ўринларнинг шакллантириш тартиби бундан мустасно). Улар ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, суд маслаҳатчилари фақат фактларни белгилаш каби масалалар бўйича (масалан, судланувчининг

айбдорлиги ёки айбсизлиги бўйича, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини белгилаш бўйича ва бошқа.) ҳамда судланувчининг шафқатга муносиб ёки муносиб эмаслиги бўйича қарор (вердикт) чиқариш ҳуқуқига эга. Ҳукм қилинган шахсга жазо чорасини белгилаш ва маълум бир жиноят ишларини кўриб чиқишда юзага келиши мумкин бўлган бошқа бир қатор муҳим масалаларни (асосан ҳуқуқий) ҳал қилишда суд маслаҳатчилари иштирок этмайдилар. Баъзи бир юристларнинг фикрича ишларни кўриб чиқишда халқ вакилларининг иштирок этиши қондаси суд маслаҳатчилари иштирок этадиган судда анча тўлиқ ўз аксини топган.¹ Халқнинг суд қилиш ҳуқуқи унинг қабул қилинадиган қарорларда мажбуриятини борлигини ҳам англатади. Халқ маслаҳатчилари (шефвенлар суди) ва маслаҳатчилар суди - ҳар иккиси ҳам анчадан буён маълум бўлган одил судловнинг *моделлари* ҳисобланади. Шу сабабли ҳам одил судловни амалга оширишда жамоатчилик вакилларининг иштирок этишидан умуман воз кечиш мақсадга мувофиқ эмас. Суд ҳайъатининг барча аъзоларининг қонуний ва асосланган қарорларни қабул қилишда масъулиятларини ошириш муаммолари мавжудлиги сабабли бу институтнинг самарадорлигини таъминлаб берувчи қонунларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ўйлаш зарур. Шубҳасиз, халқ маслаҳатчилари институти такомиллаштирилиши зарур.

Суд жараёнларида халқ маслаҳатчиларининг сусткашликларини бартараф қилиш масалаларида кўп нарсалар судьяга ва унинг халқ маслаҳатчилари билан муносабатларига боғлиқ. Айнан судья халқ маслаҳатчиларининг ишда фаол иштирок этишлари, қонунларни бузишга сабаб бўлган ҳолатларни белгилашда далилларни ўрганиб чиқишлари ва баҳолашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериши лозим.

¹ Более подробно о суде присяжных см: Истина... и только истина! Пять бесед о судебнo-правовой реформе. -М.: Юрид. лит., 1990, 142-239-бетлар; Уильям Бернэм. Суд присяжных заседателей. М: Московский независимый институт международного права (МНИМП), 128-бет; Николайчик В.М. Уголовный процесс США. -М.: Наука, 1981.

Шундай қилиб, бизнинг суд тизимимиз янада турли-хил ва самарали бўлиши керак ва ўз таркибига хусусан, судьяларнинг яқка тартибда иш юритиш, келиштириш судьялари, халқ маслаҳатчиларининг иштироки ҳамда қасамёд қилган халқ маслаҳатчиларини киритиши лозим.

Юқорида кўриб чиқилган жамоатчиликнинг одил судлов жараёнида иштирок этишининг шакллари ушбу тамойилнинг жиноят ишлари бўйича одил судловни юритишда самарали қўлланилишидан далолат беради.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 8 декабр 1992й. -Т.: "Ўзбекистон", 1992.

2. Всеобщая декларация прав человека. -Права человека. Основные международные документы.: Сб. документов. -М.: Международные отношения. 1989. -с. 134-142.

3. Международный Пакт о гражданских и политических правах. Права человека. Основные международные документы: сб. документов. -М.: Международные отношения, СЭ. -с. 35-40.

4. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида" Қонуни, 14 декабр 2000 й.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси (11,12,13,14,16,19,20,23,24,25,28-моддалар) - Т.: "Адолат", 1999.

6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекси (1-4, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 16-моддалар) - Т.: Ўзбекистон, 1998. -142 бетлар.

7. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик-процессуал Кодекси (1,2,4,5,6,7,8-моддалар) - Ўзбекистоннинг янги қонунлар, 9-Т.: "Адолат", 1995. - 176-178 бетлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленум "Суд ҳокимияти тўғрисида"ги 20 декабрь 1996 й. Қарори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бюлетени, 1997, №1-2, 102-105 бетлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-1997 й. Икки томда. 1-том., Тошкент. "Шарқ", 1997 й.

10. Олий суд Пленумининг №17, 19.12.2003 йил қарори.
11. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши тўғрисида"ги қонун 24.04.2003 й.

Махсус адабиётлар

1. Бекари Чезариа. О преступлениях и наказаниях. -М., 1995.
2. Комментарий к Конституции Республики Узбекистан. - Т.: "Адолат", Академия МВД Республики Узбекистан, 1997.
3. Кравченко Ф. Презумпция невиновности // Российская юстиция, 1997, №10.
4. Ларин А.М. Презумпция невиновности. -М.: Наука, 1982.
5. Лебедев В.М. Судебная власть в современной России. Проблемы становления и развития. - СПб.: Санкт-Петербургский государственный университет, юридический факультет, "Лань", 2001.
6. Мотовиловкер Я.О. О принципах объективной истины, презумпции невиновности и состязательности процесса. Ярославль, 1978.
7. Никифорова Е.Н. Независимость судей и подчинение их только закону - важнейший конституционный принцип. - Конституция - основа строительства правового государства. -Т.: "Адолат". 1996.
8. Никифорова Е.Н. Гарантии прав обвиняемого в уголовном процессе. "Хуқуқ". ("Право") 1 (5) 1999.
9. Правоохранительные органы. Учебник для вузов. / Под ред. проф. К.Ф. Гуценко 3-е изд. доп. и перераб. - М.: Зерцало, 1997.
10. Петрухин И.Я. Неприкосновенность личности и принуждение в уголовном процессе. М., 1989.
11. Стецовский Ю.И., Ларин А.М. Конституционный принцип обеспечения обвиняемому права на защиту. М., 1988.
12. Саркисянц Г.Л. Участие защитника в уголовном процессе. -Т.: "Ўзбекистан", 1971.
13. Строгович М.С. Право обвиняемого на защиту, презумпция невиновности. - М.: Наука, 1984.

14. Стецовский Б. Принципы национального языка судопроизводства и право обвиняемого на защиту. - Сов. юстиция, 1977, № 14.

15. Савицкий В.М. Организация судебной власти в Российской Федерации. Учебное пособие для вузов. - М.: БЕК, 1996.

16. Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия /Под ред. М. Ю. Тихомирова. - М.: 1997.

17. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври. (муаллифлар жамоаси). Т.: Адолат. 2002.

Назорат саволлари

1. Одил судлов тушунчасига таъриф беринг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа йўналишларидан фарқини кўрсатинг.

2. Одил судлов ва суд ҳокимиятининг ўзаро муносабати ва фарқи нимадан иборат?

3. Одил судловнинг демократик асосларининг (тамойилларининг) юридик моҳиятини тасвирлаб беринг.

4. Одил судлов соҳасида қонунийлик тамойилини амал қилиши нимани англатади?

5. Биринчи инстанция судларида апелляция, кассация ва назорат ҳайъат таркибида ишларни кўриб чиқиш қандай амалга оширилади?

6. Айбсизлик презумпциясига таъриф беринг ва ундан келиб чиқадиган қоидаларни санаб ўтинг.

7. Одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган органларни санаб беринг.

8. Нима сабабдан одил судловнинг тамойилини фақат суд амалга оширади?

9. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бошланғич (дастлабки) қоидаларни санаб беринг.

10. Фуқаролик ва жиноят ишларини ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқиш мумкин бўлган ҳолатларни санаб ўтинг.

11. Суд мажлиси залида видео тасвирга олиш ёки овоз ёзиб олиш мумкинми? Ким расмга олишга руҳсат беради?

12. Суд мажлисида журналистлар ва мухбирлар иштирок этиши мумкинми?

13. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлаб берувчи қонуний актларни санаб беринг.

14. Одил судловни амалга оширишда ўзаро тортишув нимани англатади ва унинг аҳамияти нимадан иборат?

IV БОБ. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАНЛАРАРО, ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТУМАНЛАРАРО, ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ

4.1. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро ва туман (шаҳар) судлари - умумий юрисдикция судларининг асосий бўғини, уларнинг ваколатлари

Суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим қадамлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا мувофиқ судларнинг ихтисослаштирилиши, яъни умумий юрисдикция судларини фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судларга ажратилиши бўлди. Бу, шубҳасиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш, суд ишларини сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаб берди.

Судларнинг ихтисослаштирилиши одил судлов учун кўшимча кафолатларни беради. Бир қатор ривожланган мамлакатларда, хусусан АҚШ, Англия, Франция, Италия ва Германияда бир неча ўн йиллар давомида одил судловни ихтисослаштирилган судлар томонидан амалга оширилиши ўзини оқлади. Ҳатто бу мамлакатларнинг баъзи бирларида янада чуқурроқ ихтисослаштирилган судлар мавжуд, *масалан*, оилавий ишлар, меҳнат, вояга етмаганлар ишлари: бўйича судлар ва бош. Ўзбекистон Республикаси ҳам суд фаолиятини янада ихтисослаштириш йўлидан бормоқда.

Одил судловни амалга оширишнинг сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 август 2000 йилдаги "Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ мавжуд умумий юрисдикция судлари асосида фуқаролик ишлари бўйича Қарақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро судлар, жиноят ишлари бўйича Қарақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) судлари ташкил этилди. Ушбу фармон одил судлов ва суд ишларини ўз вақтида кўриб чиқишни, фуқароларнинг сиёсий, ижти-

мой ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатларини янада кучайтиришни таъминлаш мақсадида судларнинг ихтисослаштирилишига қаратилган. Ўзбекистон Республикасида 1 январь 2001 йилдан бошлаб фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ўз фаолиятларини бошладилар.

Ҳозирги кунда судьялар ўз ихтисосларига мувофиқ қонунчилик ва суд амалиётини янада чуқурроқ ўрганиш имкониятига эгалар. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Умумий судлар тизимида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари асосий бўғин ҳисобланадилар. Бу биринчи навбатда одил судловни амалга оширишда кенг ваколатлар бериш ҳамда кўриб чиқиладиган ишларнинг салмоғини ошириш билан боғлиқ.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳиссасига фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича материалларнинг асосий қисми тўғри келади. Улар қонунга мувофиқ бошқа судлар (вилоят, ҳарбий ва бош. судлар) ваколати доирасида бўлган фуқаролик ва жиноят ишларинигина кўриб чиқмайдилар. Одатда аҳоли ўз муаммолари билан шу судга мурожат қилади ва кўп ҳолларда шу ерда ўз саволларига керакли жавобни олади. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар кўлами барқарор кўпайиб бориш хусусиятига эга. *Масалан*, 1994 йилда тахминан 64 минг фуқаролик ишлари кўриб чиқилган бўлса, 2000 йилга келиб эса тахминан 94 минг фуқаролик ишлари кўриб чиқилди.¹

Бу судларни ташкил қилиш тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Судлар тўғрисида" қонун ва бошқа қонунлар билан белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар ташкил этилган. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларини ташкил этиш кўриб чиқиладиган

¹ Ўзбекистон суд ҳокимияти: ислохотлар даври. -Т., "Адолат", 2002., 206-бет.
9 - 257

ишлар кўлами ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Жиноят ишлари бўйича судлар туман бўлими мавжуд бўлмаган ҳар бир туман (шаҳар)да амал қилади. Туман (шаҳар)да битта суд ташкил этилади, лекин бутун туман (шаҳар) ёки туман ва шу туманда жойлашган шаҳарлар учун битта судни ташкил этиш ҳам мумкин. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари фаолияти устидан назоратни фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди ва фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди амалга оширади.

Жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари фаолияти устидан назоратни жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят суди ва жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди амалга оширадilar.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари фаолиятларини ташкилий таъминоти, судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга қатъий бўйсунуш тамойилларига амал қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги махсус ваколат берилган орган зиммасига юклатилган.

Туманлараро, туман судларининг асосий ваколати биринчи инстанцияда фуқаролик, жиноят ва баъзи бир бошқа ишларни кўриб чиқиш, яъни, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, муайян ишлар бўйича қўйилган масаларга оид (жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг айбдор ёки айбсизлиги, қонунда кўзда тутилган жазони қўллаш ёки қўлламаслик, мулкий даъволарни исботланганлиги ёки исботланмаганлиги ва ш.к.) қарорларни қабул қилишдан иборат.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар томонидан кўриб чиқиладиган барча ишларни умумий хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратиш мумкин. *Шартли равишда шундай гуруҳлардан утасини тузиш мумкин:*

— фуқаролик, оила, меҳнат ва ер билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ишлар;

- алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;
- қонун билан уларнинг ваколатига бириктирилган бошқа ишлар.

Энг кенг тарқалган фуқаролик ишлари биринчи гуруҳга тегишли ишлар ҳисобланади. Улар, фуқаролик ишлари бўйича судларга кўриб чиқиш учун, одатда вужудга келган низо томонларининг ҳеч бўлмаганда бири фуқаро бўлган ҳолларда, келиб тушади (ушбу иш қонунда кўрсатилган белгиларга мувофиқ хўжалик суди каби бошқа судларда ёки маъмурий органлар томонидан кўриб чиқилиши керак бўлмаган ҳолатларда). Хусусан, буларга фуқаро ёки ташкилотга кимнингдир қонунга қарши (баъзи ҳолатларда қонуний) ҳаракатлари натижасида етказган зарарини қоплаш бўйича, етказилган маънавий зарар учун компенсация тўлаш бўйича, иш жойига қайта жойлаштириш бўйича, маълумотларнинг тарқатилиши бировга зарар келтиришига оид низолар бўйича, қилинган меҳнат учун тегишли ҳақни олиш бўйича, уй-жой ва унга бўлган эгалик ҳуқуқи бўйича, мерос олиш бўйича, болалар, эр-хотин ёки ота-оналарни боқиш учун тўланадиган алиментлар бўйича, бадийий ёки бошқа асарларга муаллифлик бўйича ишлар ва бошқалар киради.

Фуқаролар ва ташкилотлар ўзларининг ҳуқуқий муносабатлари жараёнида тузадиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар билан боғлиқ низолар бўйича ишлар кенг тарқалган. Буларга олди-сотди, уй-жой ижараси, нашр ва бошқа шартномалар киради. Бундан ташқари, бир шахс томонидан тузиладиган, бир томонлама бўлган шартномалар ҳам киради (масалан, совға, васиятнома, меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш). Шартномаларнинг ҳар бир тури уларни тузиш шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи тегишли ҳуқуқий нормалар доирасида тартибга солинади. Қонун шартнома томонларининг ҳуқуқлари суд ҳимоясида бўлишини кафолатлайди.

Кўпинча, фуқаролик ишлари бўйича судлар алоҳида тартибда кўриладиган ишларни ҳам кўриб чиқадилар. Буларга юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш, фуқарони дом-дараксиз йўқолган ёки уни ўлган деб эълон қилиш, фуқаронинг лаёқати чекланганлиги ёки лаёқатсизлигини

эътироф этиш, мулкнинг эгасизлигини эътироф этиш, йўқолган ҳужжатлар бўйича ҳуқуқларни қайта тиклаш каби ишлар киради. Юқорида кўрсатилган ишларнинг бошқа фуқаролик бўйича ишлардан кескин фарқ қилувчи хусусияти суд ҳақ-ҳуқуқ бўйича низолар, бир томоннинг иккинчи томонга бўлган даъволарини кўриб чиқмаслиги, фақат маълум ҳуқуқий натижалар оқибатларни келтириб чиқарадиган у ёки бу факт (ҳолат)ларни белгилаш масаласинигина кўриб чиқиши ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суд Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ келиб чиққан ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир фуқаро, агар давлат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари, идоралар, корхоналар ва уларнинг бирлашмалари, жамоат бирлашмалари ёки мансабдор шахсларнинг қонунларга хилоф ҳаракатлари (қарорлари) ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига сабаб бўлган деб ҳисобласа, судга шикоят қилиши мумкин. Шикоят бевосита шикоятчи яшаб турган жойдаги судга ёки ташкилот, бирлашма, мансабдор шахс жойлашган ердаги судга берилади ва фуқаролик иши тартибида кўриб чиқилади.

Бу ишларнинг асосий қисми жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг ҳиссасига тўғри келади, лекин қонунга мувофиқ кўриб чиқилиши юқори ёки ҳарбий судлар ваколатида бўлган ишлар *масалан*, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг айбини оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан қотиллик жиноятини содир қилиш, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсни қасддан зўрлаш, геноцид, терроризм, ўлим жазоси билан жазоланадиган жиноятлар ва бошқа ишлар (ЖПК 389м.) бундан мустасно.

Агар кўриб чиқилаётган ишлар моҳиятига кўра мураккаб бўлмаса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раиси, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси ўрта бўғин судлари ваколати доирасига оид

жиноий ишларни тегишли жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди ҳамда округ ёки ҳудудий ҳарбий судга кўриб чиқишлари учун тақдим этиш ҳуқуқига эгалар.

Туман суди жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишдан ташқари маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни ҳам кўриб чиқади. Бундай ишларни якка тартибда кўриб чиқадилар.

Туман судлари ишларнинг сезиларли қисми барча фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ўзлари чиқарган ҳукм ва қарорларининг ижросини тегишли даражада таъминлаш ташкил этилган. Улар жиноят ишлари бўйича ҳукмларни ижро этиш жараёнида вужудга келадиган масалаларни кўриб чиқадилар (жазодан шартли-муддатдан илгари озод қилиш, бир режимдаги колониядан бошқа режимдаги колонияга ўтказиш, касаллик ёки мажруҳлик сабабли жазони ўташдан озод қилиш, судланганликни олиб ташлаш, жазони енгилроғига ўзгартириш ва б.қ.).

Замонавий қонунчилик фуқаролик ва жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқадиган суд таркибини ўзгартирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судидан ташқари барча судларда фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция ишлари судьялар томонидан якка тартибда кўриб чиқилади (ФПК 13-модда).

Ишни якка тартибда кўриб чиқиш ва ҳал қилишда судья суд номидан ҳаракат қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раиси, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг қарорига мувофиқ биринчи инстанциянинг ҳар қандай иши ҳайъатда кўриб чиқилиши мумкин.

Жиноят ишлари ҳайъатда кўриб чиқилади. Жиддий ижтимоий хавфлилиги бўлмаган жиноий ишлар, яъни қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланган қасддан қилинган жиноятлар, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланган эҳтиётсизлик оқибатида қилинган жиноятлар, қонунда беш йилдан кўпроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланган унча оғир бўлмаган қасддан қилинган жиноятлар ҳамда қонунда беш йилдан кўпроқ муддатга

озодликдан маҳрум қилиш белгиланган эҳтиётсизлик оқибатида қилинган жиноятлар якка тартибда кўриб чиқилади (ЖПК 13м.).

Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси киради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади. Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар ва жиноят ишлари бўйича туман судларида фуқаролик-процессуал ва жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда якка тартибда ишларни кўриб чиқиш судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси томонидан кўриб чиқишдан фарқ қилмайди.

Амалдаги қонунчилик туман судлари кўриб чиқадиган барча ишларни олиб бориш тартиби ва қоидаларини батафсил белгилаб беради. Булар тўғрисида батафсил маълумотлар юридик олий ўқув юртларининг ўқув режасига киритиладиган фуқаролик процесси, жиноят процесси ва маъмурий ҳуқуқ каби предметлар ўрганилганида берилади. Умумий тартибда, бу ерда ишларни қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқилишини таъминлаб берадиган процессуал қонунчиликнинг баъзи жиҳатларинигина таъкидлаб ўтиш етарли.

Ушбу ҳолатга мисол тариқасида судлар томонидан кўриб чиқиладиган барча ишларда барча масалалар, одатда судланувчилар, даъвогарлар ва жавобгарлар иштирокида ва уларнинг фаол қатнашуви ҳамда уларга керакли ҳуқуқларни берган ҳолда ҳал қилинишини ўтиш мумкин. Улар барча ишларни ўрганишда иштирок этадилар, тушунтиришлар берадилар, исбот тақдим этадилар, илтимосномалар берадилар, жиноят иши бўйича ҳукм ҳам фуқаролик иши бўйича қарор суд мажлисида кўриб чиқилган ва белгиланган факт ва ҳолатлар асосида чиқарилади.

Судьяларни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида қонунда судьялар мажлисини олиб бориш ва иш бўйича ҳукм

ёки қарор чиқаришнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган. Бунинг учун судьялар суд маслаҳатхонасида кенгашадилар. Бу хонада ушбу ишни кўриб чиқишдаги суд таркибига кирувчи судьялардан бошқа ҳеч ким бўлмаслиги керак. Ушбу қонданинг (судьялар кенгаши сирининг) бузилиши ҳукм ёки қарорнинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

4.2. Туманлараро, туман судларида ишни ташкил этиш

Туманлараро, туман судларида ишни тўғри ташкил этиш судларнинг самарали фаолиятларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу вазифа суд раиси зиммасига юклатилади. Суд ишини ташкил этишда суд раисидан ташқари барча судьялар ва бошқа суд ходимлари иштирок этади. Суд ишини тегишли даражада ташкил этмасдан туриб ишларни тез, тўлиқ ва тўғри кўриб чиқиш ва суд олдида турга профилактик ва бошқа ишларни амалга ошириш мумкин эмас.

Иш режалаштириш асосида ташкил этилади. Суднинг режасида кадрлар билан ишлаш, халқ маслаҳатчиларини юридик тайёрлаш, туманда қонунийлик аҳволини ўрганиш, маълум турдаги суд ишларини кўриб чиқиш амалиётини умумлаштириш, иш юритишни ташкил қилиш ва бошқалар назарда тутилади.

Ҳар бир судьянинг жорий режаси суд маслаҳатларини ўтказиш, аҳолини қабул қилиш, сайёр суд мажлисларини ташкил этиш, мажлис ва семинарларда иштирок этиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Ҳар бир судда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш суд раиси, барча судьялар томонидан қатъий белгиланган ва аҳоли учун қулай вақтда амалга оширилади.

Ҳар бир судья ташриф буюрувчиларни қабул қилиш рўйхатини олиб боради. Суднинг қабулхонасида турли суд ҳужжатларининг намуналари бўлган доскалар қўйилади.

Суд аппарати одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, қонунчиликни системалаш ва тарғиб қилиш ҳамда бошқа ишларни амалга оширишда суд фаолиятини таъминлайдилар. Ҳар бир судда суд фаолиятини такомиллаштириш,

суд фаолияти давомида йўл қўйиладиган хатоларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, ижобий тажрибаларни аниқлаш ва уларни тарқатиш, эҳтиёт чора-тадбирларини ишлаб чиқариш ва кўриш мақсадида доимий равишда суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш олиб борилади.

Умумлаштириш иши қуйидаги босқичлардан иборат: умумлаштириш мавзусини танлаш; умумлаштириш дастурини тузиш; суд ишларини ўрганиш; хулосалар чиқариш ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Умумлаштириш режаси амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш жараёнида жавоб бериш талаб қилинадиган саволлардан ташкил топади. Бу каби саволлар маълум бир турдаги ишларда суд томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликлар, хатолар ва қоида бузишларини топиш; дастлабки тергов ва сўроқнинг сифатини; жиноят қилишга олиб келувчи сабаб ва ҳолатларни ва бошқаларни аниқлаш билан боғлиқ.

Умумлаштиришнинг мақсади ва дастурига мувофиқ суд раиси маълум бир турдаги ишлар ўрганиб чиқилиши керак бўлган муддатни белгилайди, масалан чорак, ярим йиллик, йил ва бошқалар. Умумлаштириш дастури ва муддатини белгилаб олгач, судьялар танлаб олинган ҳар бир турдаги ишларни ўрганиб чиқадилар ва маълумотларни таҳлил қилиб қўйилган саволларга тегишли жавобларни берадилар. Суд ишларини ўрганиб чиқиш ва белгиланган дастур бажарилгандан сўнг, умумлаштиришнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, хулосалар чиқарилади ва таклифлар киритилади. Суд ходимларининг малакасини ошириш шакллари турли хил бўлади. Халқ маслаҳатчилари билан ишлаш кўпинча икки йўналишда олиб борилади: уларни юридик тайёрлаш мақсадида ўқитиш ва суднинг тарбиявий-профилактик фаолиятига жалб қилиш.

Суд иши устидан назорат қилишнинг самарали воситаларидан бири судьяларнинг аҳоли билан мулоқоти ҳисобланади. Бундан ташқари, бу одил судлов ғоясини ва суд иши тўғрисида маълумотларни тарғиб қилишнинг воситаси саналади. Ҳар бир судда статистик ҳисобот юритилади. У ҳал қилиниши лозим бўлган фуқаролик ишлари

бўйича ва жиноят ишларини кўриб чиқиш бўйича суднинг ҳисоботларини ўз ичига олади. Бу ишлар бўйича масъулият суд раисининг зиммасида бўлади. Ҳар бир жиноят иши ва фуқаролик иши учун дастлабки ҳисобот-статистик карточкани ва судланувчининг статистик карточкасини юритиш ҳисоботнинг асосини ташкил этади.

Судларда қонунчилик ва суд амалиёти бўйича маълумот ишлари олиб борилади. Маълумот ишлари кодекслар, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди изоҳлари, Адлия вазирлигининг буйруқ ва йўриқномалари ва бошқа ҳужжатларнинг расмий нашрларининг назорат нусхаларини сақлашдан иборат.

Маълумот ишларининг ҳолатига масъул бўлган судья амалдаги қонунларга киритиладиган расмий ўзгартиришларни назорат нусхаларига киритади ва улар билан қолган судьяларни ва бошқаларни таништиради. Судда иш юритиш ишлари суд фаолияти давомида кўриб чиқиладиган ишлар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳаракати рўйхатга олинadиган белгиланган шаклдаги журналларни, китобларни, карточка ва нарядларни юритишдан иборатдир.

Иш юритиш бўйича умумий раҳбарлик суд раиси томонидан амалга оширилади. Иш юритиш бўйича бевосита масъулият девонхона бошқарувчиси зиммасига юклатилган. У девонхона ходимлари ўртасида ишларни тақсимлайди, статистик ҳисобот учун маълумотларни тайёрлайди, суд бўйича буйруқ ва қарорлар китобларини сақлайди, суднинг юқори турувчи суд органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ташкилотлари, корхоналарга ёзган хизмат хатларини расмийлаштиради.

Муайян аниқ бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган ишлар бўйича иш юритишни суднинг котиблари олиб борадилар. Улар ишларни сақлайдилар, керакли журнал ва карточкаларни юритадилар, жиноят ишлари бўйича далилий ашёларни сақлашни таъминлайдилар, тугатилган ишларни расмийлаштирадилар ва архивга топширадилар.

Суд мажлисининг котиби суд мажлиси баённомасини юритади, суд мажбуриятларини ижроси учун навбатдаги халқ

маслаҳатчиларини таклиф қилади, суд ишининг иштирокчилари ва гувоҳларини чақиради, эшитилиши мўлжалланган ишлар бўйича зарур маълумотларни таъминлайдилар.

4.3. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга. Судларнинг раислари, раиснинг ўринбосарлари айна вақтда судьялардир.

Одил судловни амалга ошириш ва бошқа функцияларни бажариш учун судьялар ва халқ маслаҳатчилари қонунчилик тартибида белгиланадиган ҳукм чиқариш ваколатига эгалар.

Асосий бўғин судларининг судьялари қуйидаги ҳуқуқларга эгалар: мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш; мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотларни олиш; уюшмаларга бирлашиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ўз навбатида давлат ташкилотлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Судьяларнинг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Ўз навбатида судьялар ва халқ маслаҳатчилари бир қатор мажбуриятларга эгалар, улар фуқаролик ва жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари шарт. Корхоналар, идоралар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари

ҳимоя қилинишини таъминлашлари, холис ва адолатли бўлишлари шарт. Судьялар судьялик шаънини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўсини, судьялик қадр-қимматини тушириши ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт. Судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлишлари мумкин эмас. Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ҳамда, илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари, ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Судьялар кўриб чиқилиши лозим бўлган ишлар, амалдаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти билан халқ маслаҳатчиларини олдиндан таништириб чиқишлари ва уларга ўз ваколатларини амалга оширишларида керак бўладиган бошқа ёрдамни кўрсатишлари шарт.

Халқ маслаҳатчилари ҳуқуқий билимларни билишлари, ҳар бир ишни судда кўриб чиқишга тайёрланишлари, ҳуқуқбузарликлардан огоҳлантириш ишларида қатнашишлари шарт.

Судьялар ва халқ маслаҳатчилари судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилиш ҳақида эмас.

Халқ маслаҳатчилари ўз функцияларини бажариш учун судга ўз вақтида келишлари шарт. Халқ маслаҳатчисини судга чақириш у ишлайдиган ёки ўқийдиган корхона, идора, ташкилот маъмурияти учун шарт.

Агар халқ маслаҳатчилари ваколатларининг муддати суд ишини кўриб чиқиш давомида тугайдиган бўлса, у ҳолда бу ваколатлар ушбу ишни кўриб чиқиш охирига еткунича сақланиб туради.

Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

4.4. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди раис ва судьялардан иборат бўлади. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Ушбу судларда ишни ташкил қилиш суднинг кундалик иши устидан раҳбарлик қилувчи суд раисининг зиммасига юклатилади.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси суд кенгашида раҳбарлик қилиш ва ишни судьялар ўртасида тақсимлашдан ташқари халқ маслаҳатчилари билан ишлашни ташкил қилади, фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни суд томонидан қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади.

Суд раиси суд фаолиятини такомиллаштириш мақсадида суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишларига раҳбарлик қилади, қонун бузилишини, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга тақдимномалар киритади; суд ходимларининг малакасини ҳамда халқ маслаҳатчиларининг юридик билимларини ошириш ишларини ташкил этади.

Ташкилий жиҳатдан суд идораси ишига раҳбарлик қилади, суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Суд раиси котиблар, девонхона бошқарувчиси, иш юритувчи ва бошқаларни танлаш, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ишларини амалга оширади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ("Судлар тўғрисида" қонуннинг 38-моддаси) фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг раиси йўқлигида унинг ваколатлари судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг

қарори билан ушбу туманлараро, туман (шаҳар) судининг судьялардан бирининг зиммасига юклатилиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, -Т.: "Ўзбекистон", 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни, 2000 й. 14 декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси. -Т.: Адолат. 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодекси. 30.08.1997 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун. 2003 йил 24 апрел.

Махсус адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар - Т.: "Адолат"; ИИВ Академияси 1997 й.
2. Правоохранительные органы. Учебник для вузов. Под редакцией профессора К.Ф. Гуценко. 3-е издание дополненное и переработанное. - М.: Зерцало, 1997 й.
3. Ўзбекистон Республикасида Суд ислохотларини янада ривожлантириш Дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бюллетени, 1996 й., №3-4 сони.
4. Савицкий В.М. Организация судебной власти в Российской Федерации. Учебное пособие для вузов. - М.: БЕК, 1996.
5. Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия (по редакции М.Ю. Тихомирова). - М.: 1997.
6. Ўзбекистон суд ҳокимияти: ислохотлар даври -Т., "Адолат", 2002 й.

Назорат саволлари

1. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши қачон амалга оширилган?

2. Туманлараро, туман судининг суд тизимида тутган ўрни қандай?

3. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг ваколатларини санаб ўтинг.

4. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди қандай ваколатларга эга?


5. Туманлараро, туман (шаҳар) суди раисининг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор?

6. Туманлараро, туман (шаҳар) судининг ишлари қандай ташкил этилади?


7. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг асосий ҳуқуқларини санаб ўтинг.

8. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари қандай мажбуриятларга эга?

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг тузилиши



Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг таҳминий тузилиши



V БОБ. УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИНИНГ ЎРТА БЎҒИНИ

5.1. Ўрта бўғин судьяларининг ваколатлари

Жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари умумий судлар тизимида ўрта бўғинни ташкил этадилар. Суд тизимида ўрта бўғин судьялари бир хил ваколат ва мавқега эгалар. Улар фуқаролик ишлари ва жиноят ишларини кўриб чиқишда кенг ҳуқуқларга эгалар, хусусан улар ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқадиладар.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди:

— ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради;

— туманлараро, туман (шаҳар) судларининг фаолияти устидан назорат олиб боради, суд амалиётини умумлаштиради;

— қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ушбу бўғин судлари биринчи инстанция суди сифатида ЖПК 389-моддасида кўзда тутилган жиноят ишларини кўриб чиқадиладар. *Масалан*, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмида, 118-моддасининг тўртинчи қисмида, 150,153, 155,157,158-моддаларининг учинчи қисмида, 159-моддасининг тўртинчи қисмида, 160,161-моддаларида, 210-моддасининг учинчи қисмида, 230,231,242,244-моддаларида, 273-моддасининг бешинчи қисмида кўзда тутилган жиноятларнинг (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда номусга тегиш, тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар, давлат бошқаруви тартибига, оидил судловга қарши ва бошқа оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисида) суд ишини кўриб чиқади.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари қонунда ўз ваколатларига берилган фуқаролик ишларини, шунингдек, алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб ҳар қандай фуқаролик ишини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли (ФПК 142, 143-моддалари). Вилоят ёки унга тенглаштирилган суд барча процессуал қоидаларга амал қилган ҳолда ишни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Ўрта бўғин судлари туманлараро ва туман судларига нисбатан юқори турувчи суд ҳисобланадилар ва ушбу судлар томонидан чиқарилган қарорларнинг асосли ва қонунийлигини текшириш ишларида фаол иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги иккинчи чақириқ IV-сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг асосий янгиликларидан бири умумий юрисдикция судларида процессуал қонунчиликнинг муҳим тартиби (институти) ҳисобланадиган ишларни апелляция тартибида кўриб чиқишнинг жорий этилиши бўлди. Бу институт халқаро амалиётда эътироф этилган бўлиб, республика хўжалик судлари тизимида қўлланилади. Ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш юқори турувчи суд инстанцияси учун далилларни бевосита текшириб чиқиш ва тегишли қарор чиқаришга имкон беради. Бу ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояси ва қонуний манфаатларининг кафолатларини анча кўчайтиради, суд ишининг самарадорлиги ва тезкорлигини таъминлайди, сезиларли даражада давлат маблағларининг тежалишига олиб келади.

Апелляция тартибида ишларни сифатли кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ноқонуний ва асосланмаган қарорлар, ҳукмлар, ажримлар ва фармойишларни кучга киришининг олди олинади ва бу ўз навбатида одил судловнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширилишини таъминлаб беради.

Ўрта бўғин судлари туман судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари, қарорлари ва ажримлари устидан келиб тушган шикоят ва протестларини кўриб чиқишда, судларнинг мустақиллик тамойилини бузмаган ҳолда, муайян ишлар бўйича тегишли кўрсатмалар бериш орқали одил судловнинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим воситасини ишлатадилар.

Муайян жиноят ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган апелляция ажрими нафақат ушбу иш учун муҳим аҳамиятга эга. У ушбу ишда йўл қўйилган хатоларнинг бошқа ишларда такрорланмаслиги учун туман судининг кейинги амалиётига таъсир қилади. Бу ўз навбатида суд амалиётининг шаклланишига хизмат қилади, туман суди ва бошқа қуйи турувчи судларнинг ишларини яхшиланиши ижобий таъсир қилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497-моддасига мувофиқ жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан — Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига; Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — шу судларнинг судлов ҳайъатларига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Кассация тартибида ишларни кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ноқонуний ва асоссиз қарорлар, ҳукмлар, ажримлар ва фармойишларнинг ижро этилишининг олдини олиш, суд ва терговнинг хатоларини тўғрилашга замин яратади ва одил судловнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширилишини таъминлаб беради.

Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди назорат инстанцияси сифатида апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишларда чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор)ларнинг қонунийлиги ва

асосланганлигини текшириш ваколатига эга. Бу функция нафақат муайян ишлар бўйича йўл қўйилган хатоларни тўғрилашга, шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва бошқалар ҳудудида суд амалиётини тегишли йўналишга йўналтиришга хизмат қилади.

5.2. Ўрта бўғин судларининг таркиби ва тузилиши

"Судлар тўғрисида" қонуннинг 29-моддасида шундай дейилган: Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади ва суд Раёсати ҳамда судлов ҳайъатлари таркибида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялардан иборат бўлади ва суд Раёсати ҳамда судлов ҳайъатлари таркибида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди Раёсати шу суднинг судьяларидан иборат таркибда иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди Раёсати мажлислари ҳар ойда камида икки марта ўтказилади ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди Раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Муайян ишлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди Раёсати қарорлари овоз беришда қатнашган Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди Раёсати аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва тегишли суд раиси томонидан имзоланади.

Энди умумий юрисдикция ўрта бўғин судларининг ваколатлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди,
Тошкент шаҳар суди Раёсати:

— ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида кўриб чиқади;

— суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

— ҳайъатлар фаолияти тўғрисидаги маърузаларни, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

— қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ҳукм ва ажрим (қарор) ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш бу ишлар апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилгандан сўнггина ва шу суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарларининг протестлари асосидагина йўл қўйилади. Протестда ўта оғир жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш, жазони кўчайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини ёмонлаштирувчи бошқа ўзгартиришларни киритиш, оқлов ҳукмининг ёки суднинг ишни тугатилганлиги тўғрисидаги ажрими (қарори)ни қайта кўриб чиқиш каби масалалар қўйилиши мумкин. Суднинг айблов ҳукми ёки ажрими (қарори) қонуний кучга кирганидан сўнг бир йил давомидагина бундай протестни қайта кўриб чиқиш учун йўл қўйилади.

Назорат инстанция суди жиноят ишини назорат тартибида кўриб чиқиб апелляция ёки кассация ажрими, ҳамда, агар чиқарилган бўлса, суднинг кейинги ажрими, қарорларини бекор қилади ва ишни апелляция ёки кассация тартибида қайтадан кўриб чиқишга беради.

Раёсат ташкилий характердаги масалаларни ҳал қилади. У суд амалиётини умумлаштириш натижалари, туман судларига қонунчиликни тўғри қўллашда кўмак бериш чораталбirlари, жиҳотчилик ва судловнинг аҳволи, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини ҳал қилиш ишларининг аҳволи, суд фаолиятининг жорий ва келажакдаги (истикболдаги) режалари бўйича маълумотларни тинглайди ва муҳокама қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг *судлов ҳайъатлари*:

— ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқади;

— апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига қўра, ишларни апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқади. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмайди;

— суд амалиётини умумлаштиради;

— қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Судлов ҳайъатига унинг раиси раҳбарлик қилади. Одатда судлов ҳайъатининг раиси суд раисининг ўринбосари бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари судлов ҳайъати ишини ташкил қилади; судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин ("Судлар тўғрисида" қонуннинг 35-моддаси).

Ишни биринчи инстанцияда кўриб чиқишда судлов ҳайъати одатда раислик қилувчи ва икки халқ маслаҳатчисидан иборат таркибда ҳаракат қилади. Ишларни тегишли судларнинг ҳайъатларида апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш уч судьядан иборат таркибда амалга оширилади.

5.3. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раиси ваколатлари ва бу судларда ишларни ташкил қилиш

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг ишини суд раиси ва унинг ўринбосари суд ходимлари ёрдамида амалга оширади. Ушбу суднинг ишларини ташкил этишга суд раиси масъул бўлади. Суд у: фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

— суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протест киритади;

— суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

— суд Раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

— суд Раёсатининг қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш кўзғатади;

— судьялар, суднинг бошқа ходимлари ҳамда халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

— суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил этади;

— фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

— судьяларнинг малака ҳайъати қарорлари устидан Умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий малака комиссиясига тақдимномалар киритади;

— суд девони ишларига раҳбарлик қилади, суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бундан ташқари, суд раиси суд ишига умумий раҳбарлик қилиш масъулияти юкланган шахс сифатида, жорий ва келажак (истиқбол) ишлари буйича режаларни тасдиқлайди, суд томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси назоратини ташкил қилади.

У маслаҳатчилар, котиблар ва бошқа техник кадрларга раҳбарлик қилади, суд девони ходимларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ишларини ташкил қилади, суднинг молиявий ва ҳисобот ишларини назорат қилади, аҳолини қабул қилиш ва фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил қилади, суднинг иш юритиш ишларига раҳбарлик қилади.

Ўрта бўғин суди раиси ўринбосарга эга. Суд раиси ўринбосарининг ваколатлари "Судлар тўғрисида" қонуннинг 35-моддасида белгилаб берилган. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари: судлов ҳайъатларининг ишини ташкил этади; судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин; суд раёсатига судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этади; фуқароларни шахсан

қабул қилади; суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўрта бўғин судларининг ходимлари таркибига маслаҳатчилар, девонхона бошқарувчиси, суд мажлиси котиблари, иш юритувчилар, машинисткалар ва архивариуслари киради.

Маслаҳатчилар судга келиб тушган шикоят ва ишларни ўрганиб чиқадилар ва улар тўғрисида суд раисига ахборот берадилар, бошқа ишларни бажарадилар.

Девонхона мудири суд ҳайъатлари котибларига раҳбарлик қилади, ташриф буюрувчиларни қабул қилишни ташкил этади, судга келиб тушган хатлар бўйича суд раиси ёки унинг ўринбосарларига ахборот беради, халқ маслаҳатчиларини судга чақириш ишларини ташкил қилади, суд раиси ёки унинг ўринбосарларининг рухсатига мувофиқ фуқароларга турли суд ҳужжатларини беради ва юборади.

Суд мажлисининг котиблари биринчи инстанцияда кўриб чиқиладиган ишлар бўйича баённомаларни юритади, суд иштирокчиларига чақирув қоғозларини юборади, прокурор ва адвокатларни ишни тинглаш вақтидан хабардор қилади, қамоқда бўлган судланувчиларни маълум бир кун ва соатда судга олиб келиш ишларини ташкил қилади ва бошқаларни амалга оширади.

Раёсат котиби раёсатнинг иш юритиш ишларини амалга оширади, раёсат аъзолари ва прокурорни кенгаш муддати ва кўриб чиқиладиган масалаларнинг характеридан хабардор қилади, раёсат ишининг натижаларини расмийлаштиради.

Суднинг бошқа ходимлари — иш юритувчилар, курьерлар (хат ташувчилар), машинисткалар, архивариуслари ўз лавозимларига мувофиқ белгиланган ишларни амалга оширадилар. Уларнинг ҳаммаси суд ишини ташкил қилишга у ёки бу даражада ҳисса қўшадилар.

Вилоят суди ишини таъминлашнинг муҳим воситаси жорий ва келажак режасини тузиш. Келажак ишини режалаштириш вилоят судининг диққатини суднинг асосий йўналиш ишларига қаратишга имкон беради. У узоқ муддатли суд фаолиятини таъминлаб берувчи чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қилади. Жорий режалаштириш кундалик

ишларни ташкил қилишга йўналтирилган, масалан, протестларни кўриб чиқиш, жиноят ва фуқаролик ишларини ҳал қилиш. Юқорида кўрсатилган режаларда халқ маслаҳатчиларини ҳуқуқий жиҳатдан ўқитиш, судьялар ва суд девони ходимлари мажлисларини ташкил қилиш ҳам кўзда тутилади.

Аҳолини қабул қилишни суд раиси ва унинг ўринбосари ташкил қилади. Қабул қатъий белгиланган вақтда амалга оширилади. Фуқароларни қабул қилиш жараёнида фуқароларга керакли ҳуқуқий масалалар тушунтирилади, ариза ва шикоятлар қабул қилинади, сўров хатлари, маълумотномалар, суд қарорларидан кўчирмалар, ҳукмларнинг нусхалари берилади.

Кадрлар билан ишлаш суд раиси, унинг ўринбосари, девонхона мудири томонидан амалга оширилади. Бу ишлар бутун суд, суд ҳайъатлари ва техник ходимларга тааллуқлидир. Ходимларни танлаш, жойлаштириш ва бошқа лавозимларга ўтказиш вилоят судининг судьялари ва бошқа ходимларининг профессионал-ишбилармонлик ва маънавий фазилатларини (сифатларини) ўрганиш асосида амалга оширилади.

Халқ маслаҳатчилари билан ишлаш уларни ҳуқуқ ва суд фаолиятининг асослари билан таништириш, кўриб чиқилиши лозим бўлган ишлар билан ўз вақтида танишиб чиқишга шароит яратиш, материалларни дастлабки ўрганиб чиқишда юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий масалаларни тушунтириш ва бошқа ишлардан иборат бўлиши керак.

Ўрта бўғин судлари фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ҳисобланади. Суд ҳайъатларининг кассация ва апелляция амалиётларини, Раёсатнинг назорат амалиётини умумлаштириш ва муайян ишларни ўрганиб чиқиш асосида ушбу бўғин судлари ишларда йўл қўйилган хатолар ва камчиликлар бўйича амалий материалларни олади. Бу ўз навбатида йўл қўйилган хатоларнинг сабабларини аниқлаш, суд ишининг сифати тўғрисида ахборотга эга бўлиш ва суд фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаб олишга имкон беради.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда апелляция, кассация ва назорат амалиёти турли масалалар бўйича

умумлаштирилади ва ўрганиб чиқилади: маълум турдаги жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича, мулкый ва процессуал қонунларни қўллаш масалалари ва бошқалар бўйича. Бу мансабдор шахслар томонидан келтирилган протестларнинг асосланганлиги ва қонунийлиги, ҳукм ва қарорларни текширишнинг самарадорлигини аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари шикоят ва протестларда келтирилган далил-исботларни ўрганишда йўл қўйилган камчиликлар аниқланади. Умумлаштириш маълум бир туман ёки бир неча туман судларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган материалларни ўрганиш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Қонунчиликни тизимлаштириш ишлари бу ерда, туман судларидаги каби, кодекслар ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарорлари, Низомлар ва бошқаларни расмий нашрларининг назорат нусхаларини олиб бориш, рўйхатга олиш ва сақлашдан иборат. Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича статистик ҳисобдорлик белгиланган шакл ва муддатда суд раисларининг раҳбарлиги остида амалга оширилади. Статистик ҳисобдорлик қўйи турувчи судларнинг фаолиятлари тўғрисида маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш ишларини ҳам ўз ичига олади.

Иш юритиш суд натижалари ва қабул қилинган қарорлар ижросини сифатли расмийлаштириш ишларини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Бу ишга масъул бўлган шахслар суд ҳужжатларини тегишли даражада сақлаш ишларининг судда ҳаракати устидан кузатув олиб бориш, белгилаган шаклдаги рўйхатга олиш журналлари, ҳисоб-карточкалари ва нарядларни юритиш ишларини амалга оширадилар. Ўрта бўғин судлари судьяларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил қилиш билан ҳам шуғулланидилар. Хусусан, улар судлар фаолиятининг долзарб масалалари кўриб чиқиладиган мажлисларни (барча судьялар иштирокидаги) ўтказадилар. Бундан ташқари, янги қонунчилик, юқори суд инстанцияларининг қарорлари ва суд фаолияти учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳужжатлар билан таништириш бўйича семинар ва машғулотларни ташкил этадилар.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 8 декабр, 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни, 2000 й. 14 декабр.
3. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги" ЎЗР қонуни. 24 апрел, 2003 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси. -Т.: Адолат. 1999 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодекси. -Т.: Адолат. 2001 й

Махсус адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар, - Т.: "Адолат"; Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997 й.
2. Правоохранительные органы. Учебник для вузов. / Под редакцией профессора К.Ф. Гуценко 3-е издание дополненное и переработанное. -М.: Зерцало, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасида Суд ислоҳотларини янада ривожлантириш Дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бюллетени, 1996 йил, №3-4 сони.
4. Савицкий В.М. Организация судебной власти в Российской Федерации. Учебное пособие для вузов. -М.: БЕК, 1996.
5. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври.-Т., "Адолат", 2002 й.
6. Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия (под редакцией М.Ю. Тихомирова). - М.: 1997.

Назорат саволлари

1. Ўрта бўғин судларининг таркибини санаб ўтинг.
2. Ўрта бўғин судлари қандай ваколатларга эга?
3. Ўрта бўғин судларининг тузилиши қандай?
4. Суд қисмларининг) тузилмавий бўлимларининг ташкил этилиш тартиби ва ваколатларини санаб ўтинг.

5. Ўрта бўғин судларида иш қандай ташкил этилган?

6. Суд девонида қандай лавозимлар бор?

7. Ўрта бўғин судлари Раёсатининг ваколатларини санаб ўтинг.


8. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатларининг ваколатларини санаб ўтинг.

9. Ўрта бўғин суди раисининг ўринбосари қандай ваколатларга эга?


10. Судьяларнинг малакасини ошириш ишлари қандай ташкил этилган?

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.08.2000й.
даги №ПФ-2682 Фармонининг №4 Иловаси**

***Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон
Республикаси Олий суди, Фуқаролик ишлари бўйича вилоят
ва Тошкент шаҳар судларининг тахминий тузилиши***



**Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси
Олий суди,
Жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар
судларининг тузилиши**



VI-БОБ. ҲАРБИЙ СУДЛАР

6.1. Ҳарбий судларнинг вазифалари ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси суд тизимида тутган ўрни

Ҳарбий судларнинг мақсад-вазифалари маълум маънода умумий юрисдикция судлариникига ўхшашдир. Улар, ЎзР "Судлар тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунлар билан, халқаро норматив актлар билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликларини, ташкилот, корхона ва муассасаларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқароларнинг тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Суд ҳокимиятининг бошқа органлари сингари, ҳарбий судлар ҳам шу ҳокимият органларига хос бўлган ваколатларга эга бўлади. Уларга одил судловни амалга ошириш, ҳарбий шахслар ва уларга тенглаштирилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ мансабдор шахсларнинг қарор ва фармойишларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш, ҳукмларнинг ва бошқа суд қарорларининг ижросини таъминлаш ҳамда. Ҳарбий судлар тизимидаги судьялар ҳамжамияти органлари билан ҳамкорлик қилиш вазифаси юклатилган.

Ҳарбий судлар билан бошқа судлар улар учун белгиланган, ўз фаолиятида қонунийлик тамойилига амал қилиш мажбурияти билан ўхшашдир. Ҳарбий судлар ҳам, бошқа судлар сингари, ЎзР Конституцияси ва қонунлари, қонун ости ҳужжатлари талабларига бўйсунishi керак, шунингдек, ЎзР Олий суди Пленуми қарорлари ва кўрсатмалари ҳам улар учун мажбурийдир. Муайян жиноят ёки фуқаролик ишларини кўриб чиқаётганда ҳам бу судлар, ҳеч бир истисносиз, ЎзР ЖПК ва ФПКларида белгиланган нормалар асосида амал қилади. *Масалан*, ҳарбий судда ҳам судланувчи унга эълон қилинган айбловдан ҳимояланиш билан боғлиқ барча процессуал ҳуқуқлардан тўла фойдаланади.

Лекин ҳарбий судлар бошқа судлар билан ўхшашликларга эга бўлса-да, улар ўртасида айрим тафовутлар мавжуддир. *Улар қуйидаги ҳолларда намоён бўлади.*

Биринчидан, ҳарбий судларга қонунларни шарҳлаш, конституциявий назорат ваколатлари берилмаган. *Иккинчидан*, суд ҳокимиятининг бу судларга берилган ваколатлари ҳар доим ҳам умумий юрисдикция судлари томонидан олиб бориладиган даражада амалга оширилмайди. *Масалан*, ҳарбий судлар одил судловни барча фуқароларга нисбатан амалга оширмайди. *Учинчидан*, ҳарбий судлар ваколатларининг ўзига хос хусусияти бўлиб, улар томонидан фақатгина ҳарбий хизматга қарши қаратилган жиноий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш мумкинлиги ҳисобланади. Бундай жиноий ишларга буйруқни бажармаслик, ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, дезертирлик каби жиноий ишлар қиради.

Юқорида баён этилган ва бошқа қатор факторлар маълум маънода ҳарбий судларнинг ташкил этилиши хусусиятларини ва улар фаолиятининг асосларини белгилаб беради. Уларнинг судлов фаолияти устидан назоратни умумий юрисдикция судлари фаолияти устидан назоратни ЎзР Олий суди амалга оширади. Бу орқали эса фуқароларга нисбатан ҳам, ҳарбий шахсларга нисбатан ҳам қонунларнинг адолатли татбиқ этилишига эришилади.

Аммо, ҳарбий судларнинг ташкил этилиши ва фаолиятининг асослари уларнинг умумий юрисдикция судлари билан умумлашганлиги хусусияти билан намоён бўлиб, айна вақтда уларнинг бошқа судларга нисбатан бўлган маълум бир мухториятда эканлиги хусусиятининг ҳам мавжудлигини белгилайди. Ҳарбий судлар ЎзР суд тизимига кириб, Олий суд ҳарбий ҳайъати, ЎзР Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан таркиб топган.

6.2. Ҳарбий судларнинг ривожланиш босқичлари

Ҳарбий судлар Республикамизда мустақиллик эълон қилиниши билан ўз фаолиятини олиб бораётган бўлиб, республика умумий суд тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.¹ Уларгача бўлган ҳарбий округлар умумий суд

¹ Қаранг: "Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.1992 й. Фармони ва Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш туғрисидаги 23.09.1993 й. Низом.

тизимига кирмаган, улар СССР раҳбарияти сиёсати туфайли собиқ Туркистон ҳарбий округи қўшинлари билан бирга "Марказ" - Москвага бўйсунган.¹

Умумфуқаролик органлари онгли ҳарбий интизом учун кураша олмаган, боиси ишларнинг тезкор ҳал этилишини таъминлай олмаган. Судьялар армиядан ажратилган бўлиб, ҳарбий хизмат хусусиятларини билмас эдилар. Ташкилий жиҳатдан ҳарбий тузилмалар билан боғлиқ бўлган судлар керак эди. Бундай судлар, революцион ҳарбий трибуналлар қўмондонлик ва сиёсий органлар ташаббуси билан тузила бошланди. 1918 йил июн ойида 1-армия таркибида дастлабки ҳарбий трибунал ташкил этилди ва шу йил охиригача бундай судлар амалда бўлган барча армия фронтларида ташкил этилди. Ҳарбий трибуналлар фаолиятини бошқариш учун 1918 йил 8 декабрдан иш бошлаган Реввоентрибунал ташкил этилди.²

1919 йил бошларида ишлаб чиқилган дастлабки актларда Реввоентрибунал фаолият тартиби ҳали белгиланмаган эди. 1919 йил 8 январда қабул қилинган фронт ва армияларнинг реввоентрибуналларига йўриқномаларда судловни "соддалаштирилган тартибда ва мумкин қадар тезкорлик билан, иложи бўлса жазо муддатини жиноят содир этилиш вақтига яқинлаштирган ҳолда" амалга ошириш лозимлиги эслатиб ўтилган ҳолос. Шунинг билан одил судлов кўринишидаги қатағонлар учун замин яратилди. 1919 йил 20 ноябрда революцион трибуналлар тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Бу низом трибуналлар фаолиятини тартибга солувчи биринчи қонун ҳужжати эди.

Реввоентрибуналлар ҳукмлари устидан шикоят қилиб бўлмасди ва улар эълон қилинган вақтдан оқ қонуний кучга кирган. Олий жазо назарда тутилган ҳукмларни ижро этишнинг алоҳида тартиби жорий этилганди. Бундай ҳукмнинг ҳар бири ҳақида бу ҳукмни чиқарган суд жойлашган Реввоенсоветга ва республика реввоентрибунаliga хабар берилган. Ҳукм, бу органлар ижрони тўхтатмаган тақдирда ижро этилган. Агарда ҳукм ижроси Реввоенсовет томонидан

¹ Армия и общество (сборник статей). - М.: Прогресс. 1990.

² Максимов С. Военные трибуналы - органы правосудия. - В кн.: Военные трибуналы - органы правосудия в вооружённых силах. - М.: 1988.

тўхтатилган бўлса, уни юқори турувчи Рев-воентрибунал кўриб чиққан ва бу орган ҳукми бекор қилиши, ўзгартириши ёки қолдириши мумкин эди.¹ Республика РВТсининг раҳбарий йўриқномаларида бир неча бор таъкидланишича, қарорни ёки ҳукми чиқараётганда судьялар қўмондонлик ва Реввоенсовет фикри билан боғланмаган ва барча нарсани "ўзларининг мавқеига таяниб, жазонинг у ёки бу турини қўллаш кераклиги ҳақида ўзларининг қарашларига асосланадилар". Реввоентрибуналлар фаолиятининг хусусиятлари процессуал ҳуқуқнинг айрим меъёрларини армиянинг ташкилий шароитларида қўллашда намоён бўлар эди.

Фуқаролар урушининг тугаши ва армиянинг қисқартирилиши билан ҳарбий-суд тизимида ҳам қатор ўзгаришлар бўлди². 1921 йил 23 июнги ВЦИК фармойиши билан Республика реввоентрибунали бекор бўлди. Ҳарбий хизматчиларнинг аксарият ишларини яна ҳудудий судлар кўриб чиқа бошлади. Судловни амалга ошириш шакли бирлиги тамойили барча судларнинг ваколат доирасини белгилаб берувчи 1922 йили 31 октябрда қабул қилинган судлов тўғрисидаги низомда мустақамлаб қўйилган эди. 1936 йили эса Наркомюстнинг ташкил этилиши билан унга судларни ташкилий бошқариш юклатилди.

1939 йили шу йилнинг 15 июнида СНК томонидан қабул қилинган Наркомюст тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Наркомюстда махсус судлар бошқармаси ташкил этилди ва унинг таркибига ҳарбий трибуналлар бўлими киритилди. Лекин 1940 йил 13 июнга келиб махсус судлар бошқармаси ўрнига ҳарбий трибуналлар Бошқармаси ташкил этилди. Бу бошқарма 1942 йил май ойида ҳарбий трибуналлар Бош Бошқармасига (ХТББ) айлантирилди.

Уруш йилларида ҳарбий судлар фаолиятини бошқаришда асосий ролни НКЮ ва ХТББ ўйнаган.³ Уруш тугаганидан

¹ Приказ Революционно-военного совета Туркестанской Республики от 19 июня 1919 г. № 634. - ЦГА РУз, Фонд №25, ОП 1, Д. 170, л. д 12.

² Положение о Высшем судебном контроле Туркестанской Республики от 13.07.1921 г.-ЦГА РУз, Фонд №25, ОП№2/51, Д.413, л.д. 21.

³ Деятельность органов военной юстиции в годы Великой Отечественной войны (Круглый стол журнала "Государство и право")- Государство и право, 1995, № 8, 85-бет.

сўнг ҳарбий судларни бошқаришнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлаш борасида чоралар кўрила бошланди. 1946 йили 27 июлда собиқ Иттифоқ Министрлар Совети Қуролли Кучларнинг ҳарбий трибуналлар Бош Бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлади. Мазкур низом билан Бош Бошқарма фаолиятининг асосий йўналишлари, унинг структураси ва бошқа масалалар белгилаб берилган.

Бундан ҳам олдин, урушнинг тугаши билан, ҳарбий ҳолат туфайли жорий қилинган процессуал чекловлар олиб ташланган эди. Ҳарбий-суд органларининг фаолиятидаги ўзгаришлар қонунийликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари асосида амалга оширилган. Суддан ташқари ишларни кўриш тартиби ва айрим ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик олиб ташланди, қатор амнистия актлари чиқарилиди.

1956 йили май ойида Иттифоқ Адлия вазирлигининг унинг таркибида бўлган Ҳарбий трибуналлар бошқармаси билан бирга тугатилиши билан ҳарбий трибуналлар бошқаруви Олий Суд ҳарбий ҳайъатида мужассам этилди. Кейинги йиллар шуни кўрсатдики, олий суд инстанцияларида судлар устидан назорат ва улар фаолиятининг ташкилий бошқаруви функцияларининг бирга олиб борилиши шу икки функцияни тўлиқ ва лозим даражада бажаришга тўсқинлик қилиб, судьялар мустақиллигининг мустаҳкамланишига имкон бермаган. Ҳарбий трибуналларга келсак, бу юқорида кўрсатилган қайта ташкил этиш натижаси бўлиб, қатор йиллар мобайнида кадрларни тайёрлаш, уларни таъминлаш ва ҳоказо муаммоларнинг ечилмаслигига олиб келди.

Собиқ Иттифоқ Адлия вазирлигининг қайтадан ташкил этилиши билан унинг таркибида ҳарбий трибуналлар Бошқармаси ҳам қайтадан ташкил этилди.¹ Ҳарбий трибуналларнинг ташкилий бошқаруви Ҳарбий трибуналлар тўғрисидаги Низомнинг 25-моддаси билан мустаҳкамланган эди.

¹ Қаранг. Мирзаев Т.К. Деятельность военных судов: проблемы и решения. Автореферат на соискание ученой степени канд. юр. наук. -Т.: 2001, 11-16-бетлар.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши билан Республика Қуролли Кучларида қонун устуворлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш имконияти туғилди. Ҳарбий судлар илк бор Республиканинг умумий суд тизими таркибига киритилди. Бу тарихий воқеа мазкур судлар олдида одил судловни амалга ошириш вазифаси билан бир қаторда янги вазифалар, мустақилликни мустаҳкамлаш ва Ватанни ҳимоя қилиш кабиларни белгилаб берди.

ЎзР Олий Кенгашининг "ЎзРнинг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида"ги қарор билан тасдиқланган 1991 йил 31 августдаги "ЎзР давлат мустақиллиги" тўғрисидаги баёнотида "Ҳарбий трибуналлар" деган ибора йўқ бўлса-да, шундай дейилади: "Давлат суверенитети, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда ҳудудий бирлигини (яхлитлигини) ҳимоялаш мақсадида ЎзР Мудофаа ишлари вазирлиги ва миллий гвардия ташкил этилади. ЎзР юрисдикцияси остига республика ҳудудида жойлашган СССР ИИБ, СССР ДХҚ ҳамда ички қўшинлари ўтади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирилган СССР Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмларни, қўшилмаларини шакллантириш ва уларни бошқаришга бўлган ўз ҳуқуқини ёқлаб чиқади". Шунингдек, 1991 йили 31 августда қабул қилинган "ЎзР давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасида шундай дейилади: "ЎзР Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этишга, Миллий Гвардияни тузишга ва муқобил хизматни жорий қилишга ҳақли".

Ниҳоят, ЎзР Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги "ЎзРда жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий-ўқув муассасалари тўғрисида"ги фармойишида шундай дейилади: "ЎзР юрисдикцияси остига стратегик кучлар таркибига кирувчи ҳамда Қуролли Кучларнинг бирлашган қўмондонлигига бўйсунувчи ҳарбий тузилмалардан ташқари, республика ҳудудида жойлаштирилган собиқ СССРнинг қисмлари, қўшилмалари, ҳарбий-ўқув даргоҳлари, муассасалари, ташкилотлари ва бошқа тузилмалари олинсин".

Мазкур муҳим учта ҳужжатда ҳарбий юстиция органларининг Конституция қабул қилингунига қадар кейинги ривожланиши белгилаб қўйилган эди. Бу органлар

бизнинг республикамиз юрисдикцияси остига ўтганлиги маълум бўлди. Республикамиз суверенитети бу органларнинг янги кўринишда шаклланишини билдиради.¹ Ҳарбий трибуналлар қўшинда қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий ўрин тутганлигига қарамай, аҳолининг аксарият қисмида улар ҳарбий-дала судлари ва машъум "учликлар", қатағонлар билан биргаликда тасаввур этилади. Шунинг учун ҳам уларнинг номини ўзгартирибгина қолмасдан, уларни фактик жиҳатдан қайтадан шакллантириш керак эди. Бу судлар республика умумий суд тизимига уйғунлашиб кетиши керак эди. Бу вазифа 2003 йили 24 апрелда қабул қилинган "ЎзР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан ҳал этилди.

1992 йил 28 февралда қабул қилинган "Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида"ги Президент Фармони билан республика Куролли Кучларида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида шундай ҳолат белгиланди: республикамизда жойлаштирилган ҳарбий трибуналлар унинг суд тизимига киритилиб, ЎзР номидан одил судловни барча ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, стратегик ва умумий йўналишдаги бирлашмалар, ҳарбий-ўқув даргоҳлари, муассасалар ва бошқа ҳарбий тузилмаларда амалга оширади. Мазкур фармон билан бир вақтда собиқ Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий трибунали асосида ЎзР Куролли Кучлар Ҳарбий суди ташкил этилди.

Янги қонун ҳужжатларининг қабул қилинишига қадар ҳарбий судлар ўз фаолиятида ЎзР қонунчилигига ва республика қонунчилигига зид бўлмаган собиқ СССР қонунларига асосланиб иш юритиши белгиланган эди. Олий судга ЎзР Олий Кенгашига Олий суд Ҳарбий ҳайъатининг ташкил этилиши ҳақида таклиф киритиш вазифаси юклатилди. Мудофаа вазирлигига эса ҳарбий судларнинг ва ҳарбий прокуратура органларининг моддий-техник ва молиявий таъминотини шахсий таркибнинг ҳарбий шахслар

¹ Қаранг: Глебов И.Н. Военное право Содружества: состояние и перспективы международно-правового регулирования военно-политических отношений государств СНГ // Государство и право, 1993, № 10, 45.-бет.

мақомини қолдириб, барча пулли ва бошқа имтиёзларни сақлаб қолган ҳолда таъминлаш вазифаси юклатилди.

Мамлакатимиз Олий кенгаши томонидан 1992 йили 3 июлда қабул қилинган "ЎЗР Олий суди таркибида Ҳарбий ҳайъат ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан бундай ҳайъат ташкил этилди ва унинг ваколатига алоҳида муҳим ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш, шунингдек, ишларни кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиш киритилди. Шу билан бир вақтда, ЎЗР ҳудудида жойлашган ҳарбий судларнинг илгари ўрнатилган тартиб бўйича тайинланган судьяларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Конституциянинг қабул қилиниши арафасида, 1992 йил 1 декабрда ЎЗР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг "ЎЗР ҳарбий судлари ва Ҳарбий ҳайъат тўғрисида"ги қарори билан Республика Олий судига Ҳарбий ҳайъатнинг штат сони белгилаб берилди. Шунингдек, штатлар Куролли Кучлар Ҳарбий суди ва Тошкент, Самарқанд, Термез ва Фарғона Куролли Кучлар гарнизонларининг ҳарбий судлари учун ҳам белгилаб берилди. Мазкур қарорда айрим янгиликлар ҳам мавжуд эди. Хусусан, ЎЗРнинг "Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунининг 19-моддаси 2-қисмига биноан, ҳарбий ҳайъат аъзоларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришда уларнинг судларда, адлия органларида, ички ишлар органларида, миллий хавфсизлик органларида ва прокуратура органларида ишлаган вақтини ҳарбий хизмат муддати ўрнига ҳисобланади. Мудофаа Вазирига Олий суд Раиси билан маслаҳатлашган ҳолда ҳарбий ҳайъат аъзоларининг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши билан уларга ҳарбий ҳайъат штатига мувофиқ ҳарбий унвонларни бериш юклатилди.

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этишда 1993 йил 2 сентябрь жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу куни ЎЗРнинг "Судлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди ва бу қонунда республика ҳудудида фаолият юритаётган судлар сифатида ҳарбий судлар ҳам эътироф этилди. Табиийки, судларнинг қонунда кўрсатилган барча вазифалари ва принциплари "ЎЗР ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари" ўқув курсининг биринчи дарслигида ёритилган ҳарбий судлар фаолиятига

нисбатан ҳам татбиқ этилди.¹ Кейинчалик эса, суд-ҳуқуқ ислоҳотининг ўтказилиши билан мазкур қонунга қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Натижада, 2000 йили 14 декабрда ЎзРнинг "Судлар тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг 4-боби "Ҳарбий судлар"га бағишланган бўлиб, унда бу судларнинг тизими, уларнинг судловига тегишли бўлган ишлар, шунингдек, Қуролли Кучлар ҳарбий қисмлари, қўшилмалари ва тузилмалари қўмондонлигига нисбатан даъво ишлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят ишлари ҳамда алоҳида ҳолатлар туфайли умумий юрисдикция судлари фаолият юритмайдиган ҳудудларда барча жиноий ва фуқаролик ишлари ва давлат сирлари билан боғлиқ ишлар келтирилиб ўтилади (40-модда).

Шунингдек, қонуннинг 41-моддасида ҳарбий судлар таркиби аниқлаб берилган. ЎзР Олий суди таркибига Ҳарбий Коллегия кирганлиги сабабли ЎзР Ҳарбий суди вилоят судлари мақомида ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига судьялар билан халқ маслаҳатчилари ҳам киради. Гарнизонларнинг ҳарбий судлари туман судлари мақомига тенглаштирилган бўлиб, улар ҳам халқ маслаҳатчиларининг иштирокида ўз фаолиятини амалга оширади. Ҳарбий судларнинг фаолияти тўғрисидаги Низом 2000 йили 14 декабрда тасдиқланган бўлиб, унда "ҳарбий судлар" Ўзбекистон Республикаси суд тизимига киради ва одил судловни амалга оширишда ЎзР Конституцияси ва қонунларига асосланади деб тўғридан-тўғри таъкидланади.

Мазкур Низом барча бўғин ҳарбий судлари учун тегишли бўлган ишлари аниқ қилиб белгилаб беради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бундай белгиланиш ҳатто ЎзР ЖПК сида ҳам йўқ бўлиб, бу ҳол унга зид бўлмасдан, балки унинг 345-моддасини тўлдирди. Лекин, ҳарбий судларнинг фаолияти ЖПКдан эмас, балки бошқа қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб амалга оширилади дейиш ҳам тўғри бўлмайди. Унинг

¹ Миренский Б. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. Т.: "Адолат", 1998, 88-90-бетлар.

процессуал тартибга солиниши барча судларники билан бир-хилдир. Шунинг учун ҳам жиноят процесси бўйича энг янги дарслик ва қўлланмаларда уларнинг фаолиятига деярли тўхталиб ўтилмайди.¹ Ҳарбий судларнинг фаолияти устидан назорат қилиш вазифаси ЎЗР Олий судига юкланган. Шунинг учун ҳам ЎЗР Олий суди раиси Ҳарбий судлар ишларининг ташкил этилишига оид буйруқ ва фармойишлар чиқаради.

Ҳарбий судларнинг моддий-техник таъминоти, молиялаштириш, транспорт таъминоти, алоқа воситалари билан таъминлаш масалалари ЎЗР Мудофаа вазирлигига юкланган ва ЎЗР Давлат бюджетидан тушадиган маблағлар асосида амалга оширилади. Бу ҳолат ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йили 10 мартда қабул қилинган "Судлар фаолиятининг таъминланишини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 120-сонли фармойишига зид келмайди, мазкур фаолиятнинг молиялаштирилиши ва судларнинг моддий-техник таъминоти, қурилиш, ва суд биноларини қўриқлаш судлар фаолиятини ташкил этиш, молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўйича департамент томонидан, ҳамда республика бюджети ва ЎЗР адлия муассасалари ва судларини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Бундан келиб чиқиб, мазкур департамент фаолияти бошқа судларга кадрларни жойлаштириш билан ҳарбий судларга кадрлар танлаш ишлари билан шуғулланишга қаратилган. Ҳарбий судлар биноларини қўриқлаш ҳарбий судлар жойлашган ҳудудда жойлаштирилган гарнизон ҳарбий

¹ Уголовный процесс. Учебник / Под ред. И.А. Петрухина. -М.: Проспект, 2001, 520-бет; Уголовный процесс. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов / Под ред. К.Ф. Гуценко. Изд. Четвертое, доработанное и дополненное. -М.: Зерцало, 2000, 609.-бет; Уголовно-процессуальное право Российской Федерации. Учебник /отв. ред. П.А. Лупинская Изд. третье, переработанное и дополненное. -М.: Юристь, 1999, 696.-бет; Уголовный процесс/отв. ред. А.С. Кобликов. -М.: Юристь, 1995, .320.-бет; Громов Н.А. Уголовный процесс России. Учебное пособие. - М.: "Юристь", 1999, 552-бет; Вандышев В.В. Уголовный процесс в схемах. Учебное наглядное пособие. - Санкт-Петербург: Питер, 2001, 272-бет; Калиновский К. Уголовный процесс в тестах. Учебное пособие. - Санкт-Петербург: Питер, 2001, 144-бет ва бошқ.

қисмлари томонидан амалга оширилади. Гауптвахталарда сақланаётган ҳибсга олинганларни кузатиб бориш ва суд мажлисида уларни қўриқлаш гарнизонларнинг ҳарбий комендатуралари ва қисмлари томонидан амалга оширилади. Бошқа муассасаларда сақланаётган ҳибсга олинганларни ишни қўриб чиқиш манзилига кузатиб бориш ва уларни суд мажлисида қўриқлаш белгиланган тартибда ИИВ қисмлари ва органлари томонидан амалга оширилади.

Бир қарашдан ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этилиши тўғрисидаги Низом барча масалаларни қамраб олгандек туюлади. Лекин ҳаёт уларнинг судловига тегишли бўлган ишларни яна бир бор ўзгартирди. Қуролли кучларда ўтказилаётган ислохотлар туфайли, Фавқулодда Вазиятлар вазирлиги, Давлат чегарасини қўриқлаш Кўмитаси, ИИВ ички ва қоравул қўшинларининг Бош Бошқармаси ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий округларининг ташкил этилиши билан, ҳарбий судларнинг одил судловни амалга ошириш, ҚҚларда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ЎЗР Президентининг 1999 йили 23 сентябрда қабул қилинган "ЎЗР Ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Қуролли Кучлар Ҳарбий суди асосида ЎЗР Ҳарбий суди ташкил этилди.

Бу суд органининг асосий вазифалари қилиб: давлат манфаатларини ҳимоялаш, Қуролли Кучлар, Давлат чегарасини қўриқлаш Кумитаси, ИИВ, МХХ ва ФВВ ички ва қоравул қўшинларининг Бош Бошқармаси ва вазирликлар ҳарбий бўлинмалари ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш; республика Конституцияси ва бошқа қонунларига асосланган ҳолда қўшинларда одил судловни амалга ошириш; ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий тарбияси юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш белгиланди. Ҳозирги вақтда, мазкур Фармонга мувофиқ, ҳарбий судлар қуйидаги таркибга эга: ЎЗР Ҳарбий суди, ҳарбий округларнинг ҳарбий судлари ва ҳудудий ҳарбий судлар.

6.3. Ҳарбий судларнинг ташкил этилиши ва судловлик асослари

Ҳарбий судларнинг иш юритувига фуқаролик ва жиноий ишлар тегишлидир. Бунда уларнинг умумий юрисдикция судлари билан ўхшашлиги намоён бўлади. Аммо, ҳарбий судлар томонидан кўриб ҳал этилиши мумкин бўлган ишлар ўзларининг хусусиятларига эга. Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом қондаларига мувофиқ ЎзР Ҳарбий судлари қуйидаги ишларни кўриб чиқади:

а) Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда Вазиятлар вазирлиги, Давлат чегарасини қўриқлаш Кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий Хавфсизлик Хизмати ва қонунга мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбийлаштирилган муассасаларнинг ҳарбий хизматчилари томонидан ҳамда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан ўқув машқлари ўтаётган вақтда содир этиладиган жиноий ишлар;

б) Ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмаларининг, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонликларига нисбатан даъволар ҳамда ҳарбий бошқарув органлари ва мансабдор шахсларининг ҳарбий хизматчилар ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи ҳаракат ва қарорлари устидан шикоятлар бўйича фуқаролик ишлари;

в) алоҳида ҳолатлар туфайли умумий юрисдикция судлари фаолият юритмайдиган ҳудудларда барча фуқаролик ва жиноий ишлар;

г) давлат сирлари билан боғлиқ ишлар;

д) қонунда назарда тутилган бошқа ишлар.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўлишича, ҳарбий судлар судловига ишларнинг тегишли бўлиши жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳарбий хизматчи бўлиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам кимлар ҳарбий хизматчи бўлишлигини билиб олиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Мазкур саволга жавобни ЎзРнинг "Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги (12.12.2002), "Мудофаа тўғрисида"ги (11.05. 2001) қонунларидан, шунингдек, 14.12.2000 йили Олий Мажлис томонидан тасдиқланган ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом ва Олий Мажлис томонидан 30.08.1995 йили тасдиқланган ЎзР Ҳарбий Доктринасидан излаш керак.

Мазкур ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ, ҳарбий хизматчилар бўлиб ЎзР Қуролли Кучларида (Ҳарбий доктринага мувофиқ, ЎзР Қуролли Кучлари Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари, Махсус қўшинлар ва муҳандислик-қурилиш қўшинларидан, Миллий Гвардиядан ташкил топади) давлат хизматининг махсус турини ўтаётган шахслар ҳамда ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомнинг а) пунктида назарда тутилган шахслар ҳисобланади. Шуниси муҳимки, мазкур шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, башарти улар ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар ёки ҳарбий хизматга ёхуд унга тенглаштирилган бошқа хизматга киришга қадар содир этилса, уларнинг ишлари умумий юрисдикция судлари томонидан содир этилади. Агарда улар томонидан жиноят ҳарбий хизматни ёки унга тенглаштирилган бошқа хизматни ўтаётган вақтда содир этилган бўлса-ю, аммо улар ишнинг кўрилиш вақтига келиб бўшатирилган бўлсалар бунда уларнинг ишлари ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Ҳарбий хизматчи бўлмаган шахс ҳарбий суд олдида қуйидаги ҳолларда жавоб бериши мумкин: агарда у ҳарбий-ўқув дала машғулотларини ўтаётганда, умумий юрисдикция судлари фаолият юритмаётган ҳудудларда жиноят содир этса, бир гуруҳ шахслар жавобгарликка тортилаётган бўлса ва улардан лоақал биттаси ҳарбий суд судловига тегишли бўлиб, уни ажратиш мумкин бўлмаса, бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятлар учун жавобгарликка тортилаётганда ва бу жиноятларнинг лоақал биттаси ҳарбий суд судловига тегишли бўлса иш ҳарбий суд томонидан кўриб чиқилади. Ҳарбий судларнинг тизими ҳақида гапираётганда, шунини таъкидлаб ўтиш керакки, бу судлар ҳам умумий юрисдикция судлари сингари уч бўғиндан иборат бўлади.

Асосий бўғинни туман судлари мақомида фаолият юритадиган округ ва ҳудудий ҳарбий судлар ташкил этади. Уларнинг судловига жинойий ишлар умумий ҳажмидан барча бўғин судларининг судловига тегишли бўлган ва подполковникгача ёки 2-ранг капитани унвонигача бўлган шахсларнинг жиноят ишлари тегишлидир (тинчлик вақтида содир этилган жиноят учун ўлим жазоси берилиши мумкин

бўлган жиноятлардан ташқари). Улар ҳарбий судлар томонидан ҳал этилиши мумкин бўлган деярли барча фуқаролик ишларини кўриб чиқадилар.

Мазкур бўғин судлари раис, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан ҳамда зарурат бўлса суд раиси ўринбосаридан иборат бўлади. Ҳарбий судларнинг ўрта бўғинини ЎЗР Ҳарбий суди ташкил этади. Бу суд вилоят судлари мақомида фаолият юритади. Унга биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат тартибида ҳамда янги очилган ҳолатлар бўйича суд ишларини кўриб ҳал этиш функцияси юклатилган.

ЎЗР Ҳарбий суди судловига:

— ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

— полковник, 1-ранг капитани унвонига эга бригада командири ёки уларга тенглаштирилган хизмат мавқеига эга бўлганлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳамда улар билан боғлиқ бошқа ишлар ва шикоятлар. ЎЗР Ҳарбий суди умумий юрисдикция судларининг ўрта бўғин судлари сифатида ўзларидан қуйи турувчи суддан ҳар қандай ишни биринчи инстанция суди сифатида олиб кўришга ваколатлидир. ЎЗР Ҳарбий суди раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Ҳарбий судларга нисбатан олий инстанция бўлиб ЎЗР Олий суди ҳисобланади, унинг таркибида Ҳарбий Ҳайъат ташкил этилган. *ЎЗР Олий суди қуйидагиларга ваколатлидир:*

— ҳарбий судларда ишлар ташкил этилишини текширади;

— ҳарбий судлов статистикасини олиб боришни назорат қилади ҳамда судларнинг амалиётини ўрғанади ва умумлаштиради;

— ҳарбий судлар судьяларининг малакасини ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўради;

— судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

— ЎЗР Адлия вазирлиги қошида ташкил этилган махсус ваколатли орган ва Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда халқ маслаҳатчиларини сайлаш ишларини ташкил этади ҳамда ҳарбий судларнинг ташкил этилиши ва моддий-техник таъминоти юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

ЎзР Олий судининг Ҳарбий ҳайъати, қонунчилик мазмунидан келиб чиққан ҳолда, биринчи ва назорат инстанциялари функцияларини бажаришга ваколатлидир:

— ҳарбий ҳайъат судловига олий зобитлар таркибига мансуб шахслар томонидан содир этилган жиноятлар ва улар билан боғлиқ бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Ҳарбий ҳайъат назорат тартибида ЎзР Ҳарбий суди президиуми томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда биринчи инстанция сифатида ЎзР Ҳарбий судининг кўриб чиққан ишлари юзасидан апелляция ва кассацион ажримларини кўриб чиқади.

Ҳарбий судлар судьяларининг мақоми "Судлар тўғрисида"ги қонун билан белгиланган. Ҳарбий суд судьяси бўлиб ҳақиқий ҳарбий хизматини ўтаётган, зобитлик таркиби унвонига эга бўлган ҳамда умумий юрисдикция судлари судьяларига қўйиладиган барча талабларга жавоб берадиган ЎзРнинг фуқароси бўлиши мумкин. ЎзР Ҳарбий суди судьяси бўлиб олий юридик маълумотга эга бўлган ва юридик соҳада камида 5 йил ишлаган ҳамда камида 2 йил мобайнида судьялик лавозимида ишлаган, малака имтиҳонини топширган ЎзР фуқароси бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига ҳарбий хизматчилар учун "Судлар тўғрисида"ги, "Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ЎзР қонунларида, умумҳарбий Низомларда назарда тутилган барча ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза меъёрлари татбиқ этилади. Ҳарбий судларнинг судьялари ЎзР Президенти ҳузуридаги судья лавозимида номзодларни танлаш ва тавсия этиш Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан ЎзР Президенти томонидан 5 йил муддатга тайинланади.

Барча бўғин ҳарбий судларида уларнинг одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил этиш ҳамда бошқа функцияларни бажариш ишларини таъминловчи девонлар ташкил этилади. Ҳарбий судларнинг таркиби, штат миқдори, штат лавозимларининг рўйхати ва бу лавозимлар учун белгиланган унвонлар рўйхати ЎзР Президенти томонидан ЎзР Олий суди Раисининг ЎзР Мудофаа Вазири билан келишилган тақдимномасига кўра тасдиқланади.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 йил, 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги 2000 йил 14 декабрь қонуни, янги таҳрир. 07.21.2001 й.
3. "Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"ги Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 й. 14 декабрь № 164-П сонли қарори билан тасдиқланган.
4. "Туркистон Республикасининг Олий Инқилобий трибунали тўғрисида"ги Низом, 1919 й. 26 апрель. № 36 (СГА РУз, фонд № 38, ОП № 2, Д № 26, л. д. 20).
5. "Туркистон Республикасининг Олий Инқилобий-ҳарбий кенгашининг Буйруғи" 19 июнь 1919 йил, № 634. б.
6. Туркистон Республикасининг Олий суд назорати тўғрисидаги Низом, 1921 й., 13 июль
7. Ўзбекистон Республикаси Судлар тўғрисидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т., 2001.
8. Ўзбекистон Республикасининг "ЎЗР Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2003 йил 24 апрел қонуни.

Махсус адабиётлар

1. Армия и общество (сборник статей). М.: Прогресс. 1990.
2. Вандышев В.В. Уголовный процесс в схемах. Учебное наглядное пособие. - Санкт-Петербург: Питер, 2001.
3. См.: Глебов И.Н. Военное право Содружества: состояние и перспективы международно-правового регулирования военно-политических отношений государств СНГ // Государство и право, 1993, № 10.
4. Громов Н.А. Уголовный процесс России: Учебное пособие. М.: Юрист, 1999.
5. Деятельность органов военной юстиции в годы Великой Отечественной войны (Круглый стол журнала "Государство и право")- Государство и право, 1995, № 8.
6. Жданов Ю.Н. Современная советская военная доктрина и право. (Государство и право), 1991 №5.
7. Калиновский К. Уголовный процесс в тестах. Учебное пособие. - Санкт-Петербург, Питер, 2001.
8. Максимов С. Военные трибуналы - органы правосудия.

- В кн.: Военные трибуналы - органы правосудия в вооружённых силах. - М., 1988.

9. Миренский Б. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. -Т.: "Адолат". 1998.

10. Правоохранительные органы. Учебник для вузов. Под редакцией профессора Гуценко К. Ф. 3-е издание дополненное и переработанное. -М.: Зерцало, 1997.

11. Ўзбекистон Республикасида суд ислохотининг ривожланиш дастури. Олий суд Бюллетени. №3-4, 1996.

12. Савицкий В.М. "Организация судебной власти в Российской Федерации" Учебное пособие для Вузов. -М.: БЕК, 1996.

13 Уголовный процесс. Учебник. Под редакцией И.А. Петрухина. -М.: Проспект, 2001.

14 Уголовно-процессуальное право Российской Федерации. Учебник. Ответственный редактор П.А. Лупинская. Издание 3-е, дополненное и переработанное. -М.: Юрист, 1999.

15 Уголовный процесс. Под редакцией Кобликова А.С. - М.: Юрист, 1995.

16 Мирзаев Т.К. Деятельность военных судов: проблемы и решения. Автореферат на соискание ученой степени канд. юр. наук. -Т.: 2001.

Назорат саволлари

1. Ҳарбий судларнинг вазифалари.
2. Қандай жиноятлар ҳарбий судлар судловига тегишли?
3. Ҳарбий судларда ишлар қандай ташкил этилади?

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд тизимидаги тутган ўрни. Олий суд ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий соҳаларда суд фаолиятини амалга оширувчи Олий суд ҳокимияти органи ҳисобланади. Олий суд томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши бутун Ўзбекистон ҳудудида мажбурийдир. Олий суднинг ташкил этилиши ва фаолияти 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман ва ҳарбий судлар фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноят ва маъмурий соҳаларда суд фаолиятини амалга оширувчи олий суд ҳокимият органи сифатида кенг ва турли ваколатларга эга. Бошқача тарзда ифодалаганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Республика суд тизими ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари орасида ўз ўрнини белгилаб берувчи қуйидагича бир қатор функцияларни амалга оширади:

1) фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича Олий суд органи сифатида ўзига юклатилган умумий судлар юрисдикциясига тааллуқли бўлган вазифаларни бажариш;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

3) Судларга суд ишларини кўришда қонун қўллаш соҳасида тушунтириш ва кўрсатмалар бериш учун суд амалиётини тадқиқ этади ва умумлаштиради; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг кўрсатмаларини амалга оширилиши устидан назорат қилади;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан чиқади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган *биринчи функцияга* кўра умумий судлар юрисдикциясига тааллуқли бўлган, лекин бирмунча мураккаб бўлган фуқаролик, жиноий ишлар бўйича биринчи инстанция суди сифатида иш кўради.

Ушбу суднинг юқорида айтиб ўтилган биринчи функцияси шунда намоён бўладики, у умумий юрисдикция судларига тегишли бўлган энг оғир жиноят ва фуқаролик ишларини мазмунан (биринчи инстанция билан) кўриб чиқиш ваколатига эга

Олий суднинг *иккинчи функцияси* биринчиси билан чамбарчас боғлиқ. Судлар фаолияти устидан суд назоратини амалга ошириш биринчи навбатда, улар томонидан содир этиладиган хатоларни топиш ва тузатишдан иборатдир. Шу билан бирга шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу фаолият фақатгина процессуал шаклларда, яъни қонунчилик билан ўрнатилган жиноят судлов ишларини юритиш қоидаларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак. Ушбу талабга риоя этиш - умумий юрисдикция судларининг мустақиллигини ва улар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Учинчи функция ҳам аввалгиларидан алоҳидалаштирилган эмас. Ушбу функцияни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий судига нафақат судлар томонидан муайян қонунларни тўғри қўллаш амалиётига таъсир кўрсатади, балки бошқа давлат органлари жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади. Олий суд Пленуми томонидан чиқарилаётган тушунтириш ва кўрсатмалар судларининг муайян қонунларни қўллашнинг умумий амалиётига таянади, унинг мазмунини ўзида мужассам этиб судлар томонидан тегишли қонунларнинг келажақда татбиқ этилишига йўналиш беради.

Кўрсатиб ўтилган функциялар қаторида Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасида белгиланган қонунчилик ташаббуси ваколати алоҳида ўринга эга. Бу қонунчилик органининг ўзи томонидан чиқарилаётган қонунларнинг амалиёти билан алоқаларини белгилаб берувчи омилдир. Айнан амалиётда чиқарилаётган қонун ва бошқа

ҳуқуқий актларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари кўринади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунларнинг қўлланилишидаги камчиликлар ва қийинчиликлар тўғрисида кенг маълумотга эга бўлган давлат органларининг биридир. Ушбу маълумотларга таянган ҳолда амал қилаётган қонунчиликдаги муаммо ва бошқа камчиликларга эътибор қаратиб, Олий суд қонун ижодкорлигида иштирок этади. "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасига кўра, Конституциявий суд томонидан кўриб чиқиши учун тақдим этган ҳолда амалдаги қонунчилик таркибига таъсир этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Конституциявий суд мажлисларида иштирок этиб, барча кўрилаётган масалалар юзасидан ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

7.2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилиши тизими, ва таркиби

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 63 моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ 5 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси бўлиб, олий юридик маълумотга эга бўлган, 7 йилдан кам бўлмаган юридик стажга эга, судья сифатида камида 5 йил ишлаган ва тегишли малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раис, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳайъатлари раисларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонун билан белгиланган бир қатор бўлинмаларга бўлинган тизимга эга.

Олий суд қуйидаги таркибда фаолият кўрсатади:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати;

Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъати;

Жиноят ишлари бўйича суд ҳайъати;

Ҳарбий ҳайъат.

Олий суд Пленуми юқори суд инстанцияси ҳисобланиб, унинг таркибига Олий суд судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раиси киради. Олий суд Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори қатнашиши шарт, шунингдек, Конституциявий суднинг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси, Адлия вазирини, судьялар Ўзбекистон Республикаси Олий суди қошидаги илмий маслаҳат кенгашининг аъзолари қатнашишлари мумкин.

Пленум ишларни назорат тартибида кўради, суд амалиёти материалларини умумлаштириш масалаларини кўриб чиқиб амалдаги қонунчилик қўлланилиши бўйича тушунтиришлар беради. Бундан ташқари, Олий суд раисининг тақдимномасига биноан Олий суд ҳузуридаги илмий маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди, Олий суд Раёсати таркибини, судлов ҳайъатларининг таркиби ва раисларини, шунингдек, Олий суд Пленумининг котибини тасдиқлайди, Раёсатнинг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, судлов ҳайъатларининг фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларининг амалга оширилиши тўғрисидаги маърузаларни тинглайди, Олий суд матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди, Олий суд Пленуми ва Раёсати регламентини тасдиқлайди, қонунга мавофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Олий суд Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари Олий суд Пленумининг аъзоларига, Бош прокурорга мажлисдан 20 кун илгари юборилади. Олий суд Пленуми пленум аъзоларининг камида 2/3 қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Олий суд Пленуми қарори кўпчилик томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилиниб, шу вақтнинг ўзида кучга киради. Олий суд Пленуми қарори Олий суд раиси ва Олий суд Пленумининг котиби томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Бош прокурорнинг, шунингдек, башарти тарафлар иштирок этаётган бўлса уларнинг фикрлари тингланади. Протестни муҳокама қилиш ва овоз бериш чоғида мажлислар залида Олий суд Пленуми аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

Олий суд Пленумининг аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи охириги бўлиб овоз беради. Протест юзасидан қарор, агар уни ёқлаб Олий суд Пленуми аъзоларининг кўпчилиги овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Ишни кўришда илгари қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

Кўпчилик овозини олмаган протест рад этилади. Шундан сўнг бошқа таклифларнинг тушиш навбатига қараб овозга қўйилади. Қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Олий суд Пленуми аъзоси ўз фикрини ёзма равишда баён этишга ҳақли бўлиб, бу фикр Олий суд Пленуми мажлисининг баён-номасига илова қилинади ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддаси).

Олий суд Пленумининг котиби Олий суд судъси вазифасини бажариш билан бирга Олий суд Пленумининг мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юриштишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Олий суд Пленуми қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддаси). Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, Олий суд раиси ёки Бош прокурор томонидан Олий суд Пленуми муҳокамасига киритилган масалалар тегишинча уларнинг маърузалари ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади. Ушбу масалаларнинг муҳокамасида Олий суд Пленуми мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин.

Пленумнинг асосий вазифаларидан бири бу суд амалиёти масалалари бўйича тушунтиришлар беришдир. Бу хилдаги тушунтиришлар қонунни бир хилда тушунишда муҳим

аҳамият касб этади. Улар суд ишларини кўришдан келиб чиқадиган масалалар бўйича муҳим ва раҳбарий кўрсатмаларни ўзида акс эттиради. Тушунтиришлар суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш асосида берилиб, улар Ўзбекистон Республикасидаги барча судлар, давлат органлари ва мансабдор шахслар учун мажбурий ҳисобланади. Олий суд қарорлари таркибига кирувчи бу хилдаги тушунтиришлар қаторига *қуйидагилар киреди:*

"Суд ҳокимияти ҳақида". Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 1996 йил 20 декабрдаги №1 қарори. "Суд Ҳукми ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 май №2 сонли қарори. "Биринчи инстанция судларининг жиноий ишларни кўришда процессуал қонунчиликка риоя қилиши тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1997 йил 22 август №12 сонли қарори. "Суд қарори ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрел №13 сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Олий суд судьяларидан Олий суд Пленуми томонидан белгиланадиган сонда тузилади. Олий суд раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Олий суд Раёсати таркибига лавозими бўйича кирадилар. Олий суд Раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Олий суд Раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Раёсат қарорни аъзоларнинг кўпчилиги қатнашган тақдирдагина қабул қилади. Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ Раёсат қарори аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилиниб, шу вақтнинг ўзидан кучга киреди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати шунингдек, ишларни назорат тартибида кўради, суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди. Олий суд судлов ҳайъатлари ва аппаратининг ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади, қонунга

мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади ("Судлар тўғрисида" ги қонуннинг 23 моддаси).

Суд фаолиятининг асосий қисми асосан Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ва Ҳарбий ҳайъатга тўғри келади. Ушбу бўлинмалар таркибини Олий суд аъзолари орасидан Олий суд раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тасдиқлайди. Суд ҳайъатлари фаолиятини ҳайъат раислари бошқаради. Ҳайъат раиси Олий суд раисининг ўринбосари ҳисобланади. Олий суд Ҳайъатлари *қуйидаги инстанциялар* бўйича ишларни кўради: авваламбор, апелляция ва кассация тартибида, шу билан бирга қонуний кучга кирган қарорлар ва суднинг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини назорат тартибида кўради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, суд ҳайъатлари биринчи инстанция суди сифатида фуқаролик ва жиноий ишларни кўришлари мумкин. Суд ҳайъатларининг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган ҳал қилув қарори ва ҳукмлари устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят ёки протест келтирилиши мумкин.

Жиноят ишлари биринчи инстанция судида кўрилаётганида ушбу суд аъзолари бўлган учта судья томонидан кўрилади.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ва ҳукмлар устидан келтирилган протест ва шикоятлар бўйича суд ҳайъатлари кассация тартибида иш кўрадилар. Суд ҳайъатларида бундай ишлар судьялардан бирининг раислиги остида учта судья томонидан кўрилади. Бундай тартибда кўрилган иш натижаси устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати протест келтириши мумкин.

Апелляция инстанциясида фақатгина суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан берилган шикоятлар кўрилади. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак. Судланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, унинг вакили қонуний кучга кирмаган суднинг ҳукми устидан шикоят, прокурор эса протест келтириши мумкин.

7.3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ва суд ҳайъатларининг раислари

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, унинг ўринбосарлари ва суд ҳайъати раисларининг ваколатларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иш фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси зиммасига юклатилади. Унинг кенг ваколатлари доирасига суд соҳасидаги ваколатлари ҳам, ташкилий ишлар соҳасидаги ваколатлари ҳам кириб кетади.

Унинг суд соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйи судлар томонидан кўрилайётган ишларда иштирок этиш, судларнинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест келтириш, бундан ташқари, вазият тақозоси билан судлар томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда назарда тутилган тартибда тўхтатиб туриш каби ваколатлар кирради.

Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси *қуйидагича ташкилий ваколатларга эга:*

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсатининг умумий масалалар бўйича қабул қилган қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

— ишни бир суддан бошқа судга олиб бериш масаласини ҳал этади;

— Пленум ва Раёсат муҳокамасига қонунга биноан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати таркиби, судлов ҳайъатларининг ҳамда умумий юрисдикция судлари судьяларнинг Олий малака комиссияси таркиби ва раислари

тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тақдимномалар киритади;

— Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш кўзгатади;

— раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий судининг штат жадвалини тасдиқлайди;

— буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

— фуқароларни шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари бўлиб, улардан бири биринчи ўринбосари ҳисобланади. У раис йўқлигида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади. Биринчи ўринбосар ҳам йўқ бўлган тақдирда, раиснинг ўринбосарларидан бири унинг ваколатларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари:

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумидан ташқари барча инстанция судларининг ҳал қилув қарори, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест келтиради;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди тегишли судлов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади;

— судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси - Олий суди Пленумига маърузаларни тақдим этади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилиши мумкин;

— суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

— суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш бўйича ишни ташкил этади;

— судлар томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритишга ҳақли бўлган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини тўхтатиб туради;

— судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

— вазифалар тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади;

— фуқароларни шахсан қабул қилади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

(“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 27 моддаси).

Суд фаолиятининг асосий қисми судлов ҳайъатларига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик, жиноят ва ҳарбий суд ҳайъатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари орасидан тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан тасдиқланади.

Судлов ҳайъати ўз ваколати доирасида ишларни биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат тартибида кўради, суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади, суд статистикасини таҳлил қилади ва қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади (“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддаси).

Судлов ҳайъатларининг раислари бевосита ҳайъат иш фаолиятини ташкил этади. *Ҳайъат раислари*: ҳайъат томонидан кўрилаётган ишларда раислик қилади, ҳайъат томонидан кўриладиган ишларда суд таркибини белгилайди, судлов ҳайъатлари ишига раҳбарлик қилади. Улар суд амалиётини умумлаштириш ва ўрганиш учун суд ишларини талаб қилиб олади ва қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

7.4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати. Илмий-маслаҳат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишини ташкиллаштириш асосан бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва унинг ўринбосарлари томонидан, шунингдек, суд аппарати томонидан амалга оширилади.

Судларнинг тузилиши ва штат бирлигининг сони тегишинча Олий суд раиси томонидан тақдим этилган тақдимномага биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ташкилий ишлар барча суд органларидаги каби суд тизимининг энг юқори органи бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раҳбарий мақоми асосида ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судида *қуйидаги масалаларга кўпроқ эътибор берилади*: суд ишларини режалаштириш, фуқароларни қабул қилиш, ариза, шикоят ва таклифларни кўриб чиқиш, суд хулоса ва протестларини суд ҳайъати ва Пленумига тайёрлаш, қуйи турувчи судларнинг суд амалиёти ва иш ҳужжатларини тайёрлаш, суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, суд статистикасини ташкил этиш, норматив ҳужжатларни тизимлаштириш, раҳбарий аҳамиятга эга бўлган Пленум қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳ.к.

Олий суд фаолияти билан боғлиқ бўлган суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда суд статистикасини анализ қилиш ишларини ташкил этиши учун, қонунчиликни тизимлаштириш ва ташвиқот ишларини олиб бориш ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун Олий суд аппаратида шу масалалар бўйича бўлим ва бўлинмалар ташкил қилинади. Бўлим ва бўлинмаларнинг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлим ва ҳайъатларида бош ва катта маслаҳатчилар, бошқа катта инспекторлар, маслаҳатчилар, инспекторлар ва бошқа хизматчилар мавжуд. Олий суд штат жадвали Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси зарур ҳолларда судларнинг штатлар жадвалига штат бирлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартишлар киритади ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 78-моддаси). Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонунига мувофиқ суд ишларида кадрларни тўғри танлаш, судлар мустақиллигининг кафолатини таъминлаш, суд кадрлари

билан боғлиқ ишларда демократияни таъминлаш судьялар малака ҳайъатларига берилган. Судьялар Олий малака комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Олий суд судьялари орасидан 5 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан сайланади.

Судьялар Олий малака комиссияси номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси лавозимига тайёргарлик даражасини баҳолайди; Олий суд судьяларини доимий аттестация комиссиясидан ўтказди; судьяларга малака даражаларини бериш масалаларини кўради; Олий суд судьяларини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилади; Олий суд судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилади; Олий суд судьяларининг ваколатларини тўхтатиш ёки муддатидан илгари тугатиш масалаларини кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ва Ҳарбий судлар малака ҳайъати:

1. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларига, туманлараро ва туман (шаҳар) фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларга ва Ҳарбий судларга судьялик лавозимига номзодларнинг тайёргарлик даражасини баҳолайди;

2. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларига, туманлараро ва туман (шаҳар) фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларга ва Ҳарбий судлар судьяларини доимий малакавий аттестациядан ўтказди;

3. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларига, туманлараро ва туман (шаҳар) фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларга ва Ҳарбий судлар судьяларини маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўради;

4. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларига, туманлараро ва туман (шаҳар) фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларга ва Ҳарбий судлар судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўради;

5. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларига, туманлараро ва туман (шаҳар) фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларга ва Ҳарбий судлар судьяларининг ваколатини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқаради;

6. Судья ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулоса беради;

7. Судьялар заҳирасини шакллантиради.

Суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда Олий суд Пленуми раҳбарий кўрсатмаларини тайёрлаш масалаларининг сифатини, шунингдек, суд органларининг илмий-юридик муассасалар билан алоқаларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-маслаҳат кенгаши тузилади ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 81-моддаси). Кенгаш Олий суд раисининг тақдимномасига биноан Пленум томонидан тасдиқланади. Кенгашга Олий суд судьялари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётчи ходимлари, илмий ходимлар киради. Суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш масалаларини кўрар экан, илмий-маслаҳат кенгаши, суд ишларида келиб чиқадиган муаммоларга ечим тақдим этади; Пленум тушунтиришлари ва бошқа ҳужжатларининг лойиҳаларига аниқ ишлаб чиқилган тавсиялар беради, бу ўз навбатида уларнинг аниқлигини, бир хиллигини ва қонунийлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Олий суд Бюллетенини нашр қилиб, унинг мазмунини Олий суд қарорлари, алоҳида ишлар бўйича Пленум қарорлари, Ҳайъат томонидан чиқарилган ва барча судлар учун мўлжалланган алоҳида ишлар бўйича қарорлар, ҳукмлар ва ажримларнинг қисқача тавсифи, Пленум томонидан кўрилган ишлар ва Олий судда бўлиб ўтаётган мажлис ҳақида ахборот, шунингдек, суд амалиёти тўғрисидаги маълумотлар ва турли хил ҳуқуқий масалаларга оид мақолалар ташкил этади.

7.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди шаклланишининг асосий босқичлари

Собиқ СССРда Олий суд 1924 йил ташкил этилган. Шунга мувофиқ 1924 йил 13 декабрда Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитасининг қарори билан Олий суднинг Туркистон бўлими ўрнига Ўзбекистон ССР Олий суди ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Олий судининг ташкилий масалаларини ҳал этиш революцион қўмита зиммасига юклатилган бўлиб, Олий суд таркиби ҳам шу қўмита томонидан тасдиқланган эди. Олий суд таркибига кўра Олий суд раиси биринчи инстанция суд ҳайъатининг ҳам раиси ҳисобланиб, бундан ташқари, кассацион ҳайъат раиси ва ҳайъатнинг олтита аъзосидан иборат бўлган.

Ўзбекистон ССР Олий суди "Ўзбекистон ССР суд кўрилиши тўғрисида"ги қарор қабул қилингунга қадар 1922 йил 31 октябрь 9-чақириқ 4-сессияда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси суд кўрилиши тўғрисида"ги қарор асосида фаолият юритган. Ўзбекистон ССР Олий суд органи ўша даврда Ўзбекистон ҳудудидаги барча суд органларини бир тизимга бирлаштириб, қуйи турувчи барча судлар, ҳарбий трибуналларни назорат қилган. Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумга, доимий кенгашга, суд Раёсатига, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича кассацион ҳайъатга, (зарур пайтлари ҳарбий ва интизомий ҳайъатга эга бўлган). Олий суд вазифасига Ўзбекистон ССР ҳудудида қуйи турувчи барча суд органлари ва ҳарбий трибуналлар томонидан кўрилган ишларни кассацион тартибда кўриб чиқиш ва бошқа бир қатор вазифалар кирар эди. Кейинчалик 1926 йил 20 августда СССР нинг МИҚ ва МНҚси томонидан тасдиқланган "Ҳарбий трибунал ва Ҳарбий прокуратура тўғрисида"ги Низомга кўра Ҳарбий жиноят ишларининг кассацион вазифаси СССР Олий судининг ҳарбий қўмитасига берилди.

Ўзбекистон ССР Олий суди худди бошқа иттифоқдош республикаларидаги сингари ҳарбий трибуналлар томонидан кўрилган ишларни кассацион тартибда кўришдан озод этилди. Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумининг асосий вазифаси бўлиб, суд амалиёти билан боғлиқ бўлган қонунларни шарҳлаш, Республика суд органлари ва Тожикистон АССР

Олий суди ишларини назорат тартибида кўриш, республика суд органлари фаолияти давомида юзага келган суд амалиёти масалаларини ҳал қилиш. Ўзбекистон ССР Олий судининг доимий кенгаши қуйи турувчи судларга республика қонунларига тушунтиришлар ва йўриқномалар ишлаб чиқар эди. Ўзбекистон ССР Олий суди вазифаларни тақсимлаш, Олий суд ҳисоботини тасдиқлаш, вилоят судларига ва Тожикистон АССР Олий суди бўлинмаларига тафтиш белгилаш, Ўзбекистон ССР Олий суди аъзоларини интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини кўрар эди.

Ўзбекистон ССР Олий судининг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича кассацион ҳайъати Олий суднинг учта аъзоси таркибида ишларни кассацион тартибда кўрар эди. Ўзбекистон ССР Олий суди ҳарбий ҳайъати 1926 йил 20 августгача мавжуд бўлган бўлиб, ҳайъат раиси ва суднинг 4 аъзоси таркибида фаолият юритган. Ўзбекистон ССР Олий судининг Интизомий ҳайъати уч суд аъзосидан иборат бўлиб, вилоят судлари ва Тожикистон АССР Олий суди судьяларининг интизомий жавобгарликка оид ишларини кўрар эди. Ўзбекистон ССР Олий суди аъзоларининг интизомий жавобгарлик масалаларини Ўзбекистон ССР Олий судининг Раёсати кўрар эди.

Ўзбекистон ССР Олий суди раиси, раис ўринбосарлари республика адлия халқ кўмитаси тақдимномасига биноан Ўзбекистон ССР МИҚ томонидан тасдиқланарди. Суд Ҳайъати раислари эса Ўзбекистон ССР МИҚ раёсати томонидан тайинланар эди. Ўзбекистон ССР Олий суди суд тизимини назорат қилиш вазифасини амалга ошириш билан бирга суд фаолиятини ҳам амалга оширар эди. Биринчи инстанция суди сифатида Олий суднинг битта судьяси иккита халқ маслаҳатчиси билан ўта муҳим ва мураккаб бўлган ишларни кўрарди. Олий суд судьяси томонидан чиқарилган ҳукм ва қарорлар қатъий бўлиб, фақат республика Олий суди томонидан назорат тартибида бекор қилиниши мумкин эди.

1924 йил 31 октябрдаги СССР МИҚ суд ишларини юритиш тўғрисидаги Низоми асосида 1926 йил 1 июл Ўзбекистон ССР МИҚ қарорига асосан Ўзбекистон ССР бутун ҳудудида (Шу жумладан Тожикистон АССРда) Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖПКси амал қила бошлади.

Ва шу куннинг ўзида "Ўзбекистон ССР судларни ташкил этиш тўғрисида"ги Низоми қабул қилиниб, Ўзбекистон ССР Олий суди суд тизимининг Олий органи деб тан олинди.


1927 йили округ судларининг йўқ қилиниши натижасида Ўзбекистон ССР суд тизими иккита бўғиндан иборат эди. Булар 1931 йил қабул қилинган "Ўзбекистон ССР судларни ташкил этиш тўғрисида"ги Низом да кўрсатилган СССР Олий суди ва халқ судларидир. Хоразмнинг марказдан узоқлигини ҳисобга олиб, Хоразм округи ва шу округнинг ўзида Хоразм округ суди ташкил этилган эди. Кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан Қашқадарё ва Сурхондарё округларида ҳам округ судлари ташкил қилинди.

Бу хилдаги тизим 1938 йил 15 августда қабул қилинган "СССР иттифоқдош республикаларининг судларни ташкил этиш тўғрисида"ги Низом қабул қилингунга қадар амал қилди. Ушбу Низом суд органлари тизимини тубдан ўзгартириб юборди. Жумладан, суд вазифаларининг тақсимланиши, назорат инстанцияларининг фавқулодда қисқартирилиши, суд назорати тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқлаш, махсус ҳайъатларни ташкил этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этди.

1938 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий суди қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ҳукм ва ажримларни қайта кўриш ҳуқуқига эга бўлган ягона суд инстанциясига айланди. Ўзбекистон ССР Олий суди қуйи судларга суд амалиёти тўғрисида кўрсатма ва тушунтиришлар бериш ҳуқуқини йўқотди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон ССР Олий суди Пленуми ва Раёсатининг қуйи судларнинг қилган хатоларини тўғрилашда ҳам, раҳбарий тушунтиришлар беришда ҳам аҳамияти катта эди. Шунинг учун ҳам Олий суд Пленуми ва Раёсатини ваколатини осонлаштириш унчалик ҳам тўғри эмас эди.

Республика суд органларининг ролини ошириш ва суд назоратини ташкил этиш мақсадида 1954 йил 14 августда СССР Олий Совети Раёсати "Иттифоқдош ва автоном республикалар, вилоятлар ва автоном вилоятлар Олий суди таркибида Раёсат ташкил қилиш тўғрисидаги Фармон чиқарилди. Ушбу фармон асосида Ўзбекистон ССР Олий судида қуйи суд ишларини кўрувчи Раёсат ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилиши



Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1959 йил 23 март фармониغا асосан, Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг суд органларини назорат қилиш ва бошқариш ваколати Ўзбекистон ССР Олий судига берилди. Шу йилда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан янги Ўзбекистон ССР ЖК ва ЖПКси ҳамда "Ўзбекистон ССР суд ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинди. Фуқаролик ва Фуқаролик процессуал кодекслар ҳамда Ўзбекистон ССРнинг суд ишларини ташкил этиш тўғрисидаги янги қонун 1963 йил қабул қилиниб, 1964 йил 1 январдан кучга кирди.

Ўзбекистон ССРнинг 1959 йил суд ишларини ташкил этиш тўғрисидаги қонунга биноан Ўзбекистон ССР Олий судида Пленум қайта ташкил этилди. Пленум республика барча судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ҳукмлари ва қарорларига келтирилган протест ишларини кўриш, республика қонунларини қўллашга оид раҳбарий тушунтиришлар бериш ҳуқуқига эга эди. Ўзбекистон ССР Олий суди аппарати 1965 йил жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати Раёсати, суд амалиёти ва статистикасини умумлаштириш бўлиmidан, суд органлари бўлими, қонунларни тизимлаштириш Ўзбекистон ССР Олий суди бўлими, нотариат бўлими, шикоятлар бўлими, кадрлар бўлими, хўжалик ва молия ишлари бўлимларидан иборат эди. Шунингдек, заруратга қараб интизомий ҳайъат ташкил қилинар эди.

Ўзбекистон ССР Олий суди Раёсатининг 1970 йил 1 октябрь қарорига биноан Ўзбекистон ССР Иттифоқдош республикалар Адлия вазирлиги ташкил топдики, бу билан Ўзбекистон ССР Олий судининг судларни ташкилий бошқариш ваколати Адлия вазирлигига ўтказилди. Шу вақтда Ўзбекистон ССР Олий суди аппаратининг қуйидаги тизими тасдиқланди: раҳбарият, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, қонунларни таснифлаш ва тизимлаштириш бўлими, арз-шикоятлар бўлими, махфий бўлим, девонхона, маъмурий-хўжалик бўлими. Ўзбекистон ССР Олий суди Раёсатининг 1970 йилги қарори билан Ўзбекистон ССР Олий суди аппарати тизимини суд амалиёти ва статистикаси бўлими билан тўлдирдики, шу билан Ўзбекистон ССР Олий суди янги штатни тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатлари

Фуқаролик, жиноят ва маъмурий суд ишларини амалга ошириш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар, туманлараро, туман ва ҳарбий судлар фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга

Биринчи инстанция суди сифатида ишларни назорат тартибида кўради. Апелляция ва кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг талабига биноан биринчи инстанция суди сифатида кўрган ишларини апелляция ва кассация тартибида кўради

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтириш ва кўрсатмаларига амал қилиниши устидан назорат олиб боради

Қонун билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади


Ўзбекистон ССР Олий кенгаши томонидан 1981 йил "Суд ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 5-боби "Ўзбекистон ССР Олий суди" деб номланар эди. Қонуннинг 50-66-моддалари Ўзбекистон ССР Олий судининг фаолияти ва ваколатларини тўлалигича белгилаб берди. Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон ССР Олий суди Ўзбекистон ССРнинг барча суд органлари фаолиятини назорат қилади. Олий суд Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан суд раиси, раис ўринбосарлари Ўзбекистон ССР Олий суди судьялари, Халқ маслаҳатчилари таркибида беш йил муддатга сайланар эди. Ўзбекистон ССР Олий суди ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига ҳисобот бериб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига мунтазам ҳисобот бериб турган. Ўзбекистон ССР Олий суди: Пленум, Раёсат, Фуқаролик ишлари бўйича ҳайъат таркибидан иборат эди.

Қонуннинг 77-моддасига биноан судларнинг адолатни қарор топтириш борасида суд амалиётини умумлаштириш ва бошқа ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон ССР судларида суд аппаратлари фаолият юритади. Суд амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва суд статистикасини таҳлил қилиш, қонунчиликни тизимлаштириш ва ташвиқот қилиш, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий суди фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа вазифаларни бажариш учун бўлим ва бошқа ташкилий тузилмалар ташкил этилган эди.¹ 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июль қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида Ҳарбий Ҳайъат ташкил этилди. Унинг зиммасига ўта муҳим ишларни биринчи инстанцияда кўриш, кассация ва назорат тартибида кўриш ваколати юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябр қарорига биноан Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Низом тасдиқланди.

¹ Қаранг: Ирхонджоев К.П. Организация и деятельность Верховного Суда УзССР. - Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Т., 1965, 19-бет.; Верховный суд Республики Узбекистан. -Т.: "Ўзбекистон", 1994, 200-бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми таркиби



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг (1993 йил 2 сентябр) 12-чақириқ 13-сессиясида "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Қонуннинг 2-боби "Ўзбекистон Республикаси Олий суди" деб номланар эди. Қонуннинг 12-26-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фаолияти ва ваколатлари белгилаб берилган. Ушбу қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат тартибда кўради.

Олий суд судларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилишини назорат қилади. Ҳозирда Олий суд фаолиятини "Судлар тўғрисида"ги 2000 йил 14 декабрдаги янги таҳрирдаги қонун тартибга солади.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабр. -Т., "Ўзбекистон", 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги 2000 йил 14 декабрь қонуни, янги таҳрир. 07.21.2001.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси. -Т.: "Адолат", 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал Кодекси.
5. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни 24 апрел 2003йил.

Махсус адабиётлар

1. Иркаходжаев К.П. Организация и деятельность Верховного суда УзССР. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юр. наук. Ташкент, 1965.
2. Правоохранительные органы. Учебник для вузов. Под редакцией профессора Гуценка К.Ф., БЕК, 1996.
3. Программа дальнейшего развития судебной реформы в Республики Узбекистан. Бюллетень Верховного Суда РУз. 1996, №3-4.
4. Славное семидесятилетие. Бюллетень Верховного Суда РУз. 1994. №4.

5. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. -Т.: "Адолат", 2002 й.

6. Верховный Суд Республики Узбекистан. -Т., "Ўзбекистан", 1994.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси суд тизимида Олий суднинг урни қандай?

2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ваколатини айтиб беринг.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилиши ва таркибини айтинг.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ваколатларини сананг.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қандай ваколатлари мавжуд?

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ваколатларини сананг.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий судида иш қандай ташкил этилган. Суд аппаратининг роли қандай?

8. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ташкил этилиши босқичлари қандай?

9. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Илмий маслаҳат кенгаши таркибига ким киради?

10. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Илмий маслаҳат кенгашининг вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ваколатлари

Суд амалиёти тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқади, қонунларни қўллаш соҳасида тушунтиришлар беради

Раёсат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ва ЎзР Олий суди хайъатлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди

ЎзР Олий суди нашриётининг таҳририяти таркибини тасдиқлайди

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар судлари, ЎзР Ҳарбий суди раисларининг қонунларни қўллаш амалиёти ва ЎзР Олий суд Пленумининг қонунларни қўллаш борасида чиқарган тушунтиришларини амал қилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди

ЎзР Олий суди Раёсати ва Пленуми регламентини тасдиқлайди

Қонун билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади

ЎзР Олий суди Пленуми аъзоларининг 3/2 қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатлидир. ЎзР Олий суди Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади Пленум мажлисларида ЎзР Бош прокурори иштирок этади.

ЎзР Пленуми мажлисларида Конституциявий суд раиси, Олий хўжалик суди раиси, ЎзР Олий суди қошидаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этишлари мумкин Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари мажлисда иштирок этаётган ЎзР ОС Пленуми аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг ваколатлари

Ишларни назорат тартибида кўради

Суд амалиёти умумлаштириш
тўғрисидаги материалларни кўради

Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд
хайъатлари ва аппаратини ташкил этиш
тўғрисидаги масалаларни кўради

Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар, Тошкент шаҳар суди, ЎзР
Харбий суди раисларининг
раҳбарлигидаги судларнинг фаолияти ва
қонунларни қўллаш амалиёти
тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди

Қонун билан белгиланган бошқа
ваколатларни амалга оширади

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсати мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирдагина ваколатлидир.

VIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

8.1. Хўжалик судларининг вазифаси ва Ўзбекистон Республикаси суд тизимидаги тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилиши, турли хилдаги хусусий мулкнинг ривожланиши, умумэътироф этилган халқаро нормаларнинг тан олинishi иқтисодий соҳада вужудга келувчи низоларни ҳал қилувчи мустақил органнинг — хўжалик судларининг шакллантириш заруриятини туғдирди.

Бунга қадар Ўзбекистон Республикасида иқтисодий соҳада вужудга келувчи низолар судлар томонидан эмас, балки, СССР давлат ҳакамлик тузилмаси таркибига кирувчи, ижро органи саналмиш Ўзбекистон давлат ҳакамлик органи томонидан амалга оширилар эди. 1991 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Қонунга кўра ҳакамлик органлари мустақил, мулк шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қила олувчи Ҳакамлик судларига айлантирилди. Бироз муддатдан сўнг Ҳакамлик судлари *Хўжалик судлари* деб номлана бошланди. Ушбу органнинг мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган. Хўжалик судларининг вазифаларига *қуйидагилар киради*: хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; қонунларни тўғри ва бир хилда қўллаш; қонуний воситалар билан иқтисодий муносабатларда қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш.

ХПКнинг 23-моддасига биноан хўжалик судлари *қуйидаги ишларни кўради*:

— юридик шахслар, юридик шахс ташкил этмай тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, яқка тадбиркорлар ўртасида келиб чиқадиган иқтисодий соҳасидаги, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ишларни кўради;

— ташкилотлар ва фуқароларнинг иқтисодий соҳасидаги ҳуқуқларини вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи фактлар билан боғлиқ ишлар;

— ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Хўжалик судларининг аввалги ҳакамлик органларидан фарқ қилувчи асосий жиҳати шундаки, ҳакамлик органлари энг аввало давлат манфаатларини ҳимоя қилар эди. Аввалги ҳакамлик органлари ўша даврда иккита мулк шаклини тан олувчи иқтисодий тузум характеридан келиб чиққан ҳолда давлат ва жамоа хўжаликлари ўртасидаги низоларни қураар эди. Лекин, янги Конституция томонидан турли хилдаги мулк шакллариининг мустаҳкамланиши ва тенг ҳуқуқли мулк эгалари ўртасидаги низоларни ҳал этишни фақат суд органигина уддалай олар эди. Бундай судлар сифатида хўжалик судлари юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасига биноан турли мулк шаклларига асосланган корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида иқтисодий соҳасида ва хўжалик бошқарув соҳасида юзага келадиган низоларни хўжалик судлари тартибга солади. Шу тариқа, хўжалик низоларини кўришга бўлган муносабат сифат жиҳатдан ҳам, ишнинг мазмуни жиҳатидан ҳам тубдан ўзгарди. Ҳозирда, хўжалик судларини ташкил этиш "Судлар тўғрисида"ги 2000 йил 14 декабр қонунига биноан тартибга солинади.

Умумий юрисдикция судларидан фарқ қилган ҳолда, хўжалик судлари 2 бўғиндан иборат. Унинг тизимида туман судлари бўлмасдан асосий бўғин вилоят ва унга тенглаштирилган хўжалик судлари ҳисобланади. Хўжалик суд иш юритувида суд ҳокимиятининг олий органи бўлиб Ўзбекистон Республикаси *Олий хўжалик суди* ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари устидан назорат қилиш ваколати берилган. Шунингдек, ушбу судга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида *қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи* ҳам берилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ташкилотларининг, шунингдек, чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициясига асосланган ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ низоларни ҳал этиш ваколати, агар халқаро шартномаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, хўжалик судларига тегишли бўлади. Бир-бири билан боғлиқ даъволи ишларнинг бири хўжалик судларига тегишли, бошқалари эса умумий юрисдикция судларига тегишли бўлса, ишни умумий юрисдикция судлари ҳал этади.

Хўжалик судлари мамлакатдаги ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида, хўжалик субъектларининг халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлигини таъминлаш, халқаро бозорга товар ва хизматлари билан чиқишига ёрдам бериш мақсадида иқтисодий муносабатларга асосланган қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида фаолият юритади. 1996 йил хўжалик судлари томонидан 11 550та иш кўрилиб, 4 млрд. 321 млн сўм ундирилган бўлса, 2000 йил 33, 4 минг иш кўрилиб, 99,3 млрд сўм ундирилган. Бу шундан далолат берадики, юқорида кўрсатилган муддат ичида суд органи томонидан кўрилган ишлар 3 баробарга ошган, ундирилган пул суммаси эса 23 баробарга ошган.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари хўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни кўрар экан иқтисодиёт соҳасидаги қонунчиликни мустаҳкамлайди, шартнома интизомини бузганларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни кўради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 март фармони қабул қилинган кундан, то 2001 йил 1 январгача хўжалик судлари томонидан шартнома мажбуриятларини ва ҳисоб-китоб интизомини бузган, мансабига совуққонлик билан қараган ва мансабини суиистеъмол қилган ва бунинг натижасида корхона ва ташкилотларни банкротлик ва иқтисодий ночор ҳолатга олиб келган 815 та мансабдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Бундан ташқари, хўжалик субъектларига мулкий зарар келтирган 3214 мансабдор шахсдан 61.5 млн сўм ундириб олинди. Маъмурий жавобгарликка 3961 мансабдор шахс

тортилган бўлиб, уларга 47.5 млн сўм миқдорида жарима белгиланган. Интизомий жавобгарликка 1160 шахс тортилган бўлиб, шулардан 130 раҳбар хизмат вазифасидан четлаштирилди.

Даъволи ишларнинг солиқ ва божхона гуруҳига оид янги турлари пайдо бўлди. Хусусан, 2000 йилда солиқ органлари даъвоси асосида 5735 иш кўрилиб, ундан 43.9 млрд. сўм ундирилган, шуларнинг 37.4 млрд. ди қондирилган.

Чет эл юридик шахсларининг иштирокида кўрилган ишлар ҳам кам эмас. Чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи чет эл фуқаролари қонунда кўрсатилган ҳуқуқларнинг бузилиши ва рад этилишидан ҳимоя қилишини сўраб хўжалик судларига мурожаат қилади. Ушбу ҳолат хўжалик қонунчилигининг демократик, инсонпарвар характерига эга бўлиши билан юзага келди. Қонунга биноан чет эл фуқаролари ва ташкилотлари худди Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ташкилотлари каби бир хил процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, инвестиция аъзоларини сайлаш жараёнини, уларнинг муаммоларини ҳал этиш тартибини чекловчи ҳеч қандай шартларга эга эмас. Бу қоида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги "Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўрисида"ги ва 1998 йил 30 апрелдаги "Чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоратадбирлари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунларида белгиланган бўлиб, уларга низоларни Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ёки чет эл давлатларининг ҳакамлик органларида кўриш ҳуқуқи берилган.

Статистик маълумотларга кўра чет элликлар иштирокида кўрилган иқтисодий соҳасидаги низолар ўсиб бормоқда. Хусусан, 1997 йил Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари томонидан фақатгина 39 низо кўрилган бўлса, 2000 йил ушбу низолар 342ни ташкил этди.

Хўжалик судларининг ташкил этилиши ва ривожланиши бевосита Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар босқичлари билан боғлиқ. Жумладан, мазкур босқичда иқтисодийнинг либераллашиб бориши

натижасида хўжалик судлари кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари, якка тадбиркорларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Фақатгина 2001 йилнинг биринчи ярмида хўжалик судига ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб 16.892 хўжалик субъектлари ва тадбиркорлар мурожаат қилган. Уларнинг фойдасига ундирилган сумманинг умумий миқдори 84.3млрд. сўмни ташкил қилиб, бу ўтган йилгига қараганда 58% кўпдир. Ҳукумат томонидан шартнома интизомини мустақкамлашга қаратилган чора тадбирлар натижасида, халқ хўжалиги соҳасида шартнома мажбуриятларини бузиш оқибатида келиб чиқадиган низолар кўрсаткичи камаймоқда. Тадбиркорлар томонидан солиқ, қимматли қоғозлар, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг чиқарган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ аризалари сони кўпайди.

Иқтисодий ночорлиги боис молиявий-хўжалик фаолиятни юргиза олмайдиган хўжалик субъектларининг 2099 таси 2001 йил 6 ой ичида хўжалик судлари томонидан тугатилди, 621 иқтисодий ночор хўжалик субъектлари банкрот деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлар молиявий хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашидан ҳимоя қилишга асосий эътибор қаратилган. Юқорида кўрсатилган муддат давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига пулур етказувчи 81 та ҳужжат ноқонуний деб топилган.¹ Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг ўз суд тизими шаклланди. Тажриба шуни кўрсатадики, ушбу суд тизими фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли кафолат ҳисобланиб, одил судловни амалган оширишга қаратилган барча шартларга жавоб беради.

Хусусий мулкни ва тадбиркорликни ҳимоялаш давр талабидир. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат хусусий мулк

¹ Ўзбекистон суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври. -Т., "Адолат", 2002. 252-254 бетлар.

ва тадбиркорликни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор беришга мажбурдир. Жамиятда мулкнинг дахлсизлигини таъминловчи шароит яратилган бўлиши керак. Мулкдор бўлиш ҳуқуқи ҳар кимнинг мутлоқ ҳуқуқидир. Бу шуни англатадики, фақат мулкдоргина ўз мулкнинг ягона эгаси ҳисобланади. Ва шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзганинг мулкига қаратилган ҳар қандай тажовуз ахлоқ ва қонунга зид бўлиб, жиноят ҳисобланади.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди: ташқил этилиш тартиби, таркиби, тизими ва ваколатлари

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 43-моддасига биноан хўжалик ишларини кўрувчи суд органлари ичида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди *олий орган* ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ишларни биринчи инстанция, кассация ва назорат тартибида кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди *қуйидаги масалаларни ҳал этади*:

1) турли хил давлатларда ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги тарафлар ўртасида 100 млн сўмдан ортиқ бўлган хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалаларни, шунингдек, суммаси 5 млн. сўмдан ортиқ бўлган шартномаларни ижро қилиш билан боғлиқ ишларни кўради;

2) Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа Республика давлат органларининг ташкилотлар ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказувчи қонунга зид ҳужжатларини (тўла ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш;

3) Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа Республика давлат органларининг ташкилотлар ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказувчи қонунга зид ҳужжатларининг (тўла ёки қисман) ҳақиқий эмаслиги ва шу органларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги натижасида етказилган зарарни ундириш;

4) Республика давлат органлари бошқармалари ўртасида тузилган иқтисодий келишувлардан келиб чиқувчи низолар;

5) Халқаро шартномалар, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик суди фаолиятига тегишли бошқа қонун ости актлари бўйича келиб чиқувчи низолар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди қўйи турувчи судлар кўраётган исталган ишларни ўз иш юритувига қабул қилиб олиши ва қўйи турувчи судлар кўраётган ишлар юзасидан умумий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга (ХПК 26-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, суд ҳайъатлари раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати таркибига кирувчи судьялар, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ишларни кўрувчи суд ҳайъати, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқувчи суд ҳайъати.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяси бўлиб олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослик бўйича етти йилдан кам бўлмаган иш стажига (судья сифатида камида беш йил ишлаган бўлса) эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси суднинг барча фаолиятига раҳбарлик қилади, бундан ташқари, *у бир қатор ваколатларни амалга оширади:*

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди фаолиятининг ташкилий ишларига раҳбарлик қилади;

— Ҳўжалик судларининг ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларига протест киритади;

— Ишларни назорат тартибида кўриш учун талаб қилиб олади;

— Қонунда кўрсатилган тартибда ҳўжалик судлари чиқарган ҳал қилув қарори, ажрим, қарорларнинг ижросини тўхтатиб қўяди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми кўрсатмаларининг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

— Ишларни бир ҳужалик судидан иккинчи бир ҳужалик судига олиб беради;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсати ва Пленуми мажлисларини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсати ва Пленуми кўриши учун масалаларни тақдим этади;

— Бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни, зарур ҳолларда иккинчи бир суд ҳайъатида кўрилаётган ишга кўмаклашиши учун жалб қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми чиқарган кўрсатмаларнинг қонунга номувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумига тақдимнома киритади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумига Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсати, суд ҳайъатлари ва ҳужалик судларининг малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

— Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳужалик судлари судьялигига номзодлар тўғрисида тақдимнома киритади;

— Ўзбекистон Республикаси ҳужалик суди судьяларига нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини кўради;

— раис ўринбосарлари ўртасида ишларни тақсимлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва бекор қилади;

— Қарор ва буйруқлар чиқаради;

— Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларни шахсан қабул қилади ва уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади;

— Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди раиси бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини унинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам бўлмаган тақдирда ўринбосарлардан бири амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди раиси ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди

бўлинмалари ишларига раҳбарлик қилади; тегишли суд ҳайъатларининг ташкилий ишларини бошқаради; ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш учун талаб қилиб олади; ҳўжалик судларининг ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларига протест келтиради. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси ўринбосарлари ҳўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларининг ижросини тўхтатиб қўйиш; корхона, ташкилот ва фуқароларни шахсан қабул қилиш ваколатига эга.

Ўринбосарлар суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишларини ташкиллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди тизими:

- Пленум;
- Раёсат;
- Фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни кўрувчи суд ҳайъати;

- Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ишларни кўрадиган суд ҳайъати.

- Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг процессуал ваколатлари унинг суд ҳайъатларида ишларни бевосита кўриш орқали амалга оширилади. Улар бундан ташқари, ишларни кассация тартибида кўради;

- суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;
- қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар беради;

- суд статистикасини таҳлил қилади;
- қонун билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди суд ҳайъатлари аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми томонидан тасдиқланади. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси ўринбосарлари бўлган суд ҳайъати раислари раҳбарлигида иш олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди суд ҳайъатлари раислари:

- суд ҳайъатлари фаолиятини ташкиллаштиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати ва Пленумига суд ҳайъати фаолияти тўғрисида ҳисобот беради;

— суд амалиётини умумлаштириш учун ишларни талаб қилиб олади;

— судьялар малакасини ошириш ишларини ташкиллаштиради;

— қонун билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси бир суд ҳайъати судьясини иккинчи суд ҳайъатига кўмаклашиш учун жалб қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг асосий вазифаси ишларни назорат тартибида кўриб чиқишдир. Бундан ташқари Раёсат қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— Суд амалиётини умумлаштириш масалаларини кўради;

— Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик суди раисларининг қонун қўллаш амалиёти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди;

— Олий ҳўжалик суди аппарати, суд ҳайъатлари ва бошқа ҳўжалик судларининг ишларини ташкил этиш масаласини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми белгилаб берган миқдорда бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мансаби бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати мажлислари ҳар ой камида бир маротаба чақирилади ва аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлгандагина ваколатлидир ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 50-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати мажлисларида баённома юритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати томонидан чиқарилаётган қарор ва баённома раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Ҳўжалик судлари фаолиятининг энг асосий масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумида ҳал этилади.

Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳужалик суди раиси киради. Унинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иштирок этади. Бундан ташқари унинг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди қошидаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди мажлислари йилига камида икки марта чақирилади. Мажлисда кўриладиган масалалар лойиҳаси мажлис бошланишидан 20 кун аввал Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми аъзоларига ва Бош прокурорга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми аъзоларининг 3/2 қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми:

— Суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари тўғрисида тушунтиришлар беради;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди раиси тақдимномаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсати таркибини, судлов ҳайъатларининг таркиби ва раислари таркибини ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми котибини тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсати фаолияти ва суд ҳайъатларининг фаолияти тўғрисидаги маърузаларни тинглайди;

— Қорақалпоғистон Республикаси ҳужалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларни бажариш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий

ҳўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати регламентини тасдиқлайди;

Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ваколати доирасида чиқарилган қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлари барча ҳўжалик судлари, шунингдек, муассаса, корхона, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми мажлислари унинг мажлисларида раислик қилувчи томонидан чақирилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленум қарори мажлисида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми аъзолари кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг котиби Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяси вазифасини бажариш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юритишга доир ишни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

Суд амалиётидан келиб чиқадиган қонун ҳужжатларини қўллашга доир масалалар юзасидан илмий асосланган тавсия ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳўжалик суди ҳузурида Илмий-маслаҳат кенгаши тузилади. Унинг таркиби Олий ҳўжалик суди тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди аппарати тузилишининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ушбу суднинг асосий вазифаларини бажарувчи бўлинма ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси

Хўжалик судининг ташкилий ва моддий-техник таъминлашдир.

8.3. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг тизими давлатнинг миллий ва маъмурий ҳудудий тузилиши билан боғлиқ. *Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди тизими:*

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди;
Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди;
Вилоятлар;

Тошкент шаҳар хўжалик судларидан иборат.

"Судлар тўғрисида"ги қонунда туман хўжалик судлари назарда тутилмаган. Шунинг учун ҳам хўжалик суди тизимида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди асосий бўғин ҳисобланади. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, хўжалик суди асосий иш амалиёти билан марказий бўғин шуғулланиб, қонун томонидан хўжалик судларига топширилган вазифа айнан шу бўғинда амалга ошади.

Низоларни кўриб чиқиш хўжалик судлари томонидан битта судья таркибида, ҳайъатда эса учта судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Низоларни хўжалик судида кўриш ташкилотларнинг мулк шакли ва ҳудудий жойлашишидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенглиги тамойили асосида амалга оширилади.

Низолар хўжалик судида очиқ тартибда кўрилади. Иш давлат ва тadbиркорлик сири билан боғлиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Хўжалик судида ишлар ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ва муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва хорижий ташкилотлар ўртасидаги низолар суднинг ажримига биноан иккала тараф учун қулай бўлган тилда олиб борилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳўжалик суди ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

— Ишларни ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция суди сифатида ва апелляция тартибида кўради;

— суд амалиётини умумлаштиради;

— қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Санаб ўтилган ваколатлар ичида ишларни апелляция тартибида кўриш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ишларни бу тартибда кўриш ҳўжалик суди қарорларининг асосланганлиги ва қонунийлигини таъминлашнинг муҳим омилidir. Бу босқичнинг мазмуни шундан иборатки, ишда иштирок этаётган шахслар қарордан норози бўлса апелляция тартибида шикоят бериб, ишнинг нотўғри ҳал қилинганлигини ва уни қайтадан кўришни талаб қилади.

Ҳўжалик суди асосий бўғини инг фаолиятининг ташкилий масалаларини ҳал қилиши унинг раисига юклатилади. Бундан ташқари, ташкилий масалаларда раис ўринбосарлари ҳам иштирок қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят, Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг раиси:

— суд фаолиятига раислик қилади;

— судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;

— зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларнинг бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

— раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

— судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

— судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

— суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил этади;

— фуқароларни, корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ушбу бўғиннинг хўжалик суди раиси ўринбосарлари судья сифатида барча процессуал ваколатлардан фойдаланади, раис йўқлигида эса унинг ваколатларини амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосарлари:

— вазифалар тақсимотига кўра суд ишига раҳбарлик қилади;

— тегишли судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади;

— фуқароларни ҳамда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

— суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Хўжалик судлари фаолиятини яхшилаш учун уларда доимо суд амалиёти умумлаштириб борилади. Шундай умумлаштиришлар натижасида қонунларни ўрганиш бўйича, ходимларнинг малакасини ошириш бўйича, шунингдек, жорий қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишлар ташкил этилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., "Ўзбекистон", 1992 йил 8 декабр.

2. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 24 апрел қонуни.

3. "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 14 декабр қонуни.

4. "Фуқаролик-процессуал Кодекси" Т., "Адолат" 2000.

5. "Хўжалик процессуал Кодекси". 1997 йил, 30 август.

Саволлар

1. Хўжалик судларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида тутган ўрни?

2. Хўжалик судлари қандай вазифаларни амалга оширади?

3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ваколатлари?

4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди вазифалари?

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг шаклланиш тартиби?

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг тузилиши?

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми ваколатларини сананг.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Раёсатининг ваколатларини сананг.

9. Қорақалпоғистон Республикаси ҳужалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳужалик судлари фаолияти ва тузилишига тавсиф беринг.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь, -Т., "Ўзбекистон", 1992 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни. 2003 йил 24 апрел.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги 2000 йил 14 декабрь қонуни, янги таҳрир, 07. 21. 2001.

4. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал Кодекси. 1997 йил, 30-август

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал Кодекси. -Т., "Адолат", 2000 й.

Махсус адабиётлар

1. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. Под ред. К.Ф. Гуценко. -М.: ЗЕРЦАЛО -М, 2001.

2. Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотларининг кейинги ривож дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорлар тўплами, №3-4, 1996 й.

3. Ўзбекистонда Суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври. Ҳаммуаллифликда. -Т: "Адолат", 2002 йил.


4. Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия (под редакцией М.Ю. Тихомирова), - М.: 1997.

Назорат саволлари

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳужалик судларининг тутган ўрни.

2. Хўжалик судлари қандай функцияларни бажаради?
3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси ваколатлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг вазифалари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини шакллантириш тартиби.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг структураси?
7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг ваколатларини санаб ўтинг.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Президиуми ваколатларини санаб ўтинг.
9. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди структураси ва ваколатларига умумий характеристика беринг.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг тузилиши



Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ваколатлари

ЎзР Олий хўжалик суди
хўжалик суд фаолиятини
амалга ошириш соҳасида
олий давлат ҳокимияти
органи ҳисобланади

ЎзР ОХС ишларни биринчи
инстанция, апелляция,
кассация ва назорат
тартибида кўради

ЎзР ОХС Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоят,
Тошкент шаҳар хўжалик
судлари фаолияти устидан
назорат қилиш ҳуқуқига
эга

Ўз Р ОХС ЎзР Олий хўжалик
суди Пленуми қарорларининг
қуйи турувчи судлар
томонидан ижро этилиши ва
уларнинг фаолияти устидан
назоратни амалга оширади.

ЎзР ОХС хўжалик
судларининг амалиётини
ўргатади,
умумлаштиради ва унинг
ижобий жиҳатларини
хўжалик судлари
фаолиятига татбиқ
қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати Ваколатлари

Ишларни назорат
тартибида кўради

Суд амалиётини
умумлаштиришга
доир материалларни
кўради


Қорақалпоғистон
Республикаси хўжалик
суди, вилоятлар, Тошкент
шаҳар хўжалик судлари
раисларининг қонунларни
қўллаш амалиёти бўйича
маърузаларини тинглайди

Ўзбекистон Республикаси
Олий хўжалик суди
аппарати, суд ҳайъатлари,
хўжалик судлари ишларини
ташқил этишга доир
масалаларни кўради

Қонунга мувофиқ бошқа
ваколатларни амалга
оширади

* Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг таркиби



ЎзР Олий хўжалик суди Пленуми мажлисларида ЎзР Бош прокурори иштирок этади.

ЎзР Олий хўжалик суди Пленуми мажлисларида ЎзР Конституциявий суди раиси, ЎзР Адлия вазири, ЎзР Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий маслаҳат кенгаши аъзолари қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми йилига камида бир марта чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми аъзоларининг камида 3/2 қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленуми ваколатлари

Суд амалиётини умумлаштириш тўғрисида материалларни кўриб чиқади ва қонун қўллаш соҳасида тушунтиришлар беради

Ўз Р ОХС Раёсати, суд ҳайъатлари фаолияти ҳақида маърузаларни тинглайди

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан ЎзР ОХС хузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларини тасдиқлайди

ЎзР ОХС Раисининг тақдимномасига биноан ЎзР ОХС Раёсати таркиби, суд ҳайъатлари таркиби, ОХС Пленуми котибини тасдиқлайди

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят, Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг қонун қўллаш амалиёти ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суд Пленуми тавсияларининг ижроси хусусидаги маърузаларини тинглайди.

ЎзР Олий хўжалик суди нашриёт органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди

Қонунга биноан бошқа ваколатларни амалга оширади

ЎзР ОХС Раёсати ва Пленуми регламентини тасдиқлайди

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ

9.1. Конституциявий назорат тушунчаси ва унинг манбалари

Конституциявий назорат конституциявий нормаларнинг устуворлигини таъминловчи омил бўлиб, бу омил давлатни демократиклигидан далолат беради. Конституциявий назоратнинг асосий мақсади аввало, конституцияга зид бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар ва амалга ошириладиган ҳаракатларни аниқлаш, ҳамда уларни бартараф этишдир.

Конституциявий назорат биринчи бор конституция деб аталмиш қонунлар қабул қилинган пайтда пайдо бўлган. Бошқа қонунлар сингари конституция ҳам давлатнинг бутун ҳудудида ижроси бўйича кафолатларга муҳтож бўлган. Дастлабки вақтларда бу функцияни конституцияни қабул қилишда муҳим роль ўйновчи давлатнинг қонун чиқарувчи органларига юклатилиши керак деб тахмин қилинган. Шунингдек, бу соҳага ижро органларини ҳам жалб қилиш кераклигини таъкидлашган. Баъзи бир мамлакатларда конституциявий назоратга судларни ҳам жалб қилишган. Кўпчиликнинг фикрича, бу биринчи бор АҚШда юз берган. 1803 йилда Олий Федерал суд мамлакат қонун чиқарувчи органлар томонидан қабул қилинадиган қонунларда мавжуд бўлган Конституцияга зид бўлган камчиликларни эълон қилиш ҳуқуқи борлигини эълон қилган. Бу нарса қонунларни биринчи галда судлар томонидан қўлланилмаслигини англатган. Бошқача қилиб айтганда, Конституциянинг ижросини таъминлаш бўйича назоратга судлар ҳам қўшилган.

Ўзбекистон Республикаси учун Конституциявий суднинг тарихи 1990 йил 20 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат тўғрисида"ги қонун билан боғлиқдир. Бу қонунни қабул қилишдан мақсад, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг Конституцияга мос бўлиши, ҳамда демократия асосларнинг, шахслар ва фуқароларнинг

конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлаш эди.

Ўзбекистон Республикасида конституциявий назоратни конституциявий назорат бўйича қўмита, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам конституциявий назорат бўйича қўмита олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасига сиёсат ва ҳуқуқ соҳаларидаги мутахассислардан сайланган бўлиб, унинг таркибига раис, унинг ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилини ўз ичига олган 9 аъзодан иборат бўлган.

Конституциявий назорат қўмитасининг раиси, раис ўринбосари ва унинг аъзолари Олий Кенгаш томонидан 10 йил муддатга сайланганлар. Қўмитанинг шахсий таркиби тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш раиси томонидан киритиларди. Халқ депутатлари умумий сонидан кўпчилик овозни олган шахс сайланган ҳисобланган.

Ушбу қўмитанинг фаолиятини тартибга солиб туриш мақсадида унинг таркибининг ярми ҳар 5 йилда янгиланиб турилган. Қўмитанинг қайта сайланган аъзолари улар сайланган кундан эътиборан ўз вазифасини бажаришга киришганлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив актлар; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган қонун ва бошқа норматив актлар; Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги устидан назорат қиларди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган қонунларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини текширишдан ташқари қуйидаги норматив актларнинг Конституцияга мувофиқлигини текширади:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси қарор ва фармойишлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари;
- Маҳаллий халқ депутатлари кенгаши қарорлари;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари;

— Ратификация қилишга ёки тасдиқлашга киритилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва мажбуриятлари;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг раҳбарий тушунтиришлари;

— Бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг прокурор назорати остига олинмаган норматив ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитасининг назорат функцияси судларнинг ҳукми ва бошқа қарорлари, дастлабки тергов органларининг, прокуратура, фуқаролик, маъмурий, хўжалик ва жиноий ишлар бўйича давлат ҳакамлик органларининг қарорларига нисбатан қўлланилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив актларнинг Конституцияга мослигини текширишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг топшириғига биноан;

2. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг камида 1/5 қисми, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган қонун ва бошқа норматив актларнинг конституцияга мослигини текширишни сўраб берган таклифларига кўра;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг конституциявийлигини текширишни сўраб берган топшириғи;

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституция ва

қонунларнинг Конституцияга мослигини текширишни сўраб берган топшириқномасига кўра;

5. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг камида 1/5, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва мажбуриятларининг конституциявийлигини текширишни сўраб берган топшириғига асосан;

6. Прокурор назорати ўрнатилмаган бошқа давлат органларининг ва жамоат бирлашмаларининг қарорларига нисбатан киритилган масалаларни кўриб чиқади.¹

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Конституциявий суднинг ташкил этиш заруратини ўзида белгилаб берди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва унинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар қарорларининг конституциявийлигини текширувчи суд ҳокимиятининг алоҳида органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107, 108 ва 109-моддалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига бағишлангандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суд тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддаси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фаолият таркиби ва ваколатлари тўғрисида умумий берилган маълумотга

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1990 йил, №16-18, 289 бет.

мувофиқ суднинг асосий фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини, давлатлараро шартномалар ва мажбуриятларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлаш;

— Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослиги, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон

— Республикаси қонунларига мослиги ҳақида хулосалар бериш;

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини шарҳлаш;

— Конституция ва бошқа қонунлар унинг ваколатига киритилган бошқа ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш.

Қонун Конституция нормаларини тўлдиради ва ривожлантиради. Шунинг учун "Конституцияга мослик" термини орқали Конституция қоидаларига зид бўлмаган нормаларнинг қонунда ўрнатилганлиги тушунилади. Мазмунан, бу фаолият Конституциявийлигини ўрнатиш мақсадида қонунларни текширишдан иборат. Конституциявий суд қонунни Конституцияга зид, яъни ноконституциявий деб топиши мумкин. Бу каби қонунларни рад қилиш, ўзгартириш ва янгиларини шакллантириш қонун чиқарувчи орган томонидан амалга оширилади. Конституциявий фаолиятни ташкиллаштириш ва тартибга солиш 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

Хорижий мамлакатларда Конституциявий суднинг таркиби турлича бўлиб: Югославияда 7 кишидан; Франция, Руминия, Македония, Монголия ва Словенияда 9 кишидан; Словакия ва Чехияда 10 кишидан; Испания, Болгария, Польша ва Эронда 12 кишидан; Германияда 16 кишидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига асосан Конституциявий суд таркиби Ўзбекистон

Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади. Ҳар бир судья якка тартибда сайланади. Умумий депутатлар сонидан кўпчилик овозни олган судья сайланган ҳисобланиди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббусига эга. "Конституциявий суд тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддаси Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масалалар тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини белгилайди. Буларга Олий Мажлис, Президент, Олий Мажлис раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес раиси, Олий Мажлис депутатларининг камида 1/4 қисмидан иборат бўлган депутатлар гуруҳи, Олий суд раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори. Сенаторлар 1/4 қисми?

Сўровнома, илтимоснома ва шикоятлар Конституциявий судда ишларни кўриб чиқиш учун сабаб бўлиб хизмат қилади. Ишни кўриб чиқиш учун асос бўлиб эса, илтимоснома ёки шикоятда келтирилган қонун ёки бошқа норматив ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос ёки мос эмаслиги тўғрисидаги ноаниқликни аниқлаб бериш тўғрисидаги асослар хизмат қилади.

Ўтган давр мобайнида Конституциявий суднинг асосий фаолияти *қуйидагилардан иборат эди:*

— Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг қарор ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини доимий ўрганиш;

— халқаро шартнома ва келишувларни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш учун уларни ўрганиш;

— қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритиш;

— янги қонун лойиҳаларини ўрганиш;

— жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларида иштирок этиш;

— чет эл конституциявий судлари ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа органларнинг фаолиятини ўрганиш ва улардан ижобий фойдаланиш.

Сўнгги йиллар мобайнида Конституциявий суд томонидан ўз ваколати доирасида бир неча материалларни кўриб чиқди ва улар юзасидан ўзининг тегишли хулосаларини тақдим этди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ва Марказий банк раиси хўжалик субъектлари ҳисобидан пул маблағларини ўтказиш тартибини белгиловчи Фуқаролик кодексининг 784-моддаси ва бошқа нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос эмаслигини текширишни сўраб мурожаат этганлар. Мурожаатномада хўжалик субъектларининг меҳнат ва бошқа ҳуқуқий масалалар бўйича бюджетдан ташқари фондларга пул ўтказиш муаммосига асосий эътибор қаратилган.

Конституциявий суд Фуқаролик ва Меҳнат кодекслари, "Қорхоналар тўғрисида"ги қонунларни ўрганиб чиқиб, уларни ноконституциявий деб топиш учун асос топа олмади ҳамда ўз ваколати доирасида Конституциянинг 82-моддаси "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига хўжалик субъектларига тегишли пул маблағларини ўтказиш қонунчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида қонунчилик ташаббуси билан мурожаат қилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонунларни мониторинг қилиш институти Конституциявий судга икки масала юзасидан мурожаат қилди:

1) Меҳнат кодексидagi алоҳида турдаги ишчиларга иш вақтини қисқартиришнинг ўрнатилган имкониятларини белгиловчи 118-моддани шарҳлашни сўраб;

2) Касал бўлиб қолган оила аъзосига қараётгани учун ҳақ тўлаш тартибини белгиловчи нормаларнинг конституцияга мослигини текшириш юзасидан.

Иккала масала ҳам Конституциявий суд судьялари томонидан суд мажлисида кўриш учун қабул қилинди. Уларнинг тўғри хулоса чиқариши ишчиларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтди. 2001 йил 9 августда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди мажлиси бўлиб ўтиб,

унда Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг 16-моддасини шарҳлаш масаласи кўрилди.

Ушбу масала юзасидан чиқарилган қарор билан қуйидагилар аниқланди. 1999 йил октябр ойидан бери якка тадбиркор сифатида фаолият юритиб келаётган В. Фролов Солиқ кодексининг 64-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.1998 йил қабул қилинган №541 сонли қарорига асосан ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдориди солиқ тўлаб келган. Кейинчалик солиқ қонунчилигига ўзгартириш киритилиб, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи дастлаб 10 баробар, кейинчалик эса 20, 30 баробар энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига оширилди.

В. Фролов Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасига биноан имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ кўмитасининг биргаликдаги 13. 06. 2001 йил қарори билан уни бундай имтиёз ҳуқуқидан маҳрум қилдилар. Конституциявий суд ушбу иш билан танишиб чиқиб, чиқарилган қарорни ноқонституцияга зид деб топди.¹

9.3. Конституциявий суд фаолиятининг асосий тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис, раис ўринбосарлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакили кирган Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади. Ҳар бир судья алоҳида тартибда сайланади. Олий Мажлис аъзолари орасида энг кўп овоз олган шахс судьялик мансабига сайланган ҳисобланади. Конституциявий суд таркибидаги судьяларнинг ваколат муддати тугаши билан Олий Мажлис

¹ Ўзбекистон суд ҳокимияти: ислохотлар даври. -Т., "Адолат", 2002, 237-239 бетлар.

Сенати қонун билан ўрнатилган тартибда янги судьяларни сайлайдилар. Конституциянинг 107-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд судьялари беш йил муддатга сайланади. Конституциявий суд судьялари алмаштирилмайди. Уларнинг ваколатларини амалга оширишни тўхтатиш ёки тугатиш қонун билан ўрнатилган тартибдагина амалга оширилиши мумкин. Қонун Конституциявий суд судьялигига номзодларга юқори талабларни қўяди. "Конституциявий суд тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ Конституциявий суд судьяси бўлиб юқори малака ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида фаолият юритган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайланишлари мумкин. Конституциявий суд судьяси бўлиб сайланган судьялар қонун билан белгиланган қасамёд қабул қилади ("Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддаси).

Юқорида кўрсатилган Конституциявий суд судьяларига қўйилган талаблардан ташқари қонун, Конституциявий суд судьяси шуғулланиши мумкин бўлмаган бир қатор таъқиқларни ўрнатади. Хусусан, Конституциявий суд судьяси ўз мансаб ваколатларини амалга ошириш вақтида бирор сиёсий партия ёки ҳаракатларга аъзоликни, пул тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Кўрсатилган таъқиқлар судьянинг "соф" ҳуқуқий ҳолатини ўрнатишга қаратилган. Бу судьялар томонидан қарорлар чиқарилаётганда шахсий манфаатларнинг устунлик характерини чеклайди.

Конституциявий суд фаолияти тартиби унинг Регламенти билан белгиланган бўлиб, унга:

— суд мажлисларида кўриладиган ишлар навбатини белгилаш тартиби;

— суд мажлислари жараёни қоидалари ва этикаси;

— судда иш кўришнинг хусусиятлари;

— суд аппаратининг ходимларига бўлган талаблар;

— Конституциявий суд ички фаолиятининг бошқа масалалари киритилади.

Конституциявий суд фаолиятининг асосий тамойиллари жумласига Ўзбекистон Республикаси Конституциясигагина

амал қилиш, ошкоралик, мустақиллик, ишларнинг ҳайъатда кўрилиши ва судьяларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари киради. Судда ишларни кўриш ва қарор чиқариш камида тўрт судьядан иборат бўлган ҳайъатда амалга оширилади. Қарорлар фақат ишни суд мажлисида кўришда иштирок этган судьялар томонидангина чиқарилади. Конституциявий судлов юритишда ишларни ҳайъатда кўриш тамойили ишларни кўришда халқ вакиллари жалб қилиш мумкинлигини назарда тутмайди.

Ошкоралик тамойилига кўра Конституциявий суд мажлислари очиқ кўрилади. Судьяларнинг тенглиги тамойили ишларни судда кўраётганда *барча судьялар* - Раис, унинг ўринбосарлари, Конституциявий суднинг бошқа аъзолари тенг овоз бериш ҳуқуқига эга эканликларини белгилайди.

Конституциявий суд томонидан қабул қилинаётган қарорлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилот, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Конституциявий суднинг ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг нусхаларини бериш, тушунтиришлар беришни сўраб қилган талабномаларини бажариш барча мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ишларни Конституциявий судда кўришда ва овоз беришда Конституциявий суд раиси, унинг ўринбосари, Конституциявий суднинг бошқа аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Конституциявий судда ишларни кўриш давлат тилида олиб борилади. Мажлисла иштирок этаётган, давлат тилини билмайдиган иштирокчилар ўз она тилларида гапиришлари ёки таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин.

Конституциявий суд тўғрисидаги қонунга мувофиқ Конституциявий суд ва унинг судьялари мустақилдирлар. Конституциявий суд судьялари ҳеч қандай тарафнинг — давлат органининг ҳам, жамоат бирлашмаларининг ҳам, сиёсий партия ва ҳаракатлар, корхона, муассаса, ташкилотлар, бирор бир мансабдор шахс ёки сиёсий гуруҳларнинг ҳам вакили ҳисобланмайди.

Конституциявий суд судьялари ҳар қандай аралашувдан ҳоли бўлган шароитдагина ишларни кўради, қарорлар

чиқаради. Уларга ҳеч қандай давлат органи, жамоат бирлашмалари ёки мансабдор шахслар кўрсатмалар ёки тушунтиришлар беришга ҳақли эмас. Ишларни кўришда судьялар фақатгина конституцияга асосланганлиги суд ҳокимиятининг ушбу органини ҳар қандай сиёсий қарашлардан ҳоли, мустақил ҳуқуқий характерга эга эканлигидан далолат беради.

Конституциявий суд фаолиятига ҳар қандай кўринишдаги аралашувга йўл қўйилмайди. Бундай аралашув қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Конституциявий суд судьяларининг бутун ваколати муддатида алмаштирилмаслиги тамойили уларнинг мустақиллигининг яна бир кафолатидир. Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуни Конституциявий суд судьяларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш тартибини белгиланган. Қонуннинг 16-моддасида Конституциявий суд судьяларининг дахлсизлиги ва уларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилмаслиги белгиланган.

Қонунда алоҳида таъкидлаб ўтилганки, судья Олий Мажлис розилигисиз, сессиялар оралиғида эса Олий Мажлис Кенгаши розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас. Конституциявий суд судьясига нисбатан Бош прокуроргина жиноий иш қўзғатиши мумкин. Шу билан бирга, ушлаб туриш, олиб қўйиш, иш жойи, автомобиль, уй, багаж ва бошқа мулкларини тинтув қилиш мумкин эмас.

9.4. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкилий асослари

Конституциявий суд иш фаолиятининг бошланиши Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунининг 19-28-моддаларида белгиланган. Унга мувофиқ, Конституциявий суд иш келиб тушган кундан эътиборан етти кундан кечикмай кўриб чиқишга киришади. Муайян иш бўйича Конституциявий суднинг қарори иш келиб тушган кундан эътиборан уч ойдан кечикмай қабул қилиниши лозим.

Конституциявий суд мажлисларида қандай иш кўрилишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Адлия вазири иштирок этиши мумкин. Улар кўрилаётган масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари мумкин.

Конституциявий судда ишлар Ўзбекистон Республикаси давлат тилида юритилади. Ишда иштирок этаётган давлат тилини билмайдиган иштирокчилар мажлисда иштирок этиб, ўз тилларида тушунтириш беришлари, шунингдек, таржимон хизматидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Конституциявий суднинг мажлисларига керакли маълумот ёки материалларга эга шахслар, эксперт ва мутахассислар чақирилади. Улар ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш учун бир қатор ҳуқуқлар билан таъминланадилар. Экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга қонун билан белгиланган тартибда Конституциявий судда иштирок этган вақтларига мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Конституциявий суд фақат конституциявийлиги шубҳа остига олинаётган конкрет масалалар юзасидангина иш олиб борадилар. Конституциявий суд норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мослигини текшириш жараёнида ушбу норматив ҳужжат асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни ҳам, уларнинг конституциявийлигини текшириш сўралмаган бўлса ҳам, ўзгартиришга ҳақли.

Конституциявий суднинг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Ҳеч қайси судья бетараф қолишга ҳақли эмас. Конституциявий суднинг қарори мажлисда иштирок этаётган судьяларнинг кўпчилиги овоз берган тақдирдагина қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қабул қилинган қарордан норози судья ўз фикрини ёзма тарзда баён этиб, Конституциявий суд мажлиси баённомасига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суд тўғрисида"ги

қонунда белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг вазифа ва ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган, суд жараёнидаги тартиб ва ахлоқ нормалари иш юритишнинг хусусиятлари, иштирокчиларга бўлган талаблар Конституциявий суднинг Регламентида мустақамланади.¹ Конституциявий суд норматив ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва мажбуриятларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларини Конституцияга қай даражада мос эканлигини текширади.

Конституциявий суд тарафларнинг эътирозларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишларни кўриб чиқади. Конституциявий суд келтирилган тушунтириш кўрсатма ва ҳужжатлар билан чегараланиб қолмаслиги, тарафлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахслар ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда ишни ҳар томонлама ва объектив кўриб чиқиши лозим. Конституциявий судда ишни кўриб чиқиш ва хулосалар бериш тенглик тамойилига асосланган ҳолда олиб борилади. Эслатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ишлар давлат тилида олиб борилади.

Ишда иштирок этувчи давлат тилини билмайдиган шахслар ўз она тилларида ёки таржимон хизматидан фойдаланган ҳолда сўзлашлари мумкин. Суд мажлисида таржимон билан таъминлаш мажбурияти Конституциявий суд аппаратининг тегишли бўлинмасига юклатилган ишда иштирок этаётган барча шахслар ва мажлислар залида ҳозир бўлган бошқа шахслар Конституциявий судга ва суд жараёнининг ахлоқий қоидаларига ҳурмат муносабатида бўлишлари, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунушлари шарт.

Конституциявий суд мажлисларида тартибни бузиш раислик қилувчининг фармойишларини бажармаслик,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди регламенти. №1. 1996 йил, 5 июл.

Конституциявий судда ўрнатилган қоидаларга бўйсунмаслик тегишли жавобгарликка сабаб бўлади. Конституциявий суднинг ваколати доирасига кирган, қарор чиқариши лозим бўлган масалаларни ҳал қилиш учун Конституциявий суд суд мажлисини тайинлайди. Конституциявий суд мажлисларининг Регламентида белгилаб қўйилган тартиб қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди мажлислари раис томонидан, у бўлмаган тақдирда эса ўринбосари томонидан чақирилади. Раис ва унинг ўринбосарлари бўлмаган тақдирда, мажлис Конституциявий суднинг энг ёши улуғ судьяси томонидан чақирилади. Конституциявий суднинг навбатдаги мажлисининг жойи ва вақти ҳақида судьялар суд мажлиси бошланишидан камида 10 кун илгари хабардор қилинадилар. Шу билан бир вақтда судьяларга чақирув қоғози ва ишни кўриб чиқиш учун лозим бўлган ҳужжатлар топширилади. Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари Конституциявий суд фаолияти ва суд аппаратининг бўлинмалари ишини ташкил этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун судьяларни ва Конституциявий суд аппарати ходимларини чақириб йиғилиш ўтказди.

Раис ва унинг ўринбосарлари бўлмаган тақдирда, мажлис Конституциявий суднинг энг ёши улуғ судьяси томонидан чақирилади. Конституциявий суд томонидан ишлар қоида тариқасида шу суд таркибида кўрилади. Конституциявий суд мажлисларида бир ёки бир неча масалалар кўрилиши мумкин. Ҳар бир масала юзасидан қарор қабул қилинади. Масалаларни ҳал қилиш жараёнида Конституциявий суд тарафларнинг уларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини, эксперт хулосаларини, мутахассис фикрларини, суд мажлисида иштирок этаётган бошқа шахсларнинг нутқларини тинглайди, керакли ҳужжатларни маълум қилади.

Тарафларда ва барча судьяларда мавжуд бўлган ва иш кўриш жараёнида қўлланилган ҳужжатлар қайта эълон қилинмайди. Бироқ судьялардан бири ёки мажлис иштирокчиларидан бири ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ўқиб эшиттирилишини талаб қилса, Конституциявий суднинг қарорига биноан унинг талаби бажарилиши мумкин. Конституциявий суд мажлислари қоида тариқасида ҳар бир

масала юзасидан танаффуссиз, дам олиш вақтидан ва иштирокчиларга нутқ тайёрлаш учун ажратиладиган вақтдан ташқари кўрилади. Суд мажлисида танаффус бир тарафнинг иккинчи тараф томонидан тақдим этилган материални ўрганиш учун вақт ажратилишини сўраб берган илтимосномасига кўра, шу билан бирга мажлиснинг нормал фаолиятига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юзага келган тақдирда эълон қилинади.

Суд муҳокамаси тайинланган вақтда Конституциявий суд судьялари суд мажлиси залига кирадилар ва ўз ўринларини эгаллайдилар. Шундан сўнг Конституциявий суд раиси судьялар таркибини, кўрилаётган ишни, суд мажлиси котибини, эксперт, мутахассис ва таржимон сифатида иштирок этаётган шахсларни эълон қилади. Шундан сўнг раислик қилувчининг тақлифига кўра суд мажлиси котиби мажлис иштирокчиларининг келган келмаганликларини маълум қилади. Шу билан бир вақтда котиб мажлис иштирокчиларидан қайси бири келмаганлигини, улар ўз вақтида хабардор қилинган қилинмаганлигини ва келмасликнинг бошқа сабабларини маълум қилади.

Тарафлар ёки уларнинг вакиллари суд мажлисига келмаган тақдирда Конституциявий суд ишни кўришни бошлаш ёки кейинга қолдириш тўғрисида қарор чиқаради. Тараф вакили ваколатини тегишли расмийлаштирмаган тақдирда ва шу суд мажлисида тарафнинг ўзи иштирок этмаган тақдирда раислик қилувчи судьяларга ишни тараф иштирокисиз ёки унинг вакили иштирокисиз кўриш тўғрисида масалани тақдим этади.

Суд мажлисига гувоҳлардан бирортаси, эксперт ёки мутахассис келмаган тақдирда Конституциявий суд ишни уларнинг иштирокисиз кўриш тўғрисида тарафларнинг фикрини тинглайди. Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суд тўғрисида"ги қонунни 23-моддасига кўра гувоҳлар, эксперт ва мутахассисларнинг судга келиши шартдир.

Суд мажлисига тегишли тартибда чақирилган гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисига келмаган тақдирда *Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирортасини қабул қилади:*

1. Гувоҳ, эксперт ва мутахассислар иштирокисиз ишни мазмунан кўриш ёки кўрмаслик тўғрисида;

2. Гувоҳ, эксперт ва мутахассиснинг суд мажлисига келмаслик оқибатлари масаласини кўришни кейинга қолдириш тўғрисида;

3. Суд мажлисида танаффус эълон қилиш ва гувоҳ, эксперт ва мутахассисларни келтириш чораларини кўриш тўғрисида;

4. Гувоҳ, эксперт ва мутахассислар иштирокисиз ишни тўғри ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида қарор чиқаради.

Шундан сўнг суд ишни кўришни давом эттириш ёки танаффус эълон қилиш ёхуд ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида қарор чиқаради. Суд мажлисларида раислик қилувчининг роли алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасига мувофиқ Конституциявий суд мажлисларида Конституциявий суд раис, у бўлмаган тақдирда эса раис ўринбосари раислик қилади, раис, унинг ўринбосари ҳам бўлмаганда ёки улар ўз ваколатини вақтинчалик бажара олмаган вақтда Конституциявий суднинг ёши жиҳатидан катта бўлган судьяси суд мажлисида раислик қилади.

Маъруза қилувчи судья раислик қилиши мумкин эмас.

Раислик қилувчи Конституциявий суд мажлисларига раҳбарлик қилади. Унинг суд мажлисларида тартибни сақлаш тўғрисидаги фармойишлари ишда иштирок этувчи ва суд мажлисида ҳозир бўлган бошқа барча шахслар учун мажбурийдир. Раислик қилувчи кўрилаётган масалаларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқиш учун *қуйидагича барча зарурий чораларни кўради:*

— Ўз позициясини билдириш ва аниқлаш мақсадида тарафлар ва уларнинг вакилларига иш ҳолатлари бўйича тушунтириш бериш, эътироз билдириш ва бир бирларига саволлар бериши учун тенг имконият яратиб беради;

— экспертларнинг ёзма ёки оғзаки хулосалари суд томонидан ўрганади ва баҳо беради;

— гувоҳ сифатида ишда иштирок этиш учун чақирилган мутахассисларнинг фикрларини тинглайди;

— кўрилаётган иш ҳолатлари бўйича тарафларга ва суд

мажлисининг бошқа иштирокчиларига, эксперт, мутахассис ва гувоҳларга савол бериш имкониятини яратди;

— тарафлар ва суд мажлисининг бошқа иштирокчилари томонидан Конституциявий судга тақдим этилган ва суднинг ўзи томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатларни кўриб чиқади.

Суд муҳокамаси жараёни ва унинг натижаси расмийлаштириб қўйилади.

Раислик қилувчи суд муҳокамасига тааллуқли бўлмаган барча масалаларни иш ҳужжатларидан ажратади. Раислик қилувчи таржимонга суд маърузасини, ишда иштирок этувчи шахсларнинг савол жавобларини раислик қилувчининг фармойишларини, суд мажлисида ўқиб эшиттирилган иш ҳужжатларини, Конституциявий суд қарорини тўлиқ ва аниқ таржима қилиш мажбуриятини тушунтиради.

Раислик қилувчи суд мажлиси иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. Раислик қилувчининг таклифига биноан гувоҳ, эксперт, мутахассис қасамёд қабул қилиб, уни имзолайди ва суд мажлиси баённомасига киритиб қўйиш учун котибга тақдим этади. Шунингдек, эксперт мутахассис ва гувоҳларга гувоҳлик беришдан бош тортганлик ёки ёлғон гувоҳлик берганлиги учун жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Раислик қилувчи тарафлар ва унинг вакилларини¹, суд мажлиси бошқа иштирокчиларининг қўшимча ҳужжатлар

¹ Суд мажлисида тарафларнинг вакиллари бўлиб, адвокатлар, мутахассислар ва тарафлар томонидан ваколатлари белгиланган ишончнома асосида бошқа шахслар иштирок этиши мумкин.

Конституциявий судда тарафлар вакиллари бўлиб, конституцияга тўғри келиши текшириладиган норматив актни чиқарган, халқаро шартномани имзолаган мансабдор шахслар, органлар раҳбарлари иштирок этиши мумкин.

Тарафлар ва уларнинг вакиллари қўйидаги ҳуқуқларга эга: кўриладиган масала бўйича Конституциявий суд мажлисига тайёргарлик чоғида олинган барча материаллар билан танишиб чиқишга; экспертиза тайинлашда экспертлар кандидатурасини таклиф қилиш; судга гувоҳлар экспертлар, мутахассисларни жалб қилиш тўғрисида илтимосномалар киритади; ишда мавжуд бўлган ёки қўшимча тақдим этилган ҳужжатларни ўқиб эшиттириш тўғрисидаги масалани кўтариш; она тилида тушунтиришлар бериш ва таржимондан фойдаланиш; қарши тарафга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; иш бўйича ўзининг шахсий нўқтаи-назарини билдириш.

талаб қилиши ҳақидаги, янги гувоҳларни чақириш ҳамда ишга янги мутахассис ва экспертларни жалб қилиш борасидаги илтимослари бор йўқлигини сўрайди. Бу хилдаги илтимослар ёзма равишда келиб тушса, у суд муҳокамасида эълон қилинади ва иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади. Оғзаки илтимослар суд мажлиси баённомасига киритиб қўйилади.

Ишни кўриб чиқиш маъруза қилувчи судья ишнинг қисқача мазмуни, уни кўриб чиқишга асос бўлган ҳолатлар, мавжуд бўлган ҳужжатларнинг қисқача мазмуни ва ишни кўришга тайёрлаш учун қилинган ишлар билан боғлиқ масалалар юзасидан маъруза қилади. Маъруза қилувчи судья ўз маърузасида эътирозларни, келтирилган таклифларни муҳокама қилишга ва уларга баҳо беришга ҳақли эмас. Маъруза қилувчи судья маърузасини тугатгандан сўнг раислик қилувчи тарафларга иш ҳолатларининг мазмуни бўйича тушунтиришлар беришни таклиф қилади. Биринчи бўлиб ишни кўриб чиқиш учун ариза билан мурожаат қилган тараф ёки унинг вакилига, ундан сўнг раиснинг таклифи билан иккинчи тараф ва унинг вакилларига сўз берилади.

Ишни судда кўриб чиқишни сўраб мурожаат қилган тараф ёки унинг вакили Конституциявий судга ишнинг қисқача мазмунини, унинг ҳуқуқий асосларини ва унга доир далилларни келтиради. Бошқа тараф ёки унинг вакили қарши тарафнинг кўрсатмаларига эътироз билдириб, ўз эътирозининг ҳуқуқий асосларини ва далилларни келтиради.

Тарафлар ва уларнинг вакиллари, суд муҳокамаси бошқа иштирокчилари суд мажлиси тартибини бузса кўрилаётган иш доирасидан четга чиқса раислик қилувчи уларнинг маърузасини тўхтатади. Иккала тарафлар ва уларнинг вакиллари ўз фикрларини баён қилиб олгандан сўнг раислик қилувчи судьяларга тарафлар ва уларнинг вакилларига саволлар бериш навбатини беради. Шундан кейин эса савол бериш ҳуқуқи тарафлар ва уларнинг вакилларига берилади.

Бундан ташқари, тарафлар ва уларнинг вакилларига саволлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ва унинг ўринбосарлари, Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси, Бош

прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан берилиши мумкин.

Гувоҳлар нутқининг давомийлигини Конституциявий суд белгилайди. Раислик қилувчи гувоҳларга уларга иш ҳолатлари билан боғлиқ барча билганларини сўзлашни таклиф қилади. Гувоҳларга саволлар берилиши мумкин. Гувоҳларга саволлар биринчи бўлиб ишни судда қўзғатган тараф ёки унинг вакили, ундан сўнг эса қарши тараф ёки унинг вакили ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан берилади. Суд томонидан чақирилган гувоҳларга аввало ишни судда кўришни сўраб мурожаат қилган тараф савол беради. Судьялар гувоҳларга суд мажлисининг исталган вақтида саволлар беришлари мумкин.

Агар суд гувоҳ томонидан келтирилган кўрсатмаларни ишни ҳал қилиш учун етарли деб топса, қолган гувоҳларни тингламаслиги ҳам мумкин. Суд мажлисида ҳужжатлар ўқиб эшиттирилади ва зарур ҳолларда, тарафларга ва уларнинг вакилларига, алоҳида ҳолларда эса эксперт, мутахассис, гувоҳ ва бошқа шахсларга берилади. Шундан сўнг тарафлар ва уларнинг вакиллари ўқиб эшиттирилган ҳужжатлар бўйича ўз тушунтиришларини беришлари мумкин. Тегишли тартибда олинган, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар Конституциявий суд томонидан ўрганилиб ишга тикиб кўйилади.

Конституциявий суд зарур ҳолларда эксперт ва мутахассисларни тинглайди. Эксперт, мутахассисларни тинглаш муддати суд томонидан белгиланади. Раислик қилувчи эксперт ва мутахассисга кўрилаётган масала юзасидан ўз ҳамкасблари фикрини баён этишда вакил сифатида сўзлаши учун имконият яратади.

Эксперт, мутахассис ҳамда гувоҳга тартиб бўйича саволлар берилади. Конституциявий суд мажлисларида Конституциявий суд раисининг таклифига кўра Конституциявий суд ҳузуридаги илмий маслаҳат кенгаши аъзолари сиёсат ва жамоат арболари, депутатлар, судьялар, халқаро ташкилотлар, давлат органлари, жамоат муассасалари, илмий муассаса ва олий таълим билим юртлари вакиллари иштирок этишлари мумкин. Таклиф қилинганлар кўрилаётган масала юзасидан раислик қилувчининг руҳсати

билан ўз фикрларини билдиришлари мумкин. Норматив актнинг конституциявийлигини текширишни сўраб судга мурожаат қилган шахслар ва шу билан бирга конституциявийлиги текшириладиган меъёрий ҳужжат чиқарган, халқаро шартнома тузган шахслар ҳам суд мажлисларида иштирок этишлари шарт.

Келтирилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, тарафларнинг, уларнинг вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосалари ва мутахассис фикри суд томонидан ўрганилиб бўлгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ва унинг ўринбосарлари, Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси, Бош прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг чиқишлари тингланади.

Тарафлар ва уларнинг вакиллари Конституциявий суд мажлисларида текширилган далиллар таҳлили ва баҳоси кўриладиган ишга алоқаси, тарафларнинг талаб ва эътирозларини ўзида ифодалаган сўнгги маъруза нутқлари билан чиқишлари мумкин.

Конституциявий суд тарафларга уларнинг илтимосига кўра сўнгги нутқларига тайёргарлик кўришлари учун суд мажлисида танаффус эълон қилган ҳолда вақт ажратишлари мумкин. Сўнгги нутқлар тинглаб бўлингач, агар Конституциявий суд янги ҳолатларни аниқлаш, янги далилларни топишни лозим деб топса, ишни янгидан кўриш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Шунинг билан бирга Конституциявий суд суд мажлисида танаффус эълон қилиши ва ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Иш бўйича қўшимча суд муҳокамаси ҳам тугагандан сўнг, Конституциявий суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага қириб кетади. Судьяларнинг қарор чиқариш учун маслаҳатлашуви маслаҳатхонада ўтказилади. Судьялар маслаҳати ҳеч кимга ошкор этилмайди.

Раислик қилувчи кўриладиган масала юзасидан фикр билдиришни истовчи ҳар бир судьяга сўз беради. Маслаҳатлашиш давомида судьялар бир-бирларидан ўз нуқтаи назарларини

аниқлаштиришни таклиф қилиши мумкин. Маслаҳат тугагач, раислик этувчи судьялар томонидан такдим этилган қарорга овоз беришини таклиф этади. Конституциявий қарорлари очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Конституциявий суд мажлисларида баённома юритилади. Баённомада қуйидагилар ифодаланиши лозим:

- мажлис ўтказилаётган жой ва вақт тўғрисида маълумот;
- иштирок этаётган ва иштирок этмаётган судьялар рўйхати;
- раислик қилувчининг исми, шарифи, отасининг исми ва лавозими;
- мажлис котибининг исми, шарифи, отасининг исми;
- кун тартиби, тарафлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумот;
- конституциявий суд томонидан иш кўриш тартиби;
- тарафлар ва улар вакилларининг тушунтиришлари;
- гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосалари, мутахассис фикрлари, уларга берилган саволлар ва берилган жавоблар;
- ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг чиқишлари, тарафлар ва бошқа шахсларнинг баённомага киритишни сўраган кўрсатмалари ва фактлари;
- овоз беришга қўйилган масалалар ва овоз бериш натижалари.

Агар Конституциявий суд мажлислари давомида ва қарор чиқариш вақтида овоз ёзиш, видео ёзув, фонограмма, суратга олиш ишлари ўтказилган бўлса, баённомага бу ҳақда ёзилиб, ишга қўшиб қўйилади. Конституциявий суд мажлисида баённома котиб томонидан юритилади. Тарафлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахслар иш учун аҳамиятли деб топган кўрсатма, ҳолат ва фактларни баённомага киритиб қўйишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Барча қўшимча ва тўлдиришлар баённомага киритилиши лозим. Баённома мажлис тугагандан сўнг 5 кун ичида расмийлаштирилиши керак. Суд мажлиси баённомаси раислик этувчи ва котиб томонидан имзоланиб, ишга қўшиб қўйилади.

Тарафлар ва уларнинг вакиллари баённома билан танишиб унга эътироз билдиришлари мумкин. Бундай эътирозлар

раислик қилувчининг якка ўзи томонидан 10 кун муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Раислик қилувчи эътирозлар билан танишиб чиққандан сўнг, уни ишга кўшиб қўйиш ёки рад қилиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкилий жиҳатларида раислик қилувчининг ўрнига аҳамият бериш лозим.

Конституциявий суд раиси:

— Конституциявий суд фаолиятига раҳбарлик қилади, судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

— Конституциявий суд мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

— Конституциявий суд аппарати тизими ва штат жадвалини тасдиқлайди;

— Конституциявий суд аппарати фаолияти устидан умумий раҳбарлик қилади, аппарат ходимларини ишга олади ва бўшатади;

— Аппарат ходимларини рағбатлантиради ва уларга nisbatan интизомий жавобгарлик чораларини қўллайди;

— Конституциявий суд фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

Конституциявий суд раиси Конституциявий суд фаолиятини ташкил этиш учун фармойишлар чиқаради. Конституциявий суд раиси суд мажлисларига тайёргарлик кўриш ишларига умумий раҳбарлик қилади.

Конституциявий суд раиси келиб тушган таклифларни ўрганиб чиқиб, *қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:*

1) Ишни судда кўриш учун қабул қилиш тўғрисида;

2) Ишни дастлабки ўрганиш учун судьялар ёки аппаратнинг тегишли бўлинмасига муддатини кўрсатган ҳолда топшириш тўғрисида;

3) Агар келиб тушган таклифни чақирини бўлса уни қайтариш тўғрисида. Ишни судда кўриш учун қабул қилиш тўғрисидаги қарор чиққач, Конституциявий суд раиси масалани дастлабки ўрганиш учун маърузачи судьяни тайинлайди, шу билан бирга суд мажлисида иш ҳужжатларини баён қилиш учун қоида тариқасида иш конституциявий судга келиб тушган кундан эътиборан кўпи билан 2 ой муддат ичида тайёргарлик ишларини тугатиш масаласини ҳал этади.

Конституциявий суд раиси ишнинг алоҳида мураккаблик ҳолатини эътиборга олиб юқорида кўрсатилган муддатни кўпи билан 1 ойга узайтириши мумкин.

Конституциявий суд раиси маърузачи судьядан Конституциявий судда кўриш учун иш материалларининг тайёргарлик даражасини аниқлаб, суд мажлисига таклиф қилинадиган шахслар доирасини аниқлайди, суд мажлиси жойи ва вақти ҳақида хабардор қилиш учун ва мажлис иштирокчилари ва судьяларга керакли ҳужжатларни жўнатиш тўғрисида фармойиш беради.

Куйидаги ҳолларда конституциявий суд мажлиси кейинга қолдирилиши мумкин:

1) агар Конституциявий суд кўрилаётган масалани етарли даражада тайёрланмаган деб топса;

2) тарафлар, гувоҳ, эксперт, мутахассислардан бирининг келмаслиги ишни нотўғри ҳал қилишга олиб келади деб топса;

3) агар ишни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун лозим бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки кеч тақдим этилган бўлса;

4) ишни кўришни кейинга қолдиришни сўраб судьялардан бири сўраган ёки тарафлар, ёки уларнинг вакиллари томонидан келтирилган далиллар Конституциявий суд томонидан тасдиқланган бўлса;

5) Конституциявий суд мажлиси кворуми бузилса, яъни судьялардан бирининг иштирок этмаслиги ёки улардан бирининг касал бўлса;

6) Конституциявий суд мажлисининг тўла ва ҳар томонлама кўрилиши учун ёки суд мажлисининг нормал фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи бошқа муаммолар юзага келса;

Конституциявий суд мажлисини кейинга қолдириш тўғрисидаги қарор судьяларнинг кўпчилик қисми томонидан овоз бериш йўли билан ҳал этилади. Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида қарор чиқарилган тақдирда, шу суд мажлисида ҳозир бўлган эксперт, мутахассис ва гувоҳлар тингланиши мумкин. Ишни кўришга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар бартараф этилгандан сўнг Конституциявий суд суд мажлисини давом эттиради.

Конституциявий суд мажлисида қоида тариқасида у тўхтатилган вақтдан қайта кўриш бошланади. Аввалги суд мажлисида тингланган эксперт, мутахассис ва гувоҳларни зарур ҳоллардагина қайта чақириш мумкин.

Конституциявий суд бир тарафга иккинчи тараф томонидан тақдим этилган материалларни ўрганиб чиқиш учун вақт ажратишни сўраб бир тарафнинг қилган илтимосномасига кўра ва ишни кўришга таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар вужудга келган тақдирда ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин. Кўриш тўхтатилган иш тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ишни кўришга тўсқинлик қилувчи ҳолат бартараф бўлган тақдирда суднинг ташаббуси билан қайта тикланади. Суд томонидан ишни кўришни тўхтатиш тўғрисидаги қарори бошқа масалаларни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Масалани кўришни тугатиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

— ишни кўриш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳужжат қайтариб олинганда;

— масала киритиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёки давлат органи томонидан берилган бўлса.

Суд мажлисларига тайёргарлик кўриш ишларини Конституциявий суд котибияти мудирини ташкиллаштиради, бундан ташқари у:

— ишни кўриб чиқишга тайёргарлик кўриш учун Конституциявий суд раиси томонидан ўрнатилган муддат ва тартибининг Конституциявий суд аппарати томонидан бажарилиши устидан назорат қилиш;

— суднинг кўриб чиқиши учун тақдим этилган масалалар юзасидан хулоса бериш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиш;

— суднинг кўриб чиқиш учун тақдим этилган масалани Конституциявий суд томонидан кўриш ва хулоса бериши учун режа лойиҳасини ишлаб чиқиш;

— Конституциявий суд томонидан тасдиқланган аппарат бўлинмалари тузилиши режасини тарқатиш;

— Конституциявий суд раисининг ишни юритувга қабул қилиши тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кўпи билан 3 кун ичида судьяларга иш материалларини тарқатиш;

— Конституциявий суднинг навбатдаги мажлиси ҳақидаги

чақирув қоғозини судьялар ва бошқа иштирокчиларга жўнатиш;

— Конституциявий суд мажлисида мажлис иштирокчиларини келган-келмаганлигини аниқлаш, Конституциявий суд мажлисларида хавфсизликни таъминлаш, мажлиснинг нормал фаолияти учун техник воситаларнинг тайёрлиги каби техник ва ташкилий масалаларни ҳал этиш.

— Конституциявий суд мажлиси баённомасини юритиш.

Конституциявий суд мажлислари залида Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиши лозим. Конституциявий суд судьялари мажлисда махсус кийим кийган ҳолда иштирок этадилар.

9.5. Конституциявий суд қарорлари, уларнинг турлари, мазмуни, тизими ва юридик аҳамияти

Конституциявий суднинг меъёрий ҳуқуқий нормалар ва халқаро шартномаларининг конституциявийлигини текшириш натижасида чиқарган тўхтама *қарор* деб номланади. Қарор Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суди тўғрисидаги" қонунининг 26-моддасида кўрсатилган ҳолларда Конституциявий суднинг қарорлари икки кўринишда ифода этилади: - *яқуний қарор* ва *бошқа қарор*.

Яқуний қарорларга суд томонидан муайян масалани кўриш натижасида охириги хулоса сифатида чиқарган қарорлар киради. Бундай қарорлар билан суд ишни мазмунан ҳал қилмай, қонда тариқасида суд ишни ташкил этиш ёки мажлис ўтказиш ишини ташкил этиш мақсадида чиқарилади.

Яқуний тўхтам қонун ва бошқа норматив актларнинг конституциявийлигини текшириш, шу билан бирга Конституция нормаларини кўриш натижаси сифатида чиқарилади. Бундай масалалар юзасидан келтирилган яқуний тўхтам Конституциявий суд қарорлари деб номланувчи ҳужжат шаклида ифодаланadi.

Конституциявий суд қарорининг тузилиши:

Конституциявий суд қарорлари кириш, баён қилувчи, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Қарорнинг кириш қисмида:

- қарорнинг номи, у қабул қилган жой ва вақт;
- қарор қабул қилган Конституциявий суд таркиби;
- тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар;
- ишни кўриш учун асос бўлган масала.

Қарорнинг баён қилиш қисмида қуйидагилар бўлиши лозим:

— Конституциявий суднинг ушбу ишни кўриб чиқиш ҳуқуқи ёки мажбурияти ифодаланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Конституциявий суд тўғрисидаги" қонун нормалари;

— конституциявийлиги текширилаётган актнинг тўлиқ номи, унинг олиш манбаси кўрсатилган ҳолда;

— қарорнинг асослантирувчи қисмида қуйидагилар бўлиши лозим:

— конституциявий суд томонидан қарор чиқаришга асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

— конституциявий суд амал қилган норматив актлар.

Қарорнинг хулоса қисмида норматив актнинг нормативлиги хусусидаги Конституциявий суднинг хулосаси ва бу қарорнинг кучга кириш муддати ва тартиби, Конституциявий суднинг қарорлари раислик қилувчи томонидан судьялар маслаҳатхонадан чиққандан сўнг, дарҳол эълон қилинади.

Қарорлар қабул қилишнинг ҳам ўзига хос қоидалари ўрнатилган. Бундай турдаги қарорлар суд мажлисида иштирок этган судьялар томонидан ёпиқ ҳолда маслаҳатхонада овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Қарорни муҳокама қилиш вақтида ҳар бир судьяга чегараланмаган доирада ва муддатда чиқиш қилишга имконият яратилади.

Овоз бериш очиқ тарзда ўтказилади. Барча ҳолларда раислик қилувчи охирги бўлиб овоз беради. Қарор қабул қилиш учун овоз беришда иштирок этувчи судьяларнинг кўпчилик овози талаб қилинади. Ҳеч қайси бир судья овоз беришда бетараф қолиши мумкин эмас. Агар бирон бир судья қабул қилинган қарордан нароти бўлса, у ўз фикрини ёзма тарзда алоҳида ифода этиши ва бу Конституциявий суд мажлиси баёномасига киритилиб қўйилиши мумкин. Овозлар

тенг бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади ("Конституциявий суд тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддаси). Қарор овоз беришда иштирок этган барча судьялар томонидан ҳам имзоланади. Муҳокама баённомасида расмийлаштирилади.

Яқуний тўхтам (қарор)ни ижро этишда англашилмовчиликлар юзага келмаслиги учун қарор тўлиқ асослантирилган ва ишончли бўлиши лозим. Бу турдаги қарорлар эълон қилиниши билан дарҳол кучга киради, ҳеч қандай давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

Конституциявий суд қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Конституциявий суд қарорлари сўнги хулоса ва улар устидан шикоят қилинмайди.

Қонунга мувофиқ Конституциявий суд қарори унинг ўз ташаббуси билан суд мажлисида қайта кўрилиши мумкин. Бундай асос "Конституциявий суд тўғрисидаги" қонунининг 28-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, *унга кўра*: судга қарор қабул қилиш вақтида маълум бўлмаган янги ҳолатларнинг очилиши билан; қарор қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилган конституциявий норманинг ўзгариши муносабати билан; Конституциявий суд томонидан қарор қабул қилишнинг ўрнатилган тартиби бузилган ҳолда қарор қабул қилинганлиги тан олинган ҳолда суд қарорини қайтадан кўриб чиқади.

Конституциявий суд қарори у қабул қилинган кундан сўнг кўпи билан уч кун ичида тарафларга, Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисига, Ўзбекистон Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига юборилади. Конституциявий суд раиси бошқа давлат органлари ва шахсларга ҳам қарор нусхасини юбориш тўғрисида фармойиш бериши мумкин.

Конституциявий суднинг сўровнома, талабнома кўринишидаги қарорлари конституциявий суд белгилаган тартибда

эълон қилинади. Конституциявий суд қарорлари Конституциявий суд белгиланган тартибда ва муддатда ижро этилади.

9.6. Конституциявий суд Аппарати, унинг вазифалари ва ташкил этилиш асослари

Конституциявий суд Аппарати Конституциявий суд фаолиятини далил маълумотлар билан, ташкилий техник жиҳатдан таъминлаб туриш учун; қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан назорат қилишни ташкил этиш учун; давлат ҳокимият органлари билан алоқаларини ўрнатиб туриш, халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва Конституциявий суднинг фаолияти билан боғлиқ бошқа ишларни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Конституциявий суд Аппарати фаолияти "Конституциявий суд тўғрисида"ги қонун, Конституциявий суд Регламенти ва Низомига асосланган ҳолда ташкил этилади.¹ Аппаратнинг тизими ва штати жадвали Конституциявий суд раиси томонидан тасдиқланади. Конституциявий суд аппарати бўлим ва бўлинмалардан иборат. Аппаратнинг тузилмавий бўлинмалари Конституциявий суд раиси тасдиқлаган Низом асосида фаолият юритади.

Конституциявий суд аппаратига қуйидагича асосий вазифаларни бажариш юклатилади:

— конституциявий суд фаолиятини, шу билан бирга, Конституциявий суд томонидан ўтказиладиган суд мажлислари ва йиғилишларини ташкилий, моддий-техник таъминлаш;

— конституциявий суд раиси томонидан ўрнатилган ишларни судда кўришга тайёрлаш муддати ва тартиби устидан назорат қилиш;

— конституциявий суд томонидан кўриб чиқилиши учун тақдим этилган ишларни кўриб чиқиш режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди аппарати тўғрисидаги Низом. №3. 1996 йил, 5 июль.

— тасдиқланган лойиҳани аппаратнинг бўлинмаларига тарқатиш;

— конституциявий суд раисининг ишни кўриш учун дастлабки тайёргарликни бошлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг судьяларга ишда кўриладиган ҳужжатларни юбориш;

— конституциявий суднинг навбатдаги мажлиси учун қақирув қоғозини юбориш;

— конституциявий суд мажлисида баённома юритиш;

— конституциявий суд қарорларини ижро этиш ҳолатлари ҳақида раҳбариятни хабардор қилиш;

— мутахассислар билан таъминлаш;

— судьяларни қонунчиликдаги ўзгаришларни тизимлаштирилган ҳолда ўз вақтида доимий хабардор қилиб туриш;

— амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш;

— фуқароларни қабул қилиш, уларнинг хат, муражаатнома ва аризаларини қабул қилиш ва таҳлил қилиш ишларини ташкил қилиш;

— конституциявий суд қарорларини ва, умуман, Конституциявий суд фаолиятини матбуотда ёритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш;

— конституциявий суд ва бошқа давлат органлари фаолиятини ўрганиш ва умумлаштириш;

— "Конституциявий суд тўғрисида"ги қонун ва Конституциявий суд Регламентида белгиланган Конституциявий суд фаолиятининг бошқа вазифаларини амалга оширилишини таъминлаш.

Конституциявий суд аппаратига Конституциявий суд раиси томонидан тайинланган Конституциявий суд котибияти бошлиғи раҳбарлик қилади. Котибият бошлиғи Конституциявий суд раисига бўйсунди. Конституциявий суд аппарати ходимлари Конституциявий суд раиси томонидан тайинланади. Улар меҳнат қонунчилигига асосан ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Аппарат ходимларини ишдан бўшатиш ва уларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш амалдаги қонунчиликка асосан Конституциявий суд раиси томонидан амалга оширилади.

Конституциявий суд Котибияти бошлиғи:

- Конституциявий суд аппарати устидан умумий раҳбарликни амалга оширади;
- Ишларни ташкиллаштириш ва бўлинмалар фаолиятини бошқариш ишлари учун жавоб беради;
- Унинг қонунга зид бўлмаган кўрсатмалари ва фармойишлари аппарат ходимлари учун мажбурийдир;
- Аппарат ходимлари томонидан меҳнат қонунчилиги ва ички тартиб қоидаларига амал қилинишини таъминлайди;
- Аппарат ходимларини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш борасидаги тақлифлар билан муносабат қилади;
- Аппарат ходимларининг иш мажбуриятларини, меҳнат қонунчилигидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди;
- Ташкилий масалалар юзасидан ўтказилаётган Конституциявий суд мажлисларида иштирок этади.

Конституциявий суд ва унинг аппаратини молиявий жиҳатдан таъминлаш республика бюджети томонидан амалга оширилади. Конституциявий суд харажатлари сметаси ҳар йили тузилади ва Конституциявий суд томонидан тасдиқланади. Конституциявий суд фаолиятини амалга ошириш учун ўрнатилган сметадан ташқари маблағларни сарфлаш Конституциявий суд раиси томонидан амалга оширилади.

Котибият бошлиғи ҳар йили Конституциявий судга унинг фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни сарфланиш билан боғлиқ ҳисоботни тақдим этади. Ушбу ҳисобот Конституциявий суд томонидан тасдиқланади.

9.7. Конституциявий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши¹ маслаҳат берувчи орган сифатида иш юритади. Илмий-маслаҳат кенгаши фаолияти

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қошидаги Илмий консултатив кенгаш тўғрисидаги Низом №4 1996йил 5 июль.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг республика ҳудудида тўла устуворлигини таъминлашга йўналтирилган.

Илмий-маслаҳат кенгаши Конституциявий судга ҳуқуқий фан, Конституциявий-ҳуқуқий амалиёт, халқаро қонунчилик ютуқларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Илмий-маслаҳат кенгашига сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида фаолият юритувчи юқори малакали мутахассислар танлаб олинади. Илмий-маслаҳат кенгаши ишига шу кенгаш аъзоси ҳисобланмайдиган бошқа соҳада фаолият юритувчи мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Илмий-маслаҳат кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси тақдимномасига асосан раис, раис ўринбосари, илмий котиб ва кенгаш аъзоларидан иборат таркибда сайланади. Илмий-маслаҳат кенгаши таркибида қонунчиликнинг алоҳида соҳалари бўйича, яъни ҳуқуқ қўллаш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланадиган алоҳида бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

Илмий-маслаҳат кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколат муддатига мутаносиб муддатга сайланади. Илмий-маслаҳат кенгаши мажлисларида кўриладиган масалаларни Конституциявий суд раиси киритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги *Илмий-маслаҳат кенгаши*:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига кўриб чиқиш учун берилган масалалар юзасидан илмий асосланган таклифлар беради;

— қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши мажлислари зарур ҳоллардагина чақирилади. Кенгаш мажлиси ижодий баҳс ва фикрларни эркин ифодалаш шаклида кечади. Қабул қилинган қарордан норози бўлган кенгаш аъзоси ўз фикрини ёзма баён этиб, Конституциявий суд раҳбариятига тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши раиси кенгаш ишини

ташкил этади, мажлислар чақиради, кенгаш таклифларини тайёрлашни сўраб кенгаш аъзоларига кўрсатмалар беради. Уларни бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгашининг илмий котиби кенгаш ишини ташкилий жиҳатдан таъминлайди, ҳужжатларни мажлисга тайёрлайди, баённома юритали. ИМК фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш Конституциявий суд аппарати зиммасига юклатилади. ИМК ҳар йили Конституциявий суд раҳбариятига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., "Ўзбекистон" 1992 йил 8 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни. 2003 йил 24 апрел.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуни. 1995 йил 30 август.

4. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни. 2000 йил 14 декабрь.

5. Конституциявий суднинг 1996 йил 5 июл №1 сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд Регламенти. -Т., Шарқ, 1996.

6. Конституциявий суднинг 1996 йил 5 июлдаги №2 сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларининг шаъни тўғрисидаги кодекс. -Т., Шарқ, 1996 й.

7. Конституциявий суднинг 1996 йил 5 июлдаги №4 сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши тўғрисидаги Низом. -Т., Шарқ, 1996 й.

Махсус адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1990.

2. "Правоохранительные органы" К.Ф.Гуценко, М.А.Ковалёв, -М.: Зерцало, 1998.

Назорат саволлари

1. Конституциявий назорат нима?
2. Конституциявий суд таркибига кимлар кириши мумкин?
3. Конституциявий суд қандай ташкил этилади?
4. Конституциявий суднинг фаолияти тамойилларини санаб беринг.
5. Конституциявий суд ваколатларини сананг.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида иш бошлашнинг асосий хусусиятларини айтинг.
7. Конституциявий суд мажлисларида иштирок этиши мумкин бўлган шахсларни сананг.
8. Конституциявий суд мажлислари ўтказиш тартиби қандай?
9. Қандай ҳолларда Конституциявий суд мажлислари қолдирилиши мумкин?
10. Конституциявий суд қарорларини сананг.
11. Конституциявий суд аппаратининг функциялари қандай?
12. Конституциявий суд аппаратини шакллантириш тартиби қандай?
13. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши вазифаларини сананг.
14. Конституциявий суд судьялари шаъни тўғрисидаги кодекси нима?
15. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорининг тузилиши қандай?
16. Конституциявий суд Раиси ваколатларини сананг.
17. Қандай ҳолларда Конституциявий суд қарорлари қайта кўрилиши мумкин?

Х БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУДЬЯЛАР МАҚОМИ

10.1. Судьялар мақоми тушунчаси ва умумий тавсифи

Ўзбекистон Республикасида судьялар бўлиб, қонун билан белгиланган ваколатлар асосида одил судлов фаолиятини амалга оширувчи шахслар ҳисобланади ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 60-моддаси). Судьялар корпуси деганда, судья лавозимини эгалловчи давлат хизматчилари мажмуи тушунилади. Бу хил лавозимидаги шахслар доираси нисбатан кенг ва турли тумандир. У Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси ва аъзолари, бошқа Олий суд инстанциялари раиси ва уларнинг ўринбосарларидан тортиб то вилоят, туман бўғинидаги умумий юрисдикция ва хўжалик судлари судьяларини қамраб олади. Қонунга биноан судьяларга ўта муҳим масъулият юклатилган. Бу аввало фуқароларнинг, давлат ва бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига доир умуммажбурий бўлган қарорлар қабул қилиши билан боғлиқдир. Ҳар қандай демократик давлат учун зарур бўлган ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик, фуқароларнинг тақдири ва уларнинг фаровонлиги судьяларнинг фаолияти билан боғлиқ. Халқ вакиллари билан бирга фаолият юритувчи судьяларга суд ҳокимияти берилган. Бу ҳокимият кучи орқали судьялар фақат қонунийлик, ҳуқуқ тартибот, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафили сифатида эмас, балки тегишли ҳолатларда қонунчилик ва ижроия ҳокимиятларини тийиб турувчи ва мувозанатда сақлаб турувчи ҳокимият тармоғи сифатида ҳам намоён бўлади.

Судьялар корпуси олдига қўйилаётган ўзига хос вазифаларнинг таъсири остида кўплаб ўн йилликлар давомида (баъзи давлатларда юз йиллар давомида) шундай тушунча пайдо бўлдики, бунга кўра суд, судьялар, судьялар корпуси мақоми бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслари мақомидан ажралиб туриши керак. Судьяларнинг, раҳбариятнинг буйруғини сўзсиз бажарувчи, ўзига маъқул бўлган қарорни қабул қилувчи оддий амалдор эканлиги тўғрисидаги тушунча тарафдорлари осонликча ўз таъсирини

йўқотмади. Ҳатто, ҳозирги кунда ҳам бу хил тушунча тарафдорлари топилсада, одил фикр тарафдорлари кун сайин купайиб бормоқда.

Йиллар ўтиши билан судьяларда фақат ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўла бошлади. Судьяларнинг мақоми, уларнинг ҳуқуқий ҳолати бизга шу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мажмуи сифатида кўринади. Бунда алоҳида судьяларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидагина эмас, балки уларнинг шу мансабга лойиқлиги, уларга одил судловни амалга ошириш вазифаси юклатилганлиги, суд ҳокимиятини ишонганлиги ҳақида ҳам сўз боради. Судьялар худди бошқа фуқаролар сингари ҳуқуқларга эга, *масалан*, бирор нарса сотиш ёки сотиб олиш, никоҳдан ўтиш, таътилга чиқиш ва ҳ.к. Лекин шу билан бирга уларда бошқа фуқароларда бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам бор.

Судьялар фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини кўриш фаолиятида конституция ва бошқа қонунларга сўзсиз амал қилишга, корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, мулкани ҳимоя қилишга, холис ва адолатли бўлишга мажбурдирлар.

Судьяларнинг одил судлов фаолияти уларнинг бошқа машғулотларидан устун туриши керак. Судьялар суд шаънига доғ туширмаслиги, судьяларнинг холислигига шубҳа туғдирувчи, уларнинг мақоми ва қадр-қимматига путур етказувчи ҳаракатларни содир қилишдан ўзини тийиши керак. Судьялар ўз малакасини юксак даражада ушлаб туришга мажбур бўлиб, бу уларнинг одил судловни амалга оширишида зарур ҳисобланади.

Судьялар суд иштирокчиларига ва бошқа шахсларга ўз вазифасини бажариши давомида ҳурматини намоён қилиб, улар билан хушмуомала ва беминнат бўлмоғи даркор. Худди шу ҳислатларни судья ўз аппарат ходимларидан ҳам талаб қилиши керак. Судьялар ёпиқ суд мажлисида олган маълумотларни, суд маслаҳати сирларини ошкор қилишга ҳақли эмас.

Судьяларнинг хизматдан ташқари фаолияти уларнинг объективлигига, адолатлилигига ва холислигига шубҳа туғдир-

маслиги керак. "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 66-моддасига биноан судьялар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўла олмайди. Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларга аъзо бўлишга, уларни моддий ёки бошқача йўллар билан таъминлашга, шунингдек, ўзининг сиёсий қарашларини ошқора эълон қилишга, чиқишлар ва сиёсий характерга эга бўлган ҳаракатлар ва акцияларда иштирок этишга ҳақли эмас. Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши, шунингдек, илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас. Судья мақоми тавсифида шу нарсани назарда тутиш керакки, судьялар қайси суд бўғинида ишлашидан қатъи назар, улар барча судлар учун битта ягона бўлган мақомга эга бўлади. Лекин бу ҳолат турли хил инстанцияларда ишловчи судьяларнинг бир хил даражада эканлигидан далолат бермайди. Албатта фарқлар бор. Худди Конституциявий суд судьяси ва умумий юрисдикция суди орасида тўла ўхшашлик бўлмагани каби.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 60-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикасида барча судлар бир хил мақомга эга деган ҳолат фақат умумий юрисдикция ва хўжалик суди судьяларига тааллуқли бўлиб, Конституциявий суд судьялари ҳуқуқий мақоми "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд тўғрисида"ги қонун билан белгиланади. Шу сабабли 1996 йил 5-июльда Конституциявий суднинг №2-сонли қарори билан Конституциявий суд судьялари шаъни тўғрисидаги Кодекс тасдиқланди. Ушбу кодекс Конституциявий суд судьяларининг ахлоқий ҳулқ қоидаларини белгилаб бериб, улар учун мажбурий ҳисобланади. Шу ўринда ушбу кодексдан мисол келтириш ўринлидир:

1-модда. Конституциявий судлар учун барча нарсдан устун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Конституциявий назоратни олиб боришда судьялар конституция талаблари ва ўз виждонига амал қилади. Ҳеч қандай "Олий адолатга" йўналтирилган ёки унга мувофиқ келувчи ҳужжат конституциядан устун кела олмайди.

Судьялар ўз фаолияти давомида мансабдор шахслар ва фуқароларда конституция ва қонунларда ҳурмат ҳиссини

шакллантириши керак ва ўзи ҳам қонунга итоаткор бўлиши керак.

2-модда. Судьялар ҳар вақт ҳамма жойда ўзини шундай тутиши керакки, жамиятда конституциявий судга, унинг холислиги ва мустақиллигига бўлган ишонч мустаҳкамланиши керак. Судьяларнинг ўз хизмат вазифаси бошқа шахсий ишларидан устун туриши керак. Судья бегона фикр таъсиридан ҳоли бўлиши, унинг фаолиятини танқид қилишдан огоҳ бўлиши керак.

3-модда. Судья, Конституцияда назарда тутилганидек ўз мансабини кимнинг манфаатини кўзлашидан қатъи назар суистеъмол қилмаслиги керак. Судьялар дўст ва таниш орттиришида эҳтиёткор бўлиб, ўзига қарши бўлган алоқалардан йироқ юриши керак. Шунингдек, ўзида ва бошқа шахсларда, худди ўзига таъсир кўрсатаётгандек таасурот келтириб чиқарадиган ҳолатлардан йироқ юрмоғи даркор.

Умуман ҳар қандай ҳолатда ҳам судьялар ўз юриш туришига эътибор билан ёндошмоғи, унинг оқибатини кўра билиши, шунингдек, уларни Конституция талаблари ва ахлоқ қоидалари билан уйғунликда олиб бормоғи керак. Судьялар ўзларига нисбатан, қасддан конституция нормаларини бузганлиги, мансабини суистеъмол қилиши, ишларни кўришдан ғаразли ёки бошқа мақсадда манфаатдорлиги мазмунидаги жамоат айбловларига бефарқ қарамаслиги лозим.

4-модда. Судьялар фуқаролар билан муомалада бўлганда хизмат вазифасини бажаришида ҳам, хизмат вазифасидан ҳоли пайтда ҳам умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларига риоя қилиши, ўзини муносиб тутиши керак. Судья ўзининг мулойим мурожаати, босиқлиги, беминнат ва барчага тенг муомаласи, қатъийлиги, масалалар мазмунига чуқур ёндашишга интилувчанлиги, бошқалар фикрини эшитиб, уни тушуна олиш қобилияти, гапирмоқчи бўлган гапини ҳар томонлама ўйлаб гапириш фазилатлари билан бошқалардан ажралиб турмоғи лозим. Судья бу хил ҳислатларга Конституциявий суд аппарати ходимларини, ўз ҳамкасбларини ҳам ўргатмоғи керак.

5-модда. Конституциявий суд томонидан кўрилаётган ёки кўрилишга тайёрланаётган ишлар бўйича қарор қабул қилинишидан олдин судьялар, агар иш ҳолатлари буни зарур

деб топмаса, ўз фикрини ошкор қилишга ҳақли эмас. Судья иш бўйича қабул қилинган қарор кучга кирмагунча ишга оид масалалар бўйича маълумотларни ошкор этишга ҳақли эмас. Судья ўз хизмат вазифасини бажаришда очиқ суд мажлисида олинган маълумотлардан ташқари бошқа маълумотларга нисбатан касб сирини сақлаши керак.

6-модда. Судья илмий-ижодий педагогик фаолиятдан ташқари тадбиркорлик фаолияти ёки бошқа ҳақ тўланадиган бирон бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Судья хайрия фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда ўз олдига сиёсий ва тижорат мақсадларини қўймаган жамоат бирлашмаларида, олийгоҳ ва илмий текширув институтларида ҳақ тўланмайдиган лавозимларда ишлаши мумкин. Судья ўз мансабидан фойдаланиб Конституциявий суд судьяси лавозимидан ҳоли ҳолда бошқа турдаги муаммоларни ва низоларни ечишда ҳакам ёки ўртада турувчи бўлиб иштирок этишга ҳақли эмас.

7-модда. Судья сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари аъзоси бўлишга ёки уларни моддий ёки бошқача йўл билан қўллаб-қувватлашга ҳақли эмас. Судьялар сиёсий мақсадларни кўзловчи, у ёки буюғларни олға сурувчи сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ҳақидаги шахсий фикрларни ошкор қилишдан ўзини тийиши керак. Судья давлат ҳокимияти вакиллик органларига тайинланаётган ёки номзоди қўйилаётган номзодларни ошқора қўллаб-қувватлаши ёки уларни ёқлаб ёки уларга қарши овоз берилшдан ўзини тийиши керак.

8-модда. Судья конституциявий назоратни амалга ошириш борасидаги ўз хизмат вазифасини бажариши юзасидан касб малакасини доимий ошириб бориши, ўз билим ва кўникмаларини чуқурлаштириб бориши керак. Судья қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларда иштирок этиши мумкин.

Умумий юрисдикция ва хўжалик судлари судьяларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 65-моддасида умумий, асосий ҳуқуқлари тизими билан белгилаб берилган. Судьянинг одил судловни амалга оширишдаги бошқа ҳуқуқлари процессуал қонунчиликда белгилаб берилган. Қонуннинг 65-моддасига биноан судьялар

мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларини бажарилишини талаб қилиши, мансабдор ва бошқа шахсларни одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиши, уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга. Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Судьяларнинг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Бу ҳилдаги жавобгарликлар ЎзР МЖК ва ЖКда белгиланган.

Судьялар мақомини белгилаб берувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларни шартли равишда *қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:*

— судьялар корпусини шакллантириш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар (судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар, номзодларни танлаш ва уларга суд ваколатини тақсимлаш тартиби билан боғлиқ);

— судьяларнинг ўз ваколатини мустақил амалга ошириш-ни кафолатловчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар (судьяларнинг дахлсизлиги, уларнинг ваколатини муддатдан олдин тугатиш ва тўхтатиб туришнинг алоҳида тартиби ва ҳоказо);

— судьяларнинг ўз-ўзини бошқариш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.¹

10.2. Судьялар мустақиллигининг кафолатлари

Адолатнинг мустақил ва холис суд томонидан амалга оширилиши ғояси қадим тарихда юзага келган бўлиб, бу то ҳозирги кунгача ҳар бир демократик давлат қонунчилигининг пойдеворини ташкил этади.

¹ Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. Изд. 6-е, перераб. и доп. /Под ред. проф. К. Ф. Гуценко. - М.: ЗЕРЦАЛО-М, 2001., 205-бет.

Шу боисдан суд мустақиллиги масаласи доимо долзарб бўлиб келмоқда. Судларнинг мустақиллиги ва холислиги тамойили қадрини англаган ҳолда, халқаро ҳужжатлар ва миллий конституциялар ютуқларини умумлаштириб 1985 йил 29 ноябрда БМТ бош ассамблеяси "Суд органларининг асосий тамойиллари тўғрисида" суд ҳокимияти учун ўзига хос конституция бўлиб қолган халқаро конвенцияни қабул қилган.

Жумладан, унда шундай дейилади: "Суд органлари мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва давлатнинг конституция ва қонунларида мустаҳкамланади. Нодавлат ташкилотлар ва бошқа муассасалар суд мустақиллиги тамойилига риоя қилиши ва уни ҳурмат қилиши шарт. Суд органлари ўзларига топширилган ишларни қонун ва фактларга асосланган ҳолда, қай тарафдан ва қандай сабаблар бўлишидан қатъи назар, ўзгаларнинг бевосита ёки билвосита аралашувисиз, ҳеч қандай тўсиқларсиз, қонунга хилоф таъсир, дўқ-пўписаларсиз кўриб чиқади. Одил судлов жараёнида қонунга хилоф ва санкцияланмаган аралашушга ўрин бўлмаслиги керак".¹ Фақат мустақил суд ҳокимиятигина фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, ошкора шаклдаги объектив суд жараёнини кафолатлайди. Мустақил суд тўғрисидаги талаб ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ҳисобланади. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси қўшилган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 10-моддасида белгиланган.

Мустақил ва холис судсиз суд ҳокимияти мавжуд бўлмай, инсон ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиш мумкин эмас. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонунда бу тамойил кафолатланган. Бу тамойилнинг кафолати бўлиб: судьяларни сайлаш, тайинлаш ва уларни озод қилишнинг қонуний тартибга солинганлиги, уларнинг дахлсизлиги, одил судловни амалга оширишнинг қатъий тартиби, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир тутилиши, унинг ошкор этилиши таъқиқланиши, суд томонидан ишларни кўришда ишга аралашганлик ва судга ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги, судьяларнинг

¹ Международные акты о правах человека. Сборник документов - М.: Норма-Инфра, М.: 1999, 169-бет.

дахлсизлиги тамойили кабилар хизмат қилади. Жиноят Кодексида (230-241-моддалар) одил судловга қарши қаратилган жиноятлар ҳақида боб мавжуд.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 67-моддасига биноан, судлар мустақиллиги кафолатлари ичида биринчи ўринга уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш тартиби чиқади. Бу тартиб бир неча қонунлар билан тартибга солинган бўлиб, буларга "Конституциявий суд тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги қонунлар мисол бўлади. Ушбу қонунларда судьялик лавозимига номзодларнинг олдига қўйиладиган талаблар, уларни сайлаш, тайинлаш ва лавозим бўйича кўтарилиш тартиби белгиланган.

Барча судьялик лавозими номзодларига қўйиладиган талабларнинг умумий хусусияти шундаки, улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши ва олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Конституциявий суд судьяси лавозими номзодларига уларнинг касбий билим даражасидан келиб чиққан ҳолда юқори даражадаги талаблар қўйилган. Улар олий юридик маълумотга эга бўлиши билан бирга сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида мутахассис бўлиши ва юксак ахлоқий хислатларга эга бўлиши керак. ("Конституциявий суд тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддаси).

Судьяларнинг турли хил тизим ва даражадаги номзодлар учун ёши билан боғлиқ ўз соҳасида ишлаганлик малакасига оид талаблар ҳар хил ҳисобланади. Умумий юрисдикция ва хўжалик суди асосий бўғини судьяси лавозимига тайинланиш учун номзодлар ёши 25 дан кам бўлмаган, ўрта бўғин судьялари учун 27 ёш, Олий суд ва Олий хўжалик суди номзодлари учун 30 ёш белгиланган.

Кўп давлатлар конституция ва қонунлари Конституциявий суд судьяси лавозими номзодлари ёшига табиийки, алоҳида талабларни қўяди. Масалан, Германия Федерал Конституциявий суд аъзоси 40-68 ёшгача, Венгрияда 45-70 ёшгача бўлиши мумкин.¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. /Под ред. Проф. Б.А. Страшун. - М.: ВЕК, 1996. 639-бет.

судьялари номзодларига қонун томонидан ёш цензи белгиланмаган. Лекин шу нарса назарда тутиладики, номзод Конституциявий суд судьяси бўлиши учун 25 ёшдан кичик бўлмаслиги керак.

Барча суд бўғини судьялари номзодларига энг юқори ёш расман белгиланмаган. Худди шунингдек, ҳуқуқ соҳасида ҳам неча йил ишлаганлиги бир хил эмас. Туман (шаҳар), туманлараро судлар, хўжалик судларига судья бўлиши учун номзод камида ҳуқуқ соҳасида 3 йил ишлаган бўлиши керак. Юқори турувчи судья номзодларига ҳам умумий иш стажидан ташқари, қонун бўйича судья бўлиши учун тегишли иш стажидан талаб қилинади. *Масалан*, Қорақалпоғистон Республикаси, Вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Ҳарбий судлар судьяси лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, ҳуқуқий соҳада камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган, шундан камида 2 йили судья лавозимида ишлаган шахслар судья бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьялик лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, юридик соҳада камида 7 йиллик иш стажига эга бўлиб, шундан 5 йили судья лавозимида ишлаган шахслар бўла олади. Ҳарбий судлар судьялик номзодларига юқоридагилардан ташқари қонун қўшимча шартларни қўшади, *масалан*, улар ҳарбий хизматни ўтаган ва зобитлик таркибига кирувчи унвонга эга бўлиши керак. Халқ маслаҳатчилари одил судловни амалга оширишда судьялик ҳуқуқидан тўла қонли фойдаланганлиги учун қонун уларга ҳам тегишли талабларни қўяди.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 62-моддасига биноан халқ маслаҳатчилари 25 ёшдан кичик бўлмаган фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларда очиқ овоз бериш йўллари билан 2,5 йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўла олади. Ҳарбий судлар халқ маслаҳатчилари бўлиши учун ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, ёши 18 дан кичик бўлмаган фуқаро бўлиши керак.

Судьялар малака ҳайъати қуйидагиларни амалга оширади:

— халқ маслаҳатчиларига олиб бориладиган сайловларнинг ўтиши устидан назоратни;

— халқ маслаҳатчилари сайловларини ўтказиш юзасидан ариза ва шикоятларни кўради;

— халқ маслаҳатчилари учун ўтказилган сайловларининг яқунларини белгилайди;

— сайланган халқ маслаҳатчиларининг рўйхатларини тузади ва тасдиқлайди;

— сайланган халқ маслаҳатчиларига тегишли ҳужжатларни топширади;

— халқ маслаҳатчиларининг ўқитилишини ташкил этади;

— халқ маслаҳатчилари сайловларини ўтказиш ва сайлаш масалалари билан боғлиқ бўлган бошқа ваколатларни.

Халқ маслаҳатчилари сайловлари фуқароларнинг яшаш ёки иш жойлари бўйича йиғинларда ёхуд ҳарбий хизмат ўталадиган ҳарбий қисм бўйича ўтказилади.

Мажлислар меҳнат жамоаси, ҳарбий қисмларда ва аҳоли пунктларида сайловчилар сони камида 100 тадан иборат бўлган ҳолда амалга оширилади. Агар уларда сайловчиларнинг сони 100 тадан кам бўлса, сайловлар бошқа меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ва аҳоли пунктлари билан биргаликда ўтказилади.

Йирик муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарда ва ҳарбий қисмларда сайловлар уларнинг сайловчилар сони 100 тадан кам бўлмаган таркибий бўлиналарида ўтказилиши мумкин.

Халқ маслаҳатчилари сайловларининг қачон ва қерда ўтказилиши хусусида фуқаролар мажлислар камида 3 кун олдин хабардор қилинади.

Халқ маслаҳатчиларига номзод кўрсатиш меҳнат жамоалари, фуқароларнинг яшаш жойлари бўйича сайловчилар шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар бўйича мажлисларида амалга оширилади.

Халқ маслаҳатчиларига сайлов ҳар битта номзод бўйича алоҳида сайлаш йўли билан амалга оширилади. Сайланган халқ маслаҳатчиси бўлиб меҳнат жамоаси, ҳарбий қисм хизматчилари ёки фуқароларнинг яшаш жойи бўйича сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олган шахслар ҳисобланади.

Йиғилишда таркиби раис, котиб ва аъзоларидан иборат раёсат сайланиб, у 5-7 кишидан иборат бўлади.

Йиғилишда баённома юритилиб унда сайлов натижалари кўрсатилади. Баённома раёсатнинг бутун таркиби томонидан имзоланади. *Баённомада қуйидагилар кўрсатилиши керак:*

— йиғилиш бўлиб ўтган корхона, муассаса, ташкилот, ҳарбий қисм ёки аҳоли яшаш пунктининг номи;

— йиғилиш бўлиб ўтган жой ва вақт;

— сайловчилар сони;

— ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

— ҳар бир номзод учун берилган қўллаб-қувватловчи ва қарши овозларнинг сони;

— ҳар бир сайланган халқ маслаҳатчисининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, фаолият тури ва яшаш жойи.

Судьяларнинг малака ҳайъати йиғилиш баённомалари асосида сайлов натижаларини аниқлайди ва ҳар бир суд учун алоҳида халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади.

Халқ маслаҳатчилари рўйхати ҳайъат томонидан тасдиқлангандан сўнг тегишли судга юборилади.

Судьяларнинг малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги судьялик лавозимига тайинлаш ва тавсия этиш Олий малака комиссиясига халқ маслаҳатчилари сайлов натижалари тўғрисида ахборот беради, шунингдек, мунтазам равишда халқ маслаҳатчиларини ўқитиш ишларини олиб бориш тўғрисида маълумот беради.

Судьялар корпусига суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласи долзарб масалалардан бири ҳисобланади. "Судлар тўғрисида"ги қонунда, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, -"Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ҳақиқий самарали ва демократик ҳуқуқий механизм ишлаб чиқилган".¹ Юқоридагилардан келиб чиқиб судьялар корпусини шакллантиришнинг қуйидаги босқичларга ажратамиз. Қонунга биноан, суд кадрларининг дастлабки заҳирасини шакллантириш судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муассасалар,

¹ Адолат - қонун устуворлигида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис 2-чақириқ, VI сессиясида сўзлаган нутқи, "Халқ сўзи" газетаси, 2001 й. 30август.

ташкilotлар, жамоат бирлашмалари таклифларига биноан судьялар малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.

Суд кадрлари заҳираларини шакллантириш билан боғлиқ дастлабки материаллар малакали суд ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилади. Судьялар малака ҳайъатлари юқори малакали, нисбатан тажрибали юристлар орасидан номзодларни танлаб олади. Судьялар малака ҳайъатлари номзодларни суд заҳирасига киритиб қўйиш учун шахсий суҳбатдан, малака имтиҳони ўтказиб, улар томонидан кўрилган ишларини ўрганиб, уларнинг малака даражасини, ахлоқий ва ишбилармонлик сифатларини, билим даражасини, дунёқарашини баҳолайди. Судьялар малака ҳайъати малака имтиҳонлари натижасига қараб номзодни суд заҳирасига киритиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Суд номзодлари заҳирасига қўйилмаган, яъни рад этилган номзодлар бир йил ўтгандан кейин унга ариза билан такроран мурожаат қилиши мумкин.

Судьялик лавозими бўшаб қолган тақдирда, малака ҳайъати суд заҳираси номзодлари ичидан, муқобиллик асосида, малака имтиҳонини қабул қилиб, унинг суд ишидаги мутахассислиги, шахси, иш фаолияти ва дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда номзод танлаш масаласини кўради. "Судлар тўғрисида"ги қонунга биноан суд кадрлари ишларида демократияни чуқурлаштириш, муносиб номзодларни танлаш ва суд мустақиллиги кафолатини таъминлаш мақсадида судьялар малака ҳайъатлари ташкил этилган.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 74-моддасига биноан судьялар малака ҳайъати:

- судьялик лавозимига номзодларни танлаш;
- судьянинг интизомий жавобгарлиги;
- судьянинг ваколатларини тўхтатиш ёки муддатидан илгари тугатиш;
- судьянинг дахлсизлигини таъминлаш;
- судьяни малака имтиҳонидан ўтказиш ва унга малака даражасини бериш масалаларини кўриш;
- судьялар заҳирасини шакллантириш учун тузилади.

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

томонидан, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати эса Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми томонидан 5 йил муддатта сайланади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли судлар судьяларнинг мажлисларида 5 йил муддатга, ҳарбий судлар судьяларнинг мажлисларида ҳам ана шу муддатга сайланади. Судьялар малака ҳайъати сон таркиби уларнинг иш ҳажмидан белгиланади, лекин таркиб раис ва унинг ўринбосарини ҳисобга олган ҳолда 9 тадан ошмаслиги керак. Судьялар малака ҳайъати ўзлари сайлаган органга йилда камида бир марта ўз фаолияти ҳақида ахборот беради. Ҳайъат ўзига топширилган ваколатларни амалга оширишда таркибининг камида ярми ҳозир бўлган тақдирдагина фаолият юритади. Ҳайъат ўз ваколатини амалга ошириш билан боғлиқ ахборотларни юқори турувчи судлар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролардан талаб қилиб олишга ҳақли.

Судьялар Олий малака комиссияси ва Олий ҳўжалик суди малака ҳайъатлари қарор ва хулосалари устидан шикоят қилишга йўл қўйилмайди. Бошқа малака ҳайъатларининг қарор ва хулосалари устидан шикоят Олий малака ҳайъатига берилиши мумкин. Шикоят қимнинг устидан интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса, шу шахс томонидан берилади.

Бу ҳилдаги шикоят ёки тақдимнома қарор ёки хулоса чиққан кундан бошлаб шу қарор ёки хулосани чиқарган малака ҳайъати орқали бир ой муддат ичида берилади. Олий малака комиссияси шикоят ва у билан бирга юборилган материалларни қўшиб қўриб чиқади.¹ Малака имтиҳонини топшириш тартиби Олий Мажлис томонидан 2001 йил 7 декабрда тасдиқланган Судьялар малака ҳайъати тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

Номзоднинг кейинги лавозимга кўтарилиши учун малака имтиҳони ва тайёргарлик даражасини баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

¹ Судьяларнинг малакавий ҳайъати тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 14 декабр 2000 йилги. №164-П сонли қарори билан тасдиқланган.

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси тақдимномасига биноан Олий малака комиссияси томонидан;

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди суд раислари ва уларнинг ўринбосарлари — Адлия вазирлиги махсус органининг тақдимномасига биноан Олий малака комиссияси томонидан;

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялари — шу судлар раислари берган тақдимномага асосан тегишли малака комиссиялари томонидан;

— фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, шунингдек, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлар судьялари — Адлия вазирлиги махсус органининг тақдимномасига биноан тегишли малака комиссияси томонидан;

— Ҳудудий ва округ ҳарбий судлари судьялари - Адлия вазирлиги махсус органининг тақдимномасига биноан ҳарбий судлар малака ҳайъати томонидан;

— Хўжалик суди судьялари — Олий хўжалик суди раиси тақдимномасига биноан хўжалик судлар малака ҳайъати томонидан.

Судьяликка номзоднинг малака имтиҳони тегишли малака ҳайъати томонидан белгилаб бериладиган *қуйидагича талабларни ўз ичига олади*: суҳбат, саволларга жавоб топиш, амалий масалаларни ечиш. Судьялар малака ҳайъати имтиҳондан ўтган ёки ўта олмаган номзодни судьялик лавозимига олиш тўғрисида хулоса беради. Малака имтиҳонини топшира олмаган номзод бир йил ўтгач, такрорий имтиҳон топшириш ҳуқуқига эга.

Судьялар малака ҳайъатининг судьяни кейинги, юқори турувчи суд лавозимига ўтказиш тўғрисидаги хулосаси шу суд раиси томонидан берилган материаллар асосида ёки шу суднинг аризасига биноан берилади. Судьялар малака ҳайъатининг номзодларнинг судьялик лавозимига лойиқ ёки лойиқ эмаслиги ёхуд уларнинг лавозимга тайинланиш тўғрисидаги тақдими Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимга тавсия қилиш Олий Малака ҳайъатига юборилади. Ушбу ҳайъат судьялар, Олий Мажлис депутатлари, юрист олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ва нодавлат ташкилотларидан ташкил топган бўлиб, бу судьяликка номзодларни ҳар томонлама баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяликка номзодларни танлаш ва тавсия қилиш Олий малака комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида доимий фаолият юритувчи орган ҳисобланиб, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш фаолиятини демократиялаштириш, суд ҳокимиятига асл мустақилликни таъминловчи сиёсатни амалга оширади.

Ҳайъат ўз фаолиятини кадрлар сиёсатини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармон ва фармойишлари, ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяликка номзодларни танлаш ва тавсия қилиш Олий малака комиссияси тўғрисида"¹ги қарор ва суд мустақиллиги тамойили асосида юритади.

Ҳайъатнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишда демократик асосларни чуқурлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

— суд кадрларни танлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиғига қўйишда қонунийликни таъминлаш;

— суд мустақиллиги ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш борасидаги чора тадбирларни жорий қилиш;

— суд кадрларни тарбиялаш ва судьялик лавозимига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларининг самарадорлигини ошириш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

— судьяликка номзодларнинг сайланиш ҳуқуқий базасини, уларнинг касбий малакасини ошириш борасидаги ишларни юксалтириш;

— суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларида очиқ ва ошкораликни таъминлаш, бу ишда веритикал бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 й, №9-10, 204 бет.

ҳисобдорликни ҳамда бу соҳада мансабни суиистеъмом қилиш ҳолатларига чек қўйиш;

— судларнинг ташкилийлиги ва ахборот таҳлил фаолиятини таъминлаш;

— судьяларни танлаш ва тайинлаш бўйича хорижий давлатлар комиссия ишларини ўрганиш ва уларни амалиётга қўллаш.

Ҳайъат Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида комиссия раиси, раис ўринбосари ва комиссия аъзоларидан иборат 17та ходим таркибида 5 йил муддатга тайинланади.

Ҳайъат раиси ҳайъат олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишида шахсан жавобгар бўлиб унинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Қонунга биноан ҳайъат суд лавозимига номзодларни тайинлаш учун тавсиялар тайёрлайдиган охириги инстанция ҳисобланади.

Ҳайъат суд кадрлари заҳирасини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш борасидаги судьялар малака ҳайъати фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилиб боради. Ҳайъат суд кадрлари масалалари бўйича тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиш ҳамда шахсий суҳбат ўтказиш орқали судьяликка номзодларни танлайди, уларнинг профессионалик даражасини, ахлоқий сифатларни (ҳалоллиги ва виждонийлигини), қобилиятларини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ соҳасидаги малакаси ва тайёргарлик даражасини белгилайди.

Суд лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия қилиш масаласининг ҳолис бўлишлигини таъминлаш мақсадида ҳайъат зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисини, Олий ҳўжалик суди раисини, Судлар Ассоциацияси раисларини таклиф қилади ва уларнинг ушбу масала бўйича фикрларини тинглайди.

Ҳайъат қарори унда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ҳайъатнинг номзоднинг судьялик лавозимига лойиқ ёки лойиқ эмаслиги ҳақидаги қарори хулоса тариқасида расмийлаштирилади. Ҳайъатнинг номзод Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялигига, ҳўжалик судлари ва Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьялик лавозимига лойиқлиги

ҳақидаги ҳулосаси Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиши учун тақдим қилинади. Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар судьялик лавозимига номзодларни тайинлаш тўғрисидаги ҳайъат қарорини Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокамасига юборади.

Ҳайъат агар номзоднинг судьялик лавозимига етарлича тайёр эмаслиги тўғрисидаги ҳулосага келса, бу масалани қайта кўриш фақат бир йил муддат ўтгандан кейингина йўл қўйилади. Шу тариқа суд кадрларини танлаш ва тайинлаш борасидаги яратилган тизим суд ҳокимиятини ҳақиқий мустақиллигини таъминлаб, судьяларнинг лавозимга тайинланишида ҳаққонийликни таъминлайди.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасида судьяликка номзодлар ваколатларини ажратиш икки турда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланади. Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиянинг тақдимномасига биноан, ҳўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддаси бизнинг фикримизча, ҳўжалик судларини тайинлашга тавсия этиш тартиби унчалик тушунарли эмас. Қонуннинг 60-моддасига биноан умумий юрисдикция ва ҳўжалик судлари битта мақомга эга бўлиб, бу уларни лавозимга тайинлашнинг ягона тартибини белгилаш фикрига олиб келади. Бизнингча, ҳўжалик судлари судьяларни лавозимга тайинлаш тартиби

умумий тартиб бўйича, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш Олий малака комиссияси тақдимномасига биноан амалга оширилганда, бизнингча, тўғри ва анча демократик бўларди.

Судьялик лавозимига номзодни судья ваколати берилиши жараёнининг яқунловчи босқичи бўлиб, қасамёд қабул қилиши ҳисобланади. Чунки, бизга маълумки, қонун бўйича ушбу анъанага риоя қилмаслик судьянинг ўз вазифасини бажаришга киришишига тўсқинлик қилади. Судьялар тантанавор руҳда Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи олдида қонунда келтирилган *қуйидаги қасамёдни қабул қилади*:

"Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан". Конституциявий суд қасамёди матни "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд тўғрисида"ги қонунда берилган бўлиб, Конституцияга содиқлик ва республика конституциявий тузумини ҳимоя қилишга тайёрман деган сўзлар қўшилган. Ўзбекистон Республикаси суди барча судьялари учун умумий ва бир хил муддат бўлган 5 йил берилган.

Жаҳон тажрибасида судьялар ваколат муддатига оид масалада турли хил ёндошувлар бор. Бу масала судлар мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина давлатларда судьялар қонунда белгиланган нафақа ёшига етгунча бир умр муддатга сайланади (тайинланади). Масалан, Буюк Британия, Греция, Канада, Франция, ГФР ва бошқалар... Бошқа давлатларда эса масалан, Япония, Швейцария ва АҚШнинг кўпгина штатларида судьялар суд мустақиллигини таъминловчи етарлича бўлган муддатга сайланади (тайинланади).

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 67-моддасида берилган суд мустақиллиги кафолатлари ичида одил судловни амалга оширишнинг қатъий босқичи белгилаб қўйилган. Бу хил босқич *процессуал қонунлар* деб номланадиган қонунчилик билан тартибга солинади. Буларга Фуқаролик процессуал

Кодекси, Жиноят процессуал Кодекси, Хўжалик процессуал Кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс киради. Буларда суд ишларини кўришда амалга ошириладиган барча чоралар аниқ кўрсатиб берилган. Бу хилдаги процессуал моддалар ичида суд мустақиллигини бевосита ёки билвосита таъминловчи нормалар кам эмас. Процессуал қонунчилик шуни белгилайдики, суд маслаҳатхонасида ишни кўраётган судьялардан ташқари ҳеч ким бўлмаслиги керак. Ушбу хонада рўй берадиган ҳар қандай нарса сир тутилмоғи керак. Бу судьяларнинг иш бўйича келиб чиқадиган масалаларни эркин ва ошкор бўлишидан кўрқмасдан муҳокама қилишида, қабул қилиниши шарт бўлган қарор ҳақида фикр билдиришида муҳим аҳамият касб этади. Маслаҳат хонасида қабул қилинган қарорнинг ошкор этилиши уни ҳақиқий эмас деб топиш ва уни рад этишга олиб келади.

10.3. Судьяларнинг дахлсизлиги

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат яратиш жараёни кетмоқда, унинг асосий белгиларидан бири шахс ва давлатнинг бир-бири билан ўзаро жавобгарлигидир. Бунда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларнинг асосий мажбурияти ҳокимиятни назорат қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тартиботни таъминлашдир.

Суд масъулияти ижтимоий ва юридик масъулиятнинг бир тури ҳисобланади, чунки у инсон ҳаётининг ўзига хос соҳасида намоён бўлади ва махсус субъектлар, яъни судьяларнинг касбий фаолияти билан боғлиқдир.

Аммо суд ҳокимияти вакилларининг жавобгарлиги масаласи, уларнинг дахлсизлиги масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Судьялар суд ҳокимиятининг рамзи ва вакиллари ҳисобланади. Суд ҳокимияти ҳокимиятнинг бир тармоғи сифатида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил ҳолда фаолият юритади.

Суд ҳокимиятининг асосий тамойилларидан бири судьяларнинг дахлсизлиги тамойилидир. Судьянинг дахлсизлигига катта эътибор берилиши фақат юридик соҳа

вакиллари ни ўзига жалб қилиб қолмасдан, балки бу кенг омманинг ҳам мунозара предмети ҳисобланади. Айнан судьянинг дахлсизлиги тамойили одил судловнинг асосини ташкил этадиган Конституциявий тамойилларнинг ичида энг муҳими ҳисобланади (ЎзР Конституцияси 112-моддаси). "Шуни эсдан чиқармайликки - қаерда суд дахлсизлиги таъминланмаса, шу ерда қонун бузилишига йўл қўйилади, бу ерда адолат бўлмайди ва унинг қарор топиши ҳам мумкин эмас" -деб таъкидлаган эди, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг Олий Мажлис IX - сессиясида сўзлаган нутқида.¹ Суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий кафолатларидан бири суд иммунитетининг муҳим жиҳати ҳисобланувчи судьялар дахлсизлиги тамойилидир.

Суд дахлсизлиги уларнинг одил судловни амалга оширишда ҳуқуқларининг чекланишининг олдини олиш, уларга бу вазифани бажаришда ҳар қандай аралашувга чек қўйишда муҳим ўрин тутаети. Ушбу қоида халқаро ҳужжатлар ҳисобланувчи "Суд органларининг асосий тамойиллари тўғрисида"²ги халқаро конвенцияга ҳам монандир.³

Давлат ва жамият судьяларнинг касбий фаолиятига юқори талаблар қўйиш билан бирга, уларга одил судловни амалга ошириш фаолиятида қўшимча кафолатлар беришга ҳам мажбурдирлар. Суд дахлсизлиги суд лавозимини эгалловчи фуқаронинг шахсий манфаатларига эмас, балки жамоат манфаатлари энг аввало одил судловга қаратилган манфаатдир. Таъкидлаш жоизки, судьянинг дахлсизлиги институти бошқа кўпгина давлатларда ҳам амал қилади. Жумладан, Буюк Британияда судларни жинойий жавобгарликка тортиш қонун билан белгиланган махсус

¹ "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлашириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари", Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис 2-чақириқ, IX-сессиясида сўзлаган нутқи. "Халқ сўзи" газетаси, 30 август 2002 йил.

² Права человека: Сборник международных договоров. Хельсинский фонд по правам человека. - Варшава, 2002, 253-256- бетлар.

³ Истина... И только истина! Пять бесед о судебной-правовой реформе. - М., 1990, 152 -бет.

мансабдор шахслар томонидан, яъни жиноий таъқиб директори ва Генерал атторней томонидан амалга оширилади.¹

Қирғизистон Республикаси Конституциясига биноан: "Судьялар дахлсизлик ва иммунитет ҳуқуқидан фойдаланадилар. Маҳаллий суд судьясини жиноий жавобгарликка тортиш фақат Қирғизистон Республикаси Конституциявий суди рuxсати билангина амалга оширилади".² Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, судьялар дахлсизлиги тамойили уларнинг фаолиятида муҳим ҳуқуқий кафолат ҳисобланади.

Судьялар дахлсизлиги тамойили суд тизимининг қайси бўғинида, қандай лавозимида ишлашидан қатъи назар барча судларга тааллуқли. Судьялар дахлсизлиги кафолати одил судловни амалга оширишда қайси турдаги ишни кўришдан қатъи назар, суд фаолиятининг бутун доирасига тегишлидир. Бундан ташқари ушбу тамойил судьянинг хизматдан ташқари фаолиятини ҳам ҳимоя қилишга қаратилган.

Умумий юрисдикция судларининг дахлсизлиги масаласи "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинган.³ Ушбу қонуннинг қоидалари хўжалик судларига ҳам тааллуқли. Конституциявий суд судьялари дахлсизлиги масаласи "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"⁴ги қонуни билан тартибга солинади. Жумладан, қонунга биноан Конституциявий суд судьяси Олий Мажлис розилигисиз, сессиялар оралиғи даври мобайнида Олий Мажлис кенгаши рuxсатисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция ва хўжалик суди судьяларига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилади ("Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

¹ Судебные системы западных государств. - М.: 1991, 90-бет.

² Конституция Кыргызской Республики - Бишкек, 1993.

³ "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги нашр), -Т., 2001 й.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995й, №9, 178 бет.

тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддаси; "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуннинг 70-моддаси). Жиноят ишни қўзғатишда қонунийлик ва қабул қилинадиган қарорнинг асосланганлигини Бош прокурор шахсан ўз зиммасига олади.

Умумий юрисдикция ва ҳўжалик суди судьяларини жинойий жавобгарликка тортиш, қамоққа олиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленумлари рухсати талаб этилади. Кўриб турганимиздек, жорий қонунда судьяларга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш тартиби нисбатан самарали ҳисобланади. Умумий юрисдикция ва ҳўжалик суди судьялари тегишли судьялар малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьялар дахлсизлиги кафолати масаласида муҳим муаммо-жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган ушлаб туриш масаласидир. ЖПК 223-моддасига биноан судьялар қўлга олиниши ва милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилиб ушлаб турилиши мумкин эмас. Бу қоида судья жиноят устида ёки уни содир этган пайт ушланганда амал қилмайди (ЖПК 221-моддаси 1-қисми).

Судьяни қамоққа олиш масаласи бевосита уни ҳибсда ушлаб туриш масаласи билан боғлиқ. Қонуннинг турли судьяларнинг лавозими кўрсатилган юрисдикция нормаларига мурожаат қиладиган бўлсак, *қуйидагиларни кўришимиз мумкин. Масалан*, умумий юрисдикция ва ҳўжалик суди судьяси Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленумлари рухсатисиз қамоққа олиниши мумкин эмас ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 70-моддаси, ЖПК 239-моддаси).

Конституциявий судининг судьяси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилигисиз жинойий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек ҳибсга олиниши мумкин эмас (ЎЗР "Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун 16-модда. 1-қисм). Лекин Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 239-моддаси 2-банди, 2-қисмида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялигига нисбатан ЎЗР Конституциявий суднинг

розилиги билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Мазкур ноаниқликни йўқотиш мақсадга мувофиқдир.

Судья дахлсизлигига оид кейинги масала бу судьяларни мажбурий келтиришдир. "Конституциявий суд тўғрисида"ги қонун 16-моддасининг 3-қисмига асосан Конституциявий суд судьясини мажбурий келтиришга йўл қўйилмайди. Судья дахлсизлиги кафолати масаласини кўришда уларни шахсий тинтув қилиш ва кўздан кечириш масаласига ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Умумий юрисдикция судьяларини шахсий тинтув қилиш ва кўздан кечириш шу судья билан тенг турувчи прокурор санкцияси ёки юқори турувчи судья қарори асосида шу суд кўраётган ишга бевосита алоқадор бўлгандагина йўл қўйилади.

Конституциявий суд судьясининг шахсий нарсалари, юкини, транспорти. турар жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди ("Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддаси).¹ Судлар тўғрисидаги қонуннинг 70-моддаси судья иммунитетини анча кенг доирада судья дахлсизлиги тамойили белгилайди. Бу модда нафақат судья шахсига қаратилган, балки, унинг турар жойи ва хизмат хонаси, унинг хизматида бўлган транспорт ва алоқа воситалари, унинг ҳужжатлари, унга тегишли бўлган шахсий нарсаларга ҳам қаратилгандир.

Умумий юрисдикция ва хўжалик суди судьялари яшаш ва хизмат хонасига кириш, унинг транспорт воситасини кўздан кечириш, тинтиш ёки олиб қўйиш, телефон сўзлашувларини тинглаб туриш, унга тегишли бўлган нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш, тинтиш ёки олиб қўйиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ЎзР Ҳарбий прокурорлар санкцияси асосида ёки суд ажрими асосида амалга оширилади.

Айтиш жоизки, судья дахлсизлиги билан боғлиқ бошқа кафолатлар ҳам берилган. Масалан, умумий юрисдикция ва хўжалик суди судьялари телефон сўзлашувларини эшитиб туришда алоҳида кафолатлар белгиланган. Бу ҳолат фақат

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995й, №9, 178 бет.

прокурор санкцияси ёки суд ажрими асосида амалга оширилади.

Бу билан шуни хулоса қилиш мумкинки, Конституциявий суд, умумий юрисдикция ва хўжалик суди судьяларига дахлсизлик кафолати турли шаклда амал қилади. Бу кафолатлар жиноят ишини юритишнинг турли босқичларида амал қилади. Туманлараро, туман (шаҳар) судлар судьялари, округ ва ҳудудий судлар судьяларининг жиноят ишини кўриш улардан юқори турувчи судларга, бошқа судлар судьяларнинг иши — Олий судга тегишли ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 70-моддаси). Лекин қонунчиликда Конституциявий суд судьяларининг жиноят ишини қайси суд кўриши ҳақида ҳеч нима айтилмаган. Бу Ўзбекистон Республикаси Олий суди деб тахмин қилиб, буни тегишли қонунда белгилаб қўйиш фикрини билдираемиз.

Одил судловни амалга оширишда нафақат судьялар, балки халқ маслаҳатчилари ҳам иштирок этади. Бизга маълумки, халқ маслаҳатчилари одил судловни амалга оширишда судьялар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади (ЖПКнинг 13-моддаси). Шунинг учун ҳам халқ маслаҳатчиларига ўз вазифаларини амалга ошириш давомида судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ қилинган ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 70-моддаси).

Одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа вақтларда халқ маслаҳатчилари судья ваколатидан фойдаланишга ҳақли эмас ва шунинг учун ҳам хизматдан ташқари вақтда суд дахлсизлиги уларга татбиқ қилинмайди. Шу боис халқ маслаҳатчилари судья вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлмаган вақтда содир қилган жинояти учун ушланса, улар жиноий жавобгарликка умумий асосларда тортилади.

Судья шунингдек, маъмурий жавобгарликка ҳам тегишли судьялар малака ҳайъати руҳсатисиз тортилиши мумкин эмас. Суд дахлсизлиги кафолатининг яна бир тури бўлиб, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасида қонунбузилишига йўл қўйганлиги, суд ишларини юритишда тартибга ва умумий интизомга риоя қилмагани, шунингдек, хизмат вазифаси билан боғлиқ бошқа қилмишлари учун интизомий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос тартиби

ҳисобланади. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш фақат тегишли малака ҳайъатининг рухсати билан амалга оширилади. Айтиш лозимки, суд қарорининг бекор бўлиши ёки унинг ўзгартирилиши, албатта агар судьялар томонидан қасддан қонун бузилишлари ёки унга доқайдлик билан қарashi натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаган бўлса, интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби ЎзР Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган қарор асосида амалга оширилади. Судьялар дахлсизлигида уларнинг юқори мартабасига лойиқ моддий ва техник таъминоти масаласи муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам "Судлар тўғрисида"ги қонунда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, қонунинг 76-моддасида, судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади, ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилиниши таъкидланган.

Қонуннинг ушбу моддасида, шунингдек, судья ишлаётган даврида ёки ваколат муддати тугагандан кейин ҳалок бўлса, агар бу судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига судьянинг тегишли иш ҳақи миқдоридан суғурта пули берилиши белгилаб қўйилган. Юқорида келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, суд дахлсизлигини таъминлаш учун давлат суд фаолияти ва ташкилий масалаларига катта эътибор қаратмоқда.

10.4. Судьялар ваколатини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш

Судьялар ваколатини тўхтатиш ёки муддатидан олдин тугатиш тартиби судьяларни айрим турдаги мансабдор шахслар ёки органларнинг "ноқулай" ёки "келишилмайдиган" судьялардан қутулиш қароридан ҳимоя қилади. Судьялар ваколатини тўхтатиш — бу уни хизмат вазифасидан вақтинчалик озод қилишдир. Қонунда бундай озод қилиш ҳоллари аниқ ва қатъий рўйхатда белгилаб берилган. Бу судья ўз вазифасига нолойиқ бўлган фаолият билан шуғулланган

ҳолларда; судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан муомала лаёқати чекланган бўлса; судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса йўл қўйилади. ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 71-моддаси).

Судьянинг тўхтатилган ваколати шунга асос бўлган ҳолатлар барҳам топгандан кейин тикланади. Судья ваколатини вақтинчалик тўхтатиш фақат унинг ўз хизмат вазифасини вақтинчалик бажара олмаслигини англатади ҳолос. Судья жинойий жавобгарликка тортилган тақдирда унинг ваколати тўхтатилади. Умумий юрисдикция судлари судьяларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги судьяларни танлаш ва лавозимга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари ваколатлари эса, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан қуйидаги ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори билан тўхтатилади, агар:

— судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;

— судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан муомала лаёқати чекланган бўлса;

— судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса.

Судьялар малака ҳайъати қарори устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли. Судьялик ваколатларининг тўхтатилиши унга иш ҳақи тўланиши тўхтатилишига ёки унинг иш ҳақи миқдори камайтирилишига, судьянинг таъминоти даражасини пасайтиришга ва судьяни қонунда белгиланган дахлсизлик кафолатларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, эҳтиёт чораси сифатида судьяга нисбатан қамоққа олиш чораси танланган ҳоллар бундан мустасно.

Судья унинг ваколати тўхтатилишига сабаб бўлган ҳолатлар барҳам топганда (соғайиши, жиноят ишининг реабилитация асосларига кўра тўхтатилиши, судьялик лавозимига зид бўлган фаолият билан шуғулланишдан рад этганда) ўз ваколатини қайта тиклайди.

Судьянинг ваколатини тўхтатиш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарорни судьялар малака ҳайъати қабул қилади.

Конституциявий суд судьялари ваколатини тўхтатиш Конституциявий суд қарори билан *қуйидаги ҳолларда*:

- судья ўз лавозимига зид бўлган фаолият билан шуғулланганда, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганда;
- судьяни бедарак йўқолган деб топилган суд қарори қонуний кучга кирганда.

Судья ваколат муддатини илгари тугатиш- бу судьяни ўз хизмат вазифасидан бутунлай озод қилишдир. Қонун томонидан бунинг учун ҳам қатор ҳолатлар белгилаб берилган.

Буларга:

- судьянинг қасамёдини бузган тақдирда;
- ёзма ариза берган тақдирда;
- судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганда ёки ваколатлари тўхтатилгандан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда;
- суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;
- соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабаларга кўра узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига *биноан*:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар), ҳарбий судлар - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

— хўжалик судлари судьялари — Олий хўжалик суди раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлар судлари судьялари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан муддатидан олдин тугатилади.

Судьялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судьялар малака ҳайъати қарори устидан шикоят қилишга ҳақли; Халқ маслаҳатчилари ваколатлари муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда тугатилади: ёзма ариза берган тақдирда; суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганда; Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда; унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда; суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда; соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда. ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 72-моддаси).

Конституциявий суд судьялари ваколатлари муддатидан олдин Олий Мажлис қарори билан *қуйидаги ҳолларда тугатилади:*

- судья ўз қасамёдини бузган тақдирда;
- ёзма ариза берган тақдирда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилгандан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттирган тақдирда;
- тиббий комиссия қарорига кўра судьянинг касаллигининг узоқ муддат давом этиши;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда.

10.5. Судьяларнинг малака имтиҳони ва уларга малака даражаларининг берилиши

Судьялар малака имтиҳони Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонунига биноан судлар таркибининг

сифатини яхшилаш, уларнинг касбий малакасини тадрижий ошириш ва баҳолаш, одил судловни амалга оширишда масъулиятни ошириш мақсадида амалга оширилади.

Малака имтиҳони: Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий суди раиси ва унинг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар судьялари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан *Олий малака комиссияси томонидан:*

1. — Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьялари-Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари раислари тақдимномаларига биноан тегишли судьялар малака ҳайъати томонидан;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судьялари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси тақдимномасига биноан ҳарбий судлар судьялар малака ҳайъати томонидан;

Хўжалик судлари судьяларига — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан хўжалик судлари судьялар малака ҳайъати томонидан амалга оширилади.

Биринчи маротаба сайланган(тайинланган) судьяларнинг малака имтиҳони уларнинг иш фаолияти бошланган кундан бошлаб биринчи уч ойида ўтказилиши керак. Навбатдаги малака имтиҳони судья ваколати тутаган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан ўтказилиши керак. Малака имтиҳони судьянинг олдин эгаллаган лавозими ваколат муддатининг яримини ўтаган муддатида ҳам юқори лавозимга ўтказиш мақсадида айрим ҳолларда муддатида олдин амалга оширилиши мумкин.

Малака имтиҳони ўтказилишидан бир ой олдин шу судьянинг умумий характеристикаси тузилиб, унда судья иш

фаолиятининг касбий фаолияти, ишчанлик ва ахлоқий жиҳатлари, шунингдек, иш фаолияти ҳақидаги маълумотлар акс этади.

Судьяни тегишли суд раиси унга нисбатан тўпланган ҳамда тегишли судьялар малака имтиҳонига йулланадиган ҳужжатлар тавсифи ва маълумотлари билан таништириш шарт. Судья малака имтиҳони ўтказиладиган вақтдан камида икки ҳафта олдин хабардор қилинган бўлиши керак. Малака имтиҳони қоида бўйича имтиҳондан ўтаётган судья иштирокида ариза берилган кундан бошлаб бир ой ичида ўтказилиши керак.

Малака имтиҳони, тақдим қилинган ҳужжатлар ва материаллар билан имтиҳондан олдин танишиб чиққан судьялар малака ҳайъати раиси ёки унга аъзо судьяларилан бирининг маърузаси билан бошланади. Кейин аттестациядан ўтаётган судья, зарур ҳолларда судьяни аттестациядан ўтказишни сўраб мурожаат қилган мансабдор шахс тингланади.

Судьялар малака ҳайъати судьянинг билим даражаси, касбий малакаси, иш стажи ва тажрибаси, эгаллаб турган лавозимларини ҳисобга олиб *қуйидаги хулосаларидан бирини беради:*

— тақдимномада кўрсатилган судьяга малака даражасини бериш мумкинлиги тўғрисида;

— судьяга ўз лавозимидан ҳам юқорироқ малака даражасини бериш мумкинлиги тўғрисидаги;

— судьяни ўзи эгаллаб турган малака даражасида қолдириш.

Судьялар малака ҳайъатининг судьяларга малака даражасини бериш тўғрисидаги қарори малака имтиҳонининг иш материаллари билан бирга Судьялар Олий малака комиссиясига юборилади.

Судьяларга малака даражасини бериш тўғрисидаги масалани ечишда Судьялар Олий малака имтиҳони судьялар малака ҳайъати қарори билан боғлиқ эмас. Хўжалик судлари судьяларига малака даражасини бериш тартиби худди умумий юрисдикция судларига бериладиган тартибда Хўжалик судлари малака ҳайъати томонидан амалга оширилади. Судьяга малака даражаси берилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади. Тегишли судьялар малака ҳайъатининг судьяга малака даражасини берганлиги тўғрисидаги қарори Ўзбекистон

Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг тегишли матбуот органларида чоп этилади ҳамда судьянинг шахсий ҳужжатига қўшиб қўйилади.

Судьяларнинг қуйидаги малака даражалари белгиланган:

- Олий малакали;
- Биринчи даражали;
- Иккинчи даражали;
- Учинчи даражали;
- Тўртинчи даражали;
- Бешинчи даражали.

Судьялар фаолиятини тўғри баҳолаш ҳамда уларнинг одил судловни амалга оширишда масъулиятини кўчайтириш мақсадида тегишли судьяларни малака ҳайъати мунтазам равишда ҳар уч йилда бир марта судьяларни малака имтиҳонидан ўтказилади. Судьяларнинг навбатдаги имтиҳонидан ўтказиш тўғрисидаги қарор тегишли малака ҳайъати томонидан белгиланади.

10.6. Судьяларнинг интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш тартиби

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 73-моддаси биноан судьяларни интизомий жавобгарликка тортишга фақат судьялар малака ҳайъати қарори асосидагина йўл қўйилади.
Судья:

— одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун;

— суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек, хизмат борасидаги ёки обрўсига путур етказувчи бошқа хатти-ҳаракати учун интизомий жавобгарликка тортилади.

Ҳарбий суднинг судьяси ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Судьялар Олий малака комиссияси қуйидаги судлар интизомий жавобгарлик масалаларини кўради:

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг ўринбосарлари, судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суди ҳамда Ҳарбий судлар суд раиси ва унинг ўринбосарлари;

— Судьялар малака ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суди ҳамда Ҳарбий судлари судьяларининг интизомий жавобгарлик масаласини ўз ваколати доирасида кўриб чиқади.

Интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳуқуқи:

— Умумий юрисдикция судларига нисбатан ЎЗР Олий суди раиси томонидан;

— Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суди раислари — туманлараро, туман (шаҳар) фуқаролик ишлари бўйича суди раиси, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьяларига нисбатан;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси — шу судлар судьялари ҳамда округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судьяларига нисбатан;

— Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди раиси — хўжалик судларига нисбатан қўзғатади.

Интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлигида тегишли суд раислари бу ҳақда қарор чиқаради ҳамда унинг хулоса қисмида интизомий жавобгарликка асос бўлган ҳолат кўрсатилади. Интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида иш қўзғатган суд раиси, иш қўзғатишдан олдин, судьяни жавобгарликка тортишга асос бўлган маълумотларни ўрганиб чиқиши ва судьядан тушунтириш хати олиши керак.

Судья ўзига нисбатан қўзғатилган интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш материаллари билан улар судьялар малака ҳайъатига йўллангунга қадар таништирилиши шарт. Шунингдек, судья бу ҳолатда ишга оид қўшимча тушунтиришлар бериши ёки ишга оид қўшимча текширув ўтказиш тўғрисида илтимоснома келтиришга ҳақли.

Интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги иш қарори зарур ҳужжатлар билан бирга тегишли судьялар малака ҳайъатига кўриб чиқиш учун йўлланади. Интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидага қарор уни кўзгатган шахс томонидан судьялар малака ҳайъати кўриб чиқишларига қадар қайтариб олиниши мумкин.

Судья ўзига нисбатан кўзғатилган интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш материалларини чақириб олинишидан қатъи назар судьялар малака ҳайъати томонидан мазмунан кўриб чиқилишини талаб қилиши мумкин. Судья интизомий жавобгарликка шу қилмишни содир этган кундан эътиборан, хизмат тафтиши, судьянинг узрли сабабларга кўра бўлмаган вақтларини ҳисобга олмай бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Судьялар малака ҳайъати томонидан эса олти ой ичида кўриб чиқилади.

Интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш кўрилишидан олдин зарур ҳолларда тегишли судьялар малака ҳайъати раиси ҳайъат аъзоларининг бирига берган буйруғи асосида судьяни жавобгарликка тортишга асос бўлган ҳолатлар қўшимча текширилиши мумкин. Бунда судьянинг ишни кўришда йўл қўйган хатоси юзасидан қўшимча материаллар ва ҳужжатлар сўраб олинади.

Тегишли судьялар малака ҳайъати *қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:*

- интизомий жаримага тортиш;
- интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни тўхтатиш;
- интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни ушбу ишларни кўриб чиқишга ҳақли бўлган органга йўллаш.

Мабодо, тегишли судьялар малака ҳайъати судьянинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масалани ушбу ишни ҳал этишга ваколатли бўлган орган ёки мансабдор шахс олдига қўйган бўлиб, улар эса бунга асос йўқ деб топса, иш тегишли судьялар малака ҳайъатига қайтарилди ҳамда иш қайтадан кўрилади. Ишни кўришга чиқарилган қарор муддати ушбу иш қайтарилган давр мабойнида ҳисобланмайди.

Тегишли судьялар малака ҳайъати *қуйидаги интизомий чоралардан бирини белгилаши мумкин:*

- хайфсан; жарима.

Интизомий чора қўлланганда қонун бузарликнинг ҳолати, қилмишнинг оғирлик даражаси, судьянинг шахси, унинг айбдорлик даражаси ҳисобга олинади.

Тегишли судьялар малака ҳайъати интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни *қуйидаги ҳолларда тўхтади*:

- судьяни жавобгарликка тортишнинг асосланмаганлиги;
- жавобгарликка тортиш муддатининг ўтказиб юборилганлиги;
- жавобгарликка тортишнинг алоҳида ҳолларда мақсадга номувофиқлиги.

10.7. Судьялар жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 1997 йил 12 сентябрда илк маротаба Ўзбекистон судьялар съезди чақирилди. Съездда Ўзбекистон судьялар ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Ассоциация Низоми тасдиқланди. Ассоциациянинг асосий вазифаси Республикада судьялар мустақиллигини тўла таъминлаш ҳисобланади. Судьяларни вазифаларига шунингдек, қонун чиқариш фаолиятида иштирок этиш, Олий Мажлисга қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, касбий-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш ва ҳ.к. Ассоциация суд кадрларини танлаш ва уларни жойлаштиришда, судьялар малакасининг оширилишига фаол таъсир қилишга мажбур ҳисобланади. Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси ўз вазифасини бажариш билан бирга судлар, адвокатлар, прокурорлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизматчилари иштирокида семинар, ҳудудий ва халқаро анжуманлар ўтказадилар. Ассоциация Америка юристлар Ассоциацияси, ОБСЕ, GLOBAL лойиҳаси ва бошқа 15 та халқаро ва 70 та ҳудудий ташкилотлар билан бирга суд ҳуқуқий ислохотларга оид долзарб муаммолар билан боғлиқ ҳудудий анжуманлар ўтказди. Ўзбекистон Республикасининг 70 дан ортиқ судьяси МДХ давлатлари ва бошқа хорижий давлатларнинг суд тизимини ўрганиш мақсадида юқорида эслатиб ўтилган давлатларда бўлиб келди.

Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси 2000 йилдан бошлаб суд ҳуқуқи ислохотлари ва жорий қонунчиликка киритилган

ўзгартириш ва қўшимчалар маълумотларини акс эттирадиган Бюллетени чиқа бошлади.¹ Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси съезди таъсисчилари томонидан суд этикаси қоидалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Демак, *Судьялар жамияти* — бу аниқ ташкилий бошланишга эга бўлган суд корпусидир. Унга фаол иш олиб бораётган судьялар ҳам, нафақадаги судьялар ҳам аъзо ҳисобланади. Судьялар жамиятлари ўзининг органлари билан судларни ташкил этиш ва уларнинг ўз фаолиятларини юритиш жараёнига фаол таъсир қиладилар.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон. 1992 йил 8 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни. 2003 йил 24 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни. 2000 йил 14 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суд тўғрисида"ги қонуни. 1995 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Процессуал Кодекси. -Т.: "Адолат" 1999 й.
6. Судларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низом. ЎЗР Олий суди Бюллетени. 2000 йил 14 декабрь.
7. Малака даражалари тўғрисидаги Низом.

Махсус адабиётлар

1. Конституционное право зарубежных стран. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. /Под редакцией профессора Б.А. Страшуна. -М.: БЕК, 1996.
2. Международные акты о правах человека. Сборник документов. - М.: Норма-Инфра, 1999.
3. Правоохранительные органы. Учебник для вузов. /Под редакцией профессора Гуценко К.Ф., М.: БЕК, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасида суд ислохотларининг

¹ Ўзбекистон суд ҳокимияти: ислохотлар даври. - Т., "Адолат", 2002.

кейинги ривожидастури. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорлар тўплами, №3-4, 1996 й.

5. Савицкий В.М. Организация судебной власти в Российской Федерации. Учебное пособие для вузов. -М.: БЕК, 1996.

6. "Адолат - қонун устуворлигида". Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис 2-чақирик, VI сессиясида сўзлаган нутқи, "Халқ сўзи" газетаси, 2001йил, 30 август.

7. Ўзбекистонда Суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври. Ҳаммуаллифликда. -Т.: "Адолат" 2002.

8. Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия (под редакцией М.Ю. Тихомирова), -М.: 1997 й.

Назорат саволлари

1. Судья мақомига тушунча беринг.
2. Судья ловозими номзодларига қандай шартлар қўйилади?
3. Судья номзодларини танлаш қандай амалга оширилади?
4. Судья мустақиллигининг асосий қафолатларини сананг.
5. Суд дахлсизлигининг қандай қафолатлари бор?
6. Судьялар малака ҳайъатининг вазифаси ва иш тартиби.
7. Судьялар малака даражаларини сананг.
8. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартибига тавсиф беринг.
9. Судьяларнинг малакавий ҳайъати нима?
10. Судьяларнинг ваколатларини тўхтатиб туриш тартиби қандай?
11. Қандай ҳолатларда судьялар ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилишига йўл қўйилади?

XI БОБ. АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА СУД ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА МОДДИЙ- ТЕХНИК ТАЪМИНОТИ

11.1. Суд фаолиятининг ташкилий, моддий-техник таъминоти, тушунчаси ва унинг аҳамияти

Суд фаолиятини ташкилий ва моддий-техник таъминлаш — ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Бу тушунча остида суд фаолиятини кадрлар, ташкилий ва моддий таъминлаш шарт-шароитларини яратиш фаолиятини тушуниш мумкин. "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 11-модасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг айнан шу соҳаси ҳақида сўз боради.

Ушбу фаолият юқорида кўрсатиб ўтилган қонундан ташқари, суд ҳайъатларининг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низом, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 27.08.2003. қарори, "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низом 07.08.2003., ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2001 йили қабул қилинган №383 сонли "Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятининг такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарор, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини ташкилий ва моддий-техник таъминлаш департаменти Низоми билан тартибга солинади.

Суд ҳокимияти унинг учун хизмат қилувчи қатор ёрдамчи функцияларни бажарувчи ёрдамчи кучларга боғлиқ бўлган мураккаб ҳуқуқий институтдир. Бу тизимнинг ўз фаолиятини амалга оширмаслиги суд тизимининг ҳар қандай ваколатларини амалга оширишни қийинлаштиради, уларни кераксиз қилиб қўяди. Суд фаолият юритишини таъминловчи ва унинг қарорларининг ижро этилишини таъминловчи *уч асосий функциялар мавжуд:*

1) Кадрлар танлаш функцияси:

— суд тизими учун кадрларни танлаш ва уларни тайёрлаш, малакасини ошириш, судьялар мустақиллиги ва уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш;

— судлар моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шарт шaroитлар яратиш ишларини ташкил қилиш;

— Процессуал характерга эга бўлган фаолият билан шуғулланувчи органлар ва шахслар билан ташкилий aloқаларни ўрнатиш:

2) Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар (гувоҳлар, эксперт, мутахассис давлат бошқарув органларининг вакиллари ва бошқалар)ни жалб қилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

— суд мажлисларида тартибни сақлаш;

— суд ишларини ўз вақтида ҳал қилинишини таъминлаш.

3) Ишларни кўриш натижасида қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкилий жиҳатдан таъминлаш функцияси.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш суднинг мустақиллик ва фақат қонунга бўйсунуш тамойилига зид бўлмаслиги лозим.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолиятини ташкилий таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши тамойилига қатъий риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимга тавсия қилиш бўйича Олий малака комиссияси томонидан амалга оширилади. Ҳайъат тўғрисидаги Низом белгиланган тартибда тасдиқланади.

Ҳайъат судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, судьялар малака ҳайъатларининг, жамоат бирлашмаларининг вакилларида ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислардан таркиб топади. Ҳайъатнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича

Олий малака комиссия зиммасига судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, суд кадрларини танлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиғига тавсия этишда қонунийликни таъминлаш, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ижтимоий ҳимоя қилинишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги низоми билан белгиланган тартибда тасдиқланадиган махсус ваколатли *орган*:

— судларни моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш ишларини ташкил қилади;

— суд қарорларини ижро этиш ишларини ташкил қилади.

Бундай орган сифатида суд қарорларининг ижросини таъминлаш ва суд фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш департаменти фаолият юритади.

Биз танишаётган ушбу функцияни амалга ошириш аввало адлия органларининг зиммасига юклатилади. Бу органлар хусусида дарсликнинг шу бобининг бошқа параграфларида батафсил тўхталамиз. Лекин улар суд фаолиятини таъминловчи ягона орган ҳисобланмайди. Бу соҳада кўпгина ваколатларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Олий малака комиссиясига, суд раислари, маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига юклатилади. Бу органларнинг суд органига кўмаклашиш борасидаги ўрни адлия органларидан кам аҳамиятга эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, хўжалик судларининг фаолиятини ташкилий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ, олтинчи сессиясида суд ҳокимиятини ижро ҳокимиятидан ажратиш борасида ҳал қилувчи қадам қўйилди. Гап "Суд қарорлари ва бошқа орган қарорларининг ижро этилиши тўғрисида"ги қонун ҳақида бормоқда. Ушбу қонунга мувофиқ, Суд ва бошқа давлат органлари қарорларини

мажбурий ижро эттириш функцияси суддан олиниб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш ва суд фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш департаментининг жойлардаги ижрочилари зиммасига юклатилди.

Лекин, юқорида эслатиб ўтилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида соҳасидаги фаолиятларни амалга ошириш учун белгиланган ваколатларнинг ўзгартирилиши эҳтимолдан ҳоли. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, суд ҳокимияти унинг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминловчи, кадрлар танлаш ва уларнинг малакасини оширишга хизмат қилувчи ижро ҳокимиятига эҳтиёж сезган ва бундан кейин ҳам уларга боғлиқ. Халқаро ва ўз миллий тажрибамизга кўра бундай органлар сифатида адлия органлари фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир.

Суд фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга оид ваколатларни ҳаётга татбиқ қилиш шу орган томонидан амалга ошириладиган омил ва услубларга боғлиқ. Ҳозирги кунда бундай омил ва услублар ичида адлия органлари томонидан чиқариладиган қонунларга зид бўлмаган норматив актлар муҳим ўрин тутди.

Бундай норматив актлар жумласига, суд муайян фаолиятининг тартибга солувчи инструкциялар, тушунтириш ва буйруқлар киради. *Масалан*, судда иш юритиш тўғрисида, ҳисобот статистикаси юритиш тўғрисида, қонун ва бошқа ҳуқуқий нормаларни рўйхатга олиш ва уларни тизимлаштириш тўғрисида, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида, халқ маслаҳатчилари билан ишлаш тўғрисидаги инструкциялар. Бундай норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан чиқарилади.

Суд тизимини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, судьяларнинг мустақиллигини янада такомиллаштириш, суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши борасидаги ислохотларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 22.09.2001 йили "Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №383 қарорни қабул қилди.

Ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари малака ҳайъатлари зиммасига *қуйидагилар юклатилди:*

— судья-кадрлар заҳирасини яратиш, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Олий малака комиссиясига судьяларни тавсия қилиш;

— халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш ишида иштирок этиш.

Судьялар малака ҳайъатларига тегишли тартибда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар судлари раислари раҳбарлик қиладилар. Суд штатлар рўйхатига малака ҳайъати котиби лавозими жорий қилинган бўлиб, судьялар заҳирасини яратиш ёки муайян бўш иш жойларига судьяларни тавсия қилиш масаласини малака ҳайъатлари томонидан кўрилиши учун тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия қилиш Олий малака комиссияси *қуйидаги фаолиятларни амалга оширади:*

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари судьялари лавозимига судьяларни тавсия қилиш;

— фуқаролик, жиноят ва ҳарбий ишлар бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва туманлараро судларга судьяларни тавсия қилиш;

— суд фаолиятини ташкилий таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия қилиш Олий малака комиссияси зиммасига судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бу соҳада мансаб лавозимини суниестемол қилиш ҳолларига йўл қўймаслик каби вазифалар юклатилади.

Бажарилиши лозим бўлган ишларнинг кўпайиб бориши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия қилиш Олий малака комиссиясида 7 инспектордан иборат котибият ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия қилиш *Олий малака комиссияси котибияти*:

- комиссия фаолиятини моддий-техник таъминлайди;
- судьяларнинг малака ҳайъатларига тақдим этиладиган тавсияларни умумлаштиради ва таҳлил қилади;
- суд статистикаси ва суд амалиётининг тизимли таҳлилини амалга оширади;

— ҳужжатларининг ҳақийқийлигини текшириб, уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия қилиш Олий малака комиссиясига тақдим этади.

Комиссия котибияти ходимларининг касбий мажбуриятлари Комиссия Регламенти билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти (Кейинги ўринларда "департамент" деб юритилади).

Департамент Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсунувчи юридик шахс ҳисобланади.

Департамент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган директор-адлия вазири ўринбосари томонидан бошқарилади.

Департаментнинг асосий вазифалари жумласига *қуйидагилар киради*:

— суд ва бошқа органлар томонидан чиқариладиган қарорларнинг ижро этилишини таъминлаш;

— суд ижрочилари кадрларини танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ишини ташкил қилади;

— судларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш ишларини ташкил этади;

— суд биноларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг лозим даражада сарфланишини ташкил этади;

— суд мажлислари ва судьялар хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этади.

Судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш республика бюджети ва адлия муассасалари ҳамда судларни ривожлантириш Фонди ҳисобидан амалга оширилади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини навбатдаги молия йили учун молиявий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда департамент директори томонидан тақдим этилади.

Департамент томонидан бюджетдан ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда судларга етиб боришини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили бюджетни шакллантириш вақтида суд ва департамент фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун зарур маблағларни ажратишни назарда тутиши лозим.

Жойларда суд ва бошқа давлат органлари норматив актларининг ижросини ва судларни моддий техник жиҳатдан таъминлаш, жойлардаги департамент ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Департамент ҳудудий бўлимларининг асосий фаолияти *қуйидагилардан иборат:*

— суд ва бошқа давлат органлари қарорларининг ижро этилиши ишларини ташкил этади, суд ижрочилари туман ва шаҳар бўлимлари фаолияти устидан назорат қилади;

— суд биноларини таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва бу мақсадга ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш;


— судни техника жиҳозлари, мебель, автотранспорт ва бошқа зарурий моддий техник воситалар билан таъминлаш ва бошқалар;

— судлар фаолияти учун тегишли шароитларни яратиш юзасидан бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Суд амалиёти ва суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноий ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 17 кишидан иборат Ҳарбий ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади.

22. 09. 2001 й. № 383 сонли
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси қарорига
№3 сонли ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
суд қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини моддий-техник
ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти**



209 та бўлимлари бор.

22.09.2001 й. №383

ЎзР ВМ қарорига ИЛОВАН№4

**Департамент ҳудудий бўлимларининг
НАМУНАВИЙ ТИЗИМИ**

"Ўзбекистон Республикаси
қонунлари
тўплами", 2001 й. №18

11.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифалари ва функциялари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги адлия соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи марказий давлат ижро органи ҳисобланади. Унинг мақоми 2003 йил 27 августда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом ва бошқа норматив ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги уринларда "вазирлик") давлат бошқарув органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўз лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибига киради.

Вазирлик таркибига: Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, вазирлик ҳузуридаги суд қарорларининг ижросини ташкил этиш, суд фаолиятини моддий техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти, бошқа адлия орган ва муассасалари киради.

Жойларда адлия органлари ва муассасалари давлат ҳокимият органларидан мустақил ва фақат вазирликка бўйсунди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги департамент фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан тартибга солинади.

Вазирлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг меъёрий актлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор, фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари ва ўз низомига мувофиқ амалга оширади.

Вазирлик, унинг орган ва муассасалари Давлат герби туширилган муҳр ва ўз номига эга бўлган юридик шахс ҳисобланади.

Вазирликнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

а) ҳуқуқ тизимини қўллаш ва қонун ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш;

б) кишиларнинг Конституция ва қонунлар билан мустақамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш;

в) жамиятда ҳуқуқий маданият ва қонунчиликни мустақамлашга қаратилган фаолият олиб борувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

г) судлар фаолиятини моддий техник жиҳатдан таъминлаш ишларини ривожлантириш, судларнинг мустақиллигини мустақамлаш, судлар ва бошқа давлат органлари қарорларининг ижро этилиш механизмини такомиллаштириш;

д) нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари, фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолияти устидан давлат бошқарувини ўрнатиш;

е) тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар, хусусий мулк эгалари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг таъминланишига қўмаклашиш;

ж) хўжалик субъектларига хўжалик шартномаларини тузиш ва шартнома интизомини мустақамлаш борасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

з) юридик шахслар, шу билан бирга нодавлат, нотижорат ташкилотларни рўйхатга олишнинг қонунийлигини таъминлаш;

и) халқаро ҳуқуқий муносабатлар соҳасида тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш;

к) кадрларни замонавий талаб ва стандартлар асосида тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

л) адлия органлари ва муассасалари тизими устидан раҳбарликни амалга оширади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида вазирлик *қуйидаги соҳаларда фаолият юритади:*

1) ҳуқуқ тизимини қўллаш амалиёти ва қонун ижодкорлиги борасида ягона давлат сиёсатини юритиш соҳасида;

2) фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида;

3) давлат органларининг ҳуқуқ-тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

4) суд ва бошқа давлат органлари қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини моддий техник жиҳатдан таъминлаш соҳасида;

5) ҳуқуқий хизмат борасида давлат бошқарувини ўрнатиш соҳасида;

6) чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар, хусусий мулк эгалари ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида;

7) шартномавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида;

8) юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида;

9) халқаро ҳуқуқий муносабатлар борасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида;

10) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида;

11) корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасида;

12) ҳуқуқий статистика соҳасида;

13) адлия органлари ва муассасаларини моддий техник ва молиявий таъминлаш соҳасида;

14) суд экспертиза, илмий муассасаларини ривожлантириш соҳасида;

Вазирлик ҳуқуқни қўллаш ва қонун ижодкорлиги соҳасида давлат сиёсатини юритиб, *қуйидаги функцияларни амалга оширади:*

— давлат бошқарув органлари қонун ижодкорлик соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради ва услубий раҳбарликни амалга оширади; қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида инсон ҳуқуқлари борасидаги қонунчиликни таҳлил қилади ва уларни такомиллаштириш учун таклифлар ишлаб чиқади; бу соҳадаги халқаро амалиётни ўрганиб, халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига жорий қилиш учун тавсиялар тайёрлайди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади, шу

билан бирга жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғояларини тарғиб қилади; инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликка амал қилиш даражасини умумлаштиради ва таҳлил қилади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тақдим этади; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида адвокатура тизимининг ўрнини мустаҳкамлайди, фуқаролик жамиятлари институтлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ишларига кўмаклашади; инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш мониторинги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази билан ҳамкорлик қилади; фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини ҳар томонлама кўриб чиқади ва қонунларга мувофиқ уларнинг таъминланиши юзасидан чоралар кўради.

Давлат органларининг ҳуқуқ-тарғибот соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш соҳасида, ҳуқуқий таълимот ва ҳуқуқий-тарғибот ишларини ўрғанади, уларни яхшилаш учун таклифлар ишлаб чиқади; аҳоли орасида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият ва қонунийлик борасида тарғибот ишларини юритади; ҳуқуқий соҳани методик таъминлайди ва ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг замонавий шаклларини жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади; Олий ва ўрта-маҳсус таълим масканлари талабалари ва ўқувчилари учун ҳуқуқий дарсликлар, ҳуқуқий нормалар мажмуаси ва бошқа муҳим адабиётлар нашр этиш ишларини ташкиллаштиради; адлия орган ва муассасаларини зарурий ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Миллий маълумотлар базасини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ташкил этади ва унга жисмоний ва юридик шахсларнинг киритилишини таъминлайди, халқаро маълумотлар алмашинувини таъминлайди ва бошқа функцияларни амалга оширади.

Адлия вазирлиги суд ва бошқа давлат органлари қарорларини ижро этиш, суд фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш соҳасида судларни молиялаш соҳасида таклифлар ишлаб чиқади; судларнинг фаолият

кўрсатиши учун шароит яратиш мақсадида суд биноларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлайди; суд мажлислари ва судьяларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этади; суднинг мустақиллигини мустақкамлаш масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади; суд ва бошқа давлат органлари қарорларининг ижро этиш механизмини шакллантиради.

Вазирлик юридик хизмат соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш мақсадида давлат нотариал идораларини ташкил этади ва тугатади, нотариус лавозимини таъсис этади; нотариус фаолиятини лицензиялайди; давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар устидан давлат реестрини юритади; нотариусда иш ўрганиш тартибини белгилайди; нотариал фаолият билан шуғулланиш учун лицензия бериш тартибини ишлаб чиқади, малака ва аттестация комиссиялари низомларини тасдиқлайди, ҳужжатлардаги имзоси ва муҳрининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди, белгиланган тартибда нотариуслар томонидан уз хизмат вазифаларига ва нотариал иш юритиш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат ўрнатади, уларнинг ишларини умумлаштиради ва бошқалар.

Вазирлик адвокатура ва юридик хизматни ривожлантириш соҳасида республика адвокатлар бирлашмаси билан ҳамкорликда малака комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди, республика адвокатлар бирлашмаси билан биргаликда адвокатлар Олий малака комиссияси таркибини тасдиқлайди; адвокатларга лицензия бериш ва адвокатлар идоралари, ҳайъат ва фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини амалга оширади; адвокатлар, адвокатлик идоралари, ҳайъат ва фирмалари реестрини юритади; адвокатлар идоралари, ҳайъатлари фаолиятига услубий ёрдам кўрсатади; адвокатлар малакасини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади; адвокатлар фаолияти билан боғлиқ тўсиқлардан ва таъқиқлардан ҳимоя қилади; адвокатлар фаолиятини тартибга солувчи қонун нормалари, адвокатлик этикаси қонидаси ва адвокатларни касбий тайёргарлиги устидан назорат қилади;

ҳуқуқий ишлар амалиётини жорий қилинишини текширади ва анализ қилади; юзага келган камчиликларни бартараф этиш ва ижобий амалиётни давлат бошқармалари ва хўжалик корхоналарининг юридик хизматларига тарқалишини таъминлайди, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг юристконсультларини аттестациядан утказди.

Халқаро ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш учун *қуйидаги ҳуқуқий ҳимоя воситаларини*: халқаро шартномалар лойиҳаларининг экспертизасини ўтказди; ўз компетенцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқаролари манфаатларини чет давлатларда ҳимоя қилади. Чет эл давлатларининг судларида иштирок этади, агар тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси бўлса ва бошқалар.

Ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш соҳасида вазирлик давлатлар ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаб, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи, ТДЮИ қошидаги академик лицей ва бошқа вазирлик тизимидаги таълим муассасалари ишини ташкил этади ва раҳбарлик қилади; ҳозирги замон талаб ва стандартларига мувофиқ равишда ҳуқуқшуносларни қайта тайёрлайди ва малакасини оширади; ҳуқуқшунослар кадрлар сиёсатини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади; кадрлар заҳирасини ташкил қилиш ва бошқалар.

Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича; вазирлик орган ва муассаса ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари бўйича тушган фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш, шу масала бўйича ариза ва шикоятларнинг объектив кўрилишини таъминлаш, шикоятлар бўйича объектив қарор чиқарилишини таъминлаш, керакли вақтларда жойларга чиқиб тегишли масъул шахслар билан текширишлар утказди.

Суд-экспертиза, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш соҳасида:

— ҳуқуқий билимларни ривожлантириш бўйича чоралар кўради;

— криминалистика ва суд экспертиза соҳасида илмий тадқиқот ишларини ташкил этади; Ўзбекистон Республикаси

суд экспертиза муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва илмий методик раҳбарлик қилади;

— Х.Сулаймонова номидаги Республика маркази, юристлар малакасини ошириш маркази, ТДЮИ, ТЮК, ҳуқуқий тарғибот маркази ва бошқа муассасалар фаолиятига раҳбарлик қилади.

Унга юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда қуйидаги ваколатларга эга:

— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тегишли аналитик, статистик ва бошқа ҳужжатларни олиш учун тегишли давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахсларга сўровномалар юбориш;

— қонунчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар бериш;

— норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва эълон қилиш бўйича тегишли давлат корхоналари, муассаса, ташкилот ва қўмиталарда текширишлар ўтказиш;

— белгиланган тартибда вазирликлар, давлат қўмиталарининг қарорларини давлат реестридан чиқаради ва қисман ёхуд бутунлай тўхтатади;

— Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахслар томонидан бир хилда қўлланилиш ҳолатини ўрганади, таҳлил этади;

— таҳлил этиш натижалари бўйича тегишли давлат органларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини тўғри қўлланишини таъминлаш тўғрисида кўрсатмалар беради;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахслари томонидан вазирлик ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишларининг ижро этилмаётганлиги туфайли уларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилади. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги

қонун ҳужжатларига давлат бошқарув ва ҳокимият органлари томонидан амал қилинишини текширади;

— кўрсатиб ўтилган органлар мансабдор шахсларига ижро этилиши мажбурий бўлган, қонунларга риоя қилмаслик сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш тўғрисида топшириқ беради; шу билан бирга бузилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш чораларини ишлаб чиқиш вазифасини топширади; чет эл судларида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқлар ва қонуний манфаатлари юзасидан даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этади;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экспрезиденти вакили сифатида судларда иштирок этади;

— тегишли давлат органларига судьялар ва суд аппарати ходимларининг моддий-ижтимоий ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар киритади;

— адвокатлик идоралари ва нотариусларга берилган лицензияларнинг ҳаракатини тўхтатади ёки тугатади; адвокатлар малака комиссияларига адвокатларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини киритади;

— адвокатлар идоралари, ҳайъат ва фирмаларга қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан топшириқнома юборади; вазирликлар, қўмиталар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ва уларнинг юридик хизматлари фаолиятининг ҳуқуқийлигини текширади;

— уларнинг раҳбарларига ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида топшириқномалар беради;

— юқори турувчи орган ёки судга қонунчиликни бузган ҳолда корхона ёки ташкилотга зарар етказган мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш лозимлиги ҳақида мурожаат қилади.

Вазирлик чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар ва бошқа тадбиркорлик субъектларини жавобгарликка тортиш асосларини фуқаролик, жиноий ва маъмурий ҳужжатлар билан танишган ҳолда текширишга ҳақли; чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар ва бошқа тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-

ҳаракатлар содир этган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини тегишли органларга тақдим этишга ҳақлидир.

— Чет эл инвесторлари, чет эл инвестициясига асосланган корхоналар ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузувчи фуқаролик, жиноий, маъмурий ва ҳўжалик ишларини судда кўриб чиқиш учун давлат божини тўламаган ҳолда, тақлиф киритади;

— манфаатдор шахсларга тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилинишини сўраб ёзма огоҳлантириш юборади;

— ўз ваколатлари доирасида чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатади;

— давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатини кўзлаб судга, давлат божларини тўламаган ҳолда даъво аризалари ва аризалар билан мурожаат қилади; адлия орган ва муассасаларининг фаолиятини таъминлаш мақсадида тегишли бўлинмаларни тузиш, тугатиш ва уларнинг низомини белгилаш ва ҳ.к.

Вазирлик ўз ваколати доирасида вазирликлар, давлат кўмиталари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, нотариуслар, адвокатлар, корхона, ташкилот ва муассаса, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаради. Бундан ташқари вазирлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар ва давлат кўмиталари билан биргаликда қарор ва бошқа норматив актлар чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ вазирлик зиммасига қонун ижодкорлиги соҳасида давлат сиёсатини юритиш ва ўзига юклатилган бошқа вазифаларни самарали амалга ошириш мажбурияти юклатилган.

Ишларни ташкил этиш ва яқуний қарор чиқаришда вазирлик ҳайъати муҳим роль ўйнайди. Ҳайъат вазир, унинг ўринбосарлари ва вазирликнинг бошқа ходимларидан иборат таркибда фаолият юритади. Ҳайъат таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Вазирлик Ҳайъати ўзининг доимий ўтказиладиган мажлисларида вазирлик, адлия орган ва муассасалари фаолияти билан боғлиқ асосий масалаларини кўради. Ҳайъат

қарорлари қоида тариқасида вазир буйруғи билан кучга киради.

Вазир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларини ижро этиш мақсадида буйруқ, инструкция, тушунтириш ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқига эга. Бундай қарорлар орқали давлат нотариати, ФХДЁ органлари, суд экспертизаси ва статистикаси ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳал этилиш лозим. Улар суд ходимлари, адлия орган ва муассасалари, бошқа давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг бир қатор функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Уларнинг ваколатлари, албатта, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ваколатларидан сезиларли даражада кам. *Масалан*, улар ҳарбий суд фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминламайди, ижро ҳокимиятининг марказий органларининг норматив актларининг рўйхатини юритмайди, улардан қонун ижодкорлиги соҳасида кенг иштирок этиш талаб қилинмайди. *Уларнинг асосий вазифаси* — лозим даражада юридик хизмат кўрсатиш шароитларини яратиш, нотариат ва ФХДЁ органларига раҳбарлик қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тизими уларга юклатилган вазифаларнинг даражасига қараб ташкил этади.

11.3. Адлия органлари ривожланишининг асосий босқичлари

Ўзбекистон Халқ Адлия комиссариати 1924 йил 26 ноябрда Инқилобий қумитанинг Туркистон автоном Республикаси Халқ адлия комиссариати базасида ташкил этилган. Унинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон таркибига кирган давлатлар: Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонлиги адлия органлари фаолиятини тизимлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳисобланган.

1925 йил 6 майда Ўзбекистон МИҚ раёсати "Халқ адлия комиссарияти тўғрисида"ги Низомни тасдиқлади. Унинг биринчи моддасига кўра халқ адлия комиссарияти (ҲАҚ) зиммасига қуйидагилар юклатилган:

— барча суд муассасалари, прокуратура, тергов органлари, нотариат, суд ижрочилари органларини ташкил этиш фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш;

— суд функцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган комиссиялар фаолиятини кузатиб бориш;

— ҳимоячилар ҳайъати ва аҳолига юридик хизмат кўрсатиш ташкилоти фаолиятини кузатиб бориш;

— адлия органларининг ваколатларини қисқартириш борасидаги низоларни кўриб чиқиш;

— ЎзССР МИҚга киритилаётган барча қонунчилик ҳужжатларини дастлабки кўриб чиқиш;

— амалдаги қонунларни ва ҳукумат фармойиш ва қарорларини шарҳлаш ва нашр этиш.

Халқ адлия комиссарияти *асосан уч бўлимдан*: суд кўрилиши ва назорати, прокуратура ва қонунчилик таклифлари ишлаб чиқувчи бўлимлардан иборат бўлган. Халқ адлия комиссари бир вақтнинг ўзида республика давлат прокурори ҳисобланиб, ЎзССР ХКСнинг тақдимномасига кўра МИҚ томонидан тайинланган. Суд ва прокуратура органлари фаолиятини бошқариш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал қилиш мақсадида ҲАҚ ҳузурида, ҲАҚнинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва республика Олий суди вакилидан иборат таркибда ҳайъат фаолият кўрсатган Ўзбекистон ҲАҚ тўғрисидаги 1926 йил 22-декабрда қабул қилинган низом, 1931 йил 11 октябрда суд, прокуратура органлари тизимидаги ўзгаришлар муносабати билан ўзгартириш ва қўшимчалар билан қайтадан қабул қилинди.

Прокурор назорати Ўз ССР ҲАҚнинг республика прокурори, Олий суддаги прокурори ёрдамчиси, вилоят прокурорлари, вилоят судлари ва алоҳида участкаларидаги прокурор ёрдамчиларидан иборат прокуратура бўлими томонидан амалга оширилади.

ЎзССРнинг 1925 йилнинг 6 май ЎзССР ҲАҚ тўғрисидаги низоми бўйича ЎзССР ҲАҚнинг прокуратура бўлими барча давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик

муассалари, жамоат бирлашмалари ва шахслар хатти-ҳаракатининг қонунийлиги устидан давлат номидан прокурор назоратини юритган; айбдорларга нисбатан жиноий иш кўзгатган ва маҳаллий ижроия қўмита, республика марказий муассасаларининг қонунга хилоф қарорларига протест киритган.

ЎзССР ҲАҚнинг прокуратура бўлими зиммасига суриштирув ва дастлабки тергов органлари, ДП Бошқармаси, ахлоқ тузатиш муассасалари фаолияти устидан кузатиш мажбурияти юклатилган. 1928 йил 27 октябр ЎзССРнинг МИҚ кенгаши томонидан чиқарилган "Ўзбекистон ССР суд органларига раҳбарлик қилиш тартиби тўғрисида"ги қарор билан ҲАҚ тизимига сезиларли ўзгартиришлар киритилди.

Қарорда: "ягона суд сиёсатини ўрнатиш ва суд органларини бошқариш заруратидан келиб чиқиб, ЎзССР ҲАҚни шундай қайта ташкил этиш лозимки, унга кўра унинг фаолияти устидан, айниқса, прокуратура ва суд органлари устидан назорат қилиш ва уларни бошқариш максимал даражада таъминланган бўлиши лозим" - дейилади. ҲАҚда суд ва прокуратурани бошқаришни бирлаштириш мақсадида иккита ўринбосарлар лавозими ташкил этилди; 1) прокуратура йўналиши бўйича (республика прокурори), 2) суд йўналиши бўйича (ЎзССР Олий суди раиси).

Суд органлари устидан бошқарув республика ҲАҚтида тўпланган эди. Судларга умумий, характердаги мажбурий кўрсатмалар ҲАҚ томонидан ЎзССР Олий суди орқали берилар эди ёки бевосита Олий суднинг ўзи ЎзССР ҲАҚнинг розилигини олган ҳолда чиқариши мумкин эди. Суд амалиёти устидан кундалик бошқарув ва ягона суд сиёсатини юритиш республика Олий суди зиммасига юклатилган эди.

Суд қарорлари, ажрим ва буйруқларини ижро этиш ишларини юритиш учун бевосита судларнинг ўз кузатуви ва раҳбарлигида суд ижрочилари хизмат кўрсатган. Суд ижрочиларини тайинлаш, иш жойини ўзгартириш ва ишдан бўшатиш ҲАҚ томонидан, унинг ўз ташаббуси билан ёки район ижроқўмларининг тақдимномасига кўра амалга оширилган. ЎзССР МИҚ ва ХКСнинг 1931 йил 11 октябр ойда чиқарилган қарорига мувофиқ ЎзССР ҲАҚти прокуратура, Олий суд, ташкилий инструкторлик бўлими, ахлоқ тузатиш муассасалари Бош Бошқармасидан иборат

таркибда фаолият юритган. *ХАҚ раиси уч ўринбосарга*: Республика Прокурори, Олий суд раиси, қайта тарбиялаш муассасалари Бош бошқармаси бошлиғига эга эди. ЎзССР ХАҚ бутун республика ҳудудида ягона суд сиёсатини юритиш, барча адлия органлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг устидан раҳбарлик қилиш, давлат ва жамият бирлашмалари ва фуқаролар фаолиятининг қонунийлиги устидан назорат ўрнатиш каби фаолиятлар билан шуғулланган. Жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятчиликни ўрганиш билан шуғулланадиган жиноят қидирув бўлимларининг барчаси устида раҳбарлик фаолиятини олиб борган. Бундан ташқари, ХАҚ зиммасига махсус суд муассасалари ва қайта тарбиялаш меҳнати амалиёти устидан назорат олиб бориш вазифаси юклатилган.

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш муносабати билан ЎзССР МИҚ томонидан 1931 йил 20 июлда "ЎзССР суд кўрилиши тўғрисида низом" қабул қилинди.

ЎзССР МИҚ раёсати томонидан тайинланадиган, ХАҚ раиси ўринбосари ҳисобланган Республика Прокурорига район ва шаҳар прокурорлари бевосита бўйсунганлар. Алоҳида ҳолларда бир прокуратура органи томонидан бир неча районларда прокурор назорати ишлари ўтказилган. Район ва шаҳар прокурорлари Республика прокурори томонидан тайинланган бир иш жойидан иккинчисига ўтказилмай, ишдан четлатилган ёки бўшатишган.

1934 йил 10 сентябрда ЎзССР МИҚ ва ХКС томонидан қабул қилинган "Суд ва прокуратура органларини қайта ташкил этиш ва мустақамлаш тўғрисида"ги қарор ХАҚ республика прокуратураси ва Олий суди тизимида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келди. ЎзССР Прокуратураси умумий назорат ва Олий суд прокуратурасига бўлиниб кетди. Алоҳида бўлим ва бўлинмалар ташкил этишни талаб этувчи бундай тизимнинг вужудга келиши кўриладиган масалаларни тез ва тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилувчи бу ҳолат, раҳбариятни аниқ бошқарув ишларини олиб боришдан маҳрум қилди.

Марказлашган суд ва прокуратура тизимининг шакллантириши борасидаги якуний қарор сифатида 1936 йил 20 июлда СССР МИҚ ва ХКС томонидан "СССР халқ Адлия

Комиссариятини шакллантириш тўғрисида¹ги қарор қабул қилинди. СССР МИҚ ва ХКС СССР Халқ Адлия Комиссарияти низомини тасдиқлади. Ўзбекистон Олий суди зиммасидан суд фаолияти устидан бошқариш функцияси олиб ташланди, у фақат республика Олий назорат инстанцияси бўлиб қолди.

СССР таркибига кирувчи республикалар Халқ Адлия Комиссариятлари энди прокурорлик тергов органларидан ажратилди. СССР ҲАҚлари фақат суд муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш функциясигина сақланиб қолди.

1937 йил 20 майдаги республика МИҚ ва ХКС қарори билан ҲАҚнинг янги Низоми қабул қилинди унга кўра ҲАҚ мажбуриятлари жумласига *қуйидагилар киритилди:*

— судлар томонидан фуқаролик ва жиноят процессуал кодексларининг суд кўрилиши тўғрисидаги Низомининг устидан кузатув олиб бориш;

— уларнинг қўлланиш амалиётини умумлаштириш ва уларга зарурий ўзгартириш ва қўшимчалар ишлаб чиқиш;

— судлар томонидан совет қонунчилигининг қўлланилиши устидан назорат ўрнатиш ва судларга суд амалиётини бир хиллиги ва тўғри қўлланилиши бўйича кўрсатмалар бериш;

— суд тизимини шакллантириш, судьяларни танлаш ва уларга ташкилий хўжалик хизмат кўрсатиш;

— ҳимоячилар ҳайъатлари ва аҳолига юридик хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолияти устидан назорат қилиш ва уларни бошқариш;

— ўртоқлик ва жамоа қишлоқ судлари, нотариат, юридик мактаб ва курслар фаолиятини назорат қилиш ва уларни бошқариш;

— ЎзССР қонунчилигини такомиллаштириш ишларини юритиш;

— суд статистикасини юритиш ва ҳакозо.

Низомда ЎзССР ҲАҚнинг тизими ҳам белгиланган бўлиб, уни Халқ Комиссари ва унинг икки ўринбосари бошқарган. ЎзССР ҲАҚ тизимида суд муассасалари бўлимлари¹, суд

¹ Ушбу бўлимлар қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: а) ташкилий-информацион сектор; б) ревизион-инструкторлик сектори; в) ишлаб-чиқариш ўртоқлик ва қишлоқ жамоавий судлар бўйича гуруҳ; г) суд статистикаси сектори.

ҳимояси ва аҳолига юридик хизмат кўрсатиш бўлими, нотариат бўлими, ЎзССР қонунчилигини такомиллаштириш бўлими, юридик консультация¹ ва бошқалар ташкил этилган. ҲАҚ ҳузурида Халқ комиссари томонидан чақириладиган кенгаш иш юритган.

Ўзбекистон таркибига Қорақалпоғистон АССРнинг киритилиши муносабати билан ЎзССР ҲАҚтига Қорақалпоғистон АССР ҲАҚти ва кейинчалик Олий суд деб номланган. Қорақалпоғистон АССР Бош судига раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган. ЎзССР Олий суд ваколатлари ҳам ўзгартирилиб, унда фақат одил судловни амалга ошириш функцияси қолди. У ўзгариш дарҳол эмас, балки СССР иттифоқ ва автоном республикаларининг "Суд кўрилиши тўғрисида"ги (1938 йил) қонуни қабул қилингунча босқичма-босқич амалга оширилди.

ЎзССР ҳудудидаги барча суд органлари устидан раҳбарлик қилиш 1939 йил 1 ноябрь ЎзССР ХКС томонидан қабул қилинган Низоми асосида фаолият юритувчи ҲАҚ зиммасига юклатилган эди. Бундан ташқари ушбу низом бўйича ҲАҚ зиммасига қуйидаги вазифаларни амалга ошириш вазифаси юклатилган:

— Қорақалпоғистон АССР ҲАҚти, вилоят бошқармалари фаолиятини бошқариш;

— ЎзССР судларини ташкил этиш, суд органлари ишларини назорат қилиш, уларга фаолиятларини яхшилаш учун раҳбарий кўрсатмалар бериш;

— Адвокатура ва нотариал идоралар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

— юристларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; ЎзССР қонун ҳужжатларини такомиллаштириш учун ҳужжатларни тайёрлаш;

— судьялар танлаш ишларини ташкил этиш.

ЎзССР ҲАҚ 1937-1941 йиллар давомида "ЎзССР давлат нотариати тўғрисидаги низом"га бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. Республиканинг 54 та туманида

¹ Ушбу бўлимлар зиммасига кадрларни рўйхатлаштириш, юридик мактаблар ва курслар ишларига раҳбарлик қилиш, режалар тузиш юклатилган эди.

нотариал идоралари йўқлиги муносабати билан ҲАҚ 1938 йил 27 августда буйруқ чиқариб, ушбу туманлар суд органларига нотариал ҳаракатларни бажариш вазифаси юклатилди. Республика ҲАҚ ҳайъати комиссар, унинг ўринбосарлари ва ишчилар бошлиқлари иштирокида мажлис ўтказиб, кадрлар танлаш ишларининг бажарилиши ва уларнинг устидан амалий раҳбарлик қилиш масалаларини кўрди. Қорақалпоғистон АССР ҲАҚ ҚАССР ХКС томонидан 1940 йил 9 январда тасдиқланган у тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда фаолият юритади. Унинг таркибига халқ судлари бўлимлари кирган.

СССР Олий Кенгаши раёсатининг "Меҳнаткаш депутатлар кенгаши вилоят ва маҳаллий судларнинг ваколатини кенгайтириш, вилоятлардаги вазирлик бошқармаларини тугатиш тўғрисида"ги фармони ва ЎзССР Олий Кенгашининг 1956 йил 7 августда қабул қилган меҳнаткаш депутатлар кенгашининг ЎзССР вилоят адлия бошқармаларини тугатиш ҳақидаги фармони мувофиқ ЎзССР Вазирлар Кенгаши 1956 йил 6 ноябрда республика Адлия вазирлигининг янги низомини ишлаб чиқди. Шу қарор билан давлат нотариати тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритилди.

Низомга мувофиқ Адлия вазирлиги ЎзССР Вазирлар Кенгашига бевосита бўйсунган. Вазирлик ҳузурида вазир, унинг ўринбосарлари ва бошқа раҳбар ходимлардан таркиб топган ҳайъат тузилган бўлиб, унда асосан суд муассасалари ва адлия органлари фаолияти устидан раҳбарлик қилиш, ижро ҳаракатларини текшириш, кадрлар танлаш, муҳим буйруқ ва инструкциялар тайёрлаш ва бошқа масалалар кўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига *қуйидагича вазифалар юклатилган эди:*

— Қорақалпоғистон АССР Адлия вазирлиги фаолиятига раҳбарлик қилиш;

— ЎзССР судларини ташкил этиш, суд органлари иш ҳолати устидан назоратни амалга ошириш ва ушбу органлар ишини ташкил этиш борасида раҳбарий кўрсатмалар беради;

— Нотариал идораларни ташкил этиш ва уларни бошқариш;

— Адвокатура тўғрисидаги низомга мувофиқ адвокатура фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш;

— ЎзССР қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари лойиҳасини тайёрлаш, ЎзССР қонунлари, Олий Кенгаш фармонлари ва ЎзССР ҳукумати қарорларини тизимлаштириш ва такомиллаштириш.

1959 йил 23 мартда вилоят ва халқ судлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш мақсадида ЎзССР Олий Кенгаши Адлия вазирлиги функцияларига ўзгартириш киритилди. Вилоят ва халқ судларини текшириш, улар фаолияти устидан назорат қилиш, суд статистикасини юритиш мажбурияти ЎзССР Олий судига ўтди. Натижада судларни бошқарувчи орган сифатида Олий суд инстанциялари ишлай бошлади.

Шунга мувофиқ 1970 йил 1 октябрда "ЎзССР Адлия вазирлигининг таълими тўғрисида" фармон қабул қилди. Бунга илова қилиб ЎзССР Министрлар Кенгаши томонидан 1972 йил 27 сентябрдаги қарори билан Низом тасдиқланган.

Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон АССР Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман халқ судларига раҳбарлик қилган, уларнинг фаолиятига методик раҳбарлик қилган, халқ хўжалигидаги ҳуқуқий ишларга, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш бўйича давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига, нотариатга, Тошкент шаҳар суд экспертиза илмий тадқиқот институтига, ФХДЁ органларига раҳбарлик қилган.

Бу йилларда Адлия вазирлиги судлар томонидан жиноий ва фуқаролик ишларини кўришда судлар фаолиятини яхшилашга қаратилган ишларни амалга оширган.¹

Ўзбек халқи биринчи бор давлат мустақиллигига эришди. Унинг тарихий аҳамияти инсон ҳуқуқларига, мустақиллик тамойилларига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуришда намоён бўлади. Кучли демократик давлат қуриш учун аввало давлатда қонун устувор бўлиши керак. Ҳуқуқий давлатнинг нормал фаолияти қонун чиқарувчи, ижро ва суд органларининг қонунга амал қилишида кўринади. Ҳуқуқий

¹ Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. -Т.: "Адолат", 1996.

давлатнинг шаклланиш даврида Адлия вазирлигининг ўрни умумҳуқуқий ташкилот сифатида ошди.

Адлия вазирлигининг ролини ошириш, аҳолига сифатли юридик хизматни ташкил этиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ЎзР Президенти 1992 йил 8 январда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Шу фармонга асосан ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини қайта ташкил этиш масалалари тўғрисида" №523 қарор қабул қилиб, бунда Адлия вазирлигининг марказий аппарати тизимини янги таҳрирда тасдиқлаб, ЎзССР Министрлар Кенгашининг 1972 йил 27 сентябридаги №427 қарори бекор қилинганлиги баён қилинган.

Мамлакатда ўтказилган ижтимоий иқтисодий, сиёсий, суд ҳуқуқ соҳаларидаги ислоҳотлар Адлия органлари соҳасида ҳам ислоҳотларни талаб қилди. Адлия вазирлигининг муҳим вазифаси бўлиб, давлатда қонунчилик ва ҳуқуқ тизимини қўллаш соҳаларида ягона сиёсатни юритишдир. Бунга таъминлаш мақсадида 2003 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кейинги фаолиятини қайта ташкил этиш чора тadbирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Бу қарорда Адлия вазирлигининг муҳим вазифа ва йўналишлари белгиланган бўлиб, *улар қуйидагилардир:*

— қонунчилик ва ҳуқуқ тизимини қўллаш амалиётини мукамаллаштириш, уларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

— конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

— жамиятда ҳуқуқий билим ва маданиятни оширишга ва қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боровчи давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— суд фаолиятини моддий техник ва молиявий таъминлаш ишлари самарасини ошириш, судларнинг мустақиллигини

мустаҳкамлаш, суд ва бошқа давлат органларининг қарорларини самарали ижро этилишининг механизмини яратиш;

— чет эл инвесторлари хусусий мулк эгалари ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва уни ҳуқуқий таъминлашнинг самарасини оширишга йўналтирилган умумий ташкилий ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хўжалик субъектларини ташкил этиш ва рўйхатга олиш, шартнома интизомини мустаҳкамлашнинг чораларини ишлаб чиқиш;

— юридик шахсларни ва нодавлат, нотижорат ташкилотларини рўйхатга олишда қонунийликка риоя қилинишини таъминлаш;

— тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги манфаатлари ҳимоя қилинишини ҳуқуқий таъминлаш;


— замон талабларига мувофиқ ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарасини ошириш мақсадида ЎзР Адлия вазирлиги ҳузурида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилган.

Адлия орган ва муассасалари бошқа давлат органларидан мустақил ва фақат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсунди.

27. 08. 2003 й. №370

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига №3 ИЛОВА
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ташкилий тузилмаси




27.08.2003 №370 Вазирлар Маҳкамаси қарорига
№4 ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг тизими



27.08.2003 й. №370 Вазирлар Маҳкамасининг қарорига
 №5 сонли ИЛОВА Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилиши
 27.08.2003 й. №370 Вазирлар Маҳкамасининг қарорига
 №6 сонли ИЛОВА Вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг тузилиши



11.4 Нотариат

Ўзбекистон Республикаси "Нотариат тўғрисида"ги қонунининг 1-моддасида: "ЎзРда Нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир".

Нотариуснинг бу хилдаги йўналишини кўриб, унинг фаолиятига ўзига хос услублар бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан боғлиқлигига аҳамият берамиз.

Нотариатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан боғлиқлигини биз нотариал ҳаракатларнинг мазмунидан ҳам кўришимиз мумкин.

Нотариал ҳаракатларнинг тўла рўйхати "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 5-бобида берилган бўлиб, бу фақатгина ҳаммага одат бўлган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш, имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи ҳаракатлар бўлиб қолмасдан, балки битимларни тасдиқлаш, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўяди ва таъқиқни бекор қилади, фуқаронинг муайян жойда эканлиги ёки унинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди, далилларни таъминлаш, ижро хатларини ёзиш ва ҳоказолар.

Барча нотариал ҳаракатлар у ёки бу жиҳати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси билан боғлиқ бўлиб, шу хилдаги функцияларни амалга оширишда ҳамкорлик қилади.

Нотариат бу битимлар ва бошқа келишувларнинг тўғри ва ўз вақтида ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, мерос ҳуқуқини гувоҳлантирадиган, ижро хатларини ёзадиган ва бошқа нотариал ҳаракатларни амалга оширадиган махсус ташкил этилган орган ёки муассасалар мажмуидир. Ҳозирда нотариатнинг бир неча турлари мавжуд. У давлат нотариал идоралари ва нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлган мансабдор шахслардан шунингдек, хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи муассасалардан иборат.

Нотариус мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) амалга оширади. Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни, бундай ваколатни амалга оширишга ваколатли бўлган Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари бажарадилар.

Давлат нотариал идораси ЎзР Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилади. Давлат нотариал идораларида фаолият кўрсатувчи барча нотариус (нотариус ва катта нотариус)лар давлат хизматчилари ҳисобланади ва иш ҳақини бюджет ҳисобидан оладилар. Уларга худди Адлия органларининг хизматчилари сингари унвонлар берилади. Уларнинг зиммасида ҳозирда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ ишнинг асосий қисми юклатилган.

"Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан (1996 йил 26 декабр) ЎзР ҳудудида хусусий нотариал амалиёт татбиқ қилинди. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус *юридик шахс* ҳисобланади. У ўз идорасига эга бўлиш, банкда ҳисоб-китоб varaғи ва бошқа ҳисоб varaқлар очиш, мулкый ҳамда шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни тўхтатиш, тушган даромадни тасарруф этиш, судда ўз номидан қатнашиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда белгиланган тартибда тузиладиган нотариал палатага бирлашишлари мумкин.

Нотариус таътилга чиқиш ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларнинг барча турини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Нотариусга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш ҳамда унинг давлат пенсия таъминоти амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида 1 йил муддатли амалиётни ўтаб, малака имтиҳони топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини

берувчи лицензияга эга бўлган ЎЗР фуқароси тайинланади. Нотариуснинг олий юридик маълумотли стажери ва ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Тегишли давлат нотариал идорасига стажер ва ёрдамчини ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар орасидан стажерни, шунингдек, ёрдамчини мустақил тарзда ишга қабул қилишга ҳақлидир.

Юридик мутахассислик бўйича камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган шахслар учун амалиёт муддати тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори билан камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда амалиёт муддати 6 ойдан кам бўлмаслиги керак. Амалиётдан ўтиш тартиби ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашидан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланишидан қатъи назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эгадирлар. Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар юридик кучга эга.

Амалиётдан ўтган ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш тўғрисида белгиланган тартибда ариза берган шахслар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари қошида ташкил этиладиган малака комиссияларига имтиҳон топширадилар.

Малака комиссиясининг қарори устидан шикоятлар ушбу комиссиянинг қарори манфаатдор шахснинг қўлига топширилган кундан бошлаб, бир ой ичида ЎЗР Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссиясига берилади.

Малака комиссиясининг имтиҳонидан ўта олмаган шахслар ушбу комиссиянинг қарори чиққан кундан бошлаб камида бир йилдан сўнг қайта имтиҳон топширишга қўйилади.

Малака ва апелляция комиссиялари тўғрисидаги низомларни ЎЗР Адлия вазирлиги тасдиқлайди.

Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади. Лицензия бериш тартиби ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилади. Лицензия бериш рад этилганлиги устидан судга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори олинган кундан бошлаб, бир ой ичида шикоят қилиш мумкин.

Лицензия олган, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаронинг малака имтиҳонини қайта топширганидан кейингина нотариус лавозимида ишлашига йўл қўйилади.

Нотариус:

- илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари, тadbirkorлик ва бошқа фаолият билан шуғулланишга;
- шартномалар тузишда воситачилик хизмати кўрсатишга ҳақли эмас.

Нотариус ўз фаолиятида мустақил бўлиб, бу фаолиятни амалга оширишда ЎЗР қонун ҳужжатларига амал қилади.

Нотариусларнинг ўз касбий мажбуриятини бажариши юзасидан назоратни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари амалга оширади.

Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам ошкор қилиши таъқиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, шу шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар), суд, прокуратуранинг, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган

ишлар муносабати билан берилади. Фуқаролар мулкига ўгаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасида давлат нотариал идоралар тармоғи, уларнинг штатлари давлат нотариал идоралари учун белгиланган штатлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўринлавозимлар жадвалига риоя қилган ҳолда ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Икки нафар ва ундан ортиқ нотариус ишлайдиган давлат нотариал идоралари нотариусларидан бири катта давлат нотариуси этиб тайинланади ва унинг зиммасига ушбу нотариал идоранинг маъмурий ташкилий ишларини назорат қилиш вазифаси юклатилади.

Нотариус лавозими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади.

Нотариал округдаги нотариуслар лавозимининг сонини ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариусга муайян ҳудудда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш ЎЗР Адлия вазирлиги ёки унинг топшириғига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси томонидан лицензияси бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартибини ЎЗР Адлия вазирлиги белгилайди.

Давлат нотариал идорасида ишлаётган нотариус билан меҳнат шартномасини бекор қилиш меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз хоҳиши билан зиммасидаги ваколатларни соқит қилади ёки унинг ваколатлари қўйидаги ҳолларда суднинг нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида бекор қилинади:

— қасддан жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган тақдирда ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг;

— қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланган ёки муомала лаёқатига эга эмас деб топилган тақдирда;

— қонун ҳужжатларини бузган носоғломлиги туфайли (тиббий хулоса бўлса) касбий мажбуриятларини бажаришининг имконияти бўлмаган тақдирда ва қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда лицензия берган органнинг илтимосномасига биноан.

Нотариуснинг ваколатлари бекор қилинган тақдирда, тегишли адлия органи унда сақланаётган ҳужжатларни бошқа нотариусга топшириш тўғрисида қарор чиқаради.

Нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудий бўлинишига мувофиқ белгиланади. Туманларга бўлинган шаҳарларда тегишли шаҳарнинг бутун ҳудуди нотариал хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси содир этилиш жойи қонун ҳужжатларида белгиланган нотариал ҳаракатларни бажариш юзасидан нотариус ўз вазифаларини амалга оширишга ҳақли бўлган ҳудудни белгилаб беради. Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, нотариуснинг ваколатлари амал қиладиган ҳудудни ўзгартириши мумкин. Кўрсатилган ҳудуд доирасида нотариуснинг ўз иш жойи бўлиши шарт.

Нотариуснинг нотариал ҳаракатни белгиланган фаолият ҳудудидан ташқарида амалга ошириши бу ҳаракатни ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлмайди.

Нотариус мавжуд бўлмаган ҳудуддаги васият қилувчи оғир касал бўлган ҳолларда васиятномани тасдиқлатиш учун нотариус ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуддан ташқарига чиқишга ҳақлидир.

"Нотариат тўғрисида"ги қонунда нотариусларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган.

Нотариус қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— ўзига мурожаат қилган барча шахслар учун ушбу қонунда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жойи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно;

— битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлаш, шунингдек, нотариал ҳаракатларни амалга оширилишига доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

— жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар талаб қилиб олиш.

Нотариус қуйидаги мажбуриятларга эга:

— жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши;

— томонлар тақдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш келмаслигини текшириши;

— юридик жиҳатдан беҳабарлик жисмоний ва юридик шахслар зарарига фойдаланилмаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантириши;

— қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этиш;

— нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокуратурага бу ҳақда хабар қилиши шарт.

Давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус қонун ҳужжатларига зид хатти ҳаракатлар содир этса, белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус амалга оширилган нотариал ҳаракат ҳақидаги маълумотларни қасддан ошкор қилган бўлса ёки қонун ҳужжатларига зид бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширган бўлса, бунинг оқибатида етказилган зиённи суд қарорига биноан қоплаши шарт.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолиятини суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузиши шарт.

Нотариус суғурта шартномасини тузмасдан ўз мажбуриятларини бажаришга ҳақли эмас.

Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик ҳамда ҳужжатлардан нусха берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундирилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида нотариал шаклда бўлиши мажбурий қилиб қўйилган ҳаракатларни бажарганлик учун худди шу ҳаракатларни давлат нотариал идораларида бажарганлик учун олиниши назарда тутилган давлат божи миқдорларга мувофиқ таърифлар бўйича ҳақ ундирилади.

Давлат божи ҳақидаги қонун ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахслар учун назарда тутилган имтиёзлар давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар ҳам, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам нотариал ҳаракатларни бажарганларида, ҳужжатлар лойиҳаларини тузганларида, ҳужжатларнинг нусхаларини берганда ва бошқа техник ишларни бажарганларида мазкур шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Нотариус нотариал ҳаракатни бажариши учун ўз иш жойидан ташқарига чиққанида манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар, унинг амалдаги транспорт ҳаракатларини қоплайдилар. Нотариусга мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахслар билан нотариус ўртасидаги келишувга мувофиқ нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча хизматлар кўрсатилганлиги учун ҳақ ундирилиши мумкин.

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- 1) битимларни тасдиқлайди;
- 2) васиятномаларни тасдиқлайди;
- 3) эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
- 4) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўяди ёки таъқиқни бекор қилади;
- 5) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора тадбирлар кўради;

- б) мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
- 7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатларда олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- 8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
- 9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 10) кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
- 11) фуқаронинг тирик эканлик фактини тасдиқлайди;
- 12) фуқаронинг муайян жойда эканлик фактини тасдиқлайди;
- 13) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- 14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- 15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга топширади;
- 16) пул сўммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
- 17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;
- 18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;
- 19) ижро хатларини ёзади;
- 20) векселларнинг протестлари амалга оширилади;
- 21) денгиз протестларини амалга оширади;
- 22) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини, ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни амалга оширади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар нотариат тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга оширади, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўйиш ва таъқиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни кўриклаш чора-тадбирларини кўриш бундан мустасно.

Аҳоли пунктида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (Оқсоқоллари) *қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:*

- 1) васиятномаларни тасдиқлайди;
 - 2) ишончномаларни тасдиқлайди, автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;
 - 3) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора тадбирлар кўради;
 - 4) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно;
 - 5) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.
- Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (Оқсоқоллари) қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., "Ўзбекистон" 1992 йил 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги 2.10.1993 йил қонуни, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг (янги таҳрири). 2000 йил 14 декабрь. (Ўзбекистон Республикаси қонуни №162-II, V бўлим №320-II, 07.12.2001. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси №10, 1993, 367-м; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси №9, 1995, 193-м, №2, 1996, 56-м).
3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг низоми. 27.08.2003. ЎзР.си Ҳукумат қарорлари тўплами.
4. "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрь қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари тўплами) №2 1997 йил, 42-м.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 мартдаги № УП 2599 сонли "Судьялар лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия этиш Олий малака комиссиясини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони.
6. "Судьялар малака ҳайъати тўғрисида"ги Низом. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг №323-сонли қарори билан тасдиқланган). 2001 йил 7 декабрь.
7. "Судьялар малака даражалари тўғрисида"ги низом. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг №164 - II) 2000 йил 14 декабрь.

8. "Суд ходимларининг унвон даражалари тўғрисида"ги Низом. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг №164-II) 2000 йил 14 декабрь.

9. "Суд ҳужжатларини ва орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги 29.08.2001. №258-II. Ўзбекистон Республикаси қонуни.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги "Суд қарорлари ижросини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти тўғрисида"ги Низом №383 22 сентябрь 2002 йил.

Махсус адабиётлар

1. Абдусаломов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. -Т.: "Адолат", 1996.

2. "Правоохранительные органы" учебник для вузов. /Под. ред. профессора К.Ф. Гуценко 3-е издание дополненное и переработанное. -М.: Зерцало, 1997.

3. Ўзбекистон Республикасида Суд ислоҳотларини янада ривожлантириш Дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бюллетени, №3-4, 1996 й.

4. Савицкий В.М. "Организация судебной власти в Российской Федерации" Учебное пособие для вузов. М.: БЕК, 1996.

5. Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. "Юридическая энциклопедия" (Под. ред М.Ю. Тихомирова).-М.: 1997.

6. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислоҳотлар даври. Ҳаммуаллифликда. - Т., "Адолат" 2002 й.

Назорат саволлари

1. Судьялар фаолиятининг ташкилий ва моддий-техник таъминоти деганда нимани тушунасиш?

2. Судьялар фаолиятининг ташкилий моддий-техник таъминотининг аҳамияти нимада? Уни қайси органлар амалга оширади?

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тизими қандай?

4. Адлия вазирлигининг марказий аппарати тузилиши қандай?

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

6. Департаментнинг асосий вазифаси нима? Унинг тузилиши қандай?

7. Департаментнинг ҳудудий бўлинмаларининг тузилиши ва асосий вазифалари.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия этиш Олий малака комиссияси ваколатларини сананг.

9. Ўзбекистонда Адлия органларининг асосий шаклланиш босқичларини сананг.

10. Нотариатнинг вазифаси нимадан иборат?

11. Ким нотариус бўла олади?

12. Нотариатнинг функциялари нималардан иборат?

13. Нотариус бўлмаган аҳоли жойларида унинг ўрнига ким нотариал ҳаракатларни амалга оширади?

Ўзбекистон Республикасида Нотариат

Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариуслар

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар

Қишлоқ, овул ва посёлкалар фуқаролар йиғини раиси (Ожсоқоли)

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлган мансабдор шахслари

*Ўзбекистон Республикасида Нотариат юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунда белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органдир.

*Нотариус лавозимига олий юридик маълумотли, давлат нотариуси ёки хусусий нотариатда камида бир йил амалиёт ўтаган, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланишга лицензия олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эга бўлиши мумкин.

*Нотариал фаолияти билан шуғулланиш лицензияси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг малака ҳайъати қарори асосида берилади.

*Нотариус ўз фаолиятини амалга оширишида мустақил ҳисобланиб, фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларига бўйсунди.

XII БОБ. ПРОКУРАТУРА ВА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

12.1. Прокурор назорати, унинг вазифалари. Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Прокуратура ушбу вазифани бажарувчи мамлакатдаги ягона давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат ("Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддаси).

Прокурор назорати деганда давлат номидан махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар - прокурорлар томонидан қонун бузилиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолияти тушунилиши лозим.

Прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари:

1) мавжуд бўлган барча қонунларни фуқаролар ва ташкилотлар томонидан уларнинг фаолият доирасидан қатъи назар аниқ ва тўғри қўлланилишини таъминлаш;

2) прокурор назорати-прокуратура фаолиятининг бир йўналиши;

3) прокурор назорати олий қонун чиқарувчи ва ижро органларига, Ўзбекистон Республикаси олий мансабдор шахсларига, умумий юрисдикция судларига, хўжалик

судларига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг тўлиқлигича унинг идораларининг роли ва аҳамияти фавқулодда кенг ва буюқдир; прокуратуранинг назорат фаолияти давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ўз ичига олади. Унинг самарали ва мақсадга мувофиқ равишда олиб борадиган фаолиятига кўпинча фуқароларнинг соғлиги, ҳаёти, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа субъектларининг тинчлиги ва хавфсизлиги, жамоат тартиби, айни вақтда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар бевосита боғлиқ бўлади.

Шунинг учун прокуратуранинг мақоми, унинг ривожланиши ва такомиллашиши — жуда долзарб, мураккаб ва кўп қиррали муаммо ҳисобланиб, унинг томонидан ҳозирги иқтисодиётимизнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, жамиятимиз ва ҳуқуқий тизимимизни ҳақиқий эҳтиёжларини ҳамда миллий ҳуқуқий одатларимизни ҳисобга олган, орттирган тажрибаларимизга таянган ҳолда ҳал қилиниши лозимлигини тақозо этади.

Ҳозирги замон босқичида Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг мақоми, унинг вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, прокурорларнинг тайинланиш тартиби ва тизими 29 август 2001 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг I-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир.

Прокуратура идоралари ўз фаолиятларини *қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борадилар:*

— вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазириликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

— тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

— жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

— судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

— солиқ интизомини мустақкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

— ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жинорий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

— қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Назарияда прокуратура фаолиятининг йўналишларини прокурор назорати тармоқлари деб ажратиш қабул қилинган. Прокурор назоратининг тармоқлари деб айна тармоқнинг ўзига хос предмети ва прокурор ваколатини ўзида акс эттирувчи алоҳида мустақил бир қисми эътироф этилади¹.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонун прокуратура фаолиятининг бугун йўналишларини тўртта прокурорлик назорати тармоғига ажратади:

¹ Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. Издание 6-ое, перераб. и доп. \ Под ред. К.Ф. Гуценко. - М.: ЗЕРЦАЛО-М, 2001, 288-294-бетлар.

1. Қонунлар ижроси устидан назорат.

2. Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат.

3. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи идоралар томонидан қонунларга риоя қилиниши устидан назорат.

4. Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш.

Прокурор назорати тармоқларидан ташқари, прокуратура фаолиятининг *бошқа йўналишлари ҳам ажратиб берилади:*

— жиноятлар юзасидан дастлабки терговни олиб бориш;

— жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

— қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Бундан ташқари қонуншунос, прокуратура фаолиятининг судларда жиноят ишларини кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш каби муҳим йўналишини ҳам белгилаб берган. Прокуратура фаолиятининг янги йўналиши қилиб, солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилишни белгилаб берди. Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура фаолиятининг энг биринчи ҳамда жуда ҳам кенг бўлган тармоғи ҳисобланади. Назарияда бу тармоқ умумий назорат деб ҳам аталади, унинг бундай номланиши эса тарихий асосга эга. Ушбу терминдан Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда ҳам фойдаланилган.

Аммо, 2001 йил 29 август куни янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунида "умумий назорат" термини фойдаланилмаган. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг 20-моддаси).

Қонулар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади. Хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашishiга, шунингдек, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмайди. (Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг 23-моддаси). Прокурорлик назоратининг ушбу тармоғида прокурорлар ўзларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишлари учун уларга зарур бўлган ваколатлар бериб қўйилган.

Прокурорга у ўзи ноқонуний ва асослангирилмаган деб ҳисоблаган қарорни тўғридан-тўғри бекор қилиш ёхуд ўзгартириш ҳуқуқи берилмаган. Прокурорга берилган ваколатлар қонун бузилиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш, аниқланган қонун бузилиш ҳолларига нисбатан ушбу қонун бузилиш ҳолатини бартараф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг эътиборини жалб этиш, ҳуқуқбузарларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш имконини

беради. Ушбу соҳадаги прокурорнинг ваколатлари асосан Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасида шакллантирилган.

Аmmo, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда прокурорга етиб келган қонунийликнинг бузилишлари ҳақидаги маълумотлар ва йўл қўйилган қонун бузилиши ҳақидаги хабарга асосан текширишлар ўтказиши мумкинлигига оид прокурор фаолиятига боғлиқ ваколатлар шакллантирилган холос. Шунинг билан бирга прокурор текширишгача ва текширишдан кейин фойдаланадиган қатор бошқа бир қанча ваколатларга ҳам эгадир. Унинг бу ваколатлари ҳуқуқнинг бошқа манбалари билан, хусусан олганда, - жиноят процессуал, меҳнат, жиноят ижроия, маъмурий ҳуқуқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа актлари билан асослантирилган.

Прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

— вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга;

— текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

— давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

— мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор Қонунда ва қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларида белгиланган чораларни кўришга мажбурдир.

Прокурорнинг текшириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тақдим этилиши ҳақидаги, прокуратурага қонун бузилиш ҳолати юзасидан тушунтириш беришга келиши ҳақидаги талабларини ижро этиш барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади. Текшириш, тафтиш прокурор томонидан ўрнатилган муддатда ишнинг натижаларини прокурорга мажбурий маълум қилиш шarti билан амалга оширилмоғи лозим.

29 август 2001 йилда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги қонун (янги таҳрири)да биринчи бор "Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат" деб номланувчи прокурор назорати тармоғи ўз аксини топди. Ушбу тармоқ бўйича прокурор назорати предмети вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши ҳисобланади.

Ушбу тармоқ бўйича ҳам прокурор назоратининг ўзига хос вазифалари мавжуд. Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифани бажара бориб, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади; аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради; фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради; Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши кўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда

прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Прокурорнинг ушбу соҳадаги ваколатлари жиноят процессуал қонунчилиги билан (382-388-мм.), "Прокуратура тўғрисида"ги қонун (28-м.) ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. ЖПКнинг 382-моддасига мувофиқ, прокурор суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни олиб борар экан *қуйидаги ваколатларга эга бўлади*: содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади; суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади; жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради; тергов юритиш ва эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган қамоқда сақлаш муддатини узайтиради; ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради.

Прокурор суриштирув органларига шахсларни ушлаб, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб кўйиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топширади, шунингдек, прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради.

Прокурорга суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этиш ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажариш ёки терговни тўлиқ амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Жиноят процессуал кодекси

бундан ташқари прокурорга тинтув ўтказишга, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва уларни олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашувларни эшитиб туришга, айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органи ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат бериш ваколатини белгилаб берган¹.

Прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов органларига терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир.

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш прокурорлик назоратининг тўртинчи тармоғи ҳисобланади. Унинг предмети бўлиб, ушлаб турилганларни (вақтинча ушлаб туриш жойлари), қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни (колониялар, турмалар ва бошқалар) ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасаларда шахслар сақланишининг қонунийлиги ҳисобланади. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш жойларида прокурор жиноят-ижроия қонунчилиги билан белгиланган шахсларни юқорида қайд этилган муассасаларда сақлаш шароити ва тартиби устидан назорат қилади.

Ушбу соҳада прокурорга кенг ваколатлар берилган: ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларига, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларига, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини

¹ Бизнинг фикримизча, бу ваколатлар судга тегишли бўлмоғи лозим. Шахснинг дахлсизлиги, турар-жой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефон сўзлашувлар сири шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига мувофиқ Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддасдир ва уларни суднинг қарорисиз ҳеч ким чеклашга ва улардан маҳрум қилишга ҳаққи йўқ.

ижро этувчи муассасаларга ва вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан киришга, шахсларга нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, шунингдек, жиноий жазо ёки жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланишига асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга ҳақли.

Прокурор ушлаб туриш, қамоқда сақлаш жойларида, қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда, вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида ноқонуний сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилиши лозим.

Прокурорга ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жиноий жазо ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи идора ва муассаса маъмуриятидан ушланганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумлар, жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминловчи шароитларни яратишни талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Ушлаб туриш, қамоқда сақлаш жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятлари (ИВС, СИЗО, колониялар, турмалар ва бошқа шундай муассасалар)нинг буйруқлари, фармойишлари ва қарорлари, тезкор-қидирув тадбирларининг қонунга мувофиқлигини текширишга ҳақлидир.

Қамоқда сақланаётган, қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатишга, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чоралари қонунга номувофиқлиги прокурор томонидан аниқланса, бу чораларни прокурор бекор қилишга ва ўз қарори билан бундай шахсларни интизомий бўлинмалардан дарҳол озод қилишга ваколатлидир.

Прокурор ушлаб турилган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларига тортилган шахсларнинг жазони ижро этувчи орган ёки муассаса маъмуриятига, бошқа давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мансабдор шахсларга шикоят ҳамда

аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор ўзига тушган шикоят ёки аризани белгиланган муддатда кўриб чиқиши, зарур чора-тадбирлар кўриши ҳамда ўз қарори тўғрисида аризачига маълум қилиши шарт. (Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунини 32-моддаси). Ҳокимиятни тақсимланишини ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши муносабати билан шунингдек, суд ҳокимиятини амалга оширувчи органларнинг ўз фаолиятларидаги мустақиллиги уларнинг бошқа ҳеч қандай давлат органлари назоратида эмасликлари оқибатида прокурорнинг назорат фаолияти ушбу соҳада ўз аҳамиятини йўқотди ва прокуратура фаолиятининг судларда ишларни кўрилишида иштирок этиши тариқасидаги махсус йўналиши деб эътироф этила бошлади.

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади. Прокурор ўзининг суддаги иштироки билан суд томонидан қонуний ва асосланган ҳукм ёки ҳал қилув қарорини қабул қилинишига, суд муҳокамаси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминланишига кўмаклашади, ушбу вазифани эса тортишувчилик тамойилига асосан амалга оширади.

Прокурор суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт. Ишлар судларда кўрилаётганда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади. (Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунини 33-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 46-моддасига мувофиқ, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, прокурор бошқа шахсларнинг ташаббусига кўра

қўзғатилган ишлар бўйича ҳам суд муҳокамасининг бошидан бошлаб қатнашиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик ишларини суд муҳокамасида кўрилишида прокурорнинг иштироки унинг қатнашишини мажбурийлигини қонун назарда тутган ҳолларда ёки прокурор иштирокини суд зарур деб топган ҳолларда шунингдек, прокурорнинг аризасига биноан қўзғатилган ишлар бўйича шарт ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурор *қуйидаги қатор ваколатларга эга бўлади:*

— иш материаллари билан танишишга; рад этишга, далиллар тақдим этишга, далилларни текширишда иштирок этишга, ариза билан мурожаат қилишга, суд муҳокамасида пайдо бўлган барча масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилишга, бошқа шахсларнинг ариза, илтимосномаларига нисбатан эътироз билдиришга. Шунингдек, прокурор қилинган аризани бир қисмидан ёки тўлиқлигича воз кечишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қилган талабномаларига нисбатан судга тушунтириш беришга, ҳар бир иш юзасидан оғзаки ва ёзма равишда ишнинг мазмуни ҳамда суд муҳокамаси мобайнида пайдо бўладиган алоҳида масалалар бўйича хулосалар беради, суднинг қарори, ажрими ва ҳал қилув қарорларига нисбатан протест келтиради.

Жиноят процессида прокурор судда давлат айбловчиси сифатида иштирок этади. Прокурор суд муҳокамасида иштирок этар экан, пайдо бўлган барча масалаларни суд томонидан ечилишига, суд терговини тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб борилишига ёрдам беради, натижада қонуний, асосланган ва адолатли ҳукм қилинишига кўмаклашади. Прокурор айнан шу мақсадда суд терговиди далилларни текширишда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга ва судга таклиф қилинган бошқа шахсларга саволлар беради, қўлланиши керак бўлган Жиноят кодексининг нормаси ҳақидаги ўзининг фикрини беради, судланувчининг ҳаракатларини квалификация қилиш, унга жазо тури ва миқдорини белгилаш ва суд томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан ўз фикрини билдиради, жиноятни келиб

чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ҳақидаги ҳамда уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фикрларини баён қилади.

Прокурор жиноят ишлари бўйича суд музокараларида иштирок этиб, ўз айблов нутқида текширилган далилларни таҳлил қилиб беради, суд маслаҳатхонада ҳукм қилиш учун ҳал қилиши лозим бўлган ва муҳокама қиладиган масалалар бўйича ўз таклифларини билдиради. Прокурор судда давлат айбловини қувватлар экан, юқори касбий ва назарий малакага эга бўлмоғи лозим. Бу вазифани бажариш учун у нафақат қонунчилик соҳасида билимларга эга бўлиши, риторика асосларини, нотиклик санъати услуб ва шакллари ҳам яхши эгаллаган бўлиши, кенг дунёқарашга ва маълум бир ҳаётий тажрибага ҳам эга бўлиши лозим. Судда иштирок этаётган прокурорнинг мустақиллиги ва холислиги прокурорнинг давлат айбловини қувватлашдан воз кечиши мумкинлигини қонун билан белгиланганлигида ифодаланади. (ЎзР ЖПКнинг 409-моддаси).

Суд томонидан ҳукм чиқарилганидан сўнг, агарда суд томонидан хатоликка йўл қўйилган бўлса, прокурор қонунда белгиланган тартибда ушбу хатони тўғрилаш чорасини кўриши лозим. Бунинг учун прокурорга суд ҳукмини қонуний кучга кирган кирмаганлигидан қатъи назар, ҳукмга нисбатан протест киритиш ваколати берилган. Бундан ташқари, прокурор ҳукмини ўз вақтида ижрога қаратилганлигини ҳам текшириши лозим.

Агарда, суд томонидан чиқарилган қарор, ажрим, ҳукм ёки ҳал қилув қарорининг ноқонунийлигини ёхуд асослантирилмаганлигини прокурор аниқласа, ушбу ғайриқонуний ҳужжатга нисбатан протест келтиради ("Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 35-моддаси). Прокурорнинг протести — жуда муҳим бўлган процессуал ҳужжатдир. Прокурор томонидан ўз вақтида протест келтирилиши натижасида қонунсиз ва асослантирилмаган суд қарори, ҳукми, ажрими, ҳал қилув қарорини қонуний кучга кирмаслиги таъминланади, шунингдек, суд амалиётида қонунларни бир хилда қўлланилишига кўмаклашади.

Суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига нисбатан келтирилган апелляция, кассация, хусусий ва

назорат тартибидаги протест ишни судда кўриш бошлангунга қадар протест келтирган прокурор томонидан, шунингдек, юқори турувчи прокурор томонидан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки чақириб олинishi мумкин. Ва ниҳоят, прокурорлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳисобланади. Бу йўналиш тўғридан-тўғри жиноятчиликка қарши курашни кўчайтириш зарурияти билан бевосита боғлиқдир. Прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан биргаликда жиноятчиликнинг аҳволи, сабаблари, замонавий динамикасини ўрганадилар, жиноятларни очиш ва олдини олиш бўйича биргаликдаги тадбирларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

Қонун бузилишининг даражаси (характери)га қараб, прокурор тегишли прокурор назорати ҳужжатини қабул қилади. Протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатларидир. Қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади. Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек, протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест

келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилганга қадар тўхтатиб қўяди.

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади. Прокурор ўз фаолияти мобайнида қонун бузилиш ҳоллари унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқласа, ушбу қонун бузилиш ҳолларини бартараф этиш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахс номига тақдимнома киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чораталбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Тақдимнома коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Прокурорнинг аризаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Прокурорнинг аризасидан давлат божи олинмайди.

Огоҳлантирув муҳим прокурор назорати ҳужжати ҳисобланади. Прокурор фуқароларнинг қонун билан кўриқландиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда

ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради. Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органда (мансабдор шахсга), шунингдек, огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

12.2. Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари

Принциплар маълум бир назариянинг, фаннинг, дунёқарашнинг, сиёсий ташкилотнинг дастлабки ибтидосини ўзида акс эттиради.

Прокуратуранинг ташкил топиши ва фаолиятига нисбатан қўлланилганда — бу "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда мустақамланган прокуратуранинг давлатда ва сиёсатдаги аҳамиятини ўзида акс эттирувчи асосий талаблардан иборатдир. Бу асосий талаблар прокурорларнинг вазифаларини, ваколатларини, шунингдек, давлатда қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилишини амалга ошириш учун қўлланиладиган ҳуқуқий воситалар ва услубларнинг мазмунини ўзида акс эттиради. Бундан ташқари, прокуратура идораларини бошқа давлат органлари, ҳатто бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан қайси сифатлари ва белгиларига кўра фарқланишини ўзида ифода этади¹.

Қонуншунос томонидан белгиланган принципларга прокуратура томонидан риоя қилиниши унга ўз олдига қўйилган давлатдаги қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашни назорат қилишдек вазифани муваффақиятли тарзда амалга оширишига имкон беради. Прокурор назорати принципларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияларида ўз аксини топган прокуратура ҳолатини белгилаб берувчи, қонун бузилиш ҳолати ким томонидан

¹ Қаранг.: Басков В.И. Курс прокурорского надзора. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов с приложением нормативных актов. -М.: ЗЕРЦАЛО,1999, 68-бет.

содир этилишидан қатъи назар унга ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириши учун берилган мустақил давлат органи мақомидан фойдаланиши мустаҳкамланганлигини киритсак бўлади.

Принципларни прокурор томонидан ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш тартиби ва шароитларини аралаштириб юбормаслик керак. Прокурорлар томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни амалга ошириши прокуратура фаолиятининг ташкил этиш ва фаолият принципларига нисбатан доимо бўйсунувчан характерни ўзида ифода этади. Қонунда мустаҳкамланган прокуратура органларини ташкил этишнинг ва улар фаолиятининг принциплари бевосита бир-бирига боғлиқ ва ўзаро ажралмас ҳисобланади. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, балки, уларни комплекс биргаликда тушуниш ва ҳаётга татбиқ этиш натижасидагина прокурор ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлатнинг бошқа қонунларида кўрсатилган талабларига мослаб амалга ошира олади. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси талабларига кўра, прокуратура органлари фаолияти қонунда мустаҳкамланган принципларга қурилган бўлиб, бу принциплар *қуйидагилардир*: бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик.

Прокуратура органларининг бирлик ва марказлашганлик принципи прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этиши ҳамда қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатишини билдиради. Ушбу принцип барча поғона прокурорларининг олдида турган вазифа ва мақсадлар бир эканлигини билдиради. Бу принцип яна қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши борасидаги фаолият шакли ва услубларини, аниқланган қонун бузилиш ҳолларига нисбатан прокурорлик таъсир чораларини қўллашни ҳамда қонун бузилишининг олдини олиш чораларининг бир хилда амалга оширилишини билдиради. Бирлик ва марказлашганлик принципига асосан юқори турувчи прокурор қуйи турувчи

прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир, шунингдек, у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.

Қонунийлик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида шакллантирилган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Конституциянинг ва Ўзбекистон Республикаси қонунларининг сўзсиз устуворлиги тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ ҳаракат қиладилар. Прокуратура органлари ўзларига юклатилган қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган бошқа қонуний ҳужжатлар, халқаро шартномалар (битимлар) га асосан амалга оширадилар. Қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилишидан ҳар қандай чекиниш, бу чекиниш қандай асосларда юз берганлигидан қатъи назар қонун бузилиши ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Мустақиллик принципи шуни билдирадики, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралаштириш тақиқланади. Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг руҳсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар. Ушбу ҳуқуқий ҳолатнинг белгиланиши прокурорга ўзининг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат

фаолиятини амалга оширишида сиёсий партиялар ва бошқа органлардан мустақиллигини таъминлайди, партия органлари олдида мунтазам равишда ҳисобот бериш ва улардан раҳбарий кўрсатмалар олишдан озод қилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонун билан прокуратура идоралари фаолиятини ва ташкил этилишини сиёсатдан ҳоли қилиниши ўзини тўлиқ оқлайди.

Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланиши мумкин. (Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 43-моддаси). Бу чеклов прокурорларнинг ўзлари қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилаётган корхона, муассаса ва ташкилотлар билан меҳнат муносабатларига киришишмасликлари учун белгиланган. Бошқа томондан, прокурорларни ва терговчиларни илмий ишларда иштирок этиши, айниқса бўлғуси прокурор ва терговчиларни тайёрлаш бўйича илмий ишларда қатнашиши рағбатлантирилади. Барчага маълумки, амалиётни назария билан боғлаган ҳолда қонунларни қўллаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мутахассислар тайёрлаш сифатини юқорига кўтарилишига ёрдам беради.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисидаги ҳар йили ахборот берадилар. Прокуратура органлари ҳам бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари каби ўз фаолиятларини жамиятдан ажраган ҳолда амалга ошира олмайдилар. Прокурорлар ва терговчилар қанчалик даражада фаол ишламасинлар, агарда давлатда қонунийликнинг ғалаба қилиши учун курашда фақатгина ўзларининг кучларига таянишса, жамоатчилик ёрдамига таянишмаса, фуқароларнинг ёрдамидан фойдаланишмаса, ўз олдларига қўйилган ҳамда ҳуқуқий давлат қуриш йўлида турган жиноятчиликни ва уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилишдек вазифаларини муваффақиятли амалга ошира олмайдилар.

Ҳозирги ошкоралик ва демократия шароитида прокурорлар ва терговчиларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш, давлатда қонунчилик тизими пайдо қилиш фаолиятининг янада самарали бўлиши учун кенг имконият яратади. Прокуратура фаолиятида ошкораликнинг қўлланиши жамоатчиликнинг фикрини ҳар томонлама ҳисобга олишга имкон беради, улардан қонун бузилиши ва унинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган ҳар бир масалани ҳал қилишда фойдаланади. Шунингдек, фуқароларнинг, жамоат бирлашмаларининг ва жамоаларнинг ёрдамида қонун бузилиш ва уни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этади, қонун устуворлигини таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланади.

Аммо, прокурорлар ва терговчилар (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 353-моддаси) қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда жиноятнинг муваффақиятли очилиши ва тергов қилиниши мобайнида дастлабки тергов маълумотлари ошкор этилмаслигини таъминлашлари лозим. Бундан ташқари, жиноят процесси иштирокчиларининг шахсий ҳаётига оид интим томонларини жамоатчилик мулкига айлантирилишига йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун қонун (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19-моддаси) судларни шу каби жиноят ишларини ёпиқ турдаги суд мажлисларида кўришни белгилаганлиги тасодифий эмасдир.

Тергов органлари ва суднинг иш юритувида давлат сири билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари тоифаси ҳам бўлиши мумкин. Бундай ишларни юритиш махфий иш юритув тартибида олиб борилади, улар ёпиқ суд мажлисларида кўрилади (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19,89-моддалари.) Ошкоралик принципини ҳаётга татбиқ этиб, прокурорлар фуқароларда қонунларга нисбатан ҳурмат, одоб ва ахлоқ нормаларига риоя қилиш руҳини тарбиялайдилар.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонунда мустақамланган прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият принциплари умуммажбурий характерга эга, яъни — ушбу прокурорлар олдида қўйилган талаблар фақатгина прокурорлар учунгина эмас, балки прокурор назорати татбиқ этиладиган барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мансабдор шахсларга ҳам тегишлидир.

12.3. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими ва уларнинг ташкил этилиши

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (188-модда) ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни (1-модда)га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими ташкил этади. Прокуратура давлат органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган мамлакатнинг маъмурий ва миллий давлат қурилмасига мувофиқ ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизимини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари, туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари, вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси, туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этади.

Прокуратура органлари тизимининг олий звеноси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси прокуратура органларининг фаолияти устидан тезкор раҳбарликни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, ўзида етарлича кучли бўлган давлат аппаратини намоеън этади. Бу аппарат нафақат қуйи прокуратура идораларининг фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади, балки бевосита давлатдаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини амалга ошириш билан бирга энг масъулиятли, ўта муҳим вазифаларни бажаради, шунингдек, ўта мураккаб ҳамда жамият учун аҳамиятли бўлган жиноят ишлари терговини бевосита амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Конституцияга (93-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бошқарилади ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга (12-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосарига, ўринбосарларига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарлари ўртасида уларнинг мажбуриятларини ўзаро тақсимлаб беради. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқарма ва бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар, ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ўз лавозимларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан тайинланадилар ва лавозимларидан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органлари устидан раҳбарликни олиб боради ва уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва жуда ҳам кенг бўлган ваколатлардан фойдаланади. У:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкин;

— Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин;

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр

билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалиқ суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, муҳокамá қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

— Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади;

— прокуратура органлари ходимларига даражали унвонлар беради ва олий даражали унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этади;

— прокуратура органлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этади;

— прокуратура органлари ходимларини “Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими” кўкрак нишони билан тақдирлайди;

— буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

— чет эл давлатларининг тегишли органлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузади;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

— Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларга зид бўлса, Ўзбекистони Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига:

— қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда;

— ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар тўғрисида-зудлик билан;

— прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида — ҳар олти ойда ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида биринчи марта 2001 йил 6 июль кунги Низомга кура Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилиб, 2002 йил 28 ноябрь куни Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига ўзгартирилди. Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил махсус ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланиб, солиққа ва валютага оид жиноятларга ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, солиқ интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ўтказиш ва ташкил этиш мақсадида тузилган.

Департаментни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланиб, лавозимидан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарига тенглаштирилган лавозимдаги департамент бошлиғи бошқариб боради. Департамент бошлиғининг ўринбосари департамент бошлиғининг тақдимномасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Худудий бошқармаларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, департаментнинг туман ва шаҳар бўлимлари бошлиқлари департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Департаментни ҳамда унинг жойлардаги бўлимларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда тасдиқланган Низоми билан тартибга солинади. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлар ва фармойишларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига асосан олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори раҳбарлик қилади, у Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимига тайинланади ҳамда озод этилади. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдордир.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори тегишинча туман, шаҳар прокуратураларининг ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари асосида ва уларни ижро этиш учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади. Бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, прокурорнинг катта ёрдамчилари, прокурорнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчиси, катта прокурор криминалист Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар. (Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунини 15-моддаси).

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар

раҳбарлик қиладилар, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга лавозимга тайинланадилар ҳамда лавозимдан озод этиладилар. Бу прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тегишинча туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари асосида ва уларни ижро этиш учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда прокурор (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг таркиби тегишли прокурорнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланади.

Ҳайъатлар маслаҳат органлари бўлиб, улар қонунийлик ва жинойтчиликнинг ҳолатига, прокуратура органларининг фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижросига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқади, прокурорларнинг, прокуратура органлари тузилмавий бўлинмалари раҳбарларининг ва бошқа ходимларининг ҳисоботларини эшитади. ("Прокуратура тўғрисида"ги қонунинг 19-моддаси).

Қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда

давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида 2004 йил 11-мартдаги *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*га асосан:

Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил қилинсин.

Худудий прокуратураларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимларининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

— Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда Ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш;

— асосий қишлоқ хўжалик экинлари (пахта ва галла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, экин майдонлари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар - фермер ва ширкат хўжаликлари, туман ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини танлаб текширишлар ўтказиш;

— фермер ва деҳқон хўжаликларига ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда масъул шахслар томонидан хизмат мавқеи суиистеъмол қилинишига, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик;

— ерлардан қатъи равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладигин экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш;

— ерлардан мақсадли ва асраб-авайлаб фойдаланишни, уларнинг унумдорлигини сақланиши ҳамда экология

нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда деҳқон хўжалиklarининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

— сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материалларини ўғирлаб талон-тарож қилиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишда хўжасизлик фактларининг олдини олиш чораларини кўриш;

— қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан қонунчиликни кенг кўламда тушунтириш йўли билан шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

Мазкур ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, шунингдек, вилоят, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг тузилмаси тасдиқланган. (1-6 чизмалар).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилди.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади. Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, прокурорнинг катта ёрдамчилари, ички хавфсизликни таъминлаш бўйича катта ёрдамчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Қайд этиб ўтилган прокуратураларда прокурорларнинг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ва прокурорлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар. Туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, юқори турувчи тегишли прокурорга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва уларнинг олдида ҳисобдордирлар.

Туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ягона тизимига ҳарбий прокуратура ҳам қиради. *Ҳарбий прокуратуранинг асосий вазифаларига:* Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат хавфсизлиги, ҳудудий дахлсизлик ва қўшинлардаги ҳарбий тайёргарлик бўйича қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбийларнинг ҳамда улар оилаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, Қуролли Кучларнинг қонуний манфаатларини касбий ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш ва бундай ҳуқуқбузарликларни олдини олиш қиради.

Ҳарбий прокуратура органлари ўз фаолиятларини *қуйидаги йўналишларда олиб борадилар:*

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бошқармалари органларида қонунлар ижроси устидан назорат, ҳарбий қисмлар, ҳарбий корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув муассасалари, ҳарбий мансабдор шахслар ва ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбийлаштирилган таркиблар, бўлинмалар, ҳарбий йиғинларга чақирилганлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат;

— Ҳарбийлар ва уларнинг оилаларини ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат;

— Қуролли Кучларда суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган ҳамда жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган ташкилотлар томонидан қонунларни ижро этиши устидан назорат. Жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга ошириш, судларда жиноят ишларини кўрилишида давлат айбловини қувватлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларнинг кўрилишида иштирок этиш, гайриқонуний суд ҳужжатларига нисбатан протест келтириш;

— Ҳарбий хизматчиларни гауптвахталарда сақлаш мобайнида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат,

ҳарбий қисмларда ва муассасаларда жиноий-ҳуқуқий таъсирга оид қонунлар ижроси устидан назорат ҳамда интизомий қисмларда жиноий жазоларни ижро этиш билан боғлиқ қонунлар ижроси устидан назорат. Қонун ижодкорлиги фаолиятида ва жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишида иштирок этиш.

Ҳарбий прокуратура органлари қонунда белгиланган тартибда фуқароларнинг, ҳарбий хизматчиларнинг ва юридик шахсларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш юзасидан тегишли чораларни кўрадилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасига лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозим тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори раҳбарлик қилади.

12.4. Прокуратура органлари ходимлари

Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда белгилаб берилган. Қонун (43-модда) талабларига кўра, прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарур касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади.

Бундан ташқари, "Прокуратура тўғрисида"ги қонун раҳбар лавозимларга тайинланаётган прокурорлар учун ёш цензини ҳам назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади.

Прокуратура органлари ходимлари ўзларининг юксак фуқаролик бурчи билан қоришиб кетадиган юқори касбий

тайёргарликка эга бўлишлари, қонун бузилиш ҳолларига мурасасиз бўлишлари, сотилмас, адолатли, виждонли бўлишлари лозим. Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Акс ҳолда, улар келгусида ўзлари томонидан текширилиши мумкин бўлган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларига киришиб қўйиб, ўзларининг мустақилликларини қўлдан бериб қўйишади. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланишлари мумкин ҳолос.

Прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилаган тартибда аттестациядан ўтказиладилар. Прокурор ёки терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахс "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда белгиланган тартибда қасамёд қабул қиладилар (44-модда). Унда жиноятчиликка қарши мардонавор ва мурасасиз курашни ҳамда ўз мазмунига кўра энгил бўлмаган қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифасини амалга оширувчи мансабдор шахсларга нисбатан талаблар қўйилган. *Қасамёд мазмуни қуйидагичадир:*

"Ўз хизмат вазифаларимни ҳалол ва виждонан бажаришга, қонун бузилишига қарши мурасасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан".

Қасамёд қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминланиши ҳисобланади.

Ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб

бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси таркибида прокуратура органлари ички хавфсизликни таъминловчи инспекция тузилади. (Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунини 46-моддаси). Прокуратура органлари ички хавфсизликни таъминловчи инспекция прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, коррупция ва эгаллаб турган лавозимига нолайиқ бошқа ноҳўя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувини ўтказди.

Прокуратура органлари ички хавфсизликни таъминловчи инспекция ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Прокуратура ходимларига нисбатан бундай юқори талабларнинг қўйилиши тасодифий эмас, чунки қонун прокурорлар ва терговчиларга жуда ҳам кенг ҳокимият бошқарув ваколатини бериб қўйган. Бу ваколатлардан нотўғри фойдаланиш ёхуд хизмат ваколатларни суистеъмол қилиниши жуда ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, ўз касбий мажбуриятини амалга ошираётган ҳар бир прокуратура ходими қонун доирасида ҳаракат қилиши ҳамда инсонларга нисбатан эътиборли бўлиши талаб қилинади.

Прокуратура органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг ўқув муассасалари ва илмий ташкилотларининг ходимларига уларнинг эгаллаб турган лавозимлари ва меҳнат стажига мувофиқ даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлар берилади. Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилади.

Прокуратура органларининг ходимлари учун Ҳақиқий Давлат адлия маслаҳатчиси (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бериладиган даражали унвон)дан тортиб, 3-

даражали юристгача даражали унвонлар белгилаб қўйилган. Ҳақиқий Давлат адлия маслаҳатчиси ҳамда 1,2,3 даражали давлат адлия маслаҳатчиси даражали унвонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Бошқа даражали унвонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан берилади. Кичик юрист даражали унвони аттестациядан ўтган ва лавозимига тасдиқланган ёш мутахассисларга берилади; иш ўрганиш мобайнида ўзини алоҳида яхши томонлардан кўрсатган ёш мутахассислар 3-даражали юрист унвонини олиш учун тақдим қилиниши мумкин.

Прокуратура органларининг аттестациядан ўтказилмайдиган моддий-техника таъминоти, молия, ишлар бошқармаси ходимлари ва бошқалар меҳнатда ўзини алоҳида яхши томондан кўрсатганликлари учун даражали унвон олиш учун тақдим қилинишлари мумкин. Прокуратура органларига бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва бошқа ташкилотлардан ишга келганларга уларнинг тайинланган лавозимларини, билимлари ва иш тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда даражали унвонлар берилади.

Даражали унвонлар берилган прокуратура ходимлари шу унвонларида умрбод қоладилар. Даражали унвондан маҳрум қилиш прокуратура органларидан номига доғ тушурувчи ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга нисбатан қўлланиши мумкин. Прокуратура органлари ходими томонидан ўз хизмат бурчини қўпол равишда бузганлиги ёхуд ўзини нолойиқ даражада тутганлиги учун даражали унвони пасайтирилиши мумкин.

Прокуратура органлари ва муассасаларидан хизматдан бўшатилаётган ходим даражали унвонидан ёки ҳарбий унвонидан маҳрум қилиниши мумкин. Прокуратура органлари ходими томонидан ўз хизмат бурчини қўпол равишда бузганлиги ёхуд ўзини нолойиқ даражада тутганлиги учун даражали унвони пасайтирилиши мумкин.

Прокуратура органлари ва муассасалари ходимларини олий даражали унвонидан ёки олий даражали ҳарбий унвонидан маҳрум қилиш, шунингдек, олий даражали унвони ва олий даражали ҳарбий унвонидан пастга тушириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, бошқа

даражали унвонлар ёки ҳарбий унвонлардан маҳрум қилиш ва пастга тушириш мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан амалга оширилади.

Прокуратура органлари ва муассасаларининг даражали унвонларга эга бўлган ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажараётган вақтларида ўрнатилган тартибдаги фарқлантирувчи белгили форма, кийим бошини кийиб юрадилар. Нафақага чиққан олий даражадаги унвон ёки олий даражадаги ҳарбий унвонга, шунингдек, адлия катта маслаҳатчиси ёки юстиция полковниги даражали унвонига эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига ўрнатилган тартибдаги фарқлантирувчи белгили форма, кийим бошини кийиб юриш ҳуқуқи қолдирилади.

Прокуратура органлари ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқотар қурол ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб юриш ҳуқуқига эга. Прокурорларнинг ва терговчиларнинг мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб, ушбу ходимлар фаолиятининг дахлсизлиги ҳисобланади. Прокурор ва терговчига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат учун жавобгарлиги масаласи юқори турувчи прокурор томонидан ҳал этилади.

Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи мансаб маошидан, даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар), кўп йиллик хизмат учун тўланадиган ҳақлардан иборат бўлади. Даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланади. Прокуратура органлари ходимларига муддати ўттиз календарь кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига беш календарь кун, йигирма беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса ўн календарь кун қўшимча таътил берилади.

Прокуратура органлари ходимларини ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қонун билан

тегишли чоралар белгиланган. Прокуратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади ҳамда Республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурталанади. Прокуратура органлари ходими ишлаётган даврида ёки прокуратура органларидан бўшатиладиганидан кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу ҳол у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ва соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 194-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган миқдорда нафақа тўлаб борилади.

Прокуратура органлари ходими ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида - унинг ойлик иш ҳақи йигирма беш карраси миқдорида тўланади. Прокуратура органлари ходими у ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан касбига доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этмайдиган ва меҳнат қобилиятини доимий йўқотишга олиб келмайдиган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида-унинг ойлик иш ҳақи беш карраси миқдорида тўланади. Прокуратура органлари ходимининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ тарзда унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар унга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

12.5. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташқил топиши ва ривожланиши

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Россия томонидан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлигидан иборат Ўрта Осиёни босиб олинганга қадар, бу ерда прокуратура ёки шунга ўхшаш идора бўлган эмас эди. Чунки, ислом қонунчилигида шариат нормаларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи махсус алоҳида орган тузилиши кўзда тутилмаган.

Прокурор назорати институти 1867 йилда қабул қилинган Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги вақтинчалик

Низом лойиҳасида назарда тутилган ҳолос. Лекин бу даврда прокуратура махсус орган сифатида ҳали ташкил этилмаган эди. Прокурорлик вазифасини ўз ташаббусларига кўра ҳарбий губернаторлар олишган.

Туркистон ўлкасининг (Сирдарё вилояти, Зарафшон округи, Амударё бўлими) учта мустақил маъмурий ҳудуд бўлинишига учта "прокурор": Сирдарё губернаторининг ўзи, Зарафшон округи бошлиғи ва Амударё бўлими бошлиғи бор эди. Ушбу мансабдор шахслар ишларни судловлилик бўйича тегишлилигини қайта кўриб чиқишлари, уларни маъмурий тартибда ҳал қилишлари ва ўзларини қарашлари бўйича ҳаракатдан тўхтатишлари мумкин эди.

1887 йил Адлия вазирининг бўйруғига кўра Россия Адлия вазирига маъмурий тартибда бўйсунувчи Сирдарё, Янги-Марғилон, Самарқанд, Верненск вилоят судлари қошида прокуратуралар ташкил этилди. Россия подшосининг Туркистондаги прокуратураси маъмурий-ҳудудий тамойилга кўра ташкил этилган эди. Округ суди қошидаги прокурор суд палатасидаги прокурорга бўйсунар эди, у эса ўз ўрнида - бевосита Адлия вазирига бўйсунар ва унинг олдида ҳисобдор эди. Барча прокурорлар подшо томонидан лавозимига тайинланар ва лавозимидан озод қилинар эдилар¹.

Туркистондаги прокуратура Россия Подшолиги прокуратурасининг асосий қисмини ташкил этиб, унинг қонунларини татбиқ қилиб ва қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширар эди. Прокуратура органлари ходимларининг камлиги, уларнинг маҳаллий аҳолининг тилини ва урф-одатларини билмасликлари, улар манфаатларининг бир хил эмаслиги прокуратура органлари ва туб аҳоли ўртасида яхши муносабатни келтириб чиқармас эди. Россия прокуратурасининг ташкил этилиши Россиядаги Пётр I томонидан амалга оширилган давлат ислоҳотлари билан боғлиқ эди. Ҳукумат Сенатини ташкил этилиши муносабати билан, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида махсус органни ташкил этиш

¹ Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши. Юридик фанлари доктори илмий унвонини олиш учун ёзилган диссертация - Т.: 1993.

зарурияти пайдо бўлди. Дастлаб бу институт фискаллар эди, кейинчалик эса прокурорларга айланди.

Бош прокурор лавозимининг киритилиши ҳам 1722 йилда Пётр I томонидан амалга оширилди. Бош прокурорга Сенат фаолиятидаги қонунчилик, кейинчалик эса барча давлат органлари томонидан қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган. Қонун бузилиши ҳолати аниқланадиган бўлса, Бош прокурор ушбу қонун бузилиш ҳолатини бартараф этишни аввал таклиф этиши, унга бўйсунилмаган ҳолатларда эса "протест келтириши ва бу ишни тўхтатиши" лозим эди. Бора-бора прокурорлар давлат хизмати ичида муҳим ўрин эгаллай бошладилар. Прокурорлар корпуси пайдо бўла бошлади. Прокурорларни генерал-губернаторларнинг тавсиясига кўра Сенат сайлар эди. Улар марказий ва маҳаллий муассасалар фаолиятлари устидан назоратни олиб борар ва аниқланган камчиликлар ҳақида генерал-губернаторга ҳисоб берар эдилар. Қонун бузилиш ҳолатини аниқлаган прокурор дастлаб, оғзаки равишда ушбу қонун бузилиш ҳолатини бартараф этишни таклиф этар, ушбу таклиф бажарилмаса, унда ушбу қонун бузилиш ҳолатини бартараф этиш учун ваколатли органга ундан сўнгра эса тааллуқли ҳайъатга ёки Сенатга ёзма равишда протест киритар эди. Файриқонуний ҳужжатга нисбатан киритилган протест ушбу ҳужжат ҳаракатини тўхтатар эди. Агарда қонун бузилиши ҳолати ҳақидаги маълумот юқори турувчи прокурорга келиб тушса, унда у ишни тез ва тўғри ҳал қилиш чораларини кўриши лозим эди.

Тахминан шу даврни ўзида марказий билан ёнма-ён губерня прокуратуралари ташқил этилади, уларнинг бошланишига саройҳовли (надворник) судларининг прокурорлари ташқил этилиши сабаб бўлди. Адлия вазирлигини (1802 й.) ташқил этилиши билан Адлия вазири бир вақтнинг ўзида генерал прокурор лавозимини ҳам эгаллай бошлади, губерня прокуратураси эса адлия вазирлигининг жойлардаги органига айлана бошлади.

1864 йили прокуратура "судлар ҳузуридаги жойлар"да назорат қилиш ваколатини қўлга киритди. 1864 йил 20 ноябрдан суд ўрнатувлари таъсисига кўра судларда прокурор назоратини обер-прокурорлар, прокурорлар ва генерал-

прокурор бўлмиш Адлия вазирининг олий назорати остидаги уларнинг ўртоқлари олиб бора бошладилар. Ана шу вақтдан бошлаб қуйидан юқорига бўйсунувчи, ягонабошга эга ва маҳаллий ва маъмурий ҳамда суд органлари институтларидан мустақил бўлган прокуратура ташкилотини асоси пайдо бўла бошлади.

Прокуратура шундай шаклда 1917 йилгача мавжуд бўлди. Судлар тўғрисидаги № 1 Декрет билан прокуратура тугатилди. Унинг фаолияти тўрт йилдан кўпроқ вақт қайта тикланмади. Прокуратуранинг ташкил этилиши тўғрисидаги фикрларни совет давлатининг беш йиллик тажрибасидан сўнг излаш лозим бўлди. Тарихий тажриба қонунчилик устидан назорат қилишни амалга оширувчи мустақил орган — прокуратурани ташкил этиш зарурати ҳақидаги фикрга етаклаб келди.

Ҳар бир тармоқни бошқаришда ташкил этилган назорат қонунийликни таъминлаш учун етарли кафолатларни яратмас эди, чунки у идоравий ташкилот эди. Уезд ижроия қўмиталари ва вилоят ижроия қўмиталарини адлия бўлимларига юклатилган қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат ҳам унчалик даражада самарали эмас эди. Давлат олдида қонунларнинг аниқ ижро этилиши устидан назорат қилишни такомиллаштириш вазифаси пайдо бўлди, чунки шу кунгача амал қилган қонунийликни таъминлаш тизими ўзини оқламади, у қонунийлик учун олиб борилаётган мақсадли курашни таъминлай олмади. Қонунийликни амалга оширувчи марказий ҳокимият номидан ҳаракат қилувчи ягона услубга эга бўлган ва маҳаллий ҳокимиятга бўйсунмайдиган махсус ташкилотни ташкил этилиш зарурати пайдо бўлди.

Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ташкил қилиниши ҳақидаги декрет лойиҳаси устида ишлаш 1922 йил бошида авж олиб кетди. 9 май 1922 йилда¹ Туркистон Республикаси Совнаркоми ва Марказий Ижроия Қўмитаси 1922 йил 3 июнда қонуний кучга кирган Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ҳақидаги Низомни тасдиқладилар². 1922 йилнинг июнь ойида Туркистон АССРда

¹ Известия ТуркЦИК. 1922, 3 июня

² ЦГА Республики Узбекистан Ф. 25, оп. 1. Д. 19-а. Л. 161.

прокуратура ҳам марказда ҳам жойларда ташкил этилди¹. Шундан бошлаб Туркистонда прокуратурани ташкил этилиши бошланди.

Туркистонда прокуратурани ташкил этилиши ушбу регионда давлат фаолиятининг сифатли бўлган янги шаклини ва принципиал янги давлат функциясининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Прокуратура органларига умумий назоратдан ташқари, ҳар қандай мансабдор шахсга нисбатан ўз ташаббусига кўра ҳам, ариза ва шикоятларга кўра ҳам суд таъқибини қўзғатиш ва шу шахсларни ушлаш ваколати берилди.

Низомга мувофиқ бутун прокуратуранинг бошида Туркистон Республика прокурори ҳисобланган-адлия комиссари турар эди. Давлат прокуратураси бўлимини НКЮ (Народный Комиссариат Юстиции) ҳайъати аъзоси-адлия наркоми ўринбосари бошқарар эди. Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1922 йил 1 августдаги Қарори билан республика ҳудудида РСФСР Жиноят-процессуал Кодекси амалга киритилди. Ушбу Кодекса жиноятларни тергов қилишни назорат қилиш бўйича прокурорга берилган жуда ҳам катта ваколатлар аниқ белгилаб берилди.

БутунбухМИКсининг 21 ноябрь 1922 йилдаги қарори билан БутунбухМИКсининг Олий назорати бўлинмаси сифатида Прокуратура ташкил этилди². Ушбу ҳолатнинг қабул қилиниши билан 1922 йил ноябрь ойида ҳақиқатда амал қилаётган БХСРси прокуратурасининг ҳуқуқий мақоми юридик мустаҳкамланди. 1923 йилги адлиянинг Халқ Назорати ҳақидаги Низомига мувофиқ адлия Халқ нозири бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳам ҳисобланар, шу муносабат билан унга жуда ҳам кенг ваколатлар берилган эди. Прокурор назорати БХСРсининг адлия Халқ Назоратининг давлат прокуратура бўлими орқали амалга оширилар эди. Бўлимга республика прокурори томонидан лавозимига тайинланиб,

¹ Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларини ташкил этилиши ва ривожланиши. Юр. фанлар докторлиги учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 1993, 16 -бет.

² ЦГА Руз. Ф. 64. оп. 1. Д. 96. Л. 3.

лавозимидан озод қилинадиган БХСРнинг прокурорини ёрдамчиси бўлган мудир бошчилик қилар эди.

1924 йилнинг 24 сентябрь куни ХХСР Советларнинг МИК қарорига асосан адлиянинг Халқ Назорати ҳақида Низом қабул қилинган.¹ Халқ Назорати ҳақидаги Низомга мувофиқ адлия Халқ нозири бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳам ҳисобланар, республикадаги қонунийлик устидан умумий назоратни амалга ошириш вазифаси унга юклатилган эди. Бевосита прокурор назоратини адлия Назоратининг прокуратура бўлими амалга оширар ва *қуйидаги вазифаларни бажарар эди*: давлат номидан барча ҳокимият органлари, хўжалик муассасалари, жамоат ва хусусий муассасалар ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириб, айбдор шахсларга нисбатан жиноий таъқиб вазифасини бажариб ҳамда жиноят иши қўзғатар ва ноқонуний қарорларга нисбатан протестлар киритиш; жиноятларни очиш ва тергов қилиш соҳасида суриштирув ва тергов органлари фаолияти устидан бевосита назоратни амалга ошириш, шунингдек, давлат сиёсий бошқармаси фаолияти устидан; озодликдан маҳрум этиш жазоларни ижро этиш жойлари ва меҳнат тузатиш муассасаларида фаолиятни тўғри амалга оширилаётганлигини назорат қилиш; Олий судга нисбатан прокурор назорати функциясини амалга ошириш.

1926 йил 29 сентябрь куни ЎзССР Советларининг МИК томонидан тасдиқланган ва 15 февраль 1927 йили амалга киритилган ЎзССР суд тузилиши тўғрисидаги Низом, 1925 йилги НКЮ ҳақидаги Низомни ривожлантириб, прокуратурага қонун бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан интизомий ва маъмурий таъқиб қилиш ҳуқуқини бериб, прокурорга жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясида хулоса бериш ҳуқуқини ҳам бериб, жиноятчиликка қарши курашувчи барча органлар фаолияти устидан умумий назоратни амалга ошириш ҳуқуқини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Прокурори бир вақтнинг ўзида республика адлия халқ комиссари ҳисобланиб, республика ҳукуматининг таркибига кирар эди. Натижада, республика

¹ ЦГА Руз. Ф71. оп. 1. Д. 144. Л. 66.

прокурори ЎзССР МИҚ томонидан тайинланиб, ўриндошлик қилса ҳам, барибир республика Халқ Комиссарлар совети олдида адлиянинг халқ комиссари сифатида ҳисобдор эди. Республика прокурори қонунийлик устидан назорат қилиш функциясини бошқарув функциялари билан аралаштириб олиб борар эди, бу эса албатта, назорат функциясини амалга оширишда салбий таъсирга эга бўлар эди. 1929 йилнинг 27 январ куни ЎзССР адлия Халқ Комиссариати (Наркомюст) НКЮ (адлия халқ комиссарлиги) қошида прокуратура бўлими тўғрисида Низом қабул қилинди. Низом талабига кўра, прокуратура органлари фаолияти устидан раҳбарликни ЎзССР ҳудудида республика прокуратураси бўлими ўз кўлига олди. Бўлимни нарком эмас, ЎзССР адлияси бир вақтнинг ўзида Республика прокурори ҳисобланган ЎзССР Халқ Комиссарлар Советининг ўринбосари амалга оширар эди.

1931 йилнинг 23 сентябрида ЎзССР Советларининг Халқ Комиссариати ва МИҚси ЎзССР адлияси халқ комиссариати тўғрисидаги янги Низомни тасдиқлади.¹

Низомга мувофиқ прокуратура бўлим сифатида эмас, АХК(НКЮ) таркибидаги адлия Наркомининг ўринбосари ҳамда республика Прокурори бошчилик қиладиган мустақил ташкилот сифатида кўрилар эди. 1933 йилнинг 10 июль кунги СССР СНК ва МИҚнинг ССР Иттифоқи Прокуратурасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори прокуратура тарихида аҳамиятли воқеа ҳисобланади. СССР СНК ва МИҚнинг 1933 йилнинг 17 декабр кунги қарори билан СССР Прокуратураси тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Шу билан бир вақтда СССР Олий суди Прокуратурасини бартараф қилинди. Низомда СССР Прокуратурасининг функцияси ва ташкил этиш тартиби, шунингдек, ҳозирда ҳам асосан сақланиб қолган прокурор назоратининг йўналишлари белгилаб берилди, *хусусан олганда*: умумий назорат; милиция ва ОГПУ ҳаракатларининг тўғрилиги ва қонунийлиги устидан назорат; дастлабки тергов устидан

¹ ЦГА Руз. Оп. 9. Д. 153. Л. 169-173.

назорат; суд органлари томонидан қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат; ахлоқ-тузатиш меҳнат муассасалари фаолиятининг тўғрилиги ва қонунийлиги устидан назорат.

Прокуратура ҳаётининг маълум бир босқичи шундай давр билан боғлиқки, бу даврда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти шундай шакллантирилган эдики, биринчи режага давлат ҳокимиятининг олий органлари томонидан устивор деб ҳисобланган жазо муассасалари чиқиб олдилар. Фақатгина 50-йиллар ўртасида қонунийликни мустаҳкамлаш, давлатнинг ҳуқуқий базасини яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

1955 йилнинг 24 май куни қабул қилинган СССРда Прокурор назорати тўғрисидаги Низом прокуратуранинг ривожланишида навбатдаги муҳим босқич бўлиб хизмат қилди. Унда давлатда қонунийликнинг мақсади ҳақидаги ғоялар қонун билан мустаҳкамланиши ва келгусидаги ривожланиши ҳамда прокурор назоратини оғишмай таъминланиши ўз ифодасини топди. Низомда прокурорларнинг ваколатлари, вазифалари ва фуқаролик ҳамда жиноят иш юритувида аниқланган қонунбузилишларга нисбатан прокурорлик таъсир чоралари қўллаш тартиби белгиланди. Кейинчалик Низомдаги мазкур нормалар Жиноят ва фуқаролик иш юритуви Асосларига, ахлоқ-тузатиш меҳнат қонунчилигига киритилган.

Ҳарбий прокуратура органлари ҳам ташкил этилди. 1966 йил 14 декабрда тасдиқланган Ҳарбий прокуратура ҳақидаги Низомда ҳарбий прокуратура тизими ва тузилиши, ҳарбий прокурорларнинг ваколатлари, улар фаолиятида ҳудудий прокурорлар билан ўзаро муносабат ўз ифодасини топди. Унга кўра, ҳарбий прокуратура совет прокуратура органлари тизимига киришлиги ва СССР Бош прокурори олдида ҳисобдорлиги белгиланган.

1977 йилда Конституциянинг қабул қилиниши қонунийлик устидан назоратни таъминлаш бўйича янги қадамлар қуйилиши билан боғлиқдир. Улардан биттаси СССР Прокуратураси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳақидаги қарордир. Бундай қонун СССР Олий Советининг 10 қақриқ 2 сессиясида 1979 йил 30 ноябрда қабул қилинган. Унда совет прокуратураси органларини ташкил этиш ва улар

фаолияти асосини ташкил этувчи принципларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва мустақкамланиши, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган.

Прокурор назорати 1980-1990 йиллардаги авторитар режим йўлбошчиси, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг бир қисми бўлиб хизмат қилди. Прокуратурадан куч ишлатиш чораларини қўллаш зарур бўлган жойларда, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий ричаглар ишлаши лозим бўлган жойларда фойдаланилди. Шундай тажриба натижасида кўпгина идоралар, совет ва назорат органлари қонунийлик ва интизомга риоя қилиниши устидан ҳақиқий назоратни ва тўлаликни таъминланмаслигига олиб келди. Улар томонидан ўзларига берилган ваколатларидан тўлиқ фойдаланилмаганлигига сабаб, зарур бўлса прокурорлар томонидан прокурор таъсир чоралари ва жинойт ҳуқуқий чоралар қўлланишига ишониб қолдилар.

Мустақиллик гоёлари билан суғорилган 1991 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонун Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг янги мақомини боиланишига йўл очиб берди. 1992 йил 8 январда "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. 1992 йилнинг 9 декабрь куни "Прокуратура тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, унда мустақил Ўзбекистон прокуратурасининг вазифалари, унинг фаолиятини ташкил этиш принциплари, прокурорларнинг ваколатлари белгилаб берилди. Аммо, вақтнинг ўзи ҳуқуқий давлатни қуриш шароитида ва суд ҳуқуқ ислоҳотлари даврида прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштирилиши лозимлигини талаб этди.

Бунинг исботи сифатида 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинишини мисол қилиб олсак бўлади. Шунини эътироф этиш лозимки, бу қонун билан прокуратура органларининг қатор ваколатлари бир мунча чегараланди. Янги қонун бўйича прокурор назорати объектдан фуқаролар чиқариб ташланди, чунки демократик жамиятда прокурорлик назоратининг объекти фуқароларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши бўлиши лозим.

Ҳуқуқий давлат қуриш шароитида прокуратура иқтисодий, ҳўжалик, ижтимоий ва ташкилий масалаларни ҳал этаётганида мажбурулов идорасидан шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилувчи органга айланиши керак. Айнан шундай прокурор назоратигина ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларига мувофиқ бўлади, яъни натижада улар фаолияти фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилади.

Қонуний манбалар

1. 1992 йил 8 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., "Ўзбекистон", 1992 й.

2. 1992 йил 9 декабрдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун (ўзг.: янги таҳрир-29 август 2001 йил. № 257 II Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 й, № 1, 29 м, № 6, 266м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 й., № 9, 145м.; 1997 й., №2, 56м., №9, 241м.; 1999 й., № 9, 229 м.)

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси. Т.: "Адолат". 1999 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодекси -Т.: Ўзбекистон, 1998 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга қўшимча чоралари тўғрисида"ги 11.03.2004 й. №3406 Фармони.

Махсус адабиётлар

1. Басков В.И. Прокурорский надзор. Учебник для вузов с приложением нормативных актов. М.: Зерцало, 1998.

2. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. Под ред. К.Ф. Гуценко. - М.: ЗЕРЦАЛО-М, 2001.

3. Махбузов М. "Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши", Юридик фанлари доктори илмий унвонини олиш учун Автореферати.-Т., 1993 й.

4. Новиков С.Г. Прокурорская система в СССР. -М.: 1977.


5. Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия (под редакцией М.Ю. Тихомирова), М.: 1997.

Назорат саволлари


1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти сифатидаги прокурор назорати тушунчасини тушунтириб беринг.
2. Прокурор назоратини бошқа назорат турларидан фарқларини айтиб беринг.
3. Прокурор назорати кимнинг номидан амалга оширилади?
4. Прокурор назорати қайси ҳудудларда амал қилади?
5. Прокурор назорати қайси субъектларга нисбатан амалда бўлади?
6. Қонун бузилиши ҳолатига нисбатан прокурор таъсир чораларининг ўзига хос шакли нимадан иборат?
7. Прокуратура органи қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан прокурорлик назорати функциясидан бошқа функцияларни ҳам бажарадими?
8. Прокурор қабул қилинаётган қарорлар ва ҳаракатларни мақсадга мувофиқлигини назорат қиладими?
9. Прокуратурани вазифаларини санаб ўтинг ва уларга тушунча беринг.
10. Прокуратурани вазифалари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ва одил судлов органларининг вазифаларига мувофиқми?
11. Прокуратура фаолиятини ташқил этиш принципларини айтиб беринг.
12. Прокуратура органларини ривожланиш босқичларини ёритиб беринг.
13. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларига қайси прокуратура турлари киради?
14. Прокурор назорати тармоқларига тушунча беринг ва уларни санаб беринг.
15. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси функцияларини айтиб беринг.
16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори мақоми қандай?
17. Прокуратура органлари ходимлари ва терговчи ва прокурор лавозимига номзодлар учун қўйиладиган талабларни санаб ўтинг.
18. Прокуратура ходимларини ҳуқуқий, ижтимоий ва моддий таъминоти ҳақида гапириб беринг.

19. Прокуратура ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш.
20. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳайъати таркиби ва ваколати қандай?
21. Ким томонидан лавозимга тайинланади:
- А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;
- Б) Ўзб. Рес. Бош прокурорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари;
- В) бош ҳарбий прокурор ва унинг ўринбосарлари;
- Г) қуйи турувчи прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг марказий аппарати ва қуйи турувчи прокуратураларнинг бошқа ходимлари.
22. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини прокуратура органлари устидан раҳбарлиги юзасидан ваколатларини ёритиб беринг.
23. Прокурорлар, терговчилар ва прокуратуранинг бошқа ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш тартиби ва асосларини тушунтириб беринг.
24. Прокуратура ходимлари учун қандай даражали унвонлар белгиланган?
25. Даражали унвонни бериш, даражали унвонини пасайтириш ва даражали унвондан маҳрум қилиш тартиби қандай?


Ўзбекистон Республикасининг тузилмаси




Тошкент шаҳар прокуратурасининг тузилмаси




Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасининг тузилмаси



Вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳар туманлари прокуратураларининг пажунавий тузилмаси



Туман (шаҳар) ва уларга тенглаштирилган ҳарбий округ, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва махсус прокуратураларнинг намунавий тuzилмаси



XIII БОБ. ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШ

13.1. Жиноятларни очиш ва тергов қилиш тушунчаси

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва асосий қонунимиз — Конституциянинг қабул қилинишидан буён мамлакатимизда муҳим тарихий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон саҳнасига дадил кириб бормоқда. Мамлакатимизда мулкчилик шакллари равожлантириш, бозор муносабатларини шакллантириш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берувчи ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш каби муҳим вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг шакллари бўлган жиноятларни очиш ва тергов қилиш масалалари ўртасида аниқ бир чегарани белгилаш қийин. Жиноятни очиш — бу жиноят аломатларига эга бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, ҳодисаларни, яъни жиноят қонунчилигига мувофиқ жиноят деб таърифланадиган (ҳисобланадиган) ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва ҳодисаларни ошкор қилишни (топиш, аниқлаш, белгилаш ва ш.к.) англатади.

Кўпчилик ҳолатларда жиноят аломатларига эга бўлган фактни аниқлаш катта қийинчилик туғдирмайди. Жиноят ўз ўзидан маълум бўлади: унинг содир этилганлиги тўғрисида кимларнингдир зарарли ҳаракатлари (уй ёқиб юборилган, мулк ўғирланган ёки унга зарар етказилган, тан жароҳатлари етказилган ёки соғлиққа бошқа зарар етказилган, таниш ёки яқин одам ўлдирилган, автомобил ўғирланган ва ҳ.к.) тўғрисида жабр кўрган кишилар ёки ташкилотлар хабар берадилар. Бу ҳолатларда тегишли давлат ташкилотлари (одатда милиция) манфаатдор шахслар (жабрланувчилар) томонидан маълумотни олган вақтдан бошлаб жиноят содир этилганлиги факти аниқланган ва олинган маълумот текширилгач, жиноят ҳодисаси амалга оширилган деб ҳисобланади. Ва бу ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим, чунки у кейинги амалга оширилиши керак бўлган фаолиятга, яъни терговни олиб боришга асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ кўпчилик ҳолатларда жиноят содир этилганлиги факти пухталиқ билан яширилади ва уни аниқлаш учун ваколатли органларнинг тезкор ҳаракатлари талаб этилади. *Масалан*, банкнинг ёки бошқа тижорат ташкилотларининг ўз миқозларига зарар келтирувчи ҳийла-найрангларни аниқлаш учун ўта юқори малакали текширув ишини амалга оширишни талаб этади. Бундан ташқари, тусатдан йўқолиб қолган кишининг тақдирини аниқлаш, жосуслар томонидан ўта яширин амалга ошириладиган ишларни ва бошқаларни аниқлаш ҳам жуда мураккаб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда жиноят аломатларини аниқлашда махсус тайёргарликка эгалик, тегишли техник ускуналар билан таъминланганлик ва ишни яхши ташкил этиш талаб этилади. У пухта режалаштирилган ҳаракатлар тизими каби амалга оширилади ва маълум бир босқичга келиб жиноят аломатларига эга бўлган фактни тергов қилишга ўтади. Бундай ҳаракатлар маълум ҳолатлар ва аниқланаётган фактлар мазмунига кўра турли хил номланиши мумкин — разведка, контразведка ва кўпчилик ҳолларда тезкор-тергов ҳаракатлари. Одатда кўпчилик содир этиладиган жиноятларга нисбатан тезкор-тергов ҳаракатлари қўлланилади.

Жиноятни тергов қилишдан олдин уни ошкор қилиш амалда бўлмаслиги ҳам мумкин. Кўпгина ҳолларда бир жиноий ишни тергов қилиш жараёнида бошқа жиноятларнинг аломатлари бўлган фактлар аниқланади. Бундай ҳолларда жиноят аломатлари бўлган ҳаракатларни аниқлаш ва уларни тергов қилиш ўртасида аниқ бир чегарани белгилаш мумкин эмас.

Жиноят ишларини тергов қилишни кўпинча *дастлабки тергов* деб аташади. Чунки, дастлабки тергов жараёнида дастлабки хулосаларга келинади ва сўнгра жиноят иши судда кўриб чиқилади. Дастлабки тергов жараёнига жиноят содир этилганлигини аниқлаш, айбланувчи ёки айбланувчиларни қидириш ва уларнинг жиноятларини ошкор қилиш, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриш ва янги жиноятларнинг олдини олишдан иборат ишлар киради. Дастлабки тергов ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Юқоридаги таърифда кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун дастлабки тергов органларига қонунга

мувофиқ (асосан ЖПКда келтирилган) алоҳида ваколатлар берилган. Биринчи навбатда, уларнинг вазифалари шахснинг жиноят содир этганликдаги айби ёки айбсизлиги бўйича далил-исботларни тўплашдан иборатдир. Агар дастлабки тергов органлари томонидан шахснинг айбдорлиги бўйича далил-исботлар тўпланиб бўлинса, у ҳолда бу органлар айблов хулосасида ўзларининг хулосаларини баён этган ҳолда, терговнинг қонунийлиги устидан назорат қилувчи тегишли прокурор орқали барча иш материалларини судга тақдим этадилар. Суд ўз навбатида шахс (шахслар)нинг жиноят қилганликдаги айби масаласини кўриб чиқади ва жазо чорасини белгилайди.

Судда тергов натижасида чиқарилган, далил-исботлар билан тасдиқланган айблов кўриб чиқилади. Суд тергов органи чиқарган хулосаларни ва истисно қилган версияларни текшириб чиқади. Ушбу маълумотлар билан судни таъминлаш суриштирув ва дастлабки тергов жараёнининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам судда ишни кўриб чиқишда тергов жараёнининг аҳамияти муҳим эканлигини бежизга таъкидлаб ўтишмаган.¹

Тергов органлари судда бўлмаган имкониятларга эга. Улар жиноят-процессуал далил-исботларнинг манбааларини тезкор қидириш, тўплаш ва текширишдан иборат тергов ҳаракатларини олиб борадилар. Шу билан бирга улар тезкор-қидирув ҳаракатларининг натижаларидан фойдаланадилар. Қонунда белгиланган, чегараланган вақт мобайнида (ЖПК 341 ва 351-моддалар) тергов органлари жиноятни очишлари, айб зълон қилишлари ва айбланувчини фош қилишлари шарт. Тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёни жиноят ишини қўзғатиш вақтида маълум бўлмаган бошқа жиноятларни аниқлашга ҳам имкон беради.

Жиноят ишларини тергов қилиш бутун бир процессуал чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда дастлабки тергов аҳамияти нақадар катта эканлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин. Суд ҳукмининг қонунийлиги,

¹ Башкатов Л.М., Ветрова Г.Н., Донценко А.Д., Жажицкий В. И. Уголовный процесс / Под ред. Долговой А.И. - М.: НОРМА, 2001.

асосланганлиги ва адолатлилиги дастлабки терговнинг тезкорлиги, ўз вақтидалиги ва холислигига бевосита боғлиқ. Юқори сифатли ва пухта амалга оширилган дастлабки тергов судга жиноят ишини тўғри кўриб чиқиш, судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлигини аниқлаш, тегишли жазони белгилашга имкон беради.

ЎЗРда дастлабки текшириш дастлабки тергов шаклида олиб борилади. Суриштирув дастлабки босқич саналади. Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ўртасида ҳам ўхшашлик ҳам фарқ томонлар мавжуд. Улар учун умумий бўлган хусусиятлар *қуйидагилардан иборат*: улар турли хил жинойи ишлари бўйича бир хил вазифаларни амалга оширадilar; жиноят аломатлари мавжуд бўлган ҳолатларда ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғашлари шарт; ўз фаолиятларини ягона жиноят-процессуал қонунчилик асосида амалга оширадilar; ўз фаолиятлари давомида ягона процессуал қоидаларга амал қилишлари лозим.

Улар ўртасидаги асосий фарқ суриштирув ва дастлабки тергов жараёни турли органлар томонидан амалга оширилишида. Маълум ҳолатларда суриштирув дастлабки терговдан олдин амалга оширилади. Бундан ташқари, суриштирувчи ва терговчининг ваколатлари ҳамда суриштирув ва тергов муддатлари бўйича фарқ мавжуд.

ЖПКнинг 345-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт.

Суриштирув органларига жиноятларни ва уларни содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда жиноятни содир этганликда гумон қилинувчиларни ушлаш мақсадида жиноят-процессуал қонунчиликда кўзда тутилган тергов ҳаракатларини ўтказиш, тегишли тезкор-қидирув ишларини ўтказиш ва бошқа чораларни кўриш ваколатлари берилган.

Тезкор-қидирув ишлари жиноят ишларини тергов қилиш фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, мулк ҳуқуқини ҳимоялаш, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ошкора ёки махфий равишда амалга ошириладиган тезкор-қидирув чора-тадбирларидан иборат бўлган фаолият сифатида таърифлаш мумкин.

Дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятининг ососий мақсади жиноятчиликка қарши курашишдир. Ўз моҳиятига кўра улар ҳуқуқий характерга эгалар. Бироқ, тезкор-қидирув ёрдамчи бўлиб, унинг натижалари иш бўйича далил-исбот бўла олмайди, фақат терговни олиб боришда йўл кўрсатувчи маълумотлар ҳисобланади. Шу билан биргаликда, мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилган тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатлари жиноятларини очиш ва уларни содир этган шахсларни фош қилиш имконини беради. Айнан шу сабабдан ўта мураккаб ва хавfli жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда идоравий тезкор-қидирув гуруҳлари билан бир қаторда идоралараро тезкор-қидирув гуруҳлари ташкил этилади.

13.2. Дастлабки тергов тушунчаси ва унинг вазифалари

Жиноят ишларини судда кўриш ва процессуал ҳуқуқнинг муҳим таркибий қисмларидан бири дастлабки тергов бўлиб, унинг вазифаси Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши кураш мақсадига йўналтирилган ва самарали кураш олиб боришни таъминлаш ҳисобланади.

Бу вазифани ҳар бир жиноят иши бўйича объектив ҳақиқат ўрнатилиши таъминлангандагина амалга ошириш мумкин бўлади. Жиноят иши бўйича объектив ҳақиқатни белгилаш, яъни ҳақиқатда воқеалар қандай бўлганлигини текшириш учун айбланувчининг айбдорлиги ва жиноят қилганлиги бўйича далил-исботларни тўплаш, асослаш, баҳолаш ва ягона бир тизимга келтирган ҳолда хулоса чиқариш даркор.

Шу мақсадда иш судда кўриб чиқилмасдан олдин ҳар бир жиноят иши бўйича дастлабки тергов ўтказилиши лозим. Одатда дастлабки терговнинг ўтказилиш вақти жиноят содир этилган вақт билан бир вақтда ва якка тартибда олиб борилади ва ишни судда кўриб чиқиш учун зарур бўлган далил-исботларни тўплашда ўта ҳаракатчанлик ва тезкорликни таъминлаб беради.

Дастлабки тергов органлари бутун фаолиятлари давомида ҳеч бир жиноят иши очилмасдан қолмаслиги ва ҳеч бир жиноятчи жинойий жазодан қочиб қутулмаслигини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари, бу органлар

фақат ҳақиқий жиноятчиларнигина қилмишларига яраша жазо олишларини таъминлаш йўлида ўз фаолиятларини ташкил этадилар. Дастлабки тергов давомида иш ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилиб чиқилади ва бу жараён вақтида айбланувчини қораловчи ёки оқловчи ҳамда айбни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланади.

Шунга қарамасдан, тергов дастлабки, деб аталади, чунки уни юритиш давомида жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг айбдорлиги масаласи ҳал этилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади". Шахсни айбдор, деб фақат суд топиши мумкин, лекин бу дастлабки терговнинг аҳамияти камситилишини англамайди. Дастлабки терговнинг сифатли ва тўлиқ амалга оширилиши судда ишни муваффақиятли кўриб чиқилишининг гарови саналади. Агар ушбу шарт бажарилмаса ва суд жараёнида тўлдирилмаса, у ҳолда иш кўшимча терговга юборилади.

А.М. Ларин дастлабки тергов фаолиятини тавсифлар экан, у "судгача ва суд учун амалга оширилади"¹, деб таъкидлаган.

Бу тавсиф шунчаки жонли ўхшатиш бўлиб, унчалик тўғри эмас. Тергов қилинаётган жиноят иши суд жараёнигача бориб етмаслиги ҳам мумкин. Агарда қонуний асослар мавжуд бўлса, у ҳолда иш терговчи ёки прокурор томонидан тугатилиши мумкин.

Дастлабки тергов жиноятни ошкор қилиш усуллари ва шакллари, айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш ва ишни судга тақдим этиш учун замин яратиш каби процессуал қоидаларни тартибга солувчи юридик нормаларни ўзида мужассамлаштирган жиноят-процессуал ҳуқуқининг мураккаб институти ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу институтнинг нормалари жиноят ишини тергов қилиш

¹ Ларин А.М. Расследование по уголовному делу. Планирование. организация. -М.: Юрид. лит., 1970, 9-бет.

давомида жиноий ҳаракатнинг юз бермаганлигини аниқласа ёки қонунга мувофиқ асосларга кўра айбдорни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тақозо этилган ҳолатларда жиноий ишни тугатиш тартибларини ҳам белгилаб беради.

Дастлабки тергов институти вужудга келган пайдан бери жиноят-процессуал ҳуқуқнинг ажралмас бир қисми бўлиб келмоқда. Унинг мақсади ҳар доим дастлабки тергов ва суриштирув органларининг фаолияти мобайнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий барқарорлиги, аниқлиги ва очиқ-ойдинлигини таъминлаш ҳамда ўзбошимчалик ва қонунсизликни бартараф этиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборатдир.

Дастлабки тергов деганда жиноятларни очиш, айбланувчини жиноий жавобгарликка тортиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқишга тайёрлашдан иборат бўлган жиноят процессининг бир босқичи тушунилади.

Дастлабки тергов ўзининг моҳияти ва мақсадини ифодаловчи *қуйидаги жиҳатлари билан характерланади.*

Авваламбор, у жиноятни очиш, айбланувчини жиноий жавобгарликка тортиш ва жиноят ишини суда кўриб чиқишга замин яратиш давомида вужудга келадиган процессуал ҳаракатларнинг узвийлигидан иборат бўлган процессуал фаолият ҳисобланади. Дастлабки тергов жараёнида фақат бевосита жиноят-процессуал қонунчилигида кўзда тутилган чораларгина қўллашга йўл қўйилади.¹ Шу билан бирга юқорида айтиб ўтилган ҳаракатлар ва муносабатлар ҳар бир иш бўйича объектив ҳақиқатга, қонун талабларига амал қилинган ҳолда ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоясини таъминланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

¹ Баъзи хорижий мамлакатларда, масалан АҚШда тергов органлари ходимлари фаолиятининг тартиб-қоидаларини тартибга солувчи ва бутун мамлакат бўйлаб ва барча ҳудудларда амал қилувчи қонунчилик мавжуд эмас. Тергов органлари ходимлари дискрецион ҳокимиятларининг чегараларини белгилаб берувчи ва бутун мамлакат бўйича амал қилувчи ва ҳуқуқий жараённинг тўғрилигининг асосий шартларини белгилиб берувчи ҳуқуқий нормалар фақат АҚШ Конституцияси ва АҚШ Олий Судининг қарорларигина ҳисобланади. Қаранг: Николайчик В.М. Уголовный процесс США. - М.: -Наука, 1981, 19-бет.

Дастлабки тергов бўйича барча процессуал фаолият махсус мансабдор шахслар — терговчилар томонидан амалга оширилади. Қонун бошқа ҳеч қандай идора ва шахсларга тергов олиб бориш ваколатини бермаган. Прокурор бундан мустасно. Суриштирув органларининг жиноят иши бўйича суриштирувни бошлашлари (ЖПК 340-модда) дастлабки тергов ҳисобланмайди. Ҳозирги кунда барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт (ЖПК 345-модда, 1-банд), суриштирув эса амалга оширилмаслиги ҳам мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 344-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин.

Аммо терговчиларнинг давлат аппарати тизимидаги ўрни масаласи бизнинг юридик адабиётимизда кўплаб мунозараларга сабаб бўлган.

Дастлабки терговни ким олиб бориши керак, деган масала бўйича турли хил нуқтаи назарлар билдирилган. Бир тоифадаги муаллифлар барча терговчиларни прокуратура органларида мужассамлаштириш керак деса, иккинчи тоифадагилари — милиция органларида ва учинчи тоифадагилари — махсус тергов органларида мужассамлаштириш керак деган фикрларни билдирганлар. Юқоридаги ҳар бир таклиф ҳам ижобий ҳам салбий томонларга эга.¹

Айни пайтда қонун чиқарувчи орган тергов аппаратлари прокуратура органлари, ИИВ ва МХХда фаолият юритиши лозим, деб топган. Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин (ЖПК 344-модда). Бу терговчилар процессуал жиҳатдан бир хил мустақилликка эга бўлиб, уларнинг ваколатлари фақат тергов қилинаётган ишларнинг тегишлилиги бўйичагина аниқ белгилаб берилади.

¹ Перлов И.Д., Рагинский М.Ю. Назревшие вопросы дознания и предварительного следствия. Сов. гос. и право, 1957, №4, 115-121-бетлар; Строгович М.С. О дознании и предварительном следствии и о едином следственном аппарате. Соц. законность, 1957, №5, 19-26-бетлар; Истина... и только истина! Пять бесед о судебной-правовой реформе. -М.: Юрид. лит., 1990, 240-309-бетлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 121-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамбат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади.

Турли идораларнинг терговчилари ўртасида ишларни кўриб чиқиш кетма-кетлиги амалга оширилган жиноятларнинг характери ва уларни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатларига қараб аниқлаб берилади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишларни кўриб чиқиш кетма-кетлиги тартиби прокуратура, МХХ ва ИИВнинг тергов аппаратларига бир хил оғирликдаги вазифаларни юклайди (ЖПК 345-346-моддалар).

Шундай қилиб, дастлабки тергов жиноий процессида суддан ташқари бўлган фаолият ҳисобланишини характерлайди. Аммо, баъзи хорижий мамлакатларда, хусусан Францияда қонунга мувофиқ дастлабки терговни олиб бориш вазифаси тергов судьясининг зиммасига юклатилган. Бунинг учун полиция суриштируви тамомлангандан сўнг прокурор томонидан чиқариладиган хулоса асос бўлади. Бундай хулоса агар прокурор ушбу иш бўйича дастлабки терговни ўтказиш лозим, деб топган ҳолларда чиқарилади. Акс ҳолларда тўлиқ тергов кўринишидаги суриштирув полиция органлари томонидан олиб борилади ва бу аксарият жиноят ишларига нисбатан қўлланилади.

Дастлабки тергов жараёнида судья жиноят-процессуал қонунчиликда кўзда тутилган барча зарур тергов ҳаракатларини амалга оширади, процессуал мажбурлов чараларини кўриш ҳақида буйруқ чиқаради. Бундан ташқари, айбланувчини "ижтимоий текширувдан" ўтказиши, яъни унинг ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ва оилавий аҳволини, соғлиги ва психикасининг аҳволини ўрганади. Маълум бўлган маълумотлар судья томонидан ҳисобга олинади, лекин бевосита жиноят иши материалларига киритилмайди, алоҳида юритилади. Дастлабки терговни тугатгач, тергов судьяси

прокурор билин келишилган ҳолда ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.¹

Шундай қилиб, баъзи хорижий мамлакатларда эътироф этилган тергов концепцияларига мувофиқ дастлабки терговни тергов судьялари ёки суд терговчилари томонидан амалга оширилиши бизда кераклигича эътироф этилмаган ва ривожланмаган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида дастлабки тергов қонунийлик ва шахс ҳуқуқлари кафолатини мустақамлаш, фуқароларни қонун ва ҳуқуқ-тартиботни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашда жиноят процессининг муҳим бир босқичи бўлиб келмоқда.

Ниҳоят, дастлабки терговнинг асосий масалаларидан бири — унинг вазифалари ҳисобланади.

Барча терговчилар учун умумий бўлган ва улар фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берадиган процессуал вазифалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида ўз ифодасини топган.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир (ЖПК, 2-модда).

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартиби қонунийликни мустақамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт (ЖПК, 345-модда, 1-қисм). Суриштирув эса жиноят ишини тергов қилишнинг дастлабки босқичи (у ҳамма ишлар бўйича ўтказилиши шарт эмас) бўлиб, унда

¹ Абдумаджидов Г.А., Саркисянц Г.П. *Правосудие и уголовный процесс Франции, Высшая школа МВД, ТГЮИ. Лекция. - Т., 1992, 28-29-бетлар.

жиноят изларини аниқлаш ва жиноятни ошкор қилиш ҳамда жиноятчини топиш учун тезкор-қидирув ҳаракатларини амалга оширади.

13.3. Дастлабки тергов ва суриштирув. Уларнинг ўзаро муносабати

Дастлабки тергов — бу уни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслар — терговчилар томонидан амалга ошириладиган фаолият бўлиб, процессуал қонунчиликка қатъий амал қилинган ҳолда амалга оширилади ва асосий мақсади жиноятларни аниқлаш ва айбланувчиларни фош қилиш ҳамда жиноятни содир бўлишига олиб келган сабаб ва шароитларни белгилашга йўналтирилган бўлади. Уни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин (ЖПК, 344-модда).

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида асосий иш миқдори терговчилар томонидан амалга оширилади. Аммо, баъзи ҳолатларда шу ишлар бўйича дастлабки терговдан олдин суриштирув амалга оширилади.

Кўпчилик ҳолларда содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ишлари бўйича хабар, ариза ва шикоятларни суриштирув органлари оладилар ва ишни ўрганишни бошлайдилар. Ушбу ҳолатларда суриштирув органларининг фаолияти далилларни тўплаш ва асослаш, ҳодиса содир бўлган жойни аниқлаш ҳамда жиноят содир этган шахсни фош этиш ва қўлга олиш, жиноятнинг олдини олишга йўналтирилган бўлади. Бу фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишига ўз вақтида тезкорлик билан ҳаракат қилиш ва яхши моддий-техник жиҳатдан таъминланганлик хизмат қилади. Шу сабабли деярли ҳар доим жиноят ишларини тергов қилишдан олдин амалга ошириладиган суриштирувнинг аҳамияти беқиёс ҳисобланади.

Суриштирувни процессуал қонунчиликка мувофиқ ваколат берилган давлат маъмурий органлари амалга оширадилар. Бу органларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасига мувофиқ қуйидагилар қиради:

1) милиция;

2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси қуроли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;

3) миллий хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазо ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов изоляторлари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек, мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;

5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қондаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

6) чегарани қўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8) давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — тегишли божхона, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича.

Қонунда суриштирув тушунчасига таъриф берилмаган.

Процессуал адабиётда суриштирув тушунчаси масаласи бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Маълум бир вақтгача кўпчилик процессуал қонунчилик мутахассисларининг ишларида суриштирувнинг асосий белгиси, хусусияти

сифатида унинг маълум бир вақт доирасида ва кечиктириб бўлмасдан амалга оширилиши, деб кўрсатиб келинган. Бундан ташқари, суриштирув ишлари жиноят ишини тергов қилиш жараёнининг илк босқичида амалга ошириладиган ҳаракатлар эканлиги ҳам таъкидланган. Баъзи муаллифлар суриштирувни "терговнинг дастлабки ёки энг содда шакли" сифатида таърифлаганлар. Бошқалари эса суриштирувни жиноят ҳодисасини ва моддий изларини аниқлашдан иборат дастлабки фаолият сифатида таърифлаганлар.¹ *М.С. Строгович* томонидан билдирилган фикрга мувофиқ жиноятларни очиш ва айбланувчи шахсни аниқлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлар суриштирувнинг асосий хусусияти ҳисобланади. "Суриштирув — бу тергов жараёнининг дастлабки босқичи бўлиб, унда жиноят излари қайд этилади ва жаноятни ошкор қилиш ва жиноятчини топиш учун амалга ошириладиган кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларидир"², деб ёзган *М.С. Строгович*.

Юқорида айтиб ўтилганлар билан бир қаторда, суриштирув тушунчаси бўйича янги нуқтаи назарни билдирувчи муаллифлар ҳам мавжуд. Уларнинг фикрига кўра суриштирув - бу фақат маълум давлат (маъмурий) органлари томонидан амалга ошириладиган фаолият бўлиб, у тезкор-қидирув ва тергов функцияларини уйғунлигида амалга оширилади ва асосий мақсади нафақат жиноятларни ошкор қилиш шу билан бирга жиноятларни топиш, уларни олдини олиш ва бартараф этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1956 йилдаги Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ суриштирув икки хил кўринишда амалга оширилиши мумкин бўлган:

1) иш бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт бўлган ҳолатлар;

2) дастлабки тергов ўтказилиши шарт бўлмаган ҳолатлар.

¹ Громов В. Дознание и предварительное следствие. - М.: 1928, 22-бет; Чельцов М. А. Сов. уголовный процесс. - М.: 1951, 288-бет.

² Строгович М.С. Курс сов. уголовного процесса. - М.: 1958, 274-бет. - То же определение М.С. Строгович повторил позднее. Қаранг: Строгович М.С. Курс сов. уголовного процесса, т. 2, - М.: 1978, 27-бет.

Иккинчи шаклдаги суриштирувда иш тўлалигича суриштирув органлари томонидан амалга оширилган ва дастлабки тергов олиб борилмаган ҳамда суриштирув материаллари судга тақдим этилган.¹

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги янги Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт (ЖПК, 345-модда, 1-қисм).

Ҳозирги кунда жиноятларни тергов қилишнинг (расследование) асосий ва ягона шакли дастлабки тергов (следствие) ҳисобланади.

Жиноят процессида суриштирув ва дастлабки тергов ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи тергов органларининг бутун тарихи давомида юридик матбуотда долзарб баҳс-мунозара мавзуларидан бири бўлиб келган. Бу баҳс-мунозарада ҳам процессуалист-олимлар, ҳам суриштирув, тергов, прокуратура, судлар ва адлия каби органларнинг амалий ходимлари иштирок этиб келишган.

1922 йилда профессор *П.И. Люблинский* юқоридаги икки шаклдаги суриштирувни "прокурор суриштируви" номли битта шаклга бирлаштиришни таклиф этганди.²

Дастлабки тергов ва суриштирувни ягона дастлабки терговга бирлаштириш ва уни амалга оширишни махсус яратилган тергов аппарати зиммасига юклаш таклифлари ҳам билдирилган. Бундай аппарат қаерда тузилиши ва қандай номланиши масаласи очиқ қолиб кетган.

Проф. М.С. Строгович бир неча йиллардан буён бошқа бир фикрнинг тарафдори бўлиб келмоқда.³ Муаллифнинг фикрига кўра суриштирув ва дастлабки тергов ўртасида фарқ ва қатъий чегара мавжуд эмас. Суриштирув маълум бир вақтда

¹ Ҳозирги кунда бундай шаклдаги суриштирув Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексининг 119 ва 120-моддаларида кўзда тутилган.

² Қаранг: *П.И. Люблинский*. Проект уголовно-судебной реформы в Германии в сопоставлении с УПК РСФСР, 1922, право, 1922 г., №3; его же гарантии прав подозреваемого при производстве дознания, "Вестник советской юстиции", 1924., № 15/25, 457-469-бетлар.

³ *Строгович М.С.* Вопросы уголовного процесса и Новая Конституция. Соц. законность, 1936, №7; Его же: Уголовный процесс. - М.: 1946.

терговга айланади. Жиноятни тергов қилувчи барча шахслар терговчиларга айланадилар. Бундай ҳолатни ўзгартириш даркор. Терговни суриштирув ва дастлабки тергов босқичларига бўлишни сақлаб қолиш керак. Аммо, асосий вазият терговчиларга тегишли бўлмоғи лозим. Фақат оддий, унга ижтимоий хавfli бўлмаган ишлар бўйичагина суриштирувни амалга ошириш билан чегараланиб қолиш мумкин.

Тергов олиб бориш кўзда тутилган ишлар бўйича суриштирув фақат дастлабки ва кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга ошириш билан чегараланиб қолиши лозим. Суриштирув органлари бу ишлар бўйича фақат қидирув функцияларини бажариш ҳуқуқига эга холос ва уларнинг фаолияти дастлабки тергов учун ёрдамчи характерни касб этиши керак. М.С. Строгович ўзининг фикрини қўллаб-қувватловчи ишончли далилларни келтирган. Суриштирув ва тергов органларининг ишлаш шароитлари ва амалий вазифалари бир-биридан фарқ қилади. Иш бўйича дастлабки материалларни топиш, тўплаш ва асослаш, жиноятчини бевосита ва фаол равишда ахтариш, уни топиш ва жиноятчини фош қилиш кабилар суриштирув органларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Дастлабки тергов органларининг ишлари эса бошқа шарт-шароитларда амалга оширилади ва вазифалари айбланувчининг айблилик масаласини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш, барча далилларни тўплаш ва таҳлил қилиш ҳамда айбланувчига қўйилган айбловдан ўзини ҳимоя қилиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Мураккаб ишлар бўйича терговнинг суриштирув органлари томонидан амалга оширилиши бу органлар фаолиятини мураккаблаштириши ва самарадорликнинг кучсизланишига олиб келиши мумкин эди. Бу ўз навбатида жиноятчиликка қарши курашга ҳам салбий таъсир кўрсатган бўлар эди.

Проф. М.С. Строговичнинг фикрларини профессорлар М.А. Чельцов, Д.С. Карев, доц. И.А. Гельфанд, ю.ф.н. Р.Д. Рахуновлар ҳам қўллаб-қувватлаганлар.

Юқоридаги барча муаллифлар милиция ва прокуратура-

нинг тергов аппаратидаги параллелизм ва кўп босқичлилик жиноятчиликка қарши курашга тўсқинлик қилади ва жиноят ишларни тергов қилишга салбий таъсир кўрсатади ҳамда расмиятчиликнинг кўчайишига олиб келади, деган фикрдалар. Кўпинча жиноят ишлари милиция органларидан тергов органларига ўтгунча вақт мобайнида жиноятчилар ва уларнинг ҳамтавоқлари жиноят изларини яширишга, далилларни йўқотишга, ўғирланган бойликларни беркитишга, гувоҳларга таъсир ўтказишга ва ҳатто тергов ва суддан қочиб кетишга улгуришлари мумкин. Мураккаб ишларни аввал милиция органларида сўнг прокуратура органларида тергов қилишда ишни ўрганиш учун прокуратура терговчилари кўп вақт йўқотадилар, бундан ташқари, олдин тегишли даражада амалга оширилган тергов ҳаракатларини такрорлайдилар.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, 1994 йилги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нима сабабдан жиноятларни тергов қилишнинг мустақил шакли сифатида суриштирувдан воз кечганлигини ва суриштирув органларини жиноят ишлари бўйича тўлиқ иш олиб боришдан озод этганлиги ва жиноят ишларини олиб боришнинг ягона шаклини ўрнатганлиги тушунарли бўлади.

Суриштирув органи жиноят ишини қўзғатганидан кейин кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажаради ва 10 сутка ўтгач (ЖПК, 340-341-моддалар) ишни терговчига беради.

Суриштирувчи жиноят ишини қўзғатганидан кейин ёки прокурор ёхуд суриштирув органининг бошлиғи томонидан қўзғатилган ишни олгач, дарҳол уни ўз иш юритувига қабул қилади ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажаришга киришади.

Қуйидаги ҳолларда суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан суриштирувчи ишни дарҳол терговчига ўтказиши лозим, *башарти*: оғир ёки ута оғир жиноят аниқланган бўлса; муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса; ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса; терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса (ЖПК, 342-модда).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддасида суриштирувнинг вазифалари яққол белгилаб берилган бўлиб, унга мувофиқ суриштирувнинг вазифалари қуйидагилардан:

- 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;
- 2) далилларни тўплаш ва сақлаш;
- 3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;

- 4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодексининг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари органлари бу мақсадда тезкор-қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақлидир.

Шундай қилиб, суриштирув ва дастлабки терговни умумлаштирувчи жиҳатлар ягона мақсад — тергов қилинаётган ишлар бўйича объектив ҳақиқатни ўрнатиш ва бир хил тергов ўтказиш тартиб-қоидаларига амал қилиш (ЖПК, 39-модда, 4-қисм) ҳамда жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ белгиланган бир хил вазифалардан (ЖПК, 2-модда) иборатдир.

Шу сабабли қонунчиликни янада мустаҳкамлаш йўлида жиноятчиликка қарши курашувчи органлар кучларини бирлаштириш ўта муҳим саналади.

13.4. Суриштирув органларининг ривожланиш босқичлари

Туркистоннинг Чор Россияси томонидан босиб олинишидан олдин ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида феодал давлатлар - Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлиги мавжуд

бўлган. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари бу давлатларда бўлмаган. Судда ишни кўриб чиқиш жабрланувчининг шикоят бериши билан бошланган. Одатда қозига ўз фойдасига ажрим чиқариш учун ҳамда муфти ва аъламга "фойдали" ривоят тўқиш учун кўпроқ пора берган бойроқ томон ишда ютиб чиққан.

Жойларда жиноятларни кўриб чиқишни кўпинча ҳокимлар, беклар, феодал мулк бошқарувчилари ва йирик бойлар амалга оширганлар. Ҳарбийлар ва амалдорларнинг жиноятларини қози кўриб чиққан. Хорижий фуқароларнинг жиноятлари ва уларга нисбатан амалга оширилган жиноятларни кўриб чиқиш кўшбегилар (амир ёрдамчилари) ваколатида бўлган.¹

Туркистоннинг истило қилиниши билан 1864 йилдаги Россия суд Низомининг тамойиллари жорий қилина бошланди ҳамда прокурор назорати ва тергов органларининг тизими тузила бошланди. Тергов суриштирув ва дастлабки тергов шаклларида амалга оширила бошланди. Суриштирув ИИВнинг кўриқчи бўлинмаси ва алоҳида шаҳарларнинг жандарм-полиция бўлинмалари томонидан амалга оширилган.

Октябр тўнтаришидан сўнг биринчи дастлабки тергов органи — тергов-юримдик бўлими ва биринчи суриштирув органи — милиция ташкил этилган.

1926 йил 16 июнда ЎзССР Марказий Ижроя Комитетининг (ЦИК ЎзССР) Президиуми дастлабки ЖПКни тасдиқлади ва уни 1926 йил 1 июлдан бошлаб амалга киритди.

Ушбу кодекснинг саккизинчи боби суриштирув органларига бағишланган бўлиб, у суриштирув органларини санаб ўтишдан бошланган. *Унга кўра қуйидагилар суриштирув органларига кирганлар:* милиция ва жиноят қидирув органлари; ГПУ органлари; солиқ, санитар, техник, савдо ва меҳнат инспекцияси органлари; ҳукумат органлари ва бўйсунувчиларнинг қонунга қарши ҳаракатлари бўйича мансабдор шахслар.

¹ Подробнес об этом. Қаранг: Абдумаджидов Т. Расследование преступлений: (Процессуально-правовое исследование). -Т.: "Ўзбекистан", 1986, 14-25-бетлар.

1929 йил 29 июнда ЎзССРнинг янги Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди ва шу йилнинг 1 августидан кучга киритилди. Қонунни соддалаштириш ва меҳнаткашлар учун тушунарли қилиш учун қилинган ҳаракат процессуал фан эришган кўплаб ютуқлардан воз кечишга, амалиётда ўзини оқлаган кўплаб нормаларнинг ЎзССР ЖПКсидан чиқариб ташланишига сабаб бўлди. Аввалги ЖПК кўплаб камчиликларга эга бўлганди, аммо 1929 йилда қабул қилинган ЖПК бу камчиликларни бартараф этиш ўрнига уларни янада кўпайтирди.

ЎзССРнинг ушбу ЖПК 2-боби 4-моддасида шундай дейилган "Дастлабки тергов терговчилар, милиция, жиноят-қидирув ва ГПУ бирлашган органлари, махсус инспекциялар ҳамда қонунга мувофиқ тергов ўтказиш ваколати берилган бошқа ҳукумат органлари томонидан амалга оширилади".

Бундан ташқари, *қуйидагилар ҳам тергов олиб бориш ҳуқуқига эга бўлганлар:*

— Ўғирлик ишлари, мансаб ва хўжалик соҳасидаги жиноятлар бўйича - ташкилот, идора ва корхоналарнинг юрист-маслаҳатчилари. Шу ташкилот, идоралар ва корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этган ишлар бундан мустасно;

— Истеъмол жамоалари ревизия комиссияларининг раислари ва аъзолари, хусусан Ўзбекбирлашув ва Ўзкооп районлараро базаларининг инструкторлари - ушбу ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятларини текшириш натижасидаги материаллар асосида;

— Ўзбек улгуржи-чакана савдо трестлари тизимининг инструкторлари - юқорида кўрсатилган характерда материаллар бўйича;

Молия-бюджет инспекторлари ва Райфо инструкторлари — қишлоқ бюджетида бўлган қишлоқ советлари ва идораларидаги бюджет маблағларини ўғирлаш ва нотўғри сарфлаш борасидаги ишлар бўйича;

Юқорида санаб ўтилганлар ЎзССР 1929 йилдаги ЖПК нинг 4 моддасида кўзда тутилган "суриштирув олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ҳокимият органлари" ҳисобланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида санаб ўтилган органларнинг жиноят ишини қўзғаш ҳуқуқлари маълум

даражада чегараланган бўлган, чунки юқоридаги мансабдор шахслар жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарорни чиқаргач, унинг нусхасини назорат қилувчи прокурорга тақдим этиши шарт бўлган ва прокурор ушбу қарорга эътирози бўлмаган ҳолдагина жиноят иши қўзғатилган ҳисобланган.

ЎзССР ЖПКнинг 4-моддаси мазмунидан кўриниб турибдики, унда суриштирув ва дастлабки тергов тушунчалари мавжуд эмас, чунки бу икки тушунча ягона "дастлабки тергов" тушунчасига бирлаштирилган. Кодекс бу икки институт олдига умумий вазифаларни юклаган ҳамда бир хил муддатда амалга ошириш тартибини белгилаб берган.

Терговчи, милиция ва жиноят-қидирув органлари ваколати доирасидаги ишлар бўйича терговни бошлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ишни кўриб чиқишни бошлаган орган керакли тергов ҳаракатларини тамомлагач, терговчининг фармойишини кутмасдан ишни унинг ихтиёрига бериши шарт бўлган. Ишни тақдим этгач, бу органлар алоҳида тергов ҳаракатларини фақат терговчининг топшириғига мувофиқ амалга оширганлар.

Шу билан бирга 1929 йилдаги ЖПКнинг 10-моддаси терговчига ҳар қандай ишни тўлиқ тергов қилиш учун суриштирув органларига бериш ҳуқуқини ҳам берган.

20-йилларнинг охирига келиб суриштирув ва дастлабки тергов ўртасидаги чегара йўқолиб бора бошлади, чунки терговчилар ва прокурорлар ўзларига берилган ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда дастлабки тергов ўтказишни талаб этадиган жиноят ишларини тергов қилиш учун суриштирув органларига юбориш амалиётини кенг қўллай бошладилар.

1934-1936 йилларда қабул қилинган умумитифоқ қонунларига мувофиқ дастлабки терговни олиб бориш ҳуқуқи *қуйидаги органларга тақдим этилди*: давлат жиноятлари ва бошқарув тартибларига қарши жиноят ишлари бўйича - давлат хавфсизлиги бошқармалари органига; ёнгина қарши қоидаларни бузганлик ишлари бўйича - ёнгин хавфсизлиги органларига; кўча ҳаракати қоидаларини автомобилда бузганлик, автоавариялар, транспортдан нотўғри фойдаланиш ва унга нисбатан жиноий-хўжасизларча

муносабатда бўлиш ва автотранспорт тартиб-қоидаларини бузиш ишлари бўйича — давлат автомобил инспекциясига.

50 йилларнинг ўрталаригача суриштирув ва дастлабки тергов ўртасида аниқ процессуал чегаралар мавжуд бўлмаган. Бундай аниқ чегаралар 1955 йил 24 майдаги СССРда прокурор назорати тўғрисидаги қоида, 1958 йил 25 декабрдаги СССР ва иттифоқ республикаларида жиноят ишларини судда кўриб чиқиш асослари ва 1959 йил 21 майда тасдиқланган ЎзССРнинг ЖПК каби қонуний актларнинг қабул қилиниши билан пайдо бўлди.

Жиноят ишларини дастлабки кўриб чиқиш асосида суриштирув ва дастлабки тергов каби икки шакл белгиланди ва дастлабки тергов олиб борувчи органларнинг тўла рўйхати белгилаб берилди.

Шундай қилиб, жиноят процессида дастлабки тергов институтининг ривожланиш тарихи бизга суриштирув ва дастлабки терговнинг мавжуд бўлиши ўзини тўла оқлашидан гувоҳлик беради. Дастлабки терговни суриштирув билан алмаштириб бўлмайди. Суриштирувдан терговнинг дастлабки процессуал шакли сифатида воз кечиб бўлмайди, чунки у жиноятларни бартараф этиш, олдини олиш ва шу тариқа жиноятчиликка қарши курашиш, уларни келтириб чиқарувчи сабабларнинг олдини олиш йўлида муҳим ўринга эга.¹

13.5. Терговчининг процессуал ваколатлари.

Терговчининг суриштирув органлари билан ўзаро алоқаси

Терговчи дастлабки тергов босқичида терговнинг ўз вақтида ва сифатли олиб борилиши учун масъул бўлган асосий шахс ҳисобланади. Унинг ваколат ва мажбуриятлари доираси қонун билан белгиланган. Лекин жиноят процесси фанида терговчи масъулиятини ошириш масаласи муҳим муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Терговчи - дастлабки тергов босқичида жиноят ишини судда кўриш вазифаларини бажариш, қонунийлик ва

¹ Хидоятлов Б.Б. Проблемы регулирования дознания в Республике Узбекистан. Автореферат дис. на соиск. уч. степени канд. юр. наук. -Т.: 2002. 9-11-бетлар.

фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш, жиноят содир этган ҳар бир шахснинг жазосиз қолмаслиги ва бирор айбсиз шахснинг жинойий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги учун қонунни тўғри қўллашга масъул бўлган жиноят процессининг иштирокчисидир.

Олий юридик ёки бошқа махсус маълумотга эга бўлган, зарур касбий ва ахлоқий сифатларни ўзида мужассамлаштирган, соғлигига кўра ўзига юклатилган мажбуриятларни бажара оладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари терговчи бўлишлари мумкин.

Жиноят ишининг хусусияти ва мазмуни, босқичи ва мураккаблик даражаси, малакаланиши ва терговчининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда терговчилар ҳар хил мансабда бўлиши мумкин. Улар терговчи, катта терговчи, ўта муҳим ишлар бўйича терговчи ва ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи деб аталиши мумкин. Дастлабки терговни амалга оширишига кўра ходимлар лавозимининг бундай номланиши тергов бўлими мавжуд бўлган барча идораларда мавжуд.

Масалан, одатда туман ва шаҳар прокуратураларида терговчи ва катта терговчилар, вилоятлар ва Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида терговчи, катта терговчи, ўта муҳим ишлар бўйича терговчилар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи, ўта муҳим ишлар бўйича терговчи ва катта терговчилар фаолият юритишади. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ва ҳарбий прокуратураларда ҳам терговчилар мансаблари деярли шундай тақсимланади.

Терговчини тайинлашнинг ўрни ва махсус ваколати процессуал функциялар деб номланадиган унинг ўзига хос фаолият йўналишларида ўз аксини топади.

Ушбу масала турлича ҳал этилади. Бунда терговчи томонидан амалга ошириладиган функцияларнинг сонини ҳамма турлича кўрсатади. Лекин терговчи битта функцияни — жиноят ишини тергов қилиш вазифасини бажаради деган фикр кенг тарқалган. Шу билан бир вақтда терговчи икки¹,

¹ Стремовский В.А. Участники предварительного следствия в советском уголовном процессе. Ростова-на-Дону, 122-бет.

уч¹, беш² ва ҳатто етти³ функцияни бажаради, деган фикрлар ҳам учраб туради.

Кўп ҳолларда терговчи функциялари сифатида *қуйидагиларни кўрсатишади*: айблов, ҳимоя, ишни ҳал этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашда жамоатчиликни жалб этиш, тарбиялаш ва бошқалар.

Терговчининг жиноят процессидаги ҳуқуқий мақомига бағишланган илмий ишда терговчи томонидан амалга ошириладиган *саккизта функциялар санаб ўтилган*:

1. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш;
2. Иш ҳолатларини ўрганиш;
3. Жиноят содир этишда айблаш;
4. Фуқароларни жиноят содир этишда асоссиз айблашнинг олдини олиш;
5. Жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг ундирилиши ва мулкни мусодара қилиш бўйича ҳукмнинг ижросини таъминлаш;
6. Жиноят содир этилишига сабаб бўлган ҳолатларни баргараф этиш бўйича чоралар кўриш ва жиноятларнинг олдини олиш;
7. Турар жойи номаълум бўлган айбланувчиларга қидирув эълон қилиш;
8. Жиноий ишларни ҳал қилиш.⁴

Адабиётларда процессуал функция тушунчаси бўйича яқдил фикрга эришилган тақдирдагина терговчининг функциялари тўғрисидаги баҳс муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Ҳозирча бундай яқдил фикр мавжуд эмас. Бундан ташқари, терговчи айблов функциясини амалга оширадими, деган савол ҳам долзарб бўлиб турибди.

Терговчи айблов тўғрисида қарор чиқаргач, айбловчига айланмайди ва айблов функциясини амалга оширмайди, у ўзининг ягона процессуал функцияси бўлган жиноят ишини

¹ Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса, т. I Т.М.: 1968. 226-бет.

² Мариупольский Л.Н., Гольст Г.Р. К вопросу о процессуальных функциях следователя. - Сов. гос-во и право. 1963, №6, 114-бет.

³ Фаткуллин Ф.Н. Обвинение и судебный приговор. Казань. 1965, 62-63-бетлар.

⁴ Гуляев А. П. Следователь в уголовном процессе. - М.: 1981, 23-бет.

тергов қилиш яъни ишни тўла, ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, объектив ҳақиқатга мос келадиган исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш билан шуғулланади.

Терговчи ўз функцияларини тегишли даражада бажариш масъул ҳисобланади ва терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рұхсатини олади қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қарор қабул қилади. Буларнинг барчаси ЖПК нинг 36-моддасида ўз аксини топган.

Терговчининг мустақиллиги ва масъулдорлиги тамойили у бажарадиган функцияларнинг асосида ётади. Бу тамойил терговчи дастлабки тергов давомида амалга оширадиган жиноят ҳолатларини ўрганиш функциясида яққол намоён бўлади. Айнан иш ҳолатларини ўрганиш жиноят иши бўйича оралиқ ва якуний қарорларни чиқариш ва айблов ёки ҳимоя учун асос бўлиб хизмат қилади. Терговчининг баъзи функциялари маълум бир жиноят ишини кўриб чиқишда бажарилмаслиги ҳам мумкин (масалан, моддий зарар қопланишини таъминлаш, агар жиноят моддий зарар келтириш билан боғлиқ бўлмаса). Маълум бир функциянинг амалга оширилишини жиноят ишини ўрганиб чиқмасдан туриб аниқлаш мушкул.

Терговчининг фаолияти бир қатор ҳаракатлар ва қарорлардан иборат бўлиб, у қонун талабларига мувофиқ жиноят ишини сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқишни тақозо этади. Терговчининг шахсий масъулдорлиги у амалга оширадиган барча ҳаракатлар, ечим ва қарорларига тегишли ҳисобланади. Терговчига процессуал мустақилликни, яъни қонунга асосланган ҳолда ва ўз ички ишончидан келиб чиқиб иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқиш учун мустақил ҳаракат қилиш имкониятини тақдим этмасдан туриб ундан масъулдорликни талаб қилиш мумкин эмас.

Албатта, терговчи мустақиллигининг чегараси йўқ эмас. У терговчига берилган ваколатлар доирасида амалга оширилади. Бундан ташқари, терговчи ўз ваколатларини амалга ошириш давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя қилиши талаб этилади. Терговчи, ҳатто, айбланувчига нисбатан тергов ҳаракатларини амалга

ошириш учун сўроққа чақириш ҳам, маълум бир жиҳатдан шахснинг эркинлигини чеклашга, яъни кундалик иш билан шуғуллана олмасликка сабаб бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиши лозим. Шу сабабли терговчи барча ҳолатларни чуқур таҳлил қилган ҳолда айбланувчини тергов органига чақириш керакми ёки йўқми, деган масалани ҳал қилади.

Терговчининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаш билан боғлиқ ваколатлари, хусусан қамоққа олиш (ЖПК, 243-модда) ва тинтув ўтказиш (ЖПК, 161-модда) прокурорнинг санкциясига мувофиқ амалга оширилади. Бу билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш янада мустаҳкамланади. Айбланувчини ишдан четлатишда ҳам худди шу мақсадда прокурор санкцияси олинади. (ЎЗРЖПК 256-модда 1 банди)¹. Ушбу чораларни қўллашда прокурор санкциясининг талаб қилинишидан бу борада терговчи мустақил қарор қабул қилмайди деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Терговчининг мустақиллиги ва масъулиятлилиги тамойили унинг доимо назорат остида эканлигини ҳам ўз ичига олади. Қонунчилик терговчига прокурор кўрсатмаларини бажариш мажбуриятини юклайди. (ЖПК 382-модда).

Терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақидаги, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан ё бекор қилади ёки иш бўйича тергов юритишни бошқа терговчига топширади. (ЖПК 36-модда 1 банди). Бошқа барча ҳолларда, ҳатто у билан келишмаганда ҳам терговчи прокурор кўрсатмаларини бажаришга мажбур.

¹ Дарслик муаллифлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш бўйича масалалар суд қарори асосида ҳал этилиши лозим деган фикрдалар ва бу ЎЗР. Конституцияси 19-моддаси талабларига тўғри келади.

Терговчининг прокурор кўрсатмалари устидан норози бўлиб юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин бўлган кўрсатмалари доираси жуда тор бўлиб, дастлабки терговнинг кўпгина муҳим томонларини қамраб олмайди. Амалиётда кўп учрайдиган айбланувчини тиббий муассасага жойлаштириш, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаш, жиноят иши материалларини алоҳида кўриш учун ажратиш, терговни тўхташиш каби ҳолларда тергов жараёнида прокурор кўрсатмалари муҳим ўрин тутаети.

Олимларнинг фикрича терговчини ўзининг ички ишончига қарши ҳолда жиноят иши бўйича қарор чиқариш учун "юқоридан кўрсатма" асосида у ёки бу тергов ҳаракатларини амалга оширишга мажбур қилиш ноқонуний ҳисобланади ҳамда бу терговчининг мустақиллиги ва масъулиятлилиги тамойилини бузади. Бундан ташқари, прокурорнинг кўрсатмаларига қарши бўлган терговчи уни фақат расмий бажаради.

Бизнинг фикримизча, терговчининг прокурор томонидан хоҳлаган масала бўйича берилган кўрсатмаларга норозилиги, агар бу норозилик юқори турувчи прокурор томонидан рад этилмаган бўлса, тўлиқ ва ҳар томонлама терговни амалга ошириш мақсадида терговчини алмаштириш заруратини вужудга келтиради.

Терговчи, бошқа мансабдор шахслар сингари, ўз вазибаларини бажариш жараёнида ўз фаолиятининг ташкилий ва бошқа таъминотларга таяниш, ўз фаолияти жараёнида давлатнинг ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу борада қонунчилик терговчининг ўз юритувидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийлигини талаб этади. (ЖПК 36-модда 4 банд).

Адабиётларда нафақат терговчининг ҳуқуқий мақоми, балки тергов бўлими бошлигининг ҳам ҳуқуқий ҳолати масаласи тадқиқ этилади. Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат

қилишини назорат этадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш чораларини кўрадилар.

Ушбу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун унга *қуйидаги ҳуқуқлар берилган*: ишларни текшириб кўриш, дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар бериш, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб бериш, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топшириш, шунингдек, терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашиш ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб бориш. (ЖПК 37-модда)

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг иш юзасидан кўрсатмалари терговчига ёзма тарзда берилади ва уларнинг ижро этилиши мажбурийдир. (ЖПК 374-модда 3-қисм). Лекин, олинган кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилиниши, ЖПКнинг 36-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, уларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди. Прокурор кўрсатмалари тергов бошқармаси бошлиғи учун мажбурийдир.

Тергов доимо процессуал мустақилликка эга бўлган муайян шахс (терговчи) томонидан амалга оширилсада, бизнинг фикримизча терговнинг процессуал томонини бошқарса бўлади. Тергов бошқармасининг бошлиғи бирор жиноятни тергов қилишни эмас балки, жиноят ишларини тергов қилиш учун терговчиларнинг вазифасини тақсимлайди ва уларнинг фаолиятини бошқаради. *Бу борада қуйидаги ҳуқуқларга эга*: дастлабки терговни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар бериш, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб бериш, терговни бир нечта терговчиларга топшириш. Шулардан келиб чиқиб, тергов бошқармаси бошлиғининг фаолиятида нисбатан мустақил бўлган *қуйидаги икки йўналиш фарқланади*: жиноят ишларини тергов қилиш устидан назорат қилиш ва ўз бўйсунувидаги терговчилар (тергов бўлинмалари)ни бошқариш.

Терговчи ва суриштирув органлари ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқишда шуни эътиборга олиш лозимки, жиноят процессуал қонунчилигида суриштирув органларига жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни топиш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш мақсадида тезкор қидирув фаолияти ўтказиш бўйича чоралар кўриш вазифаси юклатилган. ЖПКнинг 39-модда 3 қисми ва 343-моддаларига асосан терговчи суриштирув органлари бажариши учун мажбурий бўлган қуйидаги турдаги *эзма кўрсатмаларни бериши мумкин*: 1) тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида; 2) тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнига ёрдам бериш тўғрисида; 3) қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида.

Терговчи тергов ҳаракатларини олиб боришни ўзи бажара олмаган ҳолларда (*масалан*, бир вақтнинг ўзида бир неча тинтув, сўроқ ёки бошқа тергов ҳаракати ўтказиш керак бўлиб қолса) ёки ушбу ҳаракатни суриштирув органлари томонидан амалга оширилиши тактик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлса суриштирув органларига кўрсатма бериши мумкин. Суриштирув органларига турли хилдаги қарор чиқаришни талаб этадиган тергов ҳаракатларини бажариш учун кўрсатма берилиши мумкин эмас. Буларга айб эълон қилиш, мажбурлов чорасини танлаш ёки ўзгартириш, ишни тугатиш, тўхтатиб қўйиш, жиноят ишларини қўшиш, ажратиб олиш ва бошқа шу кабилар кириди.

Суриштирув органлари томонидан тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнидаги ёрдами воқеа жойини кўриқлаш, жабрланувчининг шахсини аниқлаш, ашёвий далилларни қидиришда иштирок этиш, тергов ҳаракатини ўтказишни ташкил этишда ёрдам бериш каби кўринишларда бўлиши мумкин.

Қидирув ишлари ўтказиш бўйича кўрсатма берши орқали терговчи ишни тергов қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, тергов версиялари ва терговнинг тўғри йўналишини танлашга ёрдам берадиган қимматли маълумотлар олиши мумкин.

Бунда қуйидаги икки ҳолатни қайд этиш лозим. *Биринчидан* терговчи тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган ахборотни текшириши лозим. *Иккинчидан* ишни терговчига топширгандан кейин суриштирув органлари фақат

терговчининг кўрсатмаларига асосан шу иш бўйича тергов ҳаракатлари ўтказиши мумкин. Жиноят содир этган шахснинг шахси аниқланмасдан иш терговчига топширилган ҳолларда суриштирув органлари жиноятчини топиш бўйича тезкор қидирув ҳаракатларини амалга ошираверади, фақат бунинг натижалари ҳақида терговчини хабардор қилиши керак.

Мураккаб жиноятларни очиш одатда терговчилар ва милиция ходимларининг биргаликдаги фаолият натижаси ҳисобланади. Шу мақсадда жиноятларнинг олдини олиш, яширинган жиноятчиларни тезликда топиш масалалари бўйича уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш биринчи ўринга чиқади. Бундай ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси ҳисобланади.

Бу суриштирув органлари ходимларига терговнинг муайян босқичи олдида турган мақсад ва вазифаларни инобатга олиш ва тезкор-қидирув ишларини амалга оширишда терговчи билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш мажбуриятини юклайди.

Қонунда суриштирув органларининг тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида терговчига кўрсатадиган ёрдами нималардан иборатлиги кўрсатилмаган. Амалиёт кўрсатишича, у қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин: тергов ҳаракатларини муваффақиятли амалга оширишда ёрдам бериш (ҳодиса жойини кўриқлаш, тинтув, эксперимент вақтида тартибни таъминлаш ва бошқа ҳолларда) учун суриштирувчини жўнатиш; терговчи томонидан тергов ҳаракатининг самарасини ошириш мақсадида кўрилган тезкор чораларда иштирокини таъминлаш.

Қонунга кўра ҳамкорлик қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) терговчи — навбатчи қисм — жиноят ҳақида хабар олган ҳамда ҳодиса жойини кўздан кечиришга чақирган жиноят қидирув ходими;

2) терговчи — аниқ кўриниб турган ҳолатлар бўйича жинойи иш кўзғатилгандан кейин у очилгунга қадар жиноят қидирув ходими;

3) худди шу субъектлар томонидан ва жиноят иши очилгунга қадар олдин тўхтатилган ишлар бўйича;

4) терговчи — мураккаб ишларни тергов қилиш жараёнида тезкор-қидирув гуруҳи таркибидаги жиноят қидирув ходими.

Кўриниб турибдики, терговчиларнинг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги фақат қонунга эмас, балки ўзаро яхши муносабатларга ҳам асосланади. Милиция органлари одатда биринчи бўлиб дастлабки тергов ўтказилганлигини талаб қиладиган, жиноят содир этилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлишади. Қонунга асосан улар дарҳол ҳодиса жойига келиши ва ўша заҳотиёқ прокурор ҳамда терговчини бу ҳақда хабардор этишга мажбур. Милиция терговчидан фарқли ўлароқ тезкор ҳаракатларни амалга ошириш учун барча имкониятлар билан таъминланган. Шунинг учун ЎзР ЖПКнинг 339, 340, 341-моддаларига асосан улар кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини, шунингдек, из ва далилларнинг йўқолиб кетиши олдини олиш бўйича чоралар кўриши шарт.

Жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим. (ЖПК 341-модда). Суриштирув жиноят ишини терговчига ўтказиш билан тамомланади. Лекин қонунга кўра қуйидаги ҳолларда суриштирувчи 10 кунлик муддат ўтишини кутмасдан ишни дарҳол терговчига ўтказиши лозим, *башарти*:

- 1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;
- 2) муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;
- 3) ишни тутатиш учун асослар аниқланган бўлса;
- 4) терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса, суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради. (ЖПК 342-модда).

Терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини суриштирувчи терговчининг ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусидаги кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт.

Топшириқни белгиланган муддатда бажариш имконияти бўлмаса, суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартиришни илтимос қилади.

ЖПКнинг 36, 39, 339, 343, 347-моддаларида жиноят ишини қўзғатгандан тергов тугагунга қадар суриштирувчи ва терговчи ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари кўрсатилган.

Терговчи ўзининг барча топшириқлари, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органининг бошлиғи орқали юборади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 39-моддасига кўра суриштирув органи бошлиғининг ҳуқуқий ҳолати ўрнатилган. Унга кўра ҳар бир суриштирув органининг раҳбари суриштирув органининг бошлиғи сифатида ҳаракат қилади. Суриштирувчи топшириқ асосида ва суриштирув органи бошлиғининг раҳбарлиги остида ҳаракат қилади. Суриштирув органи бошлиғининг ёзма кўрсатмаси суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирувчи кўрсатмага норози бўлса, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, бу кўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи прокурор кўрсатмасига рози бўлмаган тақдирда, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, унинг устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир. (ЎЗРЖПК 39-модда 6 қисм).

Шундай қилиб, дастлабки тергов ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги деганда ушбу давлат муассасалари мансабдор шахсларининг жиноятларни очиш, айбдорларни топиш, кимнингдир жиноий фаолиятини олдини олиш ва чек қўйиш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундиришга қаратилган келишилган фаолияти тушунилади. Жиноий ишларни тергов қилишда тергов ва суриштирув органларининг кучи ва воситаларини бирлаштириш ва бу орқали янада самарали натижаларга эришиш бундай ҳамкорликнинг мақсади ҳисобланади.

Кўпгина жиноятларни муваффақиятли очиш тергов ва тезкор-қидирув тадбирларининг оқилона ўтказилишига боғлиқлигидан келиб чиқиб доимо тергов ва суриштирув органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиш лозим. Бундай ҳамкорлик масалалари ўз ичига тезкор вазиятларда катта тажрибага эга бўлган суриштирув органлари ходимларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ўз аксини топган тергов қилиш режасида кўрсатилиш керак.

Тергов ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги муайян иш бўйича дастлабки терговнинг бутун муддати

давомида ўзаро ёрдам бериш, биргаликда тадбирлар ўтказиш жараёнида ўзаро ахборот алмашиш ва жиноятларни очиш ва айбдорларни топишда ўзаро масъулиятлилиқ кабиларни назарда тутати. Ҳамкорликнинг шакл ва усуллари тергов қилинаётган ишнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

13.6. Суриштирув органлари

Қонун суриштирув органларига таъриф бермайди, фақат *қуйидагилар суриштирув органлари ҳисобланишини таъкидлайди:*

1) милиция;

2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;

3) миллий хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов изоляторлари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек, мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича; (ЎЗР 27.12.1996й. 357-1-сон қонуни таҳриридаги қисм)

5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

6) чегарани кўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8) давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — тегишинча божхона, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича.

Суриштирув фаолиятини амалга оширувчи органлар фаолиятини кенгроқ кўриб чиқамиз. Уларнинг баъзи бирларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

а) Милиция.

Бу орган бевосита ички ишлар органларига киради ҳамда 1991 йил 25 октябрдаги Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низом унинг фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Бу Низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда "вазирлик") Конституция ва Мустақиллик Декларациясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайди ҳамда жиноятчиликка қарши кураш олиб боради.

Вазирлик ўз фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ва ҳукуматига бўйсунди.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ташкил этилади ва тугатилади. Президентнинг вазирликни ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги фармони Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Вазирлик ўз фаолиятини сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан ҳоли равишда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифалари *қуйидагилардан иборат*:

— республика ички ишлар органлари фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш;

— ички ишлар органлари фаолиятини умумий бошқариш, мувофиқлаштириш, уларга ташкилий-методик ва фаолияти *самарадорлиги таъминланишига ёрдам бериш*;

— ИИВ тизимига кирувчи органлар, корхона, муассаса

ва ташкилотлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; ички кўшинларнинг ҳарбий ва сафарбарлик жиҳатдан тайёрлигини таъминлаш;

— жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш;

— фан ва техника ютуқларини, самарали тажрибаларни, бошқаришнинг прогрессив шакллари ва ишлаш методларини жорий қилиш;

— ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

— органларда кадрлар билан ишлашнинг юқори даражасини ташкил қилиш;

— ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий кафолатларини таъминлаш;

— уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашни ташкил қилиш.

Вазирлик ўз вазифа ва функцияларни амалга оширишда *қуйидаги принципларга асосланади:*

— Коллегиаллик ва якабошчилик;

— қонунийлик, шахсни ҳурмат қилиш, интернационализм;

— ошкоралик;

— давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва аҳоли билан алоқа қилиш, жамоат фикрини ҳисобга олиш;

— миллий, тил, маҳаллийлигига кўра ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқларининг чекланишига йўл қўймаслик.

Вазирлик ҳуқуқий фаолиятининг асосини *қуйидагилар ташкил қилади:*

— Ўзбекистон Республикасит Конституцияси;

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари;

— Ўзбекистан Республикаси Президенти Фармонлари;

— Вазирлар Маҳкамаси норматив актлари;

— Ўзбекистан Республикаси ИИВнинг норматив актлари;

Вазирлик ўз ваколати доирасида норматив актларга ва уларни ижро этиш мақсадида қарор, кўрсатма, йўриқномалар қабул қилади ва қондаларни белгилайди.

Ўзбекистон Респубикаси ИИВлиги давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, аҳоли ва оммавий ахборот воситаларини республикадаги вазият ва ички ишлар органларининг уни мустақкамлаш борасидаги фаолияти ҳамда вазирликнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилиши ҳақида хабардор қилиб боради.

Ўзбекистон Республикаст ИИВ давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролардан вазирликнинг вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни талаб қилиб олишга, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўз фаолиятини биргаликда амалга оширишга ва мувафиқлаштириб боришга ҳақли.

Вазирликнинг бошқа ваколатлари унга юклатилган *вазифалардан келиб чиқади:*

— ички ишлар органлари ходимларининг жиноятчиликка қарши курашишдаги фаолиятини амалга оширишида, жамоат тартибини сақлашда, ҳуқуқбузарлик профилактикасида, кадрлар билан ишлашда ва қонунийликни мустақкамлашда умумий бошқарувни ва услубий-назоратни таъминлайди;

— жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда давлат дастурини тайёрлайди ва амалга оширади, бу йўналиш бўйича умумиттифоқ дастурини ишлаб чиқишда иштирок этади;

— ички ишлар органлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий таъминлаш;

— жиноятчиликка қарши курашиш борасида республика тадбирларини ўтказишда ва жамоат тартибини сақлашда куч ва воситалардан фойдаланади;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ички ишлар органларига тегишли ўқув юртлари, транспортларда бошқарувни амалга оширади;

— жиноятчилик ва бошқа жамиятга қарши қилмишларни огоҳлантириш ва олдини олиш чора-тардбирларини ишлаб чиқади, вазирликлар, муассаса, корхона ва ташкилотларга жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларни вужудга келтирувчи ва содир этилишига шароит яратувчи сабаблар ва шароитларни бартараф қилиш бўйича таклифларни беради;

— фуқаролар, давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг иқтисодий манфаатларини ғаразли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлайди;

— тезкор-қидирув фаолиятини ташкил қилади ва амалга оширади;

— қонунчиликка асосан тергов ички ишлар органларига тегишли бўлган жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговни таъминлайди;

— тергов ва суддан яширинган айбланувчи, ҳукми ижро этиш ва жазони ўташдан бўйин товлаётган маҳкумлар, бедарак йўқолганлар ва қонунда кўрсатилган бошқа шахсларни қидириш ишларини ташкил қилади;

— бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари ва болаларнинг назоратсиз қолишида огоҳлантириш бўйича ишларни амалга оширади;

— қонунга асосан ички ишлар органларига ижро этиш вазифаси юклатилган бўлиб суд ажримлари, прокурор қарорлари ва терговчининг прокурор рухсати олинган қарорлари, суриштирувни амалга ошираётган шахсларнинг шахсни ушлаб туриш ҳақидаги хулосаси, шунингдек, бошқа мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги қарорлар ижросини таъминлайди;

— ушланганлар ва қамоққа олинган шахсларни қўриқлаш ва кузатиш ташкил қилинишини таъминлайди;

— қонунда ички ишлар органлари томонидан ижро этилиш кўрсатилган, судларнинг озодликдан маҳрум этиш, сургун қилиш ва бошқа жазо турларига ҳукм қилинган шахслар устидан чиқарган ҳукмлари ижросини ташкил этишни таъминлайди;

— судланганларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш борасидаги ишларни ташкил қилади, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинганларнинг белгиланган тартибга қатъий риоя қилишларини, улар билан сиёсий-тарбиявий ишларни амалга оширишни таъминлайди, вазирлик ва муассасалар билан биргаликда судланганларнинг умумтарбиявий ва касбий-техник тайёргарлигини амалга оширади, маҳкумларнинг шахсий хусусиятлари, жиноятнинг характери, шахснинг меҳнатга муносабатини ва ижтимоий

хавфлилигини ҳисобга олиб уларга нисбатан қўлланиладиган тарбия воситаларини ва тарбия ишларини амалга оширишда педогогика, психология ва бошқа фан ютуқларини қўллаган ҳолда индивидуал ёндашишни таъминлайди;

— жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга уларнинг меҳнатга жойлашишига ва маиший таъминланишига ёрдам беради, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган маҳкумлар устидан маъмурий назоратнинг амалга оширилишини таъминлайди, шунингдек, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан шартли озод қилинганлар устидан қонунга мувофиқ назоратни амалга оширади;

— шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида йўл ҳаракатини ва автомобил ҳаракатини тартибга солади, вазирликлар, муассаса ва транспорт корхоналари томонидан автотранспорт ва шаҳар электротранспорти аварияларининг олдини олиш тадбирларининг ўтказилишини таъминлайди;

— фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларга тегишли автотранспорт воситалари регистратсияси ва ҳисобини, шунингдек, бу транспорт воситалари техник ҳолати устидан назоратни олиб боради;

— кўчаларни, автомобил йўлларини таъмирлаш ишларини назорат қилади, ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди, уларнинг ҳолатини назорат қилиш бўйича назоратни амалга оширади, улардан фойдаланиш шартларини яхшилаш бўйича чоралар кўради, белгиланган тартибда кўчаларнинг алоҳида жойларида, автомобил йўлларида тартибни ўрнатиш мақсадида ҳаракат хавфсизлигига таҳдид бўлганда автотранспорт, пиёдалар ҳаракатини чеклайди ва таъқиқлайди;

— белгиланган тартибда корхона, муассаса ва бошқа объектларни, фуқаролар квартирасини қўриқлашни ташкил қилади ва амалга оширади, шунингдек, бирор корхонага тегишли қўриқлаш хизматини текширади, уларни қўриқлашнинг ишонарлилигини ошириш ва харажатларни камайтириш чораларини кўради;

— давлатга қарши қаратилган ўта хавfli жиноятларга қарши курашишда давлат хавсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

— Ўзбекистон Республикаси ИИВ ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади;

— жамоат бирлашмалари, ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади;

— "На посту" - "Постда" газеталарини нашр қилади;

— ўз ваколати доирасида ҳарбий сафарбарлик ишларини ва фуқаролар ҳимояси бўйича тадбирларни амалга оширади;

— фуқароларнинг ариза ва таклифларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини ташкил қилади;

— икки ёки кўп томонлама шартномалар шартларида кўрсатилган тадбирларни амалга оширади.

Вазирликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис томонидан тасдиқланадиган фармони асосида лавозимига тайинланувчи ва озод этилувчи вазир бошқаради. Вазирнинг ваколатлари Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомда белгиланган.

Вазир бўлмаган ҳолларда унинг мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари амалга оширади.

Вазирликда вазифаларни келишилган ҳолда ҳал қилиш ва функцияларини амалга ошириш учун ҳайъат тузилади.

Ҳайъат қарори вазир томонидан имзоланади ва ички ишлар органлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Вазирлик Ҳайъат бошқа вазирлик ва идоралар билан бирга қарор қабул қилиши ҳам мумкин. Бу ҳолатда қабул қилинган қарор, қоида бўйича Ички ишлар вазири ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларининг биргаликда чиқарган буйруғи асосида ҳаётга татбиқ этилади.

ИИВги аппарати ва ички ишлар органларининг ходимлари таркиби, шунингдек, улар таъминоти учун маблағ миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Вазирлик марказий аппаратининг структураси, штатлари, ходимларнинг моддий-техник ва ижтимоий-маиший таъминоти, шунингдек, ички ишлар органлари структураси ва штатлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири

томонидан уларнинг таркиби ва таъминоти доирасида белгиланади. Ички ишлар органларининг моддий-техник ва ижтимоий-маиший таъминоти Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Вазирликнинг марказий аппарати ва ички ишлар органлари ўзининг шахсий, маънавий ва касбий хусусиятларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ИИВ вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлган бошқарувчилар таркибига кирувчилар ва хизматчилардан ташкил этади.

Вазирлик марказий аппарати ва ички ишлар органлари ходимларининг хизматни ўташ тартиби ва шартлари ички ишлар органлари бошқаруви ва оддий таркибида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги тасдиқланган низом асосида тартибга солинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати тузилиши:

1. Раҳбарият.

2. Штаб.

Ташкилий назорат бошқармаси;

Ҳуқуқий таъминот бўлими;

2 махсус бўлим;

ташкилий штат бўлими;

Котибият;

Шахсий хавфсизлик бўлими.

3. Милиция қидирув (криминал) хизмати:

Жиноий қидирув бошқармаси.

К ва ТҚКБҚ ГУБКР и Т.

еттинчи бошқарма.

4. Жамоат тартибини сақлаш хизмати: (муниципал милиция):

Профилактик хизмат бошқармаси;

Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси;

Дававтоинспекцияси бошқармаси, тергов бошқармаси, суриштирув бўлими.

5. ИИВ қошидаги товар-моддий бойликларини Ўзбекистон

Республикаси ҳудудидан олиб чиқишни назорат қилиш бош бошқармаси;

6. Ахборот маркази.

7. Ҳарбий сафарбарлик ишлари бўлими ва фуқаро мудофааси.

8. Эксперт-криминалистик бўлим.

9. Алоқа бўлими.

10. Моддий техник таъминот бўлими.

11. Ҳарбий ва махсус ташиш бўлими.

12. Транспорт бўйича ички ишлар бошқармаси.

13. ахлоқ тузатиш ишлари хизмати:

Ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси;

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бошқармаси.

14. Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати:

Молиявий-иқтисодий бошқарма;

Хўжалик бошқармаси;

Тиббий бошқарма;

Капитал қурилиш бошқармаси;

"Қўриқлаш" Республика котлоназорат бирлашмаси, ёнгин хавфсизлиги бошқармаси.

15. Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати:

Шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси;

Шахсий таркибнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими;

Таълим муасасалари фаолитини мувофиқлаштириш бўлими;

Таълим муасасалари;

"Постда" газетаси муҳарририяти.

б) Кейинги суриштирув органи Миллий хавфсизлик хизматидир.

МХХ ва унинг жойлардаги органлари чет эл давлатлари ва ташкилотларининг Ўзбекистонга қарши қаратилган разведка-қўпоровчилик фаолиятларига қарши курашади, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлиги, иқтисоди, илмий-техникавий ва мудофаа потенциалини ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик хизмати

тўғрисидаги Низом МХХ фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси МХХ ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ўз органларини, вилоятларда ва алоҳида шаҳар ва туманларда бошқармаларини ташкил қилади.

МХХ Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятини душман кайфиятидаги давлатлар махсус хизматлари ва конституцияга қарши йўналтирилган ички кучларнинг жиноий тажовузлари таъсиридан самарали ҳимоя қилишни таъминлаш учун масъулдир ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида мунтазам ҳисоб бериб туради.

МХХни Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгида Олий Мажлис томонидан тасдиқланадиган фармони асосида тайинладиган Раис бошқаради.

МХХ Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари МХХ Раиси тақдимига асосан Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси МХХ Конституция ва қонунларга зид келмайдиган буйруқ ва кўрсатмаларга асосан тезкор қидирув ва бошқа хизмат фаолиятини амалга оширади.

МХХ Раиси ва унинг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари, Президент Фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан ва уларни ижро этиш мақсадида буйруқ, кўрсатма ва йўриқномалар қабул қилади.

Хавфсизлик хизмати органлари фаолиятини ташкил қилиш масаласини ҳал қилиш учун МХХ Раиси — Ҳайъат Раиси, унинг ўринбосарлари ва бошқа раҳбар ходимлар тарқибидан иборат Ҳайъат ташкил қилади.

Ҳайъат аъзолари таркиби МХХ Раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

МХХнинг асосий вазифаси бўлиб Ўзбекистон Республикаси манфаатлари асосида разведка ва контрразведка

фаолиятини амалга ошириш ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳисобланади.

МХХ органлари уюшган жиноятчиликка ва терроризмга қарши кураш олиб боради, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва суверенитетини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоясини таъминлайди, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари хавфсизлигини таъминлайди, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга чиқиш ва у ерда бўлиш ҳолларида хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дислоцирлашган Чегара қўшинлари билан ҳамкорликда давлат чегараси дахлсизлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ўтказди.

Бундан ташқари давлат сирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади; корхона, муассаса ва ташкилотларга тижорат сирини сақлашда ёрдам кўрсатади. МХХ тўғрисидаги Низомда МХХ органлари тергов олиб бориши хавфсизлик органларига тегишли бўлган жиноятлар бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириши; ушбу жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни қидириш, бу жиноятларни содир этган шахслар рўйхатини юритиши белгилаб қўйилган.

МХХ органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари қарорига асосан ички ишлар органлари билан бирга фуқароларни ҳимоя қилиш, алоқа ва транспорт воситалари объектларини қўриқлаш, аҳолининг турмушини таъминлаш, муҳим халқ хўжалиги ва ҳарбий объектларни, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни сақлаш, оммавий тартибсизликларни, халқаро келишмовчиликларни олдини олиш, махсус шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида биргаликда чоралар кўриш юзасидан давлат органлари билан ҳамкорлик қилади, ҳарбий ҳолат вақтида миллий хавфсизлик хизмати органларининг сафарбарлик тадбирларини таъминлайди, давлат сирларини қўриқлаш, божхона қоидалари, ўқ-дори ва қуролларни олиш ва сақлаш қоидалари масалаларига бағишланган давлат миқёсидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

Миллий хавфсизлик хизмати органлари фаолияти қонунийлик, барчанинг қонун олдида тенглиги, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, инсонпарварлик ва интернационализм принципларига асосланади.

Миллий хавфсизлик органлари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик органлари зиммасига юклатилган *вазифаларни бажариш учун*:

1. Белгиланган тартибда ошкора ёки ошкор қилмаган ҳолда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиши, шу жумладан, Ўзбекистон қонунчилигига асосан миллий хавфсизлик органлари томонидан тергов қилиниши лозим бўлган жиноятларни огоҳлантириш, аниқлаш, уларни очиш мақсадида техник воситалардан фойдаланади; қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда олинган далиллардан фойдаланади;

2. Фуқароларнинг розилиги асосида ошкора ёки ошкор қилмаган ҳолда уларнинг ёрдамларидан фойдаланади, шу билан бирга, фуқароларни ихтиёрий равишда хавфсизлик органларига штатсиз ишга қабул қилади;

3. Прокурор рухсати билан алоҳида шахсларнинг почта жўнатмаларини назорат қилади ва телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан фойдаланган ҳолда телефон сўзлашувларини эшитиши, шунингдек, ушбу шахслар фойдаланганидан алоқанинг техник каналларидан жиноят содир этиши ва тайёргарлик кўриши ҳақида етарли маълумотлар бўлганда Ўзбекистон қонунчилигига асосан хавфсизлик органлари юритувига тегишли бўлган ишларни бу чораларни қўлланиши натижасида жиноят иши бўйича далил бўла оладиган хабарлар олиши мумкин бўлган ҳолларда маълумотлар олади

4. Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда жиноятларни олдини олиши, аниқлаш ва очиш юзасидан тезкор-қидирув ишларини олиб боради.

5. Хавфсизликни таъминлаш тадбирларини ўтказишда ички ишлар органлари билан келишган ҳолда бу органларнинг куч ва воситаларини жалб қилади.

6. Назорат қилиш амалдаги қонунчилик бўйича ички ишлар органлари зиммасига юклатилган жиноятни содир этишда гумон қилиш учун етарли асослар бўлган ёки жиноят содир этган шахсларнинг уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, шунингдек, текшириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни текширади.

7. Хизмат мақсадларида корхона, муасаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари, кечиктириб бўладиган ҳолларда фуқароларга тегишли бўлган алоқа воситаларидан фойдаланади.

8. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда жиноятларни олдини олиш, жиноят содир этишган ёки содир этишда гумон қилинаётган шахсларни кузатиш ва ушлаш, тезкор тиббий ёрдамга муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатишда, шунингдек, воқеа ёки офат содир бўлган жойга етиб боришда корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларга (чет давлатга тегишли дипломатик ваколатхона, консуллик ва бошқа муассасаларнинг транспорт воситаларидан ташқари) тегишли транспорт воситаларидан фойдаланади.

9. Қонунга асосан давлат хавфсизлик органлари юритувига тегишли бўлган жиноятларни бевосита олдини олишда, бундай жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни қидиришда, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда хавфсизликка таҳдид солаётганда прокурордан бир сутка давомида рухсат олиш шarti билан куннинг исталган вақтида фуқароларга тегишли уйларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга тегишли бино ва уларнинг ҳудудларига ҳеч қандай тўсиқларсиз киришга ва кўздан кечиришга ҳақли.

10. Ўзбекистон Республикаси юқори органлари қарорига асосан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни аниқлаш тадбирларини ўтказади; бундай ҳолларда милиция ходимларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

11. Қонунга асосан миллий хавфсизлик органлари юритувига тегишли бўлган жиноятлар профилактикасини амалга оширади.

12. Қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни ва хавфсизлик органлари томонида жиноят содир этишда гумон қилиб ушланган шахсларни, алоҳида ҳолларда эса

прокурор санкцияси асосида ички ишлар органлари, прокурор ва судлар томонидан ушланган ва қamoққа олинган шахсларни, шунингдек, қонунда кўрсатилган ҳолларда маҳкумларни сақлаш учун тергов изоляторлари ва бошқа ушлаб туриш жойларига эга бўлади.

13. Ўз ваколатлари доирасида давлат сирларини, шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, муасасалари, корхона ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари ва қонунда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳарбий муасасаларига тегишли бошқа масалаларнинг хавфсизлигини таъминланишини ташкил қилиш ва назорат қилишни амалга оширади; аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар чиқаради, тегишли чоралар кўрилиши ва унинг ижроси ҳақида ички ишлар органларини хабардор қилишни талаб қилади.

14. Давлат қўмиталари, муасасалари, корхона ва ташкилотларидан ва жамоат бирлашмалари органларидан хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифасини бажариш учун белгиланган тартибда тасдиқлайди ва маълумотларни олади.

15. Хавфсизлик органларига тегишли тезкор, тергов ва бошқа маълумотларнинг давлат сақловни амалга оширади ва уларни ҳисобини юритиш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини белгилайди ва маълумотлар системасини яратади.

Миллий хавфсизлик органлари сон миқдори тузилиши Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

МХХ Раиси бўлимларнинг функцияларини белгилайди ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик органлари штатини ва унинг вилоят органларидаги штатлар сони ва структурасини тасдиқлайди.

МХХ органлари мансабдор шахслари ҳуқуқлари Хизмат Раиси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик органларида офицерлар таркиби аттестациядан ўтказилади. Навбатдаги ва навбатдан ташқари ҳарбий унвонларни бериш масаласини ҳал қилиш учун аттестация комиссияси ташкил этилади.

Генераллар, офицерлар, прапоршиклар МХХда шартнома асосида ҳарбий хизматчилар кадрларда амалдаги заҳирада ёки

МХХнинг заҳирада Мудофаа вазирлигидан рўйхатдан чиққан ҳолда бўладилар.

Давлат миллий хавфсизлик органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кафолатлайди.

Миллий хавфсизлик хизматида ҳарбий хизматни ўтаётганлар давлат бюджети ҳисобидан мажбурий шахсий ижтимоий суғурта қилинади. Тўланадиган суғурта миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Миллий хавфсизлик хизмати органларида ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг мулкига етказилган зарар уларнинг хизмат вазифаси ёки бурчини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган бўлса тўлиқ миқдорда қопланади.

в) Божхона хизмати.

Жиноят процессуал қонунчилиги билан (38-модда) суриштирув ишларини юритиш божхона хизмати томонидан амалга оширилиши ҳам белгиланган.

Замонавий иқтисодий ривожланиш миллий иқтисодга эркин савдо ҳудудларини ташкил этишга қаратилган, молия ресурсларининг ҳаракати, товар ва хизматлар айирбошлаш бўйича халқаро келишувлар родини ошириш мақсадидаги соҳалараро ҳудудий ва ягона тинчликпарвар комплексларни киритишнинг авж олганлиги билан характерланади.

Сўнгги пайтларда давлатнинг товарларни, хизматларни, ишларни, хизматларни ва ахборотларни халқаро айирбошлашдаги роли ошиб бормоқда. Давлат, товарларни ва транспорт воситаларни чегарадан олиб киришнинг тартибини, божхона тўловларини ва солиқларни ўрнатади, ташқи иқтисодий муносабат иштирокчиларига божхона қоидалари ва уларни бошқаришни тартибга солишнинг бошқа шакллари аниқ юридик актга асосланган ҳолда белгилайди.

Божхона органлари божхона сиёсатини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади.

Божхона назорати ўзида божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва халқаро шартномаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган қатор чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Божхони ишини ташкил қилишнинг асосий элементларидан бири бўлиб божхона хизматининг фаолияти

тузилишини танлаш ва уларни давлат ҳудудида тўғри жойлашишини белгилаш ҳисобланади. Божхона хизмати Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг ягона тизими асосида қурилади ва амалга оширилади. Божхона органларининг ягона тизимини белгилаш ва ривожлантириш 1997 йилда қабул қилинган "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонун ва "Божхона кодекси"¹ билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона Қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органларидир.

Божхона органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларга амал қиладилар.

Божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан мустақил тарзда амалга оширадилар.

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт.

Давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимининг ҳарбий элементи бўлиб, божхона хизмати контробанда, ўз ваколатига кирувчи бошқа жиноятларга қарши курашиш ва божхона қоидаларини бузишни олдини олиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Бироқ бу босқичда божхона органлари олдида давлат бюджетининг даромад қисмининг бир қисмини шакллантириш, иқтисодий суверинитет иқтисодий хавфсизликни таъминлаш каби катта масштабдаги маъсулиятли вазифалар туради.

Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти давлатнинг божхона соҳасидаги фаолияти, давлатни

¹ "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонун. 1997 й 29 август № 472-1.

ишга ва ташқи функцияларини амалга оширишнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Бу фаолиятнинг мақсади конституциявий, маъмурий, божхона, фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларини божхона органлари фаолияти доираси томонидан кузатиш, қўллаш, ижро этишни таъминлашга қаратилган.

Божхона органларининг самарадорлигини ошириш учун улар олдига қўйилган вазифаларни бажаришлари лозим.

Божхона органларининг асосий вазифалари *қуйидагилардан иборат*:

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

— Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ваколати доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

— божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

— божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

— божхона тўловларини ундириш;

— божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари шундай назоратдан ўтказилишини таъминлаш;

— божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг, шу жумладан контрбанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

— ташқи иқтисодий фаолиятга доир божхона статистикасини ҳамда товар номенклатурасини юритиш;

— Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига оид қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

Божхона органлари ўз олдига қўйилган вазифаларни қонун доирасида рўёбга чиқариши учун кенг доирадаги ҳуқуқларга эга. Божхона органлари юридик ва жисмоний шахсларнинг товарларини ва транспорт воситаларини, уларнинг ҳужжатларини, шу жумладан уларнинг ўзларини ҳам текширишга ҳақли ҳисобланади. Улар валюта назоратини амалга оширишга, молия, банк ва бошқа ташкилотлардан,

юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга оширишга доир маълумотларни қонунда белгиланган тартибда олишга ҳақлидирлар.

Божхона органлари тезкор-қидирув фаолиятини юритади ва суриштирувни амалга оширади. Шу билан боғлиқ равишда бу органлар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши мумкин бўлган бир қатор ҳуқуқларини кўрсатиш мумкин. *Бу ҳуқуқлар қуйидагилардан иборат:*

— товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириш;

— юридик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек, зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

— валюта назоратини амалга ошириш;

— молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни олиш;

— божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш;

— божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудларга ва биноларга белгиланган тартибда кириш;

— божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш;

— божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ушлаб туриш ҳамда олиб қўйиш;

— экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда: шунингдек, акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (ҳалқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва

сақланганда уларни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

— суриштирув ўтказиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

— божхонага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва махсус воситаларни қўллаш.

Божхона органлари ("Божхона хизмати тўғрисида"ги қонун 1997й 29.08. 5-модда.) қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Божхона органлари:

1. ягона давлат божхона сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этишга;

2. божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божлар тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишга;

3. давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, атроф муҳитни муҳофаза этиш чора-тадбирлари амалга оширилишига кўмаклашишга;

4. божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўлланиш бўйича белгиланган тартибда услубий кўрсатмалар ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни нашр этишга;

5. юридик ва жисмоний шахсларни товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш ҳамда божхона чегарасидан ўтиш вақтидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишга;

6. фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатномаларни (лицензияларни) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беришга;

7. ўз хизмат вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлиб қолган давлат сири ва тижорат сири ҳисобланган ахборотни ошкор этмасликка мажбурдирлар.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш вақтида давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланадилар ва уларнинг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш борасидаги талабларини барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши шарт.

Божхона органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралashiшга ҳеч ким ҳақли эмас. Божхона органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажармаслик, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш, ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратлаш, уларга қаршилик кўрсатиш, таҳдид, зўрлик қилиш ёки уларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш вақтида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда табель ўқотар куралини ҳамда махсус воситаларни сақлаш, олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

Божхона органларида хизматни ўташ, божхона органларининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўлланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади¹.

Божхона фаолиятини ташкил этиш, ягона божхона сиёсатини ўтказиш, унинг фаолияти тезкорлигини ва самарадорлигини ошириш, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва божхона соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлда № УП-1815 "Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Божхона қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш ва унинг тузилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга асосан белгиланади.

Давлат божхона қўмитаси Раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва Олий Мажлис тасдиғига киритилади.

¹ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хизматни ўташ тўғрисидаги вақтинча Низом ВМ 4. 04. 98 йилги №146 қарори; Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг Интизоми устави ВМ 27. 03. 98 йилги. №135 қарори.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқармалари, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва махсус божхона комплекслари бошлиқлари Давлат божхона қўмитаси раиси тавсиясига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

Давлат божхона қўмитаси ЎзР Конституциясига асосан давлат бошқарув органи бўлиб ҳисобланади. Қўмита ўз ваколатлари доирасида ягона божхона сиёсати юритилишини, божхона фаолиятида қонунчиликка амал қилинишини, ДБК органлари самарадорлигини таъминлайди.

ДБК ўз фаолиятида ЎзР Конституцияси, қонунчилик ва ЎзР қўшилган халқаро келишувларга, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосланади.

ДБКнинг асосий вазифалари ва фаолият тартиби ДБК тўғрисидаги Низомда мустаҳкамлаб қўйилган.¹

ДБКнинг ўз ваколатлари доирасида қонунга асосан қабул қилинган қарорлари мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий характерга эга.

ДБКнинг асосий вазифалари бўлиб *қуйидагилар ҳисобланади:*

— Республиканинг иқтисодий манфаатларини ва белгиланган тартиб доирасида иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

— Республиканинг божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— божхона қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

— божхона ишларини амалга оширишда фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

— контрбанда, божхона қонунчилиги бузилишига қарши кураш, республиканинг божхона чегараларидан ноқонуний равишда наркотик моддалар, психатроп ва портлатиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30. 07 даги 274-сонли қарорининг 4 иловаси)

моддаларини, қурол, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи тасвирий санъат, тарихий-маданий ва археологик мерос предметларини, интеллектуал мулк объектларини олиб чиқиб кетилишини бартараф этиш;

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро шартнома келишувларида мустаҳкамланган бошқа вазифалар.

ДБК зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб:

— ягона божхона сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий-иқтисодий ва ташкилий механизмини ишлаб чиқади уни амалиётда қўлланилишини таъминлайди, божхона соҳасидаги қонун ва норматив актларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

— Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ишлаб чиқишда иштирок этади, ўз ваколатлари доирасида ва белгиланган тартибда божхона масалалари бўйича халқаро шартномаларни имзолайди;

— давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини, ҳайвонлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш, республика божхона ҳудудини ўраб турувчи муҳитни муҳофаза қилиниш чора-тадбирларини амалга оширилишига таъсир кўрсатади;

— мустақил ёки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда кантробанда, божхона ва ўз ваколатлари доирасида солиқ қонунларини бузилишини огоҳлантириш ва тўхтатишга оид чора-тадбирларни, шунингдек, халқаро терроризмга қарши кураш, шунингдек, Ўзбекистон аэропортларда халқаро фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиларига таъсир этиш чораларини ишлаб чиқади;

— божхона органлари ваколатларига кирувчи ишлар бўйича суриштирувни амалга оширади ва қонунга асосан божхона қоидаларини бузишга доир ишларни юритади.

— жисмоний ва юридик шахсларга белгиланган тартибда қонунда назарда тутилган божхона қоидаларини бузганлиги учун таъсир чорасини кўради;

— республика божхона чегарасидан ноқонуний тарзда наркотик, психотроп ва портлатиш моддалари, қуролларни олиб ўтилишининг олдини олиш учун тегишли чоралар ишлаб чиқади ва қўллайди;

— республиканинг ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликда назорат остига олинган

наркотик ва психотроп воситаларни ташишни амалга оширади;

— миллий хавфсизлик ва ички ишлар органлари билан ҳамкорликда қонунда белгиланган тартибда тезкор - қидирув фаолиятини амалга оширади;

— қоида бузарлик фактлари бўйича айбдорни жавобгарликка тортиш масаласи божхона органлари ваколатидан ташқарида бўлган ҳолларда материалларни тергов, суд ва бошқа органларга беради.

— божхона органлари мансабдор шахсларининг қонунга риоя қилишларини назорат қилади, мансабдор шахслар ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоят ва протестларни кўради;

— ташқи савдо юкларини расмийлаштириш пунктлари ва бошқа божхона инфратузилмаларини сетини ўз ичига олган ҳолда божхона органлари моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чораларини ишлаб чиқади;

— республика ҳудудида божхона ишларини ривожлантириш мақсадидаги тадбирларни ДБКнинг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кутилмаган харажатларни қоплаш учун тузилган махсус фондлар ҳисобига молиялаштиради;

— қонунчиликка асосан хавфли юklar, қуролланиш, ҳарбий техника, ҳарбий мулк, портлатиш моддалари ва буюмларни, ҳарбий қисмларни хулосасини юритади ва назоратни амалга оширади.¹

Қонунга асосан Давлат божхона қўмитаси зиммасига бошқа функциялар ҳам юклатилиши мумкин.²

ДБК ўз зиммасига юклатилган самарали бажаришларини таъминлашлари учун қонунда белгиланган ҳуқуқларга эга:

— божхона ҳуқуқбузарликларини аниқлаш учун техник ва махсус воситаларни қўллаш;

— божхона органлари ваколатига кирувчи ишлар бўйича суриштирувни амалга ошириш;

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 01.05.2002 йилдаги 150-сонли қарорининг 7-иловасига мувофиқ киритилган.

² ЎзР Давлат Божхона қўмитаси тўғрисидаги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30. 07 даги 374-сонли қарорининг 4-иловаси).

— божхона қоидаларини бузиш соҳасидаги ишларни юритиш, кўриб чиқиш ва божхона қонунларини бузган юридик ва жисмоний шахсларга таъсир чораларини қўллаш, улар профилактикаси бўйича чораларни ишлаб чиқади ва қўллайди;

— тезкор қидирув фаолиятини амалга оширади;

— божхона назоратидан ўтиши керак бўлган товар ва транспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатларини кўриш (қайта кўриш)ни талаб қилиш;

— товар ва транспорт воситаларини, етарли асослар бўлган ҳолларда жисмоний шахсларни текшириш (қайта текшириш);

— товарлар, транспорт воситалари ва бошқа бевосита божхона ҳуқуқбузарлиги предметларини ушлаш ва йўқ қилиш;

— божхона органлари розилигисиз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудини тарк этган транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш, дарё, денгиз ва ҳаво кемаларини қайтариш;

— пломбаларни бузиш, багажхоналарнинг қулфли қурилмаларини, юк бўлмаларини, транспорт воситалари кузовларини, кантейнер ва бошқа транспорт қадокларини, очиш;

— божхона назоратига тегишли бўлган товарлар ва транспорт воситалари мавжуд бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахслар биноларига ва ҳудудларига ҳеч қандай тўсиқларсиз кириш, шунингдек, божхона органларига тегишли бўлган фаолият ва назоратни амалга ошириш;

— пробаларни ва товар намуналарини, бошқа предметларни олиб қўйиш, уларни текширувларини (экспертиза) ўтказиш;

— шахсдан унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилиш;

— вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан (мулкчилик шаклидан қатъи назар) божхона ишларини (назорат) амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар, материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

— божхона органлари ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида шахсий ҳимоя воситалари ва ўқ отар қуроолларни олиб юриш, қўллаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар;

— давлат божхона қўмитасини сўнггида Олий Мажлис томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тайинланадиган Раис бошқаради.

ДБК Раиси биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, ДБКБ ва СТК бошлиқлари ДБК раиси тақдимига асосан Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида тайинланади.

Давлат божхона қўмитасида 9 кишидан иборат ўз таркибига қўмита Раиси — Ҳайъат раиси, унинг ўринбосарлари ва бошқа раҳбар ходимларни олувчи кенгаш тузилади, Ҳайъат таркиби аъзолари ДБК Раиси тақдимига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

ДБК Ҳайъат иш регламенти унинг раиси томонидан белгиланади. Ҳайъатнинг қарори ДБК Раиси буйруғи билан амалга оширилади. Бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қабул қилинган Ҳайъат қарори ДБК Раиси ва тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг биргаликдаги буйруқлари билан амалга оширилади.

Божхона органлари фаолияти, уларнинг илмий, моддий-техник ривожланиши, кадрлар билан таъминлаш масалаларини комплекс ҳал қилиш, бошқарув масалаларини ва таклифларни ишлаб чиқиш учун ДБКда низоми ДБК Раиси томонидан тасдиқланувчи кенгаш ва комиссиялар тузилади.

Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Давлатнинг барча фаолият йўналишларини молиялаш манбаларидан бири ва давлат устунлигини амалга оширишнинг иқтисодий қуроли бўлиб солиқлар ҳисобланади. Солиқ институтларининг вужудга келишининг объектив зарурияти давлатни мавжуд бўлиши ва ташкил қилиниши ҳамда унинг иқтисодий инфратузилмаси шарти билан боғлиқ.

Давлат томонидан иқтисодни солиқ воситасида тартибга солиш давлат бюджетини шакллантириш, солиқчилик

воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларга таъсир этиш усулларидан бири.¹

Давлат солиқ органлари бюджетга солиқ, йиғим ва бошқа тўловларнинг (кейинги ўринларда- солиқлар) тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш мақсадида ташкил қилинади.

Давлат солиқ хизмати органлари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри бош бошқармалари, вилоятлардаги солиқ бошқармалари, шунингдек, туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туман солиқ инспекциялари ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси таркибида давлат солиқ органларида солиқ ҳуқуқбузарликларини олдини олиш, аниқлаш, ва тўхтатиш фаолиятини амалга оширувчи махсус назорат-тафтиш бўлимлари ташкил қилинади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 29.08.1997 йилда қабул қилинган "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонун, шунингдек, бошқа қонунчилик актлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил қилиш ва уни тузилиши Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга асосан белгиланади².

Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти қонун томонидан белгиланган қуйидаги вазифаларни амалга ошириш билан амалга оширилади:

— солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

¹ Хван Л. Б., Налоговое право: Учебник. - Т.: Консаудит-Информ, 2001, 13-15 бетлар.

² Қаранг: ЎзР Давлат Солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом. Ҳужумат қарорлари тўплами 1998 йил 1 сон (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12. 01. даги 14 сонли қарорининг 7 иловаси).

— солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш;

— солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;

— солиққа тортиладиган объектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

— солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Бу вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш учун қонунда мансабни суистеъмол қилмаслик ва инсон ҳуқуқларини бузмаслик асослантирилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам юқорида айтиб ўтилган "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонунда давлат солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган.

Демак солиқ органлари, солиқ тўловчиларнинг (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектларнинг) молиявий ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режалари, сметалари, даромадлар ҳақидаги декларациялари солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотномалар ва ахборотлар олиш; юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчиларнинг фаолиятига тааллуқли ахборотлар, маълумотномалар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш; белгиланган тартибда: солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўяётган юридик ва жисмоний шахслардан даромадни (фойдани) ва солиққа тортиладиган бошқа объектлар яширилганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиш; тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузаётган жисмоний шахслардан лицензияларини, патентлари ёки рўй сдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини олиб қўйиб, сўнгра қонун бузилганлигини

доир материалларни мазкур фаолият билан шуғулланишга рухсат берган органларга топшириш; кассаларни ва товар-моддий бойликлар ҳамда ҳужжатлар сақланадиган жойларни муҳраб қўйиш, товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини, шунингдек, ҳужжатларни олиб қўйиш ва уларни текшириш, тадқиқ қилиш ва экспертизага юбориш; савдо, товарларни бериш ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига, шунингдек, нақд пул тушумининг банкка ўз вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш; юридик ва жисмоний шахсларнинг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиққа тортиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар, савдо ва бошқа биноларни ҳамда жойларни (шу жумладан алоҳида режимдаги корхоналарни) текшириш, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни текширув тариқасида ўлчаш ва товар-моддий бойликларни рўйхат қилиш. Солиқ хизмати органларининг солиқлар бўйича текшириш ўтказаетган мансабдор шахслари мазкур бинолар ёки жойларга киритилмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд бўлган ахборотлар (шу жумладан, солиқ тўловчининг харажатлари ҳақидаги ахборотлар) асосида ёки бошқа шунга ўхшаган солиқ тўловчиларга солинадиган солиқларни назарда тутган ҳолда солиқлар суммасини мустақил равишда белгилашга ҳақлидирлар; юридик ва жисмоний шахслардан қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган ҳолларни бартараф этишни талаб қилиш; юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳужжатлар асосида (ҳисоб-китобли) текширув ўтказилишини ёки давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёки солиққа тортиш объектини сақлаб туриш билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришини рад этса, солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни солиқ хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига тақдим этмаса (ёки тақдим этишни

рад қилса), бундай юридик шахсларнинг, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда: солиқларга оид қонунбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўллаш. Шу билан бирга солиқ органлари юридик ва жисмоний шахслардан йўл қўйилган камчиликларни ҳар қандай ҳолатда ҳам бартараф этилишини талаб қилади.

Солиқ органлари солиқ ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш мумкин. Молиявий санкциялар ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақли. Солиқлар борасида қонунбузарлик фактлари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мусодара қилади.

Солиқ органлари олдида турган солиқ ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, олдини олиш ва тўхтатиш вазифаларини бажаришда даромадларни ва бошқа солиқ объектларини яшириш ҳолатларини аниқлаганда солиқ органлари суриштирув ўтказиш, жиноят иши қўзғатиш ва уларни тегишлилигига кўра ўтказишга ҳақли.

Давлат солиқ органлари солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш фактларини тўплаш, таҳлил этиш ва баҳолашлари ҳамда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга йўл очиб бераётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритишга, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узоқ муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга мажбурдир.

Келиб чиқиши мумкин бўлган солиқ қонунбузарликларини келиб чиқишини олдини олиш мақсадида аризалар ва хабарлар шаклида келиб тушган ҳар қандай маълумотларни текширади.

Ҳал қилиниши лозим бўлган масала солиқ хизмати органлари ваколати доирасидан чиқадиган бўлса, ишни прокуратура, ИИБ, МХХ ва бошқа вақт судга зарур

материаллар билан бирга ўтказади. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспорт-импорт операцияларига риоя қилинишини назорат қилиш — солиқ органларининг яна бир вазифаси.

Солиқ органлари қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз вазифаларини бошқа давлат бошқарув органлари, давлат ҳокимиятининг жойлардаги органлари, фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, статистика ва молия органлари, банк ва бошқа ташкилотлар билан бирга бажаради. Кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар давлат солиқ хизмати органларига солиқ қонунчилигига риоя қилинишини кузатиш ва солиқ ҳуқуқбузарликлари билан курашишларига ёрдам беришга мажбурдирлар.

Давлат солиқ хизмати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, молия органлари, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари ўзаро келишиб белгиланган тартибда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, ўтказилаётган текширувлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар, шунингдек, зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа ахборотларни алмашиб турадилар.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш чоғида давлат ҳокимияти вакили ҳисобланадилар. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш хусусидаги талаблари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт.

Ҳеч ким давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашишга ҳақли эмас. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришларига тўсқинлик қилиш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратлаш, уларга қаршилик кўрсатиш, таҳдид қилиш, зўравонлик қилиш ёки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз

қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиб, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Давлат солиқ қўмитасининг Раиси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар бўлади, ўз ўринбосарларининг, давлат солиқ ва божхона органларига бўйсунувчи, Қўмитанинг мустақил тузилмавий бўлинмалари мансабдор шахслари жавобгарлик даражасини белгилайди.

Бош божхона бошқармасини Давлат солиқ қўмитаси Раиси ўринбосари — бошлиқ бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Раисининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармаларининг, вилоятлар давлат солиқ бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари бўлимларининг бошлиқлари, давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Раисининг буйруғи билан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат солиқ хизматининг Марказий органи ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари ва унинг фаолиятини ташкил қилиш "Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида"ги Низом билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига,

Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, халқаро ҳуқуқ нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган шартнома ва келишувларига, Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомга амал қилади.

Қуйидагилар Давлат солиқ қўмитасининг вазибалари ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар (кейинги ўринларда солиқлар деб юритилади) ундириш йўли билан давлат бюджетига шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига даромадлар тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлаш;

б) солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

в) солиқ солиш субъектлари ва объектлари тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш, солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш;

г) солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар ўтказиш йўли билан солиқлар йиғилишини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

д) давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари томонидан белгиланадиган солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита қатнашиш;

е) солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

ё) солиқ тўловчилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва амалда тушган солиқларнинг ҳисобини

маълумотларнинг ягона компьютер тизимида юритиш, солиқ туловчиларнинг ягона реестрини юритиш;

ж) солиқ органларида кадрларни танлаш, уларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш.

Давлат солиқ қўмитаси ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб *қўйилдаги функцияларни амалга оширади:*

а) Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирликлари ва идоралари билан биргаликда солиқ, бож ва бошқа бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган тўловлар ҳақидаги қонунларни қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

б) хўжалик юритувчи субъектлар—юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолияти юзасидан амалга ошириладиган барча текширишлар ва тафтишларни мувофиқлаштиради;¹

в) даромад ва бошқа солиқ объектларини қасддан яшириш ҳолларини аниқлаш, солиқ ва божхона қонунларини бузган жавобгар шахсларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида вилоятлардаги махсус тафтиш-назорат бўлинмалари фаолиятини йўналтиради; бу ва иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларнинг олдини олиш ва тўхтатиш мақсадида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади ва маълумотлар алмашади; солиқ ва божхона қонунларининг бузилиши ҳақидаги маълумотларни умумлаштиради ва таҳлил қилади, профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридаги махсус тафтиш-назорат бўлинмалари бевосита Давлат солиқ қўмитаси Раиси ўринбосари — тафтиш-назорат бошқармаси бошлиғига, ташкилий жиҳатдан — вилоят солиқ бошқармаси бошлиғига бўйсунди.

Давлат солиқ қўмитаси ва унга бўйсунувчи органларга ўз вазифаларини самарали бажаришлари учун *қуйидаги ҳуқуқлар берилган:*

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 30. 01. 1997 й. даги 56 сонли қарорининг 4 бандига асосан киритилган.

а) Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режага мувофиқ бошқа назорат қилувчи ва текширувчи органларни жалб қилган ҳолда мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини комплекс текшириш;

б) солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳужжатларини, шартномаларини (контрактларини), бизнес-режаларини, сметаларини, даромадлар тўғрисидаги декларацияларини ва солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини ҳужжатлар асосида текшириш (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектларни муқобил текшириш), текшириш чоғида пайдо бўлган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумот-номалар ва маълумотлар олиш;

в) юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчиларнинг фаолиятига тегишли маълумотлар, маълумотномалар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

г) қонунда белгиланган тартибда:

— солиқ ҳақидаги қонунлар бузилишига йўл қўяётган юридик ва жисмоний шахслардан даромад (фойда) ва солиқ солишнинг бошқа объектлари яширилишидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқни бузиш буюмларини олиб қўйиш;

— тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузаётган жисмоний шахслардан лицензиялар, патентлар ёки рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаларини олиб қўйиш, қонунни бузишлар тўғрисидаги материалларни кейинчалик кўрсатиб ўтилган фаолият билан шуғулланишга рухсат берган органларга тегишли қарор қабул қилиш учун бериш;

д) касса ва товар-моддий бойликлар сақланадиган жойларни қонунда белгиланган тартибда муҳраб қўйиш, товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр фабрикатлар намуналарини, шунингдек, ҳужжатларни олиб қўйиш ва уларни таҳлил, тадқиқ қилиш ва экспертизалар ўтказиш учун юбориш;

е) савдо, товарлар бериш ва хизматлар кўрсатиш, акциз қолибри солинадиган алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини

сотиш ва маркалаш қоидаларига риоя қилинишини текшириш, нақд пул маблағлари тўлиқ кирим қилинишини, назорат-касса аппаратларини қўллаш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш;

ж) юридик шахслар (шу жумладан, алоҳида режимда ишланган корхоналарнинг ва жисмоний шахсларнинг даромад (фойда) кўриш учун фойдаланиладиган, ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш, омборхона, савдо бинолари ва бошқа жойлари ва ўринларини, улар жойлашган жойдан қатъи назар, текшириш, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни назорат тартибда ўлчаш ва товар-моддий бойликларни хатлаш;

з) аниқланган солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиши бартараф этилишини юридик ва жисмоний шахслардан талаб қилиш;

и) юридик шахсларнинг, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини, улар даромад (фойда) кўриш учун фойдаланиладиган жойлар ва ўринларни, ёхуд солиқ солиш объектларини текшириш учун давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари ҳужжатлар асосида (счётлар бўйича) текшириш ўтказиши ёки киришига тўсқинлик қилган, давлат солиқ хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этмаган (ёки тақдим этишни рад этган) тақдирда, тўхтатиб қўйиш;

к) қонунда белгиланган тартибда:

— солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга молиявий жазо чоралари қўллаш;

— маъмурий ҳуқуқ бузилишлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазолар қўллаш;

л) солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларнинг аниқланган ҳоллари бўйича товар-моддий бойликларни қонун

ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мусодара қилиш;

м) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар бўйича вақтида тўланмаган тўловларни, шунингдек, жарималар суммаларини сўзсиз ундириб олиш;

н) юридик ва жисмоний шахслар томонидан ғайриқонуний олинган маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисида уларга нисбатан судга даъволар бериш;

о) солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиши ҳолларини, шунингдек, улар содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва *уларга барҳам бериш учун:*

— тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

— ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларни содир этган шахсларни қидириш;

— давлатга етказилган зарарни қонунда белгиланган тартибда қоплаш чора-тадбирларини кўриш;

— жиноий ишлар кўзгаш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ терговга тегишлилиги бўйича бериш.

Республика Солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари тижорат ва хизмат сирларини сақлашга мажбурдирлар.

Давлат солиқ органлари мансабдор шахслари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун амалдаги қонунчиликка асосан жавобгарликка тортилади.

Мансабдор шахслар, айбларига кўра нотўғри ундирилган божхона тўловлари ва жарима суммалари учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан интизомий ва моддий жавобгар бўлади.

Давлат солиқ қўмитасида 11 кишидан иборат Раис, лавозими бўйича раиснинг биринчи ўринбосари ва раис ўринбосарлари, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси раисининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган бошқа раҳбар ходимлардан иборат ҳайъат тузилади.

Бош божхона бошқармаси, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги давлат солиқ бошқармалари ўзларининг коллегиял органларига — кенгашларга эга.

Солиқ ёки божхона органлари ходимларига касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда оғир тан жароҳати етказилганда, унга давлат бюджети ҳисобидан, сўнгида жавобгардан ундириш йўли билан, йигирма беш ойлик иш ҳаққи баробарида бир марталик таъминот берилади.

Давлат солиқ ва божхона органлари ходимларига унча оғир бўлмаган зарар етказилганда унга давлат бюджети ҳисобидан, сўнгида жавобгардан ундириш йўли билан, беш ойлик иш ҳаққи баробарида бир марталик таъминот берилади.

Солиқ қонунчилигини бузиш ҳақидаги ишлар бўйича суриштирувни амалга оширувчи органлар ҳақида алоҳида гапириш лозим. Ҳозир ЖПКда ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши кураш департаменти ҳақида гапирилади. Бироқ ҳар доим шундай бўлмаган. Биринчи редакцияда солиқ органлари ҳақида тўлиқ эсланган, кейин 2001 йил 6 июлда № 291 Вазирлар Маҳкамаси қарори билан умуман янги орган — ЎзР Президенти ҳузурида Солиқ ва валютига оид жиноятчиликка қарши кураш департаменти ташкил қилинди.

Янги органни ташкил қилиш зарурияти бозор муносабатларининг жадал ривожланиши ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар миқдорининг ўсиши билан боғлиқ эди. Солиқ органлари ўз олдига қўйилган вазифаларни ўз вазифаларини ҳар доим ҳам самарали бажара олмади, солиқ жиноятларига қарши курашувчи махсус орган ташкил қилишга, солиқ органлари зиммасига эса асосий вазифаларни-бюджетга солиқлар, йигимлар ва бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлашни юклаганга қарор қилинди.

ЎзР қонуни билан солиққа қарши жиноятлар билан курашувчи суриштирувни амалга оширадиган, Низомга асосан фаолият амалга оширувчи (Вазирлар Маҳкамасининг 6.07.2001.даги № 291 қарорига №5 Иловага) департамент ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ жиноятчилигига қарши курашувчи департамент бюджетга тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш фактларини аниқлаш, солиқ жиноятлари ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш,

солиқ базасини кўпайтириш ва давлатга етгазилган зарарни қоплаш чораларини кўради.

Шу билан бирга департамент ва унинг жойлардаги органлари ишларининг натижалари улар олдига қўйилган вазифаларга, биринчи навбатда "яширин" иқтисодий фаолиятни аниқлаш ва олдини олиш, хўжалик, молия-валюта соҳасида белгиланган қонун нормаларини бузиш йўли билан давлат манфаатларига етказилаётган жиддий зарарни аниқлаш бўйича қўйилган вазифаларга тўлиқ жавоб берди.

Департаментнинг ахборот-таҳлилий ишлари даражаси, қўлланилаётган таҳлил методлари замонавий талабларга жавоб беради.

Солиқ ва иқтисодий жиноятларга қарши курашишда қатъият етишмади, солиқларни тўлашдан бош тортишнинг мавжуд механизмлари ва йўлларини аниқлашга доир ишлар етарли самара билан олиб борилмади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ органлари, Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ишлари қониқарсиз йўлга қўйилган.

Валюта соҳасида йўл қўйилаётган қонун бузилишлари ва жиноятлар фаолият доирасидан четда қолди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 28 ноябрда № 415 "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатга асосан солиқ жиноятларига қарши кураш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаментига айлантирилди. ЎзР ЖПКга шунга мувофиқ тузатиш киритилди.

Янги орган ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти тўғрисидаги Низомга асосан фаолият юритади.¹

Бу Низом ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 28. 11. 2002 й. даги 415 сонли қарорининг 4 иловаси.

фаолияти асослари, вазифа ва функциялари, тизими ва тузилиши, ваколатлари ва жавобгарлигининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти (кейинги ўринларда — департамент) махсус мустақил ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланиб, солиқ интизомини мустаҳкамлаш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, солиқ ва валютага оид жиноят ва қонун бузилишларига қарши курашиш, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш унинг асосий мақсади ҳисобланади.

Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига асосланади.

Департаментнинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

— солиққа оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш;

— солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базаларини кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг қамраб олинishi ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш, нақд пул маблағлари муомалада бўлиши белгиланган тартиби бузилишларига барҳам бериш;

— солиқларни тўлашдан бош тортиш, қочишнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, яширин иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини, коррупция ҳолларини аниқлашга йўналтирилган самарали тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

— норматив-ҳуқуқий базани, энг аввало солиққа оид қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— одамларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлашга доир мунтазам иш олиб бориш, фуқароларда иқтисодий фаолият ва солиқ сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги конституциявий нормаларни ҳамда амалдаги қонун

ҳужжатларини бажаришнинг зарурлиги тушунчасини шакллантириш;

— аҳолида солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, иқтисодиёт, солиқ соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини тарбиялаш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги №291 қарорига кўра, (юқорида эслатиб ўтилган қарори билан) департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларига кўра, валютага оид курашни кўчайтириш борасида *қуйидаги функциялар юклатилди*:

— чет эл валютасида операциялар амалга оширишда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, огоҳлантириш ва бартараф қилиш;

— чет эл валютаси воситаларини оқиб келиш каналлари ва механизмларини, уларнинг ноқонуний муомалага кириши, валюта воситаларини мажбурий сотишдан бўйин товлаш ҳолларини аниқлашга йўналтирилган самарали тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

— республика ҳудудида хорижий валютада резидентларга ва норезидентларга иш ҳақи тўлаш ҳолларини аниқлаш ва тўхтатиш;

— чет эл валютасида тўловларни амалга оширилишининг қонунийлигини аниқлаш, валюта операцияларидаги ҳисоб ва ҳисобдорликнинг объективлиги ва тўлиқлигини текшириш;

— норматив-ҳуқуқий базани, энг аввало валюта-айрбошлашга оид, шунингдек, валюта воситаларини ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқишга оид қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— амалдаги қонунчиликни бузган ҳолда бўладиган чет эл валютасида оперцияларни амалга ошириш ҳақидаги маълумотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш;

— валюта соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этган шахсларнинг ягона марказлашган ҳисобини юритиш ва компьютерда база маълумотларини ташкил қилиш;

— чет эл валютасини қўллаш ва импорт-экспорт ҳамда воситачилик операцияларини амалга оширишдаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

— Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан чет давлатларнинг ваколатли органи билан валютани тартибга солиш, жиноий йўл билан топилган даромадларнинг қонунийлаштирилишига қаршилиқ кўрсатиш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш ва маълумотлар алмашиш;

06.07.2002 йилдаги департамент тўғрисидаги Низом билан 28.11.2002 йилдаги *Низом солиштирилганда қатор фарқларни кўришимиз мумкин*: бу департамент структураси, функцияси, ишни ташкил қилишга ва бошқаларга тааллуқли.

Агар департамент илгари зиммасига юклатилган вазифаларга *асосан тезкор-қидирув соҳасида*:

а) ишлаб чиқариш ва фойда (даромад)лар ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулотлар, товарлар (ишлар, хизматлар) ни ҳажмларини пасайтириш;

— “яширин иқтисодиёт”нинг вужудга келиши, қарор топиши ва фаолият кўрсатиши, унинг ривожланишига кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитлар;

— тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ инспекцияларида ҳисобга туришдан бўйин товлаш ҳолларини аниқлаш ва ўрганиш;

б) нақд пул муомаласига эга бўлган хўжалик субъектлари томонидан қонунда белгиланган тартибда нақд пул воситаларига мурожаат қилиш тартибининг бузилишини, шунингдек, акциз товарларини ноқонуний ишлаб чиқариш ва муомала қилинишини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш;

— солиқлар, йиғим ва бошқа тўловларни тўлашдан, солиқ органларига ҳисоботлар, солиқ декларациялари ва ҳисоб-китобларини тақдим этишдан қасдан бўйин товловчи солиқ тўловчиларнинг жойлашишини аниқлаш бўйича тезкор-қидирувни амалга ошириш вазифаси юклатилган бўлса, Солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши кураш департаментига буларга қўшимча тарзда чет эл валютасини алмаштириш каналлари ва яшириш механизминини аниқлаш, уларни ноқонуний айирбошлаш, чет эл валютасини сотиш

мажбуриятдан бўйин товлаш ҳолатларини ўрганиш ва аниқлаш вазифаси юклатилган.

Департаменининг спецификаси ўзгарди ва нафақат солиқ, шунингдек, валюта қонунчилигига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Департамент бугун валюта ва солиқ қонунчилигига риоя қилинишини *назорат қилиш соҳасида*:

— хўжалик субъектлари томонидан бюджетга тўланадиган солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, уларни ҳисоблаб чиқишлигининг тўғрилигини текшириш орқали;

— хўжалик юритувчи субъектларни муқобил текширади, текширилаётган (тафтиш қилинаётган) ташкилотлардаги ҳужжатлар ва маълумотларни пул маблағлари, моддий бойликлар ва ҳужжатлар олинган ёки улар берилган ташкилотлардаги ёзувлар, ҳужжатлар ва маълумотлар билан солиштиради;

— қонун-ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари томонидан ўз зиммасига юкланган вазифасини виждонан бажармаслик фактларини аниқлаш мақсадида назорат тартибидан текширишни ташкил қилади.

Янги киритилган функцияларга қуйидагилар киради:

— хорижий валютада операциялар амалга оширишдаги қонун бузилишларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва профилактика қилиш чора-тадбирларини кўриш;

— республика ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижий валютада иш ҳақи тўлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳолларини аниқлаш ва бартараф этиш;

— амалдаги қонун-ҳужжатлари бузилган ҳолда чет эл валютасида амалга оширилаётган операциялар ҳақида ахборотларни тўплаш, ўрганиб чиқиб ва ҳар томонлама таҳлил қилиш,

— чет давлатнинг ваколатли органлари билан асосий эътиборни жинойий йўл билан топилган даромадни легаллаштиришга қарши курашга қаратган ҳолда алоқа қилиш ва маълумотлар алмашиш.

Суриштирув ўтказишга келганда департаментга 06.07.2001 Низом асосида қандай вазифалар юклатилган бўлса худди шу вазифалар унга ҳам юклатилган.

Департамент суриштирув ўтказиш соҳасида:

— жиноят иши қўзғатади, солиқ ва валютага оид жиноятларни содир этганлик фактлари бўйича текширувлар ўтказишни ташкил қилади ва ўтказди;

— Департаментни ташкилий-назорат жиҳатдан таъминланиши борасида департаментнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан суриштирувнинг амалга оширилишини назорат қилади;

— Солиқ ва иқтисодий соҳасида, шунингдек, чет эл валютасида операцияларни амалга оширишдаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган режали ва режадан ташқари ҳамда бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш юзасидан ташкилий ишларни амалга ошириш;

— ўзининг ҳудудий бўлимлари томонидан ижро ва хизмат интизомига риоя қилишдаги функциянал мажбуриятларини бажаришлари юзасидан идоравий текширишларни ўтказиш;

Ахборот-таҳлилий фаолият, мувофиқлаштириш ва ҳуқуқий таъминлаш соҳасида департамент:

— Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қонунни қўллаш амалиётини умумлаштиради, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларини такомиллаштириш юзасидан, шунингдек, валюта воситаларини ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш, валюта айирбошлаш борасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва профилактикаси юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва тақдим этади;

— Солиқ ва валюта қонунбузарлик фактларини тўплайди, ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга оширади ва тегишли органларга иқтисодий, солиқ ва валюта ҳуқуқбузарликларини содир этишга имкон берувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш борасида таклифлар беради;

— валюта соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этган шахсларнинг ягона марказлашган компьютер ҳисобини юритади;

— тезкор қидирув фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашни амалга оширади;

— прокуратура органлари раҳбариятининг иқтисод

соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашиш натижалари ва муаммолари ҳақида хабардор қилади;

— Департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш учун услубий ишларни юритади;

— ходимларни ўқитишни, шунингдек, ишда замонавий билимлар ва янги технологиялардан фойдаланиш.

Департамент қуйидаги тузилмавий бўлимлардан иборат:

— Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш ва ахборот-таҳлилий таъминлаш бошқармаси;

— Солиқ жиноятларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўлими;

— Валюта жиноятларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўлими (появился с принятием Положения от 28.11.2002)

— Криминалистика лабораторияси;

— Тезкор гуруҳ;

— Солиқ ва валюта жиноятлари бўйича суриштирув бўлими;

— Ҳужжатларни текшириш бўлими;

— Номартив-ҳуқуқий база бўлинмаси;

— Шахсий таркиб бўлинмаси;

— Кадрлар бўлими;

— Молия-хўжалик бўлинмаси;

Департаментнинг ҳудудий бўлинмалари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратуралари қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бошқармалари шунингдек, туман (шаҳар) прокуратуралари қошидаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлимлари.

Департаментни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва мақоми бўйича Бош Прокурор ўринбосарига тенглаштирилган бошлиқ бошқаради.

Департамент бошлиғи ўринбосарлари департамент бошлиғининг тақдимига асосан Бош прокурор томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади.

Ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, департаментнинг туман (шаҳар) бўлими бошлиқлари департамент бошлиғининг таклифига кўра

белгиланган лавозимларига Бош прокурор томонидан тайинланади.

Департамент мустақил юридик шахс бўлиб, банк муассасаларида ҳисоб, жорий ва бошқа ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси герби тасвири туширилган ва департаментнинг тўлиқ номи ёзилган муҳрига эга.

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўзига юклатилган вазифа ва функцияларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларининг телекоммуникация воситалари ва компьютердаги маълумотлар базасига, солиқ тўловчиларнинг солиқ, йиғим ва бошқа давлат бюджетига тўланадиган мажбурий тўловларга оид ҳисоб ва ҳисобдорлигидаги бузилиш фактларини аниқлаш;

— солиқ ёки бошқа органлари хизматчилари томонидан ҳуқуқбузарликлар яширилганлиги ҳақида етарли далиллар мавжуд бўлганда қонунга асосан такрорий текшириш ўтказиш;

— қўшимча текширувларни ўтказиш ва жиноий иш қўзғатиш;

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни департамент бўлинмалари ваколатлари доирасига кирувчи саволлар бўйича тушунтириш, маълумот ва кўрсатмалар олишга таклиф қилиш;

— белгиланган тартибда фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг, агар уларни солиқ соҳасида ва чет эл валютасида муомала қилиши соҳасида жиноят содир этган деб гумон қилиш учун етарли маълумотлар бўлса зарур ҳужжатларни текшириш;

— вазирликлар, идоралар, банклардан, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотлардан, жисмоний шахслардан департамент зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун, қонунда бундай маълумотларни олишнинг махсус тартиби белгиланган ҳолларни истисно қилган ҳолда, зарур маълумотларни талаб қилиб олиш. Департамент томонидан олинган маълумот истисно ҳолда хизмат мақсадларида фойдаланилади ва ошкор қилинмайди;

— хўжалик субъектларининг (солиқ тўловчилар) даромад олиш учун фойдаланиладиган ёки солиқ объектларини сақлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш, омбор, савдо ва бошқа биноларни ва жойларини уларнинг жойлашган жойидан ва мулк шаклидан қатъи назар текширади, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг, товар-моддий бойликларнинг инвентаризациясини назорат ўлчовини ўтказди;

— анализ, тадқиқот ва экспертиза ўтказиш учун товар, маҳсулотлар, материаллар ва яримфабрикатлар намуналарини, шунингдек, ҳужжатларни олиб қўйиш;

— қонунда белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўрмоқ ва маъмурий жазоларни қўллаш;

— қонунга асосан органлар ва агентларга берилган валюта-ни назорат қилиш функциясини бажариш.

Департамент:

— юридик ва жисмоний шахслардан ўз фаолиятига тегишли бўлган маълумотлар, маълумотномалар, ҳужжатларни олиш;

— банк ва бошқа молия-кредит муасасалари ҳуқуқига эга хўжалик субъектларининг (солиқ тўловчилар) ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа рақамлари бўйича амалга оширилган операциялар ҳақида маълумот олиш;

— божхона органлари ва ташқи иқтисодий алоқалар Агентлигидан экспорт-импорт операцияларини бажариш ва хўжалик субъектлари (солиқ тўловчилар) ҳақида бошқа маълумотларни олиш.

Бу ҳуқуқларга илгари солиқ хизмати органлари эга эди, бироқ ҳозир фақат департамент ваколатига киритилган.

Департамент органлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Департамент ходимлари давлат, хизмат, тижорат сирини, жисмоний шахсларнинг омонатлари тўғрисидаги маълумотлар сирини ва улар ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олган бошқа маълумотни сир сақлашлари керак. Сир ошкор қилинган тақдирда ходим қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

Солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича процессуал ҳаракатларнинг жинорий

иш қўзғатишдан бошлаб уни судда кўриб чиқишга қадар узвийлиги ва изчиллиги департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг иқтисодий солиқ соҳасидаги жиноятлар бўйича жиноий ишларни тергов қиладиган, судда улар бўйича давлат айбловини қўллаб-қувватлайдиган барча даражалардаги прокуратура органлари билан мустақкам ўзаро ҳамкорлиги ва хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириши натижасида таъминланади.

Департамент Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгиланган муддатларда департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари иши тўғрисида ҳамда солиқ соҳасида ва валюта айланиши соҳасида қонунийликнинг ҳолати ҳақида ҳисобот, ахборот ва ҳисобга олиш-таҳлилий маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди.

Департамент давлат солиқ хизмати органлари, валютани назорат қилишни амалга оширувчи орган ва агентлар билан қуйидаги йўналишларда алоқа қилади:

— Солиқ ва валюта ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, профилактика тадбирларига асосан ойлик, кварталлик ва йиллик тафтишларни ўтказиш;

— давлат солиқ инспекцияси билан прогноз кўрсаткичларини бажарилиши, бюджетга тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардаги камомадларни ундириш юзасидан ҳамкорлик қилади;

— валютани назорат қилиш органлари ва агентларига валюта ҳуқуқбузарликлари ҳақида маълумотлар бериш;

— солиқ валюта ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан биргаликда рейдлар ўтказиш;

— тезкор-аҳамиятли маълумотларни алмашиш.

Алоқалар департаментнинг вазифа, функция ва мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишларда ҳам амалга оширилади.

Департамент бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда прокуратура органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қонунийликни мустақкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш доирасида тегишли хизматлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари

билан ҳамкорлик қилади, солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши кураш борасида узоқ муддатли ва жорий дастурларни ишлаб чиқади, солиқ ва валютага оид қўзғатилган жиноий ишларни тергов қилишга процессуал ёндашиш учун прокуратуранинг бошқа бўлимлари ҳар қандай масалаларда алоқа қилишни таъминлайди.

Департамент бошлиғи прокуратура органлари билан ҳамкорлик қилишда, департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан қўзғатилган жиноий ишлар бўйича жиноий иш қўзғатилган пайтдан ва тергов ўтказишдан бошлаб то иш суд инстанциялари томонидан кўриб чиқиб ҳукм чиқарилгунча назорат олиб боради. Ички ишлар органлари билан тезкор маълумотларни алмаштириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаётган ҳамда солиқ ва валюта жиноятларини содир этган шахсларни қидириш ва ушлаш бўйича тадбирларни амалга оширади ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро маълумотлар алмашади.

Қонуний манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутуцияси 1992 йил 8 декабр. -Т.: "Ўзбекистон", 1992 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни 9 декабр 1992 йил (янги таҳрири - 29 август 2001 й Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси 1993 й. N 257-II., N 1, 29-модда, N 6, 266 модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси, 1996 й., N 9, 145-модда; 1997 й., N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1999 й., N 9, 229-модда)

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарори билан тасдиқланган.

4. Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган.

5. ЎЗР Жиноят-процессуал Кодекси. -Т.: "Адолат", 1999.

6. ЎЗР "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонуни 1997 йил 29 август. Ўзбекистонинг янги қонунлари тўплами 17-сон. Т.: "Адолат", 1998 й.

7. ЎЗР "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"и қонуни 1997 йил 29 август. Ўзбекистонинг янги қонунлари тўплами 17-сон. -Т.: "Адолат", 1998 й.

8. "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қошидаги солиқ ва валютага ойда жиноятларга қарши кураш департаменти" Низоми. Вазирлар Маҳкамасининг 06. 07.2001й. даги 291-сонли қарорининг 5 иловаси.

Махсус адабиётлар

1. Абдумаджидов Г.А. Развитие законодательства о расследовании преступлений. - Т., "Ўзбекистан", 1974.

2. Башкатов Л.Н., Ветрова Г.Н., Доценко А.Д., Зажицкий В.И.: Уголовный процесс/ Под редакцией Домовой А.И. - М.: НОРМА, 2001.

3. Громов Н.А. Уголовный процесс России: Учебное пособие. -М.: Юрист, 1998.

4. Головки Л.В. Дознание и предварительное следствие в Уголовном процессе Франции. - М.: СПАРК, 1995.

5. Деришев Ю. Предварительное следствие: исследование или преследование, Российская юстиция, №10, 2002.

6. Истина... и только истина! Проблемы, дискуссии, предложения. -М.: Юридическая литература, 1990.

7. Кузнецова Ю.В., Рукавишников В.П., Громов Н.А. Правовые основы взаимодействия следствия и органов дознания при расследовании преступлений. //Следователь, №6, 2000.

8. Кузнецова Ю.В., С.И. Анненков, Громов Н.А. Дознание и предварительное следствие: Сущность, задачи и значение стадии предварительного расследования //Следователь, №4, 2000.

9. Лебедев В.М. — Судебная защита свободы и личной неприкосновенности граждан на предварительном следствии - Российская Академия правосудия — учебное пособие. -М.: 2001.

10. Лукичев Н.А. Обеспечение состязательного процесса на стадии предварительного расследования //Следователь, №5, 2002.

11. Махов В.Н. Предварительное следствие по уголовным делам должно осуществляться судьями. //Следователь, №6 2002.

12. Павлухин Л.В. Расследование в форме дознания. - Томск, 1979.

13. Правоохранительные органы. Учебник для вузов. Под редакцией профессора Гуценко К.Ф. — М.: Зерцало, 1997.

14. Рукавишников В.П., Анненкова Т.С., Громов Н.А. Предварительное следствие и его система в уголовном процессе // Следователь, №5, 2001.

15. Рыжаков А.П. Органы дознания в уголовном процессе. -М.: Городец, 1999.

16. Савицкий В.М., Ларин А.М. Уголовный процесс: Словарь-справочник — М.: Юридическая фирма КОНТРАКТ; ИНФРА-М, 1999.

17. Соломичев В.И. — Прокурорский надзор за исполнением законов органами, осуществляющими дознание и предварительное следствие -М.: "Экспертное бюро -М", 1998.

18. Тырин А.В., Лукичев Н.А., Громов Н.А. Функция обвинения в досудебной стадии // Следователь, №5, 2002.

19. Хидоятов Б.Б. Проблемы регулирования дознания в Республике Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук. Министерство юстиции Республики Узбекистан. Ташкентский Государственный юридический институт. -Т., 2002.

Назорат саволлари

1. Даствлабки терговнинг мазмун ва моҳияти нимада ифодалангани?

2. Даствлабки терговнинг вазифалари нималардан иборат?

3. Қайси сабабларга кўра жиноят иши бўйича даствлабки терговни ўтказиш зарур ҳисобланади?

4. Даствлабки терговга таъриф беринг ва унинг вазифаларини характерлаб беринг.

5. Даствлабки тергов органларини кўрсатинг.

6. Қайси идораларда бугунги кунда тергов аппарати мавжуд?

7. Турли идоралардаги терговчилар ўртасида ваколатлар қандай чегараланади?

8. Жиноий ишларнинг терговга тааллуқлилиги қайси меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади?

9. Прокуратура терговчилари ким томонидан ловозимига тайинланади ва озод қилинади?

10. Прокуратура терговчиларини интизомий жавобгарликка тортишнинг ва рағбатлантиришнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?

11. Суриштирувчининг моҳияти ва вазифаларини тушунтириб беринг.

12. Қайси органларга жиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш ҳуқуқи берилган?

13. Қайси норматив актларда суриштирув органлари ваколатлари белгилаб берилган?

14. Милиция суриштирув органи сифатида бошқа суриштирув органларидан нимаси билан фарқ қилади?

15. Жиноятларни тергов қилишда жамоат вакиллари қандай шаклларда иштирок этади? Бунда қандай шартларга риоя қилиниши лозим?

16. Ўзбекистон Республикаси МХХ зиммасига юклатилган вазифаларни айтинг.

17. МХХ органлари фаолияти қандай принципларга асосан ташкил қилинади?

18. ЎзР ИИВга қандай вазифаларга юклатилган?

19. Божхона органларининг асосий вазифаларини кўрсатинг.

20. Божхона органларига қандай мажбуриятлар юклатилган?

21. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши кураш департаментига қандай вазифалар юкланган?

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган вазифаларни кўрсатинг?

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қандай ҳуқуқларга эга?

XIV БОБ. ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

14.1. Адвокатура тушунчаси, унинг вазифалари ва адвокатлик фаолиятининг турлари

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари малакали равишда ҳимоя қилингандагина тўла равишда амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун қонун ҳужжатларини фақат ўқий билишгина эмас, балки уларни тушуна билиш ҳам, шунингдек, юзага келган муаммони ҳал қилиш учун керак бўлган актни топиш бўйича маҳорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишни юритиш бўйича тажриба ҳамда шунга ўхшашлар талаб этилади. Бошқача айтганда, самарали ёрдамни таъминлаш учун юридик маълумотга эга бўлган мутахассис керак. Бундай мутахассис эса *адвокатдир*.

"Адвокат" сўзи латин тилидан олинган бўлиб, икки маънога эга: а) суд ишлари бўйича ишончли вакил, судда ҳимоячи; б) бирор шахсни ёки бирор нарсани ёзма ёки оғзаки равишда ҳимоя қиладиган шахс. Рус сўзлашув тилида ҳам бу сўз икки маънони билдиради. *Биринчидан*, адвокат деганда, судда бошқа шахсларни ҳимоя қилиш учун иш юритишдан иборат фаолият, касб тушунилса, *иккинчидан*, олдин мазкур касбга ўзини бағишлаган шахсларнинг катта гуруҳи, яъни адвокатлар табақасининг ўзи ҳам *адвокатура* деб аталган.

Суд ҳокимияти суд жараёнида тарафлар ўзларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла англаган ҳолда иштирок этишларидан манфаатдордир. Шу муносабат билан адвокатура институти тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учунгина улкан аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки одил судловни тегишлича амалга ошириш учун зарур бўлган умумий вазифаларни бажариш учун ҳам зарурдир.

Бироқ, адвокатурага нисбатан муносабат ҳар доим ҳам ижобий бўлмаган. Адвокатурага нисбатан салбий муносабатнинг юзага келишига қисман адвокатуранинг ўзининг етарлича мукамал бўлмаганлиги, қисман жамиятнинг суд шаклларига одатланмаганлиги сабаб бўлган. *Масалан*, Германияда Буюк Фридрих адвокатларни "*зулуклар ва хавфли илонлар*" деб атаб, 1780 йилда адвокатурани

бутунлай йўқ қилишга фармон берган эди. Мазкур фармон 1878 йил 3 июлдагина ўз кучини йўқотган ва адвокатура тикланган эди. Наполеон эса Камбасересга: "Ўзининг тилидан ҳукуматга қарши фойдаланган адвокатнинг тилини кесиб ташлаш имконияти бўлишини хоҳлар эдим", - деб ёзади. Аммо озод мамлакатларда адвокатура доимо юқори мақомга эга бўлиб келган.¹ Секин-аста адвокатурага бўлган салбий муносабат адвокатуранинг зиммасидаги улкан аҳамиятга эга бўлган ижтимоий вазифани англаб етиш ҳамда унинг нақадар зарурлигига ишонч билан ўрин алмашди.

Адвокатура кўп асрлар муқаддам юзага келган бўлиб, энг кўҳна процессуал институтлардан ҳисобланади. Судда тарафларга вакиллик қилиш ғояси секинлик билан давом этган тарихий жараён натижасида ривожланди. XIX асрда адвокатура деганда, тор маънода ҳуқуқни ёқлаш (тарафдорлик) тушунилса, кенг маънода — ҳуқуқни ёқлаш (тарафдорлик) ва судда вакиллик қилишнинг бирлиги тушунилган. Ҳуқуқни ёқлаш (тарафдорлик) деганда қонунларни ўрганиш билан махсус шуғулланувчи одамларнинг юридик ёрдамга муҳтож одамларга кўрсатадиган шундай ёрдамларини тушуниш лозим.

Судда вакиллик қилиш — суд жараёнида бир шахснинг иккинчи шахсга ўз ваколатларини бериши, бунда вакилнинг суддаги фаолиятдан келиб чиқувчи барча оқибатлар бевосита манфаати вакил томонидан ҳимоя қилинаётган шахсга тегишли бўлади.² Ҳуқуқни ёқлаш (тарафдорлик) ва судда вакиллик қилиш турлича талаблар натижасида юзага келган бўлиб, уларнинг фаолият доираси ҳам турлича эди. Европанинг кўп мамлакатларида адвокатура ва судда вакиллик қилиш иккита институт сифатида мустақил ривожланган. Ҳарбий Европада ҳуқуқни ёқловчилар адвокат номини олганлар.

Россияда эса Европадагидан фарқли, ҳуқуқни ёқлаш (ёки тарафдорлик) мустақил институт сифатида эмас, балки

¹ Фойницкий И. Я. Курс уголовного судопроизводства. Том 1. "Альфа", СПб. 1996, 467-бет.

² Черкасова Н. В. Формирование и развитие адвокатуры в России (60-80 годы XIX в.) Отв. ред. Е.А.Скрипилев. -М.: Наука, 1987. 10-11-бетлар.

суддаги вакиллик натижасида юзага келди. Вакиллик ғоясининг бошланғич асосини икки институт — оилавий вакиллик ва юридик шахсларнинг вакиллиги ташкил қилган эди. Ўрта асрларда оилавий вакиллик славян ва герман халқларида кенг тарқалган эди. Вакилликни кўпинча фарзандлар, ака-укалар, жиянлар ва ҳатто хизматкорлар ва дўстлар амалга оширганлар.¹

Бошқа томондан эса, юридик шахслар қадимги ҳуқуқнинг судда шахсан иштирок этиш тўғрисидаги қатъий талабини бажариш имкониятига эга бўлмаганликлари учун (зеро юридик шахс суд олдида бевосита жавоб бериши мумкин эмас), улар одамлар фақат қариндошлик ёки қариндош деб фараз қилиш бўйичагина судда вакил олишлари мумкин бўлган қадим замонлардаёқ вакиллардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. *Масалан*, ўрта асрларда монастирларнинг суддаги вакиллари сифатида уларнинг диний раҳнамолари, кейинчалик эса одатда қонунларни яхши тушунувчи монахлар орасидан танлаб олинадиган бошқа шахслар ҳам иштирок этганлар.

Юридик шахсларга монанд қирол ҳам ўзининг вакилларига эга бўлган. Ўрта асрларда ўзини вакиллари билан алмаштириш ҳуқуқи қирол ҳокимиятининг алоҳида имтиёзи сифатида кўрилиб, бошқа шахслар бундай ҳуқуққа эга бўлмаганлар. Бироқ оддий одамлар орасида судда ўзининг манфаатларини ҳимоя қилаолмайдиган ёки етарлича ҳимоя қила олмайдиганлар — аёллар, вояга етмаганлар ва б.қ. тез-тез учраб турганлиги боис, бундай шахсларнинг куч жиҳатдан рақибга тенглашиши учун қироллар алоҳида марҳамат кўрсатиб, уларга вакил ёрдамига эга бўлишга ҳуқуқ берганлар; бундай марҳамат айрим ҳолатлардагина кўрсатилиб, унга мушарраф бўлган шахс судда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунларни биладиган хусусий шахсларни келишув асосида таклиф қилишга ҳақли бўлган. Бу биринчи қадам эди, ҳаёт бу қадам натижасида келиб чиққан муаммоларни ҳал қилишни талаб қилар эди; алоҳида марҳамат бора-бора умумий ҳуқуққа айланиб, бу ҳуқуқ ўзини шунга хизмат

¹ Черкасова Н. В. Формирование и развитие адвокатуры в России (60-80годы XIXв.) Отв. ред. Е.А.Скрипилев. -М.: Наука, 1987, 11-бет.

қилишга бағишлаган одамларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Адвокатуранинг пайдо бўлиши ҳар бир шахсга судда вакил олишга рухсат берилган вақтдан бошланади.¹ Ҳозирги замонда адвокатура деганда профессионал юристларнинг ўзига хос равишда уюшган бирлашмаси тушунилиб, бу бирлашманинг асосий вазифаси ёрдамга муҳтож бўлганларнинг барчасига малакали юридик ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда адвокатура зиммасига барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга, одил судловни амалга оширишга, қонунийликка риоя қилиш ва уни мустаҳкамлашга, фуқароларни қонунларга аниқ ва оғишмай риоя этиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаън ва қадр-қимматларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кўмаклашиш юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган қонуни адвокатурага қуйидагича таъриф беради: "Адвокатура - ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади" (1-модда). "Адвокатура тўғрисида"ги қонун, шунингдек, адвокатуранинг олдида турган вазифаларни ҳам белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, адвокатура Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга юридик ёрдам кўрсатади.

Адвокатура олдида қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида адвокатура фаолиятининг қуйидаги асосий турлари мавжуддир:

— ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш;

¹ Фойницкий И. Я. Курс уголовного судопроизводства. Том 1. "Альфа", СПб. 1996, 469-бет.

— ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиш;

— судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича вакилликни амалга ошириш;

— жиноят ишлари бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг ҳимоячиси сифатида иштирок этиш;

— талбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш.

Адвокат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа юридик ёрдам турларини ҳам кўрсатиши мумкин ("Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси). Моҳияти жиҳатидан юридик ёрдам кенг қамровли фаолиятни назарда тутати: керакли меъёрий ҳужжатни топишда ёрдам бериш, бу ҳужжатнинг мазмунини тушунтириш, ариза ёки илтимоснома, бошқа ҳужжатни тузишда кўмаклашиш, аргументларни ҳамда юзага келган муаммони самаралироқ ҳал қилиши мумкин бўлган органни танлаш, судда ёки бошқа органда вакилликни амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича ҳимояни амалга ошириш ёки маъмурий жавобгарликка тортилаётган фуқаронинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳоказо.

Қонун ҳужжатларини қўллаш юзасидан маслаҳатлар бериш адвокатлик фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Бундай маслаҳатлар кўпинча амалдаги фуқаролик, оила, меҳнат, маъмурий ва жиноят қонун ҳужжатларини тушунтиришдан иборат бўлиб, уларнинг асосий кўпчилигини суд ишлари бўйича маслаҳатлар ташкил қилади.

Адвокатлик фаолиятининг бошқа тури — ўз маслаҳатчи юристларига эга бўлмаган ташкилотларга юридик хизмат кўрсатишдан иборат. Мазкур юридик хизмат юридик маслаҳатхоналар билан тузиладиган битимларга асосан кўрсатилади ва бу битимларда томонларнинг мажбуриятлари батафсил кўрсатиб ўтилади. Талбиркорлик фаолияти юзасидан хизмат кўрсатувчи адвокат чиқарилаётган буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий қарорларнинг қонунга мослигини текширади, шартнома олди ҳужжатларни ва шартномаларни расмийлаштиришда иштирок этади, даъво қўзғатиш бўйича

иш юритади ва судларнинг иш юритувида қатнашади, маъмурий-бошқарув аппарати, ишчилар ва хизматчиларга ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар беради ва ҳоказо.

Юридик ёрдам айниқса, жиноят-судлов ишларини юритишда катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида кўрсатилишича: "Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади."

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жиний жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи борлигини шунчаки эълон қилибгина қолмай, балки бу ҳуқуқнинг кафолатланганлигига урғу беради. Бирор-бир фуқаро етарлича асосларсиз жиний жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслигидан жамият албатта, манфаатдор. ЎЗР ЖПКда ҳам жиноят содир қилганликда гумон қилинувчилар, айбланувчилар ҳамда судланувчилар ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланишлари белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ эса кўпроқ етарлича кенг имкониятларга эга бўлган адвокатлар томонидан амалга оширилади. Хусусан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ҳимоячи-адвокатга суд босқичларида ҳам (суд муҳокамаси даврида, муайян иш юзасидан чиқарилган ҳукм ва ажримларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини текшириш босқичларида), суриштирув ва дастлабки тергов даврида ҳам кенг ҳуқуқларни беради.

Бу турдаги ҳуқуқлар доимо такомиллашиб бормоқда. Масалан, 1999йилда ЖПКга жиддий ўзгартиришлар киритилиб, уларга мувофиқ ҳимоячи-адвокатларнинг ишда иштирок этишига айблов эълон қилинган вақтдан ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган вақтдан ёхуд шахс ушланган вақтдан бошлаб рухсат этилади. Бунда улар ушлаб туриш баённомаси ёки эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш тўғрисидаги қарор билан танишишлари, ҳимоядаги шахс билан учрашишлари (бундай учрашувлар сони ва давомийлиги чекланиши мумкин эмас),

тергов ҳаракатларида иштирок этишлари ва бошқа шу каби ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. ЖПКда ҳимоячининг ўз ҳимоясидаги шахсни қамоққа олишнинг ёки қамоқ муддатини узайтирилишининг ноқонунийлиги устидан шикоят келтириш ҳуқуқи тўғрисидаги қондалар мавжуддир (ЖПК 53-м).

ЖПКда жиний жавобгарликка тортилаётган шахс қайси ҳолларда ҳимоячига эга бўлиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Агар бу шахс ёки унинг қариндошлари бирор сабаб билан адвокатни таклиф қилмаётган бўлсалар, бу ҳолда ҳимоячи терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг таклифи бўйича тайинланиши лозим. Бу тарзда таклиф этилган адвокат айбланувчи ёки унинг қариндошлари таклиф этган адвокат билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади ва унинг меҳнатига давлат бюджети ҳисобидан тўлалигича ҳақ тўланиши лозим (ЖПК 50-м.).

Жиний ишларида иштирок этаётган адвокат айбланувчини оқлайдиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш мақсадида қонунда кўзда тутилган барча ҳимоя воситалари ва усулларини қўллаши ҳамда айбланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши шарт. Жиний ишларини кўриш чоғида адвокат айбланувчининг ҳимоячиси сифатидагина эмас, балки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг вакили сифатида ҳам иштирок этиши мумкин.

Адвокат, шунингдек, фуқаролик ишларини муҳокама қилишда даъвогар, жавобгар ва учинчи шахсларнинг вакили сифатида ҳам иштирок этади. Адвокатура фаолиятини ташкил қилиш қонуннинг устунлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принципларга асосланади ("Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 4-м.). Конституциявий қонунийлик принципи фуқаронинг юридик ёрдамга бўлган субъектив ҳуқуқини амалга ошириш учун шубҳасиз аҳамиятга эгадир. Бу ҳуқуққа адвокатларнинг юридик ёрдам кўрсатиш мажбурияти ҳамоҳангдир.

Адвокатлик фаолиятининг принципи сифатида мустақиллик адвокатнинг юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича

касбий вазифаларини бажариш билан боғлиқ фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслигини назарда тутати. Адвокатнинг муайян ишни ўрганишига тўсқинлик қилиш ёки ваколат берувчининг ёхуд ўз ҳимоясидаги шахснинг қонуний манфаатларига зид келувчи нуқтаи назарни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатиш, шунингдек, адвокатга таҳдид қилиш, уни ҳақоратлаш, унга нисбатан тўхмат қилиш, куч ишлатиш ёхуд унинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади ("Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонуннинг 7-м.).

Адвокатура ўз фаолиятини бошқа демократик принциплар асосида ҳам амалга оширади. *Уларга қуйидагилар кирди:* касб этикаси, адвокатлик сири ва қасамёдига қатъий риоя этиш; қонун ҳужжатларида маън қилинмаган усуллар ва воситаларни қўллаш ("Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонуннинг 2-м.).

14.2. Ўзбекистонда адвокатуранинг ривожланиш босқичлари

Революциягача Туркистонда чор судларида жиноят ва фуқаролик ишларини кўришда, Россиянинг бошқа ўлкаларидаги каби, адвокатлар — ҳакам ваколат берилганлар ва уларнинг ёрдамчилари иштирок этганлар. 25 ёшга тўлган, суд идорасида чиновник сифатида ёки присяжный ваколат берилганларнинг ёрдамчиси сифатида 5 йиллик суд амалиётига эга бўлган шахсларгина адвокат бўла олган. Ҳакам ваколат берилганларнинг айрим кенгашларида номзодларнинг амалий тайёргарлигини текшириш мақсадида улар имтиҳондан ўтказилган. Ҳакам ваколат берилганларнинг ёрдамчиси бу — юридик маълумотга эга бўлган, бироқ ҳеч қаерда хизмат қилмаган шахсдир.

Россияда профессионал адвокатуранинг вужудга келиши 1864 йилда ўтказилган суд ислоҳоти билан боғлиқдир. Суд уставларида қонун йўли билан мустаҳкамланиб қўйилгач, адвокатура Россиянинг янги юридик муассасасига айланди.

Реформагача бўлган даврда асрлар давомида адвокатлик вазифасини хусусий шахслар — иш бўйича стряпчийлар ёки ходатайлар бажариб келганлар. Уларнинг вазифалари қонун йўли билан тартибга солинмаган, уларга (махсус маълумотнинг мавжудлиги ва шу каби) талаблар қўйилмаган. Одатда, уларнинг вазифасига айрим ҳужжатларни (қоғозларни) расмийлаштириш, уларни тақдим қилиш ва шу кабилар кирган. Ҳатто, 1832 йилда присяжный стряпчийлар институтининг таъсис этилиши ҳам уларнинг фаолияти табақавий хусусиятга эга бўлганлиги боис, Россиянинг янги ижтимоий қатламларига судда ва бошқа муассасаларда ўз манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлай олмас эди.

1864 йилдаги суд уставларига кўра, адвокатлар икки категорияга бўлинар эди — присяжный ваколат берилганлар ва хусусий ваколат берилганлар. Присяжный ваколат берилганлар (ёки қасамёд қабул қилган ваколат берилганлар) алоҳида корпорацияга - присяжный ваколат берилганлар табақасига бирлашганлар, бу табақа ички ўз-ўзини бошқарувга асосланган бўлиб, бу бошқарув сайланадиган органлар кўринишида бўлиб, бу органларнинг фаолияти устидан суд органлари ва адлия органларининг назорати ўрнатилган. Туркистон ўлкасида, Бухоро амирлигида ва Хива хонлигида эса қозилар ва бийларнинг шариат (мусулмон ҳуқуқи) ва одатга асосланган феодал судлари жиноят ва фуқаролик ишларини адвокат иштирокисиз кўриб ҳал қилар эдилар.

Маҳаллий аҳолининг аксарияти Қуръон оятларини эркин шарҳлашдан келиб чиққан, мураккаб ва чигал тизимга эга бўлган шариатнинг ва кўпинча ўзаро зид ва аниқ шаклга эга бўлмаган одатнинг ёзилмаган меъёрларининг икир-чикирларини мустақил тушуниб етмас эди. Бундай шароитда қозилар ва бийларнинг судига тортилган ёки ўз ташаббуси билан мурожаат қилган шахслар муфтилар, фикҳшунос мирзаларнинг ёрдамига муҳтожлик сезар эдилар. Муфтилар ва фикҳшунос мирзалар жамоат жойларида, бозорларда, чойхоналар ва қозихоналар атрофида жойлашиб, хусусий амалиёт билан шуғулланар эдилар.

Кўриниб турибдики, уларнинг вазифаси оғзаки ёки ёзма маслаҳат бериш билан чекланган. Судда ҳимоячи сифатида қатнашишга эса уларнинг ваколати бўлмаган, зеро қози ва бийлар судида ҳимоя институтининг ўзи мавжуд эмас эди. Судга тортилган шахслар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ўзлари ҳимоя қилишлари керак эди. 1917 йилдаги Октябрь революциясидан кейин адвокатура эски адлиянинг бошқа органлари каби тугатилди.

1917 йил 24 ноябрда қабул қилинган Судлар тўғрисидаги 1-Декрет эски адвокатурани тугатиб, фуқаролик ҳуқуқлари бўлган, ҳар икки жинсдаги, шаънига доғ тегмаган барча фуқароларни ҳимоячи сифатида иштирок этишига рухсат берди. Россия Республикасининг Адлия Халқ Комиссарлиги эса мазкур Декретдан келиб чиққан ҳолда революцион трибунал тўғрисидаги инструкцияни қабул қилди. Бу инструкцияга мувофиқ, ревтрибуналлар қошида ҳам айблов, ҳам ҳимоя функцияларини бажариш юкланган ҳуқуқ тарафдорлари коллегиясини тузиш кўзда тутилган эди. Шу билан бирга айбланувчи ўзига ҳимоячи сифатида сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлмаган ҳар қандай фуқарони танлаши мумкин эди.

1918 йил 7 мартдаги Судлар тўғрисидаги 2-Декретга асосан ишчилар, солдатлар, деҳқонлар ва казакларнинг депутатлари Советлари қошида ўзларини ҳам жамоат айблови, ҳам жамоат ҳимояси шаклидаги ҳуқуқ тарафдорлигига (ёки ҳомийлигига) бағишлаган шахсларнинг ҳайъати тузилади. Мазкур Декретда кўрсатилишича, "бу ҳайъатларга ишчилар, солдатлар, деҳқонларнинг депутатлари Советлари сайлайдиган ва чақириб оладиган шахслар киради. Фақат шу шахсларгина судларда ҳақ эвазига иштирок этишга ҳақлидирлар". Ҳайъатлар жамоат айбловчилари учун ҳам, жамоат ҳимоячилари учун ҳам ягона эди. Шу билан бирга, мазкур ҳайъатларга кирмайдиган шахсларнинг ҳимоячи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи сақланиб қолинган эди. Кўриниб турибдики, судда ҳимоя қилиш иши давлат назорати остида эди.

Судлов ишларини юритишнинг такомиллашуви ҳуқуқ тарафдорларининг фаолиятини ҳам ўзгартирди. Бора-бора айблов ва ҳимоя функциялари ажратила бошланди, ҳуқуқ тарафдорлари ҳайъати аъзоларининг иш ҳақлари тўғрисидаги

масалани тартибга солиш мўлжаллана бошланди, судларда бестартиб ва назоратсиз ҳимояга йўл қўйилиши аввалига чекланиб, сўнг бутунлай тугатилди.

1918 йил 30 ноябрда ВЦИК "Ягона халқ суди тўғрисида" Низом қабул қилди. Бу Низомга кўра, Советларнинг ижроия қўмиталари қошида фуқаролик процессида тарафларнинг ҳимоячилари, айбловчилари ҳайъатлари таъсис этилди. Энди ҳимоя функцияси давлат хизматининг шаклларида бирига айланди. Бирор иш бўйича айбловчи иштирок этганда ҳамда иш олтита халқ маслаҳатчиси иштирокида кўрилганида ҳимоячи иштироки мажбурийлиги тан олинди. Мазкур Низомга кўра, фуқаролик процессида ҳимоячилар, айбловчилар ҳайъати аъзоси ва тарафларнинг вакиллари бир процесда ҳимоячи сифатида, бошқасида эса айбловчи ёки тарафларнинг вакили сифатида қатнашиши мумкин эди.

Бироқ функцияларнинг бу тартибда аралаштирилиши амалиётда ўзини оқламади, бу эса ҳимояни амалга оширувчи махсус орган тузиш зарурати туғилганлигини кўрсатар эди. Шу мақсадда 1920 йил 21 октябрда қабул қилинган халқ суди тўғрисидаги РСФСР Низоми асосида жамоатчилик ҳимояси институти ташкил этилди. Мазкур Низом ҳуқуқ тарафдорлари коллегиясини тугатди ва ҳимоя функциясини бажара оладиган фуқароларнинг барчаси ҳимоячи сифатида иштирок этишига руҳсат берди. Ҳимоячи сифатида жалб қилинадиган шахслар талаб этилган муддатга асосий ишларидан озод этилганлар: процесда иштирок этган вақтлари учун уларнинг иш ҳақлари сақланиб қолинган ёки давлат ҳисобидан энг кам иш ҳақи миқдорида кунлик ҳақ тўланган. Бундай ҳимоячилар етмай қолган ҳолларда адлия бўлимлари консультантлари (маслаҳатчилари) ҳимоячи сифатида жалб қилинар эди. Ҳимояни ташкил қилишнинг бундай шакли 1922-1924 йилларда ўтказилган суд-ҳуқуқий ислоҳотига қадар амалда бўлиб келди.

1922 йил 26 майда Адвокатура тўғрисида Низом тасдиқланиб, унга кўра, адвокатура аҳолига юридик ёрдам кўрсатадиган ва ўз-ўзини бошқарадиган ташкилотга айлантирилди. Губерниялардаги адлия бўлимлари қошида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳимоячилар ҳайъатлари тузила бошланди. Биринчи чақириқ ҳимоячилар ҳайъати

аъзоси губерна адлия бўлимлари томонидан танланиб, сўнг губерна ижроия қўмиталари томонидан тасдиқланар эди. Кейинчалик янги аъзоларни қабул қилиш ҳуқуқи ҳимоячилар ҳайъати раёсатига берилди. Губижроқўм раёсати янги қабул қилинган ҳайъат аъзоларини рад этишга ҳақли эди. Ҳимоячилар ҳайъати аъзоси, сайлов бўйича давлат мансабини эгаллаб турган шахсларни, профессорлар ва юридик фанлари ўқитувчиларини истисно қилганда, давлат корхоналари ва муассасаларида бирор мансабни эгаллашга ҳақлари йўқ эди.

Ҳимоячилар ҳайъати аъзоларидан ташқари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчининг яқин қариндошлари, корхоналар, муассасалар ва ВЦСПС вакиллари судда ҳимояни амалга оширишлари мумкин эди. Совет адвокатурасининг юқорида кўрсатилган ривожланиш босқичлари Ўзбекистон ССР адвокатурасига ҳам хосдир. Шу билан бирга Ўзбекистон ССРда адвокатуранинг тарихи ўзига хос бўлиб, бу ўзига хослик республика тарихий ривожланиши муайян шарт-шароитларининг хусусиятларини акс эттиради.

Туркистон АССР (1918-1924) РСФСР таркибига кирганлиги боис, унинг ҳудудида РСФСР қонунлари амалда эди. 1917 йил 12 декабрда Туркистон ўлкаси СНК қабул қилган Декретнинг асосий қоидалари, шу жумладан, ҳимоя тўғрисидаги қоидалари Судлар тўғрисидаги 1-Декретга мос келар эди. ТАССР СНК Декретига мувофиқ, фақат судлардагина эмас, балки революцион трибуналларда ҳам ҳимоячи иштирокидаги ҳимояланиш ҳуқуқи таъминланар эди. Бундай революцион трибуналлар маҳаллий Советларнинг қарорлари асосида вужудга келтириб, улар тўғрисидаги Низомлар, хусусан, ТАССР МИК томонидан 1918 йилнинг 14 сентябри ва 18 октябрида, 1920 йилнинг 2 феввалида қабул қилинган.

1918 йил 16 январдаёқ Тошкент Совети революцион трибунал ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилиб, унга кўра, ёши 20дан кам бўлмаган, сиёсий ҳуқуқлари бўлган ҳар икки жинсдаги барча фуқаролар суд мажлисида ҳимоячи бўлиши мумкин эди. 1918 йил март ойида Скобелевда (ҳозирги Фарғона) революцион трибунал ташкил этилди. Маҳаллий матбуотда ёзилишича, трибунал мажлисида "ушбу иш

бўйича... айбланувчининг ҳимоячиси сифатида... ҳар қандай фуқаро процесда иштирок этиши мумкин”.

Туркистон автоном республикасининг революцион трибуналлар тўғрисидаги 1918 йил 2 октябрда тасдиқланган Муваққат низомига кўра (21-м.), ревтрибунал қошида “ўзларини жамоатчилик ҳимояси шаклидаги ҳуқуқ ҳомийлигига бағишловчи шахсларнинг ҳайъати тасдиқланади”. Бундай шахслар қаторига жамоатчилик ҳимоячилари, адвокатлар касаба уюшмалари аъзолари, шунингдек, судда ҳозир бўлган ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинмаган ҳар қандай вояга етган шахс кириши мумкин эди. Улар тегишли Советларнинг тавсияномаларига эга бўлишлари талаб этилар эди. Низомга кўра, ҳимоячи ҳам таклиф этилиши, ҳам тайинланиши мумкин эди (айбланувчи вояга етмаган ҳолларда эса, унинг илтимосисиз тайинланиши керак эди).

Совет ҳукуматининг илк даврида “ҳуқуқ ҳомийси (ёки тарафдори)” ва “ҳимоячи” иборалари синоним сифатида кўрилиб, кўпинча бир ҳужжатнинг ўзида бир вақтда ва тенг маънода қўлланилар эди. Бу эса ўша даврдаги расмий совет ҳужжатларининг юридик тилида уларнинг тенг маънодалигини кўрсатади. Ҳужжатларга кўра, мазкур иборалар остида ҳам ўша вақтда мавжуд бўлган адвокатлар касаба уюшмаларининг аъзолари, ҳам ишда иштирок этишга рухсат берилган жамоатчилик ҳимоячилари тушунилган.¹

Ҳимоячи тергов комиссиясининг айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарори чиқарилган вақтдан бошлаб ишда иштирок этишига йўл қўйилар эди. Ҳимоячи қамоқда бўлган айбланувчи билан холи учрашишга, иш билан танишишга ва ундан кўчирмалар олишга ва ҳоказоларга ҳақли бўлган. Битта иш бўйича бир нечта айбланувчи жавобгарликка тортилганда улар ўртасида қарама-қаршилиқлар бўлган ҳолларда, айбланувчиларнинг манфаатларини кўзлаб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳимоячи тайинланар эди. Жамоатчилик ҳимоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт бўлган шахслар қаторига киритилиб, у суд мажлисида ҳимоя нутқи билан чиқиб, суд эътиборини “судланувчига

¹ Қаранг: Сарқисянц Г. П. Адвокатура советского Узбекистана. -Т.: “Фан”. 1972, 12-13-бетлар.

эълон қилинган айбловни рад этувчи ёки шубҳа остига қўювчи ҳолатларга қаратиши, шунингдек, жиноятни квалификациялаш ва жазо чораси тўғрисида ўз мулоҳазасини билдириши мумкин" эди.

Ҳимоячилар институти бора-бора муайян ташкилий шаклларга эга бўла бошлади. 1919 йилнинг ўрталаридаёқ ҳуқуқ ҳомийлари ҳайъатлари ва комиссиялари ТАССРнинг Олий трибуналида ҳам, вилоятлар трибуналларида ҳам мавжуд эди. *Масалан*, 1919 йил ёзида шундай ҳайъат Тошкентда Сирдарё ревтрибунали қошида ҳам мавжуд бўлиб, унинг аъзолари вилоят ижроқўмининг қарори билан тайинланар эди. Вилоят Советлари ижроқўмлари ҳуқуқ ҳомийлари ҳайъатлари ва бюрolari устидан умумий раҳбарликни амалга оширганлар, штат масалаларини назорат қилганлар, облревтрибуналлар қошидаги ҳайъат аъзоларини тайинлаганлар, иш ҳақлари миқдорини белгилаганлар ва ш.к. ТАССР Олий Революцион трибунали қошидаги ҳуқуқ ҳомийлари ҳайъатлари устидан худди шундай назоратни ТуркМИҚ амалга оширган.

ТуркМИҚ томонидан 1920 йил феврал ойида тасдиқланган янги "Революцион трибуналлар тўғрисидаги низом" трибуналлар ихтиёрича ва маҳаллий Советлар қошидаги ҳимоячилар ҳайъатлар аъзоларидан бўлган ҳимоячигина иштирок этишига ижозат беришни кўзда тутар эди. Ўша давр ҳужжатларидан кўриниб турибдики, ҳайъатлар айбланувчиларни ҳимоячилар билан таъминлайдиган асосий, баъзан эса ягона орган деб эътироф этилган. 1920 йилда вужудга келган Бухоро ва Хоразм ХСРда эса амалда бўлган қозилар ва бийлар судларида ҳимоячилар йўқ эди, худди шундай ТАССР ҳудудида вақтинча сақланиб келаётган қозилар ва бийлар судларида ҳам шу аҳвол кузатилар эди. Бухоро республикасининг совет суд органларида ҳимоячилар институти эндигина ривожланиб келаётган эди, Хоразмда эса ҳимоячилар ҳайъатлари ҳали йўқ эди.

БХСР Суд қурилиши тўғрисидаги 1924 йил 5 январдаги Низомига кўра (38-м.), округ судлари қошида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳимоячилар ҳайъатлари тузилиб, уларнинг фаолияти алоҳида Низом билан тартибга солинган. Умумий раҳбарлик Адлия Назорати томонидан, доимий фаолият устидан назорат эса ҳайъат раёсати томонидан амалга

оширилган. Ҳайъат аъзолари ўз ишлари учун мукофотланганлар (42-43-м.м.), ноҳўя хатги-ҳаракатлари учун эса раёсат интизомий жазо қўллаган (41-м.).

1924 йил 1 октябрда Бухоро республикаси ҳукумати "БХСР судлари қошида ҳуқуқ ҳимоячилари ҳайъатлари тўғрисида"ги Низомни тасдиқлади. Бу Низомнинг нашр этилиши 1924 йил 5 январдаги БХСР Суд қурилиши тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган эди. 1924 йил 1 октябрдаги Низомга кўра, жиноят ва фуқаролик ишларида айбланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тарафлар ва бошқа шахсларга вакиллик қилиш, шунингдек, ҳукумат ва маъмурий муассасаларда ҳамда мансабдор шахсларда ишларни юритиш учун Бухоро республикаси судлари қошида ҳуқуқ ҳимоячилари ҳайъати таъсис этилди. Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳайъати округ судлари ташкил этилгунга қадар бевосита Адлия Назоратига бўйсунган ва Назорат биринчи чақириқ ҳуқуқ ҳимоячилари ҳайъати аъзоларини тасдиқлаган. Кейинчалик янги аъзоларни қабул қилиш ҳайъат умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилиб, қарор нусхаси Адлия Назоратига юборилган ҳамда республика Давлат прокурори хабардор қилинган.

Низом ҳуқуқ ҳимоячилари ҳайъати фаолиятини, унинг умумий йиғилишини, ҳуқуқ ҳимоячилари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини, унинг процессуал мақомини тартибга солар эди. Ўрта Осиё халқларининг миллий-давлат бирлашмалари тузилгунга қадар (1924) Ўрта Осиёдаги совет республикаларида (ТАССР, БССР ва ХССР) адвокатура органларининг ягона тизими мавжуд эмас эди. Хоразмда ҳали ҳимоячилар ҳайъати йўқ эди, Бухоро республикасида эса ҳимоячилар ҳайъати фақатгина унинг охириги кунларида шакллана бошлаган эди. ТАССР адвокатурасининг анча ривожланган тизими ажралиб турса-да, бу ерда ҳам унинг ташкилий шакллари етарлича такомиллашмаган ва муқим эмас эди.

Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан сўнг, республиканинг барча ҳудудлари учун ягона бўлган адлия органларининг изчил тизимини яратиш бўйича иш олиб борилди. Бу тўла равишда адвокатурага ҳам тегишлидир. 1925 йилда ЎзССР Советлари МИҚ республика Адлия Халқ комиссариати тўғрисидаги Низомни қабул қилиб, унда жумладан, АХК

ҳимоячилар ҳайъатлари фаолиятига раҳбарлик қилиши кўзда тутилган эди.¹ Ўзбекистонда адвокатура ривожланишининг муҳим босқичи бу 1926 йилда ЎзССР ЖПКнинг қабул қилиниши ва кучга киритилиши бўлиб, унга кўра, ҳимояланиш ҳуқуқи, ҳимоячиларнинг судда иштирок этиши мажбурий бўлган ҳолатлар ва ш.к. мустаҳкамланди.

1928-1929 йилларда адвокатуранинг ягона ташкилий қисми юридик маслаҳатхоналар бўлиб, уларнинг мақоми 1922 йилдаги Суд кўрилиши ва Адвокатура тўғрисидаги Низомларда кўзда тутилган эди. Мазкур маслаҳатхоналарнинг ташкилий мустаҳкамланиши ва совет адвокатураси фаолиятининг жамоатчилик асосида такомиллашувига адвокатлар ҳайъатлари аъзолари жамоалари тўғрисидаги Низом сабаб бўлиб, бу Низом адвокатларнинг индивидуал кабинетларига мутлақ барҳам берди.

1936 йилдаги СССР Конституцияси, 1937 йилдаги ЎзССР Конституцияси, 1938 йилдаги Суд қурилиши тўғрисидаги қонун ва 1939 йилдаги СССРда Адвокатура тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Ўзбекистон ССРда ва унинг таркибига кирган Қорақалпоғистон АССРда ташкилий тузилиши ва фаолияти 1939 йилдаги Низом билан тартибга солинувчи вилоят адвокатлар ҳайъатлари тузилди. Адвокатуранинг барча функциялари шаҳар ва туман юридик маслаҳатхоналари томонидан амалга оширилди.

Маълумки, 30-40 йилларда бир қатор сабабларга кўра, адвокатура фаолиятининг самарадорлиги, айниқса, жиноят ишлари бўйича, пасайган эди. Бу сабаблардан бири суд ходимлари, адлия халқ комиссарлиги раҳбарлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни адвокатнинг жиноят-судлов ишларини юритишдаги иштирокига салбий муносабатидир. Бунга айниқса, СССР МИКнинг 1934 йил 1 декабрдаги ва 1937 йил 14 сентябрдаги қарорлари ўта салбий таъсир кўрсатиб, бу қарорлар террористик ташкилотлар ва террористик актлар, контрреволюцион зарарқунандалик ва қўпоровчилик тўғрисидаги ишлар бўйича судлов ишлари юритишнинг алоҳида тартибини белгилаб берди. Мазкур

¹ Саркисяни Г. П. Адвокатура советского Узбекистана. -Т.: "Фан". 1972, 15-21-бетлар.

ишларнинг судда кўрилиши анча жўнлаштирилиб, жумладан, айблов ва ҳимоя иштирок этмас эди.¹

1958 йилда қабул қилинган суд кўрилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асослари адвокатлар ҳайъатлари судда ҳимояни амалга ошириш, шунингдек, фуқароларга, корхоналарга, ташкилотларга ва муассасаларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида амал қилишларини белгилаб берди. Адвокатлар ҳайъатлари адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ихтиёрий бирлашмалари бўлиб, улар иттифоқ республикасининг Олий Совети тасдиқлаган Низом асосида фаолият юритадилар.

Мазкур актни ижро этиш мақсадида барча иттифоқ республикалари адвокатура тўғрисида ўз низомларини қабул қилдилар. ЎзССРда бундай Низом 1961 йил 30 майда ЎзССР Олий Совети томонидан тасдиқланган эди. 1977 йилда совет адвокатураси тарихида биринчи марта адвокатуранинг ҳуқуқий мақоми СССР Конституциясида мустаҳкамланиб қўйилган эди (161-м.). 1979 йилда "СССРда адвокатура тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бу қонун умумиттифоқ миқёсида адвокатура фаолияти ва уни ташкил қилиш масалаларини тартибга солган эди. Ҳар бир иттифоқ республикасининг адвокатура тўғрисида ўз низоми амалда эди (Ўзбекистонда бундай Низом 1980 йилда тасдиқланган).

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси айбланувчиларнинг ҳимояланиш ҳуқуқини мустаҳкамлади. Конституция асосида "Адвокатура тўғрисида" янги қонун қабул қилиниб, унда адвокатуранинг асосий тушунчалари, унинг вазифалари, принциплари, адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари, адвокатнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни тўхтатиб туриш ва бекор

¹ Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. Изд. 6-е. перераб. и доп. /Под ред. К.Ф. Гуценко. - М.: ЗЕРЦАЛО-М, 2001, 330-331-бетлар.

қилиш тартиби, адвокатнинг интизомий жавобгарлиги ва бошқа масалалар тартибга солинган.

Адвокатлик фаолиятининг тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 1998 йил 25 декабрда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги ЎЗР қонуни ҳамда бир қатор қонуности актлари қабул қилинди. Ўтказилаётган суд ислоҳоти адвокатурани ҳам четлаб ўтмади. Мазкур институтни қайта кўриш тўғрисидаги мунозаралар ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Бу мунозараларнинг асосий объектларидан бири адвокатларнинг давлат органлари, аввало адлия органлари ва судлардан, шунингдек, маҳаллий ижроия органларидан эркинлиги ва мустақиллигини кенгайтириб бориш тўғрисидаги масаладир. Малакали юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўллариини излашда ҳам янги жиҳатлар пайдо бўлди.

Шундай муҳитда "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг янги лойиҳаси тайёрланди. Бу лойиҳа адвокатура фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга, адвокатнинг мақомини мустаҳкамлашга, адвокатларнинг фуқаролар ва юридик шахслар (ваколат берувчилар)га малакали юридик ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳуқуқий ва ташкилий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Лойиҳа инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя қилишга, адвокатнинг ва давлат айбловчисининг ҳуқуқлари ва бошқа ҳуқуқий процессуал имкониятларини тенглаштиришга имтиёз бериш принципи асосида кўрилган.

Ўзбекистонда адвокатура институтини тартибга солувчи янги таҳрирдаги "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши зарурлиги очик-ойдин кўриниб турибди, чунки амалдаги икки қонун ва бошқа айрим меъёрий ҳужжатлар жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларни акс эттирмаганидек, адвокатлик амалиётида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилишга ҳам қодир эмас.

14.3. Адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари

ЎЗР "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини

берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс адвокатлик фаолияти билан ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар (шериклар) билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидир. Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини, шунингдек, адвокатлик бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги 139-Қарори билан белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини тузиш, уларнинг тузилиши, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларнинг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг фаолиятига доир бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари) билан тартибга солиб турилади. Шундай қилиб, адвокатлик фаолиятининг ташкилий шаклларига адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари киради.

Адвокатлар ҳайъатлари ва уларни ташкил қилиш. Адвокатлар ҳайъатлари - бу адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир. Улар олий юридик маълумотга эга бўлган шахслардан таркиб топган таъсисчилар (муассис) гуруҳининг аризасига биноан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Адвокатурани ташкил қилишнинг ихтиёрийлиги принципи адвокатлик фаолиятининг жамоа шакли билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли адвокатлар ҳайъати бирлашма деб ҳисобланиши бежиз эмас, чунки адвокатлик фаолиятининг тарихан таркиб топган жамоа шакли қулайроқ ва халқчилроқдир.

Адвокатлар ҳайъати органларига *қуйидагилар киради*: умумий йиғилиш (конференция), адвокатлар ҳайъати раёсати, тафтиш комиссияси. Шунингдек, юридик маслаҳатхоналар ҳам ташкилий вазифаларни бажаради. Адвокатлар ҳайъати аъзоларининг умумий йиғилиши унинг олий органи ҳисобланади.

Умумий йиғилиш ҳайъат аъзоларининг камида 50% иштирок этганида ваколатли ҳисобланади. Адвокатлар ҳайъати

аъзоларининг конференцияси адвокатлар ҳайъати раёсати белгилаган ваколат меъёрларидан келиб чиққан ҳолда чақирилади ва унда юридик маслаҳатхоналардан сайланган делегатларнинг 50% қатнашганида ваколатли ҳисобланади. Умумий йиғилишда (конференцияда) кўрилаётган масалалар овоз беришда иштирок этаётган адвокатларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Умумий йиғилиш (конференция) кенг ваколатларга эга бўлиб, адвокатлар ҳайъати фаолиятига тегишли бўлган ҳар қандай масалани ҳал қилиши мумкин. У адвокатлар ҳайъати фаолиятини назорат қилиш ва доимий раҳбарлик учун раёсатни ва тафтиш комиссиясини сайлайди. Бу органлар сайланиб бўлингач, умумий йиғилиш уларнинг устидан назоратни амалга оширишга ҳақли бўлади. Шу мақсадда умумий йиғилиш раёсат ва тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди ва тасдиқлайди.

Умумий йиғилиш (конференция) адвокатлик фаолиятига боғлиқ бошқа ташкилий ва молиявий масалаларни ҳам ҳал қилади, миқдорий таркибни, штатларни, кирим-чиқим сметасини белгилайди ва ижроия органларига тасдиқлаш учун юборади, адвокатларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди, касаба уюшмаси органлари билан келишилган ҳолда ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлайди, адвокатлар ҳайъати фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади. Умумий йиғилиш (конференция) раёсат ва тафтиш комиссиясининг билдирилган ишонччи оқламаган аъзоларини муддатидан илгари чақириб олиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Адвокатлар ҳайъати аъзолари умумий йиғилишининг (конференциясининг) қарори фақат ҳайъат аъзоларининг умумий йиғилиши (конференцияси)дагина қайта кўриб чиқиши мумкин.

Адвокатлар ҳайъати раёсати адвокатларнинг умумий йиғилишлари орасидаги даврда доимий фаолият юритадиган ижроия органи ҳисобланиб, адвокатлар ҳайъати аъзоларининг умумий йиғилишида (конференциясида) очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан беш йил муддатга ҳайъат аъзоларининг сони ва иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган миқдорда сайланади. Раёсат таркибига сайланадиган номзодлар овоз беришда қатнашган адвокатларнинг кўпчилик

овозини олган бўлиши лозим. Раёсат таркибидан унинг бирор аъзоси чиққан ҳолларда қўшимча сайловлар ўтказилиши мумкин. Штат лавозимларини эгаллаган раёсат аъзолари ҳайъат маблағлари ҳисобидан маош оладилар ва адвокатлик амалиёти билан шуғулланишга ҳам ҳақлидирлар.

Раёсат раиси ҳайъат аъзолари умумий йиғилишида ҳайъат аъзолари орасидан очиқ овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Бироқ айрим ҳайъатларда бу қоидага амал қилинмайди: раис умумий йиғилиш (конференция) томонидан йиғилиш кўрсатган бир неча номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Раёсат адвокатлар ҳайъатини бошқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган кенг ваколатларга эгадир.

Раёсат адвокатлар ҳайъати аъзоларининг умумий йиғилишини (конференциясини) чақиради;

— белгиланган тартибда юридик маслаҳатхоналарни ташкил этади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади;

— юридик маслаҳатхоналарнинг ва айрим адвокатларнинг ишларини текширувдан ўтказида;

— юридик маслаҳатхоналарнинг мудирларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

— ҳайъат аъзолигига адвокатларни юридик маслаҳатхоналар бўйича тақсимлайди, уларни бир маслаҳатхонадан иккинчисига ўтказиш масаласини ҳал қилади, шунингдек, ҳайъат аъзолигидан чиқаради;

— юридик маслаҳатхоналарнинг штатлари ва сметаларини тасдиқлайди;

— ҳайъат аъзоларининг малакасини ошириш юзасидан тадбирлар ўтказида. Раёсат бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади. Унинг фаолияти жамоа бўлиб бошқаришга, ошкораликка, адвокатлар ҳайъати аъзолари олдида доимий ҳисобот беришга, адвокатларнинг раёсат ишига кенг жалб қилинишига асосланган. Ҳайъат раёсати қошида жамоатчилик асосида унга ёрдам берувчи органлар ташкил қилиниши мумкин.

Адвокатлар ҳайъати раёсати ўз мажлисларини аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлганда ўтказиши мумкин. Раёсат мажлисида раёсат таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ҳайъатга қабул қилиш, ундан чиқариш

ва бўшатиш масалаларини кўриб чиқишга ҳақлидир. Унинг қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлганида, муҳокама қилинаётган масалани кўриб чиқиш раёсатнинг кейинги мажлисига қолдирилади ва бу мажлисга олдин келмаган аъзолар чақирилади. Адвокатлар ҳайъати раёсатининг қарори раёсатнинг ўзи томонидан ёки адвокатлар ҳайъати аъзоларининг умумий йиғилишида (конференциясида) қайта кўриб чиқиши мумкин.

Тафтиш комиссияси адвокатлар ҳайъатининг назорат-тафтиш органи ҳисобланиб, адвокатлар ҳайъати аъзоларининг умумий йиғилишида (конференциясида) яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади, бунда комиссия таркибининг сони йиғилиш томонидан белгиланади. Адвокатлар ҳайъатининг тафтиш комиссияси ўз таркибидан раисни ва раис ўринбосарини сайлайди. Тафтиш комиссияси таркибидан унинг бирор аъзоси чиққан ҳолларда, умумий йиғилишда (конференцияда) белгиланган тартибда чиққан аъзонинг ўрнига бошқа аъзо сайланади. Тафтиш комиссияси адвокатлар ҳайъати раёсатининг ва юридик маслаҳатхоналарнинг молиявий-хўжалик соҳасидаги фаолиятини тафтиш қилади, шунингдек, таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари устидан назоратни амалга оширади.

Юридик маслаҳатхоналар ҳайъатлар раёсатлари томонидан адвокатларнинг юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ишларини ташкил қилиш учун туманларда, шаҳарларда, айрим ҳолларда эса бошқа аҳоли пунктларида ташкил этилади. Юридик маслаҳатхонанинг жойлашган жойи ва унда ишловчи адвокатларнинг сони адвокатлар ҳайъати раёсати томонидан белгиланади.

Юридик маслаҳатхоналар адвокатуранинг асосий ишчи бўғини ҳисобланади. Адвокатлар ҳайъати аъзолари бирор-бир юридик маслаҳатхона таркибига кирадилар ва ўша ерда фаолият юритадилар. Юридик маслаҳатхона мудирини адвокатлар ҳайъати раёсати қарори билан энг малакали, олий юридик маълумотга ва зарурий иш стажига эга бўлган ҳайъат аъзолари орасидан тайинланади. Юридик маслаҳатхона мудирини ўз ҳуқуқларини адвокатлар ҳайъати раёсати томонидан бериладиган ишончнома асосида амалга оширади.

Юридик маслаҳатхонада ишловчи адвокатлар сони тўрттадан ошмаса, маслаҳатхона мудир, одатда, ўз мажбуриятларини маошсиз бажаради.

Адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари рўйхатга олинган кундан бошлаб юридик шахс мақомини олади ва кўрсатилган юридик ёрдам учун жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган маблағлар ҳисобидан фаолият юритади. Адвокатлар қонунда белгиланган тартибда адвокатларнинг жамоатчилик бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Ҳуқуқий хизмат кўрсатишда юзакилик ва ҳаваскорликка йўл қуйиб бўлмайди. Юридик ёрдамга муҳтож одамларни ёрдамидан кўра зарари тегиши мумкин бўлган тасодифий шахслардан муҳофаза қилиш мақсадида ЎзР ҳукумати 1997 йил 13 мартда адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини давлат томонидан рўйхатга олиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш тартиби тўғрисидаги Низомни қабул қилди. (Ҳозирда мазкур Низомга ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг №197. 30.04.2003 йил ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг №495. 05.11.2003 йил Қарорлари билан ўзгартириш киритилган). Мазкур Низомда адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини рўйхатга олиш тартиби белгиланган бўлиб, бундай фаолият юритишга рухсат берадиган ҳужжат лицензия ҳисобланади. Бундай лицензиялар ҚР Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари малака комиссиялари томонидан берилади.

ЎзР "Адвокатура тўғрисида"ги қонунига асосан, адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини рўйхатга олиш ҚР Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Давлат томонидан рўйхатга олишни ўтказиш учун адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари давлат тилида тўлдирилган *қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:*

- давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги ариза;
- адвокатлик бюроси тузиш тўғрисидаги қарор (адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи

лицензияни олган шахснинг аризаси), таъсис шартномаси ва адвокатлик фирмасининг уставини тасдиқлаш тўғрисидаги таъсис йиғилишининг баённомаси;

— таъсис шартномасининг тасдиқланган нусхалари; адвокатлик бюроси, фирмаси ёхуд ҳайъатининг устави (муассислар (шериклар) томонидан тасдиқланган, икки нусхада, тикилган ва рақамланган бўлиши лозим);

— муҳр ва бурчак штампининг намуна эскизи — икки нусхада (фаолият юритаётган адвокатлар ҳайъатлари учун — муҳр ва бурчак штампининг босиб туширилган изи (оттиск));

— мавжуд бўлган ҳолларда эса — эмблема ёки тамға (герб);

— адвокатлик бюроси, фирмаси ёхуд ҳайъатини рўйхатга олиш учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати.

Рўйхатга олиш адвокатлик бюроси, фирмаси ёхуд ҳайъати жойлашган жойдаги тегишли адлия органи томонидан амалга оширилади. Адвокатлик бюросини рўйхатга олишда таъсис йиғилишининг баённомаси ва таъсис шартномаси талаб этилмайди.

Рўйхатга олинган адвокатлик бюроси, фирмаси ёхуд ҳайъатига *қуйидаги ҳужжатлар берилади:*

— тегишли адлия органининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги қарори - икки нусхада;

— адвокатлик бюроси, фирмаси ёхуд ҳайъатининг рўйхатга олинган низоми (устави) - бир нусхада;

— рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома.

Рўйхатга олинган кундан бошлаб адвокатлик бюроси, фирмаси ёхуд ҳайъати юридик шахс мақомини олади.

Ҳужжатлар бериш ҳафтасига камида икки марта амалга оширилади.

Рўйхатга олинган адвокатлик бюроси, фирмаси ёхуд ҳайъати банкда ҳисоб рақами очганларидан сўнг бир ҳафта ичида белгиланган тартибда жойлашган жойидаги ҳокимият органлари ва солиқ органларида ҳисобга туришлари керак.

Адвокатлик бюроси, фирмаси ёхуд ҳайъатини ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш, уларнинг фаолияти ва тугатиш тартиби, таркиби, штатлари, вазифалари, маблағларни тақсимлаш тартиби, раҳбар органларнинг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлик бюроси, фирмаси

ёхуд ҳайъатининг фаолиятига тегишли бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари) билан тартибга солинади. Пулли юридик хизматлар (уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар) кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар тадбиркорлик фаолиятини юритувчи жисмоний шахсларга берилиб, бунда юридик шахс тузиш талаб этилмайди.

14.4. Адвокатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Адвокатура ишини такомиллаштириш унинг ходимлари таркиби билан бевосита боғлиқдир.

"Адвокатура тўғрисида"ги қонунда (3-м.) белгиланган тартибда адвокат мақомини олган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган шахс *адвокат* ҳисобланади. *Номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:*

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги;
- олий юридик маълумотга эгалик;
- малака имтиҳонини топшириш;
- адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҚР Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорига асосан берилади. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек, судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Адвокат тегишли малака комиссиясининг мажлисида қасамёд қабул қилади. Қасамёд матни Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунда белгиланган бўлиб (3-м.), *у қуйидагичадир:*

"Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажаришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя қилишга, адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан".

Адвокат Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли бўлиб, бунинг учун қўшимча рухсатнома талаб этилмайди. Адвокат олинган топшириқни бажариш зарурияти тақозо этса ва тегишли давлатларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳам юридик ёрдам кўрсатиши мумкин. Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади. Адвокат жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳимояни самарали амалга ошириш учун, фуқароларга, корхоналар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш учун етарли ҳуқуқларга эгадир.

Адвокатнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонуни каби бир қатор қонун ҳужжатларида мустақкамланиб қўйилган. Мазкур қонунларга кўра, адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида *қуйидаги ҳуқуқларга эга*:

— тегишли масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган барча органлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда жисмоний ва юридик шахсларнинг ваколати бўйича уларнинг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

— судларда, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи органларда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

— давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоа бирлашмаларидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ зарур маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш;

— миждознинг розилиги билан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ зарур масалалар юзасидан ёзма эксперт хулосалари, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини сўраш ва олиш;

— тўпланган материалларни вакиллик берган шахс ёки ҳимоядаги шахснинг иши юритилаётган судларга ва бошқа давлат органларига тақдим қилиш;

— мансабдор шахсларга илтимосномалар бериш ва шикоятлар келтириш ҳамда улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

— қонунда белгиланган тартибда ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олиш;

— ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланмаган ҳоли учрашувлар ўтказиш;

— ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судда ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш;

— иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш;

— агар жиноят ишини юритишда, шунингдек, фуқаролик, хўжалик ишини ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриш ва ҳал этишда ҳимояни ёки вакилликни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сирини ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш;

— қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш.

Адвокат ёрдамчига эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг юридик маълумотга эга бўлган фуқароси адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин. Адвокат ёрдамчиси адвокат ҳуқуқларига эга бўлмайди ҳамда унинг суриштирув, дастлабки тергов органларида, судларда ва бошқа давлат органларида ишларни олиб боришига йўл қўйилмайди. Адвокат ёрдамчиси адвокат кўрсатмасига биноан адвокатнинг юритувидаги ишлар бўйича топшириқларни бажаради, адвокатнинг процессуал ваколатларига тааллуқли ишлар бундан мустасно. Адвокат ёрдамчисининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Бундан ташқари, "Адвокатура тўғрисида"ги қонунда кимлар адвокат ёрдамчиси бўла олмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилган — булар белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз

ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахслардир (8-м.). Адвокатурага тегишлилик адвокатларга ўз касбий фаолиятларини амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиш, унга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш учун қонунда кўзда тутилган воситалар ва усуллардан фойдаланиш мажбуриятини юклайди "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддаси). Адвокат юридик ёрдамни виждонан кўрсатиши, ахлоқий поклик ва беноқсон хулқ-атвор намунаси бўлмоғи, ўз касбий маҳоратини доимий равишда ошириши, ҳуқуқни тарғибот қилишда фаол қатнашиши лозим.

Жинойят ишлари бўйича ҳимояни амалга оширишда адвокат айбланувчини оқловчи ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш мақсадида қонунда кўрсатилган барча усуллар ва воситалардан фойдаланиши ва айбланувчига (гумон қилинувчига, судланувчига) зарур юридик ёрдамни кўрсатиши шарт. Ҳимоядаги шахснинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қонунда адвокат гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олгач, уларни ҳимоя қилишдан бош тортиши таъқиқланиши белгиланган, мижознинг ўзи бундан озод этган ҳоллар бундан мустаснодир.

Адвокат ўз ваколаталаридан манфаатларини ҳимоя қилиш топшириғини олган шахснинг зарарига фойдаланишга, шунингдек, юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахснинг ҳолатини оғирлаштирувчи касбий нуқтаи назар билан ёндашишга ҳақли эмас. Жиноят ва фуқаролик ишларида қатнашаётган адвокат ҳолис ва беғараз бўлиши лозим. Бу шартларга риоя этиш учун қонунда адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган аввал юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, ҳолис, таржимон сифатида иштирок этган, шунингдек, ишни дастлабки тергов

қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлмиш мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек, адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлган ва бу ҳол унга ўз ишини топширган шахснинг манфаатларига зид келадиган ҳолларда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилган.

Жиноят ишини кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас. Адвокат адвокатлик сирини сақлаши шарт. Адвокатлик сирига мижоз адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, мижоз ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, мижознинг адвокатдан олган маслаҳатлари, насиҳатлари, тушунтиришларининг моҳияти, адвокатнинг мижоз билан ўтказган суҳбатида тўхтаб ўтилган барча масалалар киради. Адвокат, адвокат ёрдамчиси, адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари мансабдор шахслари ва техник ходимларининг адвокатлик сирини бўлмиш маълумотларни ошкор этиши ва бу маълумотлардан ўз манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланиши маън этилади.

Адвокатлик фаолиятининг кафолати бу адвокатнинг ҳаёти ва соғлиғи, касбий ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати давлат муҳофазасида эканлигидир. Адвокатнинг касбий фаолиятига ҳар қандай аралаштиришга, ўз касбий вазифаларини бажариш чоғида олинган бирор-бир маълумотларни маълум қилишни талаб қилиш, шунингдек, адвокатлик бирлашмаларининг мансабдор шахслари ва техник ходимларидан худди шундай маълумотларни ошкор қилишни талаб қилиш маън этилади. Адвокатнинг ўз касбий вазифаларини бажариш чоғида унга ҳар қандай таъсир ўтказилишига йўл қўйилмайди ("Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддаси).

Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан ҳоли учрашувларни ташкил этишдан бош тортиш, жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олишга тўсқинлик қилиш таъқиқланади. Адвокатнинг шахси дахлсиздир. Адвокатнинг дахлсизлиги унинг уй-

жойига, хизмат хонасига, фойдаланишида бўлган транспорт ва алоқа воситаларига, унинг ёзишмаларига, унга тегишли бўлган ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир. Адвокатни юридик ва жисмоний шахсларга қонунга мувофиқ юридик ёрдам кўрсатилганлиги муносабати билан жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки шундай жавобгарликка тортиш билан унга таҳдид қилиш мумкин эмас.

Адвокатга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан кўзгатилиши мумкин. Адвокат жиноят иши юзасидан ҳимоячилик ёки вакиллик вазифасини бажараётганда ўзига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас (ЖПК 115-м.), адвокатлик иш юритувлари (досье), касбий вазифасини бажаришда олинган ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши, шунингдек, адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатаётган шахслари билан учрашувларни амалга оширишини чеклаш мумкин эмас.

Адвокатнинг иш юзасидан ҳуқуқий нуқтаи-назари хусусида суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек, суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас (ЎЗР "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 10-м.). Адвокатнинг меҳнатига кўрсатилган юридик ёрдам учун жисмоний ва юридик шахслардан адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан мижоз ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганида, жиноят ишини кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ тўлаш ЎЗР Адлия вазирлиги ва ЎЗР Молия вазирлиги тасдиқлаган "Гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича давлат ҳисобига ўтказилган адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида"ги қоидаларга мувофиқ давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас ("Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 7-м.). Адвокат давлат ижтимоий суғуртаси бўйича барча нафақа турларини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Адвокатга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар белгилаш ва тўлаш ҳамда давлат пенсия таъминоти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари маблағлари адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжларига ишлатиладиган фондлар тузишга ҳақлидирлар. Адвокатнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади. Адвокатнинг ҳаёти ва соғлиғини адвокатура ўз маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилади.

Суғурта ташкилотлари суғурта суммаларини *қуйидаги ҳолларда тўлайди:*

— адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғига бошқача тарзда етказилган шикастланиш оқибатида ўз касбий фаолиятини амалга ошириш вақтида ёки бундай фаолиятини тугатганидан кейин ҳалок бўлганда (вафот этганда), унинг меросхўрларига — адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг эллик баробари миқдорида;

— адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлганда ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда — адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма беш баробари миқдорида;

— адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан унинг бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада меҳнат қобилиятини узил-кесил йўқотишга олиб бормаيدиган тан жароҳатлари олганда ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда — адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида.

"Адвокатура тўғрисида"ги қонун ва адвокатура фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун, шунингдек, адвокат номига доғ туширувчи хатти-ҳаракатларни содир қилганлик учун адвокатлар интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Уларга нисбатан *қуйидаги интизомий чоралар қўлланилиши мумкин:* огоҳлантириш, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш

ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилиш.

Интизомий чоралар малака комиссияси томонидан (огоҳлантириш), ёхуд малака комиссиясининг қарорига асосан лицензия берган орган томонидан (лицензияни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш) қўлланилиши мумкин. Малака комиссиялари ҚР Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларини тенг миқдорда киритган ҳолда тузилади.

Малака комиссиялари зарур билимга ва касб малакаларига эга бўлган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш масаласини ҳал қилади. Малака комиссияларининг қарори устидан Олий малака комиссиясига апелляция берилиши мумкин. Олий малака комиссиясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда адвокатларнинг жамоат бирлашмаси томонидан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларини тенг миқдорда киритган ҳолда тузилади.

Адвокатлик фаолиятини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш йўли билан амалга оширилади.

Адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахс жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда лицензия берган органнинг қарори билан лицензиянинг амал қилиши у айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилганидан бошлаб суд ҳукми кучга киргунга қадар, ёхуд оқловчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Лицензия уни берган орган томонидан *қуйидаги асосларга биноан бекор қилинади:*

— адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахснинг аризасига биноан;

— адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

— адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахс муомала лаёқати белгиланган тартибда чекланган ҳолларда ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

— адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахсга нисбатан суд чиқарган айблов қарори қонуний кучга кирган тақдирда;

— шахс лицензияни олиш чоғида ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилганлигидан далолат берувчи ҳолатлар маълум бўлиб қолганда;

— адвокат касб-одобини нормаларини мунтазам равишда бузганида ёки қонун ҳужжатларининг талабларини кўпол равишда бузганида.

Лицензия малака комиссиясининг интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарорига асосан лицензияни берган орган томонидан тўхтатиб қўйилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Адвокатнинг интизомий қилмиши тўғрисидаги иш кўриб чиқилишидан олдин интизомий жавобгарликка тортиш асослари синчковлик билан текширилмоғи лозим.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан ушбу қарор олинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиниши мумкин (ЎЗР "Адвокатура тўғрисида"ги қонунининг 14-м.).

Бундан ташқари, адвокатлик фаолияти уни амалга ошираётган шахснинг ташаббуси билан ёхуд мазкур фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келган тақдирда ҳам бекор қилиниши мумкин. Бу ҳолда миждознинг хоҳишига кўра адвокат олдин олган топшириғини бажариши шарт.

Давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ва эркин равишда юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида адвокатни белгиланган тартибда фуқаролар мурожаат қилиши учун қулай жойлардан зарур бинолар билан таъминлайди; адвокатлар малакасини ошириш бўйича талбирларни амалга оширишда кўмаклашади; адвокатуранинг фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплайди ва ўрганади; адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ тажовузлар, асоссиз чеклашлар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш чораларини кўради; адвокатлик бюrolари, ҳайъатлари, фирмалари ва Олий малака комиссиясининг фаолиятига кўмак беради.

Қонун манбаалари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8декабрда қабул қилинган. -Т.: "Ўзбекистон", 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги 1996йил 27декабрдаги қонуни. - Т.: "Адолат", 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонуни, 1998 йил 25декабр.
4. ЎЗР Жиноят-процессуал кодекси. Т.: "Адолат", 1999.
5. ЎЗР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 1994йил 22 сентябр.
6. ЎЗР Фуқаролик-процессуал кодекси. 1997йил 30август.
7. ЎЗР Хўжалик-процессуал кодекси. 1997йил 30август.
8. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг №139. 13.03.1997 й. (Ўзгар. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг №197. 30.04.2003й. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг №485. 05.11.2003 й.) қарори билан тасдиқланган "ЎЗР фуқароларига адолатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш ва адолатлик бюро, ҳайъат ва фирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиштўғрисида"ги Низом.
9. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг №370. 27.08.2003 й. (Ўзгар. ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг №528. 21.01.2003 й. 2 б. иловаси, ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг №28. 17.01.2004 й. 40 б. илова) қарори билан тасдиқланган "ЎЗР Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низом.

Махсус адабиёт

1. Адвокатура Узбекистана: содействие в реформировании: (Предложения по законодательству и адвокатской практике) / Ред. совет: М.Х. Рустамбаев (пред.), Л.Б. Хван, С.А. Якубов, Ф.П. Ҳамидов, Р.Х. Шарипов, И.Б. Азизов, Р.Г. Амбарцумов, Р.Г. Ахмедшин, О.Б. Зимарева, Г.А. Ишанханова, Е.Н. Никифорова, Ш.З. Рустамов, Б. Саломов. -Т.: "Мир экономики и права", 2002. 2. Баршевский М.Ю. Адвокат, адвокатская фирма, адвокатура. Учебное пособие. -М.: Белые альвы, 1995.
3. Бернам У., Решетникова И.В., Прошляков А.Д. Судебная адвокатура. -СПб.: Изд-во СПб университета. 1996.
4. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Зерцало, -М.: 1998.

5. Правоохранительные органы. Учебник для вузов. /Под ред. проф. К.Ф. Гуценко. -М.: БЕК, 1996.

6. Саркисянц Г.П. Адвокатура советского Узбекистана. -Т.: Фан, 1972.

7. Черкасова Н.С. Формирование и развитие адвокатуры в России 60-80гг. XIX в. -М.: БЕК, 1996.

Назорат саволлари

1. Юридик ёрдам тушунчасининг мазмуни ва унинг аҳамияти нимадан иборат?

2. Адвокатлар ҳайъатлари тушунчасини таърифланг ва уни ташкил қилишнинг асосий принципларини санаб ўтинг.

3. Адвокатлар ҳайъатларининг ўз-ўзини бошқарувчи органларининг (умумий йиғилишларнинг, раёсатларнинг, тафтиш комиссияларининг, юридик маслаҳатхоналар мудириларининг) ваколатлари нималардан иборат?

4. Адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш тартиби қандай?

5. Адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларида қандай интизомий чоралар кўзда тутилган?

6. Адвокатлик фаолиятини бекор қилиш тартиби ва асослари қандай?

7. Адвокатнинг ёрдамчиси ва унинг мақоми.

8. Адвокатлик фаолиятининг кафолатларини санаб ўтинг.

9. Адвокатга берилган ижтимоий ҳуқуқлар.

10. Адвокатура ва ЎзР Адлия вазирлиги ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай?

XV БОБ. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА СУД, ПРОКУРАТУРА ВА АДВОКАТУРА

15.1. Буюк Британия

Англияда кўп асрлар давомида ривожланиб келган ва ҳозирда амалда бўлган суд тузилиши инглиз давлати ва ҳуқуқининг ривожланиш тарихи билан бевосита боғлиқдир. Англия суд тизимининг мураккаблиги ҳуқуқда айрим ўрта аср институтларининг сақланиб келинаётганлиги билан ҳам изоҳланади.

Англиянинг суд тузилиши ягона қонун билан тартибга солинмайди: судларни ташкил қилиш ва уларнинг ваколатлари бир қатор актлар билан белгиланадики, бу актларнинг кўпчилиги юз йиллар муқаддам қабул қилинган. Англия судлари уч поғонали тизимга эгадир. Қуйи поғонада фуқаролик ишларини кўрувчи графлик судлари ва жиноят ишларини кўрувчи магистрат судлари туради. 1971 йилга қадар қуйи судларга тўртлик сессиялар судлари ҳам кирган бўлиб, кейинчалик бу судлар тугатилган.

Кейинги поғонада Англия ва Уэльс Олий суди номи билан бирлашган судлар гуруҳи туради ва унинг таркибига Корона суди (Тож суди) билан бирга Апелляция суди ва Юқори суд киради. Суд иерархиясининг олий поғонаси Лордлар палатаси ҳисобланиб, у олий суд инстанцияси сифатида камдан-кам фаолият юритади ҳамда фақат апелляция тартибида иш юритади.

Лордлар палатаси асосан ҳуқуқ масалалари бўйича, Англия ва Уэльс апелляция инстанцияларининг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича чиқарган қарорлари, шунингдек, Шотландия апелляция инстанцияларининг фуқаролик ишлари бўйича чиқарган қарорлари бўйича апелляция тартибида иш юритади. Лордлар палатаси номидан ишлар Лордлар палатаси суди томонидан кўриб чиқилади, у лорд-канцлер раҳбарлигида апелляция бўйича ординар (оддий) лордлар ва муқаддам судда олий мансабларни эгаллаган ва Лордлар палатаси аъзолари бўлмиш пэрлардан ҳамда барча собиқ лорд-канцлерлардан ташкил топади. "Апелляция бўйича ординар лордлар" Лордлар палатасига, одатда, Апелляция

суд аъзоларидан бўлган тажрибали юристлардан тайинланади. Уларнинг сони 7дан 11тагача бўлади. Бундай ординар лордлардан икkitаси шотланд юристларидан бўлиши лозим. Лордлар палатаси судида ишлар Лордлар палатаси номидан камида уч лорд таркибида кўриб чиқилади ва уларнинг ҳар бири нутқ сўзлайди. Лордлар палатаси судининг кўпчилик овоз билан қабул қилинган хулосаси шикоят келтирилган қарорни чиқарган судга берилади, бу суд эса ўз навбатида Лордлар палатаси берган тавсияларга мувофиқ иш бўйича якуний қарорни қабул қилади.

Англия ва Уэльс Олий судига лорд-канцлер раислик қилиб, унинг таркибига учта мустақил суд муассасаси — Апелляцион суд, Юқори суд ва Корона суди киради. Апелляцион суд фуқаролик ва жиноят бўлимларидан ташкил топган бўлиб, уч ёки ундан ортиқ судьялардан таркиб топган коллегияларда бошқа судларнинг қарорларига келтирилган апелляцияларни кўриб чиқади. Юқори суд учта бўлимдан иборат - қирол курсиси, канцлерлик ва оилавий бўлимлар. Қирол курсиси бўлими ўта мураккаб фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда ва жиноят ишлари бўйича магистрат судларининг ҳукмларига келтирилган апелляцияларни кўриб чиқиш билан шуғулланади. Қироллик курсиси бўлимининг таркибий қисмлари сифатида денгизда ташишлар, кемаларнинг тўқнашувлари ва бу билан боғлиқ зарарларни ундириш ва шу каби низоларни кўриб чиқувчи Адмиралтейство суди ҳамда савдо-сотикқа оид кўплаб низоларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Тижорат суди мустақил равишда фаолият юритади.

Канцлерлик бўлими биринчи инстанция суди сифатида мулкни бошқариш, ишончнома берилган мол-мулк, компаниялар фаолияти, банкротлик ва бошқа шу кабиларга боғлиқ фуқаролик ишларини кўриб чиқади. Канцлерлик судининг таркибий қисми сифатида Патент суди фаолият юритиб, бош назоратчининг патентлар, дизайн ва савдо маркалари масалалари бўйича илтимосномаларини кўриб чиқади. Оила бўлими асосан оилавий муносабатлар масалалари юзасидан, шу жумладан, никоҳни бекор қилиш, эр-хотиннинг алоҳида яшаши, алимент ундириш, ҳомийлик ва васийлик бўйича магистрат судларининг қарорларига

келтирилган шикоятларни кўриб чиқади. Юқори суд бўлимларида ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш якка судья томонидан, апелляцияларни кўриб чиқиш эса икки ёки уч судьядан иборат ҳайъатлар томонидан амалга оширилади. Қирол курсиси бўлимида муайян шароитларда иш присяжнийлар (маслаҳатчилар) иштирокида муҳокама қилиниши мумкин.

Бир қатор суд муассасаларининг ўрнига 1971 йилда ташкил топган Корона суди айблов акти бўйича жавобгарликка тортилганларнинг ишлари, яъни анча жиддий жиноятлар тўғрисидаги ишларни биринчи инстанцияда, албатта присяжнийлар иштирокида (бошқа инглиз жиноят судларида присяжнийлар йўқ), шунингдек, магистрат судларининг ҳукмлари қарорларига келтирилган апелляцияларни кўриб чиқади. Ягона суд ҳисобланган Корона суди марказлари Англия ва Уэльснинг йирик шаҳарларида жойлашган ўз округлари бўйича доимий равишда мажлислар ўтказиб туради. Олдин айбдорлик тўғрисидаги вердиктни чиқариш учун присяжнийларнинг барчаси овоз бериши лозим бўлган бўлса, Жиноят ишлари бўйича одил судлов тўғрисидаги 1967 йилдаги қонунга биноан, энди 11 ёки 12 присяжнийнинг 10тасининг ёки 10 присяжнийнинг 9тасининг овози кифоя қилади. Присяжнийлар суди чиқарган оқлов ҳукми устидан апелляция шикояти келтириш мумкин эмас. Присяжнийлар иштироки талаб этилмаган ҳолларда, Корона судида ишлар судья томонидан якка ҳолда кўриб чиқилади. Корона судида судья сифатида Юқори суд судьялари, округ судьялари (бу лавозим 1971 йилда Корона суди ва графлик судларининг судьялик корпусларини тўлдириш учун жорий этилган), ҳамда рекордёрлар — судьялик ваколатларини "қўшимча иш" сифатида бажарувчи юристлар фаолият юритадилар. Апелляцион шикоятларни судьялар ёки рекордёрлар 2-4 яраштирувчи судьялар иштирокида кўриб чиқадилар¹.

Графлик судлари (уларнинг сони 350дан ошади) — фуқаролик ишлари бўйича одил судловнинг асосий органлари

¹ Правовые системы стран мира. Энциклопедический справочник. / отв. ред. - д. ю. н. проф. А. Я. Сухарев. - 2-е изд., изм. и доп. - М.: НОРМА, 2001.

бўлиб, уларда биринчи инстанцияда фуқаролик ишларининг 90% кўриб чиқилади. Графлик судларининг ваколат доираси худди шундай фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқувчи Юқори судларга қараганда даъво турлари билан боғлиқ ҳолда фарқланувчи даъво миқдорига кўра чекланади (*масалан*, шартномалар ва деликтлардаги даъволар бўйича 5минг ф.ст. гача). Графлик судлари қарорлари Апелляция судига фақат қарор чиқарган суднинг розилиги билан ва қоида бўйича, факт масалалари бўйича эмас, балки ҳуқуқ масалалари бўйича ёхуд далилларнинг мақбуллиги юзасидангина шикоят келтирилиши мумкин.

Магистрат судлари (присяжнийлар иштирокисиз) жиноят ишларининг асосий кўпчилигини кўриб чиқадилар (йилига 98%гача). Мазкур судлар судланганларга жарима ёхуд қоида бўйича, олти ойгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосинигина тайинлашлари мумкин. Агар магистратлар айбланувчи бундан кўра оғирроқ жазога сазовор деган хулосага келсалар, иш кўриб чиқиш учун Корона судига ўтказилади. Магистратлар шунингдек, айблов акти билан юритиладиган ишлар бўйича дастлабки эшитишни ҳам ўтказадилар. Бу эшитишлар давомида улар айбланувчини Корона судига бериш учун далиллар етарлилиги масаласини ҳал этадилар. Магистратларнинг фуқаролик юрисдикцияси ўта чекланган бўлиб, аввало, қарзларни ундириш тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш ва оила ҳуқуқининг айрим масалалари билан боғлиқдир. Магистратлар одатда яраштирувчи судьялар деб аталиб, (уларнинг сони 20мингдан ошади), кўп ҳолларда улар профессионал юрист бўлмайдилар ва юридик маълумотга эга бўлмайдилар. Айрим магистрат судлари судьялар йиғилиши қарорига кўра вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги ишларини кўриб чиқувчи ҳайъат таркибига бу судьялардан учтаси киритилади, уларнинг бири ёки иккитаси албатта аёл-судья бўлиши лозим. Мазкур суд 21 ёшгача бўлган ўсмирлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Санаб ўтилган умумий юрисдикция судларидан ташқари, Англия ва Уэльсда турлича ваколатга эга бўлган

ихтисослашган судлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари трибунал деб номланади, бу эса уларнинг судларга нисбатан аҳамияти камроқ эканлигини билдиради. 1967 йилда Буюк Британияда Маъмурият ишлари бўйича парламент вакиллиги хизмати ташкил этилди. Бу хизмат ўз ходимлари ёрдамида одатда Вакиллар палатаси аъзосининг тегишли мурожаатидан сўнг ҳукумат муассасаларининг хатти-ҳаракатлари устидан келтирилган шикоятлар юзасидан текширув ишларини олиб боради. Бундай текширувлар натижалари тўғрисида парламент вакили унга мурожаат қилган Вакиллар палатаси аъзосига ва тегишли ҳукумат муассасасига, айрим ҳолларда — Вакиллар палатасининг ўзига хабар қилади.

Буюк Британиядаги барча суд лавозимлари сайланиш натижасида эмас, балки тайинланиш натижасида эгалланади. Юқори турувчи суд судьялари лордканслер тавсияси билан қиролича томонидан, қуйи судлар судьялари эса лордканслер томонидан тайинланади. Олий суд судьялари камида ўн йиллик меҳнат стажига эга бўлган барристерлардан, округ судьялари эса худди шундай стажга эга бўлган барристерлардан ёки шу лавозимни камида уч йил эгаллаб келган рекордёрлардан тайинланади.

Жиноят ишларини тергов қилиш, қоидага кўра, полиция томонидан амалга оширилиб, участка бошлиқлари (бош констебллар) ишни судга оширишни рад этиш, гумон қилинувчини расмий "огоҳлантириш" билан чекланиш каби кенг ваколатларга эгалар. Инглиз судларида қўпчилик жиноят ишлари бўйича айбловни қўллаш анъанавий равишда полиция томонидан, ёхуд айрим фуқаролар томонидан амалга оширилган, ва фақат энг жиддий жиноятлар юзасидан тергов оммавий таъқиблар директори идораси томонидан олиб борилган ва бу идора шу ва бошқа айрим ишлар юзасидан судларда айбловни қўллашни ўз зиммасига олган. Бу соҳада охириги вақтларда жиддий ўзгаришлар юз берди. 1985 йилда қабул қилинган Жиноятлар учун таъқиб қилиш тўғрисидаги қонун Англия ва Уэльс учун давлат ("қирол") айбловчилари хизматини ташкил қилиб, бу хизмат бош атторней томонидан тайинланадиган ва унинг раҳбарлигида ишлайдиган оммавий таъқиблар директори томонидан бошқарилади.

Фуқаролик процессида томонларнинг вакиллари функцияси, жиноят ишлари бўйича ҳимоя функцияси ва бошқа юридик хизматларни кўрсатиш адвокатлар томонидан бажарилиб, Англияда адвокатлар азалдан икки тоифага бўлинади — барристерлар ва солиситорлар. Барристерлар — бу олий суд инстанцияларида иштирок этишга мутлақ ҳуқуқи бўлган юристлардир (худди солиситорлар каби, улар шунингдек, қуйи инстанция судларида иштирок этишга ҳам ҳақлидирлар). Барристер бўлиш учун тажрибали барристерда стажировкани ва анча чўзиладиган ўқув курсини ўташ ҳамда тегишли имтиҳонлардан ўтиш лозим, шундан сўнг барристерлар корпорациясига кирувчи бирлашмалар — "инн"лардан бирининг аъзолигига қабул қилиниши мумкин. Барристерларнинг фаолияти кўпгина анъанавий ваколатлар ва чеклашлар билан боғлиқдир. Хусусан, улар ўз клиентлари билан фақат солиситорлар орқалигина муомала қилишлари, тоға ва парикда юришлари ва ш.к.ни бажаришлари лозим. Энг тажрибали ва малакали барристерлар лорд-канслер тавсияси билан қиролича томонидан "қирол маслаҳатчиси" лавозимига тайинланади, бу эса уларга кўшимча ваколатлар ва имтиёзлар беради. Барристерлар корпорацияси мустақил ҳисобланади ҳамда сенат ва барристерлар кенгаши томонидан бошқарилади.

Солиситорлар — анча кўп сонли юристлар тоифаси бўлиб, улар кўпинча доимий асосда ўз клиентларига маслаҳатлар берадилар, фуқаролик ва жиноят ишларини ўз клиентлари манфаатлари доирасида тинглашга тайёрлайдилар, айблов ёки ҳимоя томонидан, шунингдек, қуйи инстанция судларида тарафларнинг вакиллари сифатида иштирок этадилар. Солиситорлар корпорациясининг раҳбари Юридик жамият бўлиб, мазкур жамият сайланадиган кенгаш томонидан бошқарилади. Солиситорликка номзодлар юридик маълумотга эга бўлишлари ёхуд Юридик жамият қошида ўқув курсини тугатишлари лозим, улар махсус имтиҳонларни топшириб, икки йиллик стажировкани ўтайдилар.

Сўнгги йилларда кам таъминланганларга бепул ёки имтиёзли юридик ёрдам кўрсатиш тизими тез ривожланди. 1988 йилда қабул қилинган қонунга кўра, қашшоқларга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича Кенгаш (бу Кенгаш

тажрибали барристерлар ва солиситорлардан тайинланади) махсус фонд таъсис этиб, бу фонд ҳисобидан бепул ёки имтиёзли юридик ёрдам кўрсатишга маблағлар ажратилади¹.

Шимолий Ирландиянинг суд тизими.

Суд тизими автоном хусусиятга эга бўлса-да, кўп ҳолларда Англия суд тизимига ўхшайди. Бу ерда учта суддан иборат ва номлари худди шундай бўлган Олий суд мавжуд. Қуйи судларга *графлик* ва *магистрат* судлари киради. Шимолий Ирландия ва Англия суд тизимлари ўртасидаги фарқлар айрим ташкилий ва тартиб жиҳатларига тегишлидир. Мэн ороли ва Бўғоз ороллари ўз суд тизимларига эгалар. Уларнинг олий судлари чиқарган қарорларининг апелляцияси Махфий кенгашнинг Суд комитети томонидан кўриб чиқилади.²

15.2. Германия

Асосий қонуннинг 92-моддасига кўра, одил судловни амалга ошириш судьялар ваколатига киради ва Федерал Конституциявий суд, Асосий қонунда кўзда тутилган федерал судлар ва ерлар судлари орқали амалга оширилади. Германияда шу тариқа, роман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатлардан фарқли, конституциявий адлия одил судловни амалга ошириши лозим бўлган органлар тизимининг бир қисми сифатида кўрилади.

ГФР Конституцияси адлиянинг беш асосий соҳасини фарқлайди (умумий, меҳнат, ижтимоий, молиявий ва маъмурий) ҳамда уларга мувофиқ бешта суд тизимини таъсис этади, бу тизимларнинг ҳар бири ўз олий суд органи томонидан бошқарилади. Бунда умумий судларнинг ваколатига маъмурий адлия органларининг ва бошқа ихтисослаштирилган судларнинг ваколатига кирмайдиган барча фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш киради. Умумий судларнинг фаолияти Суд кўрилиши тўғрисидаги

¹ Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник)-М.: Юр. лит. 1993, 39-43-бетлар.

² Безнасюк А.С., Рустамов Х.У. Судебная власть: Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право. 2002. 218-бет.

қонун билан, тегишли қонунлар ва улар тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади.

Олий федерал суд умумий судлар тизимига раҳбарлик қилади. У Карлсруэ шаҳрида жойлашган бўлиб, суд раиси, сенатлар ва судларидан таркиб топган. Олий федерал судда шунингдек, суд терговчилари ҳам бўлиб, улар ҳукмлари устидан шу судга шикоят келтирилган айрим жиноят ишларини эшитишга тайёрлаш билан шуғулланадилар. Олий федерал суд таркибига фуқаролик ишлари бўйича I сенат, жиноят ишлари бўйича II сенат ва махсус масалаларни (картеллар ишлари бўйича, адвокатлар, нотариуслар ишлари бўйича ва б.) кўриб чиқиш учун етти сенат киради.

Жиноят ишлари бўйича Олий федерал суд компетенциясига ерларнинг юқори судлари томонидан иш биринчи инстанцияда кўриб чиқилганда чиқарилган ҳукмларга, шунингдек, присяжнийлар суди ва ер судларининг катта палаталарининг ҳукмларига, агар бу ҳукмлар устидан ернинг юқори судига кассацион шикоят келтириш мумкин бўлмаса, келтирилган кассация шикоятларини кўриб чиқиш киради. Олий федерал суд янги очилган ҳолатлар бўйича айблов ҳукми чиқарилган ҳолда ҳам, оқлов ҳукми чиқарилган ҳолда ҳам ишни янгидан кўриб чиқиши мумкин. 1969 йилдан Олий федерал суд ваколатига жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриш кирмайди.

Фуқаролик ишлари бўйича Олий федерал суд компетенциясига ерларнинг юқори судлари томонидан чиқарилган қарорларга келтирилган кассация шикоятларини кўриб чиқиш киради. Кассация тартибида шикоят келтириш деганда (у ревизия деб аталади) ГФРда суднинг қарори ёки ҳукми устидан ҳукмнинг ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келиш-келмаслиги асослари бўйича эмас, балки фақат қонунни бузиш ёки уни нотўғри қўллаш асослари бўйича шикоят келтириш тушунилади.

Олий федерал судда тегишлича фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича сенатлар ташкил этилиб, бу сенатлар ҳуқуқнинг тегишли соҳаси учун ўта муҳим аҳамият касб этувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича сенатларнинг қарашларида тафовутларни бартараф этиш зарур бўлган ҳолларда

бирлашган катта сенат чақирилади, унинг таркибига Олий федерал суд раиси ва катта сенатларнинг барча аъзолари киради.

Барча умумий судлар ичида фақат Олий федерал судгина умумфедерал муассаса ҳисобланади, қолган барча қуйи турувчи судлар тегишли ерларнинг судлари ҳисобланади. Айрим ерларнинг умумий судлари тузилиши ва ваколатлари ўртасида фарқлар мавжуд, бироқ улар унчалик жиддий эмас. Ерларнинг юқори судлари ҳам биринчи инстанция суди сифатида, ҳам апелляция ва кассация инстанциялари сифатида иш юритадилар. ГФР таркибига кирувчи барча ерларда бундай судлар ташкил этилган ва уларнинг сони бирдан тўрттагача бўлади. (Ерларнинг энг йирикларидан бири — Баварияда учта юқори суд ва Мюнхенда Бавария олий суди бўлиб, бу олий суд ернинг юқори судлари ваколатлари билан бир қаторда айрим турдаги фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Бавария судлари учун кассация инстанцияси сифатида Олий федерал суд функцияларини бажаради.)

Ернинг юқори суди раис томонидан бошқарилиб, унинг таркибига фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича етарли миқдорда сенатлар ташкил этилади ва бу сенатларга уларнинг раислари раҳбарлик қилади. Биринчи инстанция суди сифатида жиноят ишлари бўйича сенат ер юқори суди аъзоларидан бўлган бешта профессионал судья таркибида давлатга хиёнат, жосуслик, террористик актлар ёхуд ернинг қуйи турувчи судлари судловига тегишли бўлган, бироқ ўта аҳамиятли ёки мураккаб деб топилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Кассация инстанцияси сифатида фуқаролик ишлари бўйича сенатлар ер юқори судининг учта аъзоси таркибида қуйи судларнинг қарорлари ва ажримларига келтирилган апелляция шикоятларини кўриб чиқади, айрим масалалар якка судья томонидан ҳал этилиши мумкин. Жиноят ишлари бўйича сенатлар ер юқори судининг учта аъзоси таркибида участка судьяларининг апелляция шикояти келтирилмайдиган ҳукмлари устидан; ер судларининг апелляция шикоятлари бўйича чиқарган ҳукмлари устидан, шунингдек, присяжныйлар судлари ёки ер судининг катта палатаси чиқарган ҳукмлари устидан келтирилган кассация

шикоятларини кўриб чиқади, бироқ келтирилган кассация шикоятига асос федерал қонун ҳужжатлари меъёрларининг бузилиши эмас, балки фақат ер қонун ҳужжатлари меъёрларининг бузилиши бўлиши керак.

Ер судлари биринчи инстанция суди сифатида ҳам, қуйи турувчи судларнинг қарорлари ва ҳукмларига келтирилган шикоятларни кўриб чиқувчи иккинчи инстанция суди сифатида ҳам иш юритади. Ҳар бир ер суди таркибига унга раҳбарлик қилувчи раис, фуқаролик (шу жумладан тижорат) ишлари бўйича ва жиноят ишлари бўйича ташкил қилинадиган палаталар киради.

Ер судларининг жиноят ишлари бўйича палаталари участка судлари ёки ер юқори судлари судловига киритилмаган барча жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқади. Уларнинг судловига уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки психиатрия касалхонасига мажбурий жойлаштириш жазолари кўзда тутилган барча жиноятлар тўғрисидаги ишлар киради. Ишларни биринчи инстанцияда ёки присяжнийлар суди сифатида иш юритувчи жиноят ишлари бўйича палата, ёки жиноят ишлари бўйича катта палата кўриб чиқади. ГФРда присяжнийлар суди учта профессионал судьядан ва икки шеффендан ташкил топади (шеффен деб ишни муҳокама қилишда иштирок этувчи ва профессионал судьялар билан биргаликда судланувчининг айбли ёки айбсизлиги ва унга жазо чораси қўллаш масаласи юзасидан қарор қабул қилувчи присяжний маслаҳатчиларга айтилади). Присяжнийлар суди қасддан одам ўлдириш ёки одамларнинг ҳаёти учун хавф туғдириш билан боғлиқ бошқа жиноятларда (ўт қўйиш, портлатиш, самолётларни олиб қочишга уриниш, босқинчилик ва айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда товламачилик қилиш ва ҳоказо) айблаш юзасидан жиноят ишларини кўриб чиқиш зарурати туғилганда чақирилади.

Жиноят ишлари бўйича катта палата учта судья ва икки шеффен таркибида жинойий тажовузлар тўғрисидаги ер судлари судловига тегишли ишларнинг асосий қисмини кўриб чиқади. Округида ернинг юқори суди жойлашган ер судларида давлат жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича палата ташкил этилиб, бу палатада асосан, "демократик ҳуқуқий давлатта

таҳдид" билан ҳамда ғайриқонуний ташкилотлар фаолиятини таъқиқлашни бузиш билан боғлиқ ишлар кўрилади. Жиноят ишлари бўйича катта палата учта судья ва икки шефпен таркибида ер суди номидан участка судларида шефпенлар суди чиқарган ҳукмларга келтирилган апелляция шикоятларини кўриб чиқади.

Участка судлари (уларнинг сони тобора қисқариб, 1990 йилда ГФРда 550та ва Ғарбий Берлинда 7 тани ташкил қилган) умумий судлар тизимининг қуйи бўғинини ташкил қилади. Участка судьяси судловига 1500 еврогача миқдордаги мулкӣ низолар, шунингдек, даъво миқдорида қатъи назар яшаш жойлари ва бошқа биноларни ижарага бериш тўғрисида низолар, меҳмонхоналар эгалари ва мижозлари ўртасидаги, транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари ўртасидаги, сайёҳлик бюрolari ва сайёҳлар ўртасидаги ва ш.к. низолар тегишлидир. Участка судларида бир ёки бир нечта судья никоҳ-оила ишларига тегишли, жумладан, никоҳни бекор қилиш, алимент ундириш ва ш. к. ишларни кўриб чиқишга ихтисослашади.

Участка судларида жиноят ишлари судья томонидан якка тартибда, ёки шефпенлар суди томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Участка судьяси якка тартибда хусусий айблов тартибида кўзғатилган ишларни, бундан ташқари, қилмиш тоифасига кирувчи жиноий ҳаракатлар тўғрисидаги ишларни, ва ниҳоят, прокурор таклифига кўра, қилмиш учун тайинланадиган жазодан оғирроқ, яъни бир йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш кутилмайдиган айрим жиноят ишларини кўриб чиқади.

Участка судьяси айбланувчининг розилиги билан прокуратура ёки полиция тақдим қилган материаллар асосида суд муҳокамасини ўтказмасдан, "жазо тўғрисидаги буйруқ" йўли билан ҳукм чиқариши мумкин. Бироқ бу ҳолатда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланиши мумкин эмас, "жазо тўғрисидаги буйруқ" эса судланган шахс бир ҳафта ичида уни бекор қилишни ва суд муҳокамаси ўтказишни талаб қилмаган ҳоллардагина ижро этилади. Шефпенлар суди участка судьяси ва икки шефпен таркибида ҳайъат сифатида иш кўради. Шефпенлар жамоаларда яшовчи 30 ёшга етган ва чеклашлари (судланганлиги, жисмоний ёки

руҳий касаллиги, мансаб мажбуриятлари ва ш.к.) бўлмаган фуқаролар ичидан жамоа кенгаши тузган рўйхат асосида ишга жалб этилади.

Умумий судлар тизимига мустақил тузилма сифатида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича судлар ҳам киритилган. Бу судлар 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар айбланаётган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек, вояга етмаганларнинг иши бўйича суд хулқи "ўсмирларга хос" деб топган 21 ёшгача бўлган ёшларнинг жиноят ишларини кўриб чиқади. Айнан шу судларда, умумий судлардагидек, вояга етмаганларнинг манфаатлари катта ёшлилар томонидан бузилганлиги тўғрисидаги ишлар, шунингдек, вояга етмаганни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш лозим бўлган ишлар кўриб чиқилиши мумкин. Шу турдаги суд муассасаларига ер судларидаги вояга етмаганларнинг ишлари бўйича палаталар (учта профессионал судья ва иккита шеффен таркибида) ҳамда участка судларида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича шеффенлар суди (профессионал судья ва иккита шеффен таркибида) ва вояга етмаганларнинг ишлари бўйича судья киради. Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича шеффенлар сифатида ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган шахслар (қоидага кўра, уларнинг бири — аёл) тайинланади.

ГФРда фаолият юритувчи ихтисослаштирилган судлар орасида умумий судлар билан бир қаторда меҳнат масалалари бўйича судлар ҳам муҳим ўрин тутди. Бу судларнинг фаолияти иш ҳақи тўлаш, таътиллار бериш, ишдан бўшатиш масалалари бўйича ёлловчилар ва индивидуал хизматчилар ўртасидаги низоларни, шунингдек, касаба уюшмалари ва тадбиркорлар бирлашмалари ўртасидаги низолар, жумладан, иш ташлашнинг ёки корхона ёпилишининг ҳуқуққа хилофлиги каби масалаларни кўриб чиқишга қаратилган. Мазкур тизимга Кассел шаҳрида жойлашган меҳнат масалалари бўйича Федерал суд раҳбарлик қилиб, беш сенатдан ташкил топган. Бу сенатлар ҳайъатларида учта профессионал судья ва икки "фахрий" судьялар (улар тегишли тадбиркорлар ва касаба уюшмаларининг вакиллари бўлади) шу тизим қўйи судларининг қарорларига келтирилган кассация шикоятларини кўриб чиқадилар. ГФР ерларининг

ҳар бирида меҳнат масалалари бўйича биттадан ер суди бўлиб, Шимолий Рейн-Вестфалияда эса меҳнат масалалари бўйича иккита ер суди таъсис этилган.

Меҳнат масалалари бўйича ер судлари апелляция инстанцияси ҳисобланиб, унда қуйи судларнинг қарорларига шикоятлар келтирилади. Меҳнат масалалари бўйича судлар — бу тизимнинг энг қуйи инстанцияси бўлиб (ГФР ҳудудида уларнинг сони 107тага боради) — биринчи инстанцияда барча меҳнат низоларини кўриб чиқади.

Ижтимоий масалалар бўйича судлар тизими ижтимоий суғурта, ишсизларга ва "ватанига қайтганларга" нафақалар тўлаш, бепул ёки имтиёзли тиббий ёрдам кўрсатиш ва шу каби масалалар билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш учун таъсис этилган. Бундай судлар тизими Федерал суд томонидан бошқарилади. Федерал суд 12 сенатдан ташкил топган бўлиб, уларда қуйи судларнинг қарорларига келтирилган кассация шикоятлари кўриб чиқилади¹. Ижтимоий масалалар бўйича Федерал судда ва ерларнинг тегишли судларида ишлар учта профессионал судья ва иккита "фахрий судья"дан иборат ҳайъатларда, қуйи инстанция судларида эса бир профессионал судья ва иккита "фахрий судья"дан иборат ҳайъатларда кўриб чиқилади. "Фахрий судьялар" таркиби тенг ҳуқуқлилиқ асосида тузилади: низода иштирок этувчи томонлардан биттадан вакил қатнашади (суғурта қилинган хизматчилар ёки ишсизлардан ва тadbиркорлардан, касалхона кассаларидан ва шу кассалар ҳисобига беморларни даволовчи врачлардан ва ҳоказо).

Молиявий судлар тизими асосан, солиқлар тўлаш ва бож тўловлари билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш учун таъсис этилган. Федерал молиявий судда саккиз сенат ташкил этилган бўлиб, бешта профессионал судьядан иборат ҳайъатларда молиявий судларнинг қарорларига келтирилган кассация шикоятлари ҳуқуқ масалалари бўйичагина ва низо миқдори 5000 евродан ошсагина, кўриб чиқилади. Биринчи инстанция суди ҳисобланган, бироқ даражаси жиҳатидан

¹ Правовые системы стран мира. Энциклопедический справочник. /отв. ред. -д.ю.н.проф. А.Я. Сухарев. -2-е изд., изм. и доп. -М.: НОРМА, 2001, 172-бет.

ерларнинг тегишли юқори судларига тенг бўлган молиявий судларда ишлар учта профессионал судья ва иккита "фахрий судья"дан иборат ҳайъатларда кўриб чиқилади.

ГФРда маъмурий адлия тизими жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат бошқаруви органларининг актлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан келтирган шикоятларини, шунингдек, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш учун таъсис этилган бўлиб, бу шикоятлар ва низолар бошқа судлар судловига тегишли бўлмаслиги лозим. Қоидага кўра, хатти-ҳаракатларига шикоят келтириладиган бошқарув органи ёки мансабдор шахсга эътироз билдирилиб, юқори турувчи бошқарув органига келтирилган шикоят қаноатлантирилмаганидан сўнггина маъмурий адлия органларига шикоят билан мурожаат қилиш мумкин. Мазкур тизимни Федерал маъмурий суди бошқариб, у Берлин шаҳрида жойлашган.

Маъмурий судлар маъмурий адлия судловига тегишли бўлган ишларнинг асосий қисмини биринчи инстанцияда учта профессионал судья ва иккита "фахрий судья"дан иборат таркибда кўриб чиқади. Маъмурий судларнинг қарорига кўра, шикоят келтирилган давлат бошқаруви органи акти бекор қилиниши ёхуд фуқаролар ва муассасаларнинг мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари билан бузилган ҳуқуқлари тикланиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган бешта олий суд органлари айрим суд тизимларини (умумий, маъмурий ва б.) бошқариб, алоҳида ва бир-биридан мустақил ҳисобланади. Жиддий ҳуқуқий масалалар юзасидан уларнинг нуқтаи-назарлари ўртасида келишмовчилик келиб чиққан ҳолларда, Асосий қонунга кўра (95-м.), Олий федерал судларнинг умумий сенати чақирилади, бу сенат чиқарган қарор барча тизим судлари учун мажбурийдир ва у суд амалиётининг ягоналигини таъминлайди. Мустақил суд муассасалари сифатида айрим ихтисослаштирилган судлар, жумладан умумфедерал даражада ҳам, фаолият юритади. Буларга, хусусан, фуқаро-хизматчиларнинг ҳукумат хатти-ҳаракатларига келтирган шикоятларини кўриб чиқувчи Федерал интизомий суд ва ерларнинг интизомий судлари, шунингдек, Мюнхенда жойлашган Федерал патент суди киради.

ГФР олий давлат ва суд муассасалари орасида 1951 йилда таъсис этилган Федерал конституциявий суд алоҳида ўринни эгаллайди. У Карлсруда жойлашган бўлиб, ҳар бирида Федерал конституциявий суднинг саккиз аъзоси бўлган икки сенатдан ташкил топган. Бутун суднинг ва биринчи сенатнинг ишига Федерал конституциявий суд раиси, иккинчи сенат ишига вице-раис раҳбарлик қилади. Федерал конституциявий суд Конституцияни шарҳлашнинг мунозарали масалаларини, Конституциянинг бошқа федерал қонунлар ва ерларнинг ҳукуматлари чиқарган қонунлар билан мувофиқлиги юзасидан низоларни кўриб чиқади. Федерал конституциявий суднинг ваколатлари ГФР парламенти ва ерларнинг ҳукуматлари чиқарган қонунларни, ҳукуматнинг ва бошқа бошқарув органларининг ҳар қандай қарорларини ва ниҳоят, ҳар қандай суд инстанциялари, жумладан, олий федерал судларнинг қарорларини уларнинг конституцияга зидлиги асосида бекор қилиш имкониятини ўз ичига олади. Федерал конституциявий суд турли ташкилотлар ва фуқаролар бирлашмаларининг фаолиятини конституцияга зид деб топишга ҳақлидир. Федерал конституциявий суднинг муҳим вазифаси бу ҳукумат органлари томонидан жамоалар ва айрим фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларини кўриб чиқишдир. ГФРга кирувчи ерларнинг аксариятида ўз конституциявий судлари мавжуд бўлиб, уларнинг ваколати ерларнинг Конституцияси қоидаларини шарҳлаш ва унда мустаҳкамланган ҳуқуқларнинг бузилиши юзасидан шикоятларни кўриб чиқиш билан чекланади. Мазкур судларнинг қарорлари устидан шикоят келтирилиши мумкин эмас.

Федерал судларнинг судьялари расман ўз лавозимларига тегишли вазирнинг (Олий федерал судга тайинланишда — Адлия вазири, меҳнат ишлари бўйича Федерал судга тайинланишда — Меҳнат вазири ва ш.к.) қароридан сўнг ГФР Президенти томонидан тайинланадилар. Бундан олдинроқ эса судьяликка номзодлар таркиби ГФР тегишли вазиридан ва ерларнинг тегишли идоралари раҳбарларидан, шунингдек, Бундестаг томонидан сайланган II аъзодан иборат махсус комиссия тасдиғидан ўтишлари лозим. Комиссияларда, улар қоидага кўра, бир неча номзодлар ичидан сайлаб олинади.

Айрим ерлардаги судларда судьялик лавозимини эгаллаш турлича кечади. Баъзи ерларда судьялар бош вазир томонидан тайинланса, бошқаларида — шу ернинг Адлия вазири томонидан тайинланади. Яна баъзиларида эса ер парламенти депутатлардан, судьялардан ва адвокатлардан ташкил топган сайлов комитети — махсус комиссия томонидан номзод сайлангач, судьялик лавозими эгалланади. Бундан ташқари, кўп ерларда бирор ер судларидаги судьялик лавозимини эгаллаш учун Вазирлар Маъкамасининг барча аъзолари — барча вазирларнинг розилиги талаб этилади. Барча судьялар ўз лавозимларига умрбод тайинланадилар.

ГФР федерал парламенти томонидан бевосита 12 йил муддатга фақат Федерал конституциявий суд судьялари сайланадилар: уларнинг ярми Бундестаг томонидан, қолган ярми Бундесрат томонидан сайланади. Судьялар ўз лавозимларидан судьялар ва прокурорлар учун Федерал интизомий суд ёхуд ер интизомий суди қарори билангина четлатилишлари мумкин. Интизомий иш ГФР ёки ерларнинг адлия вазири томонидан қўзғатилиши мумкин. Судьяларнинг истеъфога чиқиш ёши 65 ёш (Федерал конституциявий суд аъзолари учун — 68 ёш).

Жиноят ишларини тергов қилиш асосан, федерал ҳукумат ёки ерларнинг Ички ишлар вазирининг бўйсунушида бўлган полиция хизматлари томонидан амалга оширилади. Энг мураккаб жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов полиция хизматлари иштирокида прокуратура томонидан олиб борилади, бундай ишларнинг сони нисбатан анча камдир. Айрим ҳолларда, "суд тергови" тартибида баъзи тергов ҳаракатлари судья-суриштирувчилар томонидан ўтказилади, уларнинг вазифасини одатда участка судьялари бажаради.

Айб эълон қилиш прокуратура томонидан, ёхуд, хусусий шикоят бўйича, жабрланувчи томонидан амалга оширилади, бироқ суд муҳокамасида прокурор иштироки мажбурийдир. Прокуратура қатор ҳолларда ишни судга оширишни рад этиш ваколатига эга, хусусан, айбланувчи ёки унинг яқин қариндошлари йўл ҳодисаси натижасида жиддий зарар кўрган бўлса. Қонунда кўзда тутилган ҳолларда прокуратура вакиллари фуқаролик ишларини муҳокама қилишда ҳам иштирок этадилар.

Прокуратура органлари барча умумий судлар қошида мавжуддир. Олий федерал суд қошида прокуратура функциясини бош федерал прокурор ва унга бўйсунувчи федерал прокурорлар амалга оширадилар (уларнинг барчаси ГФР адлия вазирининг умумий раҳбарлигида фаолият юритадилар). Бош федерал прокурор ГФР Президенти томонидан Бундесрат розилиги билан тайинланади. Ерларнинг олий судлари қошида, ер судлари ва участка судлари қошида тегишли прокурорлар фаолият юритиб, улар устидан ҳар бир ернинг адлия вазири раҳбарлик қилади. Участка прокурорларининг (бу уларнинг расмий номланиши) ваколатлари чекланган: улар фақат участка судларида қатнашишлари мумкин. Прокуратуранинг мансабдор шахслари юқори турувчи прокурорларнинг қонуний кўрсатмаларига бўйсунушлари шарт.

Жиноят ишлари бўйича айбланувчиларни ҳимоя қилиш, шунингдек, бошқа тоифадаги ишлар бўйича тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш адвокатлар томонидан амалга оширилади. Адвокатнинг участка судида судьянинг якка тартибда жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишида иштирок этиши мажбурий эмас, бироқ қонунда айрим истисно ҳолатлар кўрсатилган. Адвокатлар меҳнат ишлари бўйича юқори инстанция судларида тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари мажбурийдир, ижтимоий масалалар бўйича, молиявий ва маъмурий судларда иштирок этишлари мумкин.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун университет юридик факультети битирувчиси уч-тўрт йил муддат судларда, прокурорларда ва адвокатларда стажировка ўташи, ер олий суди қошидаги комиссияга имтиҳон топшириши ва шундан сўнгигина қайси ер судида адвокатлик фаолиятини юритмоқчи бўлса, ўша ер адлия идорасидан тегишли рухсатнома олиши лозим. ГФРда ҳар бир адвокат адвокатлик фаолияти юритишга рухсат берилган олий ер суди ёки ер судидагина ўз бюросини очиши мумкин. У ёки бу олий ер суди округида фаолият юритувччи адвокатлар битта (баъзан, агар уларнинг сони 500дан ортиқ бўлса, иккита) адвокатлар ҳайъатига бирлашадилар. Олий федерал судда иш юритишга рухсат берилган адвокатлар алоҳида ҳайъатга

(махсус комиссия томонидан жуда ҳам қаттиқ танловдан сўнг ГФР адлия вазири қарори билан) бирлашадилар. ГФРда мавжуд бўлган барча адвокатлар ҳайъатлари Федерал адвокатлар бирлашмасига кирадилар. Бу бирлашма, хусусан, кам таъминланганларга бепул ёки имтиёзли юридик ёрдам кўрсатиш учун чоралар кўради.¹

15.3. АҚШ

АҚШ давлат тузилиши 1607-1776 йилларда Америкада амалда бўлган инглиз мустамлака тизими даврларидаги ҳуқуқий негизлар ва институтлардан бошланади. АҚШ конституциявий тамойиллари, бундан ташқари, шубҳасиз, Буюк француз буржуа-демократик инқилобидан олдинги давр сиёсий-ҳуқуқий ғоялари таъсирида ҳам шаклланган. Америка ҳуқуқий мактаби анъаналарига мувофиқ, АҚШда амалда бўлган қонун чиқарувчи, ижроия, маъмурий, суд ва бошқа органларнинг улкан, бесўнақай, сертармоқ ва серқамров, ўта мураккаб тизими АҚШ Конституцияси асосида шаклланган ва фаолият юритади, деб ҳисобланади.²

АҚШда бир вақтнинг ўзида судларнинг ягона федерал тизими ва 50 штатнинг ҳар бирининг, Колумбия округининг ва тўрт федерал ҳудуднинг мустақил суд тизимлари фаолият юритади. Федерал судлар ваколатига, аввало, федерал қонун ҳужжатларида кўзда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишларини, ҳамда федерал ҳукуматга нисбатан даъволар бўйича ва федерал қонунларни қўллаш билан боғлиқ низолар бўйича ёки икки турли мамлакатларда яшовчи фуқаролар ўртасида келиб чиқувчи низолар бўйича (бунда даъво миқдори 10 000 доллардан кам бўлмаслиги керак) фуқаролик ишларини кўриб чиқиш киради. Қатор масалалар бўйича федерал судларнинг ва штатлар судларининг ваколатлари жиноят ишлари бўйича ҳам, фуқаролик ишлари бўйича ҳам мос келади, бу эса уларнинг вазифаларини чегаралаш

¹ Решетников Ф. М. Правовые системы стран мира (справочник)-М.: Юр. лит. 1993, 57-65- бетлар.

² Филиппов С. В. Судебная система США. -М.: Наука: 1980. -с. 3.

юзасидан ўта мураккаб қоидаларни ишлаб чиқишга олиб келди.

Федерал суд тизимига АҚШ Олий суди, апелляция ва округ судлари, шунингдек, махсус судлар киради. Федерал судларнинг бутун тизимига АҚШ Олий суди раҳбарлик қилади ва у бир вақтнинг ўзида олий давлат муассасалари тизимида Конгресс ва Президент билан бир қаторда ўта муҳим мақомга эгадир. АҚШ Олий суди АҚШ Конституциясида тилга олинган ягона суд муассасаси бўлиб, тўққиз судьядан иборатдир, бу судьяларнинг бирини АҚШ Президенти раис этиб тайинлайди. Олий суд аъзолари, шу жумладан раис ҳам, президент томонидан тайинланиб, Сенатда тасдиқланади. Олий суд биринчи инстанцияда икки ёки ундан ортиқ штатларнинг ўртасидаги низолар бўйича ишларни, тарафларнинг бири хорижий давлат элчиси бўлган даъволар бўйича ишларни ва бошқа ишларни кўриб чиқади (амалиётда бундай ишлар тури жуда камдир). Унинг асосий функцияси — қуйи турувчи федерал судлар ва штатлар судларининг қарорларига келтирилган ва "федерал масала"га дахли бўлган шикоятларни, шунингдек, бирор штат қонуни ёки АҚШ Конгрессининг бирор акти АҚШ Конституциясига зид келиши тўғрисидаги ҳар қандай суд қарорини бекор қилиш тўғрисидаги илтимосларни кўриб чиқишдан иборатдир. Олий суд шунингдек, апелляция суднинг илтимоси билан, фуқаролик ёки жиноят иши юзасидан юзага келган бирор-бир ҳуқуқ масаласини тушунтириш ва унга мажбурий шарҳ бериш ҳуқуқига ҳам эга. Олий суд ишларни етарлича жиддий ва умумаҳамиятга эга деб топган ҳолларда, уларни ўз ташаббуси билан ўз иш юритувига олиши мумкин, бироқ бундай ҳоллар жуда камдан-кам учрайди.

Даъвогарлар Олий судга ўзларининг ишларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун қуйи турувчи суд иш юритувидан талаб қилиб олишни илтимос қилиб мурожаат қилишлари мумкин. Олий суд ўз хоҳишига кўра бундай илтимосларни қаноатлантириши ёки қаноатлантирмаслиги мумкин. Бунда суд "тўртлар қоидаси"дан келиб чиқиб иш кўради. Тўққиз судьядан тўрттаси ишни талаб қилиб олишга рози бўлса, иш Олий суд иш юритувига қабул қилинади. Акс ҳолда илтимос рад этилади, қуйи турувчи суд қарори

эса ўз кучида қолади. Ишни талаб қилиб олишни рад этиш Олий суднинг қуйи турувчи суд қарорини тўғри деб топганлигини билдирмайди, балки мазкур иш билан боғлиқ ҳолда кўтарилган юридик масала суд манфаатлари доирасига кирмаслигини, ҳар ҳолда рад этиш вақтида кирмаслигини билдиради.¹

Апелляция судлари 1891 йилда АҚШ Олий суди ва округ судлари ўртасидаги оралиқ юрисдикция судлари сифатида таъсис этилган эди. Ҳозирги вақтда 13 та апелляция судлари бор: Колумбия федерал округида битта, 3 тадан 10 та штатгача ҳудудни қамраб олувчи ва ўз расмий тартиб рақами бўлган ҳар бир апелляция округида — 11 та, ва ниҳоят, 1982 йилда таъсис этилган ва божхона ва патент ишлари бўйича шикоятларни ҳамда Претензия суди қарорларига келтирилган шикоятларни кўриб чиқувчи федерал юрисдикциядаги Апелляция суди.

Ҳар бир апелляция суди ишида АҚШ Олий суди аъзоларидан бири иштирок этади (улар битта-иккита апелляция судларига бириктириб қўйилган). Биринчи 12 апелляция судлари округ судларининг ҳукмлари ва қарорларига, бир қатор маъмурий органларнинг қарорларига (агар уларда ҳуқуқий нормаларнинг бузилганлиги намоеън бўлса) келтирилган шикоятларни кўриб чиқадилар, шунингдек, биринчи инстанция суди сифатида айрим масалалар юзасидан буйруқлар чиқарадилар. Апелляция суди судьялари ва ҳайъатлари қарорларига келтирилган шикоятларни муҳокама қилиш учун, шунингдек, судьялар ўртасидаги мунозараларни ҳал қилиш учун апелляция судларининг пленум йиғилишлари чақирилади.

Округ судлари (уларнинг номланиши "туман судлари" деб таржима қилинади) — федерал суд тизимининг асосий бўғинидир. Мамлакатнинг бутун ҳудуди штатлар ўртасидаги чегараларни ҳисобга олган ҳолда округларга бўлиб чиқилган, шу сабабли бир штатда биттадан тўрттагача округ мавжуд. Тегишли округ судлари АҚШнинг денгиз орти ҳудудларида

¹ Даниэл Джон Мидор. "Американские суды" Изд-во: Уэст Паблшинг Компани. Сент-Пол. Минне-сота. 1991, 24-бет.

ҳам тузилган. Ҳозирги вақтда ҳаммаси бўлиб 95 округ суди бор, уларнинг ҳар бирида 2 тадан 27 тагача судья фаолият юритади (уларнинг бири апелляция судларидагидек тартибда раис этиб тайинланади). Улар биринчи инстанцияда федерал адлия ваколатига кирувчи фуқаролик ва жиноят ишларини, шунингдек, маъмурий идораларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан келтирилган шикоятларни кўриб чиқади. Жиноят ишлари ва даъво миқдори 20 доллардан кўп бўлган фуқаролик даъволари, агар буни айбланувчи ва даъвогар талаб қилса, присяжнийлар иштирокида кўрилади.

Умумий судлар тизими билан бир қаторда бир неча ихтисослаштирилган федерал судлар ҳам мавжуддир. Бу судларнинг тизими 1982 йилда жиддий ўзгаришларга учради. Мазкур тизимда *Претензиялар* суди муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур суд хусусий шахслар ва корпорацияларнинг АҚШ ҳукуматига нисбатан шартномаларнинг бузилиши натаижасида етказилган зиённи ундириш тўғрисидаги ва бошқа бир қатор асослар бўйича 10000 доллардан ортиқ миқдордаги фуқаровий даъволарни кўриб чиқади.

1980 йилда Божхона ишлари бўйича суднинг номи *Ташқи савдо бўйича суд* деб ўзгартирилди. Бу суд тўққиз судьядан иборат таркибда иш юритиб, бу судьялар яқка тартибда қарор чиқаришлари мумкин ва улар суднинг штаб-квартираси жойлашган Нью-Йорк шаҳрида, ёхуд зарур ҳолларда АҚШнинг бошқа порт шаҳарларидан бирида иш кўрадилар. Турли ихтисосликдаги бошқа федерал суд муассасалари қаторида, хусусан, Солиқ суди ҳам бўлиб, у федерал солиқлар миқдорини белгилаш ва уларни тўлаш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқади.¹

Элликта штатнинг ҳар бири ўзининг расман қабул қилинган Конституциясига эгадир. Бу ҳужжатлар, худди Федерал Конституция каби, ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойилини ўзларида мужассам этиб, бунга мувофиқ, штат қонун чиқарувчи йиғилиши (баъзан бош ассамблея деб аталади) қонун чиқарувчи орган ҳисобланади, губернатор — ижро ҳокимиятининг олий лавозими ҳамда суд тизими

¹ Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник) -М.: Юр. лит. 1993, 181-183-бетлар.

суд ҳокимияти функцияларини бажаради. Айрим штатларда суд тизими биринчи инстанция судлари ва апелляция судлари даражасида Конституциянинг ўзида мустақамланган, Бошқа штатларда эса Конституция қонун чиқарувчи йиғилишга суд тизимини таъсис этиш ҳуқуқини беради.

Суд тизимлари Конституцияда белгилаб қўйилганлиги ёки қонун чиқарувчи йиғилишнинг актлари билан таъсис этилишидан қатъи назар, умуман олганда элликта штатда ҳам суд тизимлари ўхшашдир. Бироқ, бошқарувнинг бошқа жиҳатлари каби, улар ҳам айрим жиҳатлари билан фарқланади.¹

Штатлардаги суд тизимларининг ўзига хосликлари кўпроқ мазкур штатда суд тизими шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари билан изоҳланади. Баъзан янгидан ташкил этилган штатлар қўшни штатлардаги суд тузилишидан нусха кўчириб олганлар. Штатларда кўпроқ умумий судларнинг икки ва уч поғонали тизими, шунингдек, чекланган ёки махсус юрисдикциядаги турли судлар мавжуд. Ўзида фақат биринчи инстанция судини ва олий суд органини мужассам қилган икки поғонали умумий судлар тизими ҳудуди кичик ва аҳолиси кам бўлган штатларга хос, уч поғонали, оралиқ, апелляция юрисдикция судлари бўлган умумий судлар тизими эса йирик штатларда мавжуд бўлиб, уларда кўриладиган фуқаролик ва жиноят ишлари сони анча кўлдир. Умумлаштиришга уриниш штатлардаги суд ҳокимиятининг амалдаги тузилишини бузиб кўрсатишга олиб келиши мумкин. Қуйидаги штатлар суд тизимининг асосий қисмларининг баёни асосий модел ва вариантларни ажратиш билан бирга берилади. Иловада штатлар суд тизимларининг тўрт типичемаси вариациялар билан биргаликда берилади.

Штатдаги суд тизимини бошқарувчи суд кўпроқ, *олий суд* номи билан юритилади, бироқ қатор штатларда у *апелляция суд* деб аталади. Бу судлар бештадан тўққизтагача судьядан иборат бўлиб, уларнинг бири суд раиси этиб тайинланади. Штатларнинг олий ва унга мувофиқ судлари, асосан, қуйи судларнинг қарорларига келтирилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш билан машғул бўлади. Кўпчилик

¹ Даниэл Джон Мидор. "Американские суды", Уэст Паблшинг Компани. Сент-Пол. Минне-сота. 1991. 10-бет.

штатларда апелляция шикоятларини ва бошқа мурожаатларни кўриб чиқишга қабул қилишни Олий суднинг ўзи ҳал қилади, ўлим жазоси белгиланган ҳукмларга келтирилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш эса мажбурийдир. Айрим штатларда эса олий судга келиб тушган барча шикоятлар ҳеч қандай истисносиз кўриб чиқилиши лозим, деган қоида амал қилади.

Штатлар олий судларининг маъмурий органлар қарорларига келтирилган шикоятлар ёки ишларни кўриб чиқиш муносабати билан конституцияларни шарҳлаш ва штатлар қонун ҳужжатларига баҳо беришдаги аҳамияти беқиёсдир. Мазкур вазифанинг аҳамияти сўнгги ўн йилда янада ошди, бунга сабаб айрим штатларнинг олий судлари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида АҚШ Олий судига нисбатан қатъиятлироқ қарорлар қабул қилиш йўлини тутмоқдалар.

Оралиқ юрисдикция судлари ("оралиқ" ибораси баъзан уларнинг расмий номланишига киради) қатор штатларда биринчи инстанция судлари ва бошқа суд муассасаларининг ҳукмлари ва қарорларига келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш учун тузилган. Улар турлича номланадилар, бироқ кўпинча улар *апелляцион судлар* деб аталади. Баъзан штатларда алоҳида жиноят ишлари бўйича апелляцияон суд ташкил этилади, айрим ҳолларда оралиқ юрисдикция судлари штат олий судининг апелляцияон бўлинмаси сифатида фаолият юритади. Уларнинг таркибига 10 тадан 50 тагача судья киради. Ишлар одатда, уч судьядан иборат ҳайъат таркибида кўрилади. Айрим штатларда апелляцияон судлар биринчи инстанцияда, шу жумладан присяжный маслаҳатчилар иштирокида муайян тоифадаги фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиладар. Бу ҳолда суд жараёни яқка судья томонидан олиб борилади.

Штатлар суд тизимининг асосий бўғини — умумий юрисдикция судлари бўлиб, улар турлича номланадилар. *Масалан*, Нью-Йорк штатида улар *олий судлар* деб, Калифорния штатида — *юқори судлар* деб, бироқ кўпроқ *округ судлари* деб аталади. Мазкур судлар ташкил этилиши ва миқдорий таркиби жиҳатидан жиддий фарқланади. Қоидага кўра, улар биринчи инстанцияда тегишли штатнинг қонун

ҳужжатларида кўзда тутилган барча жиноятлар (кам аҳамиятли қилмишлардан ташқари) тўғрисидаги жиноят ишларини, даъво миқдоридан қатъи назар барча фуқаролик ишларини (мазкур штатда тузилган ихтисослаштирилган судлар судловига тегишли ишлардан ташқари) кўриб чиқадилар. Айрим штатларда округ судлари беш йилгача муддатга, ҳатто бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишларинигина кўриб чиқишга ҳақлидирлар, бу эса мазкур штатнинг апелляцияон судининг алоҳида ҳуқуқлари доирасини кенгайтиради. Шу билан бирга округ судлари чекланган юрисдикция судларига нисбатан юқори турувчи инстанция сифатида иш кўрадилар, чунки улар қатор ҳолларда бу судларнинг қарорларига келтирилган шикоятларни кўриб чиқишга ҳақлидирлар. Округ судларида ишлар якка судья томонидан ёки присяжный маслаҳатчилар иштирокида судьялар томонидан кўриб чиқилади.

Юқорида санаб ўтилган судлар умумий тизими бўғинларидан ташқари, ҳар бир штатда чекланган юрисдикция судлари ҳам мавжуд бўлиб, бу судларга жарима билан ёки қоидага кўра, қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланадиган кам аҳамиятли жиноятлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек, даъво миқдори кам, кўпинча, 1 000 долларгача бўлган фуқаролик ишларини кўриб чиқиш топширилган. Бу судлар муниципал шаҳар судлари, полиция судлари, баъзан эса графлик судлари, умумий сессиялар судлари каби номлар билан юритилади. Уларда ишлар магистратлар ёки яраштирувчи судьялар томонидан кўриб чиқилиб, бу судьяларнинг профессионал юридик тайёргарликка эга бўлиши мажбурий эмас.

Кўпгина штатларда махсус юрисдикция судлари ҳам мавжуд бўлиб, улар айрим ҳолларда мустақил, бошқа ҳолларда эса, округ судлари қошида ташкил этилади. Буларга солиқлар бўйича, ер низолари бўйича, мерос ишлари бўйича, штат ҳокимиятларига *претензиялар* билдириш бўйича судлар, *йўл ҳаракати қоидаларини бузиш* тўғрисидаги кўп сонли ишларни кўриб чиқувчи судлар ва ҳоказолар киради. Улар орасида вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар муҳим ўринни эгаллайди, бу судлар кўпинча *оилавий судлар*

функцияларини ҳам бажарадилар. Мазкур судлар вояга етмаганлар содир қилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни муҳокама қиладилар, ўз фарзандлари тўғрисида ғамхўрлик қилмайдиган ота-оналарга нисбатан чоралар кўрадилар, ёмон оилалардаги тарбия шарт-шароитларини назорат қиладилар, оилавий можароларни ҳал қилишга ўринадилар ва ш.к.

Федерация ва штатлар даражасидаги муассасалар тизимида конституциявий назоратни амалга оширувчи махсус органлар мавжуд эмас, чунки бу вазифа умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилади.¹ Федерал судларидаги судьялик лавозимларига тайинлаш Сенат розилиги билан АҚШ президенти томонидан амалга оширилади, бунда Сенат президент таклиф қилган номзодни рад этиш ҳуқуқига эга. Федерал судьяликка номзодларга касбий маҳорат жиҳатидан ҳам, ахлоқ жиҳатидан ҳам юқори талаблар қўйилади (адвокат, юристмаслаҳатчи ёки университет профессори сифатида катта иш тажрибасига эга бўлиш, шаънига доғ тегмаганлик ва ш.к.). Федерал судьялар ўз лавозимларига умрбод тайинланадилар, уларни фақат *импичмент*дек мураккаб жараён натижасида лавозимдан четлатиш мумкин.

Штат судларида судьялик лавозимига тайинлаш турли қоидалар асосида ўтказилади. Кўпгина штатларда олий судлар ва апелляция судлари судьялари губернатор томонидан Сенат ёки штатнинг бошқа қонун чиқарувчи органи розилиги билан 6-15 йил муддатга кўпинча такроран тайинланиш ҳуқуқи билан тайинланадилар. Худди шу тартибда айрим Америка штатларидаги қуйи турувчи суд инстанциялари судьялари ҳам ўз лавозимларини эгаллайдилар. Бироқ штатлардаги кўпчилик судьялар аҳоли томонидан сайлов кампаниялари давомида сайланадилар. Бундай тизим гарчи ташқи томондан халқчил кўринса-да, аслида кўпинча бу ерда номзодларни қўлловчи бир-бирига рақиб сиёсий партияларнинг манфаатлари биринчи ўринга чиқиб қолади, касбий ва шахсий сифатлар эса эътибордан четдан қолади, шу сабабли бу тизим АҚШда ҳақли равишда танқидга учрамоқда. Натижада кўпгина

¹ Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник) - М.: Юр. лит. 1993, 183-185-бетлар.

штатларда сўнгги ўн йилликлар давомида лавозимларни эгаллаш тизимининг янги вариантлари ишлаб чиқилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича тергов ўтказиш ФБР томонидан ва бошқа кўплаб федерал хизматлар томонидан, шунингдек, тегишли штатлар ҳокимиятига, ёхуд графлик, шаҳар ёки қишлоқ муниципалитетига бўйсунувчи ва бир-биридан мустақил бўлган кўп сонли полиция муассасалари томонидан амалга оширилади. Улар қамоққа олиш, гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш, жиноят далилларини қидириш ва тўплашга ҳақлидирлар. Қамоққа олиш, тинтув ва бошқа айрим тергов ҳаракатлари полиция томонидан суд санкциясини олгач ўтказилади, истисно ҳолларда эса, бу ҳаракатлар ўтказилганидан сўнг суд санкцияси олинади.

Қатор ҳолларда дастлабки тергов ёхуд ҳар бир федерал суд округида бўлган федерал атторнейнинг, ёхуд штат бош атторнейнинг, ёхуд маҳаллий (графлик, шаҳар ва б.) атторнейнинг аппаратлари томонидан ўтказилади. Мазкур мансабдор шахслар мустақил равишда ҳаракат қиладилар ва бир-бирларига бўйсунмайдилар. Бундан ташқари, муайян ишлар бўйича қарор қабул қилишда федерал округ атторнейлари адлия департаменти (вазирлиги)га раҳбарлик қилувчи АҚШ бош атторнейидан ҳам тўла мустақилдирлар. Моҳиятан, барча даражадаги атторнейлар жиноий таъқибни кўзғатишда ва айбланувчини судга бериш масаласини ҳал қилишда ҳал қилувчи ўринга эгалар. Кўпчилик штатларда, шунингдек, махсус орган — катта жюри ҳам сақланиб қолган бўлиб, унинг таркибига 12-23 присяжнийлар киради ва улар ишни судга ўтказиш учун айбловда етарли далиллар мавжудлигини текширадилар (айрим ҳолларда катта жюри тергов органи сифатида ҳам иш кўриши мумкин)

Атторнейларнинг энг муҳим вазифаси — судда айбловни қўллашдир. Судга бериш босқичида айблов вакиллари аксарият ҳолларда айбланувчини айбига иқдор бўлиш тўғрисидаги битимни тузишга мажбур қиладилар. Бу шуни англатадики, айбланувчи ўзининг иши присяжнийлар суди иштирокисиз кўрилишига розилик беради, бунинг ўрнига унга унча оғир бўлмаган жиноятда айбланиш билан чекланишга (масалан, босқинчилик ўрнига ўғирликда), ёхуд ўлим жазоси ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни талаб

қилмасликка ваъда берилади. Атторнейлар суд присяжныйлари томонидан чиқарилган оқлов ҳукмларидан ташқари, жиноят ишлари бўйича чиқарилган бошқа ҳукмлар устидан юқори турувчи судга шикоят келтиришга ҳақлидирлар. Атторнейлар шунингдек, АҚШ тарафи сифатида, ёхуд бунда Америка давлати (федерал атторнейлар) ёки айрим штатлар, графликлар, шаҳарларнинг манфаатдорлиги бўлса, биринчи инстанция судларида ва фуқаролик ишлари бўйича апелляция шикоятларни кўриб чиқишда қатнашишга ҳақлидирлар. Федерал атторнейлар Сенат розилиги билан АҚШ президенти томонидан тайинланадилар. Кўпгина штатларда маҳаллий даражадаги атторнейлар аҳоли томонидан сайланадилар ва, қоидага кўра, у ёки бу сиёсий партиянинг қўллаб-қувватлаши натижасида ўз лавозимларини эгаллайдилар.

Америка судларидаги ишларни тақдим қилишнинг тортишувли жараёнида юристларнинг ўрни беқиёсдир. Тарафлар ўзларининг адвокатлари орқали судда ўз қарашлари ва важдарини баён қиладилар. Гарчи судда хусусий шахслар вакилсиз иштирок этишга ҳақли бўлсалар-да, бироқ адвокатлар ишни самаралироқ ҳал қилиш учун жуда зарурдирлар.

Жиноят ишлари бўйича айбланувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва фуқаролик жараёнида тарафларга вакиллик қилиш адвокатлар томонидан амалга оширилиб, АҚШда адвокатлар ҳуқуқ ваколатлари бўйича тоифаларга бўлинмайдилар, бироқ бу уларга у ёки бу масалалар бўйича ёки фаолият турлари бўйича ихтисослашишга ҳалал бермайди. АҚШ Олий судининг сўнгги ўн йилликларда чиқарган ва жиноят-процессуал характердаги конституциявий қоидаларга бағишланган қарорларига мувофиқ, айбланувчи ушланган вақтидан бошлаб ишда ўз ҳимоячисининг иштирок этишига ҳақлидир, агар айбланувчи адвокат ёллашга қурби етмаса, у тергов ва суд муҳокамасининг энг муҳим босқичларида, шунингдек, ҳукм устидан шикоят келтириш даврида бепул юридик ёрдам олишга ҳақлидир. Бироқ кўпгина штатларда бепул юридик ёрдамдан фақатгина озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси хавф солиб турган айбланувчилар фойдаланишлари мумкин, юридик ёрдамнинг ўзи эса

аксарият ҳолларда тажрибасиз ёки бундай турдаги ишлари бошидан ошиб ётган адвокатнинг сўроқ қилишда қатнашиши ва ишда иштирок этиши билан чекланади.

Сўнгги ўн йилликларда қашшоқларга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича оммавий агентликларнинг (public defenders agencies) аъзолари бўлмиш юристлар амалга ошираётган ҳимоя тури кенг тарқалмоқда. Бундай агентликлар кўпроқ маҳаллий бюджетлар ҳисобидан¹, ассоциациялар аъзоларининг бадаллари ва хайрия эҳсонлари ҳисобидан молиялаштирилади. Табиийки, бундай манбалар ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди ва, одатда, ёрдамга муҳтож бўлганларга керакли ёрдамни тўла таъминлашга имкон бермайди.

Бундай вазиятнинг сабаби оддий ва ҳамма мамлакатлардаги юристларга маълум — жиноят ишлари бўйича сифатли юридик ёрдам кўрсатиш учун тажрибали адвокатларни жалб қилиш учун катта гонорарларгина кифоя қилмайди, экспертларни таклиф қилиш, ҳимоя далилларини қидириб топиш (бу эса кўпроқ хусусий детективлар ёрдамида амалга оширилади, уларга ҳам тўлаш зарур) ва шу каби ҳаракатларни бажариш учун катта харажатлар қилиш керак бўлади. АҚШ ва англо-саксон жиноят-судлов тизимидаги бошқа мамлакатларда кўп куч ва воситаларни талаб қиладиган ҳимоя далилларини топиш ва тўплаш ҳимоя томонидагина юкланганлиги сабабли, бундай харажатларга зарурат ўта сезилмоқда.²

Адвокатлик амалиёти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиш учун аксарият штатларда судлар томонидан ташкил

¹ Федерал судлар томонидан кўриладиган жиноят ишлари бўйича аҳолининг кам таъминланган қатламини ҳимоя қилишни молиявий таъминлаш асосан федерал бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, уларни назорат қилиш АҚШ судлари маъмурий Офиси зиммасидадир. Мазкур Офиснинг 2000 йилдаги маълумотларига кўра, федерал судларда кўрилган жиноят ишларини муҳокама қилишда айбланувчиларнинг деярли 70% ига тўла ёки қисман бепул юридик ёрдам кўрсатилган.

² Гуценко К. Ф., Головки Л. В., Филимонов Б. А. Уголовный процесс западных государств. Изд. 2-е. доп. и испр. - М.: Зерцало-М, 2002, 203-204-бетлар.

қилинадиган имтиҳонлардан ўтиш талаб қилинади. Кўпгина штатларда (бирок ҳаммасида эмас) бундай имтиҳонни топширишга рухсат олиш учун олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом тақдим қилинади. Имтиҳон топширганидан сўнг адвокатлик амалиётига рухсат берилган шахс мазкур штатдаги барча судларда иштирок этиш ҳуқуқини олади. Бошқа штатлардаги судларда иштирок этиш учун адвокат ёки янгидан имтиҳон топшириши, ёки тегишли рухсатнома олиши керак бўлади. Сўнги қоида федерал судларга ҳам тегишлидир.

Америкалик адвокатлар адвокатлик маҳкамалари таркибида ёки мустақил равишда иш юритадилар. Корпорацияларда ишловчи адвокатлар, ҳамда давлат атторнейлари штат юристлари ассоциацияларига бирлашадилар (айрим штатларда тегишли амалиёт билан шуғулланиш учун бундай ассоциацияга аъзо бўлиш мажбурий шарт ҳисобланади). Бутун мамлакат миқёсида бундай бирлашмаларнинг фаолияти Америка юристлар ассоциацияси томонидан мувофиқлаштирилади ва йўналтирилади. Америка юристлар ассоциациясининг 400 000 га яқин аъзоси бўлиб, у ўта нуфузли сиёсий куч ҳисобланади. Мазкур ассоциация штатлар қонун ҳужжатларининг яқинлашув жараёнларида муҳим ўрин эгаллайди, федерал қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишни таклиф этади, касбий этика масалалари билан шуғулланади ва ҳоказо.¹

15.4. Франция

Ҳозирги вақтда Францияда амалда бўлган суд ва прокурорлик муассасалари тизимининг асоси Биринчи империя замонида, яъни XIX аср бошида қўйилган. 1958-1963 йиллардаги ислохотлар натижасида бу тизимда муҳим ўзгаришлар юз бериб, уларнинг асосий мазмуни яраштирувчи судлар институтини тугатиш ва суд инстанцияларининг умумий сонини уларни йириклаштириш ва судлов ваколатини ўзгартириш йўли билан қисқартиришдан иборат бўлди.

¹ Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (Справочник) - М.: Юрид.лит, 1993, 185-187-бетлар.

Президентлик ҳокимиятининг кўпайиши, суд-прокурорлик органларининг тўлалигича президентга бўйсунishi, махсус трибуналлар ва Давлат хавфсизлиги судининг таъсис этилиши, судлар ва трибуналларнинг сиёсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича ваколат доирасини кенгайтириш — замонавий Франциядаги суд ва прокуратура органларининг тузилиши ва фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари шулардан иборат. Барча судлар умумий ва махсус судларга бўлинади. Умумий судлар тизимида биринчи инстанция судларини, апелляция ва кассация суд инстанцияларини фарқлаш мумкин.

Умумий судлар тизимида бошчилик қилувчи Кассацион суд Франциядаги энг кўҳна давлат муассасаларидан ҳисобланади. Кассацион суд Парижда жойлашган бўлиб, 1967 йилдаги ислоҳотдан сўнг унинг таркибига олти палата — фуқаролик ишлари бўйича бешта ва жиноят ишлари бўйича битта палата кирази. Ўз навбатида "фуқаролик" палаталари фуқаролик ишлари бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи палаталарга, савдо ва молия палатасига ҳамда ижтимоий масалалар бўйича палаталарга (бу палата ижтимоий суғурта, меҳнат шартномалари каби масалалар бўйича ишларни кўриб чиқади) бўлинади.

Кассацион суд қарорлари палаталарнинг бири томонидан, ёхуд уч палата вакилларидан ташкил топган аралаш палата томонидан, ва ниҳоят, суднинг биринчи раиси, палаталар раислари ва оқсоқоллари (дуайенлар) ва ҳар бир палатадан иккитадан вакилдан таркиб топган пленум томонидан чиқарилади. Ишларнинг аксарияти палаталарнинг бирортаси томонидангина кўриб чиқилади. Кассацион суд ваколатига қўйи турувчи судларнинг қарорларига келтирилган кассацион шикоятларни кўриб чиқиш кириб, мазкур қарорлар бўйича олатдаги апелляцияон тартибда шикоят келтириш учун асослар бўлиши ҳам мумкин. Бунда суд факт бўйича эмас, балки фақат ҳуқуқ масалалари — қонуннинг нотўғри қўлланилиши ва процессуал меъёрларнинг бузилиши бўйича шикоятларни кўриб чиқади. Жиноят ишлари бўйича Кассацион суд судланган шахснинг манфаатларини кўзлаб, қонуний кучга кирган ҳукмларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқишга ҳақли, бунда оқлов ҳукмлари устидан шикоят

келтириш ҳуқуқига фақат судланган шахс эга бўлади. Кассацион суд қуйи суднинг қарори ёки ҳукмини бекор қилгач, одатда ишни ўз тавсиялари билан ўша даражадаги бошқа судга янгидан кўриб чиқиш учун юборади.

Бироқ ишдаги барча фактик ҳолатлар шубҳа уйғотмаса, Кассацион суд ўзининг охириги қарорини чиқаришга ҳақлидир. Кассацион суд фақат конкрет ишлар юзасидан қарор чиқаради, бироқ, бу қарорлар судлар томонидан шунга ўхшаш ишлар муҳокамаси чоғида ёки у ёки бу ҳуқуқий институтларни талқин қилишда йўлланма сифатида хизмат қилганлиги сабабли, суд амалиётига жиддий таъсир кўрсатади ва бутун мамлакат миқёсида қонунни бир хилда қўлланилишини таъминлайди. Шу маънода, жиноятлар бўйича сиёсатнинг кўпгина жиддий масалаларини одатда мустақил ҳал қилувчи жиноят ишлари бўйича палата қарорлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Франция апелляция судларининг ҳозирги вақтдаги сони қуйидагича: қитъада 30 та апелляция суди, уларнинг юрисдикцияси бир неча (иккитадан тўрттагача) департаментни қамраб олади. Ҳамда Франциянинг денгизорти ҳудудларида фаолият юритувчи бешта апелляция суди. Апелляция судларида, одатда, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича бир нечта палаталар бўлади, айримларида эса, шунингдек, *савдо ишлари* бўйича ва *ижтимоий масалалар* бўйича палаталар ҳам мавжуд.

Жиноят ишлари бўйича палаталар палата раиси ва суднинг икки аъзоси таркибида жиноий деликтлар ва қилмишлар тўғрисидаги ишлар бўйича қуйи судларнинг қарорларига келтирилган апелляция шикоятларини кўриб чиқадилар! (оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича присяжнийлар суди ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят келтирилиши мумкин эмас). Жиноят иши бўйича апелляция шикоятини кўриб чиққач, палата апелляция суди номидан ёки ҳукми ўз кучида қолдиради, ёки уни бекор қилиб, одатда, ўзи иш бўйича янги қарор (моҳиятан, ҳукм) чиқаради. Фақат зарур ҳоллардагина, палата ишни мазмунан кўриб чиқиш учун қуйи турувчи судга юбориши мумкин. Ҳар бир апелляция суди таркибида бир ёки ундан ортиқ айблов камералари мавжуд бўлиб, улар камера раиси ва икки суд аъзосидан ташкил

топади. Айблов камераси дастлабки тергов устидан, хусусан, айбланувчини дастлабки қамоққа олиш устидан назорат органи сифатида, шунингдек, судга бериш органи сифатида иш юритади. Фуқаролик ишлари бўйича палаталар умумий юрисдикциядаги қўйи турувчи фуқаролик судлари ҳамда бошқа суд органлари томонидан чиқарилган қарорларга келтирилган апелляция шикоятларини кўриб чиқадилар.

Биринчи инстанция судлари фуқаролик ишларини муҳокама қилиш бўйича катта процесс трибуналлари ва кичик процесс трибуналларига, жиноят ишларини муҳокама қилиш бўйича эса присяжнийлар судига, ахлоқ тузатиш трибуналлари ва полициявий трибуналларга бўлинади. Француз судларидаги "трибунал" ибораси уларнинг фавқулоддалик хусусиятини ифодаламайди, балки аксинча, уларнинг судларга нисбатан ваколат доираси чекланганлигини билдиради. Франциядаги 36 департаментнинг ҳар бирида камида биттадан *катта процесс трибунали* (уларнинг сони — 181та) бор.

Катта процесс трибуналларида ишлар, одатда, камида учта судьядан иборат ҳайъатларда кўрилиб, айрим тоифадаги ишлар бўйичагина, томонлар розилиги бўлса, судьянинг якка тартибда кўришига йўл қўйилади. Катта процесс трибунали ваколатига даъво суммаси 30 000 франкдан кўп бўлган мулкӣ характердаги фуқаролик ишларини, шунингдек, аниқ белгиланган тоифадаги ишларнинг катта қисмини (буларга кўчмас мулк тўғрисидаги, никоҳ ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги, фарзандликка олиш тўғрисидаги, фуқаролик тўғрисидаги ва ҳоказолар киради) муҳокама қилиш киради. Агар катта процесс трибунали округида савдо трибунали бўлмаса, унинг вазифаларини ҳам катта процесс трибунали бажаради.

¶ *Кичик процесс трибуналлари* (1983 йилдаги ислохотдан сўнг уларнинг сони 470 тага етган) 1958 йилда ҳар бир кантон аҳолиси томонидан сайланган ва 1790 йилдан мавжуд бўлган яраштирувчи судлар ўрнига таъсис этилди. Бу трибуналлар барча департаментлар ва округларнинг бош шаҳарларида, шунингдек, айрим йирик кантонларда жойлашган. Ҳар бир кичик процесс трибуналида ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилади. Мазкур трибунал ваколатига белгиланган

тоифадаги ишларни, жумладан 30 000 франккача миқдордаги мулкӣй характердаги даъволар бўйича ишларни муҳокама қилиш киради (даъво миқдори 13 000 франккача бўлган ишлар бўйича қарорлар устидан апелляция тартибида шикоят келтирилиши мумкин эмас).

Мутлақ ваколатига оғир жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишларини кўрувчи присяжний судлари Парижда ва ҳар бир департаментда йиғилиш ўтказадилар ва тегишли номларга эгадирлар. Ҳар бир суд таркибига раис (апелляцион суд аъзоси) бошчилигидаги учта профессионал судья ҳамда тўққизта присяжний маслаҳатчилар кириб, присяжний маслаҳатчилар ўз вазифаларини бажариш учун махсус комиссиялар танловидан сўнг қуръа ташлаш йўли билан сайловчиларнинг департамент рўйхатлари бўйича чақириладилар. Суд сессиялари ҳар чоракда, зарур ҳолларда эса бундан ҳам тез-тез ўтказилиб туради.

Присяжнийлар маслаҳатхонада профессионал судьялар билан биргаликда ҳукм учун муҳим бўлган барча, шу жумладан жазо тайинлаш тўғрисидаги масалалар юзасидан қарор қабул қиладилар. Присяжнийлар суди қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади, бироқ айбланувчининг аҳволини оғирлаштирувчи қарор, шу жумладан айбни енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигини рад этиш тўғрисидаги қарор овоз беришда қатнашувчиларнинг 12 тасидан камида 8 тасининг овози бўлганда қабул қилинади. Бошқа биринчи инстанция судларининг қарорларидан фарқли присяжнийлар суди қарори чиқарилганидан сўнг биринчи ва сўнгги инстанцияда қабул қилинди деб ҳисобланади ва унинг устидан апелляцион тартибда шикоят келтирилиши мумкин эмас, оқлов ҳукми устидан айблов томонидан кассация тартибида шикоят келтирилишига ҳам ўрин йўқ.

Ахлоқ тузатиш трибуналлари биринчи инстанцияда *жиноий деликтлар* тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар (Франция ЖКнинг 1-моддасида жиноий деликтлар учун жазолар ахлоқ тузатиш жазолари деб номланганлиги боис, "ахлоқ тузатиш" ибораси келиб чиққан). Ахлоқ тузатиш трибунали сифатида навбати билан фуқаролик ишларини ҳам, жиноят ишларини ҳам кўрувчи катта процесс трибунали ҳам иш юритиши мумкин. Иш ҳажми катта бўлган катта

процесс трибуналларида судьялар сони кўп бўлиб, жиноят ишларини кўришга ихтисослашувчи бир ёки бир неча палата ташкил этилади, яъни бундай палата ахлоқ тузатиш трибунали сифатида доимий иш юритади. Ахлоқ тузатиш трибуналларида ишлар уч судьядан иборат ҳайъат таркибида кўриб чиқилади. 1975 йилда айрим катта процесс трибуналларида иқтисодий ва молиявий характердаги жиноий деликтлар тўғрисидаги ўта мураккаб ишларни муҳокама қилишга ихтисослашган судьялар ҳайъатлари тузилган эди.

Полициявий трибуналлар биринчи инстанцияда кам аҳамиятли жиноий қилмишлар — жазоси 10 000 франк миқдордаги жарима ёки, камдан-кам ҳолларда, бир кундан икки ойгача муддатга қамоққа олиш бўлиши мумкин бўлган қилмишлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ("полициявий" ибораси шу билан боғлиқки, Франция ЖКнинг 1-моддасида қилмишлар учун жазолар полициявий жазолар деб аталади). Уларда ишлар навбати билан фуқаролик ишларини ҳам, жиноят ишларини ҳам кўрувчи кичик процесс трибунали судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади (айрим ҳолларда полициявий трибунал сифатидагина иш юритувчи, яъни фақат жиноят ишларини кўришга ихтисослашган кичик процесс трибуналлари ташкил этилади).

Умумий судлар тизимига ихтисослашган бўлинмалар сифатида вояга етмаганлар ишлари бўйича адлия муассасалари киради. Вояга етмаганлар ишлари бўйича присяжныйлар суди 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларни оғир жиноятларни содир қилишда айблаш юзасидан ишларни кўриб чиқади. У уч профессионал судьядан ва тўққиз присяжныйдан иборат. 13-18 ёшдаги вояга етмаганларнинг жиноий деликтлари ва энг жиддий қилмишлари, шунингдек, 13-15 ёшдаги ўсмирларнинг оғир жиноятлари тўғрисидаги ишлар катта процесс трибуналлари округларида ташкил этилувчи вояга етмаганларнинг ишлари бўйича трибуналлар томонидан кўриб чиқилади. Мазкур трибуналлар вояга етмаганларнинг ишлари бўйича судья ва ёшлар тарбияси муаммоларига қизиқиш кўрсатган шахслар орасидан адлия вазири томонидан тайинланувчи *икки маслаҳатчидан* (ассессордан) ташкил топади. Судья вояга

етмаганларнинг жиноий деликтлари ва қилмишлари тўғрисидаги ишларни якка тартибда ҳам кўриши мумкин, бироқ бу ҳолда у уларга нисбатан фақат тарбиявий ва назорат хусусиятидаги чораларни қўллашга ҳақли бўлади. Судья ва вояга етмаганларнинг ишлари бўйича трибунал чиқарган қарорлар устидан *махсус апелляцияон суд палатасига* шикоят келтирилиши мумкин.

Француз жиноят адлия тизимининг ўзига хос қирраларидан бири жазони ижро қилиш бўйича судьянинг мавжудлиги бўлиб, 1958 йилдаги ЖПК ва кейинги чиққан қонунлар берган ваколатларга мувофиқ, у маҳкумнинг жазони, шу жумладан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жараёнига фаол аралашшига ҳақлидир. У синов билан жазоси кечиктирилган маҳкумлар устидан назоратни ташкил қилади, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни сақлаш режимини ўзгартириш тўғрисидаги, уларга таътилар бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилади, уларни муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида илтимоснома киритади ва ҳоказо. Жазони ижро қилиш бўйича судьялик вазифаси уч йил муддатга катта процесс трибунали судьяларидан бири зиммасига юклатилади.

Умумий судлар тизимига, аввало, кичик процесс трибунали даражасида, муайян тоифалаги ишларни муҳокама қилишга ихтисослашган бир қатор суд муассасалари туташади. Улар қаторига *савдо трибуналлари, прюдомлар кенгашлари, ижтимоий суғурта бўйича комиссиялар, ер ижараси бўйича паритет трибуналлари, денгиз савдоси бўйича трибуналлар* ва шу кабилар киради. Улардан савдо трибуналлари ва прюдомлар кенгашлари кўпроқ аҳамиятга эгадир.

Парламентнинг иккала палатаси томонидан уларнинг аъзоларидан тенг миқдорда (12 тадан судья ва уларнинг 6 тадан ўринбосари) сайланадиган Одил судлов юқори суди умумий судлар тизимидан ташқарида бўлиб, алоҳида ўринни эгаллайди. 1958 йилги Конституцияга мувофиқ, Одил судлов юқори суди хизмат вазифасини бажариш чоғида мамлакат президентини давлатга хиёнатда айблаш юзасидан, шунингдек, вазирларни оғир жиноятлар ва жиноий деликтларни содир қилишда айблаш юзасидан жиноят ишларини кўриш учун тузилади. Бундай ишларни тергов

қилиш ва айбланувчиларни Одил судлов юқори судига бериш фақат парламентнинг ҳар иккала палатаси қарорига кўра амалга оширилади.

Бундан ташқари, 1993 йил 27 июлдаги Конституциявий Қонун билан тузилган Республика одил судлов Палатаси ҳам мавжуд бўлиб, мазкур Палата ҳам, Одил судлов юқори суди каби, сиёсий жиной суд тоифасига киради. Республика одил судлов Палатаси ҳукумат аъзоларининг *мансаб жиноятлари* ёки *қилмишлари* учун жиной жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун таъсис этилган. Муқаддам ҳукумат аъзоларининг жавобгарлиги Республика Президентининг жавобгарлигига ўхшаш бўлиб, фуқаролар вазирларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят келтиришга ҳақлари йўқ эди.

Кассацион суд раҳбарлигидаги умумий судлар тизимидан мустақил равишда маъмурий адлия органлари тизими фаолият юритади. Уларда давлат бошқаруви органларининг хусусий шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахл қилган хатти-ҳаракатлари ва актлари устидан келтирилган шикоятлар кўриб чиқилади. Маъмурий адлия тизимига Давлат кенгаши раҳбарлик қилиб, у бир вақтнинг ўзида давлат бошқарув органи — ҳукумат қошидаги маслаҳат муассасаси ҳисобланади. Давлат бошқаруви органларининг хатти-ҳаракатлари ва актлари устидан келтирилган шикоятларнинг асосий қисмини биринчи инстинцияда кўриб чиқиш маъмурий трибуналлар (уларнинг сони 25 та) зиммасида бўлиб, уларнинг округлари бир неча департамент ҳудудини қамраб олади. Умумий судлар тизимидаги судьялар ўз вазифаларига Республика Президенти декрети билан; Кассацион суднинг мансабдор шахслари ва апелляцион судларнинг биринчи раислари магистратура Юқори кенгаши тавсияси асосида, қолган судьялар — магистратура Юқори кенгашининг ижобий хулосаси билан адлия вазирининг тақдимномаси бўйича тайинландилар. Маъмурий трибуналлар судьялари Ички ишлар вазирининг адлия вазири билан келишилган тақдимномаси бўйича ҳукумат декретлари билан тайинландилар. Одатда, умумий ваколатдаги судьялар Миллий магистратура мактабини тугатгач ва конкурс танловидан ўтгач тайинландилар, (бу мактабга кириш учун

олий юридик маълумотга эга бўлиш лозим). Маъмурий суд судьялари Миллий маъмурий мактаб битирувчилари орасидан тайинланади.

Кассацион суд таркибига тайинланиш учун юқори талаблар қўйилган бўлиб, буларга юқори мансаблардаги судьялик лавозимида иш тажрибасига эга бўлиш, университет профессори сифатида ишлаш кабилар киради. Конституция (64-м.) умумий ваколат судьяларининг алмаштирилмаслиги принципини эълон қилган. Судья ўз вазифасидан фақат жиддий қилмиш содир этганида ёки оғир касалликка йўлиққанида Олий магистратура кенгаши томонидан четлатилиши мумкин. Судья розилигисиз уни бошқа ишга, ҳатто юқорироқ мансабга ҳам ўтказилиши мумкин эмас. Судьялар 65 ёшларида, 1988 йилда ўрнатилган қоидаларга кўра, Кассацион суд судьялари ва унинг биринчи раиси тегишли равишда 66 ва 68 ёшларида истеъфога чиқадилар.

Жиноятларнинг асосий қисмини тергов қилиш суд полицияси томонидан амалга оширилиб, мазкур полиция офицерлари мустақил равишда дастлабки суриштирув ўтказишга, бошқа мансабдор шахсларнинг агентлари эса — айрим процессуал ҳаракатларни ўтказишга ҳақлидирлар. Айниқса, шундай деб номланувчи ошкор жиноятларни улар бевосита содир этилиши биланоқ тергов қилишда суд полицияси офицерларининг ваколатлари улқандир. Полиция суриштирувидан сўнг ўтказиладиган дастлабки тергов тергов судьяси томонидан ўтказилади. Оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ўтказилиши мажбурий, жиной деликтлар тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ўтказилиши мумкин ва фақат истисно ҳолатларда қилмишлар тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ўтказилади. Тергов судьялари ўз вазифаларига катта процесс трибунали судьялари орасидан уч йил муддатга тайинланадилар. Ўз вазифаларини бажариш давомида улар катта процесс трибунали таркибида қоладилар ва ҳатто ўзлари тергов қилган ишлардан ташқари, бошқа ишларнинг муҳокама қилинишида иштирок этаоладилар.

Судда жиной тазқиб, қоидага кўра, прокуратура томонидан амалга оширилиб, у ишни судга оширишни ўз хоҳишига кўра рад этиш бўйича кенг ҳуқуқларга эга.

Полициявий трибуналларда 10 кунгача қамоқ жазоси тайинланиши мумкин бўлган қилмишлар бўйича айбловни полиция комиссарлари қўллаб-қувватлайдилар.

Францияда прокуратура адлия вазири раҳбарлигидаги марказлашган органлар тизимидан иборат бўлиб, ҳар бир апелляцияон судда ўзининг ёрдамчиларига эга бўлган бош прокурор фаолият юритади ва унинг бош ёрдамчиси *бош адвокат* деб аталади. Бош прокурор бевосита адлия вазирига бўйсунди ва ўз навбатида, апелляцияон суд ҳудудидаги прокуратуранинг барча мансабдор шахсларига раҳбарлик қилади.

Бош прокурор шахсан ёки ўринбосарлари орқали апелляцияон судда ва апелляцияон суд жойлашган жойда тузилган присяжнийлар судида айбловни қўллаб-қувватлайди. *Республика прокурорлари* (Францияда қуйи инстанция прокурорлари шундай деб номланиб, уларнинг ваколат доиралари кенгдир) ахлоқ тузатиш трибуналлари қошида фаолият юритиб, мазкур трибунал ҳудудида барча жиноят ишлари бўйича жиноий таъқибни амалга оширадидлар. Улар шахсан ёки ўринбосарлари орқали присяжнийлар судида, ахлоқ тузатиш трибуналларида, шунингдек, зарур ҳолларда, полициявий трибуналларда айбловни қўллаб-қувватлайдилар. Прокуратура вакиллари шунингдек, "жамият манфаатлари" талаб қилган ҳолларда, барча инстанция судларидаги фуқаролик ишларида ҳам расман қатнашадилар.

Кассацион суд бош прокурори ўз аппарати билан прокуратура органлари тизимида алоҳида ўринни эгаллайди, чунки унинг функциялари шу судда иштирок этиш билан чекланган. Жиноят процессида айбланувчини ҳимоя қилиш ҳамда фуқаролик ва маъмурий процессларда томонларга вакиллик қилиш адвокатлар зиммасига юклатилган. Ҳар бир катта процесс трибунали қошида адвокатлар ҳайъатлари бўлиб, улар кенгаш ва оқсоқол томонидан бошқарилади. Ҳайъатга аъзо бўлиш ва шу орқали француз судларида иштирок этиш учун олий юридик маълумотга эга бўлиш, касбий тайёргарлик марказларидан бирига ўқишга кириш учун имтиҳон топшириш, у ерда бир йиллик ўқув курсини ўташ ва касбий лаёқат тўғрисида сертификат олиш талаб этилади. Адвокатлар индивидуал амалиёт билан шуғулланиш-

лари ёки қўшма адвокатлик идоралари тузишлари мумкин. Кассацион суд ва Давлат кенгашида иштирок этишга Кассацион суд қошидаги (олтмишта аъзоси бор) ҳайъат таркибига қабул қилинган адвокатларгина ҳақлидирлар.¹

15.5. Япония

Ҳозирги замон Япония суд тизими 1947-1948 йиллардаги постконституцион ислохотлар натижасида яратилди. Бу тизим Олий судни, юқори судларни, ҳудудий, оилавий ва бошланғич судларни уз ичига олади. Япон суд тизимига раҳбарлик Олий суд томонидан амалга оширилиб, у олий суд инстанцияси сифатида, олий конституциявий назорат органи сифатида ва қуйи турувчи барча судлар устидан раҳбарлик қилувчи орган сифатида кенг ваколатларга эгадир. Олий суд нафақат судларнинг, балки адвокатларнинг иш қоидаларини белгилайди, бу қоидаларга прокурорлар ҳам риоя этишлари лозим. Олий суд Токиода жойлашган бўлиб, раис ва 14 та суд аъзосидан иборат.

Олий суд сўнгги инстанция сифатида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича қуйи судларнинг қарорлари ва ҳукмларига келтирилган шикоятларни, одатда, беш судьядан иборат ҳайъат таркибда кўриб чиқади. Олий суд ўз иш юритувига ишнинг фактик ҳолатларини баҳолаш юзасидан эмас, балки фақат ҳуқуқ масалалари бўйича шикоятларни олади (шикоят келтирилаётган қарорнинг хусусияти, уни чиқарган суд инстанциясининг даражаси ва ҳоказоларга кўра суд қарорлари устидан шикоят келтиришнинг бир неча тури мавжуд). Олий суд албатта тўла таркибда қонун ҳужжатлари ёки маъмурий актларнинг Конституцияга зидлиги юзасидан шикоятларни, шунингдек, Конституцияни шарҳлаш ёки унга ўзгартиришлар киритиш ёхуд Олий суднинг ўзининг аввалги қарорларига ўзгартириш киритиш масаласи юзага келган ишларни кўриб чиқади.

Юқори судлар (улар 8 та бўлиб, мамлакатнинг турли қисмларидаги йирик шаҳарларда жойлашган) асосан,

¹ Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник) - М.: Юр. лит. 1993, 212-219-бетлар.

апелляцион инстанция сифатида иш юритиб, уч судьядан иборат ҳайъатда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича қуйи турувчи судларнинг қарорлари ва ҳукмларига, жумладан иккинчи инстанцияда чиқарилган қарорларга келтирилган шикоятларни кўриб чиқади. Бундан ташқари, беш судьядан иборат ҳайъатларда давлатга қарши жиноятлар кўриб чиқилади. Олий суд қарорига мувофиқ, зарур ҳолларда ҳар бир юқори суднинг битта-иккита бўлинмаси (филиали) кўшимча равишда таъсис этилиши мумкин.

Япония суд тизимининг энг муҳим бўғини — ҳудудий судлар бўлиб, улар 47 префектуранинг ҳар бирининг марказида жойлашган (уларнинг аксарияти бошқа шаҳарларда ўз бўлинмаларига эга). Уларда биринчи инстанцияда юқори ва бошланғич судлар судловига кирадиган ишлардан ташқари, фуқаролик ва жиноят ишларининг асосий қисми кўрилади (айрим ҳудудий суд бўлинмаларининг ваколатлари тоифасига кўра бироз чекланган). Бу судлар шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича бошланғич судлар чиқарган қарорларга келтирилган шикоятларни кўриб чиқади.

Бошланғич судлар — энг қуйи инстанция бўлиб, даъво миқдори кам бўлган (бу миқдор вақт-вақти билан Олий суд томонидан қайта кўриб чиқиб турилади) фуқаролик ишларини ҳамда жарима кўринишидаги жазо тайинланиши мумкин бўлган жиноят ишларини, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиладиган айрим тоифадаги жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади (бу судлар кўпи билан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга ҳақлидирлар). Бошланғич судларда ишлар *якка судья* томонидан кўриб чиқилади. Япон судларининг бирортасида ҳам присяжнийлар мавжуд эмас. 1923 йилда присяжнийлар суди таъсис этилди, бироқ присяжнийлар суди томонидан чиқарилган ҳукм устидан шикоят келтириш мумкин бўлмаганлиги сабабли иши присяжнийлар иштирокида кўрилишига ҳаққи бўлган шахсларнинг 99%и улардан фойдаланишдан бош тортганлар. 1946 йилдаги Конституцияда ва ундан кейинги қонун ҳужжатларида присяжнийлар суди тўғрисида сўз юритилмаган.

Конституциявий назорат, яъни қонун ҳужжатлари ёки маъмурий актларнинг Конституцияга мувофиқлигини

текшириш фақат Олий суд томонидан эмас, балки қуйи турувчи судлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин, уларнинг айримлари сўнги ўн йилликлар ичида ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга дахлдор муҳим ҳукумат қарорларини Конституцияга зид деб топиш тўғрисидаги ўта илғор нуқтаи назардаги қарорларни бир неча бор қабул қилганлар. 1947 йилдан Японияда маъмурий адлия тизими мавжуд эмас, шу сабабли маъмурий органларнинг хатти-ҳаракатлари устидан келтирилган шикоятлар биринчи инстанцияда ҳудудий судларда фуқаролик ишларининг бир тури сифатида кўриб чиқилади.

Японияда прокуратура ўз аҳамиятига кўра муҳим ҳисобланган адлия вазирлиги тизими таркибига киради (вазирлик юритувида бундан ташқари, иммиграцион хизматлар ва "қўпоровчи ташкилотлар" устидан назорат, қамоқхона муассасалари бор). Прокуратура бош прокурорга бўйсунувчи марказлашган ташкилот бўлса-да, унинг тузилиши аввало, суд тизимига мувофиқлаштирилган: Олий суд қошида, юқори, ҳудудий, оилавий ва бошқа судлар қошида (бош) прокуратура хизматлари мавжуд. Прокурорлар энг муҳим жиноят ишлари бўйича чекланган миқдорда тергов олиб борадилар, қолган барча ишлар юзасидан полиция ўтказадиган суриштирув ва тергов устидан, ҳамда жиноий жазоларни ижро қилиш устидан назорат олиб борадилар.

Улар зарур ҳолларда жиноий таъқибни қўзғайдилар, айблов ҳулосасини тузадилар, уни судга берадилар ва судда айбловни қўллаб-қувватлайдилар, шунингдек, судда фуқаролик ишларини муҳокама қилишда "жамоат манфаатларини" ҳимоя қиладилар. Судлов ишларини юритишнинг амалдаги қоидаларига мувофиқ, прокурор айбланувчи ва унинг ҳимоячисига ўзида бўлган барча далилларни тақдим қилишга мажбур бўлмаганидек, айбланувчининг фойдасига амал қилувчи далилларни, шу жумладан унинг *алибисини* тасдиқловчи далилларни яшириши мумкин. Прокурор шунингдек, суд муҳокамасигача судьяни ҳам иш материаллари билан таништиришга мажбур эмас, у судьяга бошқа ҳеч қандай ҳужжатларсиз айблов ҳулосасининг ўзинигина беради.

Конституцияга мувофиқ, жиноят ишлари бўйича айбланувчини ҳимоя қилиш адвокат томонидан амалга

оширилиб, адвокат айбланувчининг таклифи билан, ёки адвокатнинг хизматига ҳақ тўлашга имкони бўлмаган ҳолларда давлат томонидан тайинланади. Японияда барча судьялар ўз лавозимларига 10 йил муддатга тайинланадилар. Тайинланишлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан, аксарият судларда Олий суд тузган номзодлар рўйхати асосида амалга оширилади (Олий суд раиси император томонидан тайинланади). 10 йил ўтгач, судья ўз лавозимига қайта тайинланиши мумкин, бу жараён қонунда белгиланган истеъфо ёшига (65 ёки 70 ёш) етгунча давом этади. Конституцияда судья нуфузини оширишга қаратилган қатор чоралар кўзда тутилган.

Хусусан, Олий суд аъзолигига тайинланишдан олдин Вакиллар палатасига ўтказиладиган навбатдаги сайловлар давомида "халқ кўриги"дан ўтиш лозим. Агар сайловчиларнинг аксарияти бирор-бир судьяни ишдан четлатишни талаб қилса, у ҳолда ўша судья ўз лавозимидан маҳрум бўлади. Бундай процедура ҳар ўн йилда қайтарилади. Мазкур қоидалар ташқи томондан жуда самарали кўринса-да, кўпчилик япон давлатшунослари бунга жиддий шубҳа билан қарайдилар, чунки сайловчиларнинг кўпчилиги Олий суд аъзоларини яхши билмайдилар ва овоз беришга жиддий аҳамият бермайдилар. Барча судлар судьялари ўз вазифаларидан ошкора муҳокама қилиш натижасида импичмент жараёнига мувофиқ четлатилишлари мумкин (импичмент жараёни судьяни айблаш парламентнинг махсус органлари томонидан муҳокама қилинишини билдиради).

Судьялик лавозимини эгаллаш учун, шунингдек, прокурор ёки адвокат бўлиш учун қатъий танлов қоидалари белгиланган. Кўрсатилган уч йўналишнинг бирида ўзини амалий фаолиятга бағишлашни хоҳлаган япон университетлари юридик факультетларининг битирувчилари адлия вазирлиги махсус комиссияси томонидан ҳар йили ўтказиладиган имтиҳонлардан ўтишлари лозим. Бу комиссия қўядиган талаблар шунчалик юқорики, имтиҳон топширувчиларнинг 2-3%гина бу талабларга жавоб бера олади. Японияда профессионал юристлар корпорацияси ўз ҳамкасблари сонини атайлаб чеклайди: 120млн. аҳолиси бўлган мамлакатда 2000 судья, 2100 прокурор, 12000га яқин

адвокат бўлиб, бу бошқа капиталистик мамлакатлардагидан анча камдир. Японияда янги кадрларнинг асосий манбаи бўлмиш адлия ходимларини тайёрлаш курслари галвиридан йилига кўпи билан 500 киши ўтади¹.

Қонун манбалари

1. Конституции мира: Сборник конституций государств мира. Т. 1-6 /Отв. ред. А.Х. Саидов, У. Таджиханов. -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998.

2. Конституции зарубежных государств. / Сост. В.В. Мамлаков. -М.: БЕК, 1996.

3. Уголовный кодекс ФРГ. -М.: Юрид. колледж МГУ, 1996.

Махсус адабиётлар

1. Абдумаджидов Г.А., Саркисянц Г.П. Правосудие и уголовный процесс Франции., -Т., 1992.

2. Апарова Т.В. Суды и судебный процесс Великобритании. Англия, Уэльс, Шотландия. М.: 1996.

3. Апарова Т.В. Статус судей в Великобритании. //Журнал Российского права. 1999. №7-8.

4. Боботов С.В. Буржуазная юстиция. Состояние и перспективы развития. М.: Наука, 1989.

5. Боботов С.В. Правосудие во Франции. М.: 1994.

6. Боботов С.В. Введение в правовую систему США. М.: Норма. 1997.

7. Безнасюк А.С., Рустамов Х.У. Судебная власть: Учебник для вузов. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2002.

8. Головки Л.В. Реформа уголовного процесса во Франции // Государство и право, 2001, №8.

9. Гушенко К.Ф., Уголовная юстиция США. -М.: Юрид. лит., 1979.

10. Даниэл Джон Мидор. Американские суды. Изд-во: Уэст Паблшинг Компани. Сент-Пол. Миннесота. 1991.


11. Жидков О.А. Верховный суд США: право и политика. -М.: Наука, 1985.

¹ Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник)-М.: Юр. лит. 1993, 249-251-бетлар.


12. Карлен Д. Американские суды: система и персонал. - М.: Прогресс, 1972.
13. Ковалев В., Чаадаев С. Органы расследования и судебная система Великобритании. М.: 1985.
14. Марченко М. Сравнительное правоведение. Общая часть. М. 2001.
15. Николайчик В.М. Уголовный процесс США. - М.: Наука, 1981.
16. Поленский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд Англии. - М.: Юрид. лит., 1969.
17. Правовые системы стран мира. Энциклопедический справочник /отв. ред. -д. ю. н. проф. А. Сухарев. 2-е изд., изм. и доп. -М.: НОРМА. 2001.
18. Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник) -М.: Юр. лит. 1993,183-185-бетлар.
19. Романов А. Правовая система Англии. -М., 2000.
20. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. -Т.: "Адолат", 1999.
21. Судебные системы западных государств. /Отв. ред. Тумаков В. А. -М., 1991.
22. Суд и правосудие в СССР. Учебник/Под ред. Галкина Б.А. -М.: Юрид. лит., 1981.
23. Уильям Бернэм. Суд присяжных заседателей. -М.: Московский независимый институт международного права. 1997.
24. Филиппов С.В. Судебная система США. -М.: Наука,1980.
25. Филимонов Б.А. Основы уголовного процесса Германии. -М.: 1994.
26. Цунео Инако. Современное право Японии. -М., 1981.

ИЛОВА**ШТАТЛАР СУД ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИНING
СХЕМАЛИ НАМУНАЛАРИ:****КАЛИФОРНИЯ
ИЛЛИНОЙС
АЙОВА
ВИРДЖИНИЯ****АҚШ СУД ТИЗИМИ**

Федерал суд тизими



Штатлар суд тизими



Калифорния штати суд тизимининг тузилиши.

Олий суд.

7 судья тўлиқ таркибда мажлис ўтказилади.

— Фуқаролик ва жиноят ишлари, маъмурий идораларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлар, вояга етмаганлар, юристларга нисбатан интизомий ҳукм, ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш, дастлабки қарор бўйича Мажбурий юрисдикция.

Фуқаролик, жиноят ишлари бўйича, ўлим жазоси қўлланилмайдиган, маъмурий идоралар билан боғлиқ бўлган ишлар, вояга етмаганлар, федерал судлар тамонидан юборилган масалалар, биринчи инстанция бўйича ишларни кўриб чиқиш, оралик қарор бўйича Дискрецион юрисдикция.

Апелляция судлари (5 судлар/округлар).

34 нафар ваколатланган судьялар коллегиялари бўйича мажлис ўтказилади, қўшимча 9 судьядан иборат.

— Фуқаролик, жиноят ишлари, ўлим жазоси қўлланилмайдиган, маъмурий идораларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлар, вояга етмаганлар, биринчи инстанция бўйича ишларни, кўриб чиқиш, дастлабки ҳукм бўйича мажбурий юрисдикция.

— Фуқаролик ишлари бўйича факультатив юрисдикция, оралик қарор.

Округ суди (22 округдан иборат).

389та ваколатланган округлар, 371та ассоцияланган округ судьялари ва 50та бириктирилган ассоцияланган судьялардан иборат. Кўпчилик ҳолларда суд маслаҳатчилари мавжуд.

— Фуқаролик ишлари бўйича (маъмурий идораларга шикоят билан бирга) мутлақ юрисдикция, майда шикоят бўйича юрисдикция (2500 долларгача)

— жиноят ишлари бўйича мутлақ юрисдикция

— йўл ҳаракат қоидаларини бузиш бўйича мутлақ юрисдикция.

— Вояга етмаганлар ишлари бўйича мутлақ юрисдикция.

Иллинойс штати суд тизимининг тузилиши

**Охирги
инстанция
суди**

Олий суд.
9 судья коллегия ва тўлик таркибда мажлис ўтказадилар.
— Фуқаролик, жиноят ишлари, маъмурий идораларнинг фаолияти билан боғлиқ ишлар, вояга етмаганлар, юристларга нисбатан интизомий қарорлар, федерал судлар томонидан берилган масалаларни кўриб чиқиш, ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш бўйича, маъмурий идораларнинг ишлари, вояга етмаганлар, ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш, оралиқ ҳукм чиқариш бўйича Дискрецион юрисдикция.

**Апелляция суди
ўрта бўғин
инстанцияси**

Апелляция суди.
6 судья коллегия ва тўлик таркибда мажлис ўтказадилар.
— Фуқаролик, жиноят ишлари, маъмурий идора ишлари, вояга етмаганлар, Олий суднинг топшириғи билан оралиқ ҳукм чиқариш бўйича мажбурий юрисдикция.

**Умумий
юрисдикция
суди**

Округ суди (8 округ ва 99 графликлар)
100 судья, 40 ассоцияланган округ судьялари, 19 катта судьялар ва 158 тинчлик судьялари, иккинчи ўринда ишлаб турувчилардан иборат.
— Фуқаролик ишлари (судларнинг биринчи инстанцияси қарорлари устидан шикоят) бўйича мутлақ юрисдикция Майда шикоятлар (2000 долларгача) бўйича юрисдикция.
— Жиноят ишлари бўйича мутлақ юрисдикция (жиноий ишлар қарори устидан шикоятлар).
— Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун, автомобилларни парковка қилиш қоидадини бузишдан ташқари, бунда ҳуқуқбузарга ҳеч қандай билдирилмаслик бўйича мутлақ юрисдикция.
— Вояга етмаганлар ишлари бўйича мутлақ юрисдикция.
Суд маслахатчилари, майда шикоятларни ҳисобга олмаганда, вояга етмаганлар ишлари, адолат асосида кўриладиган ишлар, шаҳар ва графлик ҳокимияти қарори бузилиши билан боғлиқ ишлар, ўз жиноятлари учун қонун олдида жавоб бера олишлик билан боғлиқ ишлар.

Айова штати суд тизимининг тузилиши.

Охириги инстанция суди

Олий суд.
7 судья тўлиқ таркибда ва коллегия бўйича мажлис ўтказилади.

Мажбурий юрисдикция жиноят ишлари, ўлим жазоси қўлланиладиган, маъмурий идора ишлари, юристларга интизомий қарорларга нисбатан қўлланилади.

— Фуқаролик, жиноят ишлари, ўлим жазоси қўлланилмайдиган, маъмурий идора ишлари, воляга етмаганлар, судьяга нисбатан интизомий қарор, биринчи инстанция бўйича ишларни қўриб чиқиш, оралик ҳукмлари бўйича Дискрецион юрисдикция.

Апелляция суди ўрта бўғин инстанцияси

Апелляция суди.

10 судья коллегия бўйича мажлис ўтказишади.

— Мажбурий юрисдикция баъзи фуқаролик, баъзи маъмурий идора ишлари, шунингдек баъзи ишлар, биринчи инстанция томонидан қўриладиган, дастлабки ҳукм ишлари. Жиноят ишлари, ўлим жазоси қўлланилмайдиган ишлар бўйича Дискрецион юрисдикция.

Умумий юрисдикция суди

Округ судлари (31 округ) 122 судья. Суд маслаҳатчилари.

Фуқаровий ҳуқуқбузарлик, шартномалар, қўчмас мулк, руҳий соғлиқ, маъмурий идора ишларини ҳал қилиш бўйича даъво, бошқа фуқаролик ишлари.

Оилавий муносабатлар (алимент ва васийлик ҳуқуқидан ташқари), биринчи инстанция суди фаолиятига нисбатан фуқаролар даъвоси, васият ишлари бўйича мутлақ юрисдикция.

— Майда қилмишлар ва жинсий ҳаракат ҳукмига нисбатан даъволар. Судга торталадиган жиноят ишлари бўйича мутлақ юрисдикция.

— Муниципалитет қарорининг бузилиши

Чекланган суд юрисдикцияси

Округ суди (204та умумий суд, воляга етмаганлар ва оилавий ишлар бўйича судлар).


Умумий округ судлари 108та ва воляга етмаганлар ишлари ва оилавий муносабатлар бўйича округ судларнинг 73 судья. Суд сул маслаҳатчиларсиз.

Фуқаровий ҳуқуқбузарлик, шартномалар, қўчмас мулк (7000 долларгача), алиментлар ва болаларга васийлик, руҳий соғлиқ, майди Ферфакс графликтидаги даъволар.


— Ножўн қилмиш. Транспорт воситаларини маст ҳалда бошқариш, жиноятга нисбатан чекланган юрисдикцияга нисбатан мутлақ юрисдикция


— Муниципалитет қарорини бузиш. Транспорт ҳуқуқбузарлиги, транспорт воситаларини нутфурти парковкага нисбатан мутлақ юрисдикция.

Вирджиния штати суд тизимининг тузилиши.



Германия суд тизими.



Франция суд тизими.

Назорат учун тестлар

1. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилади. Одил судловнинг бу тамойили қайси қонунчилик ҳужжатида берилган?

- A) ЎзР Конституциясида;
- B) Жиноят-процессуал кодексда;
- C) ЎзР "Судлар тўғрисида" қонунида;
- D) ЎзР "Прокуратура тўғрисида" қонунида;
- E) B ва C.

2. Суд залида овоз ёзиш, суратга олиш, видео ёзув ва кино тасвир фақат ...розилиги билан амалга оширилади.

- A) ЎзР Адлия вазири;
- B) ЎзР Олий суд раиси;
- C) Суд мажлисида раислик қилувчи;
- D) ЎзР Бош прокурори;
- E) ЎзР Президенти.

3. ЎзР суд... даъват этилган.

A) (шахсларни аниқлаш) жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва одил жазога тортишга;

B) ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлигини ва осудалигини таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни кучайтиришга;

C) Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга;

D) айбдорларни аниқлаш ва уларни жавобгарликка ва судловга тортиш;

E) ЎзР Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган, манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга.

4. ЎзР Олий суди қуйидагиларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга:

- А) вилоят, шаҳар, туман ва ҳарбий судлар;
- В) хўжалик судлари, вилоят, шаҳар, туман ва ҳарбий судлар;
- С) Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоят, шаҳар, туман ва ҳарбий судлар;
- Д) Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоят, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судлари;
- Е) ЎзР Конституциявий суди, хўжалик судлари, Қорақалпоғистон. Рес-сининг Олий суди, вилоят, шаҳар, туман ва ҳарбий судлар.

5. ЎзР "Судлар тўғрисида" қонуни қачон қабул қилинган?

- А) 2000 й 14 декабрь
- В) 1993 й 6 май
- С) 1995 й 30 август
- Д) 1992 й 9 декабрь
- Е) 1994 й 22 сентябрь.

6. Суд аппарати қандай вазифаларни бажаради:

- А) суд ишини таъминлаш, судья лавозимига номзодлар йиғиш, халқ маслаҳатчилар сайловини ташкил этиш;
- В) назорат тартибида иш кўради, суд амалиётини умумлаштириш, суд ҳайъати ишини ташкил этиш масалаларини кўради;
- С) суднинг одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, шуниндек суднинг бошқа вазифаларини бажариш;
- Д) Олий суд Раёсатини чақириш, назорат тартибида ишни текшириш;
- Е) ишни бир суддан иккинчи судга ўтказиш масаласини ҳал қилиш, ЎзР судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида иш қўзғатиш.

7. Суд ҳокимияти амалга оширадиган судлов турларини аниқланг?

- А) Конституциявий судлов, фуқаролик судлов, хўжалик судлов, маъмурий судлов;
- В) хўжалик судлови, вояга етмаганлар иши бўйича судлов, фуқаролик судлови, жиноят судлови;

С) Конституциявий судлов, меҳнат низоларини кўриш бўйича судлов, фуқаролик судлови, жиноят судлови;

Д) маъмурий судлов, конституциявий судлов, вояга етмаганлар иши бўйича судлов, чет эл фуқаролари иши бўйича судлов;

Е) конституциявий судлов, фуқаролик, жиноят, хўжалик, судлови, олий мартабали шахслар иши бўйича судлов, маъмурий судлов.

8. ЎзР суд тизими асосий бўғинлари.

А) ЎзР Конституциявий суди, ЎзР Олий суди, ҳарбий судлар, хўжалик судлари;

В) ЎзР Конституциявий суди, умумий судлар, хўжалик судлари;

С) Ҳарбий судлар, ЎзР Олий суди, хўжалик судлари, вояга етмаганлар иши бўйича судлар;

Д) Умумий судлар, хўжалик судлари, маъмурий судлар, кассация судлари;

Е) ЎзР Олий суди, ЎзР Конституциявий суди, апелляция суди, хўжалик ва ҳарбий судлар.

9. Бугунги кунда суд ҳокимияти қандай ваколатларга эга?

А) одил судлов, Конституциявий назорат, ҳукм ижросини, суд қарор ва бошқа органлар қарорлари ижросини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишлар ҳал этиш, суд амалиёти асосида жорий қонунчиликни шарҳлаш, давлат органлари ва мансабдор шахслар қарори ва фаолиятининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини назорат қилиш, судьялар корпуси ташкил этишда қатнашиш ва судьялар ҳамжамияти органлари билан ҳамкорлик қилиш;

В) конституциявий назорат, одил судлов, ҳуқуқий сиёсат назорати, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, жорий қонунчиликни шарҳлаш, судьялар корпуси ташкил этишида иштирок этиш ва ҳамкорлиги;

С) одил судлов, конституциявий назорат, қонунчилик муаммолари тадқиқ қилиш, республика қонунчилиги ва норматив актлари тайёрлашда иштирок этиш, ЎзР фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини ҳал қилиш, судьялар корпуси ташкил этишда иштирок этиш;

Д) одил судлов, конституциявий назорат, жорий қонунчиликни шарҳлаш, судлар мустақиллиги, ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши тамойили қатъийлиги амал қилувчи судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш;

Е) Конституциявий назорат, жиноят ишларини ҳал қилиш, хўжалик масалаларини ҳал этиш, республика вазирликлари ноюрдик хизматларига услубий ёрдам кўрсатиш; амалдаги қонунчиликни шарҳлаш.

10. Инстанция деганда нима тушунилади?

А) ишни моҳиятига кўра апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш каби функцияларни бажаришга вақолатли бўлган суд органи;

В) суд тизими бўғини;

С) ишни мазмунан ҳал этиш функциясини бажариш;

Д) ЎзР Президентига суд қарори устидан шикоят қилиш;

Е) ишни мазмунан (I инстанция) кассацион ва назорат тартибида кўриш, ЎзР Конституциявий судида фуқаролар аризаларини кўриш.

11. ЎзР қонунчилигида қандай суд инстанциялари белгиланган.

А) биринчи (ишни моҳиятига кўра кўриб чиқиш), апелляция, кассацион, назорат;

В) биринчи (ишни моҳиятига кўра кўриб чиқиш), иккинчи ёки кассацион, назорат, ҳакамлик ва апелляция суд;

С) Апелляция. ЎзР Конституциявий суди, биринчи, иккинчи инстанция;

Д) биринчи (ишни моҳиятига кўра кўриб чиқиш), ҳакамлик суди, иккинчи ёки кассацион, назорат инстанцияси;

Е) биринчи инстанция, ҳакамлик суди, иккинчи ёки кассацион, назорат инстанцияси, суд қарори устидан Адлия вазирлигига шикоят қилиш.

12. Шаҳар суди (туман) қандай ташкил топган?

А) ЎзР Олий суд раиси тавсиясига асосан Адлия вазири томонидан тасдиқланади;

В) ЎзР Олий суди раиси тақдимига кўра Олий Мажлис томонидан сайланади;

С) ЎзР Олий суд раиси томонидан тасдиқланади;

Д) аҳоли томонидан сайланади;

Е) ЎзР Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан.

13. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркиби:

А) судьялар, халқ маслаҳатчилари ҳайъати, суд раиси, ҳакамлик суди, вояга етмаганларни ишлари бўйича судьялар, маъмурий ишлар бўйича судьялар;

В) суд раиси, судьялар, халқ маслаҳатчилари, маъмурий ишлар бўйича судьялар;

С) суд раиси, вояга етмаганлар ишлари бўйича судьялар;

Д) судьялар, халқ маслаҳатчилари, ҳакамлик суди, суд аппарати, маъмурий ишлар бўйича судьялар;

Е) судьялар, суд раиси, халқ маслаҳатчилари, вояга етмаганлар ишлари бўйича судьялар, суд ижрочилари, суд аппарати.

14. Туман (шаҳар), туманлараро суд раиси йўқлигида унинг ўрнига бошқа судьяни тайинлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилади?

А) ЎзР Президенти;

В) мос равишда малака ҳайъати;

С) Президент ҳузуридаги малака ҳайъати;

Д) Ушбу суднинг халқ маслаҳатчилари ва судьялари;

Е) Адлия вазири.

15. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди фаолияти устидан ким назоратни олиб боради?

А) Адлия вазирлиги;

В) ЎзР Прокуратураси;

С) ЎзР Конституциявий суди;

Д) Малака ҳайъати;

Е) жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят суди, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди.

16. Суд аппарати шуни таъминлайдики:

- A) фуқароларни қабул қилиш;
- B) далиллар тўплаш;
- C) одил судловни ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш ва судларнинг бошқа функцияларини бошқариш;
- D) вақтинча йўқ бўлган судьялар ўрнини тўлдириш;
- E) халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш.

17. Фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар), туманлараро суднинг таркиби:

- A) суд раиси ва судьялар;
- B) суд раиси, халқ. маслаҳатчилари, судьялар;
- C) суд аппарати, суд раиси, халқ маслаҳатчилари, судьялар;
- D) суд раиси, судьялар, фуқаровий даъвогарлар ва фуқаровий жавобгарлар;
- E) суд муҳокамасидаги судьялар ва бошқа иштирокчилар.

18. Ҳарбий судлар таркибига кирувчи судларни санаб беринг.

- A) ҳарбий трибуналлар, ЎзР Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Гарнизон ҳарбий судлари, Қуролли Кучлар Ҳарбий суди, Тошкент шаҳар ҳарбий суди, Вилоят ҳарбий судлари;
- B) ЎзР Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Қуролли Кучлар ҳарбий суди, Гарнизон Ҳарбий судлари;
- C) Гарнизон ҳарбий судлари, Қуролли Кучлар ҳарбий суди, Ҳарбий Трибуналлар, ЎзР Олий суди Ҳарбий ҳайъати;
- D) Қуролли Кучлар ҳарбий суди, вилоят, туман ҳарбий судлари, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳарбий суди;
- E) Қўшин ҳарбий судлари, бирлашиш, Қуролли кучлар турида, Ҳарбий флотилия суди, ЎзР Олий суди Ҳарбий ҳайъати.

19. Ҳарбий судлар фаолияти қандай қонуний акт билан тартибга солинади?

- A) ЎзР Конституцияси;
- B) "Судлар тўғрисида" ЎзР қонуни;
- C) "Прокуратура тўғрисида"ги ЎзР қонуни;

- Д) "Адвокатура тўғрисида"ги ЎЗР қонуни;
- Е) "берилган вариантларда тўғри жавоб берилмаган.

20. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Ушбу принцип қайси қонун ҳужжатида мустақкамлаб қўйилган?

- А) ЎЗР Конституциясида;
- Б) Жиноят-процессуал Кодексида;
- С) "Судлар тўғрисида" ЎЗР қонунида;
- Д) "Прокуратура тўғрисида" ЎЗР қонунида;
- Е) В ва С

21. ЎЗР Олий суди ишларни 1-инстанция асосида кўриб чиқиш жараёнида унинг таркибига:

- А) судьялар ва икки халқ маслаҳатчилари;
- Б) уч судья;
- С) ЎЗР Олий суд Пленуми таркибининг камида 2/3 қисми;
- Е) судья, прокурор, адвокат.

22. ЎЗР Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгашининг вазифалари нималардан иборат?

- А) Суд амалиётида вужудга келадиган масалалар бўйича қонунчиликни қўллаш юзасидан илмий исботланган таклифларни ишлаб чиқиш;
- Б) жиноят ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш;
- С) фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш;
- Д) қонуний кучга кирмаган ҳукмларнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш;
- Е) ҳукмларни ижро этиш юзасидан илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.

23. ЎЗР Олий суд таркибини санаб ўтинг.

А) раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Олий суд судьялари, Олий суд Пленуми, Олий суд раёсати, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Ҳарбий ҳайъат;

Б) раис, халқ маслаҳатчилари, ўринбосарлари, Олий суд Пленуми, Олий суд раёсати, Фуқаролик ишлари бўйича

судлов ҳайъати, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Ҳарбий ҳайъат, Малака ҳайъати;

С) судьялар, раис, раис ўринбосари, суд аппарати, Олий суд раёсати, Олий суд Пленуми, Ҳарбий ҳайъат, Кассация ҳайъати;

Д) раис, халқ маслаҳатчилари, илмий-маслаҳат кенгаши, суд аппарати, Олий суд раёсати, Олий суд Пленуми, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Ҳарбий ҳайъат;

Е) судьялар, раис, унинг ўринбосарлари, интизомий ҳайъат, суд ижрочилари, халқ маслаҳатчилари, апелляция ҳайъати, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Олий суд раёсати, Олий суд Пленуми.

24. ЎзР Олий суди тузиш тартиби қандай?

А) ЎзР Президенти билан тайинланади;

В) Олий Мажлис тақдимига кўра ЎзР Адлия вазирлиги томонидан тайинланади;

С) ЎзР Президенти, Бош прокурор, Адлия вазири билан келишилган ҳолда тайинланади;

Д) ЎзР Президенти тақдимномасига кўра Олий Мажлис томонидан сайланади;

Е) ЎзР ҳулосасига кўра ЎзР Адлия вазири тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан сайланади.

25. ЎзР Олий суди қошидаги илмий-маслаҳат кенгаши вазифалари қандай?

А) суд амалиётида вужудга келадиган қонунни қўллаш масалалари бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш;

В) жиноят ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

С) фуқаролик ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

Д) қонуний кучга кирмаган ҳукмларнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш;

Е) ҳукмларни ижрога қаратиш масалалари бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

26. ЎзР Олий суди... фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга?

- А) вилоят, шаҳар, туман, ҳарбий судлар;
- В) хўжалик судлари, вилоят, шаҳар, туман, ҳарбий судлар;
- С) Қорақалпоғистон Рес-си Олий суди, вилоят, шаҳар, туман ва ҳарбий судлар.
- Д) Қорақалпоғистон Рес-си Олий суди, вилоят, шаҳар, туман, ҳарбий, хўжалик судлар.
- Е) ЎЗР Конституциявий суди, хўжалик судлар, Қорақалпоғистон Рес-си Олий суди, вилоят, шаҳар, туман, ҳарбий судлар.

27. ЎЗР Олий суд Пленуми қачон чақирилади?

- А) 4 ойда камида 1 марта;
- В) 1 ойда камида 1 марта;
- С) 1 ойда 2 марта;
- Д) ярим йилда 1 марта;
- Е) тўғри жавоб йўқ.

28. ЎЗР Конституциявий суди қуйидаги ишларни кўради.

- А) Конституциявий ҳуқуқлар бузилиши юзасидан фуқаролар шикоятларини;
- В) қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мослигини;
- С) ЎЗР Олий Мажлиси томонидан қабул қилган қонунларнинг Конституцияга мослигини;
- Д) қонунчилик ва ижро ҳокимияти ҳужжатларининг конституцияга мослиги;
- Е) ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари қарорларининг ЎЗР Конституциясига мослигини.

29. ЎЗР Конституциявий судининг ваколат муддати қандай?

- А) 10 йил;
- В) доимий;
- С) 5 йил;
- Д) 15 йил;
- Е) судьялар алмашмайди.

30. ЎЗР Конституциявий суди қандай ҳужжат билан тартибга солинади?

- А) ЎзР "Судлар тўғрисида"ги қонун;
- В) ЎзР "Конституциявий суд тўғрисида"ги қонун;
- С) ЎзР Фуқаролик-процессуал Кодекси;
- Д) ЎзР Конституциявий суди Регламенти;
- Е) ёзилмаган.

31. "ЎзР Конституциявий суди ҳақида" қонун қачон қабул қилинган?

- А) 1996й. 3 май;
- Б) 1994й. 22 сентябр;
- С) 1995й. 30 август;
- Д) 1995й. 1 апрел;
- Е) 1993й. 17 май.

32. Конституциявий суд қароридан норози бўлиб қаерга мурожаат қилиш керак?

- А) ЎзР Президентига;
- В) ЎзР Олий Мажлисига;
- С) ЎзР Бош прокурорига;
- Д) ҳукм қатъий (шикоятга ўрин йўқ);
- Е) тўғри жавоб берилмаган.

33. ...дан кечиктирилган муддатда олинган тежамли маълумотлар бўйича Конституциявий суд қарори чиқаради.

- А) бир ой;
- В) етти кун;
- С) ўн кун;
- Д) уч ой;
- Е) олти ой.

34. ЎзР Конституциявий суд қарори қачондан кучга киради?

- А) бир ой давомида;
- В) ўн кундан кейин;
- С) нашр этилгандан бошлаб;
- Д) етти кундан сўнг;
- Е) нашр этилгандан сўнг ўн кун ўтгач.

35. ЎзР Конституциявий суд қарори ким томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин?

- А) Конституциявий суд ташаббуси билан ЎзР Президенти томонидан;
В) ЎзР Президенти ташаббуси билан ЎзР Олий Мажлиси томонидан;
С) ЎзР Олий суди томонидан;
Д) ўз ташаббуси билан Конституциявий суд томонидан;
Е) юқоридагиларда тўғри жавоб берилмаган.

36. Давлатлараро шартнома ва норматив актнинг Конституциявийлиги юзасидан Конституциявий суднинг ҳукми қандай номланади?

- А) хулоса;
В) ҳал қилув қарори;
С) қарор;
Д) буйруқ;
Е) тақдимнома.

37. Конституциявий суд тузилиши ва штат аппарати ким томонидан тасдиқланади?

- А) ЎзР Президенти томонидан;
В) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан;
С) ЎзР Адлия вазирлиги томонидан;
Д) Конституциявий суд раиси томонидан;
Е) ЎзР Олий Мажлиси томонидан.

38. Конституциявий суд мажлисларини ўтказиш қоидалари ва тартиби қайси қонунда белгиланган?

- А) Жиноят-процессуал Кодексда;
В) Фуқаролик-процессуал Кодексда;
С) ЎзР "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексда;
Д) Конституциявий суд Регламентида;
Е) барча жавоблар нотўғри.

39. Конституциявий суд ишларни ҳал этишда нимага мутлақ амал қилади?

- А) ЎзР Конституциясига;
В) ЎзР Конституциясига, шунингдек ЎзР ратификация қилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга;
С) Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари умумжаҳон декларациясига;

- Д) Фуқаролик, Меҳнат ва Оила кодексларига;
- Е) барча жавоблар тўғри.

40. Конституциявий суд судьялари ваколатлари ким томонидан муддатидан олдин бекор қилинади?

- А) ЎзР Президенти томонидан;
- В) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан;
- С) Адлия вазири томонидан;
- Д) ЎзР Олий Мажлиси томонидан;
- Е) ЎзР Бош прокурори томонидан.

41. ЎзР Конституциявий суди таркибини айтинг?

А) Судьялар, халқ маслаҳатчилари, Пленум, Президиум.
В) Раис, раис ўринбосари, Конституциявий суднинг беш аъзоси, Қорақалпоғистон Рес-си судьяси билан бирга;

С) Раис, раиснинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, Конституциявий суднинг беш аъзоси, Қорақалпоғистон Рес-си судьяси билан бирга;

Д) Судьялар, халқ маслаҳатчилари, ҳайъат, Пленум, Президиум.

Е) Раис, раис ўринбосарлари, Конституциявий суднинг беш аъзоси, Қорақалпоғистон Рес-си судьяси билан бирга.

42. Конституциявий суд судьялари қандай ҳолларда ваколатлари муддатидан илгари тугатилади?

А) судьялик қасамёдини бузган тақдирда, ёзма ариза берган тақдирда, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишини давом эттираверган тақдирда, соғлиги ҳолатига кўра тиббий комиссиянинг қарорига кўра, ЎзР фуқаролигини йўқотганда;

В) судьялик қасамёдини бузган тақдирда, суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, етарли малакага эга бўлмаганлиги сабабли ўз вазифаларини бажара олмаганида ёки соғлиги ҳолатига кўра;

С) судьялик қасамёдини бузган тақдирда, ёзма ариза берган тақдирда, унинг нисбатан жиноий жавобгарликка тортилиши ва судда жиноят иши бўйича айбланувчи

тариқасида ҳукм чиқарилганда, соғлиги ҳолатига юзасидан тиббий комиссиясининг қарорига кўра, ЎзР фуқаролигини йўқотганда.

Д) судьялик қасамёдини бузган тақдирда, ёзма ариза берган тақдирда, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, мансабига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланган тақдирда;

Е) судьялик қасамёдини бузган тақдирда, ёзма ариза берган тақдирда, Олий Мажлисга депутат этиб сайланган тақдирда, соғлиги ҳолатига юзасидан тиббий комиссиясининг қарорига кўра, ЎзР фуқаролигини йўқотганда.

43. ...қарорига биноангина судьялар интизомий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

- А) ЎзР Олий суди раиси;
- В) ЎзР Олий суди Пленуми;
- С) Судьялар малака ҳайъати;
- Д) ЎзР Адлия вазири;
- Е) ЎзР Президенти.

44. Қандай қонуний ҳужжат билан судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби белгиланган?

- А) Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги низомда;
- В) Судьялар малака ҳайъати тўғрисидаги низомда;
- С) Судьялар малакавий даражаси тўғрисидаги низомда;
- Д) ЎзР Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомда;
- Е) А ва Д.

45. Судьяларга қандай интизомий жавобгарлик чоралари турлари қўлланилади?

- А) ҳайфсан, танбеҳ, ойликнинг 1/3 қисми ушлаб қолиниши, қатъий ҳайфсан, 1 ойдан 3 ойгача ваколатларини тўхтатиб қўйиш;
- В) ҳайфсан, танбеҳ, қатъий ҳайфсан;
- С) огоҳлантириш, ҳайфсан, ваколатларини тўхтатиб туриш;
- Е) жарима.

46. Судьялар дахлсизлигининг таъминланиши.

А) судьялар дахлсизлиги, давлат ҳисобидан малака даражасига кўра моддий ва ижтимоий таъминот, судьялар кенгаши сири, ишларни кўриб чиқишда мустақиллик;

В) қонунда ўрнатилган тартибда сайланиш, тайинлаш ва мансабидан озод этиш, судьялар дахлсизлиги, одил судловни амалга оширишнинг қатъий тартиби, ҳукм чиқариш жараёнида кенгаш сири ва унинг эълон қилишини талаб қилишнинг тақиқланиши, судьяларга ҳурматсизлик учун жавобгарлик ёки маълум ишлар ҳам қилишга аралашув, давлат ҳисобидан малака даражасига кўра моддий ва ижтимоий таъминот;

С) ҳукм чиқариш жараёнида кенгаш сири, ишларни кўриб чиқиш жараёнида мустақиллик;

Д) судьялар дахлсизлиги, судьялар кенгаши сири, қонунда ўрнатилган тартибда сайланиш, тайинлаш ва мансабидан озод этиш, судга ҳурматсизлик учун жавобгарлик, айбсизлик презумпцияси;

Е) судга ҳурматсизлик учун жавобгарлик, маълум ишларни ҳал этишда аралашув, юқори маош.

47. Қандай ҳолатларда судьялар ваколоти тўхтатилиб турилади?

А) жиноий жавобгарликка тортиш, судьянинг мансабига тўғри келмайдиган фаолият билан шугулланиш, судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса, қонуний кучга кирган бўлса, судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

В) одил судловни амалга ошириш чоғида қонуний ишни бузганлик чоғида, суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун;

С) агар судья мансабига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланса, Олий суд раиси ёки Адлия вазири буйруғига амал қилмаса, одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлик учун, ҳоким буйруғига биноан унинг буйруғини бажармаганлиги учун.

Д) одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлик учун, судья тиббий йўсиндаги мажбурлов

чораларига тортилган бўлса, судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса, қонуний кучга кирган бўлса, хизмат борасидаги ёки обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракатлар учун;

Е) ЎзР фуқаролигини йўқотганда, суд ишини ташкил этишда, бепарволиги ёки интизомсизлиги учун, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги учун.

48. Қонунда қандай судьялар малакавий даражаси ўрнатилган?

А) юқори категория судьяси, биринчи ва ўрта категория, 1,2,3 даражали;

В) давлат адлия маслаҳатчиси, катта юрист, юқори малакавий даража, 1,2,3,4,5 малакавий даража;

С) юқори малакавий даража, биринчи малакавий даража, 2-малакавий даража, 3-малакавий даража, 4-малакавий даража, 5-малакавий даража;

Д) Ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси, юқори категория судьяси, 1,2,3, даражали адлия маслаҳатчиси;

Е) 1,2,3 даражали адлия маслаҳатчиси, 1,2,3 даражали юрист, 1,2 категорияли судья, юқори категорияли судья.

49. Судьяликка номзодларга қўйиладиган талабларни айтинг.

А) 25 ёш, давлат тилини билиш, фуқаролик, олий юридик маълумотли, мутахассислик бўйича стаж, диний мансублик;

В) фуқаролик, ёш, жинс, мутахассислик бўйича стаж, олий юридик маълумотли, малака имтиҳони;

С) ЎзР фуқаролиги, 25 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, мутахассислик бўйича стаж, малака имтиҳони;

Д) олий юридик маълумот, 22 ёш, мулкый ҳолат, ўзбек ва инглиз тилини билиш, ЎзР фуқаролиги;

Е) мутахассислик бўйича 5 йилдан кам бўлмаган стаж, жинс, ЎзР фуқаролиги, давлат тилини билиш.

50. Қандай қилиб судьялар малака ҳайъатини шакллантирилади?

- А) Олий суд раиси тақдимномасига биноан Олий суд Пленуми томонидан сайланади;
 В) тегишли ҳудудларда судьялар мажлисида сайланади;
 С) ЎзР Олий суди раиси томонидан тайинланади;
 Д) Олий Мажлис томонидан сайланади;
 Е) ЎзР Олий суд раиси тақдимномасига биноан Адлия вазирлиги томонидан тайинланади.

51. Биринчи марта сайланган (тайинланган), ҳеч қандай малака тоифасига эга бўлмаган судьялар қайси муддатда малака аттестациясидан ўтадилар?

- А) иш фаолиятининг 1-3 ойлигида;
 В) 1 йил мобайнида;
 С) 6 ой ичида;
 Д) 1 ой ичида;
 Е) малакавий хусусиятлар даражасига қараб.

52. Қайси ҳолларда судья ахлоқий жавобгарликка тортилади?

А) одил судловни амалга оширишда қонунчиликни бузиш, ахлоқсизлик ва эҳтиётсизлик орқасида суд ишини бажараолмаслик, обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракатлар учун;

В) мансабга тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланса, одил судловни амалга оширишда қонунийликни бузса;

С) суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйилган камчиликлари учун, қонуннинг кучга кирган суд қарорига кўра бедарак йўқолган деб топилса;

Д) ЎзР Президенти кўрсатмаларини бажармаслик, жиноий жавобгарликка тортилса, мансабига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланса;

Е) хизмат борасидаги ёки обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракатлари, судьялар маслаҳати сирларини ошкор этганлик, мансабига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланса;

53. ЎзР нотариат фаолияти ким олиб боради.

А) давлат нотариат идорасида ишловчи ёки хусусий фаолият билан шуғулланувчи нотариуслар, фуқаролар йиғини оқсоқоллари;

В) давлат нотариал идораларда ишловчи ёки хусусий фаолият билан шуғулланувчи нотариуслар, ФХДЁ органлари мудирлари, фуқаролар йиғини раислари;

С) давлат нотариал идораларда ишловчи ёки хусусий фаолият билан шуғулланувчи, Қорақалпоғистон Республикаси адлия бўлимлари бошлиқлари, фуқаролар йиғини раислари;

Д) Барча жавоблар ноътуғри.

54. Давлат нотариал идоралари ким томонидан очилади?

А) ЎзР Адлия вазирлиги;

В) Вазирлар Маҳкамаси қарори билан;

С) Президент Фармони билан;

Д) Тошкент шаҳар ҳокими томонидан;

Е) Олий мажлис томонидан.

55. ЎзР давлат нотариати ва адлия органлари ходимлари махсус унвонлари қандай тоифаларга бўлинади?

А) амалдаги давлат адлия маслаҳатчиси, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, 2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, 1-даражали адлия маслаҳатчиси, 2-даражали адлия маслаҳатчи, 3-даражали адлия маслаҳатчи, 1,2,3-даражали юрист;

В) бош давлат адлия маслаҳатчи, 1-ранг давлат адлия маслаҳатчи, 2-ранг давлат адлия маслаҳатчи, 3-ранг давлат адлия маслаҳатчи, 1-тоифали адлия маслаҳатчи, 2-тоифали адлия маслаҳатчи, 3-тоифали адлия маслаҳатчи, 1,2,3-тоифали юрист;

С) амалдаги давлат адлия маслаҳатчи, 1-тоифали давлат адлия маслаҳатчи, 2-тоифали давлат адлия маслаҳатчи, бош адлия маслаҳатчи, адлия маслаҳатчи, кичик адлия маслаҳатчи, 1,2,3-даражали юрист.

Д) бош давлат адлия маслаҳатчи, 1-тоифали давлат адлия маслаҳатчи, 2-даражали давлат адлия маслаҳатчи.

56. Қайси орган ва муассасалар Адлия вазирлиги тизимига киради?

А) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимиятлари ва Тошкент, Самарқанд, Термиз шаҳарларининг адлия бошқармалари, нотариат муассасалари, ЗАГС (ФХДЁ), Тошкент суд экспертизаси илмий тадқиқот институти, Тошкент юридик (Юр-к) колледжи, нашриёт, "Адолат" ҳуқуқий ёрдам хўжалик ҳисоб маркази, ЎзР Олий суди, ЎзР Конституциявий суди;

В) Қорақалпоғистон Рес-си Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, нотариат муассасалари, Тошкент суд экспертизаси илмий тадқиқот институти (Тош СЭИТИ), ФХДЁ, Қонунчилик муаммолари тадқиқот институти, Тошкент Юридик колледжи, ТДЮИ, "Адолат" нашриёти ва ҳуқуқий ёрдам хўжалик ҳисоб маркази;

С) Қорақалпоғистон Рес-си Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, ЎзР Олий суди, адвокатура, ҳарбий судлар;

Д) Қорақалпоғистон Рес-си Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, нотариат муассасалари, ЎзР Олий суди, нотариат муассасалари, ФХДЁ, ТошСЭИТИ, қонунчилик муаммолари тадқиқот институти, ҳарбий судлар, хўжалик судлари, ТДЮИ, Тошкент юридик колледж, "Адолат" ҳуқуқий ёрдам хўжалик ҳисоб маркази ва нашриёти;

57. Қуйида прокуратура-тергов ходимлари ҳамда ўқув, илмий ва бошқа прокуратура муассасалар ходимларига қўлланиладиган интизомий жазо турларини кўрсатинг:

А) огоҳлантириш, ҳайфсан, қатъий ҳайфсан, мансаб даражасини пасайтириш, "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим" кўкрак белгисидан маҳрум қилиш, мансабини пасайтириш, ишдан озод этиш, мансаб даражасидан маҳрум қилиб ишдан бўшатиш, 3 ойга мансабдан чеклаш, иш ҳақининг 50% ушлаб қолиш;

В) огоҳлантириш, ҳайфсан, қатъий ҳайфсан, мансаб даражасини пасайтириш, "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим", кўкрак белгисидан маҳрум қилиш, мансабини пасайтириш, ишдан бўшатиш, мансаб даражасидан маҳрум қилиб ишдан озод этиш;

С) огоҳлантириш, ҳайфсан, қатъий ҳайфсан, мансаб даражасини пасайтириш, "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим", кўкрак белгисидан маҳрум қилиш, 1 ойга мансабдан четлатиш, 3 ойга мансабдан четлатиш, ишдан озод этиш, мансаб даражасидан маҳрум қилиб ишдан озод этиш;

Д) огоҳлантириш, ҳайфсан, қатъий ҳайфсан, мансаб даражасини пасайтириш, "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим" кўкрак белгисидан маҳрум қилиш, иш ҳақининг 50%ни ушлаб қолиш, лавозимдан озод этиш, мансаб даражасидан маҳрум қилиб лавозимдан озод этиш;

Е) огоҳлантириш, ҳайфсан, қатъий ҳайфсан, мансаб даражасини пасайтириш, (лишение нагр.) "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим" кўкрак белгисидан маҳрум қилиш, лавозимдан озод этиш, мансаб даражасидан маҳрум қилиб лавозимдан озод этиш, 3 ойга лавозимдан четлатиш.

58. Прокуратура-тергов ходимлари ҳамда ўқув, илмий ва бошқа прокуратура ходимларини рағбатлантиришнинг қандай усулларини биласиз?

А) ташаккурнома, пул мукофоти, мансаб даражасини кўтариш, "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим" кўкрак белгиси билан мукофотлаш;

В) ташаккурнома, пул мукофоти, мансаб даражасини кўтариш, лавозимини кўтариш, "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим" кўкрак белгиси билан мукофотлаш;

С) ташаккурнома, пул мукофоти, совға, мансаб даражасини кўтариш, лавозимини кўтариш, "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим" кўкрак белгиси билан мукофотлаш, "ЎзР хизмат кўрсатган юрист" унвони билан мукофотлаш;

Д) ташаккурнома, пул мукофоти, совға, қимматли совға, мансаб даражасини кўтариш, "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим" кўкрак белгиси билан мукофотлаш, "ЎзРда хизмат кўрсатган юрист" унвони билан мукофотлаш;

Е) ташаккурнома, пул мукофоти, совға, мансаб даражасини кўтариш, лавозимини кўтариш, "ЎзР прокуратурасининг фахрий ходим" кўкрак белгиси билан мукофотлаш, "ЎзР хизмат кўрсатган юрист" унвони билан мукофотлаш.

59. Қайси ҳолларда прокуратура-тергов ходимларига нисбатан интизомий жазо қўлланилади?

А) хизмат бурчларини бажармаслик ёхуд тўлақонли бажармаслик, прокуратура ходими шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракат;

В) зиммага юклатилган вазифаларни бажармаслик ёки бепарволик билан бажариш, ҳамда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган қилмишлар;

С) зиммага юклатилган вазифаларни бажаришдан бош тортиш ёки прокуратура ходими унвонига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланиш;

Д) зиммага юклатилган вазифаларни бажаришдан бош тортиш ёки мувофиқ бўлмаган даражада бажариш, ёхуд маъмурий жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

Е) зиммага юклатилган вазифаларни бажармаслик ёки нотўғри бажарганлиги ҳамда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган қилмиш учун.

60. Прокурор лавозимига тақдим этилаётган шахсларга нисбатан қандай талаблар қўйилади?

А) ЎзР фуқаролиги, давлат тилини билиш, олий маълумотга эга бўлиш, зарурий касбий ва маънавий фазилатлар;

В) ЎзР фуқаролиги, олий юридик маълумотга эга бўлиши, зарурий касбий фазилатлар, соғломлиги, 25 ёшдан кичик бўлмаслиги;

С) ЎзР фуқаролиги, олий юридик маълумот, давлат тилини билиш, зарурий касбий ва маънавий фазилатлар, 35 ёшдан кичик бўлмаслиги;

Д) ЎзР фуқаролиги, давлат тилини билиш, олий маълумот, зарурий касбий ва маънавий фазилатлар, 65 ёшдан ошмаганлиги, соғлиқлик даражаси;

Е) ЎзР фуқаролиги, давлат тилини билиш, олий маълумот, зарурий касбий ва маънавий фазилатлар, 30 ёшдан кичик бўлмаслик.

61. Прокуратурани ташкил этиш тамойилларини кўрсатинг:

А) департизация, марказлаштириш, маҳаллий органлардан мустақиллик, бирлик, ошкоралик;

В) бирлик тамойили, марказлашганлик, мустақиллик;

С) бирлик тамойили, коллегиялик, маҳаллий давлат органлари ва бошқарув органлардан мустақиллик, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимларини қонунийлик ва жиноятчиликнинг асосий тенденциялари тўғрисида хабардор қилиш, бошқарма бўлимларининг қонунийликнинг ижросини таъминлаш, давлат ва жамият осойишталигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларни бажариш тўғрисида хабар бериш;

Д) марказлашганлик, маҳаллий органлардан мустақиллик, бирлик, коллегиялик, ЎзР Олий вакиллик органлари олдида бўйсунувчанлик тамойиллари;

Е) бирлик, марказлашганлик, маҳаллий давлат бошқарув органларидан мустақиллик, қонунийлик ва жиноятчиликнинг асосий тенденциялари, бошқарма бўлим-ларининг қонунийлик ижросини таъминлаш, давлат ва жамият осойишталигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида маълумотлар бериш тамойиллари.

62. Прокуратура ходимларининг мансаб даражаларини тўғри кўрсатинг.

А) ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси, 1-даража давлат адлия маслаҳатчиси, 2-даража ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси, 3-даража давлат адлия маслаҳатчиси, катта адлия маслаҳатчиси, адлия маслаҳатчиси, кичик адлия маслаҳатчиси, 1-даражали юрист, 2-даражали юрист, 3-даражали юрист, кичик юрист;

В) 1-даража ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси, 2-даражали ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси, 3-даражали ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси, давлат адлия маслаҳатчиси, катта адлия маслаҳатчиси, адлия маслаҳатчиси, кичик адлия маслаҳатчиси, 1-даражали юрист, 2-даражали юрист, 3-даражали юрист;

С) ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси, 1-унвон (ранг)даги давлат адлия маслаҳатчиси, 2-унвондаги давлат

адлия маслаҳатчиси, 3-унвондаги давлат адлия маслаҳатчиси, катта адлия маслаҳатчиси, кичик адлия маслаҳатчиси, 1,2,3-унвондаги юрист, катта юрист, кичик юрист;

Д) Бош давлат адлия маслаҳатчиси, 1-унвон (ранг)даги давлат адлия маслаҳатчиси, 2-унвондаги давлат адлия маслаҳатчиси, 3-унвондаги давлат адлия маслаҳатчиси, катта адлия маслаҳатчиси, кичик адлия маслаҳатчиси, 1,2,3-даражали юрист, катта юрист, кичик юрист;

Е) Бош давлат адлия маслаҳатчиси, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, 2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, катта адлия маслаҳатчиси, адлия маслаҳатчиси, кичик адлия маслаҳатчиси, 1,2,3-даражали юрист, катта юрист, кичик юрист.

63. Прокурор назорати тушунчасини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи фаолият сифатида изоҳланган:

А) Прокурор назорати—бу давлат томонидан белгиланган махсус ваколатли мансабдор шахслар—прокурорлар томонидан ЎзР ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши, ҳуқуқбузарликларни топиш ва ўз вақтида йўқотиш, айбдорларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш йўли билан амалга ошириладиган фаолият;

В) Прокурор назорати — бу давлат номидан ҳаракат қиладиган махсус ваколатли мансабдор шахслар-прокурорлар томонидан ЎзР ва Қорақалпоғистон Рес-си ҳудуди барча норматив ҳуқуқий актларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиш, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида аниқлаш ва йўқотиш йўли билан амалга ошириладиган фаолият;

С) Прокурор назорати-бу давлат номидан ҳаракат қиладиган махсус ваколатли мансабдор шахслар—терговчи ва прокурорлар томонидан (ҳуқуқбузарликларни аниқлаш) айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш йўли билан ЎзР ҳудудида барча қонунларни таъминлаш ва ижросини амалга оширувчи фаолият;

Д) Прокурор назорати — бу давлат номидан ҳаракат қиладиган махсус ваколатли мансабдор шахслар—прокурорнинг барча ходимлари томонидан жиноий жавобгарликка тортиш йўли билан ЎзР ҳудудида

қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини амалга ошириш фаолиятидир;

Е) Прокурор назорати—бу давлат номидан ҳаракат қиладиган махсус ваколатли мансабдор шахслар — прокуратура органларининг барча ходимлари томонидан интизомий жавобгарликка тортиш йўли билан ЎзР ҳудудида ҳуқуқ — тартиботни таъминлаш, барча қонунларнинг хавфсизлигини ва аниқ бажарилишини таъминловчи фаолиятидир.

64. ЎзР Бош Прокурори ким томонидан лавозимдан озод этилади?

А) ЎзР Президенти ЎзР Олий Мажлисининг тасдиғи билан;

В) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

С) ЎзР Олий Мажлиси ЎзР Президенти розилиғи билан;

Д) ЎзР Президенти ЎзР Олий суд тасдиғи билан;

Е) ЎзР Адлия вазирлиғи ЎзР Олий Мажлисининг тасдиғи ёрдамида.

65. ЎзР Прокуратураси қандай тизимга эга?

А) ЎзР Прокуратураси, Қорақалпоғистон Рес-си Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокуратуралари, шаҳар ва туман прокуратуралари. Транспорт прокуратураси, ҳарбий прокуратура, ихтисослашган прокуратуралар, солиқ ва валютага оид жиноятлар билан курашиш департаменти ва унинг жойдаги бошқармалари;

Б) ЎзР Прокуратураси, Қорақалпоғистон Рес-си Прокуратураси, вилоят, Тошкент шаҳар, Самарқанд шаҳри, шаҳар ва туманлар, туманлараро, ҳудудий прокуратуралари, транспорт, ҳарбий прокуратуралари, ихтисослашган прокуратуралари, тоғ прокуратуралари;

С) ЎзР Прокуратураси, Қорақалпоғистон Рес-си Прокуратураси, вилоят, Тошкент шаҳар, шаҳар ва туманлар, вилоятлараро, туманлараро, ҳудудий прокуратуралари, солиқ ва валютага оид жиноятлар билан курашиш департаменти;

Д) ЎзР Прокуратураси, Қорақалпоғистон Рес-си Прокуратураси, вилоят, Тошкент шаҳар, Нукус шаҳри, вилоятлараро, туманлараро, ҳудудий прокуратуралари,

табиатни муҳофаза қилувчи, ўрмон, тоғ, ихтисослашган прокуратуралар;

Е) ЎзР Прокуратураси, Қорақалпоғистон Рес-си Прокуратураси, вилоят, туман, шаҳар, Тошкент шаҳар, вилоятлараро, туманлараро, прокуратуралари, транспорт, дарё, ҳаво прокуратуралари, табиатни муҳофаза қилувчи прокуратура ва ихтисослашган прокуратуралари.

66. Қорақалпоғистон Рес-си прокурори ким томонидан ва қанчага тайинланади?

А) ЎзР Бош прокурори, ЎзР Президентнинг розилиги билан 5 йилга;

В) ЎзР Президенти, ЎзР Олий Мажлиснинг тасдиғи билан 10 йилга;

С) ЎзР Жўқорғи Кенгеси ЎзР Бош прокурорининг розилиги билан 5 йилга;

Д) ЎзР Бош прокурори ЎзР Олий Мажлисининг тасдиғи билан 10 йилга;

Е) ЎзР Бош прокурори Қорақалпоғистон Рес-си Жўқорғи Кенгесининг тақдимномасига биноан.

67. Ҳарбий прокуратурасининг тизимини кўрсатинг:

А) ЎзР Ҳарбий прокуратураси, армия, флот, бирлашмалар прокуратуралари;

В) ЎзР Ҳарбий прокуратураси, ҳарбий округлар прокуратуралари, ҳудудий ҳарбий прокуратуралари;

С) ЎзР Ҳарбий прокуратураси, ЎзР Қуролли кучлар турларининг прокуратуралари, қисмлар, бирлашмалар ва гарнизонлар прокуратураси;

Д) ЎзР Қуролли кучлар турларининг, қисмлар, гарнизонлар прокуратуралари ва Қорақалпоғистон Рес-си Ҳарбий прокуратураси;

Е) Қорақалпоғистон Рес-си Ҳарбий прокуратураси, ЎзР Ҳарбий прокуратураси, қисм, бирлашмалар, денгиз ҳарбий прокуратуралари.

68. ЎзР Бош Прокурори ким томонидан тайинланади?

А) ЎзР Президенти ЎзР Олий Мажлиси тасдиғи билан;

В) ЎзР Мудофаа вазири томонидан;

- С) ЎзР Бош Прокурори томонидан;
- Д) ЎзР Олий Мажлиси ЎзР Президентининг тақдимномаси билан;
- Е) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

69. Вилоят, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ким томонидан ва қанчага тайинланадилар?

- А) ЎзР Бош Прокурори 5 йилга;
- В) ЎзР Олий Мажлиси ЎзР Президенти тақдимномаси билан 5 йилга;
- С) Тегишли ҳоким томонидан 10 йилга;
- Д) ЎзР Адлия вазири 10 йилга;
- Е) ЎзР Президенти 5 йилга.

70. Вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ким томонидан лавозимидан озод этилади?

- А) ЎзР Олий Мажлиси;
- В) ЎзР Президенти;
- С) ЎзР Бош Прокурори;
- Д) ЎзР Адлия вазири;
- Е) ЎзР прокуратура коллегияси.

71. ЎзР Бош прокурорининг 1-ўринбосари ким томонидан тайинланади?

- А) ЎзР Бош Прокурори;
- В) ЎзР Президенти тақдимномасига биноан ЎзР Олий Мажлиси;
- С) ЎзР Адлия вазири;
- Д) ЎзР Олий Мажлисининг тасдиғи ЎзР Президенти;
- Е) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ЎзР Президентининг тасдиғи билан.

72. Прокуратура ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ва интизомий жавобгарлик тўғрисидаги масалалар ким томонидан ҳал қилинади?

- А) ЎзР Президенти;
- В) ЎзР Бош Прокурори;
- С) Ички ишлар вазири;

- Д) Юқори турувчи прокурор;
- Е) ЎзР Олий Мажлиси.

73. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ким томонидан ўз лавозимидан озод этилади?

- А) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси;
- В) ЎзР Президенти Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан;
- С) ЎзР Адлия вазири;
- Д) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ЎзР Бош прокурори розилиги билан;
- Е) ЎзР Олий Мажлиси ЎзР Президентининг розилиги билан.

74. Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратура коллегиясининг тузилишини тўғри кўрсатинг:

А) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори (раис), унинг 1-ўринбосари, ўринбосарлар, прокуратура органларининг бошқа ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири;

В) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлар, прокуратура органларининг бошқа ходимлари;

С) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, ЎзР Бош прокурори (раис), унинг 1-ўринбосари, ўринбосарлар, прокуратура органларининг бошқа ходимлари;

Д) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, ЎзР Бош прокурори (раис), Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, ЎзР Бош прокурори ўринбосарлари, ва Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг 1-ўринбосари;

Е) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори (раис), унинг 1-ўринбосари ва ўринбосарлари, ЎзР Бош прокурорининг 1-ўринбосари, прокуратура органларининг бошқа ходимлари, Адлия вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раиси.

75. Қуйида кўрсатилган тушунчаларнинг қайси бири прокуратуранинг ташкил этиш тамойили ҳисобланади?

- A) Тезкор ҳукмлар;
- B) Прокуратура органларининг бирлиги ва марказлашганлиги;
- C) Жиноий ишни қўзғатиш;
- D) Жиноятларни қўриб чиқиш;
- E) Прокурорларнинг тайинланиши.

76. Прокуратура органлари коллегиясининг энг муҳим қарорларини ҳаётга татбиқ этади?

- A) ЎЗР Бош прокурори ва тегишли прокурорларнинг кўрсатмалари билан;
- B) ЎЗР Бош прокурори томонидан тасдиқланган йўриқномалари билан;
- C) ЎЗР Бош прокурори ва тегишли прокурорларнинг буйруғи билан;
- D) ЎЗР қонунлари ва халқаро шартномалари билан;
- E) Прокурорларнинг қарорлари билан.

77. ЎЗР прокуратура органларининг фаолиятини таъминлаш ва тартибга солиш ҳамда уларнинг ваколатларини қандай белгиланади?

A) ЎЗР Конституциясига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ЎЗР Бош прокурорнинг буйруқлари, ва (бошқа) Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган бошқа ҳуқуқий актлар билан;

B) ЎЗР Конституцияси, ЎЗР "Прокуратура тўғрисида"ги қонун ва ҳуқуқий актлар билан;

C) ЎЗР Конституцияси, ЎЗР "Прокуратура тўғрисида"ги қонун, ЎЗР Бош прокурори буйруқлари, халқаро шартнома ва битимлар, ҳамда ЎЗР ҳудудида амалда бўлган бошқа ҳуқуқий актлар билан;

D) ЎЗР Конституцияси, ЎЗР "Прокуратура тўғрисида"ги қонун, ЎЗР Бош прокурорнинг кўрсатмалари, фармойишлари ҳамда бошқа ҳуқуқий актлар билан;

E) Халқаро шартнома ва битимлар, ЎЗР Конституцияси, ЎЗР "Прокуратура тўғрисида"ги қонун, Жиноят-процессуал Кодекси, Жиноят Кодекси ва бошқа норматив ҳуқуқий актлар билан.

78. ЎзР Бош прокурорнинг фаолияти кимга бўйсундирилган?

- A) ЎзР Олий судига, ЎзР Президентига;
- B) ЎзР Конституциявий суд ва Олий Мажлисга;
- C) ЎзР Президенти ва Олий Мажлисга;
- D) ЎзР Президенти, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ва Олий мажлисга;
- E) ЎзР Адлия вазири, Тошкент шаҳар ҳоқими ва ЎзР Президентига.

79. Прокурорнинг шикоят ёки ариза бўйича қабул қилган қарори устидан қаерга шикоят қилса бўлади?

- A) Туман (шаҳар) судига;
- B) ЎзР Конституциявий судига;
- C) ЎзР Адлия вазирлигига;
- D) юқори турувчи прокурорга;
- E) ҳоқимиятга, судга.

80. ЎзР Бош прокурорининг ҳисобдорлигини аниқланг:

- A) ЎзР Бош прокурори ЎзР Президенти ва ЎзР Олий мажлиси олдида ҳисобдор;
- B) ЎзР Бош прокурори ЎзР Президенти олдида ҳисобдор;
- C) ЎзР Бош прокурори ЎзР Конституциявий суд ва Ўзбекистон Ресепубликаси Президенти олдида ҳисобдор;
- D) ЎзР Бош прокурори ЎзР Президенти, ЎзР Олий Мажлиси ва ЎзР Конституциявий суд олдида ҳисобдор;
- E) ЎзР Бош прокурори ЎзР Олий Мажлиси олдида ҳисобдор.

81. ЎзР "Прокуратура тўғрисида"ги қонун қачон қабул қилинган?

- A) 1992 йил 3 июлда;
- B) 1995 йил 6 майда;
- C) 2001 йил 29 августда;
- D) 1994 йил 22 сентябрда;
- E) 1995 йил 1 апрелда.

82. ЎзР Бош прокурорининг 1-ўринбосари ким тайинлайди ва лавозимидан озод қилади?

- А) ЎзР Бош прокурори;
- В) прокуратура органларининг коллегияси;
- С) ЎзР Олий Мажлиси тасдиғи билан Адлия вазирлиги;
- Д) ЎзР Олий Мажлиснинг тасдиғи билан ЎзР Президенти;
- Е) ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғи билан ЎзР Президенти.

83. ЎзР Прокуратура коллегиясининг шахсий тузилиши ким томонидан тасдиқланади?

- А) ЎзР Олий Мажлисининг тасдиғи билан ЎзР Президенти томонидан;
- В) ЎзР Президенти томонидан;
- С) ЎзР Бош Прокурори томонидан;
- Д) ЎзР Олий Мажлиси;
- Е) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси.

84. Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг 1-ўринбосари ва ўринбосарлари ким томонидан тайинланади ва лавозимдан озод этилади?

- А) ЎзР Бош Прокурори;
- В) ЎзР Бош Прокурорнинг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан;
- С) Қорақалпоғистон Республикаси Олий вакиллик органи томонидан;
- Д) Қорақалпоғистон Республикаси Прокурори;
- Е) ЎзР Президентининг розилиги билан ЎзР Бош прокурори томонидан.

85. Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратура коллегиясининг шахсий тузилиши ким томонидан тасдиқланади?

- А) ЎзР Президенти;
- В) ЎзР Бош Прокурори;
- С) Қорақалпоғистон Республикаси Прокурори;
- Д) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси;
- Е) ЎзР Олий Мажлиси.

86. ЎзР Бош прокурори барча ходимлари учун умуммажбурий бўлган қандай актларни чиқаради?

- А) қарорлар, тақдимномалар, ёзма кўрсатмалар;

- В) огоҳлантиришлар, қонунлар, фармонлар, эътирозлар;
- С) жиний ишларни кўзгатиш тўғрисидаги қарорлар, йўриқномалар, фармонлар;
- Д) буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар;
- Е) эътирозлар, ёзма кўрсатмалар, йўриқномалар.

87. Қонунга зид бўлган акт бўйича прокурор ёки унинг ўринбосарлари шу актни қабул қилган ёки юқори турувчи органга тақдим этиладиган ҳужжат бу...

- А) Ёзма кўрсатма;
- В) қарор;
- С) эътироз;
- Д) кўрсатмалар;
- Е) огоҳлантиришлар.

88. Прокуратура зиммасига юклатилган муаммоларни ҳал қилишда энг муҳим шартларни кўрсатинг:

- А) Прокуратура органларининг депортизацияси, тайинланувчанлик, бирлик ва марказлашганлик;
- В) Ваколатлик, юқори маънавий фазилат, ҳамда прокурор тергов ходимларининг онгли шахсий тартиб;
- С) Мустақиллик, ошкоралик, ЎзР Президенти олдида ҳисобдорлик;
- Д) Ишдаги фаоллик, қонунга ҳурмат, прокуратура органлари ходимларининг адолатлигини;
- Е) Қонун устуворлиги, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жиний жавобгарликнинг қўлланилиши.

89. Вилоят прокурорлари ким томонидан ўз лавозимидан озод этилади?

- А) ЎзР Олий Мажлис тасдиғи билан ЎзР Президенти томонидан;
- В) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан;
- С) ЎзР Президенти розилиги билан ЎзР Олий Мажлис томонидан;
- Д) ЎзР Бош Прокурори томонидан;
- Е) ЎзР Президентининг розилиги билан ЎзР Бош Прокурори томонидан.

90. Прокуратура органлари лавозими биринчи бор тайинланаётган шахс томонидан қабул қилинадиган қасамёд матни ким томонидан тасдиқланади?

- A) ЎзР Бош Прокурори;
- B) ЎзР Президенти;
- C) ЎзР Олий Мажлиси;
- D) ЎзР Олий Мажлис тасдиғи билан ЎзР Президенти томонидан;
- E) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси.

91. Прокурорларни аттестациядан ўтказиш тартиби ким томонидан белгиланади?

- A) ЎзР прокуратура ходимлари мукофатлаш ва интизомий жавобгарлик тўғрисидаги Низом билан;
- B) ЎзР Президенти;
- C) ЎзР Бош Прокурори;
- D) ЎзР Олий Мажлиси;
- E) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси.

92. Прокуратура ходимларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик, интизомий жавобгарлик масалалари ким томонидан ҳал қилинади?

- A) ЎзР Олий Мажлиси;
- B) ЎзР Президенти;
- C) Юқори турувчи прокурор;
- D) Бош прокурор;
- E) Суд.

93. Дастлабки терговни амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларни кўрсатинг:

- A) Прокуратура терговчилари, ички ишлар органларининг терговчилари, миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари, прокурорлар, ЎзР Президентини қўриқлаш хизматининг ходимлари, хусусий изқуварлар, ҳарбий қисм командирлари;
- B) Прокуратура терговчилари, ички ишлар органларининг терговчилари, миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари, прокурорлар;
- C) Прокуратура терговчилари, ички ишлар

органларининг терговчилари, судьялар, суд терговчилари, миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари;

Д) Прокуратура терговчилари, ҳарбий прокуратура терговчилари, транспорт прокуратурасининг терговчилари, ички ишлар органларининг терговчилари, миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари, солиқ инспекцияси ва божхона терговчилари, прокурорлар;

Е) Прокуратура терговчилари, ички ишлар органларининг терговчилари, миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари, суд терговчилари, хусусий изкуварлар, прокурорлар.

94. ЎзР Ички ишлар вазирлиги ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда қандай принципларга асосланади?

А) бирлик, марказлашганлик, мустақиллик, айбсизлик презумпцияси;

В) қонунийлик, шахсларнинг қонунларини ҳимоя қилиш, ошкоралик, ҳақиқатни ўрнатиш;

С) якка бошчилик асосидаги коллегиялик, қонунийлик, шахсга ҳурмат, байналминаллик, ошкоралик, давлат органлари билан ҳамкорлик, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик, ижтимоий фикрни инobatга олиш, ирқига, тилига, ўтроқлигига қараб ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқларини чеклашга йўл қўймаслик;

Д) қонунийлик, ошкоралик, департизациялашган якка бошчилик асосидаги коллегиялик, шахсга ҳурмат, байналминаллик, давлат тилини билиш;

Е) Айбсизлик презумпцияси, шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ошкоралик, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва аҳоли билан ҳамкорлик, ижтимоий фикрни инobatга олиш ва байналминаллик;

95. Адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияни қайси давлат органи беради?

А) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари;

В) ЎзР Адлия вазирлиги;

- С) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси;
- Д) Адлия вазирлигининг квалификация комиссияси;
- Е) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

96. ЎзР "Адвокатура тўғрисида"ги қонуни қачон қабул қилинган?

- А) 1992 йил 9 декабрда;
- В) 1996 йил 27 декабрда;
- С) 1993 йил 6 майда;
- Д) 1997 йил 26 декабрда;
- Е) 1994 йил 22 сентябрда.

97. Адвокат ёрдамчиси ким бўла олади?

- А) 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар;
- В) Олий касбий фазилатларга эга, олий юридик маълумотга эга, давлат тилини яхши биладиган шахслар;
- С) Юридик маълумотга эга ЎзР фуқароси;
- Д) Юридик маълумотга эга, тегишли малака имтиҳонини топширган ЎзР фуқароси;
- Е) 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотга эга бўлган ва тегишли малака имтиҳонини топширган ЎзР фуқароси.

98. Адвокатлик фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш қайси ҳолатларда юз беради?

- А) ЎзР Президентининг Фармони билан;
- В) ЎзР Адлия вазирининг қарори билан;
- С) Лицензияни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш билан;
- Д) ЎзР Бош Прокурорининг тегишли буйруғи билан;
- Е) ҳамма жавоблар тўғри.

99. Қайси ҳолларда лицензия тўхтатиб қўйилади ёки бекор қилинади?

- А) ЎзР Адлия вазири қарори асосида ЎзР Олий Мажлиси томонидан;
- В) кучга кирган суд қарори асосида ЎзР Адлия вазирлиги томонидан;
- С) малака комиссиясининг интизомий жавобгарлик тўғрисидаги қарор асосида шу лицензияни берган орган томонидан;

Д) малака комиссиясининг қарори асосида ҳоким томонидан;

Е) ЎзР Адлия вазирининг хулосаси асосида ЎзР Президенти томонидан.

100. Лицензияни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш қарорга нисбатан қаерга шикоят қилиш мумкин?

А) шикоят қилиш мумкин эмас;

В) Конституциявий суд ва прокурорга;

С) ЎзР Президенти ёки ЎзР Олий Мажлисга;

Д) тегишли ёки юқори турувчи ҳокимга;

Е) ЎзР Адлия вазирлиги ёки судга.

101. Ким адвокат ёрдамчиси бўлаолмайди?

А) 25 ёшга тўлмаган, юридик маълумотга эга бўлмаган шахслар;

В) тегишли тартибда муомалага лаёқатсиз ёки қисман лаёқатли деб топилган шахслар;

С) агар шу шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса;

Д) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар;

Е) барча жавоблар тўғри.

102. Интизомий жавобгарликнинг қайси турлари адвокатга нисбатан қўлланилиши мумкин?

А) Огоҳлантириш, ҳайфсан, қатъий ҳайфсан;

В) Огоҳлантириш, ҳайфсан, ишдан бўшатиш;

С) Огоҳлантириш, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиясини 6 ой муддатга тўхтатиб қўйиш, лицензияни бекор қилиш;

Д) Лицензияни бекор қилиш; адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияни 3 ойга тўхтатиб қўйиш, ҳайфсан;

Е) Танбеҳ, жарима, лавозимдан четлатиш, лавозимдан озод этиш, лицензияни бекор қилиш.

**Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси О.У.М.Т.В. 2002 йил
Тасдиқланган**

Дастур

**Соҳа: "Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза
қилувчи органлар"**

**Йўналиш 5380100- Юриспруденция
(код ва номи)**

2. Фан бўйича дастур

1-мавзу: "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг тушунчаси, предмети ва қонунчилик манбалари

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, унинг белгилари ва тушунчаси, мақсад ва вазифалари. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг йўналишлари (функциялари). Конституциявий назорат, одил судлов, судлар фаолиятини ташкилий таъминоти, прокурор назорати билан ўзаро муносабатлари, жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш, жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам ва муҳофазани амалга ошириш. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари тизимида конституциявий назорат ва одил судловнинг алоҳида ўрни. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг вакиллик ва ижроия органлари билан ўзаро муносабатлари. "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг предмети ва тизими. Унинг бошқа юридик соҳалари билан боғлиқлиги. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва уларнинг фаолияти бўйича қонунчилик ҳамда бошқа ҳуқуқий актларнинг умумий тавсифи. Шу актларнинг мазмуни ва юридик аҳамияти бўйича классификацияси. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташкил этилиши ва фаолиятига тегишли халқаро ҳужжатларнинг асосий тавсифи. ЎзР Конституцияси, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими ва ташкилий фаолиятини такомиллаштиришдаги аҳамияти.

2-мавзу: "Суд ҳокимияти тушунчаси ва унинг бошқа давлат тармоқлари билан ўзаро алоқадорлиги"

Суд ҳокимиятининг тушунчаси ва асосий белгилари. Унинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан алоқадорлиги. Ҳокимиятлар бўлининининг мазмуни. Суд ҳокимияти ваколатларининг умумий тавсифи. Суд-суд ҳокимиятининг органи сифатида. Ўзбекистонда суд тизими ўрнатилиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари. Суд тизимининг умумий тушунчаси. Ҳозирги босқич суд тизимининг тузилиши: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди

ва унга бўйсунувчи умумий юрисдикция судлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари. Суд тизимининг бўғини тушунчаси. Асосий судлар, ўрта бўғин ва олий судлар. Суд инстанцияси тушунчаси. Фуқаролик ва жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрувчи суд инстанциялари. Юқори турувчи ва олий суд инстанциялари.

3-мавзу: Одил судлов ва унинг демократик асослари (тамойиллари)

Одил судлов тушунчаси ва унинг белгилари. Унинг бошқа давлат фаолият органларидан фарқи. Одил судлов мавқеини кўтаришга мўлжалланган тадбирлар. Одил судловнинг демократик асослари (принциплари). Уларнинг умумий тушунчаси, вужудга келиш асослари ва мазмуни, қонунчилик. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши. Суд таркибининг қонунийлиги, ваколатлилиги ва холислигини таъминлаш. Судьялар ҳамда халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ва фақатгина қонунга бўйсунуши. Одил судловни амалга оширишда барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги. Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи билан таъминланиши. Томонларнинг ўзаро тенглиги ва тортишувчилик. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш. Айбсизлик презумпцияси. Судларда ишларни кўриб чиқишнинг ошкоралиги. Суд ишларини юритиш тили. Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчиларининг иштироки.

4-мавзу: Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари — умумий юрисдикция судлари тизимининг асосий бўғини сифатида. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман шаҳар судларининг таркиби ва ваколат доираси. Фуқаролик ишлари

бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг раиси, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Суд раиси ва суд ишларининг ташкилий фаолиятини амалга ошириш.

5-мавзу. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар судларининг таркиби ва ваколатлари, уларнинг умумий юрисдикция судлар тизимида тутган ўрни. Қуйи турувчи органлар устидан назоратни олиб бориши. Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, уларнинг умумий юрисдикция судлар тизимида тутган ўрни. Уларнинг қуйи турувчи судлар фаолияти устидан назорати. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг ваколатлари. Суд раёсати, унинг таркиби, ташкил этилиш асослари ва судлов ваколатлари. Раёсат ваколатларини ташкил этиш. Суд ҳайъати, унинг шаклланиш асослари ва ваколатлари. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Раиснинг суд фаолиятини амалга ошириш ва шу соҳада ҳуқуқларининг чегараси. Суд раисининг ўринбосарлари, суд ҳайъатларининг раиси, уларнинг ваколатлари. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг суд ишларининг ташкилий фаолиятини амалга ошириш. Суд Аппарати.

6-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишлар бўйича олий суд органи сифатида. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг ваколатлари. Умумий юрисдикция судлари фаолияти устидан судлов назорати. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи. Суд таркиби ва унинг тузилиши Ўзбекистон Республикаси Олий суд

Пленуми. Унинг таркиби, чақириш тартиби, судлов ва ташкилий ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Раёсати. Раёсат таркиби ва ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суд ҳайъати ва унинг таркиби. Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси. Унинг ваколатлари. Раис ўринбосарлари. Суд ҳайъатларининг раиси. Олий суд фаолиятнинг ташкил этилиши, унинг аппарати. Ўзбекистон Республикаси Олий суд қошидаги илмий-маслаҳат кенгаши, унинг таркиби ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Олий суд қарори.

7-мавзу: Ҳарбий судлар

Ҳарбий судлар тизими. Ҳарбий судлар таркиби. Уларнинг мақсадларини ўзига хос хусусияти, унинг ваколатлари. Ишларнинг ҳарбий судларга тегишлилиги. Турли бўғиндаги ҳарбий судлар судловига тегишлилик. Ҳарбий судлар фаолиятининг ташкил этилишини таъминлаш.

8-мавзу Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судини ташкил этиш тартиби, унинг таркиби, ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркиби. Олий ҳўжалик суди Пленуми, уни чақирилиш тартиби ва ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Пленуми томонидан масалаларнинг ҳал қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раёсати, унинг таркиби ва ваколатлари. Олий ҳўжалик суди ҳайъати. Олий ҳўжалик суд ҳайъатлари раислари. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари.

9-мавзу. Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари

Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг таркиби ва ваколатлари.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят хўжалик суди, Тошкент шаҳар хўжалик судларининг раиси ва раис ўринбосарлари.

10-мавзу. Ўзбекистон Республикасида Конституциявий назорат тушунчаси

Конституциявий назорат тушунчаси, унинг асосий мақсадлари ва давлат ҳуқуқий механизмида тутган ўрни. Конституциявий назорат тўғрисидаги қонунчилик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкилий фаолияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд ваколатлари ва суд тизимида тутган ўрни. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкилий принциплари. Конституциявий суднинг шаклланиш тартиби. Судьяликка номзодга қўйиладиган талаблар. Конституциявий суд судьясининг ҳолати. Конституциявий суд қарорлари: унинг турлари, мазмуни ва тузилиши, қабул қилиш тартиби, юридик аҳамияти.

11-мавзу. Судьялар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Судьялар корпуси, унинг тушунчаси ва таркиби. Судьялар мақомининг бирлиги, уларга қўйиладиган талаблар, судьялар корпусини шакллантириш. Судьяликка номзодлар учун қўйиладиган талаблар. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби. Судьялар қасамёди. Судьяларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

12-мавзу. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари

Судьялар мустақиллигини таъминлаш судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари: судьяларга нисбатан ҳурматсизлик учун жавобгарлик. Суд ишларининг ҳал қилинишига аралашининг йўл қўйилмаслиги. Судьялар ваколатини вақтида тўхтатиш ва муддатдан ўтган ишларинг тугатилиши. Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги. Судьяларнинг малакавий ҳайъати, уларни ташкил этиш

тартиби ва ваколатлари. Судьялар аттестацияси ва малака даражаларининг берилиши. Суд аппарати ходимларининг малака даражалари. Судьяларнинг моддий таъминоти: лавозимига кўра маошларини белгилашнинг асосий қоидалари, таътил муддатини белгилаш, турар-жой билан таъминлаш. Халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий ҳолати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколат бериш тартиби. Улар мустақиллигининг кафолатлари.

13-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва унинг органлари

Прокурор назорати — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларни бир хил ва аниқ татбиқ қилиниши устидан назорати. Прокуратура вазифалари, прокуратурани ташкил этиш ва фаолиятининг асосий тамойиллари. Прокурор назоратининг бошқа прокуратура фаолияти йўналишлари — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш, жиноят ишларида айбловни қувватлаш. Прокуратура органларининг тизими ва уларни ташкил этиш. Ҳарбий прокуратура ва унинг тизими. Прокурор лавозимига тайинланаётган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар. Прокуратура терговчилари. Прокуратура ходимларининг малака даражалари. Прокуратура ходимларини рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш. Прокуратуранинг давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабати. Прокуратура органлари ишини ташкил этиш.

14-мавзу. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари

Жиноятларни очиш ва тергов қилиш ҳамда жиноят содир этган шахсларни фош этиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси сифатида. Бу фаолият турлари: тезкор — қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов. Уларнинг умумий таснифи ва ўзаро муносабати. Тезкор — қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган органлар. Бу органлар тизими ва ваколат доираси. Жиноятларни очиш ва айбдорларни фош этиш бўйича бу органлар ҳулосасининг

юримдик аҳамияти. Суриштирув органлари. Милиция - суриштирув органи сифатида. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги. Милиция таркиби ва тузилиши. Солиқ ва бошқона қўмиталари; таркиби тузилиши, ваколати. Бошқа суриштирув органлари. Суриштирув органлари хулосаларининг юримдик аҳамияти. Дастлабки тергов органлари МХХ, Прокуратура ва ИИВ тергов аппарати. Бу аппарат терговчилари асосий мансабдор шахслар сифатида, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Кимга тегишлилигидан қатъи назар терговчиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бирлиги. Терговчиларнинг тергов бўлим бошлиқлари ва прокурорларнинг ўзаро муносабатлари дастлабки тергов хулосаларининг юримдик аҳамияти.

15-мавзу: Жиноят ишлари бўйича юримдик ёрдам ва ҳимоя, уларнинг ташкил этилиши

Юримдик ёрдам олиш ҳуқуқи инсон ва фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқи сифатида. Юримдик ёрдам мазмуни. Адвокатура, унинг тушунчаси, ташкил этиш тамойиллари. Унинг юримдик ёрдам кўрсатиш турлари. Адвокатлар ҳайъати ва уларни ташкил этиш тартиби, таркиби ва функциялари. Юримдик ёрдам кўрсатадиган бошқа ташкилотлар. Адвокатлар бюроси. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари. Адвокатларга ҳақ тўлаш. Адвокатларнинг ижтимоий ҳуқуқлари. Малака ҳайъатлари. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияни тўхтатиш ёки бекор қилиш. Адвокатура ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

16-мавзу: Чет давлатларнинг суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқ тартибот органлари

Чет давлатларда суднинг асосий вазифалари, ташкилий тамойиллари ва фаолияти, ҳамда прокуратура ва бошқа органлар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ривожланиш тенденциясини ўрганишда хорижий давлатларнинг тажрибаси.

3. Амалий ёки семинар машғулоти, лаборатория ишлари, рефератлар, курс ишларининг таҳлилий мавзулари рўйхати

3.1. Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

1. "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" фанининг тушунчаси, предмети ва қонуний манбалари.

2. Суд ҳокимиятининг тушунчаси ва унинг бошқа ҳокимият тармоқлари билан ўзаро муносабати.

3. Одил судлов ва унинг демократик асослари (тамойиллари).

4. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, ташкил этиш тартиби, таркиби, ваколати.

9. Қор. Республикаси ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат тушунчаси.

11. Судьялар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

12. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва унинг органлари.

14. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари.

15. Жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам ва ҳимоя, уларнинг ташкил этиши.

16. Чет давлатларнинг суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тарғибот органлари.

3.2. Назорат топшириқларининг тахминий мавзулар рўйхати

1. Суд ҳокимиятининг тушунчаси ва унинг бошқа ҳокимият тармоқлари билан боғлиқлиги.

2. Одил судлов ва унинг демократик асослари.

3. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими.
4. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди.
5. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судлари.
6. Конституциявий суд.
7. Судьялар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
8. Судьялар мустақиллигининг асосий қафолатлари.
9. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва унинг органлари.
10. Дастлабки тергов ва суриштирув органлари.
11. Жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам ва ҳимоя, уни ташкил этиш.
12. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари.
13. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди, уни ташкил этиш, таркиби ва ваколатлари.
14. Ҳарбий судлар.
15. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар соҳасининг қонунчилик манбалари.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати.
17. Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органларининг тизими.
18. Ўзбекистон Республикаси да адвокатура органлари.
19. Ўзбекистон Республикасида наториат.
20. Одил судлов тушунчаси ва уни фарқловчи белгилари.
21. Айбсизлик презумпцияси — Одил судлов принципи сифатида.
22. Адвокатура тушунчаси ва унинг ташкилий тамойиллари.
23. Судьялар мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi.
24. Одил судловни амалга оширишда барчанинг қонун олдида тенглиги.
25. Фуқароларни судда ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши.
26. Суд ишини юргизишнинг миллий тили.
27. Суд инстанцияси тушунчаси.
28. Ўзбекистон Республикасида суд органларнинг ташкил этилиши ва тарихий ривожланиши босқичлари.

29. Ўзбекистон Республикасида Прокуратура органларининг ташкил этилиши ва тарихий ривожланиш босқичлари.

30. Прокуратура органларининг фаолияти, йўналишлари ва ташкилий тамойилларининг асослари.

3. АМАЛИЙ ЁКИ СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ, ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ, РЕФЕРАТ, КУРС ИШЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ РҲЙХАТИ

3.1. Семинар машғулотларининг намунавий мавзулари

1. Суд ҳокимияти тушунчаси ва унинг давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабати.

2. Одил судлов ва унинг демократик асослари (тамойиллари).

3. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

6. Ҳарбий судлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди, унинг шаклланиш тартиби, таркиби, ваколатлари.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят, Тошкент шаҳар хўжалик судлари.

9. Ўзбекистон Республикасида Конституциявий назорат тушунчаси.

10. Судьялар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

11. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва унинг органлари.

13. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари.

14. Жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам ва унинг ташкил этилиши.

15. Хорижий давлатларда суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқ тартибот органлари.

3.2. Назорат топшириқларининг тахминий рўйхати

1. Суд ҳокимияти тушунчаси ва унинг давлат ҳокимиятини бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабати.

2. Одил судлов ва унинг демократик асослари (тамойиллари).

3. Ўзбекистон Республикаси суд тизими.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.

5. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судлари.

6. Конституциявий суд.

7. Судьялар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.

8. Судьялар дахлсизлигининг асосий кафолатлари.
9. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва унинг органлари.
10. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари.
11. иноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва унинг ташкил этилиши.
12. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, унинг шаклланиш тартиби, таркиби, ваколатлари.
14. Ҳарбий судлар.
15. "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" фанининг қонуний манбалари.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати.
17. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари.
18. Ўзбекистон Республикасида адвокатура органлари.
19. Ўзбекистонда нотариат.
20. Одил судлов тушунчаси ва унинг алоҳида белгилари.
21. Айбсизлик презумпцияси-одил судлов тамойили сифатида.
22. Адвокатура, унинг тушунчаси, ташкил этилиши тамойиллари.
23. Судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунishi.
24. Барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида одил судловни амалга ошириш.
25. Фуқароларнинг судда ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш.
26. Суд ишларини юритишда миллий тил.
27. Суд инстанцияси тушунчаси.
28. Ўзбекистонда суд органларининг ривожланишининг тарихий босқичлари.
29. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ривожланишининг тарихий босқичлари.
30. Прокуратура органларининг асосий йўналишлари.

Р92 Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н.
Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари:
Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.:
«ZAR QALAM» 2005. 600-бет.
Сарлавҳада.: Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги. ТДЮИ.

И. Муаллифдош.

ББК 67.7я73

МИРЗАЮСУФ ҲАКИМОВИЧ РУСТАМБОЕВ,
ЕЛЕНА НИКОЛАЕВНА НИКИФОРОВА

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ

Олий ўқув юртлари учун дарслик

Тошкент — «ZAR QALAM» — 2005

Муҳаррирлар: *З. Иноғомжонов*
Техник муҳаррир: *А. Боймаматов*
Мусахҳиҳ: *Л. Шарипова*
Компьютерда саҳифаловчи: *Ф. Нурлибаев*

2005-йил 25-июлда чоп этишга рухсат берилди. Бичими 60x90^{1/10}.
«Таумс» ҳарфида териб, офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 37,5.
Нашр табоғи 38,0. 1000 нусха. Буюртма № 257.

Баҳоси шартнома асосида.

«ILM ZIYO» нашриёт уйида саҳифаланган.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.
Шартнома № 48—2005.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
700128, Тошкент, У. Юсупов кўчаси, 86-уй.